ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР

илмий мақолалар тўплами

10-китоб

Тошкент – 2018

Масъул муҳаррирлар:
Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори
Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди

Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар:
Алишер ИСМАИЛОВ, Жасурбек АҲМЕДОВ

Тақризчилар:
т.ф.д. Б.В.Ҳасанов, т.ф.н. Д.Курязова

«Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар» «Материальное, духовное наследие и общечеловеческое ценности» (Республика илмий-амалий анжумани) Масъул муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, Л.Г. Левтеева; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи. – Т.: «LESSON PRESS», нашриёти, 2018. 417 - б.

ТўпламЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси тўғрисида»ги 178-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2018 йил 12 апрелдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган. Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «ПЗ-20170921174» амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида чоп қилинди.

Ушбу тўплам таниқли олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишларининг муҳим илмий натижалари асосида шакллантирилган.

Тўплам илмий тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

©Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2018
©»LESSON PRESS «, нашриёти, 2018.

МУЗЕЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Исмаилова Ж.Х.,
Ўзбекистон тарихи давлат
музейи директори, т.ф.д.

Музейлар ўз фаолиятининг мазмун мохияти билан илмий-тадқиқот муассасалари тизимига киради. Музейлар пайдо бўлиши билан бир вақтда уларнинг илмий фаолияти хам шаклланиб борган. Музейнинг бутун фаолияти тўғридан тўғри илмий тадқиқотлар билан боғлиқдир. Тадқиқотларсиз фондларни жамлаш, ашёларни узоқ муддатга сақлаш, экспозициянинг тўлиқ шакллантириш мумкин эмас. Бу музейларнинг нормал холатини илмий тадқиқотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

Музейдаги илмий тадкикот ишлари қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

1.Музейнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш;

2.Фондни жамлаш соҳасидаги тадқиқотлар;

3.Музей предметлари ва коллекцияларини тадқиқ этиш;

4.Фондларни сақлаш ва ҳимоя қилиш сохаси бўйича;

5.Экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойихалаштириш;

6.Музей коомуникацияси сохасидаги тадқиқотлар;

7.Музей иши тарихини тадқиқ этиш;

8.Музейшунослик историографиясини тадқиқ этиш;

Музей концепцияси хақида сўз юритар эканмиз, унинг музей фаолиятида жуда мухим ўринга эга эканлиги ва музейнинг яхлит ривожланиш жараёнини ўз ичига қамраб олганини кўрамиз. Концепцияда музейнинг мақсад ва вазифалари, фаолияти ва ривожланиш босқичлари хамда уни амалга тадбиқ этиш усуллари кўрсатиб ўтилади.[1]

Музей фондини жамлаш музей концепциянинг асоси ҳисобланиб, иш бошлашдан аввал музей фонди тўлиқ тахлил этилади. Фонддаги коллекцияларнинг ахволи, уларни янги ашёлар билан тўлдириш, фондда мавжуд бўлмаган янги коллекцияларни ташкил этиш, музей олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан холда зарур ашёларни тўплаш, асраш, ашёларни хужжатлаштириш тизимини белгиланган тартибда олиб бориш, фонддаги коллекциялар асосида каталоглар тизимини ишлаб чиқиш ва улардан илмий тадқиқот ишларида фойдаланишдан иборат.

[1] Научная работа в музеях. http//www.allbest.ru/

Музей предметлари ва коллекцияларини тадқиқ этиш эса фонддаги предметлар асосида фан учун янги бўлган маълумотларни топиш, сохавий йўналишларда фойдаланиш, унинг тарихий, эстетик, бадиий томонларини комплекс равишда ўрганиш имкониятларини яратади.

Музей фондларини сақлаш ва ҳимоя килиш вазифалари ўзида предметларни сақлаш учун шарт-шароитлар яратиш, хоналарнинг намлиги ва температурасини талаб даражасида сақлаш, коллекцияларни талаб даражасида жойлаш, фондни махсус асбоб-ускуналар билан жихозлаш ҳамда таъмирталаб ашёларни ўз вақтида реставрация килиш кабиларни мужассам килган. Ҳозирда кўпгина музейларда реставраторлар, таксидермистлар каби мутахассисларга эхтиёж сезилади. Реставраторларнинг хаммаси хам бир неча йўналишда таъмирлаш ишларини олиб бора олмайди. Чунки бу соха кўп мехнат ва тажрибани талаб қилувчи касб бўлиб, ўз сохасинипнг устаси бўлиши учун кўп йиллик тажриба жуда мухим ҳисобланади. Афсуски реставраторлар орасида кўпрок ранг тасвир асарлари, сопол, тош, суякдан ясалган предметларни таъмирига мутахассис топиш муаммо эмас. Лекин қоғоз, мато, заргарлик буюмлари, металлдан ишланган буюмларни реставрацияси мураккаб жараён хисобланиб, тарихий предметларни таъмирлашга махсус билимга эга реставраторлар етишмаслиги ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бирига айланган.

Ҳозирда музейларда консервация ва реставрация алохида йўналиш сифатида ривожланмокда. Консервация реставрациянинг биринчи боскичи хисобланиб, у ёдгорликни емирилишига йул қўймайди, яъни биринчи ёрдам кўрсатади. Консервация тезкор ёки профилактика тарзида амалга оширилиши мумкин. Фанда ёдгорликни тиклаш ва унинг қолдиқларини сақлаш вазифасини бажариш назарда тутилган. Консервациянинг устивор тамойили 1964 йилдаги Венеция хартиясида белгилаб берилган.[2]

Реставрация жараёни бошка фан йуналишлари билан чамбарчас боглик булиб, мураккаб илмий асосланган жараён сифатида турли турли мутахассисларнинг тажрибасига таянади. Музейларда олий малакали реставраторларнинг ва замонавий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги экспонатларнинг сақланиш муддатини давомийлиги билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда музей коммуникацияси бир неча сохаларнинг хамкорлиги, яъни педогогика, психиология, социология ва музейшунослик тармоқларининг комплекс равишда иш юритиши билан ажралиб туради. Биз нафақатгина коммуникация сохасини, балки музей фаолиятининг барча йўналишларини кўплаб сохавий тармоқларсиз

[2] Салова Ю.Г. Научно-исследовательская работа в музеях Центральной России. Методические указания. Ярославль. 2012 г. 12 стр.

тасаввур эта олмаймиз. Бу музейларни бошқа сохалардан ажратиб турувчи хусусияти десак муболаға бўлмайди.

Музей коммуникаясини ўрганиш, ривожлантириш ва амалга татбиқ этишда психологлар, социологларнинг ёрдами беқиёсдир. Ташрифчиларнинг экспозициядаги холати, уларни экскурсоводга, экспозицияга, экспонатларга, умуман олганда музейда яратилган барча шарт-шароитларга қандай қараши ва қабул килиши музейнинг биринчи навбатда ўрганадиган объекти ҳисобланади. Чунки музей ходимлари яратган экспозицияни баҳоси ташрифчиларнинг эътирофи билан ўлчанади. Шу сабабли ҳам ташрифчиларни анкета оркали фикр ва мулохазаларини ўрганиш, таклифларини инобатга олиш, педогогик нуқтаи назардан экспозицияни тарбиявий аҳамиятини кучайтириш, музей ашёларини намойиш килиш, маълумотларни тақдим этиш, витриналарни жойлашиш тартиби ва матнларни ўқиш учун ташрифчининг бўйи ҳамда кўриш тизимининг нормал холатини инобатга олиш, замонавий техника тизимидан унумли фойдаланиш ва қулайликлар яратиш усулларини индивидуал тарзда ишлаб чиқиш музейга нисбатан ташрифчиларнинг қизиқишини орттириб боради.

Музей иши тарихи йиллар давомида музейшунослик сохасини шаклланиш, ривожланиш жараёнларини ўрганиш билан бир қаторда, жаҳондаги машҳур музейларнинг иш услуби, сохавий янгиликлар, янги лойихалар, таълим тизими билан ҳамкорликнинг замонавий усулларини ҳрганишда ва тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда маданиятшунослик, музешуйнослик сохалари бўйича илмий тадқиқот институтлари, марказлари, олий таълим тизими кафедралари ва катта музейларда музейшунослик бўйича тадқиқот ишлари олиб борилади. Ҳозирда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан холда дунё бўйича ушбу сохани ривожи ўзининг юксак чўққисига кўтарилаётгани, музейшунослик фан сифатида бошқа фан йўналишлари қатори ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиига шохид бўлмокдамиз. Музейларнинг ҳар сохадаги фаолияти илмий объект сифатида тадқиқ этилиши келажакда жамият ва музейлар ўртасидаги алоқаларни янада мустахкамлашда катта роль ўйнайди. Ўзбекистон музейларида ҳам музейшунослик сохасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни кўриш мумкин. Бу холат мамлакатимизда музейшунос олимларнинг сафи кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Музей экспозицияларини ва кўргазмаларини илмий лойихалаш музейдаги илмий-тадкикот ишларини ажралмас қисми хисобланиб, уни ташкил этишда музейнинг илмий салохияти катта роль ўйнайди. Бу ишларни бошлашдаги биринчи қадам концепцияни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, музей ходимлари олдида хар томонлама комплекс равишда мавзуни ўрганиш ва уни нафакатгина назарий, балки кўргазмали

маълумотлар жамланган экспозиция ёки кўргазмага айлантириш вазифаси туради. Сўнг унинг асосида мавзули экспозиция режаси ва унинг структураси ишлаб чиқилади. Концепция асосида рассом дизайнерлар бадиий концепцияни ишлайди. Унда композицион мухит, ёруғлик тизими, залдаги ранглар ечими, витриналар, техник воситалар лойихалаштирилади. Бундан ташкари илмий-ёрдамчи, хусусан схема, харита, диаграмма, реконструкция, макет каби материаллар тайёрлашга ҳам илмий томондан жиддий ёндашилади. Шу тариқа илмий-экспозиция ишлари бошқа илм-фан тармоқлари билан хамкорликда иш олиб боришни тақозо қилади.[3]

Рассом дизайнерлар билан мавзуни қай тарзда кенг масштабда очиб бериш ва мазмун-мохияти жихатидан ташрифчини коникгира оладиган даражага етказилади.

Музейлардаги илмий-тадқиқот ишлари музейнинг ривожланиш илмий концепциясида ташкил топган бўлиб, уларнинг сохавий йўналиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.Музейларда тадқиқот ишлари дастлаб манбаларнинг шаклланиши, яъни фактларни тўплаш ва бир тизимга солиш (фондни жамлаш, ашёларни ажратиш, ҳисобга олиш, дастлабки систематизация), кейин тўпланган материалларни жамлаш(атрибуция, предметлар классификациясини аниклаш, музей предметларини таркибини намоён килиш), кейин эса уларни фан ва маданият тизимидаги ўрнини аниклаш, назарий билимларни шакллантириш ва уни янги илмий қарашлар билан бойитиш, (бу жараён экспозиция концепциясини, илмий-тадкикот ишларини, маданий-маърифий ишларни шакллантириш) ҳамда ушбу натижаларни (экспозиция, кўргазма, нашрлар орқали) жамиятга такдим этиш билан намоён бўлади.[4]

Фонддаги музей предметларини ўрганиш илмий-тадкикот ишларининг асоси ҳисобланиб, музейларнинг қайси соха йўналишида бўлишига қараб турли усулларда, яъни тарих музейларида тарих, археология, антропология ва этнография, табиат музейларида эса биология, геология, тупроқшунослик, физика, химия; бадиий музейларида эса санъатшунослик, маданиятшунослик каби йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Музейдаги илмий тадкикотлар асосини фондда сакланаётган ашёлар, тўлиқ илмий тахлилга мухтож буюмлар ва комплекс равишда тадқиқ этишни талаб қилувчи осори-атиқаларни ўрганиш ташкил этади. Бу тадқиқотларда турли илмий марказларнинг, бошқа музейларнинг олимлари иштирок этиши мумкин.

[3] Салова Ю.Г. Научно-исследовательская работа в музеях Центральной России. Методические указания. Ярославль. 2012 г. 15 стр.
[4]Поправко Е.А.Музееведение. ВГУЭС.2005 г. 230 с. 12 стр.

Музейда олиб борилаётган ҳар бир иш жараёни келажакда музейнирнг хар томонлама тараққиётига асос бўлиб хизмат қилиши даркор. Шу сабабли хам илмий ишларни тўғри ташкил этиш ва режалаштириш музей фаолиятинипнг барча йўналишларини бирлаштирган холда музей олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ ечимини топишда мухим аҳамият касб этади.

Музейга қабул килинган хар бир ашё биринчи ўринда кирим китоби ва инвентарь рўйхатига киритиш жараёнида албатта илмий томондан уни тадқиқ этиш, тасниф бериш ва коллекцияларга ажратиш босқичларидан ўтади.

Биринчи бўлиб хар бир ашё қабул килиш жараёнида атрибуция килинади., яъни ушбу ашёнинг музей предмети сифатидаги аҳамиятини ҳисобга олган холда даври, ишлаб чиқарилган муддати, муаллифи, химиявий ва физикавий таркиби, ашёда қўлланилган материаллар, оғирлиги, хажми каби хусусиятлари аниқланади. Бу холат келажакда ашёни қандай сақлаш, таъмирлаш, консервация қилиш, қайсидир тарихий даврни янги маълумот билан тўлдиришда катта ахамиятга эга. Атрибуция жараёнида экспонатларни таснифлашда мутахассислар томонидан нашр этилган каталоглар, монографиялар, сохавий аниқловчилардан фойдаланилади. Нумизматика, орден ва медаллар, санъат асарлари, клеймолар, қуроллар, тош, металл, сопол, коғоз, мато каби буюмлар каталоглари музейшунослар учун асосий манба бўлиб хизмат килади.

Музейларда мунтазам равишда ташкил қилиниб борилаётган археологик ва этнографик экспедициялар тўлалигича илмий тадқиқот ишларини ўз ичига олади. Экспедиция жойини белгилаш, уни илмий таснифлаш, даврий жихатдан чуқур ўрганиш, ашёларни топиш ва уларни жамият тараққиётидаги аҳамиятини белгилаш биринчидан, бирор фан йўналишини янги маълумотлар билан бойитиш, иккинчидан эса музей фондида янги коллекцияларни ташкил этиш ва бойитишда мухим аҳамият касб этади.

Музей ашёларини сақлашда нафақатгина уларни хисобга олиш ва сақлаш, балки хар бир ашёни органик ва неорганик холатини аниқлаш,физикавий ва химиявий таркибини билиш хамда уларни инобатга олган холда сақлаш муддати, реставрация ва консервация усулларини белгилаш лозим. Бу холатларнинг барчасини амалга ошириш учун музей ходимларининг илмий савиясининг даражаси жуда катта роль ўйнайди.

Музей фондларини хеч қачон тўлиқ жамланган, ашёларни эса тўлиқ ўрганилган дейиш мумкин эмас. Чунки музей жонли организм бўлиб, унинг захираси доимий равишда кўпайиб ва такомиллашиб боради,

ашёларни тадқиқ этиш объекти сифатида янги қўшимча маълумотларни олишга имкон яратади.

Музейлар бошқа илмий муассасалардан фарқли ўлароқ илмий тадқиқот натижаларини нафақат монографиялар, мақолалар, экспедиция хисоботлари, сохавий журналлардагина эмас, балки коллекциялар, кўргазмалар ва экспозицияларда ҳам намоён бўлади[5] Лекин ашёлар орасида йиллар давомида тўлик ўрганиш ва охирги хулосани бериш мумкин бўлмаган тарихи номаълум ашёлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп йиллар давомида ўзининг тўлик атрибуциясига эга бўла олмайди. Бундай холатлар жахондаги машхур музейларда хам тез-тез учраб туради.

Илмий-тадқиқот ишларининг кўпчилиги машҳур музейлар қошида ташкил этилган илмий тадқиқот институтларида олиб борилади. Масалан 1931 йилда Лувр музейидаги коллекцияларни ўрганиш учун илмий-тадкикот лабораторияси ташкил этилган. Хозирда у Франция музейларининг илмий тадқиқот лабораторияси деб аталади. Лабораторияда санъат асарларини ўрганиш, даврини аниқлаш, экспертиза қилиш жараёнлари энг замонавий асбоб-ускуналар амалга оширилади. Бундай лабораторияларни кўплаб машхур музейлар қошида учратиш мумкин.

Музейлардаги илмий-тадкикот ишлари уларнинг йўналишлари билан боғлик бўлади. Тарихга ихтисослашган музейлар жамиятдаги тарихий жараёнларни музейлаштириш орқали инсонларга мамлакатнинг тарихини яхлит намойиш этишда мухим роль ўйнайди. Масалан Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўзининг юз йилдан ортиқ фаолияти давомида ўзбек халқининг тарихий маданий ёдгорликларини тўплаш ва сақлаб келмоқда. Ушбу музейнинг фонд захираси хозирги кунда 300 мингдан ортик бўлиб, улар асосида Ўзбекистоннинг қадимги давридан бошлаб то бугунга кадар тарихи яхлит тарзда намойиш қилиниб келинмокда. Бу музейда йиллар давомида тарихчилар, археологлар, нумизматлар, этнографлар, санъатшунослар, музейшунослар, филологлар каби мутахассислар илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Шунингдек, ҳозирда музейда тарих, археология, музейшунослик асослари, музей педогогикаси мавзулари бўйича ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Музейшунослик бўйича магистрларнинг ва докторантларнинг илмий тадкикотларида фонд коллекциялари, тарихий хужжатлар ва фотонегативларнинг манба сифатидаги ў рни катта. Бундан ташқари ушбу музейни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тасарруфида 1943 йилдан бери фаолият кўрсатиб келиши, уни илмий тадқиқот маркази сифатида шаклланишига катта туртки бўлди.

[5] Юренева .Ю. Музееведение. М. 2006 г. 363-364 стр

Ҳозирда ушбу музей фундаментал, амалий, инновацион грантлар асосида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Музейнинг фонд захирасида сақланаётган ноёб осори-атиқалар кўплаб илмий изланишларга манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай илмий тадқиқот ишларини Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ва бошка музейларда хам кўриш мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги музейларда хам илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ходимлар сонини кўпайтириш масалалари долзарб вазифага айлангани бежиз эмас. Ўзбекистлон музейлари халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини сақлаш билан бир қаторда уни бутун дунёга тарғиб килишда асосий илмий ва маданий маскан сифатидаги хизматлари беқиёсдир.

Ўзбекистондаги йирик музейлар ва музей-кўриқхоналарнинг илмий салохияти юқори бўлиб, улар илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказлар билан доимий хамкорликда ишлайди. Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон курбонлари хотираси музейи, Адабиёт давлат музейлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Тарих, Тил ва адабиёт, Шарқшунослик, Археология ва Санъатшунослик институтлари билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шарқ қўлёзмалари, тарихий хужжатлар ва музей коллекциялари ўзаро илмий лойихаларни амалга оширишда олимлар учун тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бухоро музей қўриқхонасида Нақшбандий тарикати номли илмий марказ ташкил этилган.

Илмий археологик ва этнографик экспедициялар хам музейлар фаолиятининг асоси ҳисобланади. Кўпгина музейлар мунтазам равишда археологик экспедицияларни ташкил этади. Бу ўринда тарих, ўлкашунослик ва археология йўналишларидаги ва музей қўриқхоналарини мисол қилиб келтириш мумкин. Охирги 5 йил давомида Ўзбекистон тарихи давлат музейи Токио университети, ЎзР ФА Археология институти билан, Темурийлар тарихи давлат музейи ЎзР ФА Археология институти билан, Бухоро давлат қўриқхонаси Лувр музейи билан хамкорликда археологик қазишма ишларини олиб бормоқда.

Бу экспедициялар янги илмий натижаларни қўлга киритишда, музей фондини экспонатлар билан бойитишда ва тарих, археология сохасидаги тадқиқотларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Адабиёт, мусиқа, театр, мемориал музейларида хам шу тартибда иш юритилади. Лекин улар бошқа музейлардан фарқли ўлароқ бирон бир тарихий шахсга, адабиёт намоёндасига, санъат ва маданиятнинг бирон бир тармоғига бағишланган бўлиб, мавзу асосида тарихий хужжатлар, фотоматериаллар, уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари, театр костюмлари, санъат асарларини тўплайди, ўрганади ва илмий тадқиқот

ишларини олиб боради. Мемориал музейларнинг кўпчилиги айнан музейга таалуқли шахснинг шахсий уйи, кутубхонасида ташкил этилган бқлиб, бино ёки худуд хам музей предмети сифатида тарихий мухитни яратади. Бу музейларда илмий тадқиқотлар йўналиши ҳам уларнинг фаолияти билан боғлик тарзда олиб борилади.

Музейлар фаолияти ва уларнинг музейшунослик сохасида олиб бораётган илмий изланишлари катта музейлар томонидан чоп этиладиган журналлар, газеталар, тўпламлар, конференция материалларида ўз аксини топади. Жаҳондаги машхур музейларнинг ўз журналлари, жумладан, ЮНЕСКО қошидаги халкаро музейлар Советининг «Museum» журнали, Россияда «Вопросы музеологии», «Мир музея» журнали, Давлат Эрмитаж материаллари», «Арт-гид», Ўзбекистонда «Мозийдан садо» каби журналлардан илмий тадқиқотлар, янги лойихалар, аукционлар, музейлар, галереялар шуинингдек, маданият ва санъат оламидаги янгиликлар, ижодий учрашувлар, кўргазмалар хақида маълумот олиш мумкин. Ҳозирда интернет ресурслари орқали дунёдаги барча музейлар хақида хохлаган маълумотни олиш мумкин. Бу ахборот олиш тизими тезкор ва қулай бўлиб, музейларнинг веб- сахифалари қанчалик мукаммал яратилган бўлса, шунча кўпроқ фойдали ва музей рекламаси сифатида эса бебахо бепул ёрдамчи ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОС ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР

Зияева Д.Х.,
ЎзР ФА Тарих институти т.ф.д., проф.

Жамият тараққиётида интеллектуал салоҳият ва мероснинг ўрни ниҳоятда беқиёс. «XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асри» сифатда тан олинган бугунги кунда ўз тарихига, аждодлар илмий мероси ва тажрибасига чуқур ҳурмат ва эътибор ҳар қандай давлатнинг моддий ҳамда маънавий тараққиётининг асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ўз аждодлари томонидан яратилган маданий меросни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, бугунги ҳамда келажак авлоднинг маънавий мулкига айлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори[6] бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Маълумки, тарихий тараққиётнинг турли босқичларида, хусусан, IX-XII асрлардаги Реннесанс даврида мамлакатимиз ҳудудида интеллектуал салоҳият жаҳон илм-фанига кучли таъсир етказа оладиган даражада юксалди. Бу даврда жаҳон илм-фани Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби буюк олимларнинг илмий кашфиётлари, Абу Наср Форобий, Махмуд Қошғарий каби алломаларнинг асарлари билан, ислом маданияти эса Имом ал-Бухорий, Ал Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Қаффол Шоший, Абу Мансур Мотрудий, Муҳаммад ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ахмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби мутафаккирларнинг ижодий мероси ва ютуқлари билан бойиди.

Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб ватанимиз ҳудудида жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби олимлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби шоир ва мутафаккирлар, Баховуддин Нақшбандий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (Валий) каби тасаввуф намоёндалари, мусаввир Камолиддин Беҳзод, Мирхонд, Хофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Ғиёсиддин Хондамир каби тарихчиларнинг мероси умумжаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бундай улкан интеллектуал салоҳият сўнгги ўрта асрлар, яъни XVI-XIX асрларда ҳам минтақа ҳаётида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Анъанавий интеллектуал мерос, яъни аждодлардан қолган билимлар жамият ҳаёти, тафаккури ва кундалик турмушида ўз аҳамиятини сақлаб қолиб, унга хизмат қилишда давом этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг XIX-XX аср бошларидаги интеллектуал мероси пойдеворини айнан шу асарлар асосида яратилган маҳаллий манбалар, улардан қилинган таржима ва кўчирмалар ташкил этган. Уларнинг таҳлили шу даврда минтақа ҳудудида анъанавий илм-фан ҳолатини, илмий салоҳият ва тафаккур даражасини, аждодлар тажрибасини ўрганиш билан бирга, ўрни келганда унумли фойдаланиш имконини ҳам беради.

Кенг турдаги ушбу манбаларни тадқиқ этиш энг аввало уларнинг рўйхатини аниқлаш ҳамда фан тармоқлари бўйича тизимлаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда республика ва ундан ташқаридаги кутубхоналарда, қўлёзма ва архив жамғармаларида сақланаётган, XIX-

---

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2995-сон қарори. // Халқ сўзи». 2017 йил, 25 май. № 103 (6797)

XX аср бошларига оид тарихий асарлар, илмий тадқиқотлар рўйхатининг[7] 30 % га яқини, аниқроғи 2200 тадан 625 тасини маҳаллий манбалар, яъни ўтган асрларда яратилган қўлёзма ва тошбосма асарлар ташкил қилади. [8]

Умуман олганда эса Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари ва кутубхоналарда 100 мингдан зиёд қўлёзма ва тошбосма асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг салмоқли қисми Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Ушбу қўлёзмалар фонди жаҳон миқёсида беқиёс аҳамиятга эга бўлган бебаҳо хазина сифатида ноёб илмий ва маданий объектлардан бири сифатида ЮНЕСКО нинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Институтнинг қўлёзмалар фонди олтита алоҳида бўлимдан ташкил топган бўлиб, уларда араб, форс, туркий, ўзбек тили ва бошқа шарқ тилларида битилган 26 минг жилд қўлёзма, 39 минг жилд тошбосма китоблар ва 10 мингга яқин тарихий ҳужжатлар жамланган. Ушбу тарихий манбалар орасида XIX-XX аср бошида яратилган асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар турли фан тармоқларига бағишланган бўлиб, сўнгги ўрта асрларда маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган. Улар орасида ўтган асрларда яратилган манбалардан қайта кўчирилган ёки таржима қилинган асарлар 40 % ни ташкил қилади.

XIX аср охирига келиб Ўзбекистон ҳудудига литография, яъни тошбосма усулининг кириб келиши ноширчиликда муҳим воқеа бўлди. Таълим тизими ҳамда кундалик ижтимоий-маданий ҳаётда талабгор бўлган асарлар эндиликда катта нусхаларда босмахоналарда чоп этила бошланди. XIX аср охири - XX аср бошида қўлёзма асарларнинг энг талабгорлари тошбосма усулда нашр этилиши натижасида улардан жамиятнинг кенг қатламлари баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдилар. Тошбосма усулида асосан мадраса ва мактаб дарсликлари, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналари, тарихий, тиббий асарлар, янги усул мактаблари учун ўқув қўлланмалар, диний асарлар чоп этилди.[9]

---

[7] Ўзбекистонда илм-фан тарихига оид манбалар (XIX-XX аср бошлари). Мас. Муҳаррир Д. Зияева // Т. 2017. 271 б.

[8] **طريقة استخراج سوال** (Масала чиқариш йўли). Муаллифи номаълум.Форс-тожик тилида. 1834 йил. ЎзР ФА ШИ 2679/IV; . **شرح كتاب التجنس في الحساب** (Арифметика классификациясига шарҳ китоби). Муаллифи номаълум. Араб тилида. Қўқон. XIX асрнинг биринчи ярми. ЎзР ФА ШИ 6131/VI; **مسئلة الحساب** (Ҳисоб масалалари). Муаллифи номаълум. Форс-араб тилида. XIX аср. ТИУ 120/I; **در بيان سالها** (Йиллар баёни хақида). Муаллифи номаълум. Ўзбек тилида. 1880 йил. ТИУ 252/VI; . **عجائب الطبقات** (Ер қатламлари ажойиботлари). Муаллифи: Муҳаммад Тоҳир бин Абулқосим. Форс-тожик тилида. 1849 йил. ЎзР ФА ШИ 9451; **التواريخ** (Тарихлар тожи). Муаллифи: Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Наққи. Ўзбек тилида. 1800 йил.ЎзР ФА ШИ 2092; . **تاريخ شهرخى** (Шоҳруҳ тарихи). Муаллифи: Мулла Ниёз Муҳаммад бин Ашур Муҳаммад Хўқандий. Форс-тожик тилида. 1871 йил. ЎзР ФА ШИ 1787.

[9] **تعليم حساب** (Ҳисоб таълими). Муаллифи номаълум. Ўзбек тилида. Тошкент. 1912 йил. ЎзР ФА ШИ; **مدخل و فن نجم** (Астрономия фанига кириш). Муаллифи: Муаллим Мирза Ҳаким Ҳўқандий. Ўзбек тилида. 1915-1916 йиллар. ЎзР ФА ШИ 9095; **ملخص الانساب** (Мулаххас ал-Ансоб). Муаллифи: Мулло Авлиёҳожа Муфтий ас-Самарқандий. Форс-тожик тилида. Самарқанд. 1908 йил. СДМҚ КП 3173/4; . **جنگنامة ذوالنون** (Жангномаи Зуфнун). Муаллифи: Абдуллоҳ ибн Аббос. Ўзбек тилида. Тошкент. 1914 йил. СДМҚ КП

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, XIX–XX аср бошларига илм-фан тармоқларига оид кўплаб тарихий манбалар, хусусан, аниқ фанлар (алгебра, арифметика, геометрия,), табиий фанлар (астрономия, астрология, космография, геология, география, минерология, геодезия, гидрография, гидрология, биология, ботаника, зоология), ижтимоий фанлар (тарих, археология, шарқшунослик, этнография), тиббий фанлар (тиббиёт, фармакология, ветеринария), қишлоқ хўжалиги фанлари (селекция, ўсимликшунослик, боғдорчилик, ипакчилик, деҳқончилик, асаларичилик, чорвачилик), диншунослик (ислом таълимоти, тарихи, фалсафаси ва ҳуқуқи) йўналишларидаги 30 га яқин фан тармоқларига оид тегишли манбалар сақланган[10].

Ҳозирга қадар Марказий Осиё табиати, иқлими, ил-фани, иқтисоди, минтақа халқларининг турмуши, урф-одатлари, хўжалиги, тарихига оид ўзбек, турк, араб, форс, хитой, рус, немис, инглиз ва француз тилларида яратилган 2200 дан ортиқ тарихий манбалар аниқланган. Улар қўлёзма ва тошбосма асарлар, илмий-оммабоп адабиётлар, мақолалар, илмий экспедиция материаллари ва ҳисоботлари, шунингдек, статистик маълумот ва ҳужжатлар жамланган тўпламлардан иборат.

Минтақадаги интеллектуал маданий мерос тарихига оид илмий изланишлар доирасига нафақат махаллий манбалар, балки хорижий тадқиқотлар ва нашрларнинг ҳам жалб этилиши бежиз эмас.

Зеро, айнан шу даврда, яъни XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё нафақат махаллий, балки хорижий тадқиқотчиларнинг махсус тадқиқот объектига айланди. Айниқса XIX аср ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё ҳудуди Европанинг ривожланган мамлакатлари – Буюк Британия, Франция, Германия, ҳамда Россия империяси ташқи сиёсатида муҳим геостратегик аҳамият касб эта бошлади.

Шу муносабат билан минтақага уни ўрганиш, унда яшовчи халқлар билан танишиш мақсадида нафақат ҳарбий-сиёсий, балки илмий экспедициялар ҳам уюштирила бошланди[11].

5512/267; **الطب**(Тиббиёт). Муаллифи номаълум. Ўзбек тилида. 1884 йил. Тошкент. ЎзР ФА ШИ 17673; **فظ الصحت مجموعه سي**(Соғликни сақлаш мажмуаси). Муаллифи номаълум. Ўзбек тилида. Тошкент. 1908 йил. ЎзР ФА ШИ 1466.

[10] Тақдқиқотда адабиёт, тилшунослик каби соҳалар, ишлаб чиқариш технологияси ва иқтисод каби йўналишлар бўйича жами манбалар қамраб олинмаган. Кейинги тадқиқотлар давомида тегишли йўналишлардаги манбалар ўрганилиб, библиографияни янада тўлдирилиши режалаштирилган.

[11] Ефремов Ф. Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибете и Индии, и возвращение его оттуда через Англию в Россию. В соавторстве, под редакцией и от лица магира исторических наук Петра Кондырева. – Казань, 1811; Венюков М. Путешествие по окраинам Русской Азии и записки о них. – СПб., 1868. Богданов М. Н. Труды Арало-Каспийской э кспедиции: научное издание. Вып.1. Обзор экспедиций и естественно исторических исследований в Арало-Каспийской области с 1720 по 1874 г. Под ред. О.А. Гримма. – СПб., Типография Товарищества "Общественная польза", 1875.– 53 с; Марков Е.Л. На Оксусе и Яксарте. Путевые очерки Туркестана. Часть 2. – 1893. – 13 с; Научные результаты Аральской экспедиции. // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского Географического Общества. Вып. 9.– Ташкент, 1908.– с.313; Логофет Д.Н. По Каспийскому морю и персидской границе. Путевые очерки по Средней Азии. – СПб., 1903. – 62 с;

Минтақага хорижий мутахассисларнинг ташрифи кўпайиб, уларнинг изланишлари ниҳоятда фаоллашди. Улар минтақа табиати, ресурслари, тарихи ва маданиятини, ривожланиш истиқболларини катта қизиқиш билан ўргана бошладилар. Бу масалаларни минтақага бошқа мамлакатлардан турли мақсадлар билан ташриф буюрган сайёҳлар, элчилар ҳам катта қизиқиш билан ўргандилар. Ушбу изланишлар натижасида бу даврда хорижда Марказий Осиёга бағишланган юзлаб адабиётлар яратилди.

Шуни қайд этиш лозимки, Марказий Осиё тарихида унга бағишланган хорижий тадқиқотларнинг катта қисми айнан шу даврга, XIX–XX аср бошларига мансуб. Бу асарларни ҳақли равишда Ўзбекистон интеллектуал меросининг таркибий қисми сифатида эътироф этиш ҳамда ўрганиш илм-фан нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади, зеро, уларда ватанимиз тарихи, ҳаёти, табиати, маданиятига бағишланган қимматли маълумотлар ўрин олган.

Бу даврда минтақада энг катта таъсирга эга бўлган хорижий давлат Россия империяси эди. Изланишларнинг кўрсатишича рус тилидаги илмий тадқиқот ва адабиётлар сони қарийб 500 тадан ортиқ. Улар минтақага Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилишидан аввал ва ундан кейин юборилган илмий экспедициялар, турли мутахассислар томонидан амалга оширилган изланишлар натижаларини акс эттиради. Ушбу тадқиқотлар ватанимизнинг ўша даврдаги тарихи, табиати, иқлими, табиий бойликлари, тоғлари, савдо ва алоқа йўллари, топонимикаси, суғориш тизими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қишлоқ хўжалигини ўрганиш асосида ёзилган.

Рус тилидаги тадқиқотлар илм-фаннинг турли тармоқларига бағишланган илмий адабиётлар, даврий тўпламларда чоп этилган тлмий мақолалар рўйхати, минтақада фаолият юритган илмий жамиятларнинг архивлари, экспедициялар материаллари, сафар таассуротлари, статистик маълумотлар қайд этилган тўпламлардан иборат.

Хорижий адабиётлар минтақага Европадаги илмий жамиятлар томонидан жўнатилган тадқиқотчилар, илмий экспедициялар[12] ҳамда саёҳларнинг инглиз, немис, француз тилларидаги чоп этилган нашрларидан иборат. Улар орасида саноқли бўлса-да, бу ерга ташриф буюрган хитойлик элчилар ҳамда сайёҳларнинг ҳар икки мамлакат

Кастанье И.А. Современные успехи спелеологии и мои спелеологические поездки по Туркестану 1913 и 1914 гг. – Ташкент, 1915. – 51 с.

[12] Bretschneider, E. Notices o f the Medieval Geography and History of Central and Western Asia. SPb., 1876; Bretschneider, E. Medieval Researches from Eastern Asiatic Sources. Fragments towards the Knowledge o f the Geography and History of Central and Western Asia from the 13th to the 17th Century. Vols. I - 2 .SPb., 1888; Regel, A. Reisen in Central-Asien. 18 76— 1879. Mit. Bd. 25. SPb.,1879; Mit. Bd. 26. SPb.,1880; Regel A. Meine Expedition nach Turfan,1879. Mit. Bd. 27. SPb., 1881; Barbier, E. *L'Asie Centrale et l'Expedition de Khiva //* Revue de France, 1873, Août.

ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо алоқалари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган хитой йилномаларини ҳам қайд этиш лозим. Ҳозирча уларнинг жами 300 га яқин. Уларнинг маълум қисми XIX аср охири –XX аср бошларида жамланган «Туркистон тўплами» («Туркестанский сборник») саҳифаларига киритиб борилган[13]. Айни пайтда Буюк Британия Қироллик Жамияти ҳамда АҚШ Қирллик жамиятлари томонидан Марказий Осиё ҳудудига амалга оширилган илмий экспедициялар ҳақидаги хабарлар, уларнинг натижалари мазкур жамиятларнинг даврий нашрларида мунтазам чоп этиб борилган[14].

Минтақага Европа, хусусан, Буюк Британия, Франция, Германия, шунингдек, Россия ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюриб, изланишлар олиб борган мутахассислар фаолияти натижасида илм-фанга янги йўналишлар, янги тадқиқот усуллари ҳамда воситалари ҳам кириб келди. Уларнинг таъсирида минтақада илмий изланишлар доираси ва фан тармоқлари янада кенгайиб, бойиб борди.

Ўз навбатида европалик олимлар изланишлар давомида анъанавий илмий ютуқлар, билимлар ва тажрибаларни катта қизиқиш билан

---

[13] Lessar, M. H.La Russieet l'Angleterreen Asie Centrale. D'après la brochure de M. Lessar. I-II // Journal des Sciences Militaires. Paris. 1985. http://app.cias.kyoto-u.ac.jp/turkestan/volume/v501_594/v_others.html; Lessar, M. H. La Russieet l'Angleterreen Asie Centrale. D'après la brochure de M. Lessar. IV-V // Journal des Sciences Militaires. Paris. 1985. http://app.cias.kyoto-u.ac.jp/turkestan/volume/v501_594/v_others.html; O'Donovan, Edmond. The Merv oasis. Travels and adventures east of the Caspian, during the years 1879-80-81, including five months residence among the Tekkés of Merv. In two volumes. Vol. I. // London. Smith, Elder & Co. 1882. Pp. 502. http://app.cias.kyoto-u.ac.jp/turkestan/volume/v501_594/v_others.html; Stumm, Hugo. Russia in Central Asia. Historical sketch of Russia's progress in the East up to 1873, and of the incidents which led to the campaign against Khiva, with a description of the military districts of the Caucasus, Orenburg and Turkestan. London. Harrison. (XI, 359p.)http://app.cias.kyoto-u.ac.jp/turkestan/volume/v501_594/v_others.html; Haymerle, Alois Ritter. Ultima Thule. England und Russland in Central-Asien. Wien. Separat abdruckaus Streffleur's Oesterr. Milit. Zeitschrift. 1885.

[14] Rawlinson, H.C. On Trade Routes between Turkestan and India // Proceedings of the Royal Geographical Society, Vol. 13. 1868-1869. Pp 10-23; Notes on Khiva // Proceedings of the Royal Geographical Society, Vol. 13. 1872-1872. Pp 162-165; Trade of Bokhara. Extracts from a Letter of Signor Ferd. Meazza to the Commendator Cristoforo Negri // Proceedings of the Royal Geographical Society, Vol. 13. 1864-1865. P.71; Eugene Schuyler. A Month's Journey in Kokand in 1873 // Proceedings of the Royal Geographical Society, Vol. 13. 1872-1873. Pp. 408-413; Fedchenko A. Topographical Sketch of the Zarafshan Valley // The Journal of the Royal Geographical Society of London, Vol. 40 (1870), pp. 448-461; Delmar Morgan. Progress of Russian Explorations in Turkistan // Proceedings of the Royal Geographical Society of London, Vol. 14, No. 3 (1869 - 1870), pp. 229-235; Yate A. C. The Tashkent Exhibition, 1890 // Proceedings of the Royal Geographical Society and Monthly Record of Geography, Vol. 13, No. 1 (Jan., 1891), pp. 21-27; Vsevolod Roborovsky. Progress of the Russian Expedition to Central Asia under Colonel Pievtsoff // Proceedings of the Royal Geographical Society and Monthly Record of Geography, Vol. 12, No. 1 (Jan., 1890), pp. 19-36; Mark S. Bell. The Great Central Asian Trade Route from Peking to Kashgaria // Proceedings of the Royal Geographical Society and Monthly Record of Geography, New Monthly Series, Vol. 12, No. 2 (Feb., 1890), pp. 57-93; Delmar Morgan E. Prejevalsky's Journeys and Discoveries in Central Asia // Proceedings of the Royal Geographical Society and Monthly Record of Geography, Vol. 9, No. 4 (Apr., 1887), pp. 213-232; Norton R. Report on Archaeological Remains in Turkestan // Supplementary Papers of the American School of Classical Studies in Rome, Vol. 1(1905), pp. 196-216; Grady M.-C. La culture du coton en Asie // T'oung Pao, Vol. 9, No. 3 (1898), pp. 232-233; Biddulph C. E. Russian Central Asia // The Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland, urnal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland (Oct., 1891), pp. 563-597; Mabel Rickmers C. Scenery, Cities and People of Western Turkestan // The Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland, Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland (Jul., 1907), pp. 656-660.

ўргандилар. Хусусан, рус олимлари ўлкадаги ўз фаолиятлари давомида Алимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким, Мирзо Бухорий, Мулла Мирзо Абдураҳмон, Акром Асқаров, Мирзо Барат Қосимов каби маҳаллий ўлкашунослар, ҳаваскор изланувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бордилар. Махаллий тадқиқотчилар асарларини ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Бу даврда, аниқроғи XX аср бошида ўлкада кенг ривожлана бошлаган маърифатпарварлик ҳаракати доирасида жамиятнинг илғор фикрли зиёлилари – Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон тўра Ибрат каби ўнлаб маърифатпарварлар дунёвий илм-фанни ривожлантириш заруриятини тобора чуқур англаб, анъанавий фан ва таълимни жаҳон илмий ютуқлари даражасига кўтариш зарурлигини таъкидлай бошладилар. Шу мақсадда улар энг аввало таълим тизимини ислоҳ этишга киришдилар, янги дарсликлар яратдилар, ёшларни хорижий тилларни, янги техника ва технологияларни, дунёвий фанларни ўрганишга, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўзлаштириш учун чет элларда таҳсил олишга даъват этдилар. Уларнинг илм-фан аҳамияти ва уни ривожлантириш ҳақидаги қарашлари даврий матбуотда чоп этилган

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, илм-фан тармоқларига оид манбаларнинг жуда катта қисми, айниқса маҳаллий манбалар ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмаган. Вахоланки уларни тадқиқ этиш орқали ўтмишда яшаган олимларнинг илм-фан, хусусан, тиббиёт, фармакология, ветеринария, геология, геодезия, тупроқшунослик, минерология каби ўнлаб фан соҳалари бўйича жуда бой тажрибасини ўрганиш, минтақанинг табиати, ресурсларидан янада унумли фойдаланиш имконига эга бўлиш мумкин.

ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ТУРЛИ ФАН СОҲАЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари)

Шадманова С. Б.,
ЎзР ФА Тарих институти т.ф.д.

Туркистон матбуоти саҳифаларида фан ва маданиятга доир масалалар ҳам мунтазам равишда ёритиб борилган. Маълумки, Россия империяси Туркистонни эгаллагач, ўлкани ҳар жиҳатдан ўрганиш мақсадида зобитлар, амалдорлар, шунингдек, машҳур олимлардан иборат кўплаб экспедиция гуруҳлари тузиб жўнатган ҳамда уларнинг турли фан соҳалар бўйича олиб борган тадқиқотларига матбуотда кенг ўрин берилган. Хусусан, Зарафшон воҳаси[15] ва Фарғона водийси[16] маҳаллий аҳолисининг урф-одатлари ҳамда яшаш тарзига оид тадқиқотлар, Туркистон ўлкаси қадимий ёдгорликлари[17] ҳақида маълумотлар шулар жумласидандир.

«Туркестанские ведомости» газетасида ўз илмий мақолалари билан иштирок этган шарқшунос олим В.В.Бартольднинг Туркистон ўлкаси тарихи ва археологияси ҳақида тўплаган қимматли маълумотлари[18], унинг Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагида сўзлаган нутқлари газетада мунтазам равишда эълон қилиб борилган. Газетанинг «Библиография» рукнида янги чоп этилган китоблар тўғрисида ахборот ва тақризлар ўрин олган.

Газетанинг норасмий бўлимида Туркистон ўлкасининг иқтисодий ҳаёти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, географиясига оид мақолалар эълон қилиб борилган. Бу мақолалар муаллифлари мутахассис олимлар бўлиб, улар ўз тадқиқотлари натижасида табиий фанларга бир қанча янгиликлар

[15] Гребенкин А.Д. Таджики // ТВ. – 1871. – № 15, 17, 18, 19, 20, 21; Ўша муаллиф. Узбеки // ТВ. – 1871. – № 36, 39, 40, 41, 42; Ўша муаллиф. Ремесленная деятельность таджиков Зеравшанского округа // ТВ. – 1871. – № 31; Ўша муаллиф. Родословная мангытской династии // ТВ. – 1871. – № 14; Ўша муаллиф. Этнографический очерк Зеравшанского округа // ТВ. – 1871. – № 44; Ўша муаллиф. О гончарном промысле в Зеравшанском округе // ТВ. – 1874. – № 8, 9.

[16] Наливкин В.П. Очерки земледелия в Наманганском уезде // ТВ. – 1880. – № 11, 13, 15, 18, 19, 20, 21, 24; Вопросы туземного земледелия // ТВ. – 1880. – № 33, 34; Заметки о лесном хозяйстве в Фергане // ТВ. – 1883. – № 16, 17, 18. Пантусов Н.Н. О податях и повинностях, существовавших в бывшем Кокандском ханстве, в последнее время Худоярхана // ТВ. – 1876. – № 16; Ўша муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // ТВ. – 1876. – № 17.

[17] Пантусов Н.Н. Саманидский диргем 284 г. гиджры // ТВ. – 1873. – № 7; Ўша муаллиф. К сведению нумизматов // ТВ. – 1873. – № 43; Ўша муаллиф. Следы христианства в Туркестане // ТВ. – 1873. – № 44; Ўша муаллиф. Теварихи-Шахрухие // ТВ. – 1876. – № 30.

[18] К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. – 1894. – № 5, 6, 7; Туркестанский край в XIII веке (По рассказу китайского путешественника) // ТВ. – 1894. – № 43, 44; Еще о слове «сарт» // ТВ. – 1895. – № 30; Ещё о христианстве в Средней Азии // ТВ. – 1896. – № 36; По поводу проекта С.Ф. Ольденбурга // ТВ. – 1902. – № 33; Джу-и-арзиз // ТВ. – 1904 – № 45; К вопросу об изучении местных языков // ТВ. – 1906. – № 63; К проекту восточного института // ТВ. – 1906. – № 165.

олиб киришга муваффақ бўлганлар. Шундай олимлардан бири, 1868 – 1871 йилларда Туркистон табиатини тадқиқ қилган А.П.Федченко бўлиб, у Зарафшон воҳаси, Искандаркўл, Қўқон хонлиги, Олой тоғлари, Қизилқум ва Тошкент атрофларини ўрганиш натижасида ёзган мақолаларини «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борган[19]. Газета саҳифаларида В.Ф.Ошанин томонидан ўлка географиясига оид қизиқарли мақолалар ҳам чоп этиб борилган[20].

Бундан ташқари, газеталар турли илмий марказлар фаолияти натижаларини ҳам бериб борган. Масалан, метеорологик кузатувлар жадвали, Тошкент кимё лабораториясида қилинган таҳлиллар, «Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими»[21], «Рус техник жамиятининг Туркистон бўлими»[22], «Шарқшунослик жамияти Туркистон бўлими»[23], «Туркистон ўлкаси табиатшунослари ва шифокорлари жамияти»[24] фаолияти тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Матбуот саҳифаларида ўлкада обсерватория ташкил этиш жараёни ҳам ёритилган. «Туркестанские ведомости» газетасида хабар берилишича, 1874 йилда подполковник Бонсдорф Тошкентга Петербургдан ва хорижий давлатлардан обсерватория ташкил қилиш учун асбоб-ускуналар олиб келган[25]. Тошкент обсерваторияси қошида астроном Шварц томонидан метереологик станция ташкил этилиб, кузатув натижалари Петербургга, Бош Обсерваторияга жўнатиб турилган[26].

Даврий матбуот материаллари таҳлилининг кўрсатишича, тадқиқотчилар ўлканинг турли жойларини, аҳоли яшайдиган пунктларни астрономик ва географик жиҳатдан ўрганиб борганлар[27]. Айниқса,

---

[19] Заметки о верхнем Зеравшане // ТВ. – 1870. – № 11; Карис. Подземный арык близ Пянджикента // ТВ. – 1870. – № 15. Заметки о флоре и фауне Зеравшанской долины // ТВ. – 1871. – № 1; Заметки о степи Казылкум // ТВ. – 1871. – № 22; Заметки о паразитах человека, водящихся в Туркестанском крае // ТВ. – 1872. – № 1, 2; Из Косана о путешествии по Кокандскому ханству // ТВ. – 1881. – № 23, 26, 27.

[20] Зоогеографические задачи в Туркестане // ТВ. – 1880. – № 6, 7.

[21] Туркестанские ведомости. - 1877. - №33; В обществе любителей естествознания // ТВ. – 1893. – №99; Новое научное общество в Ташкенте // Окраина. – 1894. – №16.

[22] Программа организации Туркестанского общества инженеров и техников в г.Ташкенте // ТВ. – 1906. – №15; Туркестанское общество инженеров и техников // ТВ. – 1906. – №118.

[23] И.Я. Общество востоковедения // ТВ. – 1904. – №7; Қ.: Бу жамиятнинг фаолияти ҳақида. ТВ. – 1900. – №42; 1901. – №31, 32, 58, 60; 1902. – №4, 44; 1905. – №6, 12, 14, 19, 58, 132, 144; 1909. – №225; 1911. – №236; 1912. – №17.

[24] В обществе естествоиспытателей и врачей // ТВ. – 1912. – №262, 273; В.Ш. В обществе естествоиспытателей и врачей // ТВ. – 1913. – №29; В обществе естествоиспытателей и врачей // ТВ. – 1913. – № 73; Заседание общества естествоиспытателей и врачей // ТВ. – 1914. – № 260; Годичное заседание общества естествоиспытателей и врачей // ТВ. – 1915. – № 277.

[25] Деятельность временной Ташкентской обсерватории // ТВ. – 1876. – №46.

[26] Туркестанские ведомости. – 1876. – №49.

[27] Туркестанские ведомости. – 1871. – №6.

Фарғона вилояти Россия олимлари томонидан бошқа жойларга қараганда илмий жиҳатдан чуқур ўрганилган. Унинг тупроғи ва сувини машҳур тупроқшунос олим Шмидт, геологик жиҳатдан профессор Романовский ва И.В.Мушкетовлар, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларини А.Миддендорф, ҳайвонот дунёсини Н.А.Северцев ва ўсимлик дунёсини Смирновлар ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, А.Э.Регель, А.П.Хорошхин, В.П.Наливкин, В.Ф.Ошанин, Ю.Скайлер, А.Петцольд, Уйвальви, А.И.Вилькинс каби хорижий ва Россия тадқиқотчилари Фарғонани турли жиҳатдан тадқиқ этганлиги эътироф этилади[28].

«Туркестанские ведомости» газетасида турли илмий экспедициялар ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб борилган. Унинг саҳифаларида 1880 йилда профессор И.В.Мушкетов ва Д.Л.Ивановнинг Зарафшон музлигига кўтарилиб, уни тадқиқ этганлиги ҳақида[29] маълумотлар бор.

Туркистон даврий матбуоти ўқувчиларни ўлкада олиб борилаётган археологик қазилмалар ва унинг натижалари билан таништириб борган. «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида чоп этилган Акром Асқаровнинг нумизматик тўплами ва бошқа археологик ёдгорликлар тўплами[30] ҳақидаги маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Уларда қайд этилишича, Акром Асқаровнинг коллекциясида жами 15 000 га яқин мис, кумуш, тилла танга бўлиб, улар жуда яхши сақланган, унинг вафотидан кейин коллекциясидан 280 та қадимги ёдгорликлар Петербургга – Императорнинг Археология Комиссиясига жўнатилган[31].

Айниқса, Самарқанддаги қадимги ёдгорликларни ўрганишга катта аҳамият берилган ва бу матбуотда ўз аксини топган. Хусусан, 1875 йилнинг ёзида Самарқанд яқинида олиб борилган археологик қазиш ишлари натижасида кулолчилик, ойна ишлаб чиқариш ривож топгани аниқланган. Бундан ташқари, бу ердан бой тангалар коллекцияси жумладан, 700 та тилла, кумуш ва мис тангалар, 60 га яқин қўлёзмалар топилган[32].

Маълумки, 1879 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман хусусий равишда археологик қазилмалар олиб боришни ман қилиш ҳақида фармойиш чиқарган эди. Аммо баъзи кишиларнинг бу фармойишга амал қилмасдан олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар излаб, қазув ишларини олиб бориши давом этаётгани ҳисобга олиб, 1882 йилда яна бир бора археологик қазилмалар олиб бориш таъқиқланган.

---

[28] Туркестанские ведомости. – 1887. – №44.
[29] Туркестанские ведомости. – 1880. – №51; ТВ. – 1881. – №19; Ошанин В. Геологическая экспедиция на Зеравшанский ледник // ТВ. – 1880. – № 33,34, 36.
[30] М-в Н. Некролог Акрым Аскарова // ТВ. - 1891. - №45.
[31] Эварницкий Д. Коллекция древностей Акрым Аскарова // ТВ. – 1892. – №31.
[32] Ростиславов М. Об археологических изысканиях в Зеравшанском округе // ТВ. – 1875. – №27; Ростиславов М. Еще по поводу археологических изысканиях в Зеравшанском округе // ТВ. – 1876. – №43.

Ўлкага Санкт-Петербург университети профессори Н.И.Веселовский археологик қазилмаларни илмий асосда олиб боришга ёрдамлашиш учун жўнатилган. Унга Самарқанд ва Фарғонадаги шаҳар харобаларини ўрганиб, уларнинг батафсил режасини чизиш, бу ҳақда Петербургдаги археология комиссияга ахборот бериш ҳамда топилган предметларни уларга жўнатиш, Тошкент музейининг археология бўлимидаги буюмларни рўйхатга олиш ҳамда Эрмитаж учун қадимги тангалар коллекциясини йиғишни топширади[33].

Туркистон матбуотида ўлкадаги осори-атиқаларни ҳимоя қилиш масаласи кўтарилиб, тарихий ёдгорликларни қонунга хилоф равишда олиб кетилиши танқид қилинади[34]. Бундай ҳолатнинг матбуот саҳифаларида чоп этилиши кенг омманинг диққатини жалб қилган ва археологлар томонидан 1896 йилдан Самарқанддаги тарихий обидаларни назорат қилинишга киришилган[35].

Туркистон матбуотида археология ҳаваскорлари тўгарагини ташкил этиш масаласига доир маълумотлар ҳам берилган эди. Хусусан, «Окраина» газетаси саҳифасида В.В.Бартольд қаламига мансуб мақолада бундай тўгаракнинг тузилиши ўлка тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, мақола муаллифи «Табиатшунослар, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими» томонидан ҳеч қандай асарлар чоп этилмаганлиги, статистика комитети тўпламларида чиқарилган мақолалардан эса кенг китобхонлар оммаси бехабарлиги, маҳаллий тиллар лингвистик жиҳатдан ўрганилмаётганлиги ҳамда ўлка тарихини ўрганиш борасида эса ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаганлигини танқид қилган[36].

Газетада Туркистоннинг бошқа жойларида ҳам олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари билан таништириб борилган[37]. Масалан, Эски Тўйтепа қўрғонларида, умуман, Сирдарё қирғоқларидаги қўрғон қолдиқларидан[38] топилган кулолчилик ва шишасозлик буюмларининг ранги ва нақшлари, шакли, ҳажми ҳақида маълумотлар[39] катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, у ердан пишиқ ғиштнинг топилиши ушбу ҳудудда яшаган аҳоли қадимдан ўтроқ ҳаёт кечирганидан далолат

---

[33] Емельянов Н. Меры по воспрещению производства археологических раскопок в крае // ТВ. – 1885. – №34.
[34] Туркестанские ведомости. – 1897. – №68.
[35] Н. Щербина-Крамаренко. К вопросу о сохранении древних памятников // Окраина. – 1897. – №127.
[36] Бартольд В. Новое научное общество в Ташкенте // Окраина. – 1894. – №16.
[37] М-в Н. Археологические раскопки // ТВ. – 1876. – №16; ТВ. – 1876. – №21; Поездка к развалинам Шаракия // ТВ. – 1876. – №24; Археологическая находка близ Ташкента // ТВ. – 1886. – №17; Раскопки могильных курганов близ Ташкента // ТВ. – 1887. – №28; Л. Еще о раскопках близ Ташкента // ТВ. – 1887. – №31; Андреев М. Местности в долине р.Ангрене, интересные в археологическом отношении // ТВ. – 1893. – №46; К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. – 1894. – №5, 6.
[38] М-в Н. Археологические раскопки // ТВ. – 1876. – №16.
[39] Туркестанские ведомости. – 1876. – №21.

бериши ҳақида хулоса қилинган[40]. Фақат «Туркестанские ведомости» газетаси ўзининг 47 йиллик фаолияти давомида тарих ва археология соҳасига оид 800 дан ортиқ мақола ва хабарлар эълон қилди.

Туркистон матбуоти саҳифасида Тошкентда ташкил этилган музей коллекцияларнинг тўпланиши жараёни тўғрисида ҳам қизиқарли мақола ва хабарлар чоп этилган. Хусусан, «Туркестанские ведомости» газетасида Тошкент музейига тортиқ қилинган буюмлар ҳақида маълумотлар бериб борилган[41]. Газеталарда чоп этилган мақолалардан музейнинг моддий аҳволи оғир бўлганлиги, ҳатто махсус биноси бўлмаганидан маълум муддат «Туркестанские ведомости» газетаси таҳририяти билан бир бинода жойлашганлиги, музейнинг сақловчиси вазифасини газета муҳаррири бажарганлиги маълум бўлади[42]. Матбуот саҳифаларида музейга ташриф буюрган кишилар, шу жумладан, маҳаллий миллат вакилларини музей экспонатлари йиғишга жалб қилиш ва уларнинг ташрифи ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар берилган[43]. Хусусан, 1910 йилда «Туркестанские ведомости» газетаси хабарига кўра, музейни маҳаллий миллат кўриши учун жума куни икки соат ажратилган, лекин газета таҳририяти томонидан бу вақтнинг етарли эмаслиги ва музейни кўришни хоҳловчилар кўплиги сабабли яна қўшимча вақт ажратиш таклиф этилган[44].

Фақат рус тилидаги газеталарда эмас, балки ўзбек тилида чоп этилган газеталарда ҳам илм-фаннинг айрим соҳаларига оид бўлган илмий-оммабоп мақола ва ахборотларга ҳам кенг ўрин берилади. Хусусан, «Туркистон вилоятининг газети»да «Чигиртка хусусида», «Ғўза экиладурган ерни тайёр қилмоғи хусусида», «Сув хусусида» каби қишлоқ хўжалигига оид материаллар, «Туман ҳақида», «Момагулдурак ҳақида», «Ёруғлик ҳақида», «Илм хабари» рубрикаси остида илмий характерга эга бўлган бир қатор мақола ва ахборотлар бериб борилган.

Матбуотда **библиографик маълумотлар**, хусусан, адабиётларга оид турли хил тақризлар ҳамда янги чиққан китоблар тўғрисида хабарлар бериб борилган. Айниқса, «Туркестанские ведомости» газетасида бундай маълумотлар кўп учрайди, бу эса газета ўз олдига ўлкани илмий жиҳатдан ўрганишни мақсад қилиб қўйганлиги ва 1890 йилгача ўлкадаги ягона матбуот органи бўлгани билан изоҳланади. XIX асрнинг 70-йиллариданоқ газетанинг бир неча сонида Ўрта Осиё ҳақида нашр

[40] Поездка к развалинам Шаракия // ТВ. – 1876. – №24.
[41] Туркестанские ведомости. – 1876. – №39, 44, 47; 1885. – №2; 1878. – №4, 10; 1899. – №36.
[42] Лидский С. Несколько слов о Ташкентском музее // ТВ. – 1894. – №34.
[43] Туркистон вилоятининг газети. – 1899. – №11; Туркестанские ведомости. – 1901. – №7; 1904. – №165; 1908. – №241; 1910. – №214; 1911. – №227; 1912. – №53.
[44] Туркестанские ведомости. – 1910. – №214.

этилган китоблар ва мақолалар кўрсаткичи эълон қилинган[45]. Кейинги йилларда ҳам мазкур газетада мунтазам равишда китобларга тақризлар бериб борилган[46].

1881 йилда 1877 йилда ўлкага келган француз илмий экспедициясининг бошлиғи, антрополог Уйфальвининг қаламига мансуб икки томлик китобига Д.Л.Ивановнинг тақризи чоп этилган[47]. Газетанинг бир неча сонида босилган бу тақризда китоб қаттиқ танқид остига олинган. Тақризчи бу китобда Фарғона водийси тўғрисида юзаки маълумотлар келтирилганлиги, А.П.Федченконинг фикрларини ўз фикрлари каби бериши ҳеч қандай илмий иш услубларига тўғри келмаслигини таъкидлаган[48].

«Туркестанские ведомости» газетасида В.П.Наливкиннинг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» номли асарига ҳам тақриз берилган. Тақризчи китоб муаллифининг тарихчи мутахассис эмаслиги, унинг маълумотларни маҳаллий аҳоли яшаш тарзини ўрганаётганда тўплаганлигини таъкидлаб, унда шарқшуносликнинг ноёб қўлёзмаларига манба сифатида таянганлиги сабабли муҳим илмий қимматга эга эканлигини кўрсатиши билан бирга, ундаги баъзи жузъий хатоликларга ҳам тўхталиб ўтади[49].

Ўша даврда чоп этилган ўлка тарихи, географияси, табиати ва бошқа масалаларга бағишланган китобларга «Окраина» газетасида ҳам батафсил тақризлар берилган[50].

Миллий матбуотда ўзбек тилига таржима қилинган асарларга ҳам тақризлар босилган. Хусусан, 1914 йилда «Садои Туркистон» газетасида

---

[45] Дмитровский Н. В. Библиографический указатель книг и статей о Средней Азии за 1871-1872 гг. // ТВ. – 1871. – №33, 36, 39, 44; 1872. – №7, 16.

[46] Ошанин В. Библиографическая заметка. Книга Е.А.Безе «Путеводитель по Центральной Азии». М., 1888. 85 с. // ТВ. – 1889. – №8; О.Ш. Библиографическая заметка. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В.И.Кушелевского. Т.1. Издание Ферганского областного статистического комитета. Новый Маргелан, 1890 // ТВ. – 1891. – №23; Библиографическая заметка. П.Лессар. Оксус. Его древнее соединение с Каспийском морем. С французского перевел и примечаниями снабдил А.Романович. Ташкент, 1891 // ТВ. – 1891. – №38; Эварницкий Д.Н. Библиографический листок. Сарты. Этнографические материалы, выпуск второй. Народные сказки сартов. Издание Н.И. Остроумова // ТВ. – 1893. – №3; Петровский Н. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношениях, Д.И.Эварницкого // ТВ. – 1893. – №67; Пастор Юстус Юргенсон. Новый труд о Туркестане. Походы Александра Великого в Туркестан. Комментарии к историческим сочинениям Флавия Арриана и Квинта Курция Руфа. Составлено на основании многолетних путешествий по русскому Туркестану и сопредельных стран Францем фон Шварцем. Мюнхен. 1893 // ТВ. – 1893. – №75; Петров Н. Как пишут книги
(рецензия на книгу Н.Дингельштадта «Опыт изучения ирригации Туркестанского края». Спб. 1893) // ТВ. – 1893. – №79; Ислам и его влияние на жизнь его последователей. Иоаганн Гаури. Перевод с немецкого П.И.Хомутова. Ташкент. 1893 // ТВ. – 1894. – №3.

[47] Иванов Д. Библиографическая заметка // ТВ. – 1881. – №1, 7, 8, 9, 11, 13, 14.

[48] Иванов Д. Библиографическая заметка // ТВ. – 1881. – № 7.

[49] А.С. Краткая история Кокандского ханства, составил В.Наливкин. Казань // ТВ. – 1886. – №40.

[50] Н.Л. Выводы и обобщения // Окраина. – 1891. – №113; Дингельштедт Н. Безпощадная критика // Окраина. – 1894. - №28; Новая книга инженера Н.Петрова // Окраина. – 1894. – №48, 49, 50, 51; Ульянов Н. По поводу книги: «Опыт изучения ирригации Туркестанского края» // Окраина. – 1894. – №57.

Маҳмудхўжа Ҳаким Мулла Шоди ўғли Яйпоний томонидан «Тарихи салотини Фарғона ва ғайри ҳам ман салотин» номли китобни форсчадан ўзбек тилига таржима қилинганлиги ҳақида ижобий фикрлар билдирилади ҳамда унда учраган баъзи нуқсонлар ҳам қайд этиб ўтилади[51]. «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарида «Матбуот» ва «Янги асарлар» рукни остида Истамбул, Қозон, Астрахань ва бошқа жойларда чоп этилган даврий матбуотга[52] ва турли асарларга[53] тақризлар берилган ҳамда газета муштарийларига таништириб борилган.

Туркистон матбуотида мактаблар учун чиқарилган дарсликларга ҳам тақризлар бериб борилган. Жумладан, 1914 йилда «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарида жадид мактаблари учун чоп этилган китоблар билан таништирилган[54]. 1916 йилда «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида Г.Андреевнинг мақоласида жадид мактаблари ўқувчилари учун Тошкентда чоп этилган қўшиқлар тўплами – «Адабиёт» ҳақида сўз юритилади. Унда жамиятдаги мавжуд нуқсонлар танқид қилиниб, халқни билим олишга чақирилгани баён қилинади ва мисол тариқасида бир неча қўшиқ матни рус тилига таржима қилиниб, газета ўқувчилари диққатига ҳавола этилади[55].

Ўзбек тилида ва рус тилида чоп этилган китобларга тақризлар «Туркистон вилоятининг газети»да ҳам нашр этилган. Масалан, бу газетада 1915 йилда Мулла Олим Маҳдум тарафидан чоп этилган «Туркистон тарихи» китоби тўғрисида хабар берилиб, муштарийлар унинг мазмуни ва мундарижаси билан таништирилган. Китобга юқори баҳо берилиб, «бундан олдин Туркистон тўғрисида ҳеч бир тарих китоби ёзилмаганлиги» таъкидланган [56]. Хабарда қайд этилишича, бу китоб бир минг ададда чоп этилган ва тезда тарқалиб кетган. Шунингдек, унда ўқувчиларга китобнинг сотилиш жойлари ҳамда уни ўқиш мумкин бўлган кутубхоналар манзили берилган[57]. 1916 йилда «Туркестанские ведомости» газетасида ҳам Г.Андреевнинг бу китобга тақризи чоп этилган бўлиб, унда китоб муаллифи манба сифатида нафақат тарихий адабиётлардан, балки эсдаликлар ва кузатувлардан ҳам фойдаланганлиги қайд этилиб, шу сабабли унда тарихий маълумотлар билан бир қаторда

---

[51] Садои Туркистон. – 1914. – №34.

[52] Садои Туркистон. – 1914. – №22, 23, 44; Садои Фарғона. – 1914. – №33, 48, 89, 91, 97; 1915. – №111, 122.

[53] Янги асарлар // Садои Туркистон. – 1914. – №21; Матбуот. “Тикан” // Садои Туркистон. – 1914. – №47; Матбуот. “Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ” // Садои Туркистон. – 1914. – №47; Янги асарлар // Садои Туркистон. – 1914. – №63; Янги асарлар // Садои Туркистон. – 1915. – №56; Луғатлар ва таърифлар // Садои Фарғона. – 1914. – №56.

[54] Муҳаммад Холиқзода. Шаҳрихонда тараққий асари // Садои Туркистон. – 1914. – №22; Раҳбар алифбо // Садои Фарғона. – 1915. – №105.

[55] Андреев Г. Новый адабият // ТВ. – 1916. – №40.

[56] “Туркистон тарихи” хусусида // Туркистон вилоятининг газети. – 1916. – №10.

[57] Ўша жойда.

ривоятлар ва афсоналар ҳам учраши таъкидланган. Г.Андреев «Туркистон тарихи» китобини юқори баҳолаб, ўлка тарихини ўрганишда муҳим манба деб ҳисоблайди[58].

Туркистонни илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим вазифаларидан бўлган расмий матбуот дастлабки йиллариданоқ мазкур масалага алоҳида эътибор қаратди. Унинг саҳифаларида ўлкани турли жиҳатдан ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган. Шунингдек, ўз ўқувчиларини турли илмий, маданий ахборотлар билан таништириб боришни мақсад қилган рус тилидаги хусусий газеталар саҳифаларида ҳам бу масалага анча кенг ўрин берилган. Жадид матбуотида ушбу масалага доир маълумотлар кам учрайди, лекин унинг саҳифаларида илмнинг жамият ва инсоният ҳаётида тутган ўрнига бағишланган мақолалар чоп этиб борилган ҳамда маҳаллий аҳолини дунёвий замонавий билимларни эгаллашга даъват этилган.

Ўлкада матбуот пайдо бўлиши билан, нашр этилаётган китоблар билан таништириш вазифасини ҳам ўз зиммасига олиб, уларга тақризлар бериб борилган ва улар турлича бўлиб, аксарият ҳолларда таҳлилий характерга эгалиги билан ажралиб туради. Бу борада айниқса, «Туркестанские ведомости» газетасида мунтазам равишда чоп этиб борилган бибилиографик тақризлар катта аҳамиятга эга ва улар XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон тарихини ўрганувчилар учун дастлабки библиографик ишларни ташкил этади. Жадид матбуотида ҳам нашр қилинган китобларга ва матбуот нашрларига қисқача тақризлар бериб борилган.

---

[58] Андреев Г. Тарих Туркестан // ТВ. – 1916. – №11.

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ГОНЕНИЯ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИЙ ПРЕССИНГ НА ТВОРЧЕСКУЮ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЮ УЗБЕКИСТАНА В ПОСЛЕВОЕННЫЕ ДЕСЯТИЛЕТИЯ

Эргашева Ю.А.
Каршинского инженерно-экономического
института д.и.н., проф.

Последнее десятилетие XX века на всем постсоветском пространстве знаменовалось крупным поворотом в жизни общества. Распад Советского Союза и становление государственной независимости бывших республик стало для них новым этапом осуществления экономических и социально-культурных преобразований. Национальная независимость придала мощный импульс развитию духовной культуры народов Узбекистана. Адекватно этим процессам происходит и восстановление исторической памяти, рост интереса к давней и недавней истории. Это и понятно: многие исторические события прошлого народов республики в силу сложившихся в советский период идеологических, вульгарно-большевистских подходов интерпретировались в угоду партийных органов. Поэтому свобода исторической мысли в наши дни даёт возможность непредвзято подойти к освещению многих её страниц.

В последнее время среди ряда газетных публикаций, литературно-художественных произведений и научных исследований, посвященных истории, особый интерес стала занимать тема духовной культуры, репрессий и гонений против национальной интеллигенции периода сталинского произвола, негативных явлений по отношению к ней, обусловленных силовым осуществлением субъективных и надуманных проектов тоталитарной власти, а также патриотическая деятельность национальной интеллигенции по сохранению и развитию традиций национальной духовности.

В это связи хотелось бы остановиться на послевоенных событиях, когда очередная волна репрессивного удара сталинизма нанесла серьезный урон духовной культуре и творческой интеллигенции Узбекистана. Гонения и необоснованно унизительные оценки творчества видных деятелей национальной культуры в предшествовавший советский период не могли не оставить след на последующее литературно-художественное творчество.

Репрессии против лучшей части национальной интеллигенции и конце 40-х - начале 50-х годов, обрушившихся и на многих писателей, поэтов, ученых и других деятелей культуры Узбекистана, были одним из средств поддержания и укрепления авторитарной власти, попыткой подавления и нивелирования национального сознания.

Неоднозначные процессы, происходившие в обществе в 50-е годы, получили непосредственное отражение в художественном творчестве. Идеологический прессинг на эту тонкую сферу человеческой деятельности, осуществлявшийся в те годы, по сути определил дальнейшее развитие литературы и искусства вплоть до 90-х годов.

Как известно, в 1946 г. были опубликованы постановления ЦК ВКП (б) «О журналах «Звезда» и «Ленинград», «О репертуаре драматического театра и мерах по его улучшению», «О кинофильме «Большая жизнь», в 1948 г. - «Об опере «Великая дружба» В.Мураделли» и др. В этих постановлениях содержались резкие выражения по адресу видных деятелей культуры, в произведениях которых прослеживаются «безыдейность», «аполитичность», «нарушение жизненной правды», «низкопоклонство перед буржуазной культурой запада» и т.д.

«Нацеливающие» постановления вызвали цепную реакцию на местах: в республиканских, областных, районных партийных организациях. Почти карикатурно выглядели появившиеся вслед за «главным» этим наскоро принятые местные постановления, столь же сердито и жестко критиковавшие писателей, поэтов, редакции журналов и т.д., причем без всякого учета специфических особенностей психологического, нравственного характера коренных народов. Уже в августе 1946г. XIV пленум ЦК КП Узбекистана отмечал, что «не получают должного отпора элементы безыдейности и аполитичности в творчестве некоторой части писателей и в репертуарной политике театров республики, факты отхода многих из них от актуальных тем современности»

Для организации «должного отпора» такого рода элементам и регламентации деятельности партийно-государственных органов среднеазиатских республик в 1947г. в Ташкенте было вновь восстановлено упраздненное в 1934 г. Средазбюро ЦК ВКП (б). По его настоянию в 1949-1950 гг. бюро и секретариаты ЦК Компартий республик региона подвергли жесткой критике я осуждению деятельность Союзов писателей, художников, композиторов, многих ученых. Были найдены «своеобразные» причины безыдейности, а именно то, что «некоторым творческим работникам серьезно мешают плодотворно работать не изжитые еще националистические заблуждения и беззаботное отношение к овладению марксистско-ленинской теорией. Обвинения в «национализме» являлось своеобразной «особенностью» и «удобной» формой осуществления сталинских репрессий в национальных республиках.

В июне 1949 г. ЦК КП Узбекистана, обсудив работу Союза писателей, отметил, что в произведениях последнего времени допущены элементы национализма, национальной ограниченности, идеализации

феодального прошлого и раболепного преклонения перед старой феодальной культурой.

Естественно, Союзный центр всячески инициировал «разоблачение» пороков, несуществовавших в узбекской литературе и искусстве. Тогдашний секретарь ЦК КП Узбекистана по идеологии Н.Мухитдинов в своих воспоминаниях отмечает: «Из Москвы в те дни прибыла большая группа работников науки и культуры и вместе с ними представители ЦК ВКП (б). Они скурпулезно разбирали творчество буквально каждого крупного ученого и деятеля культуры Узбекистана. Провели собрание актива, где руководители группы подвергли суровой критике тех, кто «извращает национальную политику» партии, «популяризирует архаизмы», «дворцовую поэзию и музыку», пытается «замкнуть узбекскую культуру и оторвать ей от Союза».[1]

В ходе исполнения» постановлений партии по идеологическим вопросам на местах многие писатели и деятели национальной культуры подверглись уничижению, идеологическому шельмованию, снятию с должностей и т.д. Так, идеологические и политические обвинения явно необоснованные, были выдвинуты против самых крупных узбекских писателей Айбека, А.Каххара, М.Шейхзаде, Шукрулло, Шухрата, Саид Ахмада, М.Исмоили и ряда других, а также в отношении журналов «Шарк Юлдузи» и «Звезда Востока».

В конце 40-х - начале 50-х гг. республиканская печать один за другим помещали разгромные статьи с обвинениями в адрес творческих работников. Непредвзятая подборка этих статей показывает все настойчивое наступление на национальную интеллигенцию. Так, в статье «Об идеологических извращениях в творчестве некоторых поэтов» авторы В.Костыря и К.Файзуллин с догматической опорой на принцип социалистического реализма выдвинули различные обвинения против поэтов Тураба Тулы, Сабира Абдуллы, Камтара Атабаева, Миртемира, Хабиби, А.Бабаджанова. Фактически статья отвечала духу стратегии тоталитарного режима - держать в узде, «ставившей по сути литературу и поэзию в такие условия, которые отнюдь не способствовали их творческому развитию. Это со всей наглядностью подтверждают следующие оценки: «Слезливая стряпня Миртемира, вроде песенки «Ёр», проникнутой пессимизмом, грубо искажает историческую правду, нагло клевещет на наших людей». Или: «в произведениях Тураба Тулы «Мой Узбекистан» тщетно искать черты, характеризующие социалистический Узбекистан. Автор воспевает издревле существующие детали пейзажа, видит «сияющее солнце», «цветущий сад», «весну», но «находит возможным ни словом не обмолвиться о сталинской дружбе, о животворном советском патриотизме. Порочное произведение Т.Тулы родственно по духу стряпне буржуазно-националистических

стихоплетов»[2] и т.д. Антинациональная направленность подобного рода последовательной «критики», несомненно, отражала точку зрения и позиции монопартийной элиты.

Естественно, «заслуженной популярностью» с их точки зрения пользовались лишь произведения, которые отражали «вдохновенную борьбу узбекского народа за повышение урожая хлопчатника, благородное чувство любви к коммунистической партии, к великому Сталину».

21 августа 1951г. в газете «Правда Востока» появилась статьи М.Иванова, В.Лаврова и Ф.Искандерова «В стороне от задач узбекской советской литературы». Лейтмотив её содержания составляла проблема узбекского литературоведения. Однако выделенные в ней приоритеты развития узбекского литературоведения отражали существенное влияние классовых, шовинистических подходов. Формально в качестве объекта критики выступали работы видных ученых в области литературоведения, литературной критики и филологии, таких как Айбек, Х.Зарифов, Х.Якубов, И.Султанов. Но фактически статья была направлена против положительного освещения и анализа литературного наследия узбекского народа. Так, Айбек был обвинен в том, что «неправильно расценивает как народные романы, проникнутые духом исламистского фанатизма, сочинения «Санавбар» и «Малика-и-Дилором», Х.Зарифов в превращении поэмы «Деде Коркут» в героический эпос, а Х.Якубов за то, что «неверно трактует исторические явления» и т.д.

Идеологическая экзекуция творческой интеллигенции продолжилась на спешно созванном в августе 1951 г. VI Пленуме Союза писателей Узбекистана. На нём грубому разносу подверглась обширная группа национальных писателей и поэтов, пользующихся большой любовью у народа. Так, в выступлениях официальных докладчиков гневно отмечалось, что в произведениях Шейхзаде «искажаются социалистическая действительность, образы советских людей; язык его произведений засорен арабскими, иранскими, турецкими словами, преимущественно религиозного характера». Пьеса С.Абдуллы «Алпомыш» была объявлена порочной как идеализирующая феодальное прошлое. Досталось на пленуме и поэтам Т.Фаттаху, Зульфие, М.Бабаеву, Х. Гуляму и другим за то, что в некоторых их произведениях «бесконечно повторяются «розы», «соловьи», и прочие атрибуты древних газелей», якобы «чуждых эстетическим вкусам советских людей».

Другими словами, национальные писатели и поэты жестко критиковались за то, что они стремились сохранить в художественном творчестве национальные традиции, преемственность национальной культурной жизни народа, сберечь в общественном сознании память о великом духовном наследии прошлого.

Подобная вульгарно-шовинистическая критика любых проявлений национального своеобразия в творчестве узбекских писателей и поэтов оказала отрицательное воздействие на узбекскую литературу.

Кроме того, вновь был задействован репрессивный механизм тоталитарной системы. Процесс этот, все больше усиливаясь, развивался в основном по двум направлениям: во-первых, усиление идеологической обработки населения; во-вторых, прямые репрессивные меры. Репрессии против видных представителей национальной интеллигенции особенно усилились в 1951-1952 гг. Расправа с национальной интеллигенцией, попытки морально-политической её дискредитации проводились с помощью фабрикации обвинений в национализме и антисоветской деятельности, произвольных арестов, добывания «доказательств», обеспечивающих «нужный» ход судебного и внесудебного процесса. В результате подобных инсценированных политических обвинений к началу 1952г. за «антисоветскую деятельность» уже были осуждены на 25 лет Шукрулло, Максуд Шейхзаде, Шухрат, Миркарим Осим, Саид Ахмад, Мирзакалон Исмоили, Х.Сулейманов и ряд других писателей, ученых республики. На X Пленуме ЦК КП Узбекистана (февраль 1952г.), обсудившем вопрос «О состоянии и мерах улучшения идеологической работы в республике» снова и очень вульгарно говорилось о якобы имеющихся серьезных недостатках в творчестве узбекских писателей, ученых, композиторов, а также указывалось на необходимость улучшения работы по воспитанию трудящихся в духе советского патриотизма и дружбы народов, борьбы с пережитками национализма, феодально-байского отношения к женщине и т.д. На этом же пленуме Айбек и еще ряд писателей, поэтов были объявлены националистами. В том же месяце состоялся пленум Союза писателей, на котором отмечалось, что «писательский труд в Советском государстве является не личным и не частным делом, а делом государственным, делом партийным и народным», а потому от членов Союза требуется «чтобы их произведения своим идейным и художественным уровнем отвечали запросам советских читателей и задачам, поставленным Коммунистической партией». [3] Словом, утверждалась такая политическая и идеологическая обстановка, при которой литература по своей природе не поддающаяся регламентации и призванная заниматься вечными темами - человек, мир, нравственность, теряли свои творческие, возвышенные черты, мотивы и были обречены на ремесленничество.

Вместе с тем, далеко не всю вину за репрессии и гонения цвета национальной интеллигенции в 50-е годы, как и в 30-е, можно возложить только на союзный центр и его политику. К сожалению, эти акции негативного порядка, осуществлялись не только с «помощью» партийно-

государственных органов, но и некоторых карьеристки настроенных представителей отечественной интеллигенции.

В своих воспоминаниях Н.Мухитдинов отмечает, что в начале 50-х годов первый секретарь ЦК КП Узбекистана А.И.Ниязов передал ему список 60 видных деятелей культуры, которые, якобы, ведут «активную националистическую деятельность, идущую вразрез с политикой партии, периодически встречаются, негласно обсуждают проблемы, согласовывают свои оценки и ведут вербовку сторонников среди интеллигенции». Этот список был составлен «соответствующими органами вместе с отдельными работниками творческих организаций и Академии наук». Отметим, что к этому времени уже более 20 человек были осуждены, многие же освобождены от работы как не внушающие доверия.

Академик Мирзаали Мухамеджанов также вспоминал, что в начале 1952г. секретарь ЦК КП Узбекистана по идеологии Х.Турсунов и постпред Узбекистана в Москве Я.Алиев попытались «на предмет разоблачения» передать секретарю ЦК ВКП (б) Г.М.Маленкову составленный руководством ТуркВО и ЦК КП республики список «группы националистов, панисламистов и пантюркистов», в котором значились фамилии почти 150 видных ученых, писателей, деятелей культуры. Со словами: «Вы хотите истребить интеллигенцию и вернуть республику в 37-й год.?» - Г.М.Маленков выгнал их из кабинета.[4] Каким бы ни был в количественном отношении список оклеветанных, он был составлен и представлен в центр не имперскими чиновниками, а республиканскими партийно-государственными деятелями и отдельными творческими работниками из среды своей же национальной интеллигенции.

Приведем лишь два примера «усердного содействия» таких представителей интеллигенции. Так, роман Айбека «Навои» получил широкую известность и был высоко оценен критиками, читателями, партийно-государственными верхами республики и Союза. В 1946г. роман этот был удостоен Сталинской премии. Однако уже через несколько лет именно за этот роман Айбек был обвинен в идеализации феодального прошлого и образа Навои, «в раболепном преклонении перед старой феодальной культурой». Жена писателя Айбека З.Саидносирова вспоминала, что в 1950г. было написано обвинительное письмо (на 22 страницах) против Айбека, второе подписали ряд «коллег-писателей» - Шевердин, Уйгун, Мильчаков, Ойдин. Они обвиняли Айбека в национализме. Та же участь постигла и ряд других его художественных и публицистических произведений. Подобные обвинения и критика стоили Айбеку многих лет жизни. [5]

Или: взять судьбу Максуда Шейхзаде. Поэт Шукрулло, кстати, тоже репрессированный, пишет, что в связи с подготовкой 80-летнего юбилея Шейхзаде ему попался официальный документ, в котором говорилось: «На основании сведений о враждебной антисоветской деятельности 21 сентября 1952г. органами НКВД арестован Максуд Шейхзаде. Несмотря на то, что Шейхзаде не признал себя виновным, его националистическая, антисоветская деятельность была достаточно доказана на основании свидетельств Туйгуна Шукуржанова, Аскада Мухтара, Мильчакова, Рамз Бабаджана и других». [6]

Говоря о тех, кто оказывал «помощь» в травле своих коллег, мы далеки от попытки посрамить и очернить уже покойных или ныне здравствующих поэтов и писателей. Впрочем, ни один поступок, каков бы он ни был, никогда не остается безответным, ибо тайное, рано или поздно, становится явным, это - историческая аксиома. Поэтому справедливость требует назвать не только имена тех, кто пострадал от тоталитарного режима, но и тех, кто в целях своего благополучия организовывал клеветнические кампании, «завоевывал» авторитет перед властью предержащими за счет несчастья своих коллег. Правда, объективности ради, надо отметить, что позже некоторые из них осознали свою вину. С позиций сегодняшнего дня мы можем оправдать поступки некоторых представителей интеллигенции пороками самой тоталитарной системы, вынуждавшей идти против собственной совести или предавать. Тем не менее в этой связи вспоминаются следующие строки замечательного поэта Шукрулло:

Я понимаю: мир не виноват

В том, что забыл иной из нас о чести. [7]

Насильственное уничтожении в период сталинских репрессий наиболее видных представителей творческой интеллигенции, талантливых деятелей литературы и искусства, нанесло невосполнимый урон культурному достоянию узбекского народа, вызвало стремительное разрушение его национальных основ. Отметим, что по официальным данным, в 1937-1953 гг. в Узбекистане только по решению внесудебных органов (так называемых «троек») были репрессированы 18652 человека, из них 6038 приговорены к расстрелу. [8]

Шельмование и репрессии национальной интеллигенции выбивали из её рядов многих талантливых писателей, поэтов, ученых и имели самые отрицательные последствия в интеллектуальном, в частности, в литературно-художественном творчестве. Появление слабых в художественном отношении, посредственных произведений, зачастую коньюктурно приближенных к производственной или партийной тематике, серьёзно сдерживали развитие национальной литературы, национального языка, изучение и объективное освещение отечественной

истории и т.д. Главные достоинства художественного творчества любого представителя национальной интеллигенции оценивалась через призму принципа «социалистического реализма», в котором были сфокусированы диктат идеи и заданность политического содержания. Впрочем, свободное творческое начало не вписывалось в саму тоталитарную систему, ориентированную на конформистский тип мышления. А потому интеллигенция рассматривалась как обслуживающая сила этой системы. В случае самостоятельной позиции к ней жестко припечатывались политически уничижительные обвинения. Тем не менее, нынешнее активное участие национальной интеллигенции Узбекистана в укреплении независимости и возрождении национальных и общечеловеческих ценностей, духовного наследия своего народа, свидетельствует о том, что, несмотря на порой драматические перипетии и суровые испытания в её судьбе, она сумела сохранить свое национальное достоинство, нравственный потенциал, веру и стремления в свободную и независимую жизнь. Ныне по-новому осмысливая исторические события совсем недавних лет, главное, что мы должны извлечь в качестве урока из её тягостных порой страниц, связанных с вульгарно шовинистическим отношением властей к творческой интеллигенции, это необходимость понимания и учета того, что творчество должно иметь возможность для свободного самовыражения.

Литература

1. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле. - Ташкент, 1994, стр.48.

2. Правда Востока, 1951, 10 августа.

3. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов. – Ташкент, 1968, стр.454.

4. ЦГА РУз, ф. 2356, оп. 1, д. 311, л. 18.

5. Фан ва турмуш, 1993, №5-6, стр.9

6. Шукрулло. Қасосли дуне. - Тошкент, 1994, 12 б.

7. Саидносирова З. Ойбегим менинг. Тошкент, 1994, 128 б.

8. Правда Востока. 1989, 21мая.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛК БОСҚИЧЛАРИ

Матбобоев Б.Х.
т.ф.д., проф.
Хошимов Х.Б.
Археологик тадқиқотлар
институти кичик илмий ходими

Кейинги йилларда ўтмиш тарихимиз кенг қамровли тадқиқ этилмоқда ва унинг номаълум бўлган саҳифалари кашф қилинмоқда. Булар қаторига тарих фанидаги энг долзарб муаммолардан бири - шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларни ўрганишни киритиш мумкин. Бу муаммони ўрганиш бир томондан мамлакатимиз худудида илк деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши ва иккинчи томондан дастлабки давлатчиликнинг шаклланиш жараёнлари билан узвий боғланган.

Водийдаги шаҳар маданиятини қадим илдизларга эга эканлиги, уни Марказий Осиё тарихидаги ўрни масаласини ечилиши мустақиллик йиллари билан боғланган. Унгача эса Фарғонада қадимги шаҳарсозлик жараёнлари бошқа жойларга нисбатан кечроқ пайдо бўлади, у бошқа худудларга нисбатан ривожланишда орқада қолган деган фикр ҳукмрон эди (қаранг: Дренейшие государства Кавказаи Средней Азии, 1985. С.203). Дастлаб XX асрнинг 70-йилларда водийда йирик археологик ёдгорликлар «шаҳармонанд макон», «шаклланаётган шаҳар маркази», деб аталган бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларидагина «кала-город», «қалъа-шаҳар» деган ғоя археология фанида ўрнаша бошланди. Бу фикрни таникли фарғонашунос Ю.А. Заднепровский қадимшуносликда биринчи марта ўртага ташлади ва уни ҳимоя қилди. Бу масалани ўртага қўйилиши ва уни ечими фарғонашуносликда янгилик эди. Хўш, археологларни бу хулосага олиб келган ашёвий манбалар нималардан иборат эди?

Энг асосий манба, бу Чуст маданияти номи билан юритилувчи водийдаги илк деҳқончилик билан шуғуланган аҳолидан бизгача етиб келган археологик ёдгорликлар эди. Бу ёдгорликлар ўтган асрнинг 50-йилларида тошкентлик археолог В.И. Спришевский, ленинградлик Ю.А. Заднепровский томонидан топилиб ўрганила бошланди. Кейинчалик бу ёдгорликлар Ю.А.Заднепровский томонидан кўп йиллар тадқиқ этди ва улар сонини 80 тага етказди (Заднепровский, 1978). Бу муҳим фактнинг ушбу давр яъни мил. авв. II минг йиллик охири ва I минг йиллик

бошларига оид ёдгорликларини ўрганилиши ватанимиз тарихи учун аҳамияти каттадир. Қолаверса, бунчалик кўхна дехқончилик билан боғлиқ археологик ёдгорликлар бор юртнинг энг қадимги аҳолиси нуфузи ва уни тараққиётидан далолат беради. Бу ёдгорликлар классификация қилинди, сув манбалари бўйича бир тизимга солинди, уларни Ўрта Осиё ва Фарғона водийси тарихидаги ўрни ва аҳамияти аниқлаб берилди.

Қадимги шаҳар ва уни археологик белгилари Ўрта Осиё ва Фарғона водийси учун батафсил ишлаб чиқилган ва мазкур ишланмалар тарихчилар, этнографлар томонидан кенг фойдаланилади. Келтирилган ёдгорликлар ичида катта ўлчамли ва қалин маданий қатламга (5 метрга етади) эга бўлган Далварзин (майдони 25 гектар), Ашқалтепа (13 га), Чуст (4 га), Дехқон (5 га) ёдгорликлар қайд этилган. Булардан Далварзин шаҳар мақомига, Чуст, Ашкалтепа ва Дехқон ёдгорликлари шаҳармонанд маконлар эди деган фикрни бемалол айтиш мумкин.

Жамият тарихида янги босқич бўлмиш шаҳарларни водийда келиб чиқишига сабаб бўлган энг муҳим омилларга тўхталиб ўтсак, улар қуйидагилар. **Биринчи омил** рўй берган вақт Чуст дехкончилик маданиятининг ривожланиш босқичининг II даврига яъни мил. авв. IX - VII асрларга тўғри келади. Бу даврда Чуст маданияти соҳиблари ишлаб чиқариш кучларини ривожланишида янги сифат кўрсаткичларига эришадилар. Бу ўзгариш биринчи навбатда фарғоналиклар ҳаётида темирни кашф этилиши ёки уни бу худудга кириб келиши билан боғлиқ эди. Археологлардаги топилмалар: Далварзинда қатламдан топилган бир темир пичоқ ва темир рудасини аниқланиши (Заднепровский, 1966. С. 199-200) фарғоналикларни хусусан Далварзин аҳолиси кўрсатилган даврда темир эритишни билган эди деган хулосага олиб келади. Бироқ савол туғилиши мумкинки, пичоқ ва руда бошқа ердан келиб қолган бўлиши мумкин? Аммо темир рудаси ва темир пичоқни бир ерда учраши, бир оз кейинги Эйлатон даври ёдгорликларида темирни кенг истеъмолда бўлиши Далварзинда темир ишлаб чиқариш бўлган деган хулосани чиқаришга имкон беради. Қолаверса кўҳна металл ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган мутахассисларни Ўрта Осиёга темир Эрондан эмас, Фарғонадан кириб келган деган хулосалари ҳам бор (Рузанов, 2005. С.151). Бу дегани Фарғона водийси аҳолиси илк темир даврида 900-1500 градусли ҳароратни сунъий чиқара билган. Яъни, мутахассислар фикрича (хусусан, проф. А.А. Абдураззақов) 900-1350 градус хароратда темир рудаси хамирсимон ҳолатга келади. Бу темир хом ашёси юмшоқ ва мўрт бўлади. Ундан ясалган асбоблар, қурол-яроғлар сифати паст бўлади. Шунинг учун қадимги аҳоли температурани 1500 градусгача кўтариб соф темир олишни билган бўлиши керак. Айнан шундай темирдан ясалган курол-яроғлар сифати юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда инқилобий

ўзгариш ясади. Демак, водийда бронза асрининг охирларидан ишлаб чиқаришни ривожланишининг бош сабабчиси темир муомалага киритилди. Энди меҳнат қуроллари такомиллашди, улар пишиқ бўлди ва унумдорлиги ортди.

Водийда бронза даврининг охирларидан ва илк темир асри бошланишидан эътиборан деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб чиқади ва алоҳида ишлаб чиқариш хўжалигига айланди. Айнан шу даврда водий қадимги деҳқончилик маданияти соҳиблари ҳаётида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин эди:

1. Арк шаҳар тузилишида алоҳида ажралади ва уни шаклланиши ниҳоясига етади.

2. Илк шаҳар атрофи икки қатор девор билан ўраб олинади ва кучли ҳимояланган ўзига хос қалъа-шаҳар (ички ва ташқи шаҳарлар) шаклланади.

3. Водийнинг деҳқончилик воҳаларида илк «воҳа давлатлари» пайдо бўлади.

Бу урбанизация жараёнининг ривожидаги **иккинчи омил** эди.

Учинчи омил темирнинг пайдо бўлиш билан боғлиқ бўлиб оддий сув иншоотлари ва сунъий каналларни қурилишидир. Булар йирик фарғонашунос ва суғориш тарихи бўйича таниқли мутахассис Б.А. Латинин фикрича қадимги суғорма деҳқончиликнинг учта босқичини босиб ўтади: **1-босқич: энг оддий лиман** (кўллама усули ҳам дейилади) усулида суғоришни пайдо бўлиши ва ривожланиши. Бунда мавсумий табиий сув тошишидан фойдаланилган ҳолда ерлар суғорилиб деҳқончилик қилинган. **2-босқич**: табиий суғориладиган ерларда ҳосил олиш мобайнида деҳқонларда уларни тартибга солиш кўникмалари асосида дастлабки содда ирригация иншоотларини бунёд этилиши. Натижада ирригация тизимидан фойдаланиб сунъий суғоришга ўтилди ва дастлабки магистрал каналлар пайдо бўлади**. 3-босқич,** энди расман каналлардан ариқ ковлаб сув чиқариш бошланади ва шу даврдан бошлаб Фарғона водийсида «панжаотган» (веерная система, яъни «елпиғичсимон») суғориш тизими кенг йўлга қўйилади (Латынин, 1962. С.26-28).

Фарғона деҳқончилик маданиятининг илк босқичларида одамлар мил. авв XII-IX асрларда асосан булоқ бўйларидаги, дарё соҳилларидаги пастқам, суғорилиши осон ерларда деҳқончилик қилишга ўтишган. Деҳқончилик ерни ҳайдаб шудгорлаб қилинган. Буни тасдиқ этувчи билвосита археологик фактлар мавжуд. Буларга бошоқли (буғдой, арпа ва тариқ) ва дукакли экинларни (нўхат)[59] хайдалма ерга экиб ҳосил олиниши мумкин бўлгани, ғалла сақлашга мўлжалланган ўралар қайд этилгани ва

[59]Бу донларни намуналари Чуст ёгорлигидаги қазишмаларда қайд этилган.

ер ҳайдаш манзарасини шу давр тошга солинган суратларида(петроглифлар) акс этгани мисол бўлади (булар Саймалитош (Фарғона тоғ тизими) ва Янгиариқсой (Сўх яқинида) (Заднепровский, 1962. С. 75; Ташбаева, 1999; Хўжаназаров, 1989; Матбабаев, 2004). Деҳқончиликда, юқорида эслатилган, каир ва лиман (бунда дарё ва сойларнинг пастликка тушиб табиий кўллаб ётган ерлардан фойдаланилган (Жалилов, 1977. С. 21). Шу тариқа кўллама (лиман) усулида сунъий суғориш амалга оширилган. Сўнгги бронза даврига оид ирригация иншоотлари бу давр ёдгорликларида яқинида ҳозиргача қайд этилгани йўқ. Ю.А. Заднепровский О.А. Рижковнинг геолого-стратиграфик кузатувга асосан билдирган фикрига[60] кўра сунъий каналлар водийда мил. авв. II минг йиллик охири I минг йиллик бошларида пайдо бўлган (Задн епровский, 1962. С. 74-75). Хатто юқоридаги хулосаларга қўшилмайдиган А. Анорбоев ҳам бу фикрни қўллаб қувватлайди (Анорбоев, 2006. С. 12-14). Лекин Ю.А. Заднепровский сўнгги йиллардаги ишларида Фарғонадаги сунъий каналлар бўлмиш Ўзган-Ариқ (узунлиги 37 км), Андижонсой, Шахрихонсойлар (ҳозирги узунлиги 100 км) мил. авв. I минг йил ўрталарида барпо этилган деган хулосага келган (Заднепровский, 1991. С.192-195). Кейинги икки канал Қорадарёдан сув олган. Биз келтирган хулосалар археологик ёдгорликлар ва улардаги қатламларга асосланган (Б. Абдулгазиеванинг ушбу каналлар бўйида аниқлаган бир гурух археологик ёдгорликлар жумладан Султонобод шаҳар харобасидаги янги топилмаларига таянган ҳолда билдирилган хулосаси). Яна шарқий Фарғонадан бир гуруҳ каналлар аниқланган бўлиб, улар ҳам археологик далилларга асосан, мил. авв. I минг йиллик йиллик ўрталарига тўғри келади. Булар Мирза-ариқ (узунлиги 15 км, кенглиги 6 м, чуқурлиги 3 м), Қумариқ ва б. Мутахасислар фикрича, бу ирригация иншоатлари бўйидаги ёдгорликлар тизими уларни айнан шу каналлар ёқасида бунёд этилганликларини кўрсатмоқда. Мс, Қорадарё шаҳар харобасига сув фақат Ўзган-ариқдан олиниши мумкин. Шу воҳалардаги каналлардан чиқарилган майда каналлар (ариқлар) излари ҳам археологик қайд этилган. Булар Каман-ариқ, Атамакул-ариқ, Жон-ариқ, Хўжа-ариқ ва б. (Береналиев, 1975). Хақиқатдан ҳам келтириб ўтилган каналлар кенглиги ва узунлигини ҳисобга олсак, уларни фақат бирор сиёсий уюшмага бирлашган одамлар жамоаси томонидан ковлаб фойдаланиши мумкин эди[61]. Бундай сунъий суғориш иншоотларини яъни, магистрал каналларни пайдо бўлиши ирригациядаги олдинга силжиш ва жамият тараққиётининг муҳим белгиси эди. Булар Фарғона суғорма деҳқончилик

[60] Шунга ўхшаш фикрни М.П. Грязнов Қирғизистон тарихида (1968) ҳам билдирган.
[61] Табиий жилғалар тўғриланган бўлиши мумкин (С.Жалилов фикри)

тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Водийдаги сунъий каналларни мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан пайдо бўлишини 2000-2017 йилларда Андижон шаҳридаги археологик қазишмаларда аниқланган энг сўнгги топилмалар ҳам тасдиқлади. Текширишларга кўра, Андижон шу номли сой яқинида, тарихий «эски шаҳар» ўрнида пайдо бўлган. Буни тасдиқловчи археологик материаллар (бўёқ билан гул солинган сопол идишлар, тош буюмлар ва б.) ҳозирги Сужоат ва Тутзор кўчалари бирлашган жойда – Сарвонтепада аниқланди. Андижондан қайд этилган бу топилмалар мил. авв. VI-III асрлар билан белгиланади. Ёдгорликни аксарият қисми аҳоли ҳовли-жойлари остида 3-4 м. чуқурликда кейинги давр маданий қатламлар остида қолиб кетган. Сарвонтепа майдонини катталиги (15-20 гектар) ва ундаги қадимги маданий қатламлар қалинлиги (2,5-3 метр) – Андижоннни илк даври айнан шу ёдгорлик замирида пайдо бўлиб интенсив ривожланганидан далолат беради. Бу ёдгорликни топилишини Фарғона шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки шу вақтгача мил. авв. 1 минг йиллик ўрталарига тўғри келадиган қатламлар Андижондан 20 км. шим. ғарбда, Мойлисойнинг адоқ қисмида жойлашган биргина ёдгорлик Эйлатон шаҳар харобасида тадқиқ этилган эди халос. Қолган ёдгорликларда (Суфон, Пилолтепа, Симтепа) бу давр топилмалари кейинги қалин қатламлар остида қолиб кетган ва салмоғи кам бу топилмалар Эйлатон маданиятни сўнгги босқичига тўғри келади. Шунинг учун аксарият ҳолларда бу давр моддий маданияти мозор-қўрғонлар мисолида ўрганилган эди. Хуллас, Андижондан аниқланган янги топилмалар бир неча принципиал хулосаларга олиб келади. **Биринчидан,** бундан 2300-2600 йил олдин ҳозирги эски шаҳар ўрнида катта аҳоли пункти мавжуд бўлганини ашёвий далилидир. **Иккинчидан,** бу аҳоли пунктини сув билан таъминланиши масаласи Андижонсойни қурилган вақтига аниқлик киритади. Бу қадимги макон жойлашишига кўра сувни фақат Андижонсойдан олган. **Учинчидан,** шаҳарнинг энг қадимги ўзаги уни шарқий томонида эмас, балким жануби-ғарбий тарафда-шаҳарнинг ҳозирги марказида бўлган деган хулосани айтишга имкон беради (Матбабаев, 2005). Биздан олдинги ва ҳозирги текширишлар водийнинг айнан ушбу музофотида илк шаҳарлар пайдо бўлганини ва бу жараён жадал ривожланганини кўрсатмоқда (олдинги ишларимизда мазкур худудни «илк шаҳарлашиш худуди» деб атаганмиз - ранняя урбанизированная зона) (Матбабаев, Машрабов, 2011.Рис.2). Ҳисобларга кўра, 50х50 км.га яқин худудда Фарғона водийси қадимги шаҳар маданиятининг асосий ёдгорликлари жойлашган. Булар Далварзин, Эйлатон, Мингтепа, Қува ва Андижонни эски шаҳар қисми. Демак, илк деҳқончилик, дастлабки шаҳарлар айнан шу территорияда пайдо бўлади ва ундан водий бошқа қисмларига хусусан ғарбий

томонларга тарқалган бўлиши керак. Бу жараённи энг ғарбий нуқтаси Нуртепа ва Хўжанд бўлиши керак, шунинг учун мазкур худуддан топилган комплексларга Эйлатон I ва II даврлари таъсири яққол сезилади[62].

Археологик материалларга кўра, шаҳарлашиш (урбанизация) жараёни Ўзбекистоннинг турли худудларида деярли бир вақтда (мил.авв. IX-VII асрлар) рўй беради (Матбабаев, 2002). Бу жараёнлар археологлар томонидан Хоразмда (Кузалиқир), Сугдда (Сангиртепа, Кўктепа, Ерқўрғон), Фарғонада (Далварзин, Чуст ва б) кузатилган. Демак, Фарғонада дастлабки шаҳарлар ва шаҳармонанд маконлар борлиги, илк ирригация иншоотлари мавжудлиги ва ҳунармандчилик ривожлангани синфий(?) муносабатларни ва бу ўз навбатида илк давлатчилик белгиларидан дарак берарди. Келтирилган бунёдкорлик ишларини йўлга қўйиш фақат давлат мақомидаги ташкилот амалга ошириш мумкин эди. Ҳозирда маълум археологик комплексларга асосланиб ва уларни Хоразм, Бақтрия ва Сугдга солиштириб водийда илк давлатчилик бўлгани хақида дадил фикр айтиш мумкин. Айнан мил. авв. VIII-VI асрларда Ўрта Осиёда майда воҳа давлатчалари асосида уларга нисбатан йирикроқ давлат бирлашмалари пайдо бўла бошлаган эди (Массон, 1984. С. 9). Айнан шу жараённи Фарғона водийсида ҳам кузатиш мумкин эди. Шунинг учун ушбу сатрлар муаллифи мил. авв. VIII-VII асрларда Фарғонада воҳа давлатчилиги бўлган деган фикрни 2002 йили олға сурган эди (Матбобоев, 2002А. С.9-10). Бу фикр кейинги тадқиқотлар натижасида ўз тасдиғини топмоқда.

Фарғона водийсининг кейинги даври, яъни мил. авв. VI-IV асрлардаги шаҳарсозлик ва давлатчилик масалаларини ўрганиш кўп жиҳатдан қоронғу бўлиб қолмоқда (Иванов, 2004). Сабаб, юқорида айтганимиздек, бу давр кўпроқ мозор-қўрғонлар асосида ўрганилган. Шаҳар ва қишлоқ ёдгорликлари бўлмиш Эйлатон, Нуртепа, Сарвонтепа(Андижон)ларда маданий қатламлар кўлами ва сақланиши бир оз яхши. Бошқалари кейинги давр қалин қатламлар остида қолиб кетган ва уларда маданий қатламлар ҳам кам. Яна бир муаммо: бу ёдгорликлар айрим тадқиқотчилар томонидан кўчманчи чорвадорларга боғланади. Биз ушбу ғояга ўз раддиямизни эълон этганмиз. Бизнингча олдинги чуст давридаги каби деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар хўжалик турлари бўлган анана давом этган: Эйлатон ва Оқтом маданиятлари ривож топган. Фикримизча бу даврда воҳа давлатчилиги жараёнлари давом этган бўлиши керак. Чунки яна археология маълумотлари бўйича олдинги – Чуст маданияти ёдгорликлари ўрнида кейинги даврда, яъни мил. авв. VI-III асрларда ҳам моддий маданиятдаги

[62]Матбабаев, Машрабов, 2011; Матбобоев, Машрабов, 2014.

ананалар давом этгани кузатилади. Тўғри, бу даврда ва ундан кейинроқ ҳам масалан Давань подшолигида давлат бошқарилишида кўчманчилар ролини инкор этиб бўлмайди. Тадқиқотчилар доим келтириб ўтувчи ушбу факт яъни, Фарғонани кўчманчи-чорвадорлар бошқаргани ҳам бир оз шубҳали бўлган филологик маълумотга яъни ҳукмдор номини сакларга боғланишига асосланган. Мил. авв. VI-III асрлардаги водийнинг текислик қисмидаги маданият соф деҳқончилик билан боғлиқ эди. Бу Эйлатон деҳқончилик маданияти деб номланади. Мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб то эрамиз бошларигача Эйлатон, Мингтепа, Шўрабашот, Қува, Андижон, Поп, Косон ва Ахсикет каби археологик ўрганилган шаҳарлар тараққий топади.

Демак, Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларига бориб тақалади. Улардан Далварзин водийда энг қадимги шаҳар, Ашқалтепа, Чуст ва Дехқон ёдгорликлари шааҳрмонанд ахоли маконлари, кейинги даврнинг Эйлатон, Нуртепа ёдгорликлари қадимги шаҳар маконлар деб қабул қилиниши мумкин. Буларга қўшимча ана бир ёдгорликни Андижон шаҳрининг қуйи қатламларидан топилиши бу давр салмоғини янада ортиради. Ушбу шаҳар маданиятини келиб чиқишида роль ўйнаган археологик комплексларга тўхталадиган бўлсак бунга аниқ ва бир хил жавоб бериш мушкул. Сабаби, бу тўғрида фикрлар жуда кўп ва уларни икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бири Фарғона қадимги деҳқончилик маданияти маҳаллий-азалий асосга эга, улар маълум босқичда жанубдаги илғор деҳқонлар таъсирида ривожланган деб қарайдилар. Иккинчиси водий чорвадор аҳолиси аста секин деҳқончиликка ўтган деган фикр билдирадилар (Горбунова, 1984. С.99). Бироқ кейинги текширишлар ва янги топилмалар водийда қадимдан деҳқончилик маданияти бирламчи бўлганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам йирик фарғонашунослар Ю.А. Заднепровский ва Н.Г. Горбуновалар Чуст маданияти ва унга ўхшаш жанубдаги комплекслар деҳқончилик узоқ ривожланган музофотларда шаклланган деган хулосага келганлар (Горбунова, 1995). Албатта бу фикрда жон бор, буни айрим топилмалар (Хок ва Афлотун метал буюмлари хазинаси, Сўх тош тумори), Андижон вилояти ва Ўш вилоятлари туташган худудлардан топилган «гири»лар (3 та) ва Қирғизистонни Жалолобод вилоятидаги Шагим қабристони материаллари кўрсатмоқда. Улар Н.Г. Горбунова ва Ю.А. Заднепровскийлар фикрларини хақиқатга яқин эканлигини кўрсатади.

Кейинги пайтда айрим журналларда баъзи медиевестлар (ўрта асрлар даври мутахассислари) томонидан водийда милоддан аввалги III мингчинчи йилликнинг иккинчи ярмида Ғовасой адир орти воҳасида суғорма деҳқончилик шаклланган деган фикри ҳозирча археологик

жиҳатдан асосланмаган. Бир сўз билан археологик қатлам ва топилмалар эълон этилгани йўқ.

Демак, Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти белгилари Чуст қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари замирида милоддан аввалги IX-VII асрларда Қорадарё хавзасида пайдо бўлади. Археологик маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Далварзин - илк шаҳар, Ашқалтепа, Чуст(Буонамозор), Деҳқон-шаҳармонанд ёдгорликлар типига киради. Шаҳарсозлик маданиятининг кейинги босқичи милоддан аввалги VI-III асрларга тўғри келади. Уларга Эйлатон, Қува, Мингтепа ва Сарвонтепа каби шаҳар типидаги ёдгорликлари киради.

ДОКУМЕНТЫ И.А. РАЙКОВОЙ В СОБРАНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Левтеева Л.Г.
к.и.н. ГМИУ

В научном архиве Государственного музея истории Узбекистана хранится личный архив И.А.Райковой.

Иллария Алексеевна Райкова - член –корреспондент АН УзССР, доктор биологических наук, профессор, зав.кафедрой дарвинизма, генетики и экспериментальной морфологии биолого-почвенного факультета Ташгу, Заслуженный деятель науки УзССР, председатель Узбекского отделения Всесоюзного ботанического общества.

Из документов раннего периода жизни И.А.Райковой в музее хранятся документы ее отца: Послужной список священника 2 Туркестанской стрелковой бригады Алексея Райкова, от 02.01.1905 г. (машинопись, 6 л.); Заявление А.Райкова на случай его смерти о передаче имущества Райковой И.А. (рукопись); Выпись из метрической книги о смерти Алексея Семеновича Райкова, №289, от 22.09.1917г. (рукопись, 2 л.).

Документы И.А.Райковой: Свидетельство о рождении и крещении, от 17-22 сентября 1896 г. и 27.10.1908 г., № 6715; почтовые открытки «Самарканд, женская гимназия»; «Самарканд, женская гимназия» (урок физкультуры); два Дневника для записывания уроков ученицы Самаркандской женской гимназии за 1911-1913 гг. (рукопись); аттестат об окончании Самаркандской женской гимназии от 28.05.13г.; расчетная Книжка по процентным бумагам №253 Самаркандской государственной

Ўрта асрда Олд Осиё ва Марказий Осиёнинг катта қисмини ўзига бирлаштирган Харазмшохлар давлати, ўз даврида давлатлараро дипломатияни ривожлантиришига эътибор берган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида давлат худудида христиан, яхудийлик динига мансуб ахолининг тенг шароитларда яшаганлигида кўришимиз мумкин. Шу даврда яшаб ижод этган ал- Мақдусий, ал- Истахрий (X аср), ал- Якут, П.Карпини (Xlll аср), ал- Амарий лар бу хақида мълумотларни ёзиб қолдирган[73].

Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларни ривожида, Темур ва Темурийлар даври ўзига хослиги ва такомиллашганлиги билан ажралиб туради. Бунда Генрехнинг IV нинг 1403 йилда Амир Темур ва унинг ўғли Мироншохга мактублар йўллагани фикримизга мисол бўла олади. Ўша даврда Европада юзага келган ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий шарт- шароит минтақа халқлари қатори инглизларнинг ҳам Шарқ мамлакатлари билан алоқ ўрнатишни тақазо этди. Зеро, буюк Арим Темур вужудга келтирган улкан салтанат нафақат Осиёнинг, балки, европанинг ҳам диққат марказида турарди. Орадан қариб беш аср ўтиб икки буюк халқнинг авлодлари яна бир- бири билан ўзаро алоқаларни тиклади. Икки минтақа ўртасида сиёсий, маданий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мустақиллик эълон қилиниб, Ўзбекистон жахон сари юз тутиши билан халқимизнинг ҳаётида ўзини англаш жараёни бошланди. Ўзбек халқи ўз қадриятларини тиклаш билан биргаликда, ўзининг дунё сахнадаги ўрнини ҳам топиб бормоқда. Бу каби муҳим ишда биз, аввало ўзимизнинг илгариги давлатимиз, халқаро муносабатларимиз тарихини ёрқин саҳифаларини қайта- қайта ўқиб ўрганилмиқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар аввало бизнинг дунёдаги қадимий халқлар билан муносабатларимиз қай даражада бўлганлиги, биз илғор халқларга нима берганлигимиз, улардан нималар қабул қилиб олгинлигимиз борасидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаради.

---

[72] История Узбекистана. в 4 томах Ташкент “ФАН”, том.1.1967, -с.168.

[73]Лисициская О.Проникновение католичества в Центральную Азию в процессе распространения христианства в средние века. // 2003., № 3, с. 17.

Фарангистон, айнан француз халқи билан қадимий алоқаларимизни тадқиқ этиш, тарихимиздаги ёрқин саҳифаларни қайта жонлантириш билан биргаликда, бу тараққий этган давлат билан келажакдаги дўстона алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Туркистон тарихи, халқимизнинг тили, маданияти, урф- одатлари француз шарқшуносларини аввалдан қизиқтириб келган. Француз шарқшунослик мактаби XVII асрдаёқ шакиллана бошлади[74]. Ўша замонларда Европада шарққа қизиқиш ғоят кучайган бир пайт бўлди. Айниқса, Марказий Осиё ўзининг жуғрофий ўрнига кўра ҳам Шарқ билан Ғарб, Шимол билан Жануб ўртасида илғор ғоялар тарғиботчиси вазифасини ўтаб келган.

Туркистоннинг Франция билан алоқалари, аввало давлатчилигимиз илк тамал тошларини қўйган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур хазратларининг номи билан боғлиқдир. Москвани итоатда ушлаб турган, Европа учун ҳам катта хавф- хатар ҳисобланган Олтин Ўрда хукмдори Тўхтамишни Амир Темур тиз чўктирган. Соҳибқироннинг довруғи шу даврда Европа бўйлаб тилларда достон бўлган. Чунки шу вақтда Олтин Ўрда хукумдори Тўхтамиш Москвани талон тарож қилиб ўт қўйиб юборганига тарих гувох.

Шуниси ғоят қизиқарли, мозийда ёзилган бир мактуб ўша зомондаёқ хазрат Амит Темур фарангистонлик хукумдорлар билан харбий хамкорлик қилгандан далолат беради. Соҳибқироннинг Европа учун қилган ғамхўрлиги унинг франция қироли Карл VI га йўлланган мактубда ўз аксини топган «Айтгандек, қудратингиз кўп юртлар ёйилганини, яқинда Туркияда бўлганимизда ҳам эшитдик. Яна савдогарларнинг ва бошқаларнинг қизиқишидан хабардор бўлдик. Саройингиз равнақи, қудрати ва тардиботи биз кўп бахтиёр қилди. Мен билан бир қонун ва эътиқодга мансуб бўлган, лекин мен ва менинг дўстларим билан аҳдини бузган турк Боязид билан одамларинизни ғанимлигини эшитиб, уни тор- мор этишга қарор қилдик.

Биродарлигимиз химояси ва Сизга берган ваъдаларимиз, боис туркиядаги умумий муҳолифимиз Боязид устида юриш қилдик ва Оллоҳнинг мададати билан уни ва юртни забт этдик».

Ғоят қимматли ушбу мактубнинг ҳар бир калимаси бизга ўша даврдан кўплаб далиллар сўзлаши мумкин. Бу фирдан хақли равишда, халқимизнинг француз халқи билан олиб бораган дўстона алоқаларининг бошланғич нуқталари десак бўлади. Бу холда шуни ҳам хисобга олиш керакки, бизнинг халқ яшаётган худуд билан Франциянинг ойлаб юриладиган юриладиган йўл билан ажралиб турара эди. Аммо ўша даврда ҳам французлар билан умумий ташвишлар, умумий манфатлар

[74] Давронова З. Мозийга туташ томирлар.// Мулоқот. 2002. №5. –Б.42.

мавжуд бўлгани бугунги одамларни лол қолдирмаслиги мумкин эмас. Умуман олганда, ўша даврдаги дипломатик ёзишмалар тараққиёт борасдаги аниқ ташвиш- тадорикларни ҳам акс этиради. Бу мактублар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмагандек жаранглайди. Мана бу сатрлар Амир Темур хазратларининг Франция қироли Карл VIга ёзган мактубдан келтирилмоқда.

«Яна Сиз савдогарларингизни биз томонга юборсангиз, токи биз уларни қизғин барча иззатларини ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз сиз томонга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат икром кўрсатсанглар. Майли, улар ҳам хавф- хатарсиз, тўсиқсиз юрсинлар.

Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда.»

Амир Темур томонидан бошқа давлатларга юборилган элчилар халқаро ва дипломатия ҳуқуқи мезонларига қаътий амал қилганлар. Амир Темур дипломатияси мардлик жасурлик, ташаббускорлик ва жамиийки инсоний фазилатларга йўғрилган, ҳатто у енгилган рақибига катта ҳурмат ва жумардлик кўрсатган[75].

Амир Темур хазратларининг 173 Х 385 мм саҳифага юпқа, юмшоқ пергамент қоғозга ёзилган. ушбу макуби хозиргача сақланади. Бир сўз билан айтганда қадимий Француз халқи билан дўстлик алоқамиз мозийга бориб тақалади. Бу алоқаларимиз саҳифаларини ўрганиш нафақат ўзбек ва француз халқлари тарихи хақида, балки жахон тамаддуни хақида жуда улкан тарихий маълумот беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 1996 йил амир Темур йили деб эълон қилинди. Шундан сўнг қароргохи Парижда бўлган ЮНЕСКО бу муҳим Тарихий воқеага катта эътбор қаратди. Ўзбек маданияти, тарихига оид кўпгина йирик тадбирлар эндиликда мана шу нуфузли ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бизнинг маданиятимизни ўрганаётган яна бир ташкилот – Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш француз – ўзбек маданий ҳамкорлиги уюшмасидир. Мазкур уюшма Ўзбекистонда Амир Темур тўҳрисида бирор ижобий гапни очиқ айтиш қийин бўлган, шўролар тузими барқарор бир пайтда, 1987 йилнинг 22 мартида иш бошлаган эди. Мухими, Францияда «Темурийлар» журнали нашр этилди. Журналнинг муҳаррири – Франция «Шарқшунослик» уюшмаси раиси Л.Керендир. Бу олим Амир Темур ҳаётини мавжуд манбалар асосида, солиштирган холда, турли ақидаларсиз, холис ўрганган олимдир. Жумладан тадқиқотчининг «Темурланг ёхуд Соҳибқирон салтанати» деб номланган китоби Франциядан сўнг Швецарияда ҳам бир неча бор нашр этирилди. Мазкур китоб Амир Темур салтанатига ҳос фикрлар билан биргаликда

[75] Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. –Б. 261

темурийлар тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Жумладан асарда Шохрух Мирзо, Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Дунёдаги ўзбек маданиятига қизиқиш тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу ерда амалга ошириладига кўплаб тадбирларни санаб ўтишга тўғри келади. Жумладан, Темурийлар даври тарихини ўрганадиган Уюшма шу давр тарихи ва маданиятини тарғиб этувчи дунёдаги биринчи ташкилот эди. Темурга бағишланган илмий асарлар ҳам Европада илк бор Францияда таржима этилгани кўзга ташланади. Масалан, Ибн Арабшохнинг «Ажойиб ал- мақдур фи тарихи Таймур» асари Парижда 1658- йил босилди. У «Буюк Темурнинг тарихи» номи билан чиққан бўлиб, В.Ватье таржима қилган Али Явлийнинг «Зафарнома» сини 1722 йили Ф.Пети таржима қилган. Бу сингари асарлардан тортиб Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асарларига қадар Францияда ўрганилган. «Темур тузуклари» француз тилига 1787 қилда таржима қилинган[76].

Тадқиқотлар шундан гувохлик берадики, Ўзбекистон ҳудудидаги каииа маданий ёдгорликни рус шарқшунослари ҳам француздардан кейин ўргана бошлаганлар. Жумладанғоят машхур хисоблаган «Темур тузуклари» ва Э.Ланглеэнинг «Темур ҳаёти» китоблари рус тилига фаранцуз тилидан XIX асрнинг охирларида таржима қилинган.

Дунёнинг икки четида яшайдиган ўзбек ва француз каби икки халқни бир- бирига интилгани кўриниб турибди. Бунинг асосий сабаби бу икки халқнинг ҳам қадимий эканидир. Чунки ер- мулклар қанчалик узоқ бўлса, қадимзамонларда ҳам манфатлар умумийлиги, муштараклиги бўлган.

Китобда Ўзбекистон ва Франция халқлари ўртасидаги илдизлар олдинги асрларга бориб тақаладига савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланиш тарихига, уларнинг тавсифига алохида эътибор берилгани табиийдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг 1402 йилда қирол Шарл VI га йўллаган мактубидан парча келтирилган. Мактубда француз тожирлари Ўрта Осиёга таклиф қилинган, улар ҳурмат билан кутиб олиниши айтилган. Чунки ҳар бир мамлакатнинг гуллаб яшнашисавдогарлар ва ишбилармон кишиларнинг ҳамкорлиги ва мулоқатларига боғлиқдир дейилган мактубда.

ЮНЕСКО қарори билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланадиган йилда, Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги байрами арафасида Парижда нашр этилган бу китоб бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлардан китобхонларни батафсил хабардор қилади, Франция ва

[76] Давронова З. Мозийга туташ томирлар. // Мулоқот. 2002. №5. –Б.43.

жахон жамостчилигига республика раҳбарияти, мамлакатимиз Президенти оғишмай амалага ошираётган сиёсат билан танишиш имконини беради[77].

Тошкентда фанлар академияси ижтимоий- гуманитар йўналишидаги илмий- тадқиқот институтлари ва Олий ўқув юртлари ёш тадқиқотчиларнинг француз тарихчиси Франсуа Эно билан учрашуви бўлиб ўтди[78]. Фанлар академияси тарих институти, Ёш орлимлар миллий жамияти ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш Франция илмий тадқиқиот институти (IFEC) ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашув Парижда чоп этилган уч чилдлик «Ўрта асрларда (X-XV) мусулмион олими» китобининг тақдимотига бағишланди.

Франсуа Эно йиғилганларга Ушбу китоб ҳақида маълумот берар экан, унда X-XV – асрларда мусулмон дунёсининг давлатчилик асослари ва ижтимиоий- маданий ҳаётдаги ўзига хос ривожланиш тамоилларига алоҳида эътибор қаратилагани таъкидланди. Икки йилдан буён мамалакатимизда илмий- тадқиқот ишлари олиб браётган Франсуа Эно айни пайтда Хоразмнинг VIII- XIX асрлардаги ижтимоий-иқтисобий тарихини ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқалар қарийб икки минг йилдирки ривожланиб келмоқда. Бу ўз навбатида минтақа халқларининг эришган бой маданий меросларидан бахраманд бўлишга имкон яратиб келган. Қолаверса, халқаро алоқалар ҳамма вақт ва ҳамма даврларда зарурий эхтиёж бўлиб, давлатларнинг барқарор ривожланишининг муҳим омили бўлган.

МУЗЕЙЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Курязова Д.Т.,
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ т.ф.н.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги музейлар сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу музейларда халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга Ўзбекистон маданий меросига оид бой материаллар экспозицияга қўйилган. Ёшлар маънавиятини шакллантириш мақсадида мамлакатдаги

[77] Франция: “Ўзбекистонга сармоя йўлланди”.// Халқ сўзи. 1996. 20 апрель.
[78] Францсуз олими билан учрашув. // Ўзбекистон овози. 2002. 25май.

барча музейларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ёшларни тарбиялашда илғор мамлакатлар музейлари тўплаган ижобий ютуқларни умумлаштириб, жаҳон музей педагогикаси фанининг бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида тўплаган тажрибасининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил этиб, мос ва хос дастурлар ишлаб чиқишни бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Илғор музейлар ёшлар билан ишлашнинг қатор босқичларидан ўтиб, ушбу масалада нафақат амалий фаолият тажрибасига эга бўлдилар, балки қатор назария ва концепцияларни ҳам яратдилар [1. – С. 200.]. Бу тажриба натижалари ўрганилиб, таҳлил этилар экан, уларни тўғридан-тўғри, айнан қўллаш керак дейилмайди. Лекин ҳали назариялар яратиш даражасига етмаган музейшунослик соҳаси жаҳон музейлари андозаларидан фойдаланиши зарур. Бу борада қилинган ишлар қуйида босқичма-босқич изоҳлаб борилади.

Республика маориф тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётида маданий мероснинг музейлаштирилишидаги ролини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, музей муҳитида ва маориф муассасаси педагогик муаммоларни ҳал этадиган кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу вазият нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг аксарият мамлакатларида мавжуд. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги замон маданияти ва жамияти ҳаётида маданий меросни ўрганиш ва музейлар ролининг ошиб бориши билан бир қаторда, унда ишлаётган ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш анча орқада қолмоқда. Томошабинлар билан ишлашда кўп нарса мутахассиснинг психологик-педагогик тайёргарлиги, билим савияси, бугунги кундаги ижтимоий-маданий вазиятни англашига боғлиқдир [1. – С. 5.].

Илмий таҳлиллардан маълум бўлишича, музейлардаги маданий меросни ўрганишга, кенг жамоатчиликнинг қизиқиши ва унинг институционал шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Худди шу пайтдан музей ишининг келгуси тараққиёти ишлаб чиқариш, саноатнинг юксалиши ва маориф соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Бугунги кунда бу алоқа айниқса, видео, компьютер технологияларини қўллаш асосида замонавий санъат турларини намойиш этиш орқали ахборот жамиятларига ўтишда намоён бўлаётир [2. – С. 150-164.].

Музей ва таълимнинг ўзаро алоқалари илм ва фаннинг турли соҳалари ҳамкорлигининг самарасидир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, музейнинг умумтаълим жараёнига киритилиши, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан жуда тез ўзгариб бораётган оламда фақат яшашга тайёрлабгина қолмасдан, унинг содир бўлаётган ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади. Инсоннинг фаолияти, маиший турмушида эстетик дидни шакллантириш

тарафдорлари Д.Рескин ва У.Моррислар 1852 йил Лондонда илк декоратив амалий санъат музейини ташкил қилдилар. Ўшанда музейнинг мақсадлари қуйидагича белгиланган эди: санъатни жамиятнинг барча тоифалари орасида тарғиб қилиш; бадиий таълим савиясини кўтариш; амалий-безак санъати сифатини ошириш.

Инсонларда бадиий дидни вужудга келтириш учун музейлар маъруза-концерт, бепул ташрифлар, жамоат транспортида бепул келиш каби тадбирлар ўтказа бошлайди. Энг муҳими, бу хилдаги фаолиятни концептуал изоҳлашга ҳаракат жараёни кузатилади.

Америка музейларининг маърифий вазифалари назарияси асосчиларидан бири Д.Гудд бўлиб, у маорифда музейнинг вазифасини буюмлар воситасида таълим беришда кўрган. Бадиий ва табиатшунослик музейлари орасидаги фарқларни эътироф этган тадқиқотчи томошабинлар учун ашё-буюмларнинг керакли ёзма ахборот-варақа, йўл кўрсаткич, рассомлар ҳақидаги асарлар билан таъминланиши муҳимлигини таъкидлаган эди. У шунингдек, омма учун маърузалар ташкил этиш кераклигини алоҳида уқтирган. Америка Қўшма Штатларида Д.Гудднинг ташаббуслари тез амалга оширилди. Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейининг илк йўл кўрсаткичи 1906 йили нашр этилиб, у томошабинларни кўргазма билан таништирган. Ўша йили ўқитувчилар учун махсус қўлланма ҳам чоп этилган. Дам олиш кунлари омма учун маърузалар ўтказилган. Музей маърифатига оид «Метрополитен бюллетени» нинг махсус сони чоп этилиб, унда барча томошабинлар: талаба, ўқитувчи, дизайнер, кўзи ожиз ва карлар учун ишлаб чиқилган дастурлар муҳокама этилишидан ташқари, уларга ўқиладиган оммавий маърузалар мазмуни, савияси ва ўзига хослиги ҳақида ҳам сўз борган [1. – С. 21.]. Мутахассислар 1919 йилдан бошланғич ва ўрта мактаблар, бошқа таълим муассасаларида иш олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб амалиётга татбиқ эта бошлайдилар [3. – С. 48-51.]. Америка Қўшма Штатларида томошабинлар билан ишлашда тўпланган тажрибаси, бадиий музейлар мақсадларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда Д.Хайд музей фаолияти ва аҳамиятини қуйидагича ифодалаган: «Музей болаларнинг маърифий билимлар олишига, катталарнинг эса соғлом ҳаёт тарзи, дам олиши ва билимларини оширишга шароит яратиши лозим. У талаба учун билимлар хазинаси, рассом учун эса илҳом берувчи манбага айланиши керак. Унинг таъсири одамларнинг ўз уйларида сезилиши ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида акс этмоғи даркор. Ушбу тажриба асосида турли тоифадаги томошабинлар учун ўзига хос дастурлар ҳам ишлаб чиқилган эди: 1.Омманинг дам олиши ва кўнгилхушлиги; 2. Билим даражасини ошириш (шу жумладан санъатшунос, талаба ва рассомлар); 3.Болалар манфаатлари учун [1. – С. 22.]. Германиядаги музейлар маърифий

фаолияти айрим шахслар ташаббуси билан хусусиятлидир. А.Лихтварк фақат Германия эмас, Европа музей педагогикаси асосчиларидан бири саналади. Ўзининг амалий фаолияти билан у санъат соҳасида маърифий тадбирларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшиб, музейни мактаб сингари таълим муассасаси деб ҳисоблаган. А.Лихтварк музейнинг сокин ҳаётини ўзгартиришга киришди. Унинг муваффақиятли ишлари қуйидагилардан иборат: профессионал рассомлар раҳбарлигида тасвирий санъат ва графикадан ҳаваскорлик курсларини ташкил этиш; «Санъат дастурлари Гамбург жамияти»ни тузиб, йиллик тўплам нашр этиб, унда санъат муаммоларини ёритиш, фотография, уй-жойларни бадиий безаш ва ҳоказоларни жорий қилиш; болалар ижодига бағишланган кўргазмалар яратиш; ҳаваскор фотографлар жамиятини тузиб, ноёб фотосуратлар коллекциясини яратиш; ўқув қўлланмалари коллекцияси (тўпламини), ўйинчоқ китоб босиш дастгоҳи ва ҳоказоларни яратиш; замонавий тасвирий санъат, жумладан, Гамбург рассомлари ижодига кўмаклашиш; Гамбург рассомлари клубини ташкил этишдаги ҳамкорлик; музейнинг эски биноси ўрнига янги катта бинонинг қурилиши. Музей ишидаги асосий соҳани экскурсия деб ҳисоблаган А.Лихтварк, уни диалог-мулоқот асосида ташкил қилишга интилган.

А.Лихтварк тажрибасини ривожлантирган Г.Фройденталь музейлар маърифий фаолиятида илк бор музейда мактаб машғулотлари ўтказиш педагогик усулларини ишлаб чиқди ва жорий этди. Энг муҳими, услубда педагогик фаолиятнинг тайёргарлик ўтказиш ва мустаҳкамлаш босқичлари кўзда тутилган эди. Г.Фройденталь музей педагогини, мактаб ўқувчиларини музейда таълим жараёнини ташкил эта оладиган мутахассис деб ҳисоблаб, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўлкашунослик, табиатшунослик ва бадиий музейларни, катта синфдагиларни эса, техника ва махсус музейлар билан таништиришни тавсия этган. Олим ўз асарида Гамбургдаги олтита музей кўргазмаларининг мактаб дастурларини изоҳлаб беради. Эътиборлиси шундаки, Г.Фройденталь «музей педагоги» атамасини биринчи бўлиб таклиф этишидан ташқари, унинг педагогик маълумоти бўлиши, музей муҳитида таълим жараёнини ташкил эта олишини ҳам назарда тутиш лозимлигини таъкидлаган.

Музей ва мактаб орасидаги муносабатлар масаласи билан А.Рейхвейн ҳам шуғулланган. У музейларнинг педагогик фаолияти муваффақиятини қуйидаги шартлар билан боғлайди: музей экспозициясининг мактаб таълими вазифалари билан ҳамоҳанг тузилиши; музейга ўқитувчининг синф билан келиши олдиндан келишилган бўлиши; музейда ўқитувчи билан синф яхши ижодий алоқа ўрнатиши; ўқитувчилар ўзларининг ижодий уюшмаларида музейга эътибор қаратмоғи; музей илмий ходимлари ўқитувчиларни тайёрлашда қатнашиши; музей маориф муассасаси сифатида турли касб

ўқитувчилари учун очиқ бўлмоғи лозимлиги [1. – С. 29.]. Шу билан биргаликда А.Рейхвейн музейни ўқув қўлланмалари билан тўлатиш эмас, умумий музей тўплами асосида мактаб талаб этган мавзуларда экспозициялар яратилиши кераклигини таъкидлайди. Германиянинг музей педагогикасига қўшган ҳиссасини умуман ижобий баҳолаб, унинг айрим жиҳатларидан бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин.

Музейдаги ишга педагогик жараён сифатида қараган А.Бакушинский томошабинларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини, томошабинга «таъсир объекти» эмас, энг аввало ҳамкор сифатида қараш зарурлигини таъкидлаган. У ўзининг амалий фаолиятида экскурсиялар ўтказиш услубларига алоҳида эътибор қаратиб, «Музей – эстетик экскурсиялар» асарида бу ҳақдаги фикрларини баён этган. Экскурсия ишида ўқитувчи учта мажбурий шартни ўз олдига қўйиши лозим: - санъат асари аҳамиятини ўзи бутун вужуди билан англаб етиши; - санъат асарининг тарихий-санъатшунослик моҳиятини билиши; - томошабинлар гуруҳи қалбига психологик йўл топа билиши [4. – С. 11.]. Музейлар ўз фаолиятида таълим-тарбиянинг назарий жиҳатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур. Замонавий музейларнинг маърифий фаолиятида учта: англаш, ижодий ва ижтимоий йўналишларни кўриш лозим. Шахснинг ижтимоий шаклланишида санъат алоҳида ўрин тутиб, унинг юксак намуналари бадиий музейларда жамланган. Давр ва маданиятлар орасидаги боғловчи воситаси бўлган санъат атроф-муҳитни англаш тажрибасини ошириб, инсонни маърифий тарбиялашдан ташқари, энг аввало унга номаълум янги билимларни беради.

Музейларнинг маърифий фаолиятининг кейинги даври - Маданият масалалари бўйича халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг Европа музейларига болалар ва ўсмирларнинг кенг қатламини жалб этиш ғояси билан боғлиқ эди. Музейлар халқаро кенгаши қошида тузилган махсус «Муаммо гуруҳи» болалар ва ўсмирлар билан махсус шуғулланиб, қатор тадбир, кўргазмаларни ташкил эта бошлади. ЮНЕСКОнинг 1948–1958 йиллардаги (Париж, Лондон, Бергамо, Берлин, Афина ва ҳоказо) конференциялари музейнинг маорифдаги ролига бағишланиши ҳам бежиз эмасди. Музейлар халқаро кенгашининг расмий органи «Museums» журнали муаммога оид кенг кўламдаги фикр-мулоҳаза, таклифларни чоп этиб, масаланинг амалий жиҳатларини ечишга кўмаклашди. Музейлар халқаро кенгаши конференцияларида музейда болалар билан ишлаш масалаларига маорифни демократлаштириш муаммоси нуқтаи назаридан ёндашилди. Бу борада музей ва мактабнинг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби шундаки, музейлар учун малакали мутахассислар тайёрлаш дастурлари замонавий талабга жавоб бермайди, деган хулосага келинган[1. – С. 64-65.].

Муаммони ҳал этишдаги ҳаракатлардан бири Музейлар халқаро

кенгаши томонидан «Музей ва ўқитувчи» монографиясининг нашр этилиши бўлиб, у педагогика институтларига мўлжалланган эди. Унда музейнинг ўқув тарбия жараёнидаги роли, турли мамлакатларда музей ўқитувчиларини тайёрлаш услублари ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, Х.Роуз музейнинг тарих, география, адабиёт, табиий фанларни, санъат, дизайн, ашула дарсларини ўзлаштиришдаги имкониятларини очиб беради. Музейларнинг таълим фаолиятига оид замонавий концепциялар 1940 йиллар охиридан илмий таомилга кирган «коммуникация» назарияси нуқтаи назаридан тавсифланмоқда. Ўзининг яратилиши билан у иккита манбага бориб тақалади. Улардан бири 1949 йили К.Шеннон томонидан ишлаб чиқилган алоқанинг математик назарияси бўлиб, унда ахборот узатишнинг асосий элементлари белгиланган. Иккинчиси файласуф М.Маклюеннинг асарлари бўлиб, уларда музейлар ҳамда томошабинлар орасидаги мулоқотда музей коммуникацияси ҳақида тўғридан-тўғри сўз борган [5. – С. 16-34.]. Музей учун коммуникация тушунчасини бевосита ўрганган олим Калгари шаҳар музейи директори Д.Камерон бўлди. Бу тушунчани ўтган асрнинг 60-йилларида амалиётга киритган олим музейга томошабин ва экспонатлар орасидан коммуникацион жараённи амалга оширувчи восита сифатида қарашни таклиф этди. Ушбу жараён заминида бир томондан томошабиннинг музейдаги ашё-буюмлар «тилини» тушуниш қобилияти ётса, иккинчи томондан музей мутахассисларининг ўзига хос фикрларини эркин ифода эта олиши ётади. Д.Камерон музей фаолиятини ташкил этиш коммуникацион тизимлар марказида турган томошабинлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш бўйича қатор таклифларни ишлаб чиқди. Музейга ташриф буюрувчилар сонини кенгайтириб, таркибини анча «ёшартирган» жараён музей коммуникацияси назариясини амалда синовдан ўтказиш, унинг заиф жойларини аниқлаш имконини берди. Бу даврда фақат томошабинларнинг музей билан мулоқоти умумий муаммоларга эмас, ўсиб келаётган ёш авлоднинг эстетик тараққиёти ва бадиий тарбияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Музейларнинг кенг оммалашуви уларнинг анъанавий экспозицияларининг янгиланишини талаб этади. Томошабинлар талаблари натижасида кўргазмалар фаолияти кескин ўсиб, айниқса XX аср санъатига, унинг турли қирраларига, шунингдек даврнинг техник ютуқларига қизиқиш кучайди. Музейшуносликнинг таълим соҳасидаги долзарб масалаларини тадқиқ этиш натижасида шундай хулосага келинди:

- Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берадиган музейлар яратилганлиги ва уларнинг ахборот таъминоти сферасига ахборот етказиш восита ва услубларини киритиш зарурдир. Бу борада музей ишида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш самарали натижалар беради;

- келгусида музей педагогикаси борасида хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни қўллаш ва ушбу мақолада келтирилган усуллардан кенг фойдаланиш лозимлиги тавсия этилиши мақсадга мувофиқ;

- музейларнинг амалий ишлари кўлами ва мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 200, 5, 21, 22, 29, 64-65.

2.Музеи Российской академии наук / РАН. Музейный совет. Москва: Научный мир, 2004. – С. 150-164;

3.Молоканова Т.В. Музей и школа: возможности взаимодействия // Проблемы педагогики средней и высшей школы / Сборник. Вып.1. Калинин: Калининский госуниверситет. 2004. – С. 48-51.

4.Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва: Советский художник. 1981. – С.11.

5.Гнедовекий М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сборник научных трудов НИИ культуры МК РФ. – Москва, 1989. – С.16-34.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОҒОТ ТУМАНИДАГИ ҚАЛАЖИҚ ҚАЛЪАДАН САЙЁҲЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сетмаматов М.Б.
Урганч давлат университети, арх.ф.н. доц.

Археологик манбаларда маълум бўлишича эрамиздан олдинги IV аср бошларида Хоразмда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда, муқаддас жойлар ҳам вужудга келди. Бундай ёдгорликлардан биз Тўрткўл туманидаги Қўй қирилган қалъа, Шовот туманидаги Тупроқ қалъа ва Туркманистон республикасининг Тошҳовуз вилоятидаги Гияур-3 ни айтиш мумкин. Юқорида қайд этилган уч ёдгорликнинг ташқи кўриниши «айлана» шаклида бўлиб, қуёшни тасвирлаши эҳтимолдан холи эмас. Илмий манбаларда «Хоразм» номининг ўзи, яъни маъноси «Қуёш ўлкаси», «Қуёш макони», Хоразмликларни эса «Қуёш юрти одамлари» деб тушунтирилган.

Милоддан олдинги IV эрамизнинг III асрларида Турон заминида, шу жумладан, Хоразм воҳасида бир қанча шаҳарлар қурилиши олиб бориб, шаҳар маданияти равнақ топган. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича: «Улар дарёнинг икки соҳили бўйлаб 300 дан зиёд шаҳар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда».

Ўрта (XII-XIII) асрларнинг энциклопедист-географи Якут 1219 йили Хоразм бўйлаб саёҳатда бўлган пайтида, қурилган шаҳарларни тасвирлаб: «Хазарасп жуда гўзал, атрофлари боғ, халқи бой яшайди», Хоразмнинг биринчи маркази Гурганч (Кўхна Урганч) ни «Жайхун дарёсининг соҳилида жойлашган, халқи кўп, катта ва гўзалдир, бундай қалъани ҳеч қаерда кўрмадим» деб ёзиб қолдирган [1].

Милоддан олдинги VII аср охири VI аср бошларидан бошлаб Хоразмда янги қалъалар, ҳунармандчилик марказлари ва давлат чегараси учун мудофаа қўрғонлари қурилди. Хоразмда умуман олганда Ўрта Осиёдаги қалъалар ўзининг ривожланиш жараёнида 3 босқични бошидан кечирган. Булар қаторига қабилалар маркази, қишлоқ хўжалик маркази, диний ибодатхона марказлари, яна бир босқич сиёсий давлат маркази ва мудофаа марказ вазифасини бажарувчи қалъаларни киритишимиз мумкин. Тарихий манбаларда: - «агар қалъа қурдирмоқчи бўлсангиз унинг тўрт томонини қалин деворлар билан ўраб олинг. Бу деворларнинг катталиги отнинг бир чопиб ўтишдаги кенглигида бўлсин (650 - 800 м атрофида бўлиши мумкин)» деб ёзиб қолдирилган. Қалъалардан асосан душмандан ҳимояланиш ва шаҳар мудофаасини таъминлаш мақсадида фойдаланилган.

XI – XIII асрларда Хоразм бой ва энг улкан давлат бўлиб, кўп мамлакатлар билан маданий ҳамда савдо соҳасидаги алоқаси кучли бўлган.

Хоразмдаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ўзига хос такрорланмас меъморий ечимларга эга бўлиб, катта тарихий ва маънавий аҳамиятга эгадир.

Уларни етарли техник даражада сақлаш ва келажак авлодларга умрбоқийлигини таъминлаган ҳолда етказиб бериш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. «Тарихий обидаларни сақлаш учун махсус чора тадбирлар қўлланилмаса ларни бузилиши қайтмас жараёндир» деб ёзган эди проф. Э. М. Гендель.

Мўғиллар босқинидан бироз олдин Хоразмнинг кўпгина шаҳарларида бўлган Ўрта аср сайёҳларидан бири қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Мен ер юзида Хоразм еридан кўра кенгроқ текисликлар ва бу ердан кўра одамлар гавжумроқ бўлган жой бўлмаса керак, деб ўйлайман. Энг мухими, аҳоли оғир меҳнатга ўрганган ва оз нарсага қаноат қилади. Хоразмнинг кўпгина қишлоқлари шаҳар кўринишида бўлиб, уларда бозорлар, ҳаёт учун зарур заҳиралар ва дўкончалар

мавжуд. Камдан-кам қишлоқда бозор йўқ. Халқнинг умумий осойишталиги таъминланган ва у хотиржам кун кечиради… Мен Хоразмнинг асосий шаҳарига ўхшаган, жуда кўп аҳоли яшайдиган, бу қадар бой ва улуғвор пойтахт шаҳар дунёнинг бошқа ҳеч ерида бўлмаса керак, деб ўйлайман…» [3]. деган гапларининг негизида ўша пайтдаги шаҳарсозлик ечимлари жич бўлганлигидан далолат беради.

Қалажиқ қалъа ўзи бошқа-бошқа жойларда кичик қалъа ва катта қалъадан иборат бўлган. Кичик Қалажиқ қалъаси катта Қалажиқ қалъасидан 1,5 чақрим шимоли-шарқ тамонида жойлашган. Тарх ечими тўртбурчак шаклидаги кичик Қалажиқ қалъасининг ҳажми 68х50 м. бўлган.

Катта Қалажиқ кичкина Қалажиқдан 1,5 км жанубда, атрофларида бир қанча кўллар бўлганлиги учун кўпчилик кўллар катта Қалажиқнинг жанубий девори ёнида бўлган.

Катта Қалажиқ қалъасининг жанубий-шарқида 600 м. масофада ҳозир ҳам кўллар мавжуд. Шу ерлардан ғарбга қараб чўзилиб кетган катта «Дўстлик» канали бутун Хоразм вилоятининг чеккасидан оқиб ўтади. Катта Қалажиқ қалъаси бугунги кунда бизгача сақланиб турган деворларининг кўриниши нотўғри тўрт бурчак шаклида, қалъа шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Шимолий деворининг узунлиги 154 м., ғарбий девори 65 м., жанубий девори 210 м. Бу девор ўрта асрларда, яъни IX-XI асрларда, пахсадан қурилган.

Хоразм воҳаси икки буюк саҳро орасида жойлашган. Шунинг учун қалъалар қум устига қурилган.Қалажиқ қалъаси 9 м.баландликдаги қум устига қурилган. Шарқдаги девор ўртасида баландлиги 6-7 м., баландликдаги тепаликнинг ўрни сакланиб қолган бўлиб, бу ерда дарвоза бўлган.

Эрамизнинг I-II асрларида қандайдир сабаблар билан ташлаб кетиш натижасида катта Қалажиқ қалъаси бўшаб қолган. Эрамизнинг VI-VII асрлари Қалажиқ ва унинг атрофидаги ерлар ўзлаштирила бошлаган. Шу даврга доир шимолий деворларнинг ўртасида Кўшк – Сарой солинади, унинг деворлари пахсадан қилинган. Кўшкнинг кўлами 15х20 м.,бўлган. Ушбу иморатни қуришда хом ғишт ҳам ишлатилган. Бу ғиштлар катталиги 36х38 см. қалинлиги эса 9-11 см., ни ташкил этган. Кўшкнинг ғарбий қисмида иккита хонанинг ўрни бўлиб бири 6х10 м., ни иккинчиси 8х12 м. бўлган. Бу даврда Қалажиқда фақат Кўшкида ҳаёт бўлган.

IX-XI асрларда Қалажиқ атрофи янада гуллаб, дехқончилик ривожланади. Ташқи душмандан ҳимояланиш учун Қалажиқ қалъасининг эски девори устига, пахсадан янги қўрғон солинади. Деворнинг баландлиги 12-17 м.

Пахса деворнинг қалинлиги 5-7 м. Бу даврда Қалажиқнинг ички қисмида аҳоли яшамаган, қалъадан фақат ташқаридан келган душмандан сақланиш учун фойдаланилган. [2].

Ушбу худудда яшовчи аҳоли ўз тарихини чуқур билиши халқ оғзаки ижодида авлоддан авлодга тўғри ва аниқ манбаларни етказиши лозимдир. Қалажиқ қалъаси Хоразм воҳасининг жанубий томонидаги ҳарбий чегара шаҳарларидан бўлган, ҳарбий стратегик, иқтисодий-маданий ва диний марказ вазифасини бажарган. Унинг такомиллашган меъморий ҳарбий услуби Хоразм давлатининг иқтисодий-сиёсий ва маданий жихатдан юксак даражада тараққий этганлигини тасдиқлайди ҳамда ўзбек давлатчилиги тарихи сахифаларини ўрганишда мухим аҳамият касб этади. Шундай экан аҳоли тарихий обиданинг шаркий девори қай тарзда жойлашгани илмий жиҳатдан ўрганишни тақоззо этади.

Ташқи душмандан ҳимояланиш учун Қалажиқ қалъасининг эски девори устига, пахсадан янги қўрғон солинади. Деворнинг баландлиги 12-17 м. Пахса деворнинг қалинлиги 5-7 м. Бу даврда Қалажиқнинг ички қисмида аҳоли яшамаган, қалъадан фақат ташқаридан келган душмандан сақланиш учун фойдаланилган.

Бугунги кунга келиб Қалажиқ қалъа атрофини ободонлаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб у ҳудуд хусусий тадбиркорларга ажратиб берилган. Қалъадан унумли фойдаланиш мақсадида қалъа деворининг ички қисмини атрофидаги қум билан текислаб йўқ бўлиб кетган деворини тиклаш ва ўша даврни эслатувчи дарвозасини хунарманд усталар томонидан тузатиб ўрнатиш керак. Қалъанинг иски қисмига бир қанча ўтовларни қуриб шаҳарсозлик ечимларини шакллантириш керак. Ҳар бир ўтовда ўша даврдаги одамларнинг кийиниш маданиятини эслатувчи кийимларини маникенларга кийгизилган холда турли хилдаги кундалик юмишларидан лавҳаларни яъни битта ўтовда овқатланиш жараёнидан бир лавҳа, иккинчисида оилавий ҳунармандчилик билан шуғурланаётганидан бир лавҳа ва бошқа юмушлари акс этган кўринишларни ташкил қилиш лозим. Ушбу ишни амалга ошисак қуйидаги ютуқларга эришишимиз мумкин:

- йўқ бўлиб кетаётган қалъа ўз-ўзидан таъмирланиб олдинги холатига келади,
- бу қалъага ташриф буюрган сайёҳларнинг эътиборини тортувчи ўша давр мухитига тушиш имкони туғилади,
- ўша даврдаги одамларнинг кунлик яшаш шароити билан танишўиш имкони яратилади,
- қалъанинг чеккаларига экин майдонлар ташкил қилиб унда хўкиз, туя ва эшакларга омоч илдирилган ер ҳайдаётган одамларнинг

ҳайкаллари ясалади ва уни узоқдан дурбин билан кузатиш майдончалари ташкил қилиниб сайёҳларни томоша қилдириш мумкин.

- туяда, отда, эшакда сайр қилиш учун махсус ҳайвонлар туриш жойлари ҳам лойиҳаланади ва улар чиройли қилиб ўша дарни эслатувчи шох шаббалардан дарахтлардан қурилади. Қалъа атрофида сайр қилиш йўлаклари ҳам ташкил этилади.

Ёз фаслида ушбу ҳудудда одамлар бориши жуда кўпаяди. Чунки у ерда шифо топиш мақсадида одамлар қумга кўмилиб ётишади.

- Ушбу маҳаллий шароитда даволаниш услубларидан сайёҳлар ҳам фойдаланишлари учун алоҳида кўмилиш жойларини ташкил этиш лозим.

- Шўр кўл атрофини 1,5 м. баланликка кўтариб силлиқ тошлар билан ўраб олиш ва сувда чўмилиш учун имкониятлар яратиш лозим.

- Қалъанинг жанубий қисмида биринчи қаватида 4 м. баландликдаги устунлар устида 2-3 қаватли меҳмонхона овқатланиш хоналарини ташкил этиш лозим. Чунки бундай композицион ечим танланишидан мақсад ёзнинг жарима иссиқ кунида усти бекилган айвонларда ўтиришни истаган сайёҳлар соя излаб ўтовларга ёки бошқа жойларда ўтириш учун салқин жой излашади. Ушбу мухитда муаллифнинг 3 кун яшаб ўша жойда қандай янги ғоялар яратиш лозилиги ҳақидаги ҳаққоний ёндошуви бундай ғояларни шаклланишига олиб келган.

- Биринчи қавати шамол ўтиб туриши учун бутунлай очиқ холда фақат устунлардан иборат холда бўлади ва унда сувенирлар сотиш учун растали бозорчалар шакллантирилади.

- Иккинчи қаватида сайёҳлар овқатланиши учун ошхона, кафелар фаолият олиб боришади.

- Учинчи қаватида эса меҳмонхона фаолияти йўлга қўйилади.

Бу билан ушбу ҳудудда туристик шаҳарча ташкил этилади. Бу шаҳарча тарихийлик мухитида архитектуравий кўринишга эга бўлиб ўша давр меъморчилиги услубларини ўзида мужассам этиши лозим. Устунлари ҳам Хоразм услубидаги ўймакорлик санъатида шаклланган темир бетон устунлардан қурилади. Унинг остида бемалол ёзнинг жарима иссиқ кунларида ҳам юриш имкони яратилади. У ерга ташриф буюрган сайёҳлар жазирамада кетишдан воз кечиб кечгача суриши мумкин чунки атрофдаги манзара қадимий қалъа ва унинг ичидаги ўша даврни эслатувчи одамларнинг юмишлари шакллантирилган ўтовлар, қалъанинг забардаст дарвозаси ва унинг кузатув майдонларига чиқиб томоша қилган сайёҳлар бир кунини тўлиқ ўша жойда ўтказиш имкони туғилади. Кечқурунлари амфитеатрлар ташкил этилиб ҳоразмча санъат усталарининг концерт дастурларини томоша қилишлари мумкин. Турли хилдаги катта ҳажмдаги туялар карвони акс этган ҳайкаллар ясалиб қум

яъни жануб томондан карвон қалъа томонга келаётгандай қилиб ўрнатиш лозим бўлади.

Хулоса якунида қалъадаги ташриф буюрувчи сайёҳлар 2 кунлик дам олиш имконига эга бўладиган маскан яратилади. Бу ушбу ерлик аҳолининг иш билан таъминланишида бўш ишчи ўринлари очилади. Ушбу ҳудудга ўша даврни эслатувчи турар жой ва жамоат бинолдари мажмуаларини ҳам лойиҳалаб шаҳарчага айлантириб юбориш имкониятлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Абу Райхон Беруний. Избранные произведения. Т.1.- Т.: 1957.

2.Ш Матрасулов.Қалажиқ қалъасининг археологик тадқиқоти ҳисоботи 2002.

3.П.Ш.Захидов. Хива альбоми, Тошкент 1994 й.37-41 б.

BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA BUYUK AJDODLAR HAQIDAGI ASARLARNI O‘RGANISH (Z.M.Bobur misolida)

Jumaniyozova M.
f.f.n. dots.
Ruzimatova Gulzoda
Urganch davlat universiteti

Boshlang‘ich sinf oqish darslari boshlang‘ich ta’limning «O‘qish va nutq o‘stirish» dasturi asosida, Davlat ta’limi standarti talablariga javob beruvchi «O‘qish kitobi» darsliklaridan foydalanib tashkil qilinadi. Darsliklarning yaratilishida g‘oyaviy, tematik, estetik, qisman mavsumiy tizimlar hisobga olingan. Shuningdek, darslik materiallari yosh avlodni ma’naviy barkamol inson ruhida tarbiyalashni ham ko‘zda tutadi. Zero, boshlang‘ich sinf o‘qish darslarida ta’lim-tarbiya birligiga juda katta e’tibor beriladi. Bu esa bolaning tevarak-atrofdagi voqelikni idrok etishini ko‘zda tutadi hamda unga eng yaxshi insoniy fazilatlarni singdirishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘yadi.

Boshlang‘ich sinf «O‘qish kitobi» darsliklaridan o‘rin olgan materiallar orasida buyuk ajdodlarimiz hayoti, faoliyati haqidagi materiallar ham salmoqli o‘rinni egallaydi. Bu materiallarni o‘qish jarayonida o‘quvchilar nafaqat o‘zbek xalqining buyuk farzandlari haqida ma’lumotga ega bo‘ladilar, balki ulardagi eng yaxshi fazilatlarni o‘zlarida ham shakllantirishga harakat qiladilar. Ular kabi vatanparvar, mard, jasur, to‘g‘riso‘z, mehnatsevar, ilmga

chanqoq, kamtar va mehribon insonlar bo‘lib yetishishni orzu qiladilar. Ana shunday kishilar haqida tasavvurlarni buyuk ajdodlarimiz siymosida hosil qiladilar. Bularning hammasi bola shaxsining shakllanishiga yordam beradi.

«Biz davlatimiz kelajagini, - degan edi yurtboshimiz I.A.Karimov, - o‘z qobig‘imizga o‘ralib qolgan holda emas, balki umumbashariy va demokratik qadriyatlarni chuqur o‘zlashtirgan holda tasavvur etamiz... yoshlarimizning ma’naviy olamida bo‘shliq vujudga kelmasligi uchun ularning qalbi va ongida sog‘lom hayot tarzi, milliy va umummilliy qadriyatlarga hurmat-ehtirom tuyg‘usini bolalik paytidan boshlab shakllantirishimiz zarur».[79]

Bundan ko‘rinadiki, boshlang‘ich ta’limdanoq farzandlarimiz Alisher Navoiy, Mirzo Ulug‘bek, Abu Ali Ibn Sino, al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Ismoil Buxoriy, Bahovuddin Naqshband kabi o‘z ilmiy-ma’naviy merosi bilan jahon sivilitzatsiyasi taraqqiyotiga hissa qo‘shgan bobokalonlari bilan faxrlansinlar, ularning hayot yo‘llaridan saboq olsinlar. Shunday ekan, boshlang‘ich sinf «O‘qish kitobi» darsliklaridan o‘rin olgan bir qator ajdodlarimiz haqidagi asarlarni o‘rganishni metodik jihatdan to‘g‘ri tashkil qilish katta ahamiyat kasb etadi. Buyuk ajdodlar hayoti va ijodi, ilmiy faoliyatlari haqidagi materiallar janr jihatdan turli-tuman bo‘lib, ular darsliklarning «Otalar so‘zi – aqlning ko‘zi» (1-2-sinf), «O‘tmishni o‘rganish burchimiz» (3-sinf), «Ulug‘lardan o‘rganmoq - oqillik» (3-sinf), «Vatanimiz o‘tmishidan» (4-sinf), «Ajdodlarimiz-faxrimiz» (4-sinf) kabi bo‘limlarida berilgan.[80] O‘quvchilar tanishadigan buyuk ajdodlarimizdan biri Zahiriddin Muhammad Bobur hisoblanadi. Bu buyuk zot o‘zbek xalq tarixida, adabiyotida ham shoh, ham shoir, ham vatanparvar sifatida chuquqr iz qoldirgan.

Boshlang‘ich sinf «O‘qish kitobi» darsliklaridan Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi bir qator asarlar berilgan. Bu asarlar o‘quvchilarning Bobur haqidagi, uning badiiy va ilmiy merosi haqidagi tushunchalarini kengaytiradi. Ularning bilimlarini oshiradi. Boshlang‘ich sinflarda Bobur haqidagi quyidagi asarlar o‘rganiladi:

1) 1- sinf «O‘qish kitobi» darsligining «Biz buyuklar» bo‘limida «Shoh va shoir» ilmiy ommabop maqolasi va G‘iyos Komilovning «Ona sabog‘i» hikoyasi;

2) 2-sinfda G.H.Pantning «Boburning fazilatlari» ilmiy-ommabop maqolasi;

3) 3-sinf «O‘qish kitobi» darsligining «Kuz manzarasi va mehnat» bo‘limida «Bobur va kabutar» rivoyati;

---

[79] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat- yengilmas kuch.- T.: “Ma’naviyat”, 2008, 114-115- betlar.

[80] G‘afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O‘qish kitobi. 1-sinf uchun darslik.- Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2012; G‘afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O‘qish kitobi. 2-sinf uchun darslik.- Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2012; Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyrva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik.- Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012; Matchonov S., Shojalilov A.va boshqalar. O‘qish kitobi. 4- sinf uchun darslik.- Toshkent, “Yangiyo‘l Poligraph servise”, 2011.

4) «Ulug‘lardan o‘rganmoq - oqillik» bo‘limida Xayriddin Sultonning «Zahiriddin Muhammad Bobur» va Mirzo Karimning «Sayilda» hikoyalari

5) «Go‘zal fazilat- inson husni» bo‘limida P.Qodirovning «Bobur va Humoyun» hikoyasi;

6) 4-sinf «O‘qish kitobi» darsligining «Ajdodlarimiz-faxrimiz» bo‘limida «Hidi, tilimi va mazasidan» rivoyati.

Bu berilgan hikoya, rivoyat va ilmiy-ommabop maqolalarning har biri qaysidir jihati bilan Boburning insoniy fazilatlarini ko‘rsatishga, uning o‘zligi haqida o‘quvchilarda tasavvur uyg‘otishga yordam beradi. Masalan, «Zahiriddin Muhammad Bobur» hikoyasi unga chaqaloqligida nom qo‘yilishini hikoya qilsa, «Sayilda» hikoyasi uning yoshligidan jasur va zabardast bo‘lganiligi haqida ma’lumot beradi. «Bobur ba kabutar» rivoyatida uning bolaligidan ziyrak, kuzatuvchan va aql-idrokli bo‘lganligini rivoya qiladi.

P.Qodirovning «Bobur va Humoyun» hikoyasi esa Boburni o‘quvchilar ko‘z oldida mehribon ota, o‘z farzandi uchun jonini ham ayamaydigan padar ekanligini badiiy ifodalaydi. Boshqa asarlar ham Boburning yo u, yo bu insoniylik qirralarini ochishga xizmat qiladi.

Yuqoridagilardan ko‘rinadiki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari Bobur haqida jami 8 ta asar bilan tanishadilar. Ulardan ikkitasi rivoyat, to‘rttasi hikoya, ikkita ilmiy-ommabop maqola hisoblanadi. Bu berilgan asarlar turlicha janrga mansub bo‘lsalar ham, ularning ta’limiy maqsadi bir. Barchasi o‘quvchilarning Bobur haqidagi bilimlarini kengaytirish, uni yangi-yangi ma’lumotlar bilan kengaytirish hamda ular bilan faxralanish tuyg‘ularini shakllantirish sanaladi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari rivoyatlarni juda sevib o‘qiydilar. Shuningdek, hikoyalarni tushunib mutolaa qiladilar. Ilmiy-ommabop maqola esa ularni ilmiy bilimlar bilan qurollantirishga xizmat qiladi. Shuning uchun har bir turdagi asarlarni o‘qib-o‘rganishda ularning janriy xususiyatlariga e’tibor qaratish muhim bo‘ladi.

Ma’lumki, rivoyat xalq og‘zaki ijodi namunalaridandir. Rivoyat arabcha «hikoya aytish, naql qilish» ma’nolarini ifodalab, voqea-hodisalarni, inson faoliyatini ba’zan fantastik uydirmalar vositasida, ba’zan realistik asosda tasvirlovchi kichik hajmli badiiy asar hisoblanadi.[81] Odatda ikki-uch epizoddan iborat bo‘ladigan bu janr an’anaviy uslubiy shakl kasb etmagan. Rivoyatlar asosida voqelik va tarixiy shaxs bilan bog‘liq hodisalar yotadi.

O‘quvchilar Bobur haqidagi 3-sinfda «Bobur va kabutar», 4-sinfda «Hidi, tilimi va mazasidan» rivoyati bilan tanishadilar.

[81] Salayev F., Qurboniyozov G. Adabiyotshunoslik atamalarining izohli so`zligi.- Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2010, 198-bet.

Boshlang‘ich sinf «O‘qish kitobi» darsliklarida Bobur haqida berilgan rivoyatlarni o‘qish bolalarning aqliy jihatdan o‘sishiga ham katta yordam beradi. O‘qilgan rivoyat matni ustida muhokama yuritish, matndagi asosiy masalalarni ajratish, syujetning rivojlanishini kuzatish, unda ishtirok etuvchi shaxslarning xulq-atvorini izohlash, asar tilini tahlil qilish o‘quvchilarning mantiqiy tafakkurini taraqqiy ettiradi; taqqoslash, umumlashtirish qobiliyatlarini o‘stiradi.[82]

Boshlang‘ich sinflarda Bobur haqidagi «Bobur va kabutar» va «Hidi, tilimi va mazasidan» rivoyatlarini o‘qiishga bag‘ishlangan izohli o‘qish darslarida o‘qilgan rivoyat mazmunini ochish, lug‘at ustida ishlash, o‘qilgan matnni qayta hikoyalash asosiy ish turlaridan hisoblanadi. Rivoyat mazmuni odatda savollar asosida tahlil qilinadi. Bunda savollar qatnashuvchi shaxsning xatti-harakati va xarakterini tahlil qilishga qaratilgan bo‘ladi.

3- sinfda Bobur haqidagi «Bobur va kabutar» rivoyatini o‘qish darsida o‘quvchilar ma’nosini tushunmaydigan so‘z va iboralar ma’nosini tushuntirish ham muhim, aks holda, ular rivoyat mazmunini tushuna olmaydilar. So‘z ma’nosini tushuntirishga ko‘p vaqt sarflamay, asar mazmunini tushunishda eng zarur bo‘lgan so‘zni izoh berish bilan tushuntiriladi. Shuningdek, rivoyatni o‘qishda ularning mazmunini tahlil qilish va shu asosda o‘quvchilar nutqini o‘stirish markaziy o‘rin egallaydi. Rivoyat o‘qilgach, o‘quvchilar o‘ylashi, o‘z mulohazalarini aytishi uchun tayyorlanishga vaqt berish talab etiladi. O‘qilgan asar yuzasidan beriladigan dastlabki savollardan maqsad rivoyat bolalarga yoqqan-yoqmagani, undagi qaysi qahramonning xarakteri bolaga ta’sir etganini bilishdan iborat. Keyin rivoyat syujeti, voqea-hodisaning yo‘nalishini ochishga, asarning asosiy g‘oyasini bilib olishga yordam beradigan savollardan foydalaniladi.

3-sinfda «Bobur va kabutar» rivoyatini o‘quvchilar yaxshi o‘zlashtirishlari, unda ilgari surilgan g‘oyani bilib olishlari uchun matn bilan ishlash jarayonida tanlab o‘qish, savollarga javob berish jarayonida tanlab o‘qish, ma’lum topshiriq bilan qayta o‘qish, savollarga javob berish, ayrim qismlariga o‘zlari savol tuzish, so‘z bilan yoki grafik rasm chizish, reja tuzish, qayta hikoyalashning barcha turlaridan, ifodali o‘qishga tayyorlanish kabi ish turlaridan foydalaniladi.

«Bobur va kabutar» rivoyatni o‘qituvchi timsol (obraz)larga kirib ifodali o‘qib beradi. Shundan so‘ng lug‘at ustida ishlash bajariladi:

«a’yonlar», «hayat» so‘zlariga darslikning 57, 58- betlarida berilgan izoh o‘qib tushuntiriladi;

«e’tibor» **—** (ahamiyat), ***«bois»*** — (sabab) so‘zlarining ma’nolari esa matnni o‘qish jarayonida tushuntiriladi.

[82] Qosimova K., Matchonov S. , G‘ulomova X., Yo‘ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. - Toshkent, «Nosir», 2009.

Matn o‘quvchilarga navbati bilan qayta o‘qitiladi. Rivoyatni o‘qish jarayonida uchragan: ***Umarshayx Mirzo, Bobur, kabutar, a’yonlar*** so‘zlari sinf yozuv taxtasiga yozib boriladi.

O‘quvchilar rivoyat mazmunini qay darajada idrok etganliklarini aniqlash maqsadida savol-javob o‘tkaziladi:

-Rivoyatda qaysi davrdagi voqea tasvirlangan?

-Unda qanday voqea bayon qilingan?

-Rivoyatdagi timsollarni ayting.

Matn mazmuni o‘quvchilar tomonidan puxta o‘zlashtirilishi uchun rivoyat tahlil qilinadi. Tahlil birinchi gapdan boshlanadi:

-Mirzo Bobur yoshligidan qanday o‘sdi?

-Umarshayx huzurida qanday voqea yuz berdi?

-Nima uchun Umarshayx kabutarni tutib kelishni buyurdi?

-Umarshayxning hayratlanish sababini so‘zlang.

-Umarshayxning o‘g‘liga bergan savoli va o‘g‘lining javobini matndan o‘qib bering.

-Matn oxiridagi xatboshidan nimani tushundingiz? (So‘zlab bering).

Rivoyat o‘quvchilarga qayta yaxlit o‘qitiladi va mazmuni so‘zlatiladi. O‘quvchilar bir-birlarining javoblarini to‘ldiradilar. Keyin o‘qituvchi o‘quvchilar diqqatini Umarshayx, saroy amaldorlari va Bobur suhbati tasviriga qaratadi, o‘quvchilar rasmni kuzatadilar. So‘ng o‘qituvchi o‘quvchilardan quyidagi savollarga javob oladi:

Umarshayx a’yonlardan nimani so‘radi, ular nima deb javob berdilar?

Boburning ziyrakligini qaysi gaplardan bildingiz?

«... qilichlari qonsirab qolgan» iborasini qanday tushunasiz?

O‘qituvchi rivoyatning asosiy g‘oyasini tushuntirar ekan, o‘quvchilarni aql-idrok bilan ish tutishga, o‘ylab so‘zlashga chaqiradi. Mirzo Boburning hushyor, odobli, kuzatuvchan ekani va aql bilan ish tutishini aytib, o‘quvchilarni undan o‘rnak olishga undaydi.

O‘qituvchi o‘quvchilarga sezgir, idrokli bo‘lishni, aql bilan ish tutishni yana bir bor ta’kidlab, darsga yakun yasaydi, uyga «Bobur va kabutar» rivoyatini o‘qib, so‘zlashga tayyorlanib kelishni vazifa qilib topshiradi.

Ko‘rinadiki, boshlang‘ich sinflarda Bobur haqidagi rivoyatlarni o‘qishda birinchi navbatda, rivoyat mazmuni – voqealar rivoji, qatnashuvchilarning xatti-harakati va xarakteriga xos xususiyatlarga e’tibor beriladi. Bobur aql-idrokiga e’tibor qaratilib, uning dahosi haqida o‘quvchilar bilimi to‘ldiriladi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari Bobur haqidagi to‘rtta hikoyani: G‘.Komilovning «Ona sabog‘i» (1-sinf), Mirzo Karimning «Sayilda» (3-sinf), X. Sultonning «Zahiriddin Muhammad Bobur» (3-sinf), P.Qodirovning «Bobur va Humoyun» (3-sinf) hikoyalarini o‘qib o‘rganadilar.

Hikoya kichik hajmli badiiy asar bo‘lib, unda kishi hayotidagi ma’lum bir voqea, hayotning muhim tomonlari umumlashtirilib tasvirlanadi. «Hikoya

koʻpincha kishi hayotida boʻlgan bir epizodni tasvir etadi. Uning mazmuni ertakdagidan ortiqroq hayotiydir» deb ta'riflanadi ilmiy adabiyotlarda.[83]

Boshlangʻich sinflarda hikoyalarni oʻqitishga bagʻishlangan izohli oʻqish darslarida oʻqilgan hikoyaning mazmunini ochishga juda katta e'tibor qaratiladi. Zero, ularning mazmuni anglashilmasa, bunday hikoya oʻqish darsining samarasi sezilmaydi.

Фаридуддин Атторнинг «Хамса»си. Ҳирот, 1438 йил. Олтин суви юритилиб чизилган, ўлчамлари: 34 х 25 см. Истанбул, Турк ва Ислом асарлари музейи[116]. Фаридиддин Аттор (Кимёгар) нинг ушбу китоби Шоҳруҳнинг кириш сўзлари билан бошланади ва афтидан у ҳозирда Тўпқопи Саройи кутубхонасида сақланаётган Атторнинг «Ситта» номли китобининг ажралмас бир қисми бўлса керак. Иккала қўлёзманинг ўзига хос томони шундаки, улар энг олий сифатли қоғозга ёзилган бўлиб, XV асрга хос шоҳона безак ва ранг тасвирлар билан бир қаторда Хитой анъаналаридан андоза олинган. Бой безаклар билан безатилган ушбу китоб, Самарқандда яратилган машҳур қоғозга битилган.

Амир Хусрав Деҳлавий девони. Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳ учун кўчирилган. Шероз, 1430-31 йиллар. 375 варақ. Олтин суви юритилиб чизилган, ўлчамлари: 26 х 17 см. Истанбул, Турк ва ислом асарлари музейи[117]. Шерозда Иброҳим Султон ҳомийлигида кўчирилган қўлёзмалар ўзининг маъноси ёки унга ишланган безаги жиҳатидан бир-

[116] Туркия, Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами.№ 1992.
[117]Туркия, Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами. № 1982.

биридан тубдан фарқ қилади. Китобнинг биринчи саҳифасида дебоча ва зарварақ жуда чиройли ишланган. Кейинги саҳифаларида мажнунтол новдалари сингари безаклар бир-бирига туташиб кетган ва унда «сарой қули, Иброҳим Султон» деган ёзувлар бор.

Султон Хусайн Мирзо девони. Хирот, 1490 йил, 29 варақ, тилларанг қоғозга турли рангларда ва олтин билан ишлов берилган, ўлчамлари: 24 х 15.8 см. Истанбул, Турк ва Ислом асарлари музейи[118]. Хусайний тахаллуси билан Султон Хусайн туркийда бир нечта ғазаллар ёзган, қитъа шаклида настаълиқ ёзувида рангли қоғозларга битилган матнлар эҳтиёткорлик билан қирқилиб қўлёзмага ёпиштирилган. Тилларанг қоғоздаги ҳар бир янги шеърнинг бошланишида кичкинагина тиниқ рангли нақш чизилган. Султон Хусайннинг XV асрга оид яна иккита девони маълум бўлиб: бири 1485 йили Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган ва у Туркиядаги Миллий кутубхонада сақланмоқда, иккинчиси 1492 йили ёзилган ва ҳозир Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланади.

Амалий санъат буюмлари

Мис чойнак. Хусайниддий Шаҳобиддин ал-Биржандий имзоси туширилган, Ҳирот (?), 1467 йил, мисдан ясалган ва олтин, кумуш суви юритилган, 16.5 х 13.3 см. Истанбул, Турк ва Ислом асарлари музейи[119]. Худди шу хумчага ишланган ўсимликсимон нақшларни ўша замонда Хиротда ишланган кўпгина қўлёзма безакларида ҳам кузатиш мумкин. Хумчани чиройли қилиб турган белгиси бу унинг қайрилган жумрагидир. Идиш кўплаб металл буюмлар гуруҳига солиштирилганда, у кўпроқ Хуросонда ясалган буюмларга ўхшайди.

Кўза. Шерали ибн Мухаммад Дамашқий ясаган. Хирот(?). хижрий 872 й. Жумада (1468й. январ). Мисга олтин ва кумуш суви юритилган, 16,5х 13,3см. Истамбул, Турк ва Ислом асарлари Музейи[120].Ушбу ажойиб нафис идишнинг хомийси ким экани номаълум бўлсада, у Самарқандда ясалгани аниқ. Сабаби, хозирда Ф.Р.Мартин коллекциясида сақланаётган худди шундай идиш айнан шу уста томонидан тайёрланган. Идиш атрофига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Кунларнинг бирида дилларни хушнуд этгани бир Соқий ташриф буюрсаю, бизни хаёт сувидан бахраманд этса, бирор кун йўққи хушёрлиқ бирлан ўтса, бундайин холда тирик қолмоқ мумкин эрмас, ёқимлидур қизил рангли идишлар гуллар аро қирмизи май ичишлар».

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонга оид миллий маданий мерос дунё музейлари ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Уларни кўриб, бутун инсоният ватанимиз тарихининг нечоғли қудратли

[118] Туркия, Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами.№ 1926.
[119] Туркия, Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами.№2961.
Туркия, Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами.№ 2963

бўлганига, жаҳон тамаддуни ривожига сезиларли таъсир этганига амин бўлмоқдалар. Туркияга қилинган илмий сафар мобайнида ушбу меросимиз туркиялик ҳамкасбларимиз томонидан мунтазам тадқиқ этилаётганига, музейшунослик принципларига риоя қилинган ҳолда яхши сақланиб келинаётганига гувоҳ бўлдик. Бу эса келгусида халқаро алоқаларни янада ривожланишига катта таъсир этади. Бугунги кунда ушбу моддий-маданий меросни ҳар томонлама илмий-амалий ўрганиш тарих, санъатшунослик, музейшунослик соҳасида янги маълумотлар билан тўлдиришда катта аҳамият, мазмун касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эсанбека Тўғон. Амир Темур даврида Марказий Осиё ва Туркия орасидаги сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатлар // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни мавзуидаги халқаро конференция тезислари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 19 б.
2. Лисикова О.В. Музеи Мира.- Москва: Флинта, 2004. С. 74.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН БРОНЗА ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Каримова Дилафрўз
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими,PhD тарих.

XX асрнинг 70 йилларида Жанубий Ўзбекистонда бронза даврига оид археологик ёдгорликларнинг кашф этилиши, эскириб қолган назарий қарашларни археологик фактлар асосида янгилашни тақозо қилмоқда. Қадимги Бақтрия ҳудудларида 1969-1971 йилларда кенг қамровли археологик тадқиқотлар олиб бориб, Уланбулоқсой бўйларида йирик ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи аниқланди ва тадқиқ этилди. Жанубий Ўзбекистоннинг ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи ҳисобланган Сополлитепа Ўрта Осиёнинг йирик маданий-тарихий маркази бўлган Қадимги Бақтриянинг шимолида жойлашган ноёб ёдгорликдир. Ўзбекистон тарихининг бронза даври ёдгорлиги ҳисобланган Сополлитепа Сопполи маданиятининг илк босқичи бўлиб 1700-1500 йилликлар билан чегараланади.

Бугунги кунда Сополлитепа аҳолисининг кўмиш маросими билан боғлиқ одатлар катта илмий қизиқишларни уйғотмоқда. Айниқса

Зардўштийлик динининг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашларнинг дунё олимлари орасида қизғин баҳсларга сабаб бўлаётганлиги ва бу диннинг ватани хусусида ҳанузгача ягона тўхтамга келинмаётганлиги шу соҳада тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилмоқда. Сополлитепаликларнинг кўмиш маросими билан боғлиқ удумларини бугунги кунгача ўрганилмаганлиги, ўрганилган бўлса ҳам фақат тавсиф билан чегараланганлиги бу соҳани чуққуроқ тадқиқ этишни талаб қилади. Сополлитепада олиб борилган археологик қазишлар натижасида 46 та қабрлар очиб ўрганилган[121]. Очиб ўрганилган қабрлардан уч ҳолатда марҳумлар ҳар хил вақтда жамоа бўлиб кўмилган, қолганлари якка дафиналардир. Улардан 31 таси катта ёшдагиларга қолган 15 таси ёш болаларга тегишли қабрлардир. Очиб ўрганилган қабрлардан саккизтасида марҳумлар хумларга солиб кўмилган. Бизнинг олдимизга қўйилган мақсад ана шу саккиз қабр(10,14,15,22,32 хумларга, 36,37,45 кўзаларга солиб дафн қилинган) мисолида зардўштийликнинг илк кўринишларини очиб беришдир.

Сополлитепа аҳолисининг кўмиш маросимида хумларга солиб кўмиш кенг кўламда амалга оширилмаган. Агар зардўштийлик динининг муқаддас унсурлари олов, сув, ер, ҳаво бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак кўмиш маросимида ҳам ерни улуғлаш сифатлари пайдо бўлганлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки, таниқли авестошунос олима М.Бойснинг таъкидлашича танадан жон чиқиши билан ёвуз кучлар танани эгаллайди. ёвуз кучлар эгаллаган жасадни ерга кўмиш мумкин бўлмаган[122]. Шунинг учун, зардуштийликда мурдани тупроққа кўмиш қатъиян ман этилади. Антик даврдан бошлаб майитларни суякларини этдан тозалаб махсус остадонларга солиб хилхоналарда сақлаш одати пайдо бўлади. Зардўштийлик динининг кўмиш боғлиқ анъаналарида оссуарийлар пайдо бўлиши илдизлари бронза даврига бориб тақалаши шубҳасиздир.

Ўрганилган қабрлардан 10-қабр хонанинг ғарбий девори остидан топилган[123]. Кўза ичига букилган ҳолда ётқизилган 1-2 ёшли боланинг жасади топилган. Кўза чап тарафи билан оғзи шимолга қараб ётқизилган. Ҳеч қандай кўмиш билан боғлиқ анжомлар қўйилмаган. 14-қабр катакомба[124] қабр бўлиб хонанинг марказидан топилган[125]. Қабр хона полидан 195 см чуқурликда жойлашган. Қабрнинг шимоли-ғарбий

[121] Аскаров А. Сапаллитепа. -Т.: Фан. 1973. С.42.
[122] Бойс М. Зороастрийцы: верования и обычаи. -М.: 1987. с.57.
[123] Аскаров А. Сапаллитепа. -Т.: Фан. 1973. С.54.
[124] Ҳозирги кунда ислом анъаналари асосида қазилган қабр кўриниши, яъни қабр даҳлиз ва айвондан иборат бўлади. Бронза даврида айвон туйнуги пахса ғиштлар билан урилиб лой билан суваб ташланган. Бугунги дафн маросимларида ҳам хом ғишт билан туйнугини беркитиб дафн қилиш одати ҳам сақланиб қолган.
[125] Аскаров А. Сапаллитепа. -Т.: Фан. 1973. С.55.

қисмида 95х85 см катталикдаги хум жойлашган. Хум оғзи конуссимон тоғора билан беркитилган. 40-45 ёшлардаги жасад орқаси билан ётқизилган, оёқлари қаттиқ букилган ҳолда турли томонга қараб турибди. 15-қабр тўғри чуқур қилиб қазилган[126]. 13-хонадан топилган. ёнбошлатиб ётқизилган, оғзи шимолга қаратилган хум ичига 7-8 ёшли бола букилган ҳолда дафн қилинган. Кўмиш билан боғлиқ анжомлар йўқ. 22-қабр катакомба кўринишида бўлиб 27-хонанинг поли остидан топилган[127]. Қабрнинг ғарбий қисмини 110 см катталикда хум эгаллаган. Хум ёнбошлаган ҳолда оғзи шимолга қаратилган. Қабрнинг шарқий ва шимолий-шарқий қисмидан чириган ёғоч тўсин қолдиқлари топилган. Хумда ўнг томони ётқизилган, букилган ҳолда боши шимол томонга қаратилган 25-30 ёшлардаги эркак кишининг жасади бор. Бош мия қаттиқ эзилган[128]. Унинг юз томонида бронза болта ва дастаси бор. Унинг елка томонидан бронза ханжар бор.

32-қабр 13-бинонинг жанубий девори остидан топилган. 50 см чуқурликда кўза топилган. Кўзада ёш боланинг алоҳида-алоҳида мажақланган суяклари топилган.

36-қабр 38-хонанинг ғарбий девори остидан топилган. Бу ер жамоа қабри бўлиб 5 та жасад дафн қилинган. 1 жасад 1 ёшли болага тегишли бўлиб қабрнинг бурчагида кўза ичига жойлашган бўлган. Ён томонида билан букилган ҳолда боши шимолий-ғарбий томонга қараб ётқизилган. Иккинчи скелат 1-2 ёшли болага тегишл бўлиб жасад тартибсиз ҳолда. Учинчи тўртинчи скелетлар 3-4 ёшли болаларга тегишли бўлиб, улардан бири чап томни билан букилган ҳолда ётқизилган. Бош мия қаттиқ мажақланган. Бешинчи скелет 11-13 ёшдаги ўсмирга тегишли бўлиб, аниқ ориентировка асосида эмас. Кўмиш билан боғлиқ анжомлар топилмаган. 37-қабр 37 хонанинг ғарбий девори остида кўзага солиб дафн қилинган. Скелет чап томони билан букилган ҳолда боши шимол томонга қаратиб ётқизилган. 45 қабр хонанинг жанубий-ғарбий бурчагидан топилган. Қабрдан ёш боланинг жасади солинган кўза топилган[129].

Номозгоҳ IV даврининг Сополлитепа аҳолисини дафн маросимларида хум ёки кўзаларга солиб дафн қилиш одати ана шу давр одатлари учун янгилик эди. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек хумларга солиб дафн қилиш айрим ҳоллардагина амалга оширилган. Хумларга солиб дафн қилиш одати Дашли, Хапуз-тепа, Олтинтепа учун ҳам характерлидир[130]. Жасадларни хумларга солиб айрим кишиларгина

[126] Ўша жойда. С.56.
[127] Ўша жойда. С.59.
[128] Ўша жойда. С.60.
[129] Ўша жойда. С.70.
[130] Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. -М.: «Наука». 1977. С.57.

дафн қилинган. Хум солиб дафн қилиш бу зардўштийликда ерни улуғлаш ғоясига тўғри келади. Чунки жасад ерга қўйилган у ерни булғаши мумкин деган тушунча мавжуд бўлган. Лекин нима сабабдан хумларга солиб дафн қилиш кенг миқёсда эмас, балки айрим кишиларгагина ишлатилган деган савол туғилади. Биринчидан, ўрганилган қабрларнинг ўзига хос томонлари бор. Масалан, ёш жиҳатдан катта бўлган марҳумларни хумларга, ёш болаларни эса кўзаларга солиб дафн қилинган. Хумларга солиб дафн қилинган марҳумлар уруғда юқори обрўга эга бўлган кишилар, диний-дунёвий хокимият эгалари ёки бўлмаса ҳарбий саркардалар бўлиши мумкин. Чунки юқорида ўрганилган қабрларда нафис қилиб ишланган қадаҳларнинг бўлиши ёки бронза болта ва ханжарларнинг топилиши ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Кўзаларга ёш болаларнинг жасадларини солиб дафн қилиниши ҳам зардўштийликда ерни улуғлаш ғоясига тўғри келади. Лекин, дафн қилинган болаларнинг айримларигина кўзаларга солиб кўмилган. Бу нима билан изоҳлаш мумкин? Ёш болаларни кўзаларга солиб дафн одати ҳам айрим ҳоллардагина учрайди. Бунда ўрганилган қабрларнинг аксарият кўпчилигидаги марҳумларнинг суяклари ёки бош суяклари мажақланганлигини гувоҳи бўламиз. Бундан хулоса қилиш мумкинки, марҳумлар қандайдир бахтсиз ҳодисанинг қурбони бўлган бўлиши мумкин (ер қимирлаши, девор қулаши ва ҳ.к.) Масалан, жамоа қилиб кўмилган 36 қабрдаги ёш болаларнинг жасадлари жуда тартибсиз ва қаттиқ эзилган. Фақат биттасигина кўзага солиб дафн қилинган. Шу жасад кўпроқ шикастланган бўлиши мумкин. Зардўштийлик одатига кўра жасад ерни ифоласламаслиги учун уни кўзага солиб дафн қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Сополлитепаликларда марҳумни яшаш жойидан узоққа кўмиш одати бўлмаган. Балки, бирор бир фалокатга учраган кишиларни жасадини олиб келишда ишлатилиб, кейин дафн қилинган бўлиши ҳам мумкин (айниқса ҳарбий саркардаларни ёки жангчиларни). Чунки мажақланган жасадни олиб келишда ерни ифлослаши мумкин. Бу аҳолининг диний қарашларига зид бўлган одатлар билан характерланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сополлитепаликларнинг кўмиш маросимида хумларга солиб дафн қилиш одатининг вужудга келиши зардўштийлик динининг илк босқичлари бошланаётганлигидан далолат беради. Кўмишда фойдаланилган оссуарийларнинг илк кўринишлари десак ҳам хато бўлмайди. Сополлитепаликларнинг кўмиш билан боғлиқ одатлари ўрганиш орқали зардўштийлик динининг илк илдизлари айнан Жанубий Ўзбекистон эканлигини исботлашдир. Ўзбек халқининг диний қадриятлари уни номидан ҳам қадимийроқ эканлиги тарихий ҳақиқатдир.

ЕВРОПА ВА ШАРҚ ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА «ОЛТИН КЕСИМ» ТУШУНЧАСИ

Сабиров М. М.
К.Беҳзод номидаги МРДИ доценти

Йигирманчи асрнинг сўнги йилларида баъзи рассомлар орасида «Золотое сечение» сўзи гоҳ-гоҳида ишлатилсада унинг моҳиятини тушунтириб берадиганлар кам топиларди. Бу сўз муаллифи ўз интелектининг «юқори»лигини такидлашга аниқроғи сухбатдошни лол қолдиришда фойдаланарди. Бугунги кунда ҳар биримизда интернет тармоғи орқали истаган, керакли маълумотларни олиш имкониятимиз бор. Мен ҳам бир неча йиллар давомида ўзимни қизиқтириб келган «Олтин кесим» ҳақидаги маълумотлар билан танишиб, ўз тахлилларимни ўтказдим.Мақсад: институт талабаларига « Миниатюра композицияси» фанини ўқитишда бу тушунчани амалий қўллаш, фикр доираларини кенгайтириш, баъзи кутилмаган саволларга тайёр бўлишларини таъминлаш.

«Олтин кесим» - деб; ўлчамларнинг гармоник кўринишига айтилади. Ундан математика, архитектура, тасвирий ва амлий санъатда кен фойдаланишган. «Олтин кесим» қачон, ким томондан ихтиро қилинганлиги ноъмалум бўлиб бизга етиб келган маълумотларнинг аввалгисидан Миср ва Вавилонда қўлланилганлиги маълум. Мисрдаги Хеопс пирамидаси ўлчамларининг пропорциялари олтин кесимга асосланганлиги маълум. Пирамидалар архитектори Хесиранинг қабридаги ёғоч рельефда меъмор қўлида олтин кесим пропорцияларига мос келадиган ўлчов таёғи билан тасвирланган. Олтин кесим ҳақидаги бизгача етиб келган илк ёзма маълумотлар ва геометрик чизмаси антик даврда яшаган математик, геометрия фанининг отаси Эвклид (эр. Олд. 300й) нинг «Бошланиш» китобининг иккинчи қисмида келтирилган.



Олтин кесимни геометрик аниқлаш усули.

АВ ўлчамдаги горизонтал чизиқни чизамиз. В нуқтадан чизиқ марказидан ёй тортиб вертикал С нуқтани ҳосил қиламиз. СА нуқталарни туташтириб АВС кўринишдаги учбурчакни ҳосил қиламиз. СВ нуқталардан ёй тортб Д

нуқтани белгилаймиз.АД ўлчамидан ёй тортиб Е нуқта топамиз. Е нуқта АВ чизиқни олтин пропорцияларга бўлади. унинг катта АЕ ўлчами 0,618*, кичик ЕВ қисми* 0,382 *тенг.*

Умумлаштириб АВчизиқни 100 фоиз деб олсак унинг катта АЕ ўлчами 62 кичиги 38 фоизни ташкил қилади. Ўрта асрларда Европаликлар Олтин кесим ҳақидаги маълумотлардан «Бошланиш» китобининг араб тилидаги нусхасини таржима қилиш орқали ҳабрдор бўлишади. Уйғониш даврига келиб италиялик меъмор ва рассомлар олтин кесим таълимоти билан жиддий шуғуллана бошлашди.

Математикада олтин кесим Олтин кесим тушунчаси математика фани билан узвий боғлиқ бўлиб унга XII-XIII асрларда Италиялик монах Леонардо Фибоначчи асос солган эди. У Арабистонга саёҳат қилиб ўзлаштирган билимлари натижасида 1200 йили «Хисоб китоби»ни ёзиб араб рақамлари билан Европани таништирди. 1202 йили у ўзининг математикага оид китобини ёзади. Китобдаги турли масалалардан бирида бир жуфт қуёндан бир йил давомида қанча жуфт қуён туғилишининг ҳисоби келтирилади.Қуёнлар жуфтлиги учинчи ойдан бошлаб ҳар бир сон ўзидан олдинги сонга қўшилиб ўсиб боради. 2 + 3 = 5; 3 + 5 = 8; 5 + 8 = 13, 8 + 13 = 21; 13 + 21 = 34; 34+21=55. Сонларнинг бундай ўсиш тартиби Фибоначчи.сонлари деб номланади 0, 1, 1, 2, 3, 5, 8, 13, 21, 34, 55, 89,144,233,377

Фибоначчи сонларида кичик сонни катта сонга бўлсак 0,618, катта сони кичикгига бўлиш доим 1,618, сонини беради. Бугунги кунда математиклар Фибоначи сонларини- рақамларнинг «илоҳий уйғунлиги» деб аташади.

Олтин кесимнинг бир неча турлари бўлиб бугунги кунимизда кенг тарқалгани 3:1 нисбати ёки тўққиз катак усулидир. Европалик тадқиқотчилар Ўрта аср архитектор ва рассомлари ўз ижодларида олтин кесим нисбатларини қўллаганликлари ҳақидаги турли мақолаларни ўқигач бизда табиий савол туғилади.

Шарқ мусаввирлари ижодида олтин кесим сингари тушунча бўлганми? Кўплаб миниатюра суратларини таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики 16 асрда Бухоро миниатюра мактабида тасвирларни композиция жихатдан унумли жойлаштиришда Олтин кесимнинг «Учдан бир» ёки «тўққиз катак усули»дан унумли фойдаланганликларини кўриш мумкин.

А.Навоийнинг «Хамса» достонларидан «Садди Искандарий» достонига бағишлаб чизилган «Шоҳлик тожини гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида» асарини таҳлил қилиб кўрайлик. Сурат юзасини тўққиз катакка ажратувчи чизиқларни чизамиз.

Достон бош қаҳрамони сифатида Искандар асарнинг марказий қисмида унинг боши бутун асарнинг марказий нуқтасида жойлашган. Шоҳ қомати марказдаги шаклда, пастки чап ва ўнг қисмларда учтадан инсон қоматлари жойлашиб, ҳар икки томонда инсон қоматлари сони, шакллар оғирлиги тенг келади. Мусаввир 1- ва 2-вертикал чизиқлардан шоҳ ўтирган гилам ва пастдаги мармар ховуз ўлчамини белгилашда фойдаланган. Шу етакчи чизиқлар шоҳ ортида жойлашган чап ва ўнг деразаларнинг ўқ чизиғи ва диоганал жойлашган нақшли безакларнинг марказидан ўтади. Горизонтал биринчи ва иккинчи етакчи чизиқлардан ҳам муаллиф унумли фойдаланганлигига ҳайратланмасдан илож йўқ. Шоҳ танасининг пастки оёқлари, гадо ва хизматкорлар қўлини биринчи чизиқ бўйлаб жойлаштирган, мусаввир асарга яширин фалсафий маъно бериб, шоҳ Искандар мавқеининг қанчалик юқори эканлигини кўрсатмоқда. Иккинчи вертикал чизиқ горизонтал жойлашган нақшли безак марказларидан ўтиши ҳам тасодиф эмаслиги аниқ.



«Шоҳлик тожини гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида» асари композициясини қуришда мусаввир тўққиз катак усулидан фойдаланиб, симметрияга асосланган, турли шакл ўлчамларининг гармонияси ва яширин фалсафий маъно беришга эришган. Сатҳни икки вертикал ва горизантал чизиқлар билан бўлиш ва улардан китоб ички суратларини мустаҳкам конструкция асосида жойлаштиришда унумли фойдаланиш бу тасодифми ёки мусаввирнинг аниқ мақсад асосида изланишлари натижасими? Бу саволга ишонч билан жавоб бериш учун асаридаги «Сабъаи сайёра» достонига бағишлаб ишланган иккинчи суратни тахлил қилиб кўрамиз. «Бахром мовий қасрда» номли миниатюрада қаср биноси

ҳошия ва иккинчи вертикал чизиқлар орасида жойлашиб, тасвир сатҳининг учдан икки қисмини эгаллайди. Мусаввир биринчи вертикал чизиқдан бинонинг марказий ўқ чизиғи сифатида фойдаланиб, уни тенг икки қисмга ажратган.

Бош қаҳрамонлар Баҳром ва қаср маликаси асар марказида тасвирланиб, улар ўқ чизиқнинг икки томонида жойлаштирилиши орқали ораларида кўринмас тўсиқ борлигига ишора қилинади. Чунки достонда Баҳромнинг кўнгли фақат Дилоромда бўлиб, бу қаср маликаси уни овутиш мақсадида олиб келинган эди. Горизонтал чизиқларнинг биринчиси марказдаги эшик ва унинг устки тепа қисмини ажратиб турган чизиққа ҳамда қасрнинг икки ён томонидаги нақш безаклари марказига мос келса, пастки чизиқ шоҳ Баҳром ва қаср маликаси қоматларининг оёқ



қисми ва гилам чегарасидан ўтади. Шу чизиқ ҳикоя айтувчи йўловчининг бош қисмидан ўтиши шоҳ ва малика мавқеининг баландлигини кўрсатишда рамзий равишда хизмат қилмоқда. «Баҳром яшил қасрда» номли китоб суратида ҳам шундай мусаввирнинг тўққиз шаклни берувчи икки вертикал ва икки горизонтал чизиқлар асосида миниатюра композициясини тузишда фойдаланганлигини кўрамиз. Бу асар олдинги асарнинг кўзгудаги акси сифатида ишланган. Шу мавзуга бағишлаб ишланган бошқа асарларни ҳам таҳлил қилиб кўриш натижасида мумтоз мусаввирлар миниатюра асарларини ишлашда, сатҳни тўққиз қисмга бўлиб, етакчи чизиқлардан унумли фойдаланганликлари, симметрия қонунларини яхши билган ҳолда шакллар ўлчами, ўзаро нисбатини аниқлашда чамалаб эмас, балки аниқ ҳисобли ўлчамларга таяниб, илмий ёндашув асосида олиб борганликларини кўриш мумкин. Биз кўриб чиққан текисликни тўққиз қисмга бўлиб, шаклларнинг энг маъқул жойлашувини аниқлаш усулини Бухоро миниатюра мактаби мусаввирлари бир неча аср олдин қўллаган бўлсалар, бугунги кунда

хорижда рақамли фотоаппарат ишлаб чиқариш, кино индустрияси, компьютернинг график дастурларида кенг ишлатилмоқда.

САРМАТСКОЕ ЗЕРКАЛО ИЗ СОБРАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА АН РУЗ

Минасянц В.С.
ГМИУ

Проблема прямого влияния сармат и сарматской культуры на кочевников Средней Азии имеет важное значение в изучении материальной и духовной культуры кочевников. В связи с этим важны любые находки для изучения этой проблемы.

В коллекции археологического фонда Государственного музея истории АН РУз хранится сарматское миниатюрное бронзовое зеркало с боковым ушком-ручкой. Точных данных о происхождении зеркала нет, но считается, что оно найдено при раскопках одного из пскентских курганов в Ташкентской области.

Приведем его описание:

Само зеркало бронзовое, литое, в виде плоского диска с короткой боковой прямоугольной ручкой-ушком и сквозным отверстием для подвешивания. Лицевая сторона гладкая со следами окиси. На оборотной стороне в центре – небольшой слаборельефный крест, находящийся внутри окружности, в которую вписаны четыре дуги. Другая окружность проходит близ наружного бортика зеркала. Изнутри в нее вписана восьмиконечная фигура со сторонами – дугами, снаружи примыкает узкий бортик-ободок (ширина 0,5 см) с поперечными радиальными линиями-черточками. Размеры зеркала: диаметр – 6,5 см, длина ручки – 12 мм, ширина ручки – 9 мм. Инв. № 188/104.

Подобные миниатюрные сарматские зеркала с ушком относятся к одному из наиболее характерных типов сарматских зеркал.

Бронзовые зеркала являются постоянной находкой в погребениях сарматской культуры. Пожалуй, в погребениях ни одной другой археологической культуры зеркала не встречаются так часто, как в сарматских.

А.М. Хазанов по своей классификации выделяет 10 типов сарматских бронзовых зеркал: I – плоские зеркала с длинной боковой

ручкой, II – плоские зеркала с боковой ручкой – штырем, III – зеркала с диском, имеющим валик по краю и длинной боковой металлической ручкой, IV – зеркала с диском, имеющим валик по краю и боковой ручкой – штырем, V – зеркала без ручки, представляющие собой диск с валиком по краю, VI – зеркала в виде простого плоского диска без ручки, VII – зеркала с вертикальным бортиком по краю, VIII – зеркала с диском, имеющим валик по краю и коническую выпуклость в центре, и боковой ручкой-штырем, IX – зеркала с боковым ушком, X – зеркала с петлей в центре обратной стороны. (Хазанов, 1963. С.58).

Как видно из этой классификации А.М.Хазанов относит зеркала с боковым ушком к IX типу и отмечает их появление к концу сусловской культуры (I в. до н.э. – I в. н.э.), а широкое распространение их в начале шиповской культуры (II-IV вв.н.э.). Зеркала IX типа господствуют до конца III в., но уже во II в. появляется новая форма зеркал, которая в IV в. на много веков становится господствующей формой зеркал в Восточной Европе – зеркал с центральной петлей. (Хазанов, 1963. С.67).

Зеркала с боковым ушком встречаются в Поволжье, на Кавказе, на Украине, в греческих и скифских некрополях в Крыму. В IV-V вв. они проникают в Центральную Европу. Такое широкое распространение их отчасти связано с дальнейшим продвижением сарматских племен на Запад, отчасти с тем, что у сарматов такие зеркала заимствуются другими народами. (Хазанов, 1963. С.65).

Похожие зеркала в течении длительного времени бытовали в Сибири и были распространены на третьей стадии тагарской культуры, и встречаются в случайных находках Минусинской котловины. (Киселев, 1951. С.281). Кроме того они встречаются на Алтае. (Киселев, 1935. С.102), в Туве (Кызласов, 1958, табл. II, 65) и Северном Китае. (Salmony, 1935. С.93, табл. X, 4).

На Северном Кавказе подобные зеркала датируются I-III вв из Усть-Лабинского могильника № 1 (Анфимов, 1951. Рис.18,б), Таркинского могильника (Крупнов, 1951. Рис. 2,3,4,87), Нижне-Джулатского и Подкумского могильников (Степи Европейской части СССР в скифо-сарматское время. С.277-278, табл. 111,56,57, 76).

Особый вариант зеркал с боковым ушком был распространен в Поволжье во II-III вв. В центре диска на этих зеркалах, вокруг шишечки, были изображены квадрат, прямоугольник, ромб иногда с прямыми, иногда с вогнутыми сторонами. По краям диска, между двумя рельефными окружностями помещены радиально идущие линии, точки и т.д. (Хазанов, 1963. С.67).

В большом количестве зеркала с боковым ушком в I-II вв. встречаются в Пантикапее и других городах Северного Причерноморья (Хазанов, 1963. С.67).

Зеркала у многих народов были не только предметом туалета, но имели и религиозно-магическое значение в различные времена и эпохи. В древнем Китае зеркалу как предмету заключающему в себе магические силы, направленные на благо человека, придавалось чрезвычайно большое значение. Считалось, что зеркала предохраняют от злых духов и приносят человеку счастье. Воин, идущий в сражение нес зеркало на груди, новобрачная держала его на сердце. Начиная с ханьского времени, зеркала в Китае часто использовали в похоронных церемониях, их клали в могилу на грудь покойнику. Считалось, что они отгоняют от покойника нечистую силу. (Хазанов, 1964. С.95).

В древней Японии зеркалам также приписывалась магическая сила, они символизировали чистоту и являлось талисманом против злых духов. Бронзовое зеркало почиталось как изображение солнечного диска, воплощение женского солнечного божества. (Арутюнов, 1961. С.146,148).

Зеркало рассматривалось как в высшей степени эффективное магическое средство, в частности для отвращения злых духов и влияний. (Арутюнов, 1961. С.146,148).

О культовом значении зеркал в Средней Азии свидетельствуют женские терракотовые статуэтки богини плодородия с зеркалом, которые часто встречаются во время археологических раскопок. Считается, что обычай помещения в захоронение зеркала и обломков зеркала- амулетов связан с почитанием народами Средней Азии богини плодородия, а зеркало являлось атрибутом женского божества, которое выступало прежде всего как божество земли и плодородия, но также было непосредственно связано и с культом солнца. (Литвинский, 1964. С.102-103).

Миниатюрное зеркало-подвеска из нашей коллекции можно рассматривать как своего рода амулет, который служил оберегом.

А.М.Хазанов отмечает находки миниатюрных зеркал в сарматских курганах и считает, что они также служили оберегами при жизни и после смерти и имели магический характер. Он также пишет, что в первых веках н.э. у сарматов распространяются восточные формы зеркал, а с ними и восточные представления об их охранительной силе. Зеркала с боковым ушком в погребениях шиповской культуры были найдены на груди у покойника. Этот обычай ношения и захоронения зеркал на груди был распространен на Дальнем Востоке. Орнамент на позднесарматских зеркалах уже имел не столько эстетическое значение, сколько магическое, имеющее своей целью усилить охранительные свойства зеркала. (Хазанов, 1964. С.95).

В элементах декорации зеркала из нашей коллекции также улавливаются заимствования из орнаментации ханьских «восьмиарочных» зеркал.

Аналогичный орнамент в виде арок мы встречаем среди ферганских зеркал. Б.А.Литвинский пишет о миниатюрных круглых зеркальцах-подвесках Ферганской долины, диаметром 5-6,7 см часто с петелькой в центре обратной стороны и кружковым орнаментом в виде сложных многоугольных звёзд, в виде шестилепестковых розеток с заполнением фона «кружковыми» углублениями и рассматривает их роль как магическую в жизни древних ферганцев, оберегая своих владельцев от злых духов и влияний. (Литвинский, 1964. С.101; Литвинский, 1978. С.109, табл.19,3,4,табл.16,5).

В I в до н.э. – I в.н.э. у сарматов появляются и привозные зеркала, относящиеся к разным вариантом ханьских зеркал с арочным орнаментом. (Степи Европейской части СССР в скифо-сарматское время, 1989.С.188). По-видимому, восьмиарочный орнамент на нашем зеркале выполнен в подражание китайских зеркалам ханьского времени.

Крестовидному элементу в центре нашего зеркала мы находим аналогии среди зеркал с боковой ручкой, обнаруженных при раскопках погребений I-III вв. Нижне - Джулатского и Подкумского могильников в Кабардино – Балкарии на Ставрополье. В центре этих зеркал также крестовидные элементы как и на нашем зеркале. В отличие от зеркала из музейной коллекции они не имеют других элементов орнаментации кроме крестов. На одном зеркале как и на нашем в центре маленький крестик, на втором лопасти креста отходят от центральной выпуклости, а на третьем – крест делит поле зеркала на четыре сегмента. (Степи Европейской части СССР в скифо-сарматское время, 1989. С.277,278, табл.111,56,57,76).

На многих сарматских зеркалах, также как и на нашем по краям диска между двумя рельефными окружностями помещены радиально идущие линии-черточки. А.М.Хазанов связывает этот орнамент со стилизованным изображением солнечного диска. (Хазанов, 1964. С.96).

Представление о связи зеркала с солнцем характерно для Дальнего Востока и Сибири, т.е. именно для тех мест, откуда сарматы заимствовали форму описываемых зеркал. Очевидно у сарматов зеркала с подобным орнаментом связывалась с солнцем. (Хазанов, 1964. С.95-96).

О датировке зеркала из нашей коллекции можно сказать следующее. Т.Н.Книпович датирует подобные зеркала II-IV вв. (Книпович, 1949. С.55-56). Б.А.Литвинский, считает, что зеркала этого типа, по-видимому, распространяются уже с конца I в.н.э. А.М.Хазанов датирует эти зеркала I-III вв.н.э. (Хазанов, 1963. С.67). Нам кажется датировка А.М.Хазанова наиболее правильной.

А.М.Хазанов считает, что «представления сарматов об особой магической силе зеркала не стоят особняком, а находятся в ряду аналогичных им или сходных представлений других народов. Возможно в основе различных обрядов и верований, связанных с зеркалами, лежало общее представления о магической связи зеркала с производительными и жизненными силами. Поэтому зеркало могло выступать как атрибут божественной власти, олицетворяющей жизненное начало и как источник особых магических сил» (Хазанов, 1964. С.96).

Список использованной литературы.

1. **Анфимов, 1951** – Анфимов Н.В. Меото-сарматский могильник у станицы Усть-Лабинской. // Материалы и исследования по археологии СССР, 23, 1951.

2. **Арутюнов, 1961** – Арутюнов С.А. Этническая история Японии на рубеже нашей эры. // Восточноазиатский этнографический сборник, II. Труды института этнографии АН СССР. Новая серия. Т. LXXIII. Москва, 1961.

3. **Киселев, 1951** – Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Москва, 1951.

4. **Киселев, 1953** – Киселев С.В. Из работ Алтайской экспедиции. // Советская этнография, I, Москва, 1935.

5. **Книпович, 1949** – Книпович Т.Н. Танаис. Историко-археологическое исследование. Москва-Ленинград, 1949.

6. **Крупнов, 1951** – Крупнов Е.И. Новый памятник древних культур Дагестана. // Материалы и исследования по археологии СССР, 23, Москва, 1951.

7. **Кызласов, 1958** – Кызласов Л.Р. Этапы древней истории Тувы. // Вести Московского университета, 4. Москва, 1958.

8. **Литвинский, 1964** – Литвинский Б.А. Зеркало в верованиях древних ферганцев. // Советская этнография, Москва, 1964.

9. **Литвинский, 1978** – Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. Москва, 1978.

10. **Salmony, 1935** – Salmony. Sino-Siberian Art in the Collection of C. T. Loo. Paris, 1935.

11. **Степи Европейской части СССР в скифо-сарматское время, 1989** – Степи Европейской части СССР в скифо-сарматское время. // Археология СССР. Москва, 1989.

12. **Хазанов, 1963** – Хазанов А.М. Генезис сарматских зеркал. // Советская археология, № 4, Москва, 1963.

13. **Хазанов, 1964** – Хазанов А.М. Религиозно-магическое понимание зеркал у сарматов. // Советская этнография, № 3, Москва, 1964.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МУЗЕЙ ИСКУССТВ УЗБЕКИСТАНА: ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ И ФОРМИРОВАНИЯ КОЛЛЕКЦИИ.

Файзиева В. С.,
Директор Государственного
музея искусств Узбекистана

Государственный музей искусств Узбекистана - первый художественный музей в Средней Азии - был создан в 1918 г. Основой создания музея послужила частная коллекция князя Н.К. Романова, эта произведения живописи, графики русских и западноевропейских мастеров, произведения скульптуры, художественная мебель и колекция фарвора. История деятельности музея разделена на несколько периодов. В первый период музей занимал княжеский особняк и был известен с 1918 по 1924 год, как Центральный художественный музей, а с 1924 по 1929 год как Ташкентский музей искусств. Экспозиция его свободно размещалась в залах и носила чисто дворцовый характер. Коллекция русской живописи пополнилась в 1920-е годы первоклассными произведениями как А. Бенуа «Версальский парк», А.Боголюбова «Вид Везувия с моря», С. Виноградов «Наступили осенние вечера», Волков «Березовый лес», К. Гун «Портрет дамы в голубом», К. Коровин «Розы», И Левитан «Стволы деревьев», К. Маковский «Школа в Каири» и другие.

В 1929 году музей был закрыт и до 1934 года экспонаты музея были консервированы[131]. С 1935 года музей получил название «Узбекистанского музея искусств». Только в 1935 году музей вновь открылся в здании бывшей фабрики-кухни которое очень подходил для экспозиции. Так начался второй период деятельности музея. Изменение профиля не только расширило сферу его деятельности, но и позволило вполотную вести собирательскую деятельност по направлении узбекское искусство. Научные сотрудники в поисках экспонатов посещали базары

Для научной деятельности музея послужило и активная собирательская работа под руководством руководителей музея. Со дня образования музея на руководительском должности проработали Вербов М. (1918-1919гг), Шепс П.А. (1929-1934гг.), Ломакина Ф. (1935-1935 гг.), Афанасьев В.А. (1935-1936гг.), Воисов Ф. (1936-1941гг), Исмаилов У. (1941-1945 гг.), Брониславский К.(1945-1946гг.), а также великие творчесике личности, внесшие свою немаловажную лепту в развитие дела музея и развитие искусства в Узбекистане, как Александр Волков (1919-1929гг), Оганес Татевосьян (1934-1935гг.), Шамсрўй Хасанова (1946-1956 гг.), Самиғ Абдуллаев (1956-1988гг.), Дамир

[131] Круковская С.М. "Ўзбек миллий санъатининг хазинаси". – Тошкент, 1960. стр, 24-бет.

Рузибаев (1988-1997 гг), Насиба Ибрагимова (1997-2005гг.), Кудратулла Ажиметов (2005-2012 гг.)[132]. Руководители музея обладали смелостью взглядов, неутомимой инициативой, умением привлекат к работе самых различнқх специалистов. В рабочем кабинете всегда рождались планы новых экспедиций, обсуждались наметки научных исследований.

В 1974 году произошло историческое событие в жизни музея. В самом центре Ташкента для музея было построено новое здание, выполненное в современном стиле в виде застекленного со всех сторон куба. Для размещения фондовых хранилищ и машинной части предназначены подвальные помещения. Цокольный этаж заняли лекционный зал, фойе с гардеробами, художественный салон, туалеты. Из фоей зрители попадают во внутренний дворик с верхним светом, где размещен старинный архитектурный декор Узбекистана. Отсюда они по мраморным ступеням поднимаются на второй, третий и четвертый этажи, 50 залов которых предназачены для экспозиций. Торжественное открытие музея в новом здании состоялось 30 апреля 1974 года[133]. По сей день музей продолжает свою работу в этом здании. Развернутые экспозиции демонстрируют посетителям прекрасные произведения древности, узбекское народное декоративно-прикладное искусство во всем его многообразии, работы русских художников конца XIX века, отразивших особенности Туркестана того периода и произведения художников Узбекистана, раскрывающих историю становления и развития изобразительного искусства республики. Работы художников представленные в экспозиции, отражают иновационно новые тенденции в искусстве Узбекистана – таковы полотна А.Нура «День и Ночь», Ф.Исанова «Караван», А.Турдыева «Вечер в горах». Поражают количеством шедевров разделы русского и западноевропейского изобразительного и декоративно-прикладного искусства.

Прежде всего, восхищает огромная коллекция народного прикладного искусства Узбекистана. Именно с неё начинается экспозиция музея. Образом античной, древней и современной эпохи, разнообразная палитра керамика, замысловатая резьба по ганчу, по дереву, самобытные рисунки вышивки, золотое шитье, тончайшая чеканка, роскошь ювелирных изделий.

Представлены ценнейшие экспонаты античного и раннесредневекового искусства Узбекистана. Эти произведения свидетельствуют о высоком мастерстве местных скульпторов, знакомых с традициями эллинистического искусства. Археологические раскопки на территории Узбекистана дали многочисленные образцы древней и

[132] Ўзбекистон Давлат санъат музейи архиви.
[133] Государсвенный музей искусств Узбекистана. – Тошкент, 2004, стр. 16.

средневековой керамики, поражающей высокими художественными качествами. С VIII в. на территории Узбекистана широкое распространение получает поливная керамика. Поливная керамика Афросиаба (Самарканд) X-XII веков занимает доминирующие положение в Мовароуннахре, и во всем исламском искусстве. За года деятельности музея основное внимание было направлено на комплектование произведениями национального искусства.

Многочисленные научные экспедиции в различные регионы Узбекистана позволили собрать совершенно уникальные коллекции архитектурного декора, вышивок, медночеканных изделий, атрибутов каллиграфического искусства и его образцов – рукописных книг, каллиграфических надписей и др. В отделе народно-прикладного искусства Узбекистана хранятся более 10 000 экспонатов. Она включает собрание резного и расписного дерева, ганча, художественной керамики, чеканки по меди, ювелирного искусства, ковров, тканей, вышивки, золотого шитья и образцов каллиграфического искусства. В отделе изобразительного искусства Узбекистана собрано огромная коллекция художников Узбекистана. Коллекция дает полное представление о становлении и развитии изобразительного искусства в республике, отображая её жизнь в художественных образах.

Также ярко, своеобразно, разно жанрово представлена коллекция современных молодых, талантливых художников.

В музее отражены этапы пяти векового развития русского искусства. В экспозиции представлены произведения известных художников, повествующие о путях развития, национальных школах русского искусства XУ-XX веков.

Покоряет своей скромной, тихой поэзией первоклассная коллекция русской живописи, неповторимое своеобразие портрета XУШ-нач.X1X вв. работы В. Боровиковского, К. Брюллова, В. Тропинина, позднее в неё вошли произведения И.Репина, В. Серова, И. Поленова, В. Верещагина, А. Бенуа, Н. Рериха, городские пейзажи неизвестных художников.

Большой раздел музея составляет коллекция русских художников в Средней Азии. Избрав её местом жительства, сюда приезжают П. Беньков, З.Ковалевская, Н.Кашина, А.Волков, И.Казаков, Л.Буре и др. В их произведениях отражена тонкость передачи природы края, достоверны жанровые картины, натюрморты[134].

В музее разнообразна коллекция произведений художников Западной Европы. Это оригинальные произведения Италии, Испании, Франции, Нидерландов, Фландрии, Голландии. Здесь можно познакомиться с произведениями античного искусства и Итальянского

[134] Государсвенный музей искусств Узбекистана. – Тошкент, 2004, стр. 21.

Возрождения. Самая ранняя скульптура в музее - «Венера и дельфин», созданная в III в. до н.э., образец эллинистического искусства. Также представленм произведения великих скульпторов Пьетра делла Веккио, Вандер Мейлена, Х. Робертсон, Антонио Кановм, Эмилио Цокки, Джованни Марио Бенцони и др. Великолепнме парнме скульптурм Джовании Беллоции (1807-1867) «Молодость» и «Старость», напоминаюидие о бмстротекуцем времени, о скоротечной красоте молодости, радующей глаз[135].

В разделе Зарубежного Востока представлено искусство Китая, Японии, Южной Кореи, Индии, Ирана. К числу самых интересных экспонатов раздела можно отнести коллекции резной мебели, изделий из бронзы, слоновой кости, нефрита, лака, фарфора. Здесь представлены японские деревянные гравюры и классические произведения живописи Китая XVII—XVIII веков.

Кроме постоянной экспозиции организуются выставки новых поступлений, выставки из музеев других стран, а также выставки собственных коллекций за рубежом. В музее созданы все необходимые условия для хранения экспонатов, также организована хорошо оснащенная реставрационная мастерская, где проводятся реставрационно-научные работы. Научные сотрудники отделов работают над систематизацией накопленного материала для издания буклетов, каталогов, альбомов, идет кропотливое изучение содержания коллекций и фондов. Музей является научной базой для студентов средних специальных и высших учебных заведений, в его отделах проходят учебную практику художники, искусствоведы, музееведы, реставраторы. Наряду с этим в 2018 году планируется полностью реконструкция музея и строительство новых дополнительных выставочных залов.

Наряду с постоянными экспозициями, зрителю постоянно предлагаются различные художественные выставки отдельных творческих персоналий, групповые выставки современных художников и мастеров не только Узбекистана, но и ближнего и дальнего зарубежья.

Осенью 2017 года с большим успехом прошла выставка акварели российского художника Андрея Есионова, а также итальянской моды, представившие брендовую одежду лучших домов высокой моды Италии за последние 60 лет. Музей активно сотрудничает и организовывает обменные выставки с музеями США, Японии, Германии, Франции, проводит научные конференции по различным вопросам истории, культуры и искусства.

Государственной телерадиокомпанией Узбекистана снят видеофильм «Из коллекций Государственного музея искусств

[135] Государсвенный музей искусств Узбекистана. – Тошкент, 2004, стр. 176-179.

Узбекистана» на узбекском, русском и английском языках, который демонстрируется посетителям музея. Современность предъявляет к музею требование не только регистрировать прошлое, но и использовать его, чтобы позитивно влиять на сегодняшний и завтрашний день конкретного сообщества, содействовать его прогрессу, создавая атмосферу вдохновения для гармоничного развития молодого поколения и стимулирования его творческого потенциала.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ Ҳ.ОЛИМЖОН ВА ЗУЛЬФИЯ МУЗЕЙИ РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Талипова Н. Н.
Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 27 апрелда Жиззах Вилоятига ташрифи чоғида адабиётимизнинг улкан намоёндалари Ҳ. Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, шеърларига жо бўлган эзгу тушунчалар моҳиятини ёш авлодга етказиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу мақсадда ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ Ҳ. Олимжон ва Зулфия хиёбони барпо этиш унинг марказида иккала ижодкор ҳайкали ўрнатиш, Ҳ. Олимжон ва Зулфия мактабини ташкил этиш таклифларини илгари сурган. Ана шу эзгу истак бугун рўёбга чиқди.

Атоқли ва истеъдодли адибларимиз Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан олиб бориладиган чора тадбирларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг бу икки улкан ижодкорни ибратли ҳаёти, бир-бирига бўлган севги ва садоқати бугунги кунда келажак авлод учун ибрат манбаи бўлиши мақсадида Жиззах шаҳридаги «Ҳўжа Нуриддин» мадрасаси қайта реконструкция қилиниб, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи жойлаштирилди ва 2017 йил 3 ноябр куни ўз фаолиятини бошлади. Музей биносининг ўзи ҳам ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида диққат эътиборни ўзига жалб этади. Музей биноси Нуриддин ҳожи Маъруфхўжаев 1850 йил Жиззахнинг «Тошкентлик» маҳалласида таваллуд топган. У ўзининг билими, маърифатпарварлиги билан эл-юрт

эътиборини қозонган инсонлардан бири бўлган. Нуриддин ҳожи Бухоро мадрасасида қарийиб 15 йил таҳсил олиб, Қуръони каримни, ислом дини фалсафаси, мусулмончиликнинг ҳуқуқлари шариат қонунчилиги ва дунёвий фанлардан ҳам пухта билим олади. Араб форс тилларини мукаммал билади.

Нуриддин Маъруфхўжаев 50 ёшларида мусулмончиликнинг муҳим шартларидан бири Маккаю Мадинага ҳаж сафарига боради. 1898 йил Нуриддин ҳожи ўзининг шахсий маблағи ҳисобига қўли гул меъмор уста Аҳмад Юнус Самарқандий лойиҳаси ва унинг бевосита бошчилигида Жиззахнинг Эски шаҳар мавзесида мадраса қурилиши бошлаб юборади. Мадрасанинг қурилишини Мирзараҳим ҳожи ўзининг ҳумдонида пиширилган ғиштлари билан таъминлайди. Жиззах аҳли баҳоли қудрат маблағ тўплаб уста–мардикорларга ҳафталик озиқ-овқат билан ёрдам кўрсатишади. Мадраса эшик ва деразалари Уста Олим бобо томонидан тайёрланган. Мадрасанинг қурилиш ишлари 1902 йил битказилиб ишга туширилади. Мадраса 1903 йилдан 1913 йилгача давлат муҳофазасига олинган. Бу мадрасада болалар ҳам диний ҳам дунёвий билимлардан сабоқ оладилар. Лекин кейинчалик собиқ совет даврида бу мадраса қаровсиз қолиб, вайронага айланган.[136]

2017 йил Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан музей биноси янги таъмирдан чиқди ҳамда маданият вазирлиги томонидан замонавий техника ва янги замонавий витриналар ҳамда инновацион технологиялар билан қайта жиҳозланди. Музейда 2100 дан ортиқ экспонат, ашё ва ҳужжатлар бор.

Музей ташкил этиш жараёнида экспедициялар уюштирилиб, Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи фондларида сақланаётган қўлёзма, тасвирий, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат дурдоналари ҳамда Зулфия Исроилова оиласининг шахсий архивидан олинган фотосурат ва совғалар асосида экспозиция яратилди. Бундан ташқари Кинохроника фондидан Х.Олимжон ва Зульфия ҳақидаги ҳужжатли фильмлар нусхалари олиб келинди.

Музей биноси меъморий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, услуб жиҳатдан миллий классик шакл ва қисмлардан фойдаланилган бўлиб, умумий сони 23та кичик ҳужралар ва киришингизда том қисми замонавий охирги технологияда бажарилган автомат тарзда очиладиган ромлар билан қурилган умумий сони 200 кв.м.дан иборат галерея мавжуд. Залнинг марказида катта ҳажмдаги экран ва икки дона охирги моделдаги инфокиоскалар экспозицияни янада жонлантирган. Бу инфокиоскаларда томошабин Ҳ.Олимжон ва Зулфия ижодлари билан янада чуқурроқ

[136] Х. Хайдаров.Жиззах тарихи.Тошкент.2009й.

ўрганишга муяссар бўлади. Асосий экспозиция мадрасанинг 16 та ҳужраларида жойлашган.

1-ҳужрада *Ўзбек халқининг атоқли шоири бўлган Ҳамид Олимжон ўзининг ижодий фаолияти билан ўзбек адабиётини маданиятини юксалишига ҳисса қўшган ижодкор сифатида намоён этилган бўлиб, унда* Ҳамид Олимжон яшаган даврдаги уй-рўзғор буюмларидан намуналар қўйилган. Дашу, мис офтоба, сандиқча, чироқ, самовар, мис сатил, мис кўза қўйилган. Шулар уй- рўзғор буюмлари сифатида ишлатилган. Ҳужранинг марказида Ҳамид Олимжон яшаган дала ҳовли кўриниши макети бўлиб, укаси Сарвар Азимов айтиб турган, Гайваронский томонидан ишланган.

2- ҳужрада Хамид Олимжоннинг беғубор болалиги тасвирланган рассом Р.Раҳматуллаев, С.Рахметов томонидан чизилган картиналар ҳамда Лавх-китоблар учун мослама қўйилган бўлиб,ушбу лавх устида Ҳамид Олимжоннинг онаси ўқиган араб алифбосидан китоб жойлашган. Замонавий сафитлар билан ёритилган витриналарда эса Ҳ. Олимжоннинг рус тилида ёзилган таржимаи ҳоли (хужжат- 1939 йил.). XX асрга мансуб бўлган жойнамоз.Ўша даврда бувиларимиз, онажонларимиз томонидан тикилган. Х.Олимжоннинг онаси Комила аянинг кийган кийими ва рўмоли. Қизи Асолат Икромова томонидан музейга тақдим этган. Ҳамид Олимжоннинг келини Риояхон томонидан музейга тақдим этилган-дутор ўрин олган.

3-ҳужрада Ҳамид Олимжоннинг шеърий китобларидан наъмуналар келтирилган. Ҳамид Олимжоннинг 1928 йилда 19 ёшида Ленинградда курсдошлари билан тушган сурати, Дўстлари Ойдин, Уйғун Ҳасан Пўлатлар билан тушган суратлари жой олган. Ҳамид Олимжон «Зарафшон» газетасида ишлаган. 1926 йилда тушган сурати ўрин олган. Ҳамид Олимжон устози Садриддин Айний билан тушган сурати. Ёзув машинкаси Зулфияхоним ишлатган. Ҳамид Олимжон 1931 йил «Қурилиш» журналига масъул котиб қилиб 10 майдан ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма.1934 йил Ёзувчилар уюшмасига аъзолигини тасдиқловчи гувоҳномаси. Китоб қўйиш учун лавх. XIX аср охири XX аср бошларидаги тошбосма усулида чоп этилган китоблардан намуна қўйилган. XX асрга мансуб бўлган ўша даврда аҳоли ўртасида муомалада бўлган вексил, пуллар ва тангалардан намуналар қўйилган.

4-ҳужрада Ҳ Олимжоннинг Миртемир, ўзбек ёзувчилари билан тушган суратлари Ҳ. Олимжон 1942 йил рус қаламкашлари Анна Ахматова, Толстой Ғофур Ғулом билан тушган суратлари ўрин олган. Ҳ.Олимжоннинг машҳур асарларидан бири « Зайнаб ва Омон»поэмаси, шоирнинг 10 томлик танланган асарлари,, 1936 йилда Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаганлигини

тасдикловчи гувоҳномаси, Ҳ.Олимжон Фанлар академиясига аьзо бўлганлиги ҳакидаги гувоҳнома, Х1Х асрга мансуб бўлган сўзана. Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий секретари Шегловга Ҳ. Олимжоннинг ўқийдиган маърузасини 1944 йил январь ойининг охирига етказилиши ҳакидаги хати. Х1Х асрга мансуб бўлган кулолчилик ишларидан намуналар. «Зайнаб ва Омон» спектаклининг макети .Макетчи Г.Бримм томонидан ясалган.

5-ҳужрада Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишланган гулдон. Ҳ. Олимжон А. Навоийни ўз устози сифатида яхши кўриб, ғазал ва достонларини севиб ўрганган. 1939 йил Боқий домла билан Ҳ. Олимжон А. Навоийни 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрган пайтида тушган сурати. Ҳ. Олимжон Фанлар Академиясида 1944 йил. Ҳ. Олимжон Тошкент вилоятида пахтакорлар билан ўтказилган йиғилишидаги нутқ сўзлаётган пайти тасвирланган. Ҳамид Олимжонни «Муқанна» асарига ишланган саҳна кўриниши намойиш этилган.

Второй тип оссуариев из Кубатау представлен у нас в коллекции двумя крупными фрагментами. Особый интерес представляет большой фрагмент оссуария с двумя фигурками птичек на верхней части. Оссуарий аналогичный нашему был обнаружен Ю.А.Рапопортом и Г.П.Снесаревым в июне 1955 году здесь же на Кубатау [Рапопорт, 1971. С.99] Сходной формы оссуарии также были найдены при раскопках В.Н.Ягодина на некрополе Миздахкана [Ягодин, Ходжайов, 1970. С. 79,81.] По этим находкам можно восстановить полностью форму этого оссуария. Он имел прямоугольные очертания, крышка его не отделена от ящика и поставлен был на четыре ножки по углам. Отверстие – люк, через которое кости помещали внутрь оссуария, было расположено в торцевой стенке, Ю.А.Рапопорт полагает, что рассматриваемый тип костехранилища является связующим звеном между сводчатыми оссуариями Калалыгырского некрополя и афригидской формой, и возможно подражает не сводчатой погребальной постройке, а имевшей шатровое перекрытие. В то же время фигурки птиц свидетельствует о связи с оссуариями, восходящими к статуарным [Рапопорт, 1971.С.99.] По поводу оссуариев этого типа Ю.А.Рапопорт пишет: «рассматриваемый вариант (назовем его «шатровым») следует относить к несколько более раннему времени (VI в.)» и датирует возведение постройки на Кубатау, судя по античному стандарту кирпича первыми веками нашей эры [Ю.А.Рапопорт, 1971. С.100].

Теперь хочется остановится на отдельных элементах орнаментации кубатагских оссуариев, в который вкладывался определенный символический смысл, связанный с религиозной идеологией населения на территории Хорезма.

На одном из оссуариев на верхней части имеются 2 миниатюрные фигурки птичек, а на углах верхней плоскости дисковидные налепы с крестообразными насечками. В литературе на многочисленных примерах доказано, что круг, колесо, налепы дисковидные с тисненными крестами

изображенные на оссуариях являются солярными символами. Рассматривая астральные изображения на оссуариях Хорезма, Ю.А.Рапопорт пишет о почитании солнца и связи солярного культа с культом умерших. В зороастрийской литературе астральные символы постоянно сопутствуют представлениям о потустороннем существовании. После смерти человека часть его существа соединяется с солнцем [Рапопорт, 1971. С.50-52, 83-84,106]. М.И.Филанович отмечает, что солярные символы на оссуариях – это своего рода напутствие душе умершего [Филанович, 1990. С.19]. В.Н.Ягодин на примере астральных символов, изображенных на миздахканских оссуариях рассматривает их, с одной стороны как определенное «пожелание», чтобы душа умершего приобщилась к сиянию солнца, а с другой стороны, он связывает солнце с культом Митры [Ягодин, Ходжайов, 1970. С.131, 132.)

Привлекает внимание и ручка крышки на одном из оссуариев (76/10), имеющая блоковидную форму, которая помимо практического назначения несет еще и смысловую нагрузку, являясь как считает В.Н.Ягодин также солярным символом [Ягодин, Ходжайов, 1970. С.131]. На эту мысль наводит В.Н.Ягодина наличие на углах крышек миздахканских оссуариев V – VIII вв. отверстий для установки балдахина над ручками, которым придается символическое значение.

По видимому скульптурные изображения птиц на верхних частях оссуариев и на крышках – атрибуты, посвященные богини Анахите и часто, сопровождающие ее изображения [Борисов, Луконин, 1963.С.34].

Находки оссуариев, увенчанных фигуркой птицы, отмечались в Хорезме и ранее. Так, скульптурное изображение птицы, вероятно, голубя, имеется на одном из оссуариев II – IV вв. с городища Калалыгыр [Рапопорт 1971.С.93]. Ю.А.Рапопорт, рассматривавший подобные изображения на оссуариях, обратив внимание, что голуби и павлины – птицы, посвященные Анахите, предполагал, что хорезмийцы изображали своих умерших в образах местных божеств Анахиты и Сиявуша и, что женские статуарные оссуарии воспроизводят умершую в образе Анахиты. В процессе эволюции статуарных оссуариев под влиянием идей канонизированного зороастризма антропоморфные изображения заменялись зооморфными образами, воплощавшими то же божество [Рапопорт, 1971.С.93-94]

Представления о душе, как о парящей птице известно, в частности, у хорезмийских узбеков [Снесарев, 1969.С.114,125]. Ю.А.Рапопорт полагает, что подмена антропоморфного изображения богини Анахиты ее символом – птицей могла опираться на очень давние представления о слиянии души с тотемом (Рапопорт, 1971.С.94)

У трех оссуариев (76/8,9,10) в днище продольно по центральной линии были сделаны по три сквозных отверстия. Наличие подобных

отверстий в днище и других местах оссуариев V – VIII вв. В.Н.Ягодин отмечает в Миздахкане [Ягодин, Ходжайов, 1970.С.129]. Многие исследователи склонны считать наличие в оссуариях отверстий различной конфигурации для пропуска света, одним из ритуальных предписаний зороастрийской религии, по которым обязательным атрибутом оссуария (астадана) является отверстие [Ягодин, Ходжайов, 1970.С.129]. Этот признак, наряду с другими, может свидетельствовать о зороастрийской принадлежности погребенных в этих оссуариях. [Ягодин, Ходжайов, 1970.С.129].

Таким образом все оссуарии из Кубатау хранящиеся в Государственном музее истории Узбекистана можно подразделить на два типа. Первый тип представляют ящичные оссуарии с крышками, так называемый «афригидский тип» которые датируются VII – VIII вв. Второй тип – это цельнолепные оссуарии прямоугольных очертаний с четырехскатным верхом и с прямоугольным вырезом – люком в торце. По форме, технике изготовления, элементам декора эти оссуарии находят аналогии среди других хорезмийских оссуариев и могут быть датированы VI в. н.э.

Работы Я.Г.Гулямова и Т.М.Миргиязова на Кубатау «положили начало археологическому изучению домусульманских древностей Хорезма» [Рапопорт, 1971.С.98].

Список архивных источников и литературы.

1. Краткий отчет о Кубатагской археологической поездке – 1936 год. //Архив ГМИУ. Личный фонд Т.Миргиязова. Папка 9.

2. Соглашение об организации совместной археологической экспедиции в Мангытский район Хорезмского округа от 2 сентября 1936 г. //Архив ГМИУ.

3. Алпаткина, Алимухамедова, Минасянц, 2010 – Алпаткина Т.Г., Алимухамедова З.У., Минасянц В.С. Т.М.Миргиязов и материалы раскопок 1936 г. в Хорезме. //Отзвуки Великого Хорезма. К 100 летию со дня рождения С.П.Толстова. Москва, 2010.

4. Борисов, Луконин, 1963 – Борисов А.Я., Луконин В.Г.Сасанидские геммы. Ленинград, 1963 г.

5. Gulam, 1937 – Gulam J. Otmuz izlari (Arxeologik texsirislar). «Gulistan» 1937, № 4.

6. Мейтарчиян, 1999 – Мейтарчиян М. Погребальный обряд зороастрийцев. Москва, 1999.

7. Минасянц, Алпаткина, 2014 – Минасянц В.С., Алпаткина Т.Г. Т.М.Миргиязов – малоизвестное имя в среднеазиатской археологии. Ташкент. 2014.

8. Писарчик, 1960 – Писарчик А.К. Михаил Степанович Андреев. //Труды Института истории, археологии и этнографии АН Тадж ССР, Т.СХХ, 1960.

9. Рапопорт, 1971 – Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (оссуарии) //ТХЭЭ. Том VI. Москва, 1971.

10. Снесарев, 1969 – Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва, 1969.

11. Филанович,1990 – Филанович М.И. По поводу оссуарного обряда погребения в Ташкенте. //Древняя и средневековая археология Средней Азии. Ташкент, 1990.

12. Ягодин, Ходжайов Т. Некрополь древнего Миздахкана. Ташкент, 1970.

ҚЎҚОН УЕЗДИДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИНИ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (Колониал давр мисолида)

Мирзаев А.Т.
АнДУ мустақил тадқиқотчи-изланувчи

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгач, юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, шу қатори, тарих фанида ҳам ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар холисона ёритила бошланди. Собиқ советлар тузуми даврида Ўзбекистон тарихига бағишланган илмий асарларни яратишда тарихчи олимларнинг ижодкорлигига йул куйилмай фақат марксча-ленинча назария нуқтаи назаридан қаралган, аслида эса Ўзбекистон тарихи жахон тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг тарих фани айрим ҳодисаларни аниқ тарихий шароит билан боғлаб тадқиқ қилишни, далилларни бутунлигича, бир-бирига боғлаб олишни, воқеаларни атрофлича, уларнинг ижобий ва салбий оқибатларини инобатга олган ҳолда ёритишни талаб қилмоқда. Мавзуни ёритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар, далиллар ва мисоллар архивлардан, даврий матбуотдан, эълон қилинган манбалардан олинади[1]. Ушбу мақолада, бир қатор илмий адабиётлар ва архив ҳужжатларидаги маълумотларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиб, мавзуни холисона ёритишга ҳаракат қиламиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида подшо Россияси Марказий Осиёни босиб олди ва Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирди. Мустамлакачилик даврида тарихий манбаларнинг хили ва тури кўпайди. Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган мустамлакачилик маъмуриятининг барча бўғинларида хилма-хил иш юритиш ҳужжатлари яратила бошланди. Қонун чиқариш актлари билан бирга бу ҳужжатлар муҳим тарихий манбалар қаторига киради.

Бу даврда Туркистон ўлкасининг мустамлака мақоми бир неча қонун чиқариш актларида ўз аксини топди. Улар асосан 1865, 1867 ва 1886 йилларда эълон қилинган ўлкани бошқариш ҳақидаги низомлардир. Россия императорлари томонидан тасдиқланган ушбу низомларда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг асосий тамойиллари, мустамлакачи маъмурларнинг ваколатлари, маҳаллий халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, юртимизнинг метрополия хом ашё базасига айлантирилганлиги ўз аксини топган[2].

Ҳужжатли манбалар тарих фанини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тарихчилар архив ҳужжатларисиз қимматли далиллар билан асосланган тарихий асарлар ярата олмайдилар[3].

Тадқиқотчи архив ҳужжатларига мурожаат қилганида, кўпинча маълум даражада келгуси ишининг дастлабки асосий концепциясига эга бўлади[4].

Тадқиқот мавзуси бўйича ҳужжатли материаллар белгиланганидан сўнг, уларнинг атрибутацияси, яъни бу ҳужжатларнинг шакли ва ҳақиқийлиги, уларнинг ёзилган санаси, уларнинг муаллифлари ва адресатларини аниқлаш лозим бўлади[5].

Туркистон ўлкасида ташкил этилган Фарғона вилояти таркибида, генерал-губернаторнинг 1876 йил 6 март кунги бўйруғи билан Қўқон уезди бошлиғи бошқармаси таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган 300 – фонднинг таркибидаги 283 та йиғма жилд материаллари мазкур бошқарманинг 1876 – 1917 йиллардаги фаолиятига оид бўлиб, ушбу мақолада уезд бўйича пахтачилик соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган чора – тадбирларга доир ҳужжатли маълумотлар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Фонддаги айрим ҳужжатларда, пахта тозалаш заводларидан земство учун 2 фоизли йиғимларни ундириш, кўчмас мол-мулклар тўғрисидаги маълумотлар акс этган[6].

Маълумки, уездлар бир неча участкаларга ва волостларга бўлинган. Масалан, Қўқон уезди: 1. Шаҳар атрофи участкаси - унинг таркибида Аравон, Ганжиравон ва Қайнар волостлари бўлган;

2. Кенагас участкаси - унинг таркибида Кенагас, Қудаш, Чирик Жийда, Жанжал, Қипчоқ ва Қорақалпоқ волостлари бўлган;

3. Бачқир участкаси – унинг таркибида Сўх, Риштон, Зодиён, Ултарма, Бувайда ва Найман волостлари бўлган;

4. Конибодом участкаси – унинг таркибида Найгут, Қипчоқ, Лайлак, Исфара, Конибодом, Яйпан, Бешариқ ва Маҳрам волостлари бўлган[7].

Фарғона вилоятининг Қўқон уездида колониал даврда пахтачиликнинг ривожланиши, хусусан пахта экини майдонларини кенгайиб бориши масалалари, Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармасининг 7- фонди архив материалларида ҳам кенг ёритилган. Масалан, Қўқон уездида 1901 йилда 29. 845 десятинага пахта экилган бўлса, 1902 йилда водийда об-ҳаво серёмғир бўлгани учун уездда 22.300 десятинага пахта экилган бўлса[8], 1903 йилдан эса пахта майдонлари яна кенгайиб бориб, 23. 245 десятинага америка навли пахта, 8558 десятинага эса маҳаллий навли пахта экилган[9]. 1902 йилда Фарғона вилоятида жами 115 та пахта тозалаш заводлари бўлиб, улардан 24 таси Қўқон уездида жойлашган эди[10].

Қўқон уезди Давлат мулклари мудири томонидан, 1904 йил 1-декабргача Қўқон уездида пахтачиликнинг ҳолати тўғрисида тузилган маълумотноманинг нусхасида, жорий йилда пахта терими сентябрнинг иккинчи ярмида бошланиб ноябрь ойи бошларида якунлангани, давлатга қарашли ерларда бир десятинадан, ўртача, америка навли пахтадан 43 пуддан, маҳаллий нав пахтадан эса 30 пуддан ҳосил олингани, уездда 25 та пахта тозалаш заводлари мавжудлиги, америка навли бир пуд пахта хом ашёсини нархи 1 нав учун 2 руб. 70 коп., 2 нав учун 2 руб. 50 коп., 3 нав учун 1 руб., 80 коп., маҳаллий нав пахта учун эса 2 руб. этиб белгиланган[11].

1905 йилда Фарғона вилоятида 162.626 десятинага пахта экилиб, бундан Қўқон уездида 29797 десятинани, шундан 23453 десятина америка навли, 5944 десятина эса маҳаллий нав пахтани ташкил этган[12].

1906 йилда Фарғона вилоятида 175.068 десятинага пахта экилиб, жумладан, Қўқон уездида 34898 десятинани, бундан 28277 десятина америка навли, 6621 десятина эса маҳаллий нав пахта майдонларидан иборат бўлиб, давлатга қарашли ерларда бир десятинадан, америка навли пахтадан ўртача 43 пуддан, маҳаллий нав пахтадан эса 30 пуддан ҳосил олинган[13].

1907 йилда Фарғона вилоятида пахта майдонлари 191.957 десятинани ташкил этиб, шундан, Қўқон уезди ҳиссасига 32250 десятина тўғри келган, бир пуд пахта хом ашёсини нархи 3 руб. дан то 3 руб. 70 коп.гача ва пахтанинг соф толасини нархи 11 руб. 50 коп. дан то 12 руб. гача бўлган[14].

Қўқон уезди Давлат мулклари мудири Д. Колтановский томонидан, 1907 йил 1-сентябргача Қўқон уездида пахтачиликнинг ҳолати тўғрисида

тузилган маълумотноманинг нусхасида, Риштон ва Ултарма волостларида, шунингдек, Қўқон шаҳрининг атрофидаги волостлардаги участкаларда ғўзани гуллаши ва ўсиши қониқарли ҳолатда экани, айниқса уезднинг шарқий қисмидаги Сўх сойидан, шунингдек, ғарбий қисмидаги Исфара сойдан сув оладиган, уезднинг бошқа худудларида, ғўзани суғориш учун сув танқислиги жиддий тарзда сезилгани, чигит апрелнинг охирларида униб чиққани, июнь ойи охиридан эса ғўза гуллай бошлагани, асосан Кенагас волостида ва уезднинг бошқа худудларини 400 десятинага яқин айрим жойларида, ғўза кўсагининг «шира» касаллигига чалингани қайд этилган[15].

Қўқон уезди Давлат мулклари мудири Д. Колтановский томонидан, 1907 йил 1-декабргача Қўқон уездида пахтачиликнинг ҳолати тўғрисида тузилган маълумотноманинг нусхасида, жорий йилда об-ҳаво қулай келгани туфайли пахта терими 10-сентябрдан бошлангани, 24-ноябрдан совуқ ва ёмғирли об-ҳаво тургани сабабли, пахтанинг биринчи терими ўз вақтида якунланмаган, иккинчи ва учинчи пахта теримлари пайтида ҳам шу ҳолат сақланиб қолган, давлатга қарашли ерларда бир десятинадан, ўртача, америка навли пахтадан 50 дан 80 пудгача, маҳаллий нав пахтадан эса 35 дан 50 пудгача ҳосил олингани, уездда 25 та пахта тозалаш заводлари мавжудлиги баён этилган. Пахта толаси масаласида эса, 3 пуд 12 фунт 1-терим пахтадан, 3 пуд 14 фунт – 3 пуд 17 фунт 2-терим пахтадан, 3 пуд 18 фунт – 3 пуд 20 фунт 3-терим пахтадан бир пуддан соф тола олинган. Пахтанинг нархи ҳақида эса, америка навли бир пуд пахта хом ашёсининг нархи 3 руб. 80 коп. дан – 4 рублгача, бир пуд пахта толасининг нархи 12 руб. 20 коп.дан то 13 рублгача бўлган. Уезд бўйича пахта заводларида жами 1340000 пудгача чигитлар олиниб, шу миқдорнинг 1/3 қисми ёғ маҳсулоти олиш учун сарфланган, 120000 пуд чигит эса уезддан ташқарига чиқарилган[16].

Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси номидан 1910 йил 13 сентябрда № 3907 чиқиш рақами билан қайд этилиб Скобелев шаҳридан жўнатилган 1909 йилда вилоят бўйича пахтачиликнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот, Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармасида 1910 йил 4-октябрда № 2058 рақами билан кириш ҳужжатлари журналида рўйхатга олинган. Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, 1909 йилда Қўқон уездидаги пахта экини майдонларининг ҳажми жами 37322 десятина бўлиб, шундан 31517 десятинани америка навли, 5805 десятинани маҳаллий навли пахта ташкил этган. 1909 йилда уезд бўйича териб олинган пахта хом ашёси жами 2493515 пуд бўлиб, бундан америка навли пахта 2155087 пудни, маҳаллий навли пахта эса 338428 пудни ташкил этгани ҳолда улардан умумий 7667755 пуд пахта толаси олинган[17].

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 7–фонди ва 19–фондида сақланаётган ҳужжатларнинг манбашунослик нуқтаи назардан таҳлили, келгусида Россия империясининг мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона вилоятининг Қўқон уездида пахтачиликнинг ривожланиши жараёни тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. Андижон, 2005, 83 – бет.
2. Хошимов С.А, Расулов Б.М, Хакимов А.А. МАНБАШУНОСЛИК, Тошкент, 2014, 116-117 бетлар.
3. Бобоқулов Б. Архив иши назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2011, 68-бет.
4. Шепелев Л.Е. Работа исследователя с архивными документами. Издательство «НАУКА», Москва, 1966, с.90.
5. Горфейн Г.М., Шепелев Л.Е. Архивоведение. Учебное пособие. Издательство ЛГУ, 1971, с.66.
6. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив Уз ССР(Центральный государственный архив Республики Узбеукистан). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т.: 1948, с.51.
7. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тошкент, «Наврўз», 2013, 14-15 бетлар.
8. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2468-иш, 85-варақ.
9. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2559-иш, 35-варақ.
10. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2559-иш, 3-3 об. варақлар.
11. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2560-иш, 53-варақ.
12. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2729-иш, 14-варақ.
13. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2790-иш, 18,72-варақлар.
14. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2857-иш, 19-19 об. варақлар.
15. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2857-иш, 71-варақ.
16. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 2857-иш, 116-116 об. варақлар.
17. ЎзР МДА Фонд И-7, 1-рўйхат, 3030-иш, 82-варақ.

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ ОНГ, ТАРИХИЙ БИЛИМ, ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ТАРИХИЙ ДУНЁҚАРАШ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Исмаилов А.Ф.,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Ёшлар билан ишлаш ва
маърифий-услубий бўлими бошлиғи

Тарихий онг ижтимоий онгнинг муҳим шаклларидан бири бўлиб, шасхнинг англаш жараёни натижаси сифатида намоён бўлади. Тарихий онг тушунчасига хилма-хил таърифлар берилган: тарихий онг, бу – ҳар қандай билимда бўладиган, ҳамма нарса, ҳатто маънавий борлиқ ҳам бўлиб ўтганлигини англашдир (Фалсафа: қомусий луғат)[143]; тарихий онг «илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди (Ж.Туленов)[144]; тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир (Д.Абдуллажонова)[145]; тарихий онг «илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди; илм-фанда тарихий онг деганда одатда ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар ҳақида, ўз тарихининг бошқа кишилик жамоалари ва умуман башарият ҳамжамияти тарихи билан нисбати ҳақидаги қарашлар, анъаналар, удумлар, одатлар, концепциялар мужассами тушунилади» (Р.Абдуллаев)[146]; тарихий онг – ўтмишни унинг умуман жамиятга, хусусан турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-профессионал, этноижтимоий, этноконфессионал гуруҳларга, шунингдек алоҳида индивидларга хос бўлган бутун ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ҳамдир. Тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳамда бутун инсоният ўтмиши

[143] Философский энциклопедический словарь. – М.: «Инфра», 1999. – С.190.
[144] Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш – давр талаби. – Т.: «Меҳнат», 2000. – Б.7.
[145] Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2004. – № 2. – Б.83.
[146] Абдуллаев Р. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. // Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. – Т., 2007. – Б.6-12.

ҳақидаги тасаввурлари йиғиндисидир. Тарихий онгда ўтмиш, бугун ва келажак уйғунликда инъикос этади (Р.Рахмонов, Ф.Файзиев)[147].

Файласуф олима Д.Абдуллажонованинг фикрича, тарихий онг тушунчасига берилган хилма-хил таърифлардан келиб чиққан уни умуман жамият, хусусан, турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-профессионал ва этноижтимоий гуруҳлар, шунингдек алоҳида кишиларга хос бўлган ва ўтмишни бутун турфа хиллигида акс эттирувчи, баҳоловчи ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, ҳиссиётлар, кайфиятлар мажмуи сифатида тушуниш баҳслидир:

биринчидан, шахс тарихий онгида ўтмишни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, индивид ривожланишининг муайян босқичи билан боғлиқлигини, ҳамма вақт ҳам бундай сифатий ҳолат касб этмаслигини таъкидлаш зарур;

иккинчидан, тарихий онгда «ўтмишни турфа хиллигида акс эттириш» учун тарихий хотиранинг муҳим унсури бўлган тарихий онг ва дунёқараш ишлаши керак. Шундан кейингина, тарихий фактларнинг бир тизимга солиниши ва муайян яхлит тасаввурнинг пайдо бўлиши, тарихий онг ўтмишни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар билан бойиши мумкин[148].

Тарихий онгда «ўтмиш-бугун-эрта»дан иборат ички зиддият мавжуд. Ушбу хусусиятни эътироф этган ҳолда А.Х.Самиев «Тарихий онг бу инсон (ижтимоий гуруҳ, жамият) томонидан ўзининг замондаги ўрни, ўтмишнинг бугунги кун ва келажак билан алоқадорлигининг ўзлаштирилишидир. Бу истиқбол учун муҳим бўлган ўтмишга қаратилганликдир», - деган фикрни билдиради[149].

Демак, тарихий онг алоҳида олинган шахс, ижтимоий гуруҳ ва этносларнинг замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликни англашининг инъикоси ҳисобланади.

Тарихий онг тарихий тасаввурлар асосида юзага келиб, мазкур жараёнда тарихий далиллар муҳим роль ўйнайди.

Тарихий далил категорияси тарих фани тадқиқотчилари олдидаги энг муҳим ўлчов, илмий мезон ҳисобланади. Зотан, тарихий далилсиз тарих ҳақидаги тасаввурлар мавҳум ва фикрлар исботсиздир.

Америкалик тарихшунос Э.Карр хулосаларига кўра ҳар қандай воқеа эмас, балки тарихий аҳамиятлиларигина тарихий далил бўлиши мумкин. Тадқиқотчи ўзи ўрганаётган давр тўғрисидаги маълумотларнинг максимал миқдорини билиши ва уларга эга бўлиши лозим. Иккови ўз ҳукмига эга бўлмоғи керак. Тарихчи холисликка, далил эса воқеликнинг

---

[147] Раҳмонов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – Б.12.

[148] Абдуллаева Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Дисс. ... фал. фан. ном. – Т.: ЎзМУ, 2006. – Б.23.

[149] Самиев А.Х. Историческое сознание и развитие духовного мира человека. – Душанбе: Дониш, 1994. – С.34.

асоси сифатида исботланганликка эга бўлмоғи даркор. Ана шунда кучлар нисбати тенг бўлади, бир-бирини назорат қилади, натижада холис хулоса вужудга келади. Карр бундай ҳолатни назарда тутиб, «Тарих – бу тарихчи ва далилнинг ўзаро алоқасига боғлиқ бўлган узлуксиз жараён бўлиб, у ўтмиш ва бугун ўртасидаги туганмас мулоқотдир», дейди[150].

Ўқувчи тарихий воқеа-ҳодиса ҳақида ўз фикрини (ижобий ёки салбий) билдирар экан, тарихни тадқиқ этувчи сифатида маълум бир далилга асосланади. Тарихий далилни билиш унга воқеани таҳлил қилиш, ўз хулосасини айтишга имкон беради.

Ўқувчи тарихий далилни дарсликда берилган маълумотлар, манбалар (қоятош ёзувлари, тарихчиларнинг асарлари, афсона, ривоятлар)дан келтирилган парчалардан олади. Бироқ ана шу манбалар устида ишлаш ўқувчидан алоҳида тайёргарликни, ўзига хос қобилият ва кўникмани тақозо этади. Шунинг учун аввало, уларда манбаларнинг аҳамияти тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилиш зарур. Яъни ҳар қандай тарихий манба, қай даражалигидан қатъий назар, улкан тарихий ёдгорлик ҳисобланади ва ўз даврининг моҳиятини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, манба ўзида тарихий, ижтимоий, сиёсий, маънавий воқеликни мужассам этади. Зотан, ҳар қандай манба ўз даврининг мазмуни ва ҳукмрон ғоялари моҳиятининг кўзгусидир.

Шу билан бирга ўқувчиларда ҳақиқий ҳаёт ҳамиша ҳар қандай далил, ҳужжат ёки манбадан кўра кенгроқ мазмунга эга бўлиши ҳақидаги нуқтаи назарни қарор топтириш лозим. Ўқувчи манба билан ишлаш жараёнида мавжуд ижтимоий-сиёсий жараён, унинг оқибатида юзага келган воқеликлар ҳамда унинг мантиғи, мазмуни ва моҳияти манбадан кўра кенгроқ эканлигини назарда тутиб, унинг қанчалик тўлиқ бўлмасин, нисбий эканлигини унутмасликка ўргатилиши лозим.

Тарихий онгни шакллантиришнинг муҳим кўриниши ўқувчилар томонидан тарихий тушунчаларни ўзлаштиришда намоён бўлади. Қ.Шоназаровнинг фикрича, тарихий тушунчалар тарихий онг ва дунёқараш манбаидир[151]. Бундай тушунчаларга деҳқон, кадивар, кашоварз, пандус, амлок, мулк, вақф, хирож, генерал губернатор, ҳарбий губернатор, уезд оқсоқоли, қушбеги, девонбеги кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, тушунчалар кўлами жиҳатидан якка, умумий ва тўпланма тушунчаларга бўлинади.

Якка тушунчалар якка нарса-ҳодиса ҳақидаги фикрни акс эттириб уларнинг ортида ҳамиша якка шахс, якка объект, якка предмет турган бўлади. Масалан, хон, нақиб, девонбеги, оталиқ, парвоначи, додхоҳ,

[150] Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.204.

[151] Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларининг тарихий онг ва дунёқарашини шакллантиришга тайёрлаш: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2002. – Б.24.

кўкалдош, шайхулислом, қозикалон, мухтасиб, мирохур, шиғовул, қушчи, баковулбоши, дастурхончи, туғбеги, китобдор, мирзабоши, мунши, муҳрдор, хазиначи ва бошқалар.

Умумий тушунчаларга бир жинсга тааллуқли бўлган кўп нарса ва ҳодисалар таалуқли бўлиб, улар барча тарихий даврларни ўрганиш жараёнида қўлланилади. Масалан, сиёсий ҳаёт, иқтисод, давлат бошқаруви, ер, майдон, ҳудуд, минтақа, аҳоли, пул, солиқ, тўлов, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, меъморчилик ва бошқалар.

Тўпланма тушунчалар эса маълум тарихий воқелик, ҳодиса, объектни яхлитликда акс эттириш билан тавсифланади. Уларга шайбонийлар сулоласи, аштархонийлар сулоласи, ғазнавийлар давлати, қорахонийлар давлати, Чор Россияси ҳукмронлиги, Бухоро амирлиги каби тушунчаларни киритиш мумкин.

Тарихий хотира тарихий англаш асосида юзага келиб, тарихий воқеликни шахс онгида ўзига хос тарзда кодланиши, қайтадан намоён бўлишидир. Мазкур тушунчанинг ҳам ўзаро бир-бирини тўлдирадиган кўплаб таърифлари мавжуд: тарихий хотира – миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири (Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат); тарихий хотира – аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши»[152]; тарихий хотира селектив хусусиятга эгалиги туфайли уларни (тарихий онг элементларини) саралай олади, бир тизимга солишга хизмат қилади» ёки «тарихий хотирада санъат, урф-одат, маросимлар билан боғлиқ ахборотлар сараланган тарзда жамланади ва сақланади (Д.Абдуллажонова); инсонни бутун инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлар билан боғлаб турадиган, унинг онги ва кундалик амалий фаолиятига руҳий маънавий озуқа берадиган қудрат тарихий хотирадир» (Т.Қурбонов).

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобларида айниқса, мазкур масаланинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган. Мазкур асарда баён этилган «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсон»[153]; «Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта, тарихий хотира керак»[154] каби фикрлар бугун барчамизнинг қалбимиздан алоҳида жой олган.

Тарихчи олим А.Мавруловнинг фикрича, тарихни, унинг порлоқ, ёрқин кунлари билан бирга зулмат ва мустамлакачилик, айрилиқ ва

[152] Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
[153] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.9.
[154] Ўша манба. – Б.8.

йўқотишлардан иборат даврларини ҳам билишимиз бизни турли бало-қазолардан асрайди, сергакликка ундайди. Эришилган ютуқларни, порлоқ кунларни эслаш ва фақат улардан ғурурланишнинг ўзи етарли эмас. Айни пайтда тарихимизнинг қоронғи кунларини ҳам эсдан чиқармаслик тарихий хотира учун ўта зарурдир[155].

Тарихий онг ва хотиранинг умумлашган кўриниши тарихий билим тарзида намоён бўлади. Тарих фалсафаси билан боғлиқ фундаментал тадқиқот ишини амалга оширган Н.Жўраевнинг фикрича, тарихни англаш тарихий билим манбаларига қизиқишдан, уни ўрганишдан бошланади[156]. Олим ўз фикрини давом эттириб, ҳар қандай англаш жараёни, тасаввурлар ва тафаккур дебочаси экан, айни пайтда тарихий билимга эҳтиёж инсоннинг ўзига, келиб чиқишига, инсоният тақдири ва тарихига қизиқишнинг мавжудлигидан эканлигига шубҳа қолмайди[157], деб таъкидлаб ўтади.

Тарихий билим деганда инсоният ўтмиши билан боғлиқ тассуротлар, тасаввурлар ва тушунчалар тизими тушунилади. Тарихий билим табиатига кўра энг қадимги, дастлабки инсоннинг пайдо бўлиши, кишилик жамиятининг шаклланиши, одамларнинг гуруҳ-гуруҳ, жамоа бўлиб яшашга эҳтиёжининг пайдо бўлиши, ана шу гуруҳ, қабила, жамоани бошқариш усулларининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган ва ҳамон давом этаётган улкан шажарани ўрганишни тақозо этади.

Ўқувчиларда тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантириш билан боғлиқликда тарихий билимларни эгаллашга эҳтиёж қуйидаги жиҳатларда ёрқин намоён бўлади:

1) тарихий билимларга эга бўлиш ўқувчида ўз ҳаётини ва ўзидан аввал яшаб ўтган аждодлари турмушини бирма-бир тарозига солиб, ижобий томонларидан сабоқ чиқаришга, салбий томонларидан тегишли хулоса чиқаришга имкон беради;

2) тарихий билимлар асосида ўқувчи одамзотнинг инсоний моҳияти, унинг ақл-заковати, қудрати ва салоҳиятининг нималарга қодирлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқара олади;

3) ўқувчи ўтмиш билан келажак ўртасида туриб, ўзининг аждодлар ва авлодлар олдидаги масъулияти, кишилик жамияти тамаддунига тақдирдош, масъул ва дахлдор эканлигини англаб етади.

Тарихий онг, тарихий хотира ва тарихий билимни таркиб топтириш орқали ўқувчида тарихий дунёқараш шаклланади. Ўз навбатида, тарихий дунёқараш ўқувчида кенг кўламда тарихий онг ва дунёқараш юритиш имконини ҳосил қилади.

---

[155] Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.56.
[156] Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.193.
[157] Ўша манба. – Б.194.

А.Эркаевнинг таъкидлашича, дунёқараш онгга жуда яқин, лекин унга нисбатан анча тор тушунча. Дунёқараш шахс, ижтимоий гуруҳ, синф ёки муайян давр жамиятининг олам, инсон, жамият, тараққиёт тўғрисидаги энг умумий ва собит тасаввур, ғоя ва баҳолари; тушунча; қараш; назария; эътиқод, ижтимоий мўлжал ва идеалларидир. Дунёқарашга ўткинчи ва иккинчи даражали нарсалар хос эмас. Умумийлиги ва собитлиги билан дунёқараш онгдан фарқ қилади ва онгнинг ядросини ташкил этади. Дунёқараш мураккаб ҳодисалиги туфайли кўп ҳолларда зиддиятли бўлади, чунки бир вақтнинг ўзида унга илмий, ноилмий, тўғри ёки хато тушунчалар, эътиқодлар кириши мумкин[158].

С.Ш.Шермуҳаммедовнинг фикрича, инсоннинг билимлари, эътиқоди, ҳаётий мўлжаллари, уни ўраб олган ижтимоий муҳит унинг дунёқараши шаклланишига таъсир этади. Дунёқараш инсон фаолиятининг мақсад ва йўналишларини, унинг жамиятдаги позицияси ва мавқеини белгилаб беради. Ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос дунёқараши бўлади. Ҳозир мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган дунёқараш халқимизнинг тарихи, манфаатлари, истиқболини билиш билан боғлиқдир[159].

Ш.С.Шодмонованинг фикрича, дунёқараш халқнинг тарихи, манфаатлари ва келажагини тасаввур қилиш, тушуниш, ўтмишни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида ўтмиш ва келажак ҳақида хулосалар чиқариш билан боғлиқ. Мазкур жараёнда таълим олувчиларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш, яъни ўтмишни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш муҳим аҳамиятга эга[160].

Дунёқараш табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётий йўналишини, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Шунингдек, дунёқараш «дунёни тушунтириш», «дунёни ҳис қилиш», «ифодани идрок қилиш» каби тушунчалар билан яқин маънодош эканлигини айтиш жоиз.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндашувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳамда ахлоқий

---

[158]Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: «Маънавият», 1999. – Б. 118.
[159]Шермуҳамедов С.Ш. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: «Фан», 2005. – Б.18.
[160]Шодмонова Ш.С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ...дисс. – Т., ТДПУ, 2010. – Б.139.

тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқарашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.

Тарихий дунёқараш эса кишилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган, уни ўрганиш жараёнида юзага келган қарашлар тизимидир. Тарихий дунёқараш ижтимоий фикр орқали ижтимоий ҳаёт ва жамият тарихий тараққиёти, унинг босқичлари ҳақидаги тасаввурлар асосида вужудга келади.

ИКОМ ВА ИКОФОМ БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ЖАҲОН МУЗЕЙШУНОСЛИГИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Муҳамедова М. С.,
К Беҳзод номидаги МРДИ доценти,

Юқори (олий) бошқарув органи ИКОМ – Бош ассамблеяси 3 йилда бир маротаба ёки экстаординарно ҳолатда чақирилади[161].

Бош ассамблея – турли масалалар бўйича қарор, Низом қабул қилади, ташкилотнинг 3 йиллик бюджети ва дастурини ишлайди, бир йилда уч марта сессиялар орасида ИКОМ ишларини координация қилувчи, ижро этувчи Кенгаш аъзоларини тайинлайди. Миллий ва халқаро қўмита, халқаро ва ҳудудий бошқарма вакилларидан ташкил топган Маслаҳатлашув органи мавжуд. Ташкилот фаолияти котибият томонидан бошқарилади. Уни Ижроия Қўмитаси томонидан тайинланган, шартнома асосида ишлайдиган Бош котиб бошқаради. Котибият қошида ЮНЕСКО қарамоғидаги ИКОМ музейшунослик ахборот маркази мавжуд[162].

ИКОМнинг асосий бошқарув органи бу – Бош ассамблеядир. Бош ассамблея уч йилда бир маротаба йиғилади ва ИКОМ нинг асосий конференцияси масалаларини якунлайди, шу билан бирга ИКОМнинг асосий конфренцияси ҳам уч йилда бир маротаба ўтказилади. Ассамблея ўзининг кейинги йиғилишининг ҳам тартиб сонига эга. Бош ассамблея уч

[161]Ананьев В. Г.История формирования и основные направления деятельности Международного бюро музеев // Вестник РГГУ. Серия «Культурология. Искусствоведение. Музеология». 2012. No 11 (91). С. 210

[162]OlcinaP.TheUnesco-ICOM Centre: documentation in the service of the museologist // Museum. 1970–1971. Vol. 23.No 1.P. 61–62.

йиллик ИКОМ дастурини қабул қилади, Бош конференция жараёнида ишланган резолюцияларни тасдиқлайди[163]. Бу ташкилот – ИКОМ консултатив комитети миллий ва халқаро комитетларнинг президентларидан ташкил топган булиб, ИКОМ аьзоларидан президент ва вицепрезидент сайланади. Консултатив комитет йилда бир марта йиғилиб концепциянинг келажак фаолиятини аниқловчи сиёсий саволлар, дастурлар ва ИКОМнинг молиявий ҳолатини кўриб чиқиб, бажарувчи кенгашга ўзининг таклифини беради. Бажарувчи кенгаш 9 кишидан иборат: президент, вицепрезидент, ғазначи, 5 та турли давлатлардан сайланган аъзолар ва консултатив қўмита президентидан иборат. У ИКОМнинг бошқарув органи ҳисобланади. Бир йилда йилда икки марта йиғилиб Бош ассамблея резолюцияси ва қарорларининг бажарилиши назорат қилинади, миллий, халқаро қумиталар ва ИКОМ ташкилотига бириктирилганларнинг фаолиятини мувофиқ-лаштиради[164].

Котибият Париждаги ЮНЕСКО биносида жойлашган бўлиб, бош котиб томонидан бошқарилади. Котибиятнинг фаолияти уч йиллик дастурнинг бажарилишига, йиғилишлар, конференция ва ассамблеянинг ташкил этилишига йуналтирилган. Париждаги миллий халқаро қўмиталарнинг барча нашр ишлари ва ташкилотга ИКОМда яратилган дастурларни бажаришга ҳаракат қилувчи таркибига 118 та мамлакатда ташкил этилган миллий қўмиталар киради. Шунингдек ИКОМ таркибига бир хил йуналишдаги музейларни бирлаштирувчи ёки аниқ ҳудудий музейлар, бир қатор ассоциациялар ва ИКОМ га қушилган 30 та халқаро қўмита ҳамда 17 та халқаро ташкилот киради. ИКОМ ЮНЕСКО ваколатига кирувчи айрим музей ва ёдгорликларни сақлашга оид саволлар билан шуғулланиб қатор халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

«ИКОМ янгиликлари» журнали ИКОМ нинг Халқаро музейлар кенгашининг фаолиятини кенг тарғибот этувчи, халқаро музей ҳамжамиятининг муҳим воқеаларини, турли мамлакатлар музейлари фаолиятининг фаол муаммоларини кўрсатувчи интервьюлар, босиб чиқарилувчи дастурлар ва алоҳида мақолаларни ёритувчи инглиз ва француз тилларида ҳар уч ойда бир марта чиқувчи нашрдир. Қатор халқаро қўмиталар мутахасисларида катта қизиқиш уйғотувчи аниқ муаммоларга асосланган илмий йиғиндиларни чоп этади. ЮНЕСКО қармоғида ИКОМ нинг тўғридан-тўғри қатнашувида ҳозирги 10 йилликда кўпгина музей мутахасислари учун ўқув қўлланмаси ҳисобланган «Museum» журнали чоп этилади. Одатдагидек журналнинг барча сонлари муаммоларга айниқса музей жамиятини ривожлантирувчи,

[163]Устав Международного совета музеев (ИКОМ). Статья 2 [Электронный ресурс]. URL: com.org.ru›docs/A5_Устав ИКОМ на рус.яз.doc (дата обращения: 10.02.2015).
[164]Baghill A. S., Boylan P., HerremanY.Historyof ICOM (1946–1996). Paris, 1998.P.64.

музей мутахасисларини тайёрлашга, турли модификациядаги экомузейларни ишлаб чиқаришга ва фаоллаштиришга, турли региондаги музейларнинг фаолиятига, ривожланмаган давлатларда музейларни такомиллаштиришга, халқаро музейларнинг ролини оширишга ва бошқа масалаларга бағишланади.

ИКОМ доирасида катта амалий аҳамиятга эга ва фаол муаммоларга бағишланган яъни музейлар даҳлсизлиги, музейлардаги реставрация жараёнлари, халкаро кооперация, янги информацион технологияларни қўллашга бағишланган илмий ишлар яратилган[165].

Барча кўрсатилган материаллар ИКОМнинг ҳужжатлар марказида жойлашган. Уларнинг кўпчилигини фақатгина ИКОМ аъзолари фойдаланиши ва тарғиб этиши мумкин. Шунингдек улар билан миллий қўмиталарнинг штаб квартираларида танишиш мумкин. ИКОМнинг ташкил этилган бошланғич йилларидаги конфренцияларда аниқ мавзулар ифодаланмаган эди. АҚШнинг Вашингтон штатидаги 1965 йилдаги Бош конфренциясидан бошлаб анжуманнинг асосий мавзуси тасдиқлана бошланди[166].

Мазкур конфренциянинг аниқ мавзуси «Музей ходимларини тайёрлаш» деб номланади. ИКОМ Бош конференцияларининг аниқловчи йўналишлари музей аспектларининг биргаликда ҳаракат жамияти, у ва бошқа тарихий вақтларга боғлиқ муҳим янгиликлари бўлди. Масалан, 1977 йил Санкт Петербург ва Москвада ўтказилган «Музей маданий алмашинув, маданиятни бойитишда музейларнинг ўрни» деб номланган ИКОМ конференцияларида ўша вақтда айниқса актуал бўлган халқаро муносабатларнинг равнақи сифатида музейларнинг ролини кўрсатиб беради. Ҳар бир анжуманга тегишли материаллар сони билан таъминланиб унда: резолюция, уставдаги ўзгаришлар, қатнашувчиларнинг чиқишлари, халқаро қўмиталар йиғилишлари, материаллари ва бошқалар ўз аксини топди. ИКОМнинг аҳамиятини кўрсатувчи қатор семинарлар, йиғилишлар, турли мамлакатларда ўтказилувчи музейлар фаолиятида кўпгина янги йуналишларни очиб беради ҳамда музейшуносликнинг долзарб мавзуларини қамраб олган саволларига жавоб беради. 1951 йилда ЮНЕСКО ва ИКОМнинг ташаббуси билан халқаро масштабда «Хоч юришлар» деб рамзий номланган жамиятда музейларнинг таълим жараёнларни бошқарувчи ташкилот сифатидаги ўрни ҳам белгилаб берилди. Бу илмий-амалий анжуманда халқаро инструкция лойиҳаларида кўрсатилган кенг музейлар аудиторияси услубларини кўриб чиқувчи музейларни демократлаштириш

165http://network.icom.museum/international-museum-day/imd-2017/the-theme
166http://network.icom.museum/international-museum-day/what-is-imd/imd-in-short/

муаммосини ўрганилди[167]. Бу лойиҳа 1958 йилда Рио де Жанеро шаҳрида ўтказилган семинардан кейин ишлаб чиқилди. ЮНЕСКО нинг таклифи билан лойиҳа асосида ишлаб чиқилган мавзулар 1960 йилда кенг тарқалди. Ушбу ўн йилликка музейларнинг маданий ва таълим ролига бағишланган 1964 йил ноябр ойида Парижда, 1966 йилда Ҳиндистонда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган «Жамиятдаги музейларнинг роли» мавзусидаги семинарлари ҳам киради.

Шунингдек, бу вақтда халқаро қўмитанинг «Музейларда таълим ва тарбия иши» ҳақида ўтказилган Санкт-Петербургдаги йиғилиши ҳам киради. Бу форум йиғилишининг бош мавзуси музейларнинг кенг аудиторияга чиқиши ва музейларнинг халқаро маданият марказлари сифатида эътироф этилиши бўлди. Бу мавзу «Музей ва замонавий омма» номли симпозиумда ҳам давом эттирилди.

Музейларни демократлаштириш ва уларнинг таълим ва маданият фаолиятидаги ўрнини халқаро сатҳга қаратишда музейларнинг илмий ишлари параллел ҳолатда олиб борилди. ИКОМ тарихига назар ташлар эканмиз музейларнинг жамият билан ҳамкорлик анъанаси ва уларнинг таълим маданият марказларига айланиши, демократлаштириш жараёнига тадбиқ этилиши, ёдгорликларни тиклаш жараёнларни яратилиши XX асрнинг 50-60 йилларига тўғри келишини кўриш мумкин. Бу сўнгги ўн йиллик музейларнинг маданият ва таълим муаммоларини ечишга чуқур ёндашиш, аниқ музей аудиторияларини кенгайиши муаммоларини кўриб чиқиши билан характерланади.

Охирги йилларда МДҲ давлатлари музей иши мутахасисларининг ҳам халқаро конференциялардаги ўрни янада ортди. 2010 йилда Хитойнинг Шанхай шаҳрида ИКОМнинг «Музей жамиятдаги баркамоллик учун» деб номланган XII Бош конференцияси бўлиб ўтди[168]. Конфренция ўтказилиш майдони Хитойнинг дунё майдонидаги иқтисодий кўтарилган ўрни учун танланган бўлиб, айниқса маданият борасида Россия ҳукуматининг бу конференцияда тутган ўрни ҳам муҳимдир. Ҳамма баён этилган маърузалар Халқаро музейлар кенгаши ҳамда музейшунослиқнинг асосий жабҳаларга ва йўналишларга туртки бағишлашини кўрсатди. Барча давлатлар музейларининг профилларига ихтисослашишини инобатга олган ҳолда ИКОМ узининг музейлар ривожига оид сиёсатини ишлаб чиқди. Айнан ушбу анжуман миқёсида музейшунослик соҳасидаги «Музейшунослик атамаларининг изоҳли

[167]Mensch P. van.Towardsamethodology of museology.Ph.D. thesis, University of Zagreb, 1992.Chapter II. InternationalCommittee forMuseology// http://www.muuseum.ee/en/erialane_areng/museoloogiaalane_ki/p_van_mensch_towar/mensch03

[168]Труевцев Н. В.Источники изучения истории создания и развития комитета музеологии Международного совета музеев // Мир науки, культуры, образования. 2010. No 6. С. 119.

луғати» китоби тақдимоти бўлиб ўтди[169]. Ушбу луғат-қўлланма музей ишидаги янгилик бўлиб, соҳага оид барча атамалар қамраб олинган ҳамда тўртта: рус, инглиз, француз ва хитой тилларидаги таржима ҳолати билан берилган.

Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ)нинг Бош конференцияси мавзулари рўйхати[170]

1948 й., Париж (Франция) - Биринчи икки йиллик Бош конференция йиғилиши бўлиб ўтди

1950 й., Лондон (Буюк Британия)— Иккинчи конференция. Мавзу: Музей коллекциялари алмашинув маданияти, музей предметларининг консервацияси, музей ашёларни ўрганишда иш қуроллари, музей ва таълим мавзулари ўрганилган.

1953 й., Генуя, Милан, Бергамо (Италия) — Учинчи конференция. Мавзу: Очиқ осмон остидаги музейлар, музей архитектураси ва замонавий шаҳарсозликда ёдгорликларни музейлаштириш.

1956 й., Базель, Цюрих, Женева (Швейцария) — Тўртинчи конференция. Мавзу: Замонавий маданиятда музей, табиат ва тарихга ихтисослашган музейлар фаолияти, муниципал ва ўлкашунослик музейларини ривожлантириш, техника музейлари фаолиятини ташкиллаштириш, Бобил минораси консервацияси.

1959 й., Стокгольм (Швеция) — Бешинчи конференция. Мавзу: Музей кўзгуси: потенциал имкониятлар музейни ривожлантирувчи асосий омил сифатида.

1962 й., Гаага (Нидерландия) — Олтинчи конференция. Мавзу: Санъат асарларини ўғирлашдан ҳимоя қилиш, маданий ёдгорликлар консервацияси, ёдгорликларни реставрация қилиниши, номоддий маданиятнинг музейларни ривожлантиришдаги ўрни, музейларнинг таълимий фаолияти.

1965 й., Нью-Йорк (АҚШ) — Еттинчи конференция. Мавзу: Музей ходимларини малакасини ошириш.

1968 й., Кельн, Мюнхен (Германия) — Саккизинчи конференция. Мавзу: Музей ва илмий тадқиқотчилик фаолияти.

1971 й., Париж, Гренобль (Франция) — Тўққизинчи конференция. Мавзу: Музей инсоният ривожидаги маданий восита: бугун ва эртага – музейларнинг таълимий ва маданий фаолияти.

1974 й., Копенгаген (Дания) — Ўнинчи конференция. Мавзу: Музей ва замонавий ҳаёт.

1977 й., Москва (Россия) — Ўн биринчи конференция. Мавзу: Музей ва маданий алмашинув.

---

[169]Ключевыепонятиямузеологии/ сост. А. Девалье, Фр. Мерес; пер. с фр. А. Урядниковой. Paris: Armand Colin, 2012. 102 с.

[170]http://icom.museum/activities/general-conference/past-general-conferences/ 132

1980 й., Мехико (Мексика) — Ўн иккинчи конференция. Мавзу: Тарихий маданий меросни сақлашда музейлар мажбурияти.

1983 й., Лондон (Буюк Британия) — Ўн учинчи конференция. Мавзу: Ривожланаётган дунё музейлари.

1986 й., Буэнос-Айрес (Аргентина) — Ўн тўртинчи конференция. Мавзу: Музей ва келажак авлод:огоҳлик белгилари.

1989 й., Гаага (Нидерландия) —Ўн бешинчи конференция. Мавзу: Музей – маданият бошқаруви шаклида.

1992 й., Квебек (Канада) — Ўн олтинчи конференция. Мавзу: Музей — чегарасиз маданий бирлашув.

1995 й., Ставангер (Норвегия) — Ўн еттинчи конференция. Мавзу:Музей ва ҳамфикрлилик.

1998 й., Мельбурн (Австралия) — Ўн саккизинчи конференция. Мавзу: Музей ва маданий кўринишлар— қадимий маданиятва замонавийлик.

2001 й., Барселона (Испания) — Ўн тўққизинчи конференция. Мавзу: Ўзгараётган бошқарув шакллари — музей ва ижтимоий, иқтисодий таназуллар.

2004 й., Сеул (Жанубий Корея) — Йигирманчи конференция. Мавзу:Музейва номоддий маданият.

2007 й., Вена (Австрия) — Йигирма биринчи конференция. Мавзу:Музейлар ва умумбашарий мерос.

2010 й., Шанхай (ХХР) — Йигирма иккинчи конференция. Мавзу:Музей ва ижтимоий мувозанат

2013 й., Рио-де-Жанейро (Бразилия) — Йигирма учинчи конференция. Мавзу: Музей (хотира + ижодий креативлик) = ижтимоий янгиликлар

2016 й., Милан (Италия) — Йигирма тўртинчи конференция. Мавзу: Музей ва маданий ландшафт.

Халқаро музейлар қўмитаси (ИКОФОМ) симпозиумлар тематикаси[171]

1978 й., Варшава (Польша) — Музейларда илмий-тадқиқот ишларининг имкониятлари ва чегаралари.

1979 й., Торджиано (Италия) — Музей ишида мультидисциплина.

1980 й., Мехико (Мексика) — Музейшуносликда тизимлар ва тизимлаштириш.

1981 й. — учрашув бўлиб ўтмаган.

1982 й., Париж (Франция) — Музейшунослик системаси.

[171]ИКОМнинг расмий сайти маълумотлари.: http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications

1983 й., Лондон (Буюк Британия) — Музейшунослик методологияси ва касбий тайёргарлик. (Мавзу ИКОМ ташкилоти билан ҳамкорликда танланган).

1984 й., Лейден (Нидерландия) — Бугун коллекциялар келажак учун.

1985 й., Загреб (Югославия) — Музейлардаги асарларни қалбакилаштириш муаммолари.

1986 й., Буэнос-Айрес (Аргентина) — Музейшуносликидентификацияси. Музей атамаларининг тасдиқланиши.

1987 й., Хельсинк, Эспоо (Финляндия) — Музейшунослик ва музей.

1988 й., Хайдаробод, Варанаси, Нью-Деҳли (Ҳиндистон) — Ривожланаётган давлатларда музейшунослик: кўмакёки манипуляция?

1989 й., Гаага (Нидерландия) — Тавсифлар ва ижтимоий ўрганиш — музейшуносликни ривожлантиришдаги асосий қуролларими? Музейшунослик ва футурология.

1990 й., Ливингстон, Мфуве (Замбия) — Музейларва атроф муҳит.

1991 й., Веве (Швейцария) — Экспозиция тили.

1992 й., Квебек (Канада) — Музейшунослик тадқиқотлари.

1993 й., Афина, Салоника (Греция) — Музей, фазовий бўшлиқва бошқарув.

1994 й., Пекин (ХХР) — Объект — ҳужжат?

1995 й., Ставангер (Новегия) — Музей ва ҳамфикрлилик.

1996 й., Рио-де-Жанейро (Бразилия) — Музейшунослик ва санъат

1997 й., Париж, Гренобль, Аннеси (Франция) — Музейшунослик ва хотира

1998 й., Мельбурн (Австралия) — Музейшунослик ва глобализация.

1999 й., Коро (Венесуэла) — Музейшуносликва фалсафа.

2000 й., Мюнхен (Германия), Брно (Чехия) — Музейшунослик ваномоддий маданият.

2001 й., Барселона (Испания) — Музейшунослик, ижтимоий ва иқтисодийривожланиш.

2002 й., Куэнка (Эквадор) — Музейшунослик ва тақдимотлар: ҳақиқийёкивиртуал?

2003 й., Красноярск, Белокуриха, Барнаул (Россия) — Музейшунослик - турфа хиллик ва тоифалаштириш.

2004 й., Сеул (Жанубий Корея) — Музейшуносликва номоддий маданият II.

2005 й., Калгари (Канада) — Музейшунослик ва аудитория.

2006 й., Кордова (Аргентина) — Музейшунослик ва билимлар умумлашмаси: Музейшуносликва тарих.

2007 й., Вена (Австрия) — Музейшуносликва технология.

2008 й., Чанша (ХХР) — Музей, музейшуносликваглобалкоммуникациялар.

2009 й., Льеж (Бельгия) — Музейшунослик: асос ва ёндашувлар.

2010 й., Шанхай (ХХР) — Маданийбойликларниқайтариш шакллари: янги глобал этика қоидалари.

2011 й., Тайпей, Каошунг (Тайван) — Диалогик музей ватомошабин тажрибаси.

2012 й., Тунис (Тунис) — Томашабинларни қўллаб қувватлаш: жараён, ривожланиш, қарама-қаршиликлар.

2013 й., Рио-де-Жанейро (Бразилия) — Якка тартибдаги томошабинлар ва музей.

2014 й., Москва (Россия) – Музейларнинг иқтисодий ижтимоий фаолиятини мустаҳкамлаш.

2015 й., Афина (Греция) – Кўчмас объектларни музейлаштириш?

Халқаро Гаццола мукофоти совриндорлари

1981й., — Жан Трувело (Jean Trouvelot, 1897–1985 йй.). Француз архитектори, тарихий ёдгорликлар реставрацияси мутахассиси, Франция ёдгорликлар муҳофазаси бош инспектори (1964–1975 йй.). Унинг бошчилигида Луврнинг реконструкцияси, Исроилдаги тарихий ёдгорликлар реставрацияси ташкил этилган. Шунингдек, Мисрдаги Асуан платинаси қурилиши муносабати билан Амад ибодатхонасини кўчириш ишларида иштирок этган.

1984 й.,— Станислав Лоренц (Stanisław Lorentz, 1899–1991 йй.). Польшалик санъатшунос ва музейшунос. 1936–1982 йиллар мобайнида Варшава Миллий музейи директори, Варшава университети профессори.Польшадаги иккинчи жаҳон уруши даврида зарар етган тарихий ёдгорликлар таъмирланишида фаол иштирок этган.

1987 й.,— МасаруСекино (MasaruSekino, 1909–2001 йй.). Япон архитектори, Токиодаги Император университета профессори, Токио миллий маданий бойликлар тадқиқоти институти директори. Унинг раҳбарлигида машҳур япон ибодатхонлари таъмирдан чиқарилган — Хорю-дзи (VII аср, дунёдаги энг қадимги ёғочдан қурилган ёдгорлик тури), Химедзи қалъаси (XIV в.) и др.

1990 й.,— Гертруда Трип (Gertrude Tripp, 1914–2006 йй.). Австрияликсанъатшунос, Австриядаги тарихий ёдгорликлар Федераль бюроси вице-президенти.Венецияхартияси ташкилотчисива Рим маркази кенгашининг биринчи аъзоларидан (Тарихий-маданий ёдгорликлар консервацияси ва реставрацияси бўйича Халқаро тадқиқотлар маркази).

1993 й.,— Бернард Фейлден (BernardFeilden, 1919–2008 йй.). Инглиз архитектори, бир қатор ёдгорликларнинг тиклаш ишларида иштирок этган: Тож-Маҳал (Ҳиндистон), Буюк Хитой девори, Авлиё Пётр собори (Лондон). Рим марказини бошқарган (1977–1981йй.) ҳамда Гватемала ва

Фриуле (Италия)даги 1976 йилда зилзиладан талофат кўрган кўплаб тарихий ёдгорликларни қайта тиклаган. XX асрнинг иккинчи ярмига оид мазкур соҳадаги классик асарлардан бири ҳисобланган «Тарихий биноларни консервацияси» (1982 йил) асарининг муаллифи.

1996 й.,—ЭрнестАлленКонноли (Ernest Allen Connally, 1921–1999 гг.). Америкалик меъмор, Федерал хизмат миллий паркининг ишчиси, Археология ва тарихий меросни сақлаш буюросининг асосчиларидан бири, ИКОМОСнинг (1975–1981 йй.) бош котиби, ЮНЕСКО Бутун жаҳон мероси ташкилотининг асосчиларидан бири.

1999 й.,— Роланд Сильва (Roland Silva). Шри-Ланкалик меъмор, археолог ва реставратор. 1990-1999 йилларда ИКОМОС президенти. Шри-Ланканинг ўрта асрлар меъморлигига доир кўп сонли ишларнинг муаллифи, Археологлар жамияти раиси сифатида фаолият олиб борган.

2003 й.,— Жеват Эрдер (Cevat Erder). Турк археологи, Ўрта Шарқ техника университети тарихий ёдгорликлар консервацияси бўлими асосчиси ва биринчи мудири (Анқара, Туркия) (1964–1973 йй.). 1965–1974 йилларда ИКОМОС кенгаши аъзоси, 1981–1988 йилларда Рим марказини бошқарган.

2005 й.,— Энн Вебстер Смит (Ann Webster Smith, 1925–2006 йй.). Ёдгорликлар муҳофазаси бўйича америкалик мутахассис. Америка маданий мерос жамияти бошқарувчиси ва ИКОМОСнинг Америка комитети раиси.

2008 й.,— Кармен Аннон Фелиу (CarmenAñónFeliú). Табиат ёдгорликларини сақлаш бўйича испаниялик эксперт, ИКОМОС нинг фахрий президенти.

2011 й.,— Нобуо Ито (Nobuo Ito). Япон олими, ёғочдан қурилган меъморий ёдгорликлар реставратори, Нарск ҳужжатлари муаллифи (1994 й.).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ананьев В. Г.История формирования и основные направления деятельности Международного бюро музеев // Вестник РГГУ. Серия «Культурология. Искусствоведение. Музеология». 2012. No 11 (91). С. 210

2. Baghill A. S., Boylan P., HerremanY.Historyof ICOM (1946–1996). Paris, 1998.P.64.

3. ИКОМнинг расмий сайти маълумотлари.: http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications

4. Ключевыепонятиямузеологии/ сост. А. Девалье, Фр. Мерес; пер. с фр. А. Урядниковой. Paris: Armand Colin, 2012. 102 с.

5. Mensch P. van.Towardsamethodology of museology.Ph.D. thesis, University of Zagreb, 1992.Chapter II. InternationalCommittee forMuseology//

6. OlcinaP.TheUnesco-ICOM Centre: documentation in the service of the museologist // Museum. 1970–1971. Vol. 23.No 1.P. 61–62.

7. Устав Международного совета музеев (ИКОМ). Статья 2 [Электронный ресурс]. URL: com.org.ru›docs/A5_Устав ИКОМ на рус.яз.doc (дата обращения: 10.02.2015).

8. Труевцев Н. В.Источники изучения истории создания и развития комитета музеологии Международного совета музеев // Мир науки, культуры, образования. 2010. No 6. С. 119.

9. http://icom.museum/activities/general-conference/past-general-conferences/ 132

10. http://network.icom.museum/international-museum-day/what-is-imd/imd-in-short/

11. http://www.muuseum.ee/en/erialane_areng/museoloogiaalane_ki/p_van_mensch_towar/mensch03

12. http://network.icom.museum/international-museum-day/imd-2017/the-theme

PROTECTION AND STUDY OF HISTORICAL-CULTURAL MONUMENTS OF FERGANA VALLEY

Akhmedov J.Z
Scientific staff of the State
museum of the history of Uzbekistan

Historical and cultural monuments, which are integral part of our national values, have a particular place and role in elucidating the history of Uzbekistan. Due to independence, large-scale work on careful preservation, recording, study, renovation, restoration and conservation of historical cities, which have been formed over centuries, more than 10 thousand unique archaeological, architectural and historical monuments (6113 of them are under public protection, including: architectural – 2164, archaeological – 3186, monumental arts – 763 units)[172], which are situated on our country's territory and hold a deserved place in the progress of global civilization, have been undertaken in our country under special programs. The Law of the Republic of Uzbekistan «On Protection and Use of Cultural Heritage Objects» dated

[172] Mansurov R. Restored Architectural Monuments // Echo of History. Tashkent, 2006. №3(31). P. 2.

August 30, 2001 has created a legal basis in the sphere of protection and use of objects of cultural heritage, which complies with international standards.

Fergana Valley, which, in other words, is called a Central Asia's pearl, has been one of the center of world civilization over thousands of years. Ruins of ancient cities and villages, tombs and haulting points have survived in Fergana Valley. In various historical works they are classified as places, towns, villages, meetinghouses, graves, separate houses, defense facilities, and fortresses, depending on their functions. Archaelogical treasures, which are of unique importance in the world civilization, stand out sharply among these monuments. Famous treasures such as Selungur cave near Sokh Region, Buddha relic in Kuva, Kuva shahristan (I-XII centuries), ruins of Dalvarzin Town in Andijan Region (XII-VII centuries B.C.) ruins of Eylaton Town (VI-IV centuries B.C.), ruins of Mingtepa Town (I-VIII centuries B.C.), old city part of Andijan City (VI century B.C. – XV-XVI centuries A.D.) Akhsikent in Namangan Region (I-XIII centuries), Balandtepa (I-XII centuries), Munchoktepa (I-VIII centuries), and Mugtepa (I-VIII centuries) may be referred to them. Scientists such as B.A.Latinin, A.N.Bernshtam, Yu.A.Zadneprovskiy, T.G.Oboldueva, G.A.Brikina, N.G.Gorbunova, I.Akhrorov, B.Abdulgazieva, B.Kh.Matbabaev, A.Anarbaev, G.Mirzaliev, and G.Dadaboev have rendered great sevices in studying the historical monuments of Fergana Valley. Scientific materials have been colected and recorded, and more than 1000 archaeological monuments have been registered based on their research work. Ruins of ancient towns and fortresses, as well as other archaelogicalmonuments, which provide valuable data on the most ancient periods of our country's history, are among them. In this aspect, Selungur cave located near Sokh deserves one's attention. Excavations have been performed in this cave since 1980 by the Paleolithic group of the Institute of Archaeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan led by U.Islamov, and new discoveries, which are of great historical importance not only for Uzbekistan, but also for Central Asia as a whole, have been made. Remains of a man, who inhabited 600-650 thousand years ago, were found at the Selengur site. These are the most ancient remains of human bones found so far in Central Asia. Ancient history of the mankind in this region has been extended from 80-100 thousand years to 1 million years, and a scientific basis for the fact that ancestors of Central Asian nations have emerged for the first time in Fergana Valley, has been created[173].

All ancient cities and towns of Fergana Valley have their unique history. Akhsikent (I-XIII centuries) is the largest monument in Namangan Region. Archaeological studies in Akhsikent were performed mainly during 60s of XX

[173] Anarbaev A, Islamov U, Matbabaev B. Ancient Fergana in History of Uzbekistan. Tashkent. "Fan", 2001. P. 42.

century under guidance of the Academician Ya.Gulyamov[174]. Like all large cities of Central Asia, Akhsikent consisted of the citadel, shahristan (inner city) and rabad (outer city). Another monument is the Munchaktepe burial ground (I-VIII centuries). Balandtepa and Munchoktepa were first examined in 1939 by participants of the expedition formed during construction of the Grand Fergana Canal. Later, I.Malenkov and A.Shletz, officers of Namangan Museum of Regional Studies visited the site and studied these monuments. Archaeological observations at these sites were performed by participants of two expeditions (1946−1948 and 1950−1952) led by A.N.Bernstam[175]. In late May, 1988, workers of the Pap group led by B.Matbabaev, researcher of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan opened the first burial place. According to conclusion of A.Askarov, A.Anarbaev, B.Matbabaev, people, who inhabited in Fergana Valley had been buried since ancient times in Pap vaults and separate graves, i.e., they are the Uzbeks' ancestors[176]. Samples of ancient Turkic script found here confirm that they communicated in Turkic languages[177].

Shahristan of Kuva (I-XII centuries) is one of well preserved monuments of Fergana Valley[178]. Service of B.A.Latinin, V.D. Zhukov, A.N.Bernshtam, V.A.Bulatova, I.Akhrorov and Yu.A.Zadneprovskiy are invaluable in its archaeological study. Study of Kuva ruins started in 1956 under guidance of the Academician Ya.Gulyamov[179]. In 1996-1999, the Institute of Archaeology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan created a special group, which conducted works at this site. According to available archaeological data, it is proposed that this town was founded 2400-2500 years ago[180].

The number of archaeological excavation works on the territory of Fergana Valley has substantially increased over recent years. Not only domestic specialists were involved in these works – foreign archaeologists have also been actively participating. Among these, archaeological and excavation works at the archaeological site in Mingtepa of Markhamat District are performed jointly with Chinese archaeologists. Currently, a targeted policy of protection, recording, study, gradual restoration and conservation of historical cities, which have been built over centuries, architectural treasures and historical monuments, which have played an important role in progress of

[174] Yusupov I, Mirzaaliev E. Akhsikent // Echo of History. Tashkent, 2010. №1(45). P. 26.
[175] Matbabev B.Kh. To the History of Fergana during the Epoch of Early medieval (according to materials of burial and city monuments). – Tashkent. Tafakkur, 2009. P. 15.
[176] Yusupov I, Mirzaaliev E. Munchoktepa // Echo of History. Tashkent, 2011. №3(51). P. 24-25.
[177] Rakhmanov N, Matbabaev B. Ancient Turkic Inscriptions of Uzbekistan. Tashkent. 2006. P. 37.
[178] Ancient Towns of Fergana Valley. Tashkent. 2008. P. 88.
[179] Mukhammedjanov A. Kubo means Kuva // Echo of History. Tashkent, 2006. №1(29). P. 8-9.
[180] Anarbaev A, Islamov U, Matbabev B. Ancient Fergana in History of Uzbekistan. Tashkent. "Fan", 2001. P. 60.

the world civilization, is being conducted. A special attention is paid to development of domestic and, specifically, international tourism. There are all necessary conditions in the country for development of a complex program for tourist industry development with rational use of both cultural monuments and investment made in this sphere.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Камбарова Д.,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кутубхоначиси

Ўзлигимизни англаётган бир даврда, қадриятларимиз, маънавиятимиз, қолаверса маданиятимиз қайта тикланаётган бугунги кунда ғурур ва ифтихор билан шуни айтиш мумкин-ки, динимиз, иймонимиз, виждонимиз бўлиб қолган ислом дини маънавиятимизга уйғунлашиб кетган. Истиқлол туфайли маданий меросга ва исломга муносабат тубдан ўзгарди. Маданий мероснинг биздан яширилган ёки нотўғри талқин қилиб келинган бебаҳо намуналари билан бирга, халққа том маънодаги ислом ҳам қайтарилди. Мамлакатда Ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш чоралари кўрилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий-диний қадриятларимизни, буюк аждодларимиз, азиз авлиёларимизнинг муборак номлари ва меросларини тиклаш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада ислом оламининг забардаст алломалари – ватандошларимиз Имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда иймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Маданий меросни, олис ўтмишни чуқур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни

ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин, бунда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятини хаспўшлаш ҳам, мумкин эмас. Олимлар ва мутахассислар истиқлол йилларида фаннинг турли соҳаларида маданий меросни чуқур ўрганишга, унга холисона баҳо беришга ҳаракат қилдилар. Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди. Минглаб фуқароларимиз муборак Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш ва муқаддас қадамжоларни тавоф қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси қонун устуворлигини, барчанинг тенг ҳуқуқлилигини тан олган дунёвий давлатдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»[181]. Истиқлолга эришган Ўзбекистон Республикаси дунёвий ривожланиш йўлини танлади ва дастлабки кунларданоқ давлат ва дин муносабатларини ҳуқуқий асослаб берди[182]. Қонунларга мувофиқ мамлакатимизда дин давлатдан ажратилди, лекин шуни таъкидлаш жоизки дин давлатдан ажратилди дегани, дин жамиятдан ажратилган дегани эмас.

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний аҳлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда»[183].

Айни пайтда аждодларимиз олтин меросини мукаммал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида ўрта махсус ислом билим юртлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур билим юртларда бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш ислом назарияси, тарихи,

[181] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003. 8-б.
[182] «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун. 1991 йил 14 июнь.
[183] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 35-б.

фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда. Ушбу илм масканларида халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўҳнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақи, унинг тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий-замонавий билимларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Ислом асосларини ва таълимотини нафақат диндорлар, балки бошқалар ҳам билса, маданий меросни ўрганишда, миллатимиз ва маданиятимиз тарихини ва бугунги кунда жамиятдаги айрим муносабатларни чуқурроқ тушунишда фақат фойда кўради. Исломни ўрганишдан мақсад жамиятни, турмуш тарзини диний талаблар асосида қайта қуриш эмас, балки ўзлигимизни, онгимиз, дунёқарашимизнинг хусусиятларини, кучли ва заиф жиҳатларини яққолроқ ва теранроқ англаб, маънавиятимиз ва ижтимоий амалиётимизни истиқлол талабларига мослаштиришдир[184]. Албатта, ҳар бир маърифатли киши Қуръон ва Суннани, ўрта асрлар ислом фалсафасини, энг аввало, тасаввуфни билса, яхши бўларди. Зеро, буларсиз халқимиз ўз маданиятининг манбалари ва тафаккур тераникларини тушуниши қийин. Боз устига, уларда асрий умуминсоний қадриятлар, ахлоқий меъёрлар мужассамланган. Уларни билиш бизга узоқ ўтмиш аждодларимиз билан маънавий алоқалар боғлашга, онгимизнинг замон ва макон чегараларини кенгайтиришга, маънавиятимиздаги баъзи бир камчиликларни тўлдиришга имкон беради.

Бугун ватанимизда диннинг софлиги ва поклиги тўла сақланиб, дин арбоблари она юрт тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқдалар. Шахсан юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ислом дини Ўзбекистонда янгидан туғилиб, мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Диннинг одамларда олий фазилатларни шакллантиришдаги ўрни юқори чўққига кўтарилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий янгиланиш халқимизнинг диний – аҳлоқий меросга бўлган қизиқишини қондиришга имкон бермоқда. Барча ўқув юртларида жорий этилган «Маънавият асослари», «Диншунослик», «Маданиятшунослик», «Аҳлоқ–одоб дарслари» диний – аҳлоқий меросга, диний таълимотлар ва билимларга асосланиб олиб борилмоқда. Бундай билимлар ёшларнининг қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини шакллантира бошлади. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама чуқур билимли кадрларни тайёрлашда бу фанларнинг аҳамияти катта.

[184] Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. Тошкент, “Маънавият”. 2009. 237-б.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ТЎПЛАМЛАРИГА ДОИР

Кудратова И.,
Глиер номидаги РИМАЛ ўқитувчиси

Самарқанд вилояти ҳудудида 1105 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жой, 18 та монументал, 21 та мемориал, жами 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Улар вилоят ҳокимининг 2013 йил 14 ноябрдаги қарори билан давлат муҳофазасига олинган[185].

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур ҳудуд 2001 йил ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига «Самарқанд – маданият чорраҳаси» номинацияси билан киритилган. Уч қисмга бўлинган ҳудудда жами 513 та моддий-маданий мерос объектлар жойлашган.

Музей-қўриқхона таркибига 8 та музей, 6 та тарихий обида ва 2 та зиёратгоҳ киради. Музей-қўриқхона фондларида 211 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда[186].

Умуман олганда, ўтган йили вилоят давлат музей-қўриқхонаси тизимидаги музейлар ва тарихий обидаларга 1 миллиондан ортиқ томошабин ташриф буюрди. Уларнинг 383841 нафарини катта ёшлилар, 595702 нафарини 18 ёшгача бўлганлар, 160531 нафарини хорижий сайёҳлар ташкил этди. Ҳукуматимизнинг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, 114300 нафар ўқувчи ва талаба, шунингдек, уларга ҳамроҳлик қилувчилар музей ва тарихий обидаларни бепул томоша қилдилар[187].

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи мамлакатимиздаги энг йирик музейлар сирасига киради. Унинг коллекциялари ватанимизнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ва маданиятига оид энг бой жамламаларидан бири ҳисобланади. Музей коллекциясидаги ҳунармандчилик ва санъат ашёларининг асосий таркиби Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларидаги бадиий маданиятни қамрайди. Коллексияда шунингдек, Ўзбекистоннинг шимолий - ғарбий вилоятлари ҳамда қўшни ҳудуд ва давлавлатлар ва бошқа мамлакат халқларининг маданий ёдгорликлари ҳам қўйилган бўлиб улар мазкур минтақа санъати ва

[185] https://samarkand.uz/about_region/monuments_museums
[186] https://samarkand.uz/about_region/monuments_museums
[187] http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/53841-muzeylar-moziydan-suzlaydi

ҳунармадчилиги анъаналари ҳамда тарихий-маданий алоқаларининг ўзаро таъсирини ўрганиш имконини беради.

1896 йил 21 июлда музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унинг номи «Самарқанд статистика комитети музейи» деб номланди. 1930 йилда музей «Ўзбекистон давлат марказий музейи» номини олди. 1945 йилда «Республика ўзбек халқи маданияти музейи» деб эълон қилинди.

Музей жамғармаси ва экспозицияларида мамлакатимиз халқлари тарихининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий нуқтаий назаридан ривожланиш хусусиятларини очиб берувчи жуда катта миқдордаги қадимшунослик ва ёзма ёдгорликлари билан бир қаторда Ўзбекистон санъати ва ҳунармандчилигини номоён қилувчи асори атиқалар ҳам қўйилган бўлиб, уларда миллий бадиий маданиятимизнинг қадим даврлардан ҳозиргача бўлган ривожланиш босқичларини кузатиш мумкин.

Музейнинг энг қадимий экспонатлари неолит даврига (Зараутсой, Сармишсой ва бошқалар) оид қояга чизилган ҳайвонлар расмларининг намуналари ҳисобланади. Мазкур экспонатлар Ўзбекистон ҳудудида цивилизациянинг куртаклари энг қадим даврларда бунёд бўлганлигидан далолат беради[188].

Милоддан аввалги 2 - минг йиллик охири 1 - минг йиллик ярмида Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида йирик тарихий жуғрофий вилоятлар вужудга келади: Бақтрия, Суғд ва Хоразм, бу ерларда санъат ва бадиий ҳунармандчиликнинг маҳаллий турлари шаклланади. Бу давр санъатида иккита муайян йўналиш ажратилади улардан бири деҳқон ва шаҳар маданияти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси кўчманчи ва чорвадорлар анъаналари билан боғлиқ.

Ўзбекистон жануби ва Самарқанд ҳудудидан топилган музей экспонатлари мазкур даврда Бақтрия ва Суғдда кулолчилик ва заргарлик санъати ниҳоятда юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат беради. Жарқўтон, Сополлитепа шаҳарчалари ва Мўминобод, Чакка (Самарқанд вилояти) қишлоқларидан топилган маросим, хўжалик ва ҳашам учун ишлатиладиган шакл жиҳатдан хилма-хил сопол идишлар кулолчилик маҳсулотларига ишлов бериш техникаси нақадар ривожланганлигини намойиш қилади. Ушбу даврга шунингдек мазкур ҳудудларда ишлаб чиқарилган сипо, лекин шакл жиҳатдан нафис заргарлик буюмлари - тилла сирға (Афросиёб, Самарқанд), тош маржонлар (Сополлитепа), бринч билакузуклар (Чакка, Мўминабот) ҳамда бринч соч тўғноғич ва

[188] Самарқанд музейи дурдоналари. Тошкент, 2004

кўзгулар (Сополлитепа) талуқлидир. Мазкур шаҳарчалардан топилган бошқа материаллар ҳам меъморчилик, ҳунармандчилик нақадар юқори даражада ривожланганлигини ҳамда диний - маросимнинг маслакнинг ўзига хос ҳарактерини кўрсатади. Миллоддан аввалги VI асрда Бақтрия ва Суғд ҳудудлари Аҳамонийлар давлати таркибига киради. Ушбу давр санъати мумтоз Шарқ маданияти (қадимий Эрон, Миср), маҳаллий Бақтрия анъаналари ва сак-скиф чўл санъатининг ўзига хос ҳусусиятларини чоғиштирган ҳолда номоён бўлади. Ҳудуднинг мумтоз Шарқ мамлакатлари санъати билан алоқаси ҳақида хориж ашёлари, чунончи, қадими Эрон илоҳи Гопак шоҳ тасвири тушурилган гемма далолат беради. Бу даврда кулолчилик ҳунарининг юксак анъаналари сақланган - бу ҳақда қадимий Суғд, Афросиёб ва Пишактепадан топилган нафис қилиб ишланган қадақсимон идишлар гувоҳлик беради. Самарқандда топилган милоддан аввалги VI асрга оид сак жангчисининг дубилғаси маъданга теҳнологик ишлов беришнинг юксак сифатини кўрсатади.

Эллинизмга хос хислатларнинг таъсирини музейда намойиш қилаётган Ўрта Осиё антик кулолчилик маҳсилотлари коллексияси ўзида намоён этади. Булар шакл жиҳатдан юнон кулолчилигига хос бўлган. Қора тепа, Толиборзу, шахарчалари, эски Термиз, Далварзинтепа ва Шимолий Бақтрия ва Суғднинг бошқа жойларидан топилган кулолчилик маҳсулотлари - ампора, ойнаҳоя, лаган, жом, товоқ ва ҳокозо.

Музейнинг Ўрта Осиё майда пластикаси - ҳайкалчалар ёпиштирма тасвирлардан иборат энг бой тўпламлардан бири ҳисобланувчи терракота ҳайкалчалари мажмуи жуда катта қиммат касб этади у милоддан аввалги II аср - милодий VII-VIII асрларда оид деб белгиланган. Асосан Самарқанд атрофларида ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида (Бақтрия) топилаган терракота ҳайкалчаларининг эллинистик деб аталмиш гуруҳи ичида юнон мифалогиясининг таниш қаҳрамонлари учрайди. Уларда Олд Осиё юнон санамкашлик услубий ҳусусиятлари ёрқин ифодасини топган. Юздан ортиқ терракота ёдгорлиги кейинги Кушон даврига мансуб (миллоддан аввалги I – аср - милодий IV аср) - маҳаллий эркак ва аёл илоҳлар қиёфалари машшоқларнинг ҳайкалчалари ва х.к бўлиб маҳаллий пластик анъаналари рўҳида талқин этилган, аммо эллин мактаби таъсирига берилган рамзлардир. Ўз тимсоллар доираси ва пластик хусусияти билан маҳаллий бадиий анъана юзага келади. Ўзбекистон халқ амалий санъати турларидан бири - маъдандан ясалган бадиий буюмларга бўртма безак бериш санъати- торевтика азал - азалдан ривожланган.

Самарқанд Давлат музей қўриқхонаси жамламаларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шахрисабз ва Тошкент каби ҳунармандчилик санъатининг барча йирик марказларида маъдандан ишланган маҳсулот намуналари мавжуд. Музейда маъдан буюмларнинг хилма - хил турлари - мискўза, мисчойнак, офтоба - қумғон, обдаста, офтоба самоварлар, мискоса, мисчойнак шарбаткосалар, лаъл челаклар, куружка, чўмич, сархуми ва дўпча дастшўй, туфлон, сандиқча, қаламдон чилкалид, чироқ ва шамдон намойиш қилинмоқда.

Самарқанд кандакорлик буюм шаклларида ва уларнинг безаклари тизимида бадиий анъаналарни сақлаб қолган. Самарқанд чойдишларининг антиқа шакли бизнинг кунларгача етиб келган. Идиш дасталари баъзан «шабака» усулида тайёрланган. Ўзбек мисгар усталарнинг анъанавий буюмлари билан бир қаторда Россия, Полъша, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, ва Кавказдан келтирилган бадиий ва маиший маъдан буюмлари мавжуд. Улар «бўртма», «ўйма» нақш билан безатилган. X-XII асрларга келиб композиция кесмалари сир билан қопланган сапол буюмлардагидек ягона қолипда бажарила бошланган.

XI аср ўрталарида Мовароуннахр амалий санъатида яъни кандокорлик бюмларида анъанавий нақшгул безаклари устинлик қила бошлади. Бу, асосан ислимий ҳандасавий ва айрим ҳолларда, жониворлар шаклидаги гуллар, хаттотлик ёзувларидир.

XI-XII асрларда бронза буюмларида қоплон, қуён ва бошқа хайвонларни овлаш манзаралари, буржли композицияларида - така ва сигир, қуш ва балиқлар тасвирланган.

XIX асрда Ўрта Осиё кандакорлигида маҳаллий мактаблар ҳам вужудга келган. Самарқанд музейида намойиш қилинган Қўқон кандакорлик мактаби намуналари оддийлиги ва шаклининг тўғрилиги билан ажралиб туради. Бу мактабда асосий эътибор буюмнинг пастки қисмига қаратилган. Қўқон мактаби буюмларидан мис лаганларга кандакори гуллари чекилган, унда хон саройининг ўнг ёки чап ёни тасвирланган. Аввалига «морпеч « - чекка гуллари, кейин «гули катак» ва охирида марказий гул чекилган. Марказда, асосан, Худоёрхон арки тасвири тушурилган. Мухтасар қилиб айтганда Мамлакатда ўзига хос нуфузга эга бўлган Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи моҳияти ва йўналиши жиҳатидан йирик, бой тарихга эга маданий-маърифий масканлардан бири бўлиб, гўзал Зарафшон вохасининг кўрки сифатида томошабинларга манзур бўлаётганини қайд қиламиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА АКС ЭТИШИ

Аметов Т.А., Турсунбаев С.О., Қаипова М.Д.
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимиз ҳаётида туб бурилиш даврини бошлаб берди. Ижтимоий–сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар, маданий–маърифий ҳаёт бобидаги янгиланиш ва ўзгаришлар боис Ўзбекистон XXI асрга ўзига хос ва ўзига мос замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди. Халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ислоҳотларнинг миллий модели ўзининг самарадорлигини амалда исботлади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, ижтимоий-сиёсий тизим шаклланишини тўлақонли рўёбга чиқаришга мустаҳкам замин яратилди. Демократик институтлар ташкил қилиниб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилишига, давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи – Жўқорғи Кенгес, ижро этувчи органи – Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув ҳокимиятлари, жамоат бирлашмалари ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»[1.] ҳам давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш каби йўналишлар белгилаб берилди.

Дунё давлатларида турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар жадаллик билан ривожланиб борар экан, ҳар бир мамлакат унинг минтақавий ва ҳалқаро даражадаги фаол иштирокчиси бўлишга ҳаракат қилади. Глобаллашув шароитида дунёнинг турли минтақаларида бўлаётган ўзгаришлар фақат ўша ҳудудга эмас, балки бутун дунё мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, интеграция йўлларини чуқурлаштиради, тинчлик, иқтисодий тараққиёт масалаларини, ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни кенгроқ олиб боришни кун тартибига қўяди. Давлатларнинг ривожланишида иқтисодий имкониятлар, уларнинг ижтимоий йўналишлари тараққиётнинг асосий омили бўлиши

баробарида бу соҳада янада кўпроқ изланишлар зарурати талаб этилмоқда.

Шунингдек, халқимиз тарихини ёритишда назарий-методологик асосларни билиш катта аҳамиятга эга. Илмийлик, холислик, тарихийлик методлари тарихни ёритишнинг асосий калити ҳисобланади. Тарихимизнинг концепцияси асосида тарихни даврларга бўлиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Энг асосий вазифалардан яна бири – мустақиллик даврида яратилган янги тадқиқотлар асосида объектив тарихни ўргатишни ташкил қилишдир.

Илмийлик билан бир қаторда холислик туради. Бунда таҳлил қилинаётган ҳар бир тарихий воқеа-ҳодисаларни холис, ҳаққоний равишда ўрганиш ёки тарихнависнинг хоҳиш-иродасидан ташқарида, воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича ёритиш кўзда тутилади. Ҳар бир тарих ёзувчи киши шахс сифатида ўзининг фикр-мулоҳазалари, идроки ва бошқа ҳис-туйғулар орқали атрофни ўраб турувчи муҳит билан узвий равишда боғлиқ. Бу боғлиқлик унга ўз таъсирини ўтказади.

Холислик талаб қиладиган қоидалар шундан иборатки, ушбу йўналишда тарихий-маданий тараққиётни (тарихнинг турли даврларида) ўрганиш жараёнида бўлиб ўтган ёки шу тараққиёт билан боғлиқ бўлган жамики воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир ўзгаришларсиз, қандай бўлиб ўтган бўлса, ўша ҳолатда талқин ва таҳлил этиш, текшириш ва хулосалар чиқариб яхлит ҳолга келтириш ўта муҳимдир. Бу ҳолатда аниқ манбавий асосларга таяниш, тарихий жараёнларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослаш лозим бўлади. Бу жараёнда ҳудудлар ўртасидаги ривожланиш жараёнларини ўзаро солиштириш, қиёслаш ва таққослаш фақат ижобий натижалар бериши табиий ҳолдир.

Тарихимизни ўрганишнинг услубий асосларидан яна бири - бу воқеа ва ҳодисаларни диалектик тарзда ўрганишдир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради.

Бу услуб тарихимизни ўзлаштиришда уни тўлалигича, воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан боғлиқликда, айрим тарихий воқеликни ўргатувчи фанларни ҳам бир бутунликда, унинг бўлакларини ажратиб олмаслик ва воқеа-ҳодисаларни доимо ўзгаришда, ривожланишда ўрганишни тақозо қилади. Бирор бир давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритилаётган бўлса, ана шу даврнинг ўзига хос хусусиятларини англаб олиб, уни кўрсатишни талаб қилади. Диалектик услубга асосланиб, тарихий жараённи умумийлик ва алоҳидалик қоидалардан келиб чиққан ҳолда тушуниш лозим.

Диалектик услуб тарихимизни аввало Ўрта Осиё, қолаверса, жаҳон

халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Чунки мавжуд бўлган ҳар бир халқ, миллат ёки элат тарихи фақат ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турсада, бутун инсоният тараққиёти тарихи билан умумий боғланишдадир.

Ҳақиқатдан ҳам, халқимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши жаҳон тарихи тараққиётининг ажралмас қисмидир. Энг қадимги даврлардан бошлаб яқин ўтмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув, Эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон каби ҳудудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд. Тарихимизни ўрганишда тарихийлик услуби ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу услуб тарих жараёнида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа-ҳодиса билан бошқасини сабаб-оқибатли боғланиши ҳам кўрсатилади. Тарихийлик воқеа-ҳодисаларни қай тарзда содир бўлганлигини, жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларнинг роли тўғрисида тўғри, ҳаққоний фикр юритишга ўргатади. Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замони ва келажагига ягона тарихий жараён сифатида ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади. Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўргансак, англаб етсак ҳамда кенг тарғиб этсак, ҳозирги замонни шунчалик мукаммал тушуниб, келажакни ёрқин тасаввур этамиз [2.]. Мана шу муносабаттан бизга хорижий олимларнинг ҳам тарихимизни қизиқиши бежиз эмас. Сабаби, халқимиз тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига қамраб олади. Хорижлик олимларнинг халқимиз тарихи тўғрисидаги илмий тадқиқотлари фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганишимиз зарур.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларини ўрганишга бағиш-ланган илмий изланишлар Ғарбда мустақил фан соҳаси – Марказий Осиё тадқиқотларида (Central Asia Studies) шаклланган. Америка тадқиқотчиси J.Schoeberieinнинг таъкидлашича, Ғарбда Марказий Осиёни ўрганувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг сони 1991 йилда 400 бўлган бўлса, 2007 йилга келиб 3000 мингни ташкил этган.

Марказий Осиёни ўрганувчи Хитой тадқиқотчилари ҳам ҳозирги босқичда тўлқинсимон равишда ўсиб бормоқда. Айниқса, бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотнинг (ШҲТ) пайдо бўлиши (2000 й.) давридан бошлаб сезиларли даражада намоён бўлмоқда.

Yu.Bregel тадқиқотчи – советшунослар A.Bennigsen, S.E.Wimbush, M.B.Olcott, E.Allworth ва бошқаларни танқид қилиб, унингча, баъзи тадқиқотчилар ҳудуд бўйича мутахассис бўлмасалар ҳам Марказий Осиё халқлари тарихининг баъзи босқичлар ҳақида ёзишга ҳаракат қилганлар.

D.DeWeese фикрига кўра, баъзи ғарб тадқиқотчилари ҳудудни ўрганишда «мутахассисларга хос бўлмаган» тенденция асосида ёндашадилар.

Британия мустақил тадқиқотчилари, саёҳатчилари David ва Sue Richardsonлар «Qaraqalpaqs of the Aral Delta» («Орол денгизи дельтасидаги Қорақалпоқлар») мавзусидаги монографиясини чоп эттирдилар. Richardsonлар Москва, Санкт-Петербург, Тошкент ва Нукусдаги музейларда бўлдилар, қорақалпоқларнинг тарихи ва маданияти билан танишдилар. Монографияни нашр қилдиргач, улар интернетда махсус сайт яратдилар www.qaraqalpaq.com.

Ёш турк олими Salih Yılmaz Қорақалпоғистонда хизмат сафарида бўлди. Қорақалпоғистоннинг янги тарихи бўйича материаллар йиғиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва монография нашр қилдирди. Масалан, унинг тарихий асарларидан «Türk dünyasi tarih» асарида «Karakalpak Muhtar Cumhuriyetinde Misyonerlik Faaliyetleri» ва «Yeni Turkiye» китобида «Karakalpak Turkleri ve Bugunku Karakalpakistan» мавзусида Қорақалпоғис-тоннинг ўтмиш ва бугунги тарихи ҳақида турк китобхонларига кенг маълумот берилган [3.].

Шунингдек, ҳинд олимаси Anita Sengupta «Symbols and the Image of the State in Eurasia» китобида Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар берган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Қорақалпоғистон Республикаси учун махсус белгиланган моддалар ва ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ахборотлар келтирилган [4.].

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси тарихига доир устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, МДҲ олимлари томонидан XX аср охири XXI аср бошларидаги Қорақалпоғистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ўрганилган. Ушбу мавзулар бўйича ишлаётган ҳозирги давр тадқиқотчилари жумласига А.М.Зарецкий, Н.Мамедов, И.Увраимов, Н.А.Михалёвларни кўрсатиш мумкин [5.].

Ҳозирги даврда бевосита маҳаллий манбалар архив материаллари ёрдамида XX асрнинг 90-йиллардан бошланган Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланаётган чет эл олимларининг баъзилари Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпо-ғистон Республикасининг мустақиллик давридаги тарихини ўрганишга қизиқмоқдалар. Шундай тадқиқотчилардан ҳозирги даврда Bradley Mayhew, Mark Elliott, Tom Masters, John Noble, Steven Kyle, Phillipe Chabot, Birgit N. Schlyter, Thomas, Troy S.; Kiser, Stephen D.; Casebeer, William D., Jacquesson F., Jacquesson S., Richardson D., Richardson S., Philip Micklin, N.V.Aladin N.V., Plotnikov I., Kyle Steven, C.Chabot Phillippe, Anna Widner кабиларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг тадқиқотлари Қорақал-поғистон

Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, қишлоқ хўжалиги масалаларини ва Орол денгизи муаммосини таҳлил этишга бағишланган [6.].

Нисбатан кейинги илмий изланишларда Қорақал-поғистоннинг мустақиллик давридаги тарихи чет элларда маълум даражада ўрганилаётган бўлса ҳам, улар баъзи соҳалар билан чекланиб қолмоқда. Улар ҳам баъзан фактларнинг камлиги ва илмий таҳлилнинг бир ёқламалиги билан ажралиб туради. Уларда кўрсатилган таклиф ва тавсиялар мукаммалликдан йироқ, уларни танқидий баҳолаб, ҳақиқий қадр-қимматини очиб бериш, тарихий ҳақиқатни тиклаш тарихчиларимиз олдида турган асосий вазифалардандир.

Ҳозирги даврда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичлари, ўтиш давридаги муаммолари, шунингдек, ижтимоий муносабатларда турмуш тарзининг ўзгариши, жамият толерантлиги, инсонпарварлик ва бағрикенглик, барқарорлик, ҳудудий хавфсизлик сиёсати кабилар бўйича юритилаётган тадқиқотлар етарли даражада эмас. Ваҳоланки, Қорақалпоғистон Республикасида нафақат, Марказий Осиё, балки МДҲ давлатлари, дунёнинг бошқа мамлакатларига қараганда ҳам халқаро ютуқларнинг ҳар хил соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борилди ва уларнинг салмоғи йил сайин ўсиб бормоқда.

Маълум маънода Қорақалпоғистоннинг яқин тарихи бўйича ватанимиз ва чет эл тарихчилари томонидан муайян ишлар қилинган бўлса ҳам, уларнинг фактларга, тарихий воқеа-ҳодисаларга методологик муносабати ва қарашларини объектив, ҳаққоний ўрганиш ҳозирги давр тарихшунослиги олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. –Б. 3-28.
2. Ковальченко И.Л. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987.
3. Salih Yilmaz. Karakalpak Muhtar Cumhuriyetinde Misyonerlik Faaliyetleri» ва «Yeni Turkiye. – Turkiye, 2004. №204. – 60-67 c.; Salih Yilmaz. Yeni Turkiye. – Turkiye: Ankara, 1997. –P. 1320-1329.
4. Anita Sengupta. Symbols and the Image of the State in Eurasia. – India: Kolkata, 2017. –P. 76-77.
5. Зарецкий А.М. Особенности правового статуса Жокаргы Кенеса – парламента Каракалпакстана // Мир современный науки. –

Москва, 2014. - № 2. – С. 46-51.; Мамедов Н. Каракалпакская литература. – Баку: Китаб-алями, 2007. – 12 с.; Увраимов И. Обзор ключевых трендов на мировом и центрально-азиатском нефтегазовом рынке // Востоковедение и африканистика РЖ. – Москва: ИНИОН РАН, 2015. Серия 9. – С. 40-42.; Конституционное право зарубежных стран СНГ : учеб. пособие / под ред.: Н. А. Михалёва. – М.: Юрист, 1998. –С.176.

6. Bradley Mayhew, Mark Elliott, Tom Masters, John Noble Central Asia. – Singapore: Lonely Planet, 2014. – P. 520.; Steven Kyle, Phillipe Chabot Agriculture in the Republic of Karakalpakstan and Khorezm oblast of Uzbekistan // Working Paper. Department of Agricultural, Resource and Managerial Economics Cornell University. - New York, 1997. – P. 57.; Birgit N. Schlyter The Karakalpaks and other Language Minorities under Central Asian State Rule// Prospects for Democracy in Central Asia. Papers Read at a Conference in Istanbul, 1-3 June 2003. – Istanbul, 2003. – P. 81-92.; Thomas, Troy S.; Kiser, Stephen D.; Casebeer, William D. Warlords rising: confronting violent non-state actors. –Lexington, 2005.- P. 254.; Jacquesson F. Les parlers Karakalpak dans leur contexte // Cahier D'Asie centrale. – Tachkent – Aix-en-Provence, 2002. - № 10. – P. 100-137.; Jacquesson S. Parcours ethnographiques dans l'histoire des deltas// Cahier D'Asie centrale. – Tachkent – Aix-en-Provence, 2002. - № 10. – P. 51-91.; Guicbard F. La mer d'Aral reviendra-t-elle? // Cahier D'Asie centrale. – Tachkent – Aix-en-Provence, 2002. - № 10. – P. 295-303.; Richardson D., Richardson S. Qaraqalpaqs of the Aral delta. – Prestel Verlag, Munich, London, New York, 2012. – 470 p.; Philip Micklin, N.V.Aladin N.V., Plotnikov I. The Aral Sea. The Devastation and Partial Rehabilitation of a Great Lake. – Berlin: Heidelberg, 2014. – 445 p.

АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН МАДАНИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ

Иномов О.У.
Низомий номидаги ТДПУ
мустақил тадқиқотчиси

Бурғулик маданияти минтақанинг сўнгги бронза ва илк темир даври қадимги деҳқончилик маданияти сифатида ўрганилган. Бурғулик маданиятининг даврий санаси мил.авв. IX-IV асрларни ўз ичига олиб, у ўз навбатида икки босқичга бўлинади. Бурғулик I мил.авв. IX-VII асрлар, Бурғулик II эса мил.авв. VI-IV асрларга тегишли бўлиб, бу давр аҳолиси моддий маданиятида меъморчиликнинг бирор белгиси кўзга ташланмайди, аҳоли асосан ертўла шаклидаги кулбаларда яшаган. Кулолчилик маҳсулотлари қўлда чархсиз, дағал ясалган сопол идишлардан иборат бўлган. Уларнинг тури жуда чекланган бўлиб, ости овал коса ва нимкосалар, қулоқсиз хумча ва кўзалар, қўшқулоқли кўза ва хурмачалар, новсимон жумракли қорни кенг хумчалардан иборат. Улар бир ярусли махсус қўраларда пиширилган. Идишларнинг сирти нимранг қизғиш ангобли, ва мўрт ҳолатда пиширилган. Бурғулик маданияти соҳибларининг асосини ўтроқлашган маҳаллий саклар ташкил этади. Бурғулик маданияти вакилларининг сополлари шакли жиҳатидан қадимги Фарғонанинг Чуст ва Эйлатан маданиятлари кулолчилик маҳсулотларига ўхшаб кетади. Чуст маданиятининг сўнгги босқичи ва Эйлатан маданияти ёдгорликларида хомғиштдан уй-жой ва мудофаа иншооти қуриш пайдо бўлади. Чуст маданиятига тегишли хомғиштларнинг ўлчами 55х30х10-12; 40-42х20х? см. (Спришевский, 1972. С. 228). Шунингдек, Бурғулик маданиятининг Туябўғиз манзилгоҳларидан ҳам хомғиштдан қурилган девор излари учратилган. Ғиштларнинг ўлчами 40-43х24х12 см. (Дуке, 1981. С. 449).

Аммо, ёдгорликнинг Шош I ва Шош II босқичларида қурилиш материаллари учрамайди. Улар фақат Шош III босқичидан бошлаб учратилади. Кулолчилик маҳсулотлари ва турар-жойлар ҳарактерига кўра, Шош I босқичи мутлақо Бурғулик маданиятига тегишли, Шош II босқичида барча соҳаларда Бурғулик анъанаси давом этган ҳолда, сопол идишлар комплексида ўзга этник гуруҳларнинг яъни, Сирдарёнинг қуйи оқимида шаклланган Жетиасар маданияти вакилларининг таъсири кўзга ташланади (Филанович, 1983. С. 133). Булар паст бўйли қўшқулоқли кулранг-қора сопол қозонлар, ясситубли бўйдор қулоқли кулранг-қора кўзалар ва бошқалар бўлиб, улар сармат қабилалари моддий маданиятига хос сополлар ҳисобланади. Сарматларнинг Жетиасар маданияти кўринишида Тошкент воҳасига кириб келиши Шоштепа

стратиграфиясида мил.авв. III аср бошларига тўғри келади. Улар аста-секин маҳаллий Бурғулик аҳолиси билан қоришиб, Қовунчи маданиятини таркиб топишига олиб келган. Демак, Шош II босқичи (мил.авв. III аср) Бурғулик маданиятидан Қовунчи маданиятига ўтиш даврини характерлайди. Айнан шу ўтиш даврида, Қовунчи маданиятига хос элементлар (Туябўғиз манзилгоҳларида учратилган хомғишт девор излари ҳамда антропологик материаллар сериясида Жетиасар одамлари типи) пайдо бўла бошлайди. Шош III босқичи эса тўлиқ Қовунчи маданиятининг шаклланган даври бўлиб, Шош III комплекси, Шош I ва Шош II босқичларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос компонентлар билан характерланади (Филанович, 1983. С. 134).

1). Моддий маданиятда меъморий-қурилиш массиви пайдо бўлади. 2). Моддий маданиятда оддий қишлоқдан тубдан фарқ қилувчи монументал мудофаа комплекси шаклланади. 3). Моддий маданиятда туб сифат ўзгаришлари юз беради. 4). Аҳоли таркибида кўп компонентли этник гуруҳлар қоришмаси асосида янги антропологик тип, яъни ўзбек халқига хос «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»га асос солинади. 5). Шаклланган янги этнос етакчилигида ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий-сиёсий давлат конфедерацияси, яъни Қанғ давлати таркиб топади.

Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида таркиб топган Қовунчи маданияти ўз навбатида учта хронологик босқичларга бўлинади:

1). Қовунчи I, унга хос характерли хусусиятлар: инновация сифатида моддий маданиятда меъморий қурилиш мажмуаси, монументал мудофаа иншоотлари пайдо бўлади, археологик комплекс таркибида туб сифат ўзгаришлари юз беради, маҳаллий аҳоли орасига чорвадор туркий тилли этник гуруҳларнинг кириб келиши жадаллашади.

Кулолчиликда тубдан ўзгаришлар юз беради (Буряков, 1982. С. 72-74): сополлар мутлақо қўлда ясалган, Бурғулик маданияти кулолчилик маҳсулотларидан фарқли ўлароқ, сопол идишларнинг ости текис, ялпоқ. Идишлар туринининг кўпчилиги тиниқ қизғиш оқиш ангобли, унинг устига тарам-тарам жигарранг ёки қора ранг оқизилган. Улар бўйдор хум ва хумчалар бўлиб, уларнинг бўйин қисми торроқ, ёқасимон лаби бироз ташқарига қайрилган, баъзида елкасига хочсимон ёки қўшқават учбурчак шаклида тамға босилган.

Кўзалари бўйдор, бир дастали, баъзида дастаси ҳайвон қиёфасида ишланган. Дастасининг қарама-қарши томонида кўзага жумрак ёпиштирилган. Бундай кўзалар сиртига қора рангда безак берилган, баъзида рангли нақш тўлқинсимон шаклда тасвирланган. Учинчи хил идишлар оғзи кенг ва ости текис хурмачалар бўлиб, уларнинг елкасига кичкина қўшалоқ даста ишланган. Устки қисмига худди кўзалардек рангли нақш берилган. Сополлар мажмуасида сопол қозонлар жуда кўп.

Улар қўшқулоқли, қорни чиққан, сферик шаклда, қўпол, сирти қоп-қора, куйган. Уларнинг аланга теккан қисмлари жигарранг оч-қизғич кўринишда. Дастаси арқонсимон ёки қўчқор шохли ҳайвон қиёфада ишланган. Бу типдаги сопол қозонлар сармат қабилаларининг Прохоров маданиятининг бир қулоқли сопол қозонларига ўхшаб кетади.

Қовунчи I сополлари орасида зооморф дастали кружкалар кўплаб учрайди. Уларнинг қорин қисми шарсимон, елкадан юқориси бироз ташқарига қайрилган ёки тик кўтарилган. Кружкалар орасида цилиндрик шаклдаги нусхалари ҳам учрайди. Кружкалар дастасининг юқори қисми ҳайвон фигураси билан якунланган. Кенг тарқалган сопол идишлардан яна бири елкадан пасти конус шаклидаги косалар бўлиб, уларнинг оғзи кенг, ялпоқ туби торроқ, елкаси конуссимон танасидан ажраб туради. Баъзида улар орасида қўшқулоқли нусхалари ҳам учрайди.

Қовунчи I даврининг ҳарактерли сопол буюмларидан сувдонлар, сопол тавалар, исириқдонлар ва пилта чироқдон, сопол қапқоқлар, қозон туширгич сих осгич тавалар кўрсатиб ўтиш мумкин. Сих осгич таваларнинг томонлари шохдор қўчқор бошисифат кўринишда тасвирланган. Уларда ҳайвонларнинг реал тасвири дид билан чиройли тарзда ифодаланган.

2). Қовунчи II даврида монументал меъморчилик ва мудофаа тизими ривожланишда давом этади. Бу давр меъморчилиги комплексида Цитадел (Арки-Аъло) пайдо бўлади. Масалан, Шоштепада Шош III (Қовунчи I) босқичи айлана девори устида янги (Шош IV=Қовунчи II А) даврининг пахсадан қурилган тўғрибурчак шаклидаги Арки-Аълоси қад кўтаради (Филанович, 1983. С. 59-60).

Цитадел деворлари қўшимча ички қурилмалар билан 4 метргача кучайтирилади, коридорлар хоналарга айлантирилади. Аммо, Қовунчи II Б (Шош V) даврида хоналар хом лойга тўлдирилиб, Цитадел ташқи девори ичида пахса платформаси ҳосил қилинади. Унинг устида Қовунчи II Б даврининг қурилмалари, яъни пахса ғиштдан тикланган янги монументал комплекс қурилади. Бу комплекс аввалги Цитадел ташқи деворини қамраб олиб, тўғрибурчак шаклида маҳобатли янги Цитадели қад кўтаради. Натижада Цитаделнинг ташқи девори 6 м.га қалинлашади, ташқи девор устида кенг майдон ҳосил бўлиб, у жой, душманга қарши палахмонтош отиш қурилмаси механизми учун майдон вазифасини ўтаган.

Цитаделнинг турли горизонтларидан топилган сополлар кўза ва хурмача, хум ва хумча, коса ва қапқоқ, тава ва зооморф дастали кружка, новвосбошли қозон таг курсиларидан иборат бўлиб, улар Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоғистон ва Шимолий Фарғона водийсининг Қовунчи II босқичи ёдгорликларида кенг учрайди (Филанович, 1983. С. 60-61). Бу даврда айниқса сопол қапқоқлар тайёрлаш кенг кўламда

ривожланади. Идишлар нақшида бўртма-қоварик, бармоқ изли босма гуллар солиш авж олади. Улар идиш сиртига лой лента ёпиштириш асосида солинган нақшлар бўлиб, ҳатто арқонсимон ёпишма гуллар кўза ва хурмача, кружка ва сих осгич таваларга ҳам ёйилган. Қовунчи II босқичи учун энг муҳим инновацион ўзгаришлардан бири кулолчиликда секин айланувчи қўл чархини кириб келиши бўлди. Натижада, аввалги қўпол ишланган идишлар ўрнини, эндиликда нисбатан хушбичим, юпқа идишлар ишлаб чиқариш эгаллади. Сопол идишлар комплексида аввал маълум бўлмаган, Жетиасар маданиятининг милодий II-III асрлар комплексига хос кенг бўғизли, бўғзи тарам-тарам новли, бир қулоқли кўзалар пайдо бўлади (Буряков, 1982. С. 75-76).

3). Қовунчи III комплексида монументал меъморчилик ва мудофаа тизими янада ривожланишда давом этади. Оташпарастлик ибодатхоналари комплексини қуриш ва улар қошида ванғзе мулкини ташкил этиш таркиб топади. Шаҳристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Воҳанинг йирик шаҳарларида урбанистик жараёнларнинг жадаллашгани боис, шаҳарда иккинчи шаҳристон ҳам таркиб топа бошлайди. Бу ҳолатни Қанқа шаҳар ёдгорлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Воҳада мил.авв. III асрдан эътиборан, деҳқончилик маданиятининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда бошланган илк шаҳар ҳаёти ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини юксалишига, табиий ер ости хомашё бойликларининг ўзлаштирилишига, биринчи навбатда, тоғ саноатини ривожланишига олиб келади. Қовунчи II давридан бошлаб (милодий I минг йилликнинг бошларидан) мис ва кумуш, темир ва олтинга бой яримметалл руда конларини ўзлаштириш бошланади. Дастлаб уларни кончилар оддий усулда, ер юзасига чиқиб қолган ҳолатларда ўзлаштирадилар. Рудаларни эритиш дастлаб руда конлари яқинида олиб борилади. Секин аста уларни ўзлаштириш учун махсус ихтисослашган конлар пайдо бўлади. Бу ихтисослашган конларга Шовгаз, Кадовадтепа, Тошбулоқ, Кулота ёдгорликларини киритишимиз мумкин.

Қовунчи III давридан бошлаб тоғ саноати иқтисодиётнинг асосий йўналишига айланади. Руда қазиш, янчиш, рудани махсус қўраларда эритиб, соф металл хомашёси олиш, ундан меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш, шунингдек, тоғ саноатида меҳнат тақсимоти бошланади, яъни металлургия ишлаб чиқаришда ихтисослашиш жараёни жадал кечади. Оҳангарон водийсида металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тункет шаҳрига ўхшаш шаҳарлар пайдо бўлади. Воҳанинг ҳар бир катта ва кичик шаҳарларида, қишлоқларида металлургия билан боғлиқ ҳаёт жадаллашади. Металлургия билан боғлиқ савдо-сотиқ ривожланади, танга пуллар зарб этиш йўлга қўйилади.

Қовунчи маданияти ва унинг босқичларини даврий саналари масаласида мутахасислар орасида мунозарали бахслар мавжуд. Масалан, Г.В.Григорьев Қовунчи маданиятини икки босқичга бўлган. У Қовунчитепани қуйи қатламларидан темир предметлари учрамагани боис, Қовунчи I босқичини бронза даврининг якунловчи даври билан, яъни мил.авв. II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошлари билан белгилайди. Қовунчи II археологик комплексининг архаик характерига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталари билан белгилайди ва унинг асосида сак қабилалари маданияти ётишини таъкидлайди (Григорьев, 1935. С. 39).

А.И.Тереножкин Қовунчи комплексини усун маданияти билан замондош эканлигини таъкидлаб, дастлаб уни мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига тегишли деб топади (Тереножкин, 1940. С. 86-87), кейинроқ эса Қовунчи I босқичини мил.авв. II-I асрлар билан белгилаган (Тереножкин, 1940. С. 84-86). Жун комплексини эса милодий II-IV асрларга тегишли деган хулосага келинган (Тереножкин, 1950. С. 159-160). С.П.Толстов Қовунчи I босқичини милодий I-II асрлар, Қовунчи II ни эса II-IV, эҳтимол V-VI асрларга тегишли эканини таъкидлайди (Толстов, 1946. С. 175-176). Б.А.Литвинский эса Қовунчи маданияти ёдгорликлари орасидан жун комплексини ажратиб олиб, уни мустақил Жун маданияти сифатида тавсифлайди (Литвинский, 1967. С. 29-37) ва уни даврий санасини милодий III-IV асрлар билан белгилайди (Оболдуева, 1948. С. 101-102).

Т.Г.Оболдуева Қовунчи маданиятини милодий эра бошларига тегишли хисоблаб, унга Сирдарё ҳавзасидаги Суғд маданиятининг маҳаллий варианти деб қарайди. Л.М.Левина эса Жун ёдгорликларини Қовунчи маданиятининг варианти сифатида қараб, Жун комплексини Қовунчи II комплексига қўшиб юборади (Левина, 1971. С. 181-182) ва Қовунчи маданиятини уч босқичга бўлади. У таклиф этган даврий санада Қовунчи I мил.авв. I, милодий III, Қовунчи II милодий IV-V, Қовунчи III милодий VI бошлари VIII асрларга тегишли эканини асослайди (Левина, 1971. С. 178-188).

Ю.Ф.Буряков Қовунчи маданиятини уч босқичга бўлинишини тан олган ҳолда, Қовунчи I босқичини мил.авв. II милодий II асрлар, Қовунчи II босқичини милодий II-IV, Қовунчи III босқичини эса милодий IV-VI асрнинг биринчи ярми билан белгилайди (Буряков, 1982. С. 79). Бу масалада М.И.Филанович томонидан Шоштепа олиб борилган стратиграфик кузатувлар бизнингча тарихий ҳақиқатга яқиндир. Масалан, Шоштепа стратиграфиясида Шош I (мил.авв. VI-IV асрлар), Шош II (мил.авв. III аср), Шош III (мил.авв. II-I асрлар), Шош IV (милодий I-III аср бошлари), Шош V (III аср бошлари-VI аср), Шош VI (VII-VIII асрлар) босқичларга бўлинган. Агар Шоштепа даврий

босқичларини Қовунчи маданияти босқичлари билан қиёслаганда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: Шош-I=Бурғулик маданияти-нинг II-этапига замондош, Шош-II ўтиш даври, Шош-III=Қовунчи-I га, Шош-IV=Қовунчи-II А га, Шош-V=Қовунчи-II Б га, Шош-VI эса Қовунчи-III га хронологик жиҳатдан тўғри келади. Мана шу стратиграфик схемадан келиб чиқиб Қовунчи маданияти босқичларини абсолют даврий саналарини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: Қовунчи-I босқичи даврий санасини мил.авв. II-милодий II аср бошлари, Қовунчи-II милодий II-IV асрлар, Қовунчи-III милодий V-VIII аср бошлари билан белгилаш мумкин.

2012 йилда Оҳангарон водийсининг Суюрлитепа ибодатхонасининг юқори қатламларини стратиграфик кузатув вақтида маълум бўлдики, ибодатхона арабларнинг (лашкарбоши Қутайба ибн Муслимнинг) Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари даврида вайронага учраган, яъни босқинчилар бу оташпарастлик ибодатхонасига ўт қўйиб, ёқиб юборган. Шундан сўнг ибодатхонанинг фаолияти тўхтаган. Чунки, 1 м.дан ортиқ ёнғин қатлами устига икки-уч қатор хомғиштлар терилиб, улар устига ғишт парчалари аралаш қалин тупроқ ташланиб шиббаланган. Шиббаланган тупроқ орасида илк ўрта асрлар даврига (VII-VIII асрлар) тегишли сопол синиқлари ва бир неча бўлак сирли сопол парчалари учратилди. Бу шиббаланган қатлам устига бир қатор Сомонийлар даврининг квадрат пишиқ ғиштлари терилган. Ибодатхона вайроналари устида кузатилган бу манзара Қовунчи III босқичининг юқори чегарасини VIII аср бошлари билан белгилашни тақоза этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т.: 1982.

2. Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Узбекской ССР в 1934 г. – Т.: 1935.

3. Дуке Х. Исследование в зоне Туябугузского водохранилища. АО 1980 года. – Т.: 1981.

4. Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сирдарьи в I тыс. н.э. – М., 1971.

5. Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы // СА. – М., 1967. – № 2.

6. Оболдуева Т.Г. Курганы каунчинской и джунской культуры // КСИИМК Вып. 23. – М., – Л., 1948.

7. Спришевский В.И. Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана // СА. – М., 1972, – № 3.

8. Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК, вып. XXXIII, – М., 1950.

9. Тереножкин А.И.Рец. Г.В.Григорьев. Каунчитепа. УзФАН СССР, 1940, – № 8.

10.Толстов С.П. К вопросу о датировке культуры Каунчитепа // ВДИ. 1946. – № 1.

11.Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. – Т.: 1983.

БУХОРО ТИМЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТИ, ТАЪМИРЛАШ ВА КОНСЕРВАЦИЯ МУАММОЛАРИ

Ходжаев Б.Р.
МРДИ Музейшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси

Шайбонийлар сулоласи даврида шаҳар Шаҳристони кенгайтирилиб, арк унинг ичида қолиб кетган. Абдуллахон шаҳар деворлари, дарвозалари ва фаслларини кайта қурдирган. XVI асрнинг II ярмида шаҳар кенгайтирилиб Жўйбори шайхлар мулки хисобланиши шаҳарнинг ғарбий қисми ҳам девор билан ўраб олинган. Биноларни ансамбл тарзда жойлашишига эътибор берилиб шаҳар структураси қайта тузилди. Чунончи асосий чоррахаларда Тоқи Ордфурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Тиргарон номли бешта Чорсу типидаги гумбазли савдо иншоатлари бунёд этилган. Бу савдо гумбазларнинг биринчиси ва охиргиси бизнинг асримизда вайрона ҳолига келганлиги туфайли бузиб ташланган. Қолган учтаси ҳозирги кунда ҳам салобат тўкиб, шаҳар асосий йўналишларини белгилаб турган. Бу савдо гумбазлари бугунги кунда ахоли орасида биринчи, иккинчи, учинчи гумбаз, баъзилар «кумпол» деб аташади, бу русча «купол» сўзининг бузилиб ишлатилишидир, ёки ток деб юритилади.[189]

Тоқи Заргарон. Заргарон деб номланадиган қадимий шахристон чоррахасида жойлашган бўлиб, XV аср бошида ҳам бу жой Чорсу деб номланганлиги маълум. Тоқи Заргарон деб аталишининг ўзи ўз номи билан заргарлар гумбази эканлигидан далолат бериб турибди.

Бу бинонинг тарки квадрат кўринишига эга. Унинг марказий композицион ўклари бўйлаб тўрт пешток тўрттала кўча томонга қаратилган. Иншоатнинг марказий қисми саккизта ўзаро кесишган тоқлар

[189] Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995 – с.127

воситасида кўпбурчакли устивор устига қўндирилган улкан гумбаздан иборат. Гумбаз устивориниг ўн олти панжараси бор. Ички томонда эса тоқлар кесишувидан ҳосил бўлган гажжак(шитоводний парус)деворлар билан кўпбурчакни боғлаб турибди. Марказий гумбаз ичидаги бино бурчаклари тўртта ва унинг атрофидаги усти кичкина гумбазчалар билан ёпилган йўлак қисми эса саккиз равоқли қилиб кўрилган. Йўлак ташқи деворининг ичкари томонида яна 16 та равоқ ишланган. Хар қайси пештоқнинг икки ён томонида (олд томонида) Яна 2 тадан равоқлар ишланган бўлиб, улар жами 36 та дўкон ва устахоналар жойлашишига мўлжалланган.

Тоқи Заргарондан жанубга чиқадиган пештоқи ёнида бизнинг асримизда бузиб ташланган уша даврда Хинд карвонсаройи деб аталган карвонсарой бўлган. Ундан қуйирокда эса 1577 йилда қурилган савдо иншооти Абдуллахон тими жойлашган. Агар тоқ ва Чорсуларда кечаси дўкон ва устахоналар ёпилиб, бинони кесиб ўтган кўчалар ўтиш жойи сифатида фойдаланилган бўлса, Тим ёпик бино тарзида ишлатилган ва шу жихати билан бугунги кундаги катта дўконларни эслатади.Абдуллахон тими камёб ва кимматбахо газмол савдосига мулжаллаб қурилган.Бу иморат тарки ҳам квадрат шаклида бўлиб, бинонинг бош кириш йўллари Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурашонга бориладиган савдо кўчасига қаратилиб, кўчанинг шарқий бетида қурилган. Бино тарз (фасадларнинг марказида бир асосий ва икки чеккасида яна иккита кичикроқ пештоқли эшик) ўрнатилган. Унинг шарқ ва ғарб томонида асосий йўлак устига чўзинчоқ шаклидаги туйнукли гумбазчалар қурилган. Шунингдек катта гумбазда ҳам ёриткич туйнуклар мавжуд. Бино ичида жами 55 та савдо равоқлари жойлашган.[190]

Абдуллахон Тимидан жанубга қараб йўналган кўчанинг икки томонида раста, дўкон ва устахоналар қурилган бўлиб, мазкур кўча зич холда шарқ томонга синган йўналиш бўйлаб Бозори Кард хаммоми ёнидан ўтиб Тоқи Телпакфурашонга келиб чикади.

Тоқи Телпакфурушон . Телпакфурашон тоқи савдо гумбази ўзининг меъморий ечими жихатдан бошқа савдо гумбазлари ва умуман гумбазли бинолар ичида ажралиб туради. Унинг марказий гумбази 6 та пиллапояга ўрнатилган. Гумбаз ва махрут ораси пастак думалок устивор шаклига эга. Гумбаз маркази ва махрут деворларидан ёруглик тушадиган махсус туйнуклар ишланган.

Токи Телпакфурашоннинг шимолий йўлагида балхи гумбазлари, ичкарироқда тўрта катта равоққа энгаштирилган кичик равоқчаларга қурилган гумбаз, гажжак қаносли ва устиворли гумбаз сингари турли конструкциялар қўлланилган. Ундан жанубий шарққа ва жанубий ғарбга

[190]Пугаченкова Г. А. Торговые купола города Бухары.- Т.: Узбекистан, 1969.- 8 с.

қарата қўш равоқли икки кириш йўли ва худи шу тарздаги уч томонга қаратилган пештоқлар ишланган.[191] Яна бир савдо гумбази бу олдинги иккитасидан жанубий шарқроқ томонда жойлашган.

Тоқи Сараффон . Тоқи Саррофон (пул алмаштирувчи) гумбазидир. Бу савдо гумбази олдинги иккитасидан кичикроқ бўлиб, унинг асосини «линга зарба» 1,2,3,4,6,7,8 усулида ўзаро кесишган тўрт катта тоқ тепасидаги думалоқ устиворга ўрнатилган анча тик кўринишли гумбазни ташкил этади. Гумбаз юкорисида саккизта кичикроқ пиллапоялар устига яна бир кичик гумбазча ўрнатилган. Бинонинг шимоли-ғарбий бурчагидан унинг ёнидан оқиб ўтувчи Шохруд ариғига зинапояли тушиш йўлаги ўрнатилган.

Тоқи Саррофоннинг Жанубий йўналишида шу номли хамом жойлашган. Умуман Бухоро хаммомлари ўрта аср Ўрта Осиё меморчилигида кенг тарқалган хаммомлар турларини асосини ташкил қилади. Бинобарин буларнинг барчасига хос бўлган биринчи омил иссикни тежаш мақсадида қисман (тахминан ярмини) ер остига туширилиб қурилганлигидир. Уларнинг баъзи бирларида хоналар сони кўпрок ёки озроқ бўлишидан қатъий назар қуйидаги номли хоналар мавжудлигини кўрамиз: рохрав (йўлак), пой туйи аввал (дастлабки оёк ювиш хонаси), пой туйи сони (сўнгрок оёк ювиш), миёнсарой ва унга туташтириб қурилган гармхона (иссиқ хона), хупукхона (совуқ хона), ходимхона. Миёнсарой бино марказида жойлашган асосий чўмилиш хонаси бўлиб кенг ва баланд гумбазли қилиб ишланган. Унинг тепасида (ойна билан тўсилган) ёруглик туйнуги қолдирилиб, ёндевор томонларида чукур равоқлар марказ бурчак ва атрофларига супалар қилинган. Супа ва равоқлар қолган барча хоналарда ҳам бўлган. Иссиқхона ва совуққхоналарда иссиқ ва совуқ сув учун махсус ховузлар бўлган. Иссиқхона орқасида қудуқ ва гулах (иситиш хонаси) ўрнашган. Гулахда сув иситилиши билан бирга ер ости йўлларига иссиқ ҳаво юборилиб хаммом хоналари (совуқ хонадан бошқаси) иситилган. Асосий хоналар поли ката мармар, тахталардан ишланган. Ювинди сув тозорлар орқали шаҳардан ташқарига обпартавага чиқарилган.[192] Бухоро арки, савдо гумбазлари бозор ва расталарга туташ марказий кўчалар йўналишларини белгилаб берган бўлса, шаҳарнинг умумий қиёфасини унинг меъморий ансамбларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Токи Заргарон. Ушбу савдо гумбази устида турли илмий изланишлар собик Улуг Октябрь революциясидан сунг бошланди. И.И. Умняков уз эслатмаларида ёзишича, 1929 йил гумбазларнинг констурктив кисмларини мустахкамлаш борасида Токи Заргаронда

[191]Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии (Проблемы исследования и реставрации). – М.-Л.: Издательство Всесоюзной Академии Архитектуры, 1928.-123 с.
[192]Пугаченкова Г. А. Торговые купола города Бухары.- Т.: Узбекистан, 1969.- 8 с., илл.

таъмирлаш ишлари олиб борилди.[193] Бухоро вилоят давлат хужжатларида ёзилишича, 1927-28 йилларда хам Токи Заргаронда бир канча таъмирлаш ишлари олиб борилган. 1938 йилда гумбаз бағаллари таъмирланиб шунингдект ёдгорликнинг жанубий йулагида хам аркаларни мустахкамлашда бир канча ишлар олиб борилди. 1944 йилда эса ёдгорликнинг алохида кисмлар буйича эмас, балки бино буйича умумий таъмирлашишлари олиб борилди. Гумбаз ва гумбаз ости шифтлар умумий таъмирдан чикарилди. Ғарбий кириш тимпани тўлалигича мустахкамланиб, таъмирланган йиллари ён деворга кайд этиб қўйилди. 1928 йилда В.А. Шишкин бошчилигида жанубий кириш жойининг шаркий пилони таъмирлаш учун лойиха режаси тузилди. Ноаник сабабларга кура бу ишлар охирига етказилмади, лекин ушбу ишларнинг бошлангич кисмлари туширилган суратлар ҳозирги кунда Токи Заргарон паспортида сакланмокда. 1949 йилда фундамент холатини ургапиш учун шимолий кириш жойининг ғарбий пилонида археологик изланишлар олиб борилди. 1950 йил сентябрьда археолог В.А. Левина ва Н.Б. Немцова жанубий ва шимолий кириш жойларини таъмирлаш борасида археологик изланишларни олиб бордилар. Қазилмаларда бирканча сопол бўлаклари турли йилларга оид тарзда топилган булиб, булар катламларнинг кушилиб кетганлигидан дарак берарди. Шурфларда эсаXII-XIII асрга оид сопол бўлаклари топилди.[194]

1979 йил Токи Заргароннинг шимолий кисми кучли хавф остида колганлиги учун биринчи даражали таъмирлаш ишларилойихаси тузилди. 1979 йилда архетектор И.Гудков бошчилигидаги гурух лойиха устида изланишларни бошлаб юборди. Улчовлар факатгина ёдгорликларнинг шаркий кисмидан олинди, чунки бу кисм тезкор таъмир ишларига мухтож эди. Шу йили биринчи навбатда Бухоро СНРПМ ёрдамида бинонинг шаркий кисми лойихаси кайтадан ишлаб чикилди. Ушбу лойихада баъзи бир кисмлари хеч кандай узгартиришсиз курсатилган эди. Лойихани ишлаб чикишда бир канча илмий узгартиришлар олиб борилди. Ёдгорлик худуди инженер-геологик шароитларга мослашувини аниклаш учун, 1979 йилда умумий метражи 21 метрга тенг 3 та шурф ишлатилди. Изланишлар жараёнида инженер-геологик В.Теодорович ва В.Юн томонидан худуднинг геологотиполог курилиши, ернинг ҳолат ва таркиби, грунт сувлари таркиби, фундаменд ҳолати ва материал конструкциялари ўрганилди.[195]

---

[193]Афсуски турли архив манбаларида ушбу йилларда олиб борилган ишлар тулик айтиб утилмаган булиб,факат таъмирлаш ишлари олиб борилган йиллар кайд этилган.

[194]Общий план торговых куполов Заргарон и Фурушон №3816, 1930, составленный Гинсбургем М.Я. Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК РУз

[195] Расскасовский В.Т. К проекту крепления Токи-Заргарон. Т., 1951. - Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 276 / Р24.

Токи Телпакфурушон Ўзбекистон маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий тадкикот ва лойиха институтида Токи Телпакфурушон савдо гумбазининг техник холатига багишланган катор кулёзма манбалар мавжуд.

1951 йил 6 октябрда тузилган махсус комиссия манбаларида ёдгорликнинг ута авариявий холатда турганлиги таъкидланган. Б.Н. Засыпкин кайдномаларида ёзилишича, ёдгорликнинг 13 та аркаси, шимолий-гарбий ва шимолий-шаркий томон пилон ва деворларнинг куплаб кисмларида кучли деформация кузатилди. Б.Н. Засыпкин архив манбаларини урганган холда, 1937 йилда МАИ(Москва архитектура институти) бир гурух меъморлари томонидан ёдгорликнинг улчов чизмалари бажарилганлигини уз кулёзмаларида кайдэ тади. Ушбу чизмалар асосини умумий лойиха режаси, шимолий–жанубий кисм кесма чизмалари ва жанубий-шаркий кириш кисмининг кисман бажарилган кесма чизмалари ташкил этарди. Ёдгорликнинг хар томонлама тадбик этиш, фундамент ва грунт кисмларини урганиш афсуски бажарилмай колди.[196]

1951-52 йил Токи Телпафурушон савдо гумбазда умумий ўлчов текширув ишлар олиб борилди. К.С. Крюковнинг ёдгорликнинг гумбаз улчови хулосаларга багишланган кулёзма манбасида савдо гумбази хакида киска маълумотлар берилади ва режавий конструкциявий холати баён этилади. К.С. Крюков гумбаз улчовига багишланган кулёзмасида куйидаги фикрларини билдиради- «Тахминимча гумбаз курилишида эски гиштлардан фойдаланилган шунингдек бу хусусият бино сўнгги асрларда хам таъмирланганидан далолат беради».[197]

1952-йил Токи Телпафурушон савдо гумбазда комплекс изланишлар олиб борилди. Инженер-геолог А.И. Лугин тамондан бир канча янги ишлар бажарилди. Муаллиф ёдгорлик жойлашган худуднинг геологик курилишини ургапиб чикди. Катта чукурликдаги гурунт сувлари (тахминан 10 м) етказадиган зарарни олдини олиш учун бетон коришмасини ишлатишни таклиф этди. Маданий катлам ва геологик шурфлар буйича барча бажариладиган ишлар С.Н. Юринев зиммасига юклатилди.[198]

1953 ёил февраль ойида меъмор И.И. Ноткин ёдигорликнинг техник холати буйича курик утказади. Ёдгорликнинг умумий коникарсиз ахволда эканлигини хисобга олиб, муаллиф куйидаги фикрларни билдиради: «Савдо тоқисининг ён атрофидаги холат унинг яхши

[196]Б.Н Засыпкин . Докладная записка об укреплении и реставрации купола Фурушон. .Т., Архив Глав НПУпамятников культуры по делам МК Руз. Б 236 / Р23.

[197] К.С Крюков. Пояснительная записка к детальному обмеру купола Фурушон. Ташкент, 1952, Архив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 13 6 / Р24

[198] А.И Лугин. Инженерно-геологические данные, необходимые для реставрационных работ купола Фурушон. Ташкент, 1952, Арив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 364 / Р23

сақланишига имконият ярата олмайди. Бинонинг деярли ярим кисми бозор пештахталаридан иборат булиб объекдан фойдаланишда салбий натижаларни бермоқда. Бинони уз ҳолатида сақлаб туриш учун муҳофазаланган қисмда шаҳар ҳаракатланишини тўхтатиш, ортикча сизувчи сувларни бартараф этиш, объектнинг ташки фасадларини таъмирлаш муаммолари ўртага ташланди».[199]

1952 йил сентябрда меъмор С.Н. Юренев савдо токиси галлереясида учта археологик шурф туширади. Тадқиқотлардан сунг олим ёдгорлик ички ва ташки тарафдан баланд маданий қатламга эга эканлигини аниқлади.[200]

1955 йилгаоид М.И. Давыдов кулёзмаларида Токи Телпафурушон савдо гумбази аракалар сони ўрганилиб 13 та варакдан иборат уларнинг чизмалари хам такдим этилади.[201]

1956 йил ёдгорликнинг шимолий-гарбий кисми деформациясини ургаииш максадида инженер-геолог В.Ф. Ольшанский тамонидан бинонинг геологик томондан ургаииш ишлаб чикилди. Муаллифнинг фикрича ёдгорликнинг шимолий-гарбий кисмида эски қудуқ жойлашган бўлиб, у ерга ортикча сувлар йиғилиши натижасида объектга ката зарар ета бошлаган.[202]

Ёдгорлик ҳозирги кунгача аянчли аҳволда етиб келган бўлиб 80% бадиий қийматини йўқотган эди. Бинони таъмирлашда олиб борилган салбий ишлар то ёгорликдаги XVI аср меъморий кўринишини йўқотишига олиб келган эди.

Суфалар ёгорликдаги аҳамиятли режавий ва функционал элементлардан бўлиб тоқининг чиқиш жойларидаги савдо-сотиқ қисимларини аниқлади. Суфалар таъмирга мухтож бўлиб улар лойиха асосида пишиқ ғиштдан қайта таъмирланиб, рангли ганч билан сувалди. Ёдгорлик атрофидаги ернинг чўкиши билан деворлар чиқиш йўлаги равоқлари авариявий ҳолатга келиб қолиб, мустаҳкамлигини йўқотган эди. Шунга кўра фундамент ҳолати ўрганилиб, бу жойларда таъмир ишлари олиб борилди.

Бизга маълумки ҳозирги кунда ёдгорликда бешта портал мавжуддир. Изланишлар шуни кўрсатики бошида бу ерда уч асосий ўқ бўйича уч кириш қисмига боғлиқ учта портал бўлган. Жанубий ғарбий

---

[199] И.И.Ноткин Акт технического состсяния и соображения о ремонтно-реставрационных работах по куполу Токи Тельпак Фрушон. Архив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 126 / Р16

[200] С.Н. Юренев Дневник и предварительный отчет о раскопках шурфов в Токи Тельпак Фурушон в 1952 г. Архив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 134 / Р 42

[201] М.И. Давыдов Расчет арки купола Токи Тельпак Фурушона. 1955 г. Архив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 112 / Р 13

[202]В.Ф. Ольшанский Отчет по исследованию грунтов в северо-западной части площади занимаемой куполом Токи Тельпак Фурушон, 1956 г. Архив ГлавНПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 114 / Р 15

порталлар йўлга олиб чиққан, жанубий шарқий портал Гаукушон мадрасаси томонга ва шимолий портал шахристон билан боғлиқ бўлган. Иккита портал эса Филимонив фикрича XIX асрда ёдгорликни қайта тиклашда қурилган.[203] Лойиҳа бўйича савдо тоқисининг биринчи кўринишини тиклаш ва XVI асрда қурилган порталлар йўқотилган қисмларини таъмирлашни амалга оширилди.

Умумий конструктив мустаҳкамлаш ишлари кириш галлереясининг ташқи тарафида қуйидагича амлга оширилди;

А) 12 қиррали металл ва металл бетон айлана 12 қиррали туйнукли ярус ва ротонда токчаларига ўрнатилди.

В) Бу метал боғламалар қўлланилган жойлари бино таъмиридан сўнг ташқи тарафдан кўринмаслиги таъминланди.[204]

ЯҲУДИЙЛАРНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ ЭТНОИНТЕГРАЦИЯСИГА ДОИР

Аббосов Б. Б.
Наманган давлат университети ўқитувчиси

Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келаётган энг қадимги халқлардан бири – бу яҳудийлардир. Яҳудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Милоддан аввалги 722-йилда Исроил подшоҳлиги Оссурия томонидан, милоддан аввалги 586 йилда эса Бобил давлати томонидан босиб олингач, яҳудий халқининг бир қисми ўлкадан ҳайдаб чиқарилди. Бу эса яҳудийларнинг Осиё ўлкалари бўйлаб тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Ҳатто милоддан аввалги VIII асрларда баъзи яҳудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор[205].

Форс давлати маълум муддат Ўрта Осиёни ўз ҳукми остида тутиб турган ва худди шу даврда яҳудийларнинг кўчиб келиши бошланган. Яҳудийлар Ўрта Осиёда Сўғдиёна давлати даврида, яъни милоддан аввалги ИИ асрда пайдо бўлган эди. Улар Эрон орқали Марвга келиб,

---

[203]АООТ Таъмиршунослик Торговый купол Токи Тельпакфурушон. Работы связанные с понижениям г Бухара .- Т., 1999.- Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 16 / К 72. с.-113.

[204]АООТ Таъмиршунослик Книга 1 Комплексные научные изыскание на куполе Токи- Тельпак-Фурушон (С связи понижением уровня земли. Т, 1993 .- Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК Руз. Б 46 / К 75.

[205] Қаранг: Евреи в Средней Азии. Прошлое и настоящее. – Санкт-Петербург, 1995. – С. 187.

сўнг у ердан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга тарқалган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиё яҳудийлари тарихи ва этнографияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бунга собиқ Иттифоқ даврида олиб борилган нотўғри миллий сиёсат, яҳудийларнинг мусулмонларга бўлган салбий муносабати муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, яҳудийлар тарихига оид манбаларнинг аксарияти иврит ва бошқа Европа тилларида эканлиги ҳам муаммонинг ҳал бўлишига тўсқинлик қилган бўлса, не ажаб.

Яҳудийлар Ўрта Осиёда Суғдиёна давлати даврида, яъни милоднинг II асрида пайдо бўлдилар. Улар Эрон орқали Марвга келиб, сўнг у ердан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга тарқалдилар. Бу фикрни маҳаллий яҳудийларнинг форс лаҳжаларининг бирида гаплашишлари ҳам қувватлайди. Испаниялик яҳудий саёҳатчиси Бениамин де Туделнинг маълумотига кўра, 1165 йилда Самарқандда 30 мингга яқин яҳудийлар яшаган[206]. Маълумки, бу сайёҳ шарқда Бағдодгача сафар қилиб, Самарқандда бўлган эмас. Бу рақам маҳаллий Бағдод яҳудийларининг афсонавий маълумотларига асосланган ҳолда келтирилган бўлса, ажаб эмас.

Яҳудийларнинг турмуш тарзлари, урф-одатлари қадимий яҳудий, форс ва маҳаллий маданиятларнинг қоришмасидан иборат. Тарихнинг турли жараёнларида бу уч маданиятдан баъзиларининг таъсири кучайиши ёки аксинча, сусайиши кузатилган. XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яҳудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. Яҳудийларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида яшаганлиги туфайли Ўрта Осиё яҳудийлари «Бухоро яҳудийлари» номи билан танилдилар.

Яҳудийлик ягона миллатга хос дин бўлганлиги сабабли улар қаерда бўлмасин, бири иккинчисидан қанча узоқ бўлмасин, муқаддас китоби ва эътиқоди ягона бўлиб қолаверди. XVIII асрда Ўрта Осиё яҳудийлари тушкунлик даврини бошдан кечирдилар. 1793 йилда асли Ғарбий Африкадан бўлиб, Фаластиннинг Сфат шаҳрида яшовчи Иосиф Мамон Мағрибий ўз шаҳри яҳудийлари учун моддий ёрдам тўплаш мақсадида Бухорога келади. У маҳаллий яҳудийларнинг ўз динларидан узоқлаша бошлаганликларини кўриб, шу ерда қолишга ва миллатдошларига диний таълим беришга аҳд қилади. Яҳудийлар доимо тинч, кам аҳолили жойларда яшашни афзал кўрганлар. Гарчанд ўрта осиёлик яҳудийлар

[206] Қаранг: The Jews of Uzbekistan: A Brief Overview of Their History and Contemporary Situation / Central Asia Monitor. No.6, 1998. – P. 10–13.

Бухоро яҳудийлари дейилса-да, улар кўпроқ Самарқандда яшаганлар. XVIII асрнинг ўрталарида Нодиршоҳ (1736–1747 йй.) Самарқандни босиб олганда унинг лашкарлари орасида турклар, лезгинлар, афғонлар, иронийлар, шунингдек, яҳудийлар бўлганлар. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Каш, Чор-Рага, Новадон, Қўшҳовуз каби гузарларида яшаб қолганлар. Бухоро ҳукумати Нодиршоҳ даврида яҳудийларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлган[207].

Сон жиҳатдан кўпайган яҳудийлар бир мавзега жам бўлиб яшашни хоҳлардилар. Бироқ Бухорода ҳам, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Кармана каби вилоятларида ҳам яҳудийлар мусулмонлардан ажралган ҳолда яшар эдилар. 1843 йилнинг баҳорида маҳаллий яҳудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар жойни 10 минг кумуш тангага сотиш ҳақидаги шартнома тузилди. Бу шартномани яҳудийлардан 32 киши имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яҳудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар.

Марказий Осиё яҳудийлари нима сабабдан форс-турк тилларини аралаштириб сўзлашишларининг иккита тахмини бор. Биринчисига кура, асосий сабаб яҳудийларнинг минтақага Эрон орқали кириб келганлиги. Уларнинг яқин-яқингача Торанининг форсча таржимасидан фойдаланганлиги бунинг далолатидир.

Иккинчи тахминга кўра, бунинг сабаби, яҳудийларнинг маҳаллий аҳоли билан қисман аралашиб кетганлигидир. Дин ва қийин тарихий шароит яҳудийларни ҳаммадан алоҳида, биқиқ турмуш тарзини олиб боришига олиб келган бўлсада, уларнинг маҳаллий аҳоли билан якинлашувига анча булган. Бунинг натижасида яҳудий тили тожик тилининг самарканд-бухороча лаҳжаси билан алмашинди, шунингдек, уларнинг кийими, овқати, урф-одатлари, мусиқий маданияти ва яшаш тарзида ўзбек-тожик аҳолисига хос элементлар пайдо бўлди.

Ўтган асрда рус маъмурияти бундай деб ёзган эди: «Гарчи яҳудийлар ... диний хусусиятлари туфайли ерли мусулмон аҳоли билан аралашиб кетаётган бўлсаларда, лекин ўз турмуш тарзи, кийим-кечаги ва уй-жойлари характери жаҳатидан маҳаллий сарт аҳолидан ҳам фарқ қилади»[208].

XIX асрда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши яҳудийларнинг қисман озод бўлишига имкон берди. Уларда маҳаллий аҳоли билан яқинлашув учун кенг шарт-шароит вужудга келди. Лекин яҳудийларнинг маҳаллий аҳоли билан тўла аралашиб кетиши юз бермади, чунки бунга диний мансублик йўл қўймади. Диний мансублик этнотабақалаштирувчи

[207] Қаранг: Бабаханов И. М. К вопросу происхождении евреев мусульман Бухаре // Советская этнография. – 1951. – №3. – С. 161–162.
[208] Қаранг: Лейви Д. Положение евреев при Куропаткина // Туркменоведение. – 1930. – №11. – С. 17–18.

оламат ролини ўйнади. Кейинчалик совет даврида дин ролининг заифлашуви яҳудий-ўзбек, яҳудий-тожик, яҳудий-рус никоҳлари ва бошқа никоҳларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Яҳудийларнинг Ўрта Осиёда яшаганликларига гувоҳлик берувчи археологик топилмалар илк бор 1954 йилда совет олимлари томонидан Туркманистоннинг Марв ва Байрамали шаҳарларидан топилган. Булар қадимги синагога қолдиқлари, яҳудий ёзувлари ва номлари битилган сопол буюмлардир. Топилмалар Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатлари ҳукмронлик қилган милоддан аввалги II – милодий I асрларга тегишли бўлган.

XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яҳудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг бир қисми босиб олиниши яҳудийларнинг яна Туркистон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетишига олиб келди. Ўрта Осиё яҳудийлари Бухоро амирлиги ҳудудларида яшаганликлари туфайли «Бухоро яҳудийлари» номи билан танилган бўлсаларда, уларнинг асосий қисми кўпроқ Самарқандда яшаган[209].

XVIII асрнинг ўрталарида Нодиршоҳ Самарқандни босиб олганда унинг лашкарлари орасида турклар, лезгинлар, афғонлар, эронийлар, шунингдек, яҳудийлар бўлганлар. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Каш, Чор-Рага, Новадон, Қўшҳовуз каби маҳаллаларида яшаб қолганлар. Бухоро ҳукумати Нодиршоҳ даврида яҳудийларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлган.

XIX асрга келиб яҳудийлар Ўрта Осиёнинг Қарши, Марв, Хатирчи, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Кармана, Марғилон, Душанба шаҳарларида яшаган. Улар одатда бир мавзега жам бўлиб яшар эдилар. 1843 йилда маҳаллий яҳудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар ерни 10000 кумуш тангага сотиш ҳақида шартнома тузилди. Бу шартномани яҳудийлар жамоасининг 32 аъзоси имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яҳудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар. Жамоа бошлиғи Моше Калонтар сотиб олинган ерда қурилишлар қилиш учун яҳудийлардан пул йиғди. Улар янги жойда биринчи бўлиб Бани Исроил қабилалари сонига мос 12 та ҳовлида уй-жой, мактаб, ҳаммом, синагога қурдилар.

XIX асрнинг 80-йилларида Бухоро яҳудийларидан 1,5 мингга яқини, XX асрнинг 20–30-йиллари эса - 4 мингга яқини яҳудий тилида ўқиш учун Фаластинга кўчиб кетган.

[209] Қаранг: Альмеев Р. Бухарские евреи. – Бухара, 1995. – С. 40.

Ўрта Осиё яҳудийларини маҳаллий аҳоли «жўҳит» деб атаб келган. Ушбу халқ, яъни яҳудийлар ушбу ўлканинг қадимги аҳолисидан бири ҳисобланади[210].

Ўрта Осиё яҳудийларининг каттагина қисми Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида яшаганлар. Айнан шу шаҳарлардан кейинчалик Фарғона водийси шаҳарларига ҳам кўчиб келганлар. Масалан, XIX асрнинг бошларида Бухоро шаҳрида яшаган бир гуруҳ яҳудийлар Марғилон шаҳрига келиб ўрнашганлар. XИХ асрнинг биринчи ярмида яна бошқа бир гуруҳ яҳудийлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан водий шаҳарларига кўчиб келганлар[211].

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, яҳудийлар ва яҳудийлик дини ўзининг қадимий илдизлари ҳамда анъаналарига эга бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида содир бўлган этноинтеграцион жараёнларда фаол иштирок этган. Яҳудийлар, асосан савдо-сотиқ, судхўрлик ва баъзида фолбинлик билан шуғулланганлар. Уларнинг деярли барчаси узоқ давом этган этноинтеграцион жараёнларда ўзининг менталитети ва диний қарашларига содиқ қолган.

КЎҲНА КОСОН ТАРИХИ

Нуриддинов А.А.
НамДУ катта ўқитувчиси

Мустақиллик шабадаси эсиши туфайли халқимизнинг асрлар давомида куртак ёзолмай қолган орзу-армон ғунчалари яшнаб гуллади. Миллий истиқлол нафақат иқтисодий жиҳатдан халқимиз равнақи учун қўш қанот бағишлади,балки маънавий ҳаётимизда жуда катта инқилобий ўзгаришларни вужудга келтирди.Истиқлол туфайли миллий маданиятимиз,унутилган қадриятларимиз,тарихимиз тикланмоқда, миллий шуур,истиқлол мафкураси шаклланмоқда, халқимизнинг минглаб йиллардан буён сақланиб келаётган эзгу урф-одатлари,расм-русумлари,шарқона ахлоқ-одоб қоидалари ҳаётимизда ўз ўрнини эгаллаб бормоқда.Хусусан,бой ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифаларини ўқиб-ўрганиш натижасида халқимиз ўзлигини англаб етмоқда,шўролар даврида унутилган улуғ алломаларимиз номини тиклаб,ҳақли равишда фахрланмоқда.

---

[210] Қаранг: Наливкин В. П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – С. 12; Калантаров Я. И. Среднеазиатские евреи / Народы Средней Азии и Казахстана. – Москва, 1963. – Т. 2. – С. 611–614; Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 34..

[211] Қаранг: Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар.... – Б. 34..

Қадимий ва навқирон Косонсой шаҳри узоқ ўтмишдан Косон номи билан маълум ва машҳур бўлган.У нафақат Фарғона водийсида ,балки Марказий Осиёдаги кўҳна шаҳарлардан бири бўлиб,жуда кўплаб тарихчи олимлар, шарқшунослар диқатини ўзига жалб этиб келган.

Таниқли тарихчи олимлар,мутафаккирлар, адиблар ўз асарларида бевосита ёки билвосита қадимий Косон тўғрисида маълумотлар беришган. Ўрта асрлардаги араб тарихшуносларидан Абулаббос ибн Аҳмад ибн Яъқубий ўзининг «Китоб-ал-булдон»(«Мамлакатлар тарихи»), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абубакр ал-Муқаддасий «Аҳсан-ут-тақосим фи маърифат-ул-ақолим»(«Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма»), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрий «Китоб ал-масолик вал-мамолик» («Мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳақида китоб»), Маҳмуд ибн Валий «Баҳрул-асрор фи маноқиб-ул-аҳёр» («Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи»), Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарларида Косон шаҳрининг пайдо бўлиши тарихи,ривожланиши,иқлими,табиати,аҳолиси ҳамда бу жойдан етишиб чиққан улуғ инсонлар ҳақида қимматли маълумотлар беришган.

XIX асрнинг охири ҳамда XX аср давомида яшаган мутахассис тарихчи олимларнинг кўпчилиги,жумладан таниқли тарихчи ва шарқшунос олимлар Н.Я.Бичурин, Н.Брянов, М.С.Андреев, А.Н.Бернштам, Б.Ғафуров, А.Асқаров, Ю.А.Заднепровский ва бошқалар Косон шаҳрининг пайдо бўлиши тарихи қудратли Кушонийлар салтанати тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб,Косон сўзи Кушондан келиб чиққанлиги ҳақидаги тахминни илгари суришган. Кушонийлар империясининг эрамиздан олдинги II-асрда ташкил топганлигини назарга оладиган бўлсак,бу ҳолда Косон шаҳри пайдо бўлишига 2200 йил бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган рус тарихчи ва шарқшунос олими Н.Я.Бичурин қадимий Даван(Фарғона) мамлакати тўғрисида маълумот бериб, кўҳна Хитой манбаларида Косон шаҳри Кесай, Гесай бошқа бир манбаларда Гуйшан деб тилга олинганлиги тўғрисида шундай ёзади:»Хитой тилида 497 йилда ёзилган манбада «Лона-қадимги Даван ҳокимлиги, ҳоким қароргоҳи Гуйшан шаҳрида жойлашган, деб хабар берилган.Гуйшан Даван давлатининг шимолида жойлашган истеҳком шаҳардир.»[212]Ушбу фикрни 1946 ва 1948 йилларда Косон шаҳрининг шимолида жойлашган қадимий Муғқалъа харобаларида қазишмалар ва илмий тадқиқот ишларини олиб борган академик А.Н.Бернштам янада ривожлантириб шундай ёзади: «Ўша

[212] Бичурин Н.Я.(Иакинф) Собрание сведений о народах, обытавших в Средней Азии в древние времена.-М.-Л.:АН СССР,1950.Т.2,стр.319.

даврнинг(э.о.II-аср) сиёсий маркази Шимолий Фарғонада жойлашган қадимги Косон шаҳри,Хитой тилидаги Гуйшань ёки Кушон шаҳри бўлган.Унинг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган.Қадимги Косон Фарғонанинг кўчманчи ва ўтроқлашган аҳоли яшайдиган ҳудудлари чегарасида, Чотқол тоғларининг этакларида ястанган водийнинг энг сўнгги поғонасида, Олабуқа тоғ тизмалари Фарғона текисликларига туташган ерда жойлашган.Шаҳар-қароргоҳ,Фарғонанинг иқтисодий эмас,балки ҳарбий-сиёсий маркази бўлган қадимги Косон ўзига хос меъморчилик ва турмуш тарзига эга бўлган шаҳардир.У эрамиздан олдинги II-асрда кўҳна Даван замонидаги манзилгоҳ ўрнида қад ростлаган.Бундан истеҳком шаҳар шаҳристонидан топилган кушонийлар даврига хос қизил ва қора рангдаги шаробкосалар ҳам тасдиқлайди.»[213]

Қадимги Косон шаҳрининг Хитой солномаларида Кесай ёки Гесай номи билан тилга олинганлиги ҳамда Даван мамлакатининг асосий шаҳарларидан бири бўлганлигини таниқли шарқшунос олим В.В.Бартольд ҳам тасдиқлайди:»Ўша даврдаги турк хоқонининг қароргоҳи сифатида қадимги Косон шаҳри тилга олинади (хитойча Кэсай).Маҳаллий ҳоким Хуминь шаҳрида яшаган.Тез орада буюк Ғарбий турк империяси инқирозга учраб(658 й), Фарғона мулки қисқа муддат давомида Хитойга буйсунувчи музофот мақомига эришганидан сўнг, Косон шаҳри ушбу мамлакатнинг пойтахти деб тилга олинади.»[214]

Даван(хитойча Да-юань) давлати эрамиздан олдинги III-II асрларда Фарғона водийсида ташкил топган,иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакат бўлган. Даванда суғорма деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик юқори даражада тараққий этганлигини хитойлик тарихчи олимлар Чжан Цянь ва Сюан Цзянь таъкидлаб ўтишган.Даванликлар айниқса буғдой ва узум етиштиришда моҳир бўлишган. Чорвачилик ҳам ривожланган бўлиб, афсонавий учқур отлар парваришлашдаги фарғоналикларнинг шуҳрати Хитойгача етиб борганлиги ва бу мамлакат императорлари ҳавасини келтирганлигини юқорида номлари зикр этилган тарихчи олимлар ёзиб қолдиришган. Фарғоналиклар сиғими 1 дань(100 кг) бўлган катта сопол хумларни ясашган ва уларда узум шарбати ва бошқа озиқ-овқатларни сақлашган.Хитой императори У-Ди Даван мамлакати тўғрисида тўлароқ маълумот олиш учун у ерга элчи ва сайёҳ Чжан Цянни юборади.Чжан Цянь Даван тўғрисида муфассал маълумот тўплаб,унинг марказий шаҳарларидан бири Кэсай-Косон эканлигини тасдиқлайди.[215] VII-аср ўрталарида ёзилган бошқа бир Хитой манбаларида таъкидланишича,

[213] Бернштам А.Н.Древняя Фергана.Издательство Академии Наук УзССР.Ташкент,1951.стр.19.
[214] Бартольд В.В.Работы по исторической географии.М.:Издательство «Наука»,1965,стр.529
[215] Бичурин Н.Я.(Иакинф) Древние авторы о Средней Азии(IVвек дл нашей эры-III-век до нашей эры).Под общей редакцией Л.В.Батенова.Ташкент,1940.стр.161.

Даванда иккита ҳокимлик мавжуд бўлиб,бирининг пойтахти Йебочжи номли ҳоким ўтирган Гэсай бўлган.Иккинчи ҳокимлик пойтахти Хумин бўлган.[216]

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар ҳамда далилларни таҳлил этиб, қадимий Косон шаҳри Даван мамлакати ташкил топган замонда,яъни милоддан олдинги II асрда вужудга келганлиги тўла илмий асосга эга бўлган ҳақиқат деган хулосага келиш мумкин.Этимологик жиҳатдан ҳам Косон ва Кэсай-Гэсай сўзлари бир-бирига яқин, ҳамоҳанг бўлиб, вақт ўтиши билан ушбу сўз таркибида жузъий ўзгаришлар юз беради ва Кэсай Косонга айланади.Айнан Даван ҳукмронлиги даврида қадимий Косоннинг ҳозирги марказий «Деҳқон бозори» ўрнида атрофи икки қатор девор билан ўралган шаҳар қалъаси қад ростлаган. Айни пайтда бу қалъадан ҳеч бир нишон қолмаган.Лекин бозорнинг ғапрбий томонидаги сойга туташган тик жарликнинг тубида шаҳар қалъасига олиб чиқадиган иккита ғор-ер ости йўлининг бошланиш қисми ҳозиргача мавжуд.Кейинчалик Кушонийлар ҳукмронлиги шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш мақсадида Косон шаҳрининг шимолий қисмидаги тепалик устида, жами 2,5 гектарни эгаллаган Муғ истеҳком қалъаси қурилган.Мазкур қалъа харобалари ҳозиргача сақланиб қолган.Қадимий Косонннинг шаҳар марказидаги қалъасидан уч томонга – шимол,жануб ва шарқ томонларига дарвозалари бўлиб,шимолий дарвоза Муғ қалъасига олиб борадиган йўл бошида қурилган.Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўчанинг икки томони баланд девор билан ўралган.Ушбу йўлнинг умумий узунлиги икки километр бўлиб,халқ ўртасида «Қалъа кўчаси» ёки «Қалъача кўча» номи билан сақланиб қолган.Табиийки,кўчанинг икки томонидаги девор ҳам бузилиб кетган,лекин йўл ўзининг асл йўналишини шу кунгача ўзгартирмаган.

Муғ истеҳком қалъасида шоҳ арки, аскархона, соқчилик миноралари, оташпарастлар ибодатхонаси, озиқ-овқат, қурол –аслаҳа омборлари ва бошқа иншоотлар мавжуд бўлганлигини 1946 ва 1948 йилларда бу ерда қазишмалар олиб борган А.Н.Бернштам ҳам тасдиқлайди. Жумладан, «Муғ истеҳком қалъаси Фарғона водийсининг энг шимолий нуқтасида, водийнинг Олабуқа тоғолди минтақасига туташган стратегик жиҳатдан қулай бўлган тепалик устида қурилган бўлиб,Кушонийлар империясининг йирик ҳарбий-сиёсий марказларидан бири вазифасини ўтаган эди»,-деб ёзади А.Н.Бернштам «Қадимий Фарғона» китобида.[217] Муғ қалъаси деворларининг фрагментлари орадан 2200 йил ўтишига қарамасдан қадим Косон шаҳри узра қад ростлаб

[216] Бичурин Н.Я.(Иакинф) Собрание сведений о народах,обытавщих в Средней Азии в древние времена.-М.-Л.:Издательство АН СССР,1950.Т.2.стр.319.Хумин ҳозирги вақтда Қува деб тахмин қилинмоқда.
[217] Бернштам А.Н. Древняя Фергана.Издательство Академии Наук УзССР.Ташкент,1951.стр.19.

турибди. Девор қолдиқлари об-ҳаво таъсирида йилдан йилга нураб,емирилиб бормоқда.

Косон тарихи борасида XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган таниқли тарихчи,адиб ва маърифатпарвар олим-Фарғона жадидчилик мактабининг йирик намояндаларидан бири Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат ҳам маълумот берган. У 1916 йили ёзган «Фарғона тарихи» китобида «Косон Муғий қўрғони ва ўрдаси билан машҳурдир, қалин девор ва катта хиштлар билан бино қилинган,икки минг йиллар ўтуб ҳоло ҳам муоянадур.Айни тарихлар кўрган кишилар бўлса Ихшид деб зикр қиладирғон Суғд подшолари ҳам бу ерда ҳукмронлик қилган»,-деб ёзади.[218]

Кейинчалик, қадим Косон шаҳрида XI асрда Шайх Султон Жалолиддин Сомоний (Сомонийлар авлоди) шарафига қурилган мақбара,унинг ёнида бунёд этилган водийдаги энг қадимий масжид-»Ғўзапоя мозор масжиди», XVII асрда қурилган водийда ягона ва нодир бўлган Жомеъ масжиди ва ноёб меъморчилик обидаси – ер ости ҳаммоми ҳамда Шайхон маҳалласида XVIII асрда қурилган Юсуфхон Эшон мақбараси ўзининг бетакрор меъморий тузилиши ва ўзига хослиги билан тарихчи олимлар ва мутахассислар диққатини жалб этиб келмоқда.

Асрлар давомида қадимий Косондан юзга яқин Косоний нисбати билан танилган улуғ инсонлар,олиму мутафаккирлар етишиб чиққанлиги ушбу масканнинг нақадар чуқур маънавий илдизларга эга эканлигидан далолат беради.Жумладан,XI асрда яшаган файласуф ва фиқҳ олими, 6 жилдлик «Бадое- ус-саное фи тартиб-уш-шароеъ» асарининг муаллифи Мавлоно Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуди Косоний, XI асрда Қорахонийлар давлатида қозикалон ва бош вазир лавозимларида фаолият олиб борган Абу Наср ибн Сулаймон ал-Косоний,XII асрда яшаган илоҳиёт ва фиқҳ олми Заҳируддин Ашраф ибн Нақиб ал-Косоний,шоир ва давлат арбоби Шамсиддин Байғумалик Косоний,XV-XVI асрларда яшаб Нақшбандия тариқатининг назарий жиҳатдан юксак чўққиларга олиб чиққан ва ўттиздан ортиқ илмий-фалсафий ва ирфоний рисолалар ёзган мутафаккир, аллома Ислом тарихида учинчи ва охирги бўлиб Аъзамлик даражасига етган Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний – Махдуми Аъзам,ҳамда кейинги даврларда яшаб ижод қилган тарихчи олим,адиб ва шоирлар Маҳмуд ибн Валий Косоний,Муҳаммад Шариф Узлат Косоний,Фазлий Косоний,Муҳаммад Аминхўжа Косоний,Муҳаммад Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон тўра Косоний ва бошқа кўплаб олиму шоирлар қадимий Косон номини жаҳонга машҳур этган инсонлардир.

[218] Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат.Фарғона тарихи.”Мерос туркумидан”-Тошкент,”Камалак”,1991,277-бет.

Ўтмиш тарихий обидаларини сақлаб қолиш,ушбу сарзаминда туғилиб вояга етган улуғ алломалар,олимлар,шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш,улар томонидан ёзиб қолдирилган бебаҳо асарларни ўқиб-ўрганиш ва нашр этиб оммалаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бўлиб,ёш авлодни мустақил ватанга садоқатли ва фидоий инсонлар қилиб тарбиялашда ҳамда улар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ»НИНГ ЁШЛАР КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хакназаров Х.Д.
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси
Сулаймонова Г
Низомий номидаги ТДПУ магистранти

Ёшлар муаммоларини тадқиқ этиш, уларнинг ижтимоий турмушига боғлиқ масалаларни ўрганиш барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган. Айниқса бугунги глобаллашув даври ёш авлод олдига янгидан-янги мақсад ва вазифаларни қўймоқдаки, бунинг натижаси ўлароқ ёшлар замон руҳига мос, барча соҳаларда илғор замонавий билимларга эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.[219]

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, «Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги

[219] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сентябрь.

қонунни янги таҳрирда қабул қилинди. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда.[220]

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб ўтилганидек, ёшларнинг таълим ва тарбиясида маҳалланинг ролини кучайтириш, уларга янги иш ўринлари яратиш, айниқса хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратиш, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш каби масалалар бугунги кун тартибидан турган энг долзарб масалалар ҳисобланади[221].

Ўтган йиллар давомида ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар туфайли уларнинг ижтимоий ҳаёти, жамиятдаги мавқейи билан боғлиқ жиҳатлар юзасидан қатор муаммолар вужудга келди. Мамлакат Президентининг қайд этишича, «Мамлакатимиз бўйича кейинги йилларда содир этилаётган барча жиноятларнинг 25-30 фоизи ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани, умуман олганда, ҳар йили 30-34 минг нафар ёшлар, жумладан, 3,5 минг хотин-қиз жиноят содир этаётгани барчамизни ташвишга солиши зарур. 2016 йилда фақат академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 1 минг 427 та жиноятга қўл урилган». Ёшлар тарбиясига етарли эътибор қаратилмагани оқибатида ўтган йили 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролар томонидан жами 31 минг 933 та жиноят содир этилган. [222]

Шу ўринда ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».[223] Демак бу соҳадаги

[220] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. http://press-service.uz/uz/lists/view/1371

[221] Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2017. – Б.112.

[222] Мирзиёев Ш.Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъит билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» 2017. Б.324.

[223] Мирзиёев Ш.Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъит билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» 2017., Б.124-125.

муаммоларни олдини олишда аввало ёш авлод тарбияси тизимига янгича ёндашувни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2017-йил 5-июль кунидаёқ Ёшлар иттифоқининг 19 нафар аъзодан иборат Ижроия қўмитаси сайланди. Ёшлар Иттифоқи қошида ёшлар ташаббуслари, тадбиркорлик, ёш олимлар, ёш фермерлар, имконияти чекланган болалар ва ёшлар, ёш рассомлар ва амалий санъат усталари, спорт клублари, хориждаги ёшлар билан ишлаш, ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш, ёшлар туризмини ривожлантириш, ёш дастурчилар ва блоггерлар билан ишлайдиган тузилмалар, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг фаолиятини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017-йил 30-июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойида Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, мазкур ташкилот ўрнига янги – Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этишни таклиф қилди.[224] Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни» деб эълон қилинганлиги ҳам муҳим тарихий воқелик саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига асосан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг ўн икки банддан иборат устувор йўналишлари белгилаб олинди.[225]

2017-йил 5-июль кунидаёқ Ёшлар иттифоқининг 19 нафар аъзодан иборат Ижроия қўмитаси сайланди. Ёшлар Иттифоқи қошида ёшлар ташаббуслари, тадбиркорлик, ёш олимлар, ёш фермерлар, имконияти чекланган болалар ва ёшлар, ёш рассомлар ва амалий санъат усталари, спорт клублари, хориждаги ёшлар билан ишлаш, ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш, ёшлар туризмини ривожлантириш, ёш дастурчилар ва блоггерлар билан ишлайдиган тузилмалар, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг фаолиятини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ёшлар иттифоқи тузилган вақтдаёқ ташкилот олдига биринчи навбатдаги муҳим вазифа сифатида айнан ёшларнинг йўлдан адашганларини тўғри йўлга солиш, уюшмаган қатлами билан ишлаш борасида янги механизмларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Шу

[224] Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. http://uza.uz.
[225] Ўша манба.

боисдан ташкил этилганидан сўнг қисқа муддатда – 2017-йилнинг 9-10 август кунлари «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси ташкил этилди. Мазкур анжуман ва иттифоқнинг мунтазам стратегик фаолияти давомида ёшларнинг уюшмаган қатлами билан ишлаш принциплари шакллантириб борилмоқда. Бу борада тегишли давлат муассасалари, халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар тажрибалари ўрганиб борилмоқда. Ташкилотнинг олти ойлик фаолияти давомида 237 нафар уюшмаган ёшлар турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.[226]

Президент фармонига кўра Конституция қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан авф этилган 252 нафар ёшларга ташкилотнинг ҳудудий кенгашларидан бир нафардан ходим бириктириб қўйилган. Шунингдек озодликка чиққанларнинг 144 нафари иш билан таъминланган.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда Шу каби муаммоларни олдини олиш мақсадида ташкилотда мунтазам равишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. «Биз ёшлар юртимизга хизмат қилишда вижонли, инсофли, ҳалол бўлишимиз шарт» шиори остидаги расмлар танлови, «Биз одам савдосига қаршимиз!» ёшлар аксияси, «Ёшлар ва қонун» лойиҳаси, «Ҳоким ва ёшлар», «Прокурор ва ёшлар», «Суд ва ёшлар» каби очиқ мулоқотлар шулар жумласидандир.[227]

Ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон томонидан глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.[228]

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида, «Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай

[226] Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи. Ёшлар овози. 2017-йил 27-декабрь.
[227] Ўша манба.
[228] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сентябрь.

одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур»лигини алоҳида қайд этди.[229]

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқида ёшлар муаммолари бартараф этиш юзасидан халқаро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ташкилот номидан бугунги кунга қадар 250 нафар ёш делегатлар Хитой, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлиб тенгдошлари билан учрашишди.

Шу билан бирга соҳадаги ислоҳотларни келажакда янада ривожлантириш ташкилотга янгидан-янги вазифаларни юклайди. Чет элда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ёшларимиз билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тез кунларда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясини ташкил этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга Марказий Осиё ёшлар форумини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Ташкилотнинг фаолият доирасини янада кенгайтириш, ёшлар ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатларни бунданда жонлантириш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суришни мақсадга мувофиқ деб биламан:

биринчидан, ёшлар ижтимоий ҳаёти муаммоларини комплекс ўрганишда халқаро тажрибалардан фойдаланиш;

иккинчидан, ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва уни профессионал механизмлар асосида ташкил этиш;

учинчидан, ёш йигит ва қизларнинг жамиятга ижтимоийлашувига дахлдор муаммоларини бартараф этишда аниқ ва самарали амалиётга риоя қилиш;

тўртинчидан, ёшларни ватанга садоқат, миллий урф-одат анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда тизимли иш олиб боришдан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ташкилот олдига янгидан-янги вазифалар қўйилмоқдаки, уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга оширишда ечимини кутиб турган муаммолар ҳам талайгина. Шу боисдан ҳам иттифоқ бугунги кундаги каби жонли фаолиятида оғишмасдан илдамлаши, том маънода ёшларнинг суянчи ва таянчига айланмоғи лозим.

[229] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. http://press-service.uz/uz/lists/view/1371.

ПУТИ И МЕТОДЫ АКТИВИЗАЦИИ МОЛОДЁЖНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ

Юсупова Э.Ф
старший преподаватель ТГПУ

Принятие Закона Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике» в 2016 году явилось важной вехой в социальной активизации молодёжи Узбекистана – наиболее динамичной части общества. Государственная молодёжная политика Республики Узбекистан является системой государственных приоритетов и мер, направленных на создание условий и возможностей для успешной реализации и эффективной самореализации молодёжи, развития её потенциала в интересах Узбекистана.

В своем выступлении, носящем программно-политический характер, на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса, Ш.М. Мирзиёев отметил, что «Сегодня жизнеутверждающий призыв «Наши дети должны быть сильнее, умнее, мудрее и, конечно же, счастливее нас!» занял прочное место в сознании и сердцах каждого из нас, родителей и широкой общественности… Мы должны довести до логического завершения, проводимую в этом направлении широкомасштабную работу, в частности, принятие общенациональной программы в сфере образования и воспитания»[230].

Реформа молодёжной политики, создание Союза молодёжи Узбекистана является значительным политическим событием в общественной жизни, она направлена и рассчитана, прежде всего, на активизацию молодёжи и молодёжных организаций в процессе построения современного правового государства и гражданского общества. Данный факт, с политической точки зрения, можно оценить как факт углубления реформы политической системы общества, ее демократизации. Как известно, демократический тип политической системы характеризуется широким вовлечением в политику граждан, обеспечением их прав и свобод, высоким уровнем жизни, участием в осуществлении власти широкого круга лиц, парламентским способом выражения воли народа, выборностью и подотчетностью законодательных органов власти, высоким уровнем политической культурой. В Узбекистане за годы независимости частично реализованы

[230] Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2016. – С.39-40.

данные требования. Однако, для полного воплощения их в жизнь необходимо, на наш взгляд, формирование соответствующего уровня политического сознания. А это нелёгкая задача, она требует учёта, прежде всего, национального менталитета, создания нового политического менталитета. Политический менталитет – опосредующее звено во взаимодействии политического сознания и национального менталитета, является историческим продуктом данного взаимодействия.

С другой стороны, политический менталитет и его содержание формируется под воздействием исторических, политических, социально-экономических, этнических, религиозных, географических факторов и других условий проживания «субъекта менталитета». На этом основании можно полагать, что политический менталитет – это совокупность культурно-социальных, национальных, политических «диспозиций», действующих на сознательном и бессознательном уровне, приводящих в действие механизмы политического действия и поведения граждан как ответ на изменение социально-политической ситуации, а следовательно, и условий жизни общества. На изменение политического менталитета определяющее воздействует характер и природа государственной политики. Так, например, приход к власти нового политического лидера Узбекистана Шавката Мирзиёева в корне изменил политический менталитет общества – народ начал ощущать единство государства и общества, открытие портала в приёмной Первого лица государства – тому подтверждение. В указанном выше выступлении Президента в этой связи говорится, что «мы должны перейти на абсолютно новую в качественном отношении систему работы государственных органов с обращениями граждан…не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу»[231]. Самое главное – эта политика не только сближает власть и народ, но и повышает уровень доверия к власти со стороны общества.

В данной статье считаем уместным акцентировать внимание именно на данном положении, так как оно определяет судьбу формирующегося в Узбекистане гражданского общества. Поясним это решение следующим образом. Начнём с положения, носящего методологический характер в указанном ракурсе, известного западного социолога и философа Э. Дюркгейма, в изложенном им в его труде «О разделении общественного труда»: «Нация может поддерживать своё существование только тогда, когда место между государством и человеком занимает целый ряд коллективов второго уровня, находящихся достаточно близко к

[231] См. Указ. соч., С.44-45.

отдельным людям, чтобы прочно удерживать их в сфере своего действия и тем самым погружать их в общее течение социальной жизни» [232].

Молодёжные организации, функционирующие под эгидой Союза молодёжи Узбекистана, призваны сыграть эту опосредующую роль во взаимодействии государства и общества. Однако эффективность деятельности этого «опосредующего звена», т.е. молодёжной организации, все же зависит от уровня политического сознания молодёжи, сопряжённого с национальным менталитетом. А политический менталитет тесно взаимосвязан с такими характерными особенностями национального менталитета узбекского народа, как патернализм, открытость, общинность и т.д.

В зависимости от природы отношения человека к демократии политический менталитет можно разделить на индивидуалистский (Ф. Фукуяма) и коллективистский, общинный (Конфуций). Узбекскому обществу исторически свойственен последний – коллективистский политический менталитет, известный патернализм. Практическим основанием различий коллективистской и индивидуальной ментальности выступает характер приспособительной ориентации человека. Тут всё зависит от того, обеспечивается ли выживание индивида главным образом собственными усилиями или же достигается при помощи какого-то сообщества, т.е. в рамках тесного сотрудничества с другими людьми. Индивидуализм, как понятие, является следствием первой ситуации, а коллективизм – второй. Это расхождение порождает противоречивую ситуацию в определении типа менталитета. По нашему глубокому убеждению нельзя «перепрыгивать» социально-исторический процесс, минуя определённые этапы развития истории. За это приходится платить многими издержками в социальном развитии, особенно в формировании политического сознания, соответствующего требованиям демократического общества.

Как правильно отмечал Первый Президент Узбекистана Ислам Каримов: «Нельзя построить новую жизнь старыми взглядами». А эти взгляды были не личными, инициативными и творческими, а лояльными, инертными, фальшивыми. Самое опасное в годы советской власти было то, что сформировался у народа своеобразный менталитет, основанный на недоверии к государству. Народ знал, что выборы в государственную управленческую пирамиду были «номинальными», не было состязательности, характерной демократии. Монопартизм, сопряжённый с авторитаризмом, способствовал отчуждению человека от власти, образованию пропасти между обществом и государством. Всё это способствовало формированию определённого политического

[232] Цитаты по работе Ф. Фукуяма. Доверие. – М.: АСТ, 2008. – С.7.

менталитета, основанного на мышлении лжи в проведении государственной политики.

Как отмечает одна из исследовательниц влияния политического менталитета на развитие демократии, русский автор Мария Тимофеева «Коллективизм препятствует утверждению буржуазного договорного частного права»[233]. Далее она подчеркивает, что такое право легко и непринужденно формируется лишь там, где индивиды никак не связаны друг с другом и вынуждены вырабатывать правила (законы) своих взаимоотношений с нуля [234]. По ее мнению коллектив всегда выступает в роли ограничителя индивида. Это характерно для западного типа менталитета и не совместимо с реалиями восточного общества. Не случайно Первый Президент Узбекистана Ислам Каримов ввел в нашу отечественную политическую теорию концепт «восточный тип демократии». Пребывание в составе коллектива (в нашем случае махалли) совместимо только с таким поведением и такими видами деятельности, которые не разрушают, то есть не отрицают цементирующих данных, коллективных связей. Однако, автор справедливо отмечает, что коллективистские порядки направляют активность людей не на развитие орудия труда и производства, а на достижение иных целей, переключая внимание на достижение успеха в социальной сфере, т.е. на повышение своего социального статуса. Тут возникает антиномия – асимметрия между социальным и личным интересами.

Ещё Алексис де Токвиль в 30-е годы XIX века, когда посетил Америку с целью изучения природы демократии, успеха и благосостояния в обществе, заметил роль и инициативу, трудолюбие и энергию человека. Поэтому вслед за Исламом Каримовым резонно различать западноевропейский характер, сформировавшийся под воздействием индивидуализма и восточный национальный менталитет, сформировавшийся на основе патерналистских и коллективистских началах и традиций.

На наш взгляд, движущей силой любой социальной организации, прежде всего, являются люди, субъект политики. Поэтому мы, исследовав литературу, отражающую западный и восточный типы политического сознания, получили вывод о существенном различии западноевропейского и восточного национального менталитета и соответственно политического сознания. Данный вывод не является новым в научной литературе. Глубоко и всесторонне изучавший рассматриваемую проблему, американский социолог Фрэнсис Фукуяма

[233] Тимофеева М. Особенности влияния политического менталитета на развитие демократии в России./ «Власть», №11, 2007. – С.19.
[234] Там же.

полагает, что «практически любая экономическая организация начинается как семейное дело, то есть как предприятие, которым владеют и управляют родственники»[235]. Мощный экономический рост такой страны как США связан с образованием системы прав собственника, где большинство семейных производств получили статус юридического лица. Думается, что проводимая в Узбекистане экономическая реформа, основанная на формировании различных форм собственности, впоследствии приведет к «взрыву» инициативы и творчества наших собственников и выведет Узбекистан на передовые ряды современного производства. Это всё отразится на нравственном, а затем на политическом сознании человека.

Отрадно отметить, что проводимая под руководством Президента Шавката Мирзиёева широкомасштабная реформа, принятая Стратегия действий в 2017-2021 годах зиждется именно на этой политической платформе. Рыночные отношения требуют смену прежних жизненных установок и парадигм. Если США, по определению Алексиса де Токвиля, в своём демократическом развитии основывались на протестантской и пуританской трудовой этике, то в Узбекистане возрождается разработанная уже в середине века нашим великим предком Накшбанди парадигма «Даст бакору, дил ба ёр», т.е. принцип «Рука в труде, Аллах в душе». Созидательный труд во имя личного и общественного благополучия оценивался как источник счастья человека, его благосостояния.

«Концепция административной реформы», принятая в сентябре 2017 года[236] в корне и основательно меняет прежнюю психологию трудовой этики – созидательный труд, инициативность рассматриваются как главный критерий в оценке трудовой деятельности.

В Законе Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике» 2016 года в качестве основных направлений государственной молодёжной политики рассматриваются: обеспечение прав, свобод и законных интересов молодёжи; охрана жизни и здоровья молодёжи; содействие духовному, интеллектуальному, физическому и нравственному развитию молодёжи; обеспечение для молодёжи доступного и качественного образования; создание условий для трудоустройства и занятости молодёжи; воспитание молодёжи в духе патриотизма, гражданственности, толерантности, уважительного отношения к законам, национальным и общечеловеческим ценностям; повышение уровня правового сознания и правовой культуры молодёжи; поддержка и стимулирование одаренной и талантливой молодёжи;

[235] Ф. Фукуяма. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. – М.: АСТ, 2008. – С.100.
[236] См. «Народное слово». От 9 сентября 2017 года.

создание условий для развития молодёжного предпринимательства; реализация комплексной системы мер по моральной и материальной поддержке молодых семей, созданию для них достойных жилищных и социально - бытовых условий; развитие сотрудничества с международными организациями, осуществляющими деятельность в сфере реализации прав и свобод молодёжи [237].

Данные направления являются руководством для деятельности молодёжных организаций городского, областного и республиканского уровней. Данный Закон является уникальным по своей природе политическим и правовым документом, регулирующем деятельность молодёжи и молодёжных организаций. Уникальность Закона состоит в том, что он регламентирует не только возрастной ценз молодёжи, но и в правовом отношении гарантирует статус таких институтов как «молодая семья», «молодой специалист», «молодёжное предпринимательство» в приоритетном отношении.

Активизация молодёжных государственных и негосударственных организаций – цель государственной молодёжной политики. В политологическом плане эта цель основывается на взаимном единстве триады: «цель – средство – результат». Демократическое политическое сознание – цель государственной молодёжной политики. Однако эта цель реализуема только тогда, когда существует система средств и механизмов достижения этой цели. Указанный выше Закон служит средством реализации подобной цели. В политическом и методологическом отношении следует иметь ввиду, что политика, направленная на активизацию молодёжи в процессе формирования правового государства и гражданского общества, основанных на самоорганизации и самоуправлении, все же, упирается на задачу формирования у молодёжи высокого уровня политического и правового сознания, культуры.

Проводимые социально-политическая и правовая реформы, достигнутое в молодёжной сфере убеждает в том, что сегодняшняя молодёжь – будущее нашего общества, непременно выведет нас на передовые ряды современного развития. Это связано с богатым духовным наследием народа в сфере воспитания и образования, науки и культуры, которые являются основой развития узбекистанского общества.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике». / «Народное слово». От 15 сентября 2016 года.

[237] См.: Закон Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике». / «Народное слово». От 15 сентября 2016 года.

2. Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2016.

3. Тимофеева М. Особенности влияния политического менталитета на развитие демократии в России. / «Власть», №11, 2007.

4. Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. – М.: АСТ, 2008.

ХОРАЗМ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ХУСУСИДА

Раззоқова. Г.
ЖДПИ катта ўқитувчиси
Абраева Ю.
Тарих факультети талабаси

Маълумки, Хоразм ўзининг мусиқа ва ижрочилик санъати билан машҳур бўлган. Тарихчи археологик олимлардан С.П. Толстов ва Я.Ғуломовнинг таъкидлашларича, Хоразмнинг мусиқа маданияти узоқ ўтмишга мил. авв. 2 минг йилликларга бориб тақалади. Тупроққалъа харобаларидан топилган арфа чалаётган аёл ва созанда расми ва ҳайкалчалар бу фикрни тасдиқламоқда. Арфа, танбур, дўмбира, ғижжак, қайроқ ва бошқа асбоблар аждодларимизнинг энг қадимий мусиқа асбобларидандир. Мақомчилик ҳам ашулачилик санъатининг бошқа турлари каби, Хоразмда бошқа Шарқ халқларидаги каби эрта шаклланган. Мақомчилик Хоразм мусиқа меросининг асосини ташкил қилади. Ўзбек мусиқа маданиятининг мақом таркибидаги, Хоразм мақомчилик санъати мўътабар маънавий мерос эканлиги билан баҳолидир.[1] Хоразм мақомининг ижодкорлари асрлар давомида мақомларга янги ўзига хос қисмлар боғлаб бойитганлар. Хоразм мақоми оҳангдор куй ва мунгли қўшиқлар қомусидир.

Хоразм мусиқа санъати ҳам юксалиш ва турғунлик даврларини бошдан кечирган. IX-X асрлар Хоразм мусиқа санъатининг юксалиш даври бўлди. Бу ҳақда ўша даврдаги араб сайёҳлари Ёқут Ибн Румта, Ибн Ал Ҳамавий ўз асарларида алоҳида қайд этган. Ўша даврда Хоразмда яшаб ижод этган Шарқнинг буюк алломалари Беруний, Ибн Сино, Қандий, Чағминий ва бошқалар бу ерда мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшишган. Буюк Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври бастакорлик ва ижрочилик санъатининг ривожланишида янги босқич

бўлди. Машҳур бастакор В.А.Успенский томонидан 1923 йилда Бухорода XVIII-асрга оид «Хоразм мусиқа ҳаёти» нинг топилганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Араблар (VIII-аср) ва сўнгра мўғуллар (XIII-аср) истилоси Хоразмнинг маданий ҳаётига, шунингдек, мусиқа маданиятига катта зарар етказди. Хоразмда мусиқа ва ашулачилик санъатида унинг Олтин Ўрда ва Темурийлар салтанати қўл остида яшаган даврида яна бир мунча кўтарилиш юз берганини кўрамиз.

XIX-аср Хоразм мусиқа маданияти тараққиётида энг улкан ва самарали босқич бўлди. Бу дарда Хивада маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган ажойиб бастакорлар, ашулачилар, мақомчилар ва шоирлар етишиб чиқди.[238] Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Мунис, Огаҳий, Комил ва бошқа шоирлар бу кўхна санъатнинг янада сайқал топиши ва такомиллашувига катта ҳиссса қўшдилар. Хивада хон саройида машҳур созанда ва бастакорлар тўпланиб, Хоразм мақомчилари мактаби вужудга келди. Бу ерда Худойберди устоз, Ниёзжон Хўжа, Махсумжон Қози, Уста Муҳаммаджон танбурчи, Абдусаттор Махсумхўжа каби санъаткорлар ижод қилди. Уларнинг фидойи меҳнати туфайли Хоразмда ўзига хос қўшиқчилик йўналиши майдонга келди. Шулардан Худойберди устоз қадимги ўн икки мақомни жуда яхши билган ва кўпгина бастакорлар етиштириб чиқарган. Ниёзхўжа бўлса етук созанда, бастакор ва мусиқа назарячиси бўлиб, Хоразм ва Бухоро мақомларини жуда яхши эгаллаган. У «Бузрук» мақомига «сақил» қўшиб, «сақили Ниёзхўжа» деб номланган куйни басталаган. Хоразм мусиқа санъатини ривожлантиришда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг катта хизмати бор. У санъаткорларга алоҳида ғамхўрлик қилди. Ўзи ҳам «Феруз» тахаллуси билан ажойиб шеърлар ёзган, ёқимли куйлар басталаган. Айниқса, Мунис ва Огаҳий шеърларига бағишлаб куйлар яратган. Феруз «Рост» мақоми чолғу қисмига «сақили Феруз» куйини, бундан ташқари яна 12 га яқин куй ва қўшиқларни басталаган ижодкордир.[239]

Хоразм мусиқа мақомчилик санъатини ривожлантиришда Комил Хоразмийнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. У Хоразм мақомлари оҳангини қоғозга туширди ва бу ихтиро «Хоразм танбур чизиғи (нотаси)» номи билан машҳур бўлди. Комил Хоразмий бундан ташқари яна «Шошмақом»нинг «Мақоми Рост» қисмига ўзининг « мураббаи Комил» куйини басталади, шу билан Хоразм мақомчилик санъатини янада юксак поғонага кўтарди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразм мусиқа намояндалари сафи Муҳаммад Ёқуб, Ҳазрат Девон Қурбон ўғли, Худойберган Муҳркон, Сайид Файзулла каби

[238] Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. Т.: Фан 1985, 18-бет.
[239] Хўжамқулов П.Б., Мамедяров Т.: Хоразм мақом санъатига бир назар. Ангрен, 2008 й, 15-16-бет.

машҳур бастакор мақомчилар билан тўлди. Хоразм мусиқа санъатини ривожлантиришда уларнинг ҳам бебаҳо ҳиссалари бор.

Хоразмда мақом йўлларига яқин мумтоз мусиқа намуналари қадимдан маълум бўлган. Бизгача етиб келган олти мақом («Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ»,»Сегоҳ», «Ироқ») тизими «Шошмақом» асосида XIX аср бошларида шаклланган. Ҳар бир мақом белгиловчи омил- муайян лал тизими ва унинг асосида юзага келган куй йўлларидан иборат. Хоразм мақомлари Бухоро «Шошмақом»и сингари мустақил тузилишга эга бўлган чертим (чолғу) ва айтим (ашула) бўлимларини ўз ичига олади. Чертим йўли (бўлими) тани мақом, таржи, пешрав, мухаммас, сақил, уфар каби шаклан якунланган ва нисбий мустақил қисмлардан ташкил топган. Бошланғич тани мақом ва якунловчи уфар ҳар бир мақомда биттадан бўлса, ўртада келадиган пешрав, мухаммас, сақил 2-3 тагача бўлади. Чолғу йўли якканавозлигида танбур асосий соз ҳисобланади. Жўрнавозлик одатда танбур, дутор, най, буломон, қўшнай, ғижжак, чанг, доирадан иборат ансамблда амалга оширилган.

Шунингдек, Хоразм мақомининг дутор, сурнай йўллари ҳам мавжуд. Масалан, XIX- XX аср бошларида Хивада 11 та Хоразм дутор мақоми машҳур бўлган: «Чавандоз», «Навоий», «Садри Ироқ», «Ташниз», «Ағёр» ва бошқалар. Бу йўллардан фарқли ўлароқ улар туркумли асарлар бўлиб, ҳар бири 2-7 қисм (масалан, «Ироқ» дутор мақоми, «Ўтар уфори», «Нигорон», «Оромижон», «Боймуҳаммад», «Сақлансин») дан иборат бўлган. «Ораз бам ва уфориси», «Мажнун дали», «Ровия», «Мускин ифориси», «Мўғилча ифори»лари М.Юсупов томонидан «Ўзбек халқ мусиқаси» нинг 6-жилдига киритилган.

Айтиш йўли тани мақом, талқин, наср каби асосий қисмлар – шўъбалар ва улар негизида тузилган тарона, сувора, нақш, фарёд ва уфар деб номланган вариант қисмларидан ташкил топган. Дастлаб Хоразм мақоми ижросида форс-тожик (Ҳофиз, Жомий каби) ва кейинчалик ўзбек, озарбайжон мумтоз шоирлари (Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳийлар)нинг ғазалларидан фойдаланилган.

Хоразм мақоми ва Бухоро «Шошмақом»ининг умумий ҳамда фарқли томонлари мавжуд. Ташқи томондан Хоразм мақоми «Рост»дан, «Шошмақом» «Бузрук»дан бошланади. Хоразм мақомида «Ироқ»нинг ашула бўлими унутилган. «Рост» мақомининг чертим йўллари асосида 8 қисмдан иборат «Панжгоҳ» туркуми яратилган; сувора, нақш, фарёд қисмлари ўзига хос хусусиятга эга: савт ва мўғилча каби 2-гуруҳ шўъбалари учрайди. Ички тузилиши жиҳатдан кўпчилик доира усуллари, куй қиёфаси, ижрочилик услуби мустақиллиги билан ажралиб туради.[240]

[240] Ҳўжамқулов П.Б., Мамедяров Т. Хоразм мақом санъатига бир назар.-Ангрен, 2008 й, 18-бет.

Хоразм мақоми Комил Хоразмий ижро этган танбур чизиғида унинг ўзи ва ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши томонидан тўла ёзилган (1886). Ҳозирда нота ёзувида Е.Романовская чертим йўлларини («Хоразм мумтоз мусиқаси», Т., 1939) ва М.Юсупов чертим ва айтим йўлларида («Ўзбек халқ мусиқаси», 6-ж., Т., 1958) ёзиб олинган. М.Юсупов томонидан томонидан кейинчалик нашрга тайёрланган.[241]

«Хоразм мақомлари» тўпламига (1980-1987) Хоразм мумтоз мусиқасининг бошқа жанрлари (сувора, фарёд каби) намуналар ҳам киритилган. Е.Романовская, И.Акбаров томонидан Матёқуб Харратов томонидан ижро этилган айрим парчалар фонографга ёзиб олинган (1934). Санъатшунослик институтида К.Отаниёзов ва К.Исмоиловлардан «Рост», «Наво»,» Дугоҳ», «Сегоҳ» (1952) мақомларининг ашула йўллари магнит лентасига ёзиб олинган.

Хоразм мақом ижрочилигининг йирик намояндалари Ниёзжонхўжа, Комил Хоразмий, Феруз, Худойберган Мухркан, Матёқуб ва Матюсуф Харратовлар, М.Худойберганов, К. Отаниёзов, Ҳ. Болтаев, М.Раҳимов, Н. Юсупова, М. Юсупов, Р.Жуманиёзов ва бошқалардир.[242]

Шундай қилиб , XIX охири ва XX аср бошларида Хоразм маданий ҳаётида жуда катта бурилиш даври бўлди. Бу давр маданиятимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган машҳур бинокорларни, меъморларни, шоиру бастакорларни юзага келтирди. Уларнинг бизга мерос бўлиб қолган бой, бетакрор ижодий хазинаси халқимизнинг маънавий камолотига самарали хизмат қилмоқда.

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг, хусусан мақом санъатини 2006 йил нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКО томонидан тан олиниши ва кўп асрлар олдин вужудга келганлиги оғиздан-оғизга ўтиб мукаммаллаштирилган ва тўлдирилган ҳолда нафақат ўзбек халқининг, балки умумбашарий санъат дурдонасига айланганлигидан далолат беради.[243]

Ўзбек мақом санъати мушкилот ва наср қисми (чертим, айтим) дан иборат. Шунингдек мақом ашулалари мумтоз шоирларнинг ғазалларига басталаниши билан алоҳида қимматга эга. Бу анъана устоздан шогирдга ўтиб келган. Бу санъат тўғрисида қуйидаги олимларнинг ижодий ишларида маълумотлар етарлича мавжуд. Абу Али ибн Синонинг «Мусиқа ҳақида трактат» (X-XI аср) ва Дарвиш Али Чангий «Мусиқа ҳақида трактат» (XVII аср)лари шулар жумласидандир.

[241] Ўша манба. 17-18-бетлар.
[242] Рўзимбоев С. Хоразм достонлари.-Т.: Фан, 1985. 13-14-бетлар.
[243] Ҳоди Зариф. Фозил шоир-машҳур достончи / Ўзбек халқи ижоди бўйича тадқиқотлар.3-китоб: Фозил шоир. Т: Фан, 1973. 15-бет.

Мақом санъатининг тарихи жуда кўхна ва ўз ўқ илдизлари билан инсоният пайдо бўлишининг илк босқичларига бориб тақалади.[244] Мақомлар ўша қадим замонлардан буён кишиларни руҳан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи восита сифатида тинмай хизмат қилиб келмоқда.

Мақом оҳангга жойланган тафаккурдир. У қоғозга битилган, тошга ўйилмаган китоб. Қанчадан-қанча жангу жадаллардан омон чиққан сеҳрли наволар ҳамон одамларни ўйлашга, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида хаёл суришга ундайди. Унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади[245].

Хоразм мақом санъатига катта ҳисса қўшган олимлар, шоирлар мусиқа назариячилари, танбур нота чизиғининг ихтирочиси Муҳаммад Ниёзов, Комил Полвон, Миро Боши ҳисобланса, Муҳаммад Раҳимхон эса Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган, чолғу айтим қисмларига кўпгина мусиқа басталаган.

Комил Хоразмийнинг шогирдлари Худойберган Мухркан, Матёқуб позачи, Абдулла Гулобий, Ёқуб Доричи, Аваз Доричи, Худойберди Махсум, Бобожон Буламончи, Собир Маҳрам, Отажон Сўта, Матасан бобо, Муҳаммадрасул Мирзо, Матёқуб Харрат, Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовлар мақомларни ва йирик халқ куйларини такомиллаштиришда ва янги вариантларини яратишда ўз ҳиссаларини қўшишган. Номлари ўзгариб ижро этилиб юрган асарлар тўғрисида мақом жилдининг 1-2- қисмларида намуналар келтирилган. Масалан, «Рост» мақомининг чолғу қисмидаги 3-куйи «Ху наб» номи билан куйланиб келинган. «Рост» мақомидаги фарёдий насри (Хоразм мақомлари, 1- том, 167-бет) Навоий ғазали «Ушшоқ», «Шитоб айлаб» ёки «Тун оқшоми» номида ижро этиб келинмоқда[246].

Хоразм мақом санъатининг устоз ижрочи ва созандалари қаторида Комил Хоразмий (1825-1897), Матёқуб Харрат (1868-1939), Матпона Ота Худойберганов (1886-1960), машғур созанда гармончиларидан Сафо Муғоний (Сафо созчи), Мадраҳим Шерозий (Мадраҳим созчи), Хўжа Отажонов (Хўжа созчи), Жуманиёз Ҳайитбоев (Жуманиёз созчи), Сарахон Алломберганова, Пошшохон Матжонова, Анаш Опа (Анаш чўлоқ), Онабиби форилар шулар жумласидандир.

Мақомлар Навоий, Фузулий, Машраб, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Табибий, Баёний, Аваз Ўтар ўғли, Ниёзий, Нодимий, Оқил ва бошқа шоирларнинг шеърларига басталаб ижро этилган.

[244] Ҳ.Ҳамидов. Бир сеҳр бор оҳангларда // “Сирли олам” ж. 1955, 1-сон 27-бет.
[245] Саид Ахмад. Илоҳий неъмат // “Тафаккур” ж. 1994. 1-сон, 35-бет.
[246] Хўжамқулов П.Б., Мамедяров Т. Хоразм мақом санъатига бир назар. Ангрен, 2008 й, 22-бет.

Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовлар Хоразм мақомларининг ўзига хос ижро мактаби асосчиларидан ҳисобланади.

Мақом йўналишида ва халқ куйларида жўр бўладиган доиралар (мавжум, лений), хор бўладиган доира ва бошқа доирага нисбатан кенгроқ ва ихчамроқ бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Доирачилар ичида мақомларга жўр бўладиган созанда у ёки бу мақомнинг юқори савияда олиб боришда мукаммал ва куйга руҳ берувчи, темпларнинг ривожланишига мантиқ берувчи ҳисобланади.

Хоразм мақомлари муайян тизимидаги туркум шаклида XIX-асрнинг биринчи чорагида қарор топган бўлиб, бу туркум Бухоро мақомлари сингари, асосан , олти мақомдан иборат[247]:

«Рост» мақоми (ёки мақоми «Рост»);

«Бузрук» мақоми (ёки мақоми «Бузрук»);

«Наво» мақоми (ёки мақоми «Наво»);

«Дугоҳ» мақоми (ёки мақоми «Дугоҳ»);

«Сегоҳ» мақоми (ёки мақоми «Сегоҳ»);

«Ироқ» мақоми (ёки Мақоми «Ироқ»).

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, Хоразм мақомларининг узил-кесил қарор топишида Бухоро мақомчилик анъаналари катта таъсир кўрсатган. Бу ўринда атоқли мусиқачи Ниёзжон Хўжанинг хизматлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, Ниёзжон Хўжа XIX- аср бошларида Бухорога борганлиги ва Олти мақомни махсус ўрганиб, сўнгра бу санъатни Хоразмда тарқатганлиги айтилади. Айни вақтда, мақомлар Хоразм оҳангларига мосланиб, маҳаллий бадиий анъаналар билан боғлиқ жиҳатларга эга бўлганлиги ҳам таъкидланади. XIX асрда яшаб ижод этган шоир ва мусиқашунос олим Паҳлавон Ниёз Муҳаммад (тахаллуси-Комил Хоразмий, 1825-1897) ўзи кашф этган «Танбур чизиғи» номли ўзига хос «нота ёзуви» воситасида Хоразм мақомларини ёзиб олиш тажрибасини бошлаб берган эди. Бу ишни унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши давом эттирган. Ўнг томондан чапга қараб ўқилган мазкур «нота ёзуви» да танбур пардаларига оид 18 та мувозий чизиқлар бўлган ва бунда садоланиши (босилиши) лозим бўлган пардалар чизиқча ва нуқталар асосида белгиланади[248].

Хоразм мақомларининг бизга маълум бўлган маҳоратли ижрочилари бир неча авлоддан иборат. Хусусан, XIX асрда Комил Хоразмий, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида эса Комил Хоразмийнинг шогирдлари Худойберган Муҳркан, Матёқуб Позачи,

[247] Ҳўжамқулов П.Б., Мамедяров Т. Хоразм мақом санъатига бир назар.-Ангрен, 2008 й, 22-бет.
[248] Ўша манба, 23-бет.

Абдуллогулобий, Бобожон Буломончи, Муҳаммад Расул Мирзо, Матёқуб Харрат каби мақомчи санъаткорлар фаолият кўрсатганлар.

Шунингдек, XX аср давомида Матпано Ота Худойберганов, Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Рўзимат Жуманиёзов ва бошқа устоз санъаткорларнинг номлари Хоразм мақомларининг етук ижрочилари қаторида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданий юксалиши, санъатнинг солномаси мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси ушбу халқнинг ўтмишини ва келажагини белгилайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг бой тарихига, маданияти ва санъати ривож топган миллат сифатида ўз ўрнига эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хоразм қўшиқчилик санъати узоқ тарихга эгадир. Унинг тарихи негизида кенг маънода бахшичилик санъати ҳам мужассамлашганлигини шу ўринда таъкидлаш жоиз. Шунингдек халқ достонлари мактаби ҳам ана шу санъатга дахлдордир. Айни пайтда ҳам Хоразм воҳасида кўплаб халфалар ижод қилиб келмоқда. Улар турли мавзуларда қўшиқлар куйлаб, кўҳна миллий қадриятларимизни сақлаш баробарида маънавий ҳаётимизнинг янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Демак-ки, аждодлардан бизгача етиб келган ушбу меросни келажак авлод учун ҳам асраб-авайлаш бугунги кунда олдимизда турган энг эзгу ва савобли ишлардан биридир.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ (Туркманистон музейлари мисолида)

Мирзаев Ғ.Р.
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

XXI асрга келиб жаҳон иқтисодиёти тараққиётида туризмнинг ўрни ва роли ортиб бориши унга хизмат қилувчи соҳаларнинг тури кўпайиб боришига олиб келди. Натижада ҳар бир мамлакат чет эл сайёҳларини жалб этиш мақсадида ўзининг бор имкониятларини ишга солиш, янги-янги хизмат турларини яратиш борасида тинимсиз изланишлар олиб

бормоқда. Жумладан, туризмни ривожлантириш, келган сайёҳларнинг мамлакат ҳудудида сайр қилиш муддатини узайтириш борасида бир қатор тарихий-меъморий ёдгорликлар ва обидалар сақланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, диққатга сазовор жойлар макетлари, тасвирий ва амалий санъат буюмлари ҳамда мамлакат ҳудудидан топилган асор-атиқаларни асраб-авайлаш мақсадида музейларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бу борада биз Туркманистоннинг туризмни ривожлантириш масаласида музейлар соҳасида ўтказилган ислоҳотларини таҳлил этиб мамлакатда ушбу соҳада бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Туркманистондаги биринчи музей коллекциялари 1894 йилда тўплана бошланган. Ўша пайтда ушбу тўпланган моддий ва номоддий материаллар туркман халқининг тарихи, археологияси, этнографияси, табиати ва тасвирий санъатига алоқадор экспонантлардан иборат эди. 1897 йилда тарихий воқеалар асосида Гўкдепе музейи ишга туширилди. 1899 йил 17 мартда Ашхобод шаҳрида Каспийорти вилояти музейининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. 1902 йил 29 сентябрда жамоат кутубхонаси ва музей учун махсус бино қурилиши бошланди ва у 1904 йилда фойдаланишга топширилди. 1919 йилгача ушбу музей Каспийорти вилояти музейи деб аталган. 1927 йилда Давлат тарихий музейи тасвирий санъат бўлими очилган бўлса, 1939 йилдан унинг базасида Тасвирий санъат музейи ташкил этилган.

Туркманистон Фанлар Академиясининг 1951 йилда ташкил этилиши билан маҳаллий тарих музейи унинг таркибига киритилди. 1963 йили эса Давлат ўлкашунослик музейи Туркманистон Маданият вазирлиги таркибига қўшилган[249]. 1985 йилда Тарих музейи, Ўлкашунослик музейи ва «Инқилоб жангчилари» мемориал музейи ягона тарих ва этнография музейига бирлаштирилган.

Мустақиллик йилларида Туркманистонда музейлар фаолиятини яхшилаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 1998 йил 5 январда Туркманистон Президентининг №3479 Қарори билан олдин мавжуд бўлган Туркманистон Тарих ва этнография музейи ҳамда Туркманистон Тасвирий санъат музейи бирлаштирилиб, унинг асосида 1998 йил 12 ноябрда Туркманистон Миллий музейи ташкил этилди[250].

2005 йил 16 февралда Туркманистон амалий санъат музейи очилди. 2007 йил 17 февралда Туркманистон Миллий маданий маркази қошида Туркманистон Биринчи Президенти музейи очилди.

[249] http://www.museum.gov.tm/ru/history (31.01.2018).

[250] https://www.tripadvisor.ru/LocationPhotoDirectLink-g293966-d3618463-i65852097-Ashgabat_National_Museum_of_History-Ashgabat_Ahal_Province.html (25.02.2018.).

Музейлар фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш масалаларига Туркманистон Президенти Г.Бердимуҳамедов томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, Туркманистон музейлари тарихий илдизини ўрганишни мутахассислар олдига мақсад қилиб қўйди. Туркманистон Президентининг №8270 сонли Фармонига кўра, 2007 йил 21 февралдан Туркманистон Этнография ва ўлкашунослик музейи ҳамда Туркманистон Президенти Музейлари янги бинолари қурилиши бошланди. 2009 йил 14 майдаги Фармонига кўра эса, Туркманистон Миллий музейи Туркманистон Бош миллий музейига айлантирилди. Туркманистон Президентининг музейлари соҳасида амалга оширган ислоҳотлари самараси ўлароқ, 2008-2011 йилларда Туркманистоннинг Болқонобод, Мари, Туркманобод, Дашогуз шаҳарларида этнография ва ўлкашунослик музейлари қурилди. Туркманистон Президентининг 2013 йил 25 апрелдаги «Туркманистон Маданият вазирлиги муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги №12981 сонли Фармонига асосан, Туркманистон Бош миллий музейи Туркманистон Давлат маданият маркази таркибига киритиди ва Туркманистон Давлат маданият маркази Туркманистон Давлат музейига айланди.

Туркманистон Давлат амалий санъат музейи Ашхобод шаҳрида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги энг йирик музейлардан бири саналади. Музей 1927 йилда рус ҳайкалтароши А.А.Карелин раҳбарлигида ташкил этилган бўлиб, 1939 йилдан ушбу ном билан атала бошлаган. 2005 йил 16 февралдан янги бинода иш бошлаган. Уч қаватлт бинонинг умумий майдони 17 минг квадрат метрни ташкил этади. Музей биносида ретаврация устахоналари, сақлаш, лаборатория, кутубхона, дурадгорлик дўкони, техник хизматлар мавжуд. Музейда замонавий туркман санъат асарлари намойиш этиладиган 11 та кўргазма заллари мавжуд бўлиб, унда расм, графика, ҳайкалтарошлик, гилам, керамик ва заргарлик буюмлари ўз ўрнини топган[251]. Бундан ташқари, музейда XIV аср бошлари – XX асрга оид Ғарбий Европа санъати коллекциялари, XVIII-XX асрлардаги рус рассомлари ишлари, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Эрон амалий санъати намуналари учрайди. Музейнинг Қадимий санъатлар залида Туркманистон ҳудудида олиб борилган археологик қазишмаларда топилган ноёб экспонантлар жойлашган[252].

Туризм саноатининг муҳим йўналиши саналган музейлар ва тарихий-меъморий обидаларга сайёҳларни жалб этишнинг ижобий аҳамияти сифатидаги қуйидаги жиҳатларни келтириб ўтиш мумкин:

- мазкур соҳа халқларнинг маданий-тарихий меросини асраш, улардан самарали фойдаланишда халқлараро ва давлатлараро дўстона

[251] https://turkmenportal.com/catalog/806. (18.02.2018.).
[252] https://www.advantour.com/rus/turkmenistan/ashgabat/history-and-ethnography-museum.htm (13.03.2018).

муносабатларни кучайтириш, маданий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади;

- бутун мамлакат ҳудудидаги музейлараро комбинациялашган сайёҳлик йўналишлари сайёҳлар оқимини бир маромда сақлаш ва айни пайтда улар сонини ошира бориш орқали самарали даромад олиш имконини беради.

Туркманистонда шунингдек, Туркманистон Гиламлари музейи, Туркманистон Конституцияси музейи, Туркманистон Мустақиллиги музейи, Туркманистон Бетарафлиги (Нейтралитети) музейи каби дунёда бетакрор ихтисослашган музейларнинг мавжудлиги мамлакатга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини кўпайишини муҳим омилларидан биридир.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИ ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ- ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

Ақчаев Ф.Ш
ЖДПИ катта ўқитувчиси,
Сулайманов И
Тарих факультети талабаси

Жамият маданий-маънавий ҳаётини янада ривожлантириш, халқ онгида тарихий хотира туйғусини шакллантириш ва такомиллаштиришда ўлкадаги зиёратгоҳлар ва қадамжоларнинг ўрни катта. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг илк йиллариданоқ зиёратгоҳларни асраш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва келажак авлодларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар бизга ўлкамиз тарихи, аҳоли турмуш тарзи хусусида маълумотлар бериши билан бирга, маънавий дунёқарашимизнинг бойишига ҳам хизмат қилади.

Асрлар давомида шаклланган бой моддий-маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни халқимизнинг бетимсол бойлиги сифатидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, бугунги глобаллашув даврида инсон онги ва тафаккурини эгаллаш учун курашлар авж олаётган бир шароитда уларни кўз қорачиғидай асраш ва келажак авлодларга етказиш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 30 декабрида мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган учрашувида таъкидлаганидек, «Мамлакатимиз ва

жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илма-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади»[253].

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларидан келиб чиқиб, зиёратгоҳлар билан боғлиқ шаклланган қарашлар, афсона ва ривоятларни, умуман зиёратгоҳларнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган аҳамиятини республикамизнинг алоҳида олинган минтақалари доирасида диссертация мавзуси сифатида ўрганиш, халқимизга, жумладан илмий жамоатчиликка етказиш масаласи кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан биридир. Бу эса Ватан тарихи муаммоларини илмий тадқиқ этишни замонавий услубларга таяниб, шўролар даврида мавжуд бўлган тарихга коммунистик мафкура асосидаги ёндашувлардан мутлақо холи, объектив тамойилларга асосланиб иш тутиш демакди.

Халқимиз онгида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар тўғрисидаги қарашлар ва уларни муқаддас деб билиш жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида, тарихий манбаларда, диний адабиётларда зиёратгоҳлар билан боғлиқ кўплаб маълумотлар, афсона ва ривоятлар мавжудлиги азалдан бундай маданий мерос объектлари халқимиз ижтимоий турмуш тарзида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

Маълумки, ҳар қандай халқнинг тарихий масканлари, жумладан, зиёратгоҳлари шубҳасиз ўша халқнинг турмуш тарзи қай тарзда таркиб топганлигидан бизга дарак беради. Уларни илмий ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш эса ўша халқнинг ўтмиши қандай кечганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу борадаги муаммоларни ечишга, ўтмишнинг очилмаган саҳифаларини ҳаққоний таҳлил этишга этнология фани асос бўлиб хизмат қилади.

Ватан тарихи фанида ўлкамиз ҳудудларида азалдан яшаб келган халқлар, жумладан ўзбек халқининг тарихий-маданий масканлари, муқаддас зиёратгоҳлари, хусусан уларни илмий тадқиқ этиш борасида айрим минтақалар доирасида тарихий - этнологик йўналишда илмий изланишлар амалга оширилган бўлсада, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий минтақаларидан бири, Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари ҳали алоҳида олинган илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган эмас.

Шу боис Жиззах воҳаси ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларни этносоциологик нуқтаи назардан ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ва этнографик объект сифатида қараш бугунги куннинг ечимини

[253] Мирзиеёв Ш. М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 30 декабрида мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган учрашувидаги маърузаси. // Маърифат. 2016 31 декабр. №104.

кутаётган долзарб масалаларидандир. Биз тадқиқ этаётган масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги яна шу жиҳати билан характерланадики, Жиззах воҳаси ҳудудларидаги зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ қарашлар, анъана ва урф-одатлар айрим фарқланувчи этноҳудудий ҳамда этнолокал хусусиятларга эга. Зеро, бундай хусусият ўтмишда бошқа минтақалар аҳолиси маънавий-маданий алоқалари ва ривожига ҳам таъсир этмасдан қолмаган. Бу эса турли этнослар ва этник гуруҳларнинг этномаданий муносабатлари ривожига хизмат қилган.

Албатта, воҳа ҳудудидаги зиёратгоҳлар хусусан, архтитектураси ва миллий калоритининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу эса ўз даврида тадқиқотчилар ҳамда олимларни ўзига жалб этмай қолмаган, албатта. Улар ўз асарларида, изланиш ва тадқиқотларида, ҳисоботларида ушбу ўзига хосликларни мумкин қадар маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган афсона ва ривоятларга таянган ҳолда ёритиб ўтганлар. Бу эса Жиззах воҳаси қадамжолари ва зиёратгоҳларини тарихий манбалар ҳамда дала этнографик маълумотлари асосида, этносоциологик нуқтаи назардан ўрганиш ва мавжуд материалларни соҳада яратилган назарий ҳамда услубий концепцияларга таянган ҳолда истъемолга киритиш зарурлигини талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзбек халқи анънавий моддий маданиятининг бир бўлаги ҳисобланган ўтмиш ёдгорликлари, яъни зиёратгоҳларининг қайта тикланиши ҳамда соҳани янада такомиллаштиришнинг янги босқичига кўтарилиши, ушбу маданий мерос объектларининг бугунги кунда мамлакат ривожи ва аҳоли турмуш тарзида ўрни беқиёс эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бу борада ҳукуматимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар Жиззах воҳасида туризм имкониятларини кенгайтириш, соҳани замонавий асосда техник ва технологик янгилаш ва мамлакат туризм салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ўз амалий тасдиғини топмоқда.

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган ўз Мурожаатномасида «Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур»..., деган эди[254].

[254] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”. Т., 2017 йил, 23 декабр.

Айнан қайд этилган омиллар, улкан моддий ва маънавий мерос ҳисобланган зиёратгоҳлар ва қадамжолар, азалдан халқнинг улкан қадрияти сифатида, жамият маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни нақадар юксак эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса этнология фани доирасида бу борадаги тадқиқотларни умумлаштиришни, илмий-назарий хулосалар чиқаришни талаб этаётир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон тарихи фанида ўзбек халқи турмуш тарзининг моддий маданияти соҳасини тарихий-этнологик нуқтаи-назардан ўрганиш доимо илмий - амалий аҳамиятга молик масала сифатида қараб келинган. Азалдан кишиларнинг маънавий, руҳий ҳаёт тарзи, диний эътиқодлари, урф-одат ва анъаналари, ўзаро этномаданий алоқалари аҳолининг ҳаёт тарзи, ўлкамизнинг табиий-географик хусусиятлари ҳамда иқлим шароитига мос ҳолда шаклланган. Бундай этник хусусиятлар тарихий-этнографик адабиётларда муайян тарзда ўз ифодасини топган.

Агар ўтмишнинг қадимги даврларига оид манбаларга, хусусан халқ турмуш тарзи билан боғлиқ моддий маданияти намуналарига мурожаат этилса, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да қайд этилган маълумотлар анчагина тарихий қимматга эга. «Авесто»аги қайд этилган қадимги географик ҳудудий тушунчалар, этник қабилалар ва вилоят номлари, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар Ўрта Осиё халқлари этногенизи ва давлатчилик тарихи учун ноёб манбадир.Унда аждодларимизнинг қадимий илоҳий тасаввурлари, коинот ва ердаги ҳаётнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз аксини топган. Шунингдек, зардуштийларнинг қадимги сиғиниш ибодатхоналари, муқаддас масканлари билан боғлиқ мулоҳазалар, умуман ҳаётнинг турли масалаларига оид қарашлар шарқ халқлари тарихи ҳамда маданиятининг қадимги мероси зардуштийликка оид адабиётларда ҳам ўз ифодасини топган. Уларда даврнинг маънавий-ижтимоий, диний ғояларини акс эттирувчи зардуштийлар турмуш тарзи, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид фикрлар ўша даврда ва ундан сўнг жамиятдаги ижтимоий - маънавий ҳамда фалсафий қарашларнинг такомиллашиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилган[255]. Зардуштийлар жамоасида кишилар турмуш тарзи, жумладан қадимги ибодатхоналар ҳамда сиғиниш жойлари билан боғлиқ диний эътиқодлари «Авесто»да махсус қайд этилган[256].

[255] Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – С. 89-92; Бойс М. Зароастрийцы: Верования и обычаи. - М.: Наука, 1988. – С. 200-201; Дорошенко Е.А. Зароастрийцы в Иране. - М.: Наука, 1982. – С. 84-99; Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 13; Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан.– Т., 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Т., 2001. – Б. 57-61; Авесто яшт китоби / Исҳоқов М. таржимаси.– Т.: Шарқ, 2001; Авесто тарихий бадиий ёдгорлик / Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.

[256] Маковельский А.О. Авеста... – С. 89.

Ислом динининг муқаддас китоби «Қуръони Карим»даги ва «Ҳадису- шариф»ларда ҳам зиёратгоҳлар, масжид ва бошқа масканларни тоза-озода сақлаш, уларни асраб-авайлаш борасидаги ахлоқий қарашлар ва ўгитларга оид масалалар, ахлоқий-фалсафий қарашлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас[257].

Зиёратгоҳлар билан боғлиқ маълумотлар қадимги ёзма мерос намуналарига оид адабиётларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, туркий халқларнинг VIII асрга оид нодир ёзма ёдгорликларидан бири «Билга хоқон битиги» да «ўғуз халқи душман бўлди, уни қўлдан чиқариб юбормай деб, лашкар тортдим, уйини, зиёратгоҳини буздим», дейилади. Демак, қадимги туркий халқлар қайси бир душманни пароканда этмоқчи бўлса дастлаб ишни уларнинг муқаддас жойларини забт этишдан бошлаган[258]. Чунки, туркийлар эътиқодига кўра зиёратгоҳларни қўлдан бериб қўйиш урф-одатлардан ажралиб, ёвга таслим бўлиш билан тенг бўлган.

Қадимги ёзма меросимизга оид манбаларнинг бири, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «инсоннинг моддий маданият ёдгорликларига бўлган муносабати унинг ахлоқий камолоти қай даражада шаклланганлигини англатган», дейилади. Зеро, ушбу асарларда инсон маънавий ахлоқий қарашларига оид илғор ғоялар барча даврларда шарқ мутафаккирларининг диққат марказида бўлиб келган[259]. Шу маънода туркий халқлар жумладан, ўзбеклар этнографиясини ўрганишда муҳим манбалардан бири хусусан, ўрта аср муаллифлари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» ҳамда тарихий этнографик манба Ризоуддин ибн Фахруддиннинг «Оила» асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарларда ўзбекларнинг қадимги аждодлари маънавий, ижтимоий турмушига оид анчагина маълумотлар мавжуд. Жумладан, қадимги туркий этносларнинг турмуш тарзи ҳақида айрим этнографик мазмундаги қайдларда қадимги ёдгорликлар, муқаддас жойларни асраб авайлаш, бундай осори-атиқалар кишилар ва ўтмиш ўртасида асосий кўприк вазифасини бажаришига оид маънавий-ахлоқий ҳамда фалсафий қарашлар анчагина эътиборга моликдир[260].

Шу билан бирга Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Мезон ул-авзон» асарларида инсонларнинг моддий турмушидаги маиший, ижтимоий муносабатларига оид қайдлар мавжуд.

---

[257] Қуръони Карим. – Т., 1992. – Б. 27-28; Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т., 1990. Т. II. – Б. 501-510.
[258] Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. (Фарғона вилояти). I- қисм. Т., 2014 йил.
[259] Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т., 1990. – Б. 12-137; Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. – Т., 1965. Т. II. – Б. 409-410; Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат.– Т., 1994. – Б. 8 - 9; Кайковус. Қобуснома. – Т., 1992. – Б. 83 - 88.
[260] Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. – Т., 1960. Т. III; Ризоуддин Ибн Фахруддин. «Оила» / Масъул муҳҳаррир Ирисов А. – Т., 1991. – Б.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқот натижалари талаба-ёшларда маънавият ва маданият соҳаларига оид билимларни шакллантириш самарадорлигини оширишга, мавзу тарғиботига йўналтирилган илмий- назарий, маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, маҳаллалар, жамоат ташкилотларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини ташкил этиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» «Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихи», ««Миллий ғоя» ва «Маънавият асослари» каби фанларнининг назарий ва тарбиявий самарасини оширишга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ БРЕНДЛАРНИ ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Абдурашидова Н.А
ТДИУ Маркетинг кафедраси ассистенти

Бозор иқтисодиёти шароитида товар бозорларини шакллантириш босқичма-босқич, мантиқ ва ўзаро боғлиқлик тамойилларига бўйсунган ҳолда амалга оширилади. Одатда, олдин озиқ-овқат ва биринчи эҳтиёж маҳсулотлари бозорлари, сўнгра эса инвестицион товарлар ва ниҳоят, хизматлар бозори ва энг охирида кўнгилочар товарлар бозорининг вужудга келиши содир бўлади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда товар сиёсати шаклланишининг энг долзарб жараёнлари бўлиб даставвал талаб ривожланишини янги сифат даражасига кўтариш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

1. Бозорга чиқариладиган маҳсулот ассортиментини, биринчи навбатда юқори сифатли маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш томонига таркибий қайта қуриш.

2. Умумий ассортимент хилма-хиллигини кўпайтириш ва кенгайтириш.

3.Миллий ва халқаро даражада маҳсулотни сертификатлаш муаммоларини ечиш.

4. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг амалда тадбиқ этилиши.

Қадимдан бозорни сотувчилар бошқариб келган. Улар маҳсулот тўғрисида маълумотга эга бўлганлар ва ўрганганлар, бозорда қандай маҳсулот ишлаб чиқариш кераклигини, ва қандайини ишлаб чиқариш керак эмаслигини, истеъмолчиларнинг талаби ва истакакларини, аҳоли

жойлашишини, маркетинг каналларини бошқаришни, нархларни бошқаришни ва ҳоказо.

Охирги йилларда ҳамма учун очиқ бўлган кўпгина импорт товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари афзалроқ кўринади. Бу ердан миллий бозорнинг табиий талаби келиб чиқади — ўзимизнинг корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган истеъмолчилар ишончини тиклаш.

Маълумки, Ўзбекистонда товар бозорларининг тикланиши 1992 йилга тегишлидир. Бунга товар ресурслари, моддий-техника таъминот фондларини марказлаштирршган тақсимлаш тизимининг бекор қилиниши ва нархларнинг босқичма-босқич эркинлашуви ёрдам берди. Муқобил сифатида биржа савдосининг механизми ишга туширилди. 1993-1994 йиллар даврида чакана ва улгуржи савдо корхоналарининг кичик хусусийлаштирилиши жараёни амалга оширилди. Бу эса товар бозорларининг вужудга келиши учун шароит яратди. Бу вақт давомида бутун чакана савдо тармоғи хусусийлаштирилди.

1995 йилгача аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида баъзи биринчи эҳтиёж товарлари (ун, ўсимлик мойи, шакар ва бошқалар)нинг нархлари марказлаштирилган тартибда меъёрий сотиш тартибида белгиланар эди. Бироқ 1995 йиддан бошлаб товарларнинг барча субсидиялари бекор қилинди, бу мавжуд чеклашларни бекор қилди ва тўлақонли товар бозорларининг шаклланиши учун шароит яратди. Кейинчалик бу жараённинг боришига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, фуқароларнинг шахсий хўжалик юритишлари учун давлат томонидан ажратилган ерларнинг икки марта кўпайтирилиши, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасида кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши ижобий таъсир кўрсатди.

«Ёриб ўтиш» стратегияси кўпинча бозорга технологиясининг соддалиги билан фарқ қиладиган ва оммавий истеъмолни кўзлайдиган янги маҳсулотни киритишда қўлланилади. Товар бозорга дастлаб жуда паст нарх билан чиқарилади, бозорни эгаллаши билан нормал даражасига қайтади.

Стратегия қўйидаги ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Корхона рақобатчиларга қараганда кўпроқ маҳсулотни бозорга чиқариши мумкин.

2. Корхона катта ҳажмлар ҳисобига таннархни тез пасайтира олади ва шу асосда, паст нархга қарамай, рақобатчиларга қараганда кўпроқ фойда олиши мумкин.

Товарнинг бозорга чиқишдаги паст нархи қўйидаги ҳолатлар билан изоҳланиши мумкин:

— бозорнинг нархларга нисбатан сезгирлиги ва талабнинг юқори

эластиклиги билан;

— фаол ва потенциал рақобатчилар учун паст нархнинг кўримсизлиги;

— ишлаб чиқариш ва муомала ҳар ажатларининг мазкур товарни ишлаб чиқариш ва сотиш ошиши билан қисқариши.

Кириб бориш стратегияси (1-расм) паст нархлар орқали янги бозорларга тез кириб бориш учун ишлатилади (стратегия талабнинг юқори нарх эластиклиги вазиятида самарали).

Батамом фойдаланиш стратегияси янги товарни бозорга киритиш босқичида (сотиладиган товарнинг ҳажми кам бўлганда) юқори нархни белгилашдан иборат. Кейинчалик бу нарх бозорнинг ва рақобатчиларнинг ўсиши билан камайиб боради (товарнинг юқори сифати ёки ўзига хослигига асосланади).



1-расм. Кириб бориш ва батамом фойдаланиш стратегияларининг қўлланилиши[261]

Нарх дифференциацияси стратегияси ҳар хил бозорлар ва уларнинг сегментлари учун ҳар идорларнинг хилма-хиллиги, бозор вазияти ва унинг тавсифлари, ҳар иднинг вақти, товарлар ва уларнинг модификациялари вариантларини ҳисобга олган ҳолда нархларни белгилайдиган корхоналар амалиётида қўлланади. Нархларнинг горизонтал ва вертикал дифференциациясини фарқлайдилар.

Нархларнинг горизонтал дифференциацияси — бу битта маҳсулотга истеъмолчиларнинг ҳар хил гуруҳлари учун ҳар хил нархлар даражасини белгилашдан иборат (бозорни маҳсулот ва истеъмолчилик мезонларига қараб сегментларга ажратиш керак).

Нархларнинг вертикал дифференциацияси моҳиятига кўра битта маҳсулотга ҳар хил бозорлар учун ҳар хил даражали нархларни

[261] Келлер К.Л. Стратегический бренд – менеджмент: создание, оценка, управление марочным капиталом Учебник. М.: Издательский дом.: Вильямс, 2010. – 704 стр.

белгилашдан иборат (бозорни географик мезонлар бўйича сегментларга ажратиш керак).

Сифат-нархли мавқелаштириш стратегияси корхонанинг нарх ва ассортимент сиёсатини интеграциялашдан иборат. Бундай стратегияда муваффақиятли сотиладиган товарларнинг фойдаси мазкур ассортиментдаги бошқа товарлар бўйича бўладиган зарарларни қоплаши керак. Янги товарни ишлаб чиқиш ва уни мавқелаштиришда корхона сифат ва нарх кўрсаткичларини мувофиқлаштириш муаммосига дуч келади. Ф.Котлер сифат-нархли мавқелаштириш стратегиясининг тўққизта вариантини келтиради (2-расм).

	НАРХ		
	Юқори ⟶	Ўрта ⟶	Паст
СИФАТ Юқори ↑	1. Мукофотли устама қўйиш стратегияси	2. Бозорга чуқур кириб бориш стратегияси	3. Юқори нарх қимматлиги стратегияси
Ўрта ↑	4. Оширилган нарх стратегияси	5. Ўрта бўғин стратегияси	6. Сифатлик стратегияси
Паст	7. Талаш (шилиш) стратегияси	8. Юзаки жило бериш (тежаш) стратегияси	9. Паст нарх қимматлиги стратегияси

2-расм. Нарх ва сифат кўрсаткичларига нисбатан қўлланадиган стратегиялар вариантлари[262]

Келтирилган нарх стратегиялари вариантларининг маъноси шундан иборатки, бозор етакчиси эгаллайдиган муайян мавқеда қувиб боруви ёки янги келган фирма кейинги мавқеларидан бирини эгаллаши ва бозорга кириб бориш вазифасини амалга ошириши мумкин. Масалан, бозор етакчиси №2-вазиятга амал қилиши мумкин, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, уни ўртача нархларда сотиши мумкин. Мазкур бозорни ўзлаштираётган корхона юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқиши ва унга паст нархларни белгилаши мумкин (№3-вазият) ёки ўртача сифатли маҳсулотни ишлаб чиқиши ва унга ўрта даражали нархни белгилаши мумкин (№5-вазият) ва ҳоказо.

Нарх сиёсатида тез-тез учраб турадиган вазият — рақобатчилар таклиф этаётган товар нархларини пасайтириш ҳақида қарор қабул қилиш. Гомоген бозор шароитида ўз товарини яккалаштира олмайдиган фирма мавжуд ўзгаришлар орқасидан юришга мажбур. Рақобатчи нархни ошириб юборган тақдирда фирма унинг уринишларига эътибор бермаслиги мумкин. Бундай вазиятда қарор қабул қилишнинг алгоритми,

[262] Келлер К.Л. Стратегический бренд – менеджмент: создание, оценка, управление марочным капиталом Учебник. М.: Издательский дом.: Вильямс, 2010. – 704 стр.

яъни рақобатчи амалга оширган нархларни пасайтиришга жавобан фирманинг нарх соҳасидаги ҳаракати 3-расмда келтирилган.

3-расм. Рақобатчилар нархларни пасайтирганда фирманинг қарор қабул қилиши.[263]

Рақобатчилар томонидан нархлар ўзгартирилганда объектив қарор қабул қилиш учун корхона қуйидаги қатор саволларга жавоб бериши керак:

1. Қандай сабаблар рақобатчини нархларни ўзгартиришга мажбур қилди? Бозорни эгаллаш ёки ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланиш мақсади кўзланганми, балки маҳсулот таннархи ўсиши содир бўлгандир?

2. Фирма рақобатчилар томонидан нарх ўзгаришига эътибор бермаса, қандай аҳволга тушади?

3. Рақобатчининг бундай қарор қабул қилиши нима билан тушунтирилади: вақтинчалик характердаги фикрлар билан ёки узоқ муддатли стратегиянинг натижаси бўлиб ҳисобланадими?

Инфляция шароитида корхонанинг нарх сиёсати инфляцион кутишни баҳолашсиз мустаҳкам далил-исботга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, унинг маҳсулот ва сотиб олинадиган ресурсларнинг нархлари ўзгаришининг режалаштирилаётган даврда иқтисодиётда нархлар ўсишининг умумий инфляцион омилини ҳисобга олган ҳолда асосланади. Бу ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли режаларга тегишлидир.

Корхонанинг нарх стратегиясини асослашда инфляцион кутишни баҳолаш қуйидагилар учун зарур:

- корхонанинг умумий стратегаяси, профилини ишлаб чиқишда ва

[263] Scott M. Smith,Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc.,US. 2012

унинг маҳсулотини бозорга киритишда ёки маҳсулотини сотиш бозорларида корхонанинг мавқеларини сақлаш учун бозордаги нарх ўзгаришларини ҳисобга олиш;

- корхонанинг фаолиятини умуман режалаштиришда, бизнес-режаларни ишлаб чиқишда, шунингдек, айрим ташкилий-техник тадбирлар, илмий-техник ва технологик ишларнинг, лойиҳаларга доир қарорларнинг бизнес-режа кўрсаткичларини асослашда нархлар ўзгаришини ҳисобга олиш;
- корхона маҳсулотининг нархларини асослаб бериш ва корхона томонидан истеъмол қилинадиган ресурслар нархларининг кутиладиган ўзгаришларини баҳолаш;
- корхона маҳсулотларини сотишдан олган даромад, тушумга нархлар ўзгаришининг таъсирини ҳисобга олиш;
- ишлаб чиқариш ҳар ажатлари ва корхона маҳсулотини сотишга нархларнинг, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларининг нархлари ва меҳнат нархлари — меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгаришини баҳолаш;
- корхона фаолиятининг молиявий натижалари — фойда ёки зарарларни, ликвидликни, корхонанинг тўлов қобилиятини баҳолаш;
- нисбий нархларни ҳисоблаш ва ишлаб чиқаришнинг оптимал тузилишини танлаш;
- бошқа иқтисодий ҳисоб-китоблар.

Корхонанинг кутиладиган инфляцияга йўналтирилиши шароитида тегишли бозорлардаги нархларнинг аҳволи ҳақидаги реал ахборот билан ҳисоблашишга тўғри келади. Мутахассисларнинг инфляцион кутишларини баҳолаш ташқи ахборотга ҳамда ўз баҳоларига таяниши мумкин.

Корхонанинг нарх стратегиясини яратиш жараёни уч босқични ўз ичига олади:

1. Дастлабки ахборотни йиғиш.
2. Стратегик таҳлил.
3. Стратегияни шакллантириш (4-расм).

4-расм. Нарх стратегиясими яратиш босқичлари

Айрим вақтларда асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, нархни чиқаришнинг қуйидаги усуллари бирин-кетин қўлланилади:

- айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- қийматларни чегириб ташлаш асосида;
- қийматларни қўшиш асосида;
- резерв усули.

Қийматларни чегириб ташлаш ва қўшиш асосидаги усуллар исталган кетма-кетликда қўлланилиши мумкин.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ УРФ – ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Баракаева Г.Л
СамДУ ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, аждодларимиз томонидан яратилган қадриятларни тиклаш, унутилган урф – одат ва анъаналарни кенг оммалаштириш ва уларни чуқур урганишга алоҳида ахамият берилмокда. Ўзбекистон халқининг қадимги урф – одат, анъана ва маросимларга алоҳида эътибор бериши маънавий тикланиш жараёни жадал кечаётган ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, кишиларни янгича руҳда тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мустақиллик ғояларини чуқурроқ сингдириш, аждодларимиз яратган қадриятлар моҳиятини кенг тарғиб қилишда, урф – одат ва анъаналар моҳиятини англаш, уларни, айниқса, ёшларга чуқурроқ тушунтириш, миллий истиқлол мафкурасини кенг омма орасига ёйишнинг таъсирчан воситаларидан биридир.

Ҳалқ урф – одатлари ва анъаналарининг шахс маънавий тарбиясидаги ролини ошириш масаласи ўта муҳим масалалардан бир бўлиб қолаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Жамият ривожи давомида кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва ижтимоий – иқтисодий тараққиёт қонуниятлари асосида муайян урф – одат ва анъаналар тизими шаклланди. Асрлар давомида тараққиёт жараёнида халқона, миллий хусусиятларни акс эттирган урф – одат ва анъаналаргина сақланиб, такомиллашиб келаверади. Бизларга маълумки,

урф – одат ва анъаналар халқнинг улуғворлигини, унинг миллий қадр – қиммати ва меҳнатсеварлик, эрксеварлик, дўстликка садоқатни, бошқа халқларга ҳурмат, ватанга муҳаббати – ю, душманга нафрат каби хусусиятларини ўзида акс эттиради. Ҳалнинг энг яхши урф – одат ва анъаналари – инсонпарварликни, жамоа бўлиб ишлаш камтарликни, меҳнатдўстлик ва катталарга ҳурматни, асрлар давомида меҳнаткаш халқ орасида урф – одатга айланган бошқа ижобий ўзида гавдалантириб шахс маънавиятини бойишига хизмат қилади.

«Халқимиз маънавиятини юксалтиришда деб таъкидлайди И.А.Каримов, - миллий урф – одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр – оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно – мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тўсини олгани барчамизни мамнун этади».[264]

Анъаналар – ҳар бир халқнинг асрлар давомида вужудга келган ўзига хос маданият, нодир қадриятлари, анъанаси, урф – одатлари мавжуд. Анъаналар тарихий сабоқлардан ўтган, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда яшашга қодир, авлоддан – авлодга ўтувчи ижтимоий ҳодисадир. Анъаналар жамият ривожининг устуни, бамисоли ҳаёт ва ижод мактаби, юқорига кўтарилишда суянч, халқнинг тарихий тараққиётида эришган барча ютуқларини ифодаловчи ва сақловчи омилдир.

Анъаналар – тарихий тараққиёт жараёнида этносларнинг ижтимоий – маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий – ижодий фаолияти натижасида, атроф – муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан – авлодга ўтиб, ривожланган ва асрлараро ажодлар фикрлари, орзу –ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа қадриятларини мужассамлаштирган бебаҳо ижтимоий – маданий меросдир.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ва уни ҳаётга тадбиқ этишда давлат дастурини қабул қилиниши жамиятимизни тубдан янгилаш кенг дунё қарашли ва маърифатли, ақл – идрокли, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, руҳан тетик, ўзининг фуқаролик масъулиятини тўғри ва тўла англаб етган баркамол авлодга боғлиқ эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу масала ҳозирги шароитда давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, қолмоқда. Мазкур

[264]Каримов И.А. «Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий – маънавий куч – қувват манбаи». Т., 2008, 466-бет.

вазифани амалга оширишда биз, олий таълим тизими ходимлари, бор имкониятлардан кенг фойдаланишимиз зарур. Яна вазифаларимиздан бири тарихий тараққиёт давомида халқимизнинг ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида катта рол ўйнаб келган миллий одат, маросим ва анъаналарни ёшлар турмуш тарзига сингдиришдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, урф – одат ва маросимлар ижтимоий ходиса сифатида вужудга келиб, ривожланиб, такомиллашиб инсон ҳаётини бошқаришда, юксаклтиришда катта ўрин эгаллаган ва ҳозирда ҳам шундай. Уларнинг барқрорлик, нисбий турғунлик хусусияти эса халқ ўтмиш маданияти ва руҳини сақлаб қолишга ва уларни авлоддан – авлодга етказиб беришда катта рол ўйнаган.

Урф – одат ва маросимлар тизими, халқнинг бир қанча юз йиллар давомида тарбия соҳасида амалга ошириб келаётган «изланишлар»и маҳсулидир. Бу тизим ёрдамида ҳар бир халқ ўзининг маънавий маданиятини, турмуш тарзини, психологиясини, ҳис-туйғуларини авлоддан – авлодга ўтказиб, намоён этиб келган ва ҳозирда ҳам, келажакда ҳам бу жараён давом этаверади.[265]

Ҳаётда тасодифий ҳодисалар натижасида инсоннинг кундалик турмушига зарур бўлган нарсаларни йўқотиб қўйиш мумкин, уни қайтадан тикласа бўлади, лекин баъзи ижтимоий сабаблар туфайли авлодлар ўртасидаги боғлиқлик узилса, бу фожиага айланади, уни тиклаш оғир кечади. Шунинг учун авлодлар ўртасидаги ворисийлик, фарзандларнинг оталар урф – одатлар маросимларига бўлган содиқлик ҳиссини халқимиз кўз қорачиғидек сақлаб келган, қандай кийинчиликлар, таъқиблар бўлмасин, уларни келгуси авлод учун асраган.

Миллий урф – одат ва маросимларнинг инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ана шу хусусиятидан талаба-ёшларни шахс сифатида шакллантириш ва камол топтиришда фойдаланиш узлуксиз таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган буюк ўзгаришлар жамиятнинг ҳар бир аъзосига, ҳар бир фуқаросига бўлган талабни ўзгартирмоқда. Шахс манфаати биринчи даражали манфаатга айланиб бормоқда. Ижтимоий онгда шахс манфаати давлат манфаатидан устивор эканлиги тўғрисидаги тасаввур кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида шахснинг ахлоқий ва жисмоний камолотига бўлган талабни хам кучайтирмоқда.

Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида талабала – ўқувчиларни миллий ғоя ва истиқлол мафкураси асосида тарбиялаш, улар онги ва қалбига ватанпарварлик, миллатга садоқат, ўз халқини севиш ва

[265] Қорабоев У. Миллий маросимлар: тикланиши, ривожланиши ва замонавий муаммолари. –Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили. Тошкент, 2004 йил, 53 – бет.

улуғлаш, миллий қадриятларни, миллий урф – одат ва маросимларни эъзозлаш туйғуларини сингдириш, уларни ҳаётда ўз ўрнини топиш, қадр – қимматини англаш, мустақил фикрловчи эркин шахс сифатида вояга етказиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Истиқлол шарофати билан қайтадан тикланган «Наврўз байрами», «Қурбон ва Рамозон ҳайитлари», умумхалқ байрам-маросимлари гултожиси бўлган «Мустақиллик куни байрами», «Ўзбекистон Конституцияси куни», «Мураббийлар куни», «Хотира ва қадрлаш куни», анъанага айланиб кетган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар кўрик – танлов байрами, «Тил байрами», «Талабаликка қабул қилиш тантанаси», «Халқлар дўстлиги» фестивали ва бошқалар талаба – ўқувчиларни маънавиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Талабаларда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан бири – мамлакатимизда ҳар бир миллат ва элат равнақи таъминланаётганлиги, уларнинг миллий анъана, урф – одат ва маданиятлари ривожланаётганлиги тўғрисидаги ишончни шакллантириш тарбияда жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада олий таълим муассасаларининг етарли имкониятлари бор. Бугунги кунда республика олий таълим муассасаларида ўқиётган талабаларнинг 20 фоизи қорақалпоқ, рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, тожик, корейс, озорбайжон, уйғур ва бошқа миллат вакилларидан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос миллий урф – одат, маросимларга эга. Шу билан бирга улар бу ўзида хосликни йўқотмасдан умумий руҳиятга, хулқ – атворга, турмуш тарзига эга бўлиб бормоқда. Бу эса мустақиллик йиллари давомида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий – руҳий негизни вужудга келтирмоқда.

Ана шу жараённи мустаҳкамлаш учун ва энг муҳими, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг бебаҳо фазилати сифатида намоён бўлаётган турли миллат урф – одатларини, маросимларни уйғунлашиб бораётганлигини ифодалайдиган бадиий кечалар, давра суҳбатлари ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш мақсадига мувофиқдир. Бундай тадбирларда талабаларнинг ўзлари ҳам ташкилотчи, ҳам ижрочи ва ҳам томошабин – тингловчи бўлиб иштирок этишларини таъминлаш керак, шундагина биз олдимизга бу соҳа бўйича қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Миллий одат, маросим ва анъаналарни талаба – ёшлар онгида миллий истиқлол мафкурасига асосланган дунёқарашни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, энг аввало, бунинг учун талабалар мазкур одат, маросим ва анъаналарнинг мазмуни, келиб чиқиши, уларнинг ўтмишда ва ҳозирги кунда бизнинг ҳаётимизда тутган ўрни тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлишлари керак. Менимча, бу вазифани тўлиқ бажариш учун олий таълим муассасаларида етарлича имкониятлар бор. Ҳозирги

кунда бу ўқитилаётган ижтимоий – гуманитар фанлардан, айниқса, «Фалсафа», «Тарих», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистон янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Маънавият асослари», «Диншунослик», «Маданиятшунослик» фанларини ўқитиш жараёнида унумли фойдаланиш зарур. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов миллий ғоя, миллий мафкуранинг маъно – моҳияти ҳақида тўхталиб, шудай деб ёзади: «унинг бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг миллий қадриятларини, урф – одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хазмат қилиши керак».[266]

Ўз – ўзидан кўриниб турибдики, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курсини ўқиётганда талабаларга халқимизнинг миллий қадриятлари, одат ва маросимларининг мазмунини, уларнинг аҳамиятини атрофлича тушунтирмаслик мумкин эмас экан.

Халқимизнинг миллий одат, маросим ва анъаналари талаба-ёшлар онги ва қалбида миллий мафкурани шакллантириш, уларни шахс сифатида камол топтиришдаги ролини янада ошириш учун, бизнингча, талабаларга мазкур масалага бағишланган, эркин мавулар бўйича ижодий иншонларни ёзишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижодий иншолар ёзиш жараёнида талабалар учун одат, маросим, анъаналар тўғрисида шу вақтгача ўзи билган ва ўқиш давомида тўплаган тасаввурларини умумлаштириб, уларга нисбатан бўлган шахсий муносабатини ифода этиш имконияти туғилади.

Бундан кейинги босқич, ёзилган ижодий иншонларни муҳокама қилиш босқичидир. Бундай талабаларни олдиндан огоҳлантириб қўйиш зарур.

Бу эса талабаларда жвобгарлик ҳиссини кучайтиради, уларни танлаган мавзу устида кўпроқ фикр қилишга ундайди, энг асосийси, мазкур одам ва маросимларга кўникма ҳосил қиладилар. Келгусида миллий қадриятларимиз талабалар турмуш тарзидан кенг ва муносиб ўрин эгаллайди.

Маълумки, комил инсонни шакллантириш учун ёшлар унинг ақлига, тафаккурига, фикрига, руҳиятига, ҳис – туйғусига таъсир этиш ҳам талаб этилади. Бунда миллий урф – одат, маросим ва анъаналарнинг ўрни беқиёс, чунки уларда халқнинг ахлоқий қадриятлари жонли инсон ҳис-туйғуларига кучли таъсир этиш шаклида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қайси бир ўрта махсус ёки олий таълим муассасаси урф – одат ва маросимлар тўғрисида талабаларга

[266] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Тошкент. 2008 йил, 96 – бет.

фақат «ваъз» ўқиш шакллари билан чегараланиб қолса, бадиий-тасвирий шаклини намойиш этишдан қочса, кўзлаган мақсадга эриша олмайдилар.

Олий таълим муаасасалари жамоалари, профессор-ўқитувчи, талабалар ҳаётида катта ўрин тутадиган яна бир анъана устида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Халқимиз ҳаётида устоз-шогирд муносабатларини ифода этувчи тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб кетган улар икки авлод вакилларининг бир-бирларига бўлган ҳурмати, эҳтироми, қалб сўзларининг намойиши бўлиб, мазкур тадбирда иштирок этаётган ёшлар учун устозга бўлган муносабатнинг ёрқин ифодаси ҳамдир.Миллий урф – одат ва маросимларда ўз аксини топган юксак инсоний фазилатлар – ота-она, устоз ва мураббийларга ҳурмат, бир-биримизга бўлган меҳр – мурувват, хушмуомилалик, хушфеъллик, ёқимли овозда сўзлашиш, яхши ният билан иш тутиш каби хислатлар нафақат тарғибот-ташвиқот орқали, улар тўғрисида ваъзлар эшитиш билан шаклланибгина қолмай, шу билан бирга, уларнинг шаклланишида ўқув юрти муассасаларида мавжуд бўлган юксак маънавият ва маданиятга асосланган муомала ва муносабатлар муҳити ҳам катта ҳал қилувчи рол ўйнайди.[267]

Тарбия устида гап кетганда биз деярли ҳамма вақт талаба – ўқувчилар орасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр юритамиз. Мамлакатимиз миллий урф – одат, маросим ва анъаналарни қайтадан тикланаётганлиги, улар халқимиз маданияти ва маънавиятини бойитиб бораётганлиги ва энг муҳими ёшларни тарбиялашда тобора муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Биринчи Прзидентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида алоҳида таъкидланганидек, шахс маънавиятини шаклланиш жараёнида миллий қадриятларимизнинг ажралмас ва таркибий қисми ҳисобланмиш халқимизнинг узоқ ва бой тарихга эга бўлган урф – одат ва анъаналарнинг роли бениҳоядир. Ўзбекистон халқининг қадимги урф – одат, анъана ва маросимларга алоҳида эътибор бериши маънавий тикланиш жараёни жадал кечаётган ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, кишиларни янгича руҳда тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мустақиллик ғояларини чуқурроқ сингдириш, аждодларимиз яратган қадриятлар моҳиятини кенг тарғиб қилишда, урф – одат ва анъаналар моҳиятини англаш, уларни, айниқса, ёшларга чуқурроқ тушунтириш, миллий истиқлол мафкурасини кенг омма орасига ёйишнинг таъсирчан воситаларидан биридир.

---

[267] Бемуродов М. Миллий анъаналар, маросимлар ва ўзгараётган минталитет. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили. Тошкент, 2004, 76 – бет.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ САМАРҚАНД АКАДЕМИЯСИ ТАРИХИДАН

Шарипов Ф.Н., Бердиев Ж.П
ҚарДУ ўқитувчилари

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври Марказий Осиё фани ва маданияти тарихида ниҳоятда муҳим босқични ташкил этади. Темурий шаҳзодалардан бири Мирзо Улуғбек фан ва маданият тараққиётига энг кўп ва салмоқли ҳисса қўшган ҳукмдорлардан биридир. У Самарқандда биринчи астрономия академиясига асос солган сиймо сифатида дунёга ном таратди.

XV асрда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандда илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимларнинг ижодий фаолияти, астрономия ва математика фанлари соҳасида қилган кашфиётлари, яратган нодир асарлари билан илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларининг салмоғига қараб, Улуғбекнинг астрономия мактабини ўз даврининг академияси дейиш мумкин.

«Академия» атамаси афсонавий қаҳрамон «Академа» номидан олинган. Унинг номи билан Афина яқинидаги бир шаҳар ҳам Академия деб аталган. Академия - баъзи илмий ва ўқув ташкилотларининг номидир. Фан тарихида академиялар жуда кўплаб тузилган.

Қадимги юнон файласуфи ва математиги Афлотун (Платон, мил. авв. 429-348 йилларда яшаган) академия ташкил қилган ва бу академия биноси пештоқига «Бу ерга геометрияни билмаганлар кирмасин», деб ёздириб қўйган. {1:13}.

Кейинги академия араб халифалиги даврида ташкил топган, уни халифа Ал-Маъмун (813-833) Бағдодда ташкил этган. У арабчада «Байтул ҳикма» яъни «Ҳикматлар уйи» деб аталган. Бу академияда жуда кўп йўналишлар бўйича илмий изланиш ишлари олиб борилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу академия қошида бой кутубхона, яхшигина жиҳозланган расадхона ҳам бўлган. Расадхонада сайёралар ва юлдузлар кузатилган. Бу академия 200 йил фаолият кўрсатган. Бу академияда Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний каби Мовароуннаҳрлик олимлар ижод қилиб, ўрта аср илму фанига бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Ундан кейинги Хоразм Маъмун академиясига 1004-1005 йилларда асос солинган. Ушбу илм маскани Марказий Осиёдаги илк академия ҳисобланади. Академиянинг «Маъмун» дейилишининг сабаби Маъмуний хоразмшоҳлар даврида (997-1017 йиллар) уларнинг ҳомийлигида ташкил

қилиниб, у «Дорул ҳикма ва маориф» (Билимдонлик ва маориф уйи) деб аталган. {2:75}.

Академия 1017-йилда ўз фаолиятининг тўхтатишининг сабаби Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмуннинг исёнчилар томонидан ўлдирилиши бўлди. Хоразм Маъмун академиясида илм-фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган ва ҳинд, араб, юнон олимларининг ишлари ўрганилган. Бу ерда машҳур кимёгарлар, табиатшунослар, тиббиётчилар, математиклар, астрономлар, муҳандислар, мантиқшунослар, файласуфлар, тарихчилар, географлар илм-фаннинг деярли барча соҳалари бўйича ижод қилдилар. Айниқса, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъди Абулхайр ИБН Ҳаммар, Абу Аҳл Исо ибн Яхё ал-Масихи ал-Журжоний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сахри, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид ал-Хоразмий кабиларнинг хизмати катта бўлди. {3:381}.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи жуда кўҳна ва бой миллий-маданий меросга эга эканлигига Хоразм Маъмун академияси гувоҳлик беради. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ва 2006 йил кузида Республикамизда «Хоразм Маъмун академиясининг» 1000 йиллигини нишонланиши ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий-маданий меросни тиклаш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатдир.

Ўрта асрларда мусулмон Шарқида аниқ мақсадларга йўналтирилган расадхоналар бунёд этилган. Уларнинг ишлаш тамойилига қараб диоптр-туйнукли, «вақт хизмати», илмий-жиҳозли ва «нур қайд қилувчи» иншоотли расадхоналарга ажратиш мумкин.

Туйнук орқали ёриткичларни кузатиш услубидан қадимги «Амон-Ра эҳроми»да (Миср.мил.авв.XVI-XIасрлар), Англиядаги «Стоунхенж тошлари» (мил.авв.1900-1600 йиллар) ва «Қўйқирилган қалъа» (мил.авв.356-329 йиллар) расадхоналарида ва кейинчалик эса Чиллахона (Тошкент, IX-X асрлар), шунингдек Рай шаҳри (Эрон, X аср) ва Улуғбек (Самарқанд, XV аср) расадхоналарида ҳам фойдаланилган. {4:11}.

XV асрда Самарқандда ташкил қилинган Улуғбек академиясини тан олган ва дунёга таратган киши бу француз ёзувчиси, файласуфи ва тарихчиси Вольтер (1694-1778) дир.

А.Абдураҳмонов ўзининг «Улуғбек академияси» китобида Вольтернинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Трансоксианада унинг (яъни Амир Темурнинг) ўрнига тахтга чиққан машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди.».{1:13}.

Чиндан ҳам Улуғбек томонидан қурдирилган расадхона ўз даврининг академияси бўлган. {5:441}.

Фан тарихига бу илмий марказ ‘’Улуғбекнинг Самарқанд академияси’’ ва ’’Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби’’ номлари билан кирди. Биринчи номни француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер берган бўлса, иккинчи номни академик Қори Ниёзий берган.

Улуғбек 1424-1428 йилларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида расадхона қурдирди. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан қопланган. Бинонинг ички саҳни секстант (осмон ёритгичларининг баландлигини белгилаш учун мўлжалланган кўзгу қайтаргичли асбоб) ва коридорлар билан уч қисмга ажратилган. Расадхона жойлашган бу мавзе маҳаллий аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат қозонган. {6:117}.

Ғиёсиддин Жамшид бошчилигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоб ускунаси улкан секстант ўрнатилган. Самарқанд секстанти ўша даврда Шарқда машҳур бўлган секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган. Али Қушчи унинг баландлигига (қарийб 50 метр) қиёс қилган.

Шу билан бирга Улуғбек расадхона қошида замонасининг бой кутубхонасини ҳам ташкил этди. Бу кутубхонада фаннинг деярли барча соҳаларига тегишли қарийб ўн беш минг жилд китоб сақланган. {2:253}.

Улуғбек академиясида 1471 йилда дунёниг турли мамлакатларидан келган олимлар сони 100 дан ошиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, мусаввирлар, географлар бор эди. Хусусан фалакиёт ва математика соҳалари олимлари шарафлироқ ва обрўлироқ ҳисобланганлар.

Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан замондошлари ўртасида «Афлотуни замон» деб ном олган Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птоломейи» номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўша давр тарихчиси Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкирот уш-шуаро» асарида «Мирзо Улуғбек ҳандаса (геометрия) илмида мажастийкушо эрди» деб таъкидлайди. {7:10}.(Мажастий - Птоломейнинг (II аср) «Алмагест» асарининг арабча номи).

Улуғбек қадимги Юнон олимларидан Платон (Афлотун), Аристотел (Арасту), Гиппарх (Иббархус) ва Птоломей (Батлимус), Шарқ олимларидан Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва Носириддин Тусий илмий-меросидаги астрономик тушунчалар билан таниш эди.

У аниқ фанлардан маърузалар ўқиган, илмий баҳслар уюштирган, астрономик кузатишлар олиб борган, астрономия, математика ва тарихга оид асарлар ёзган. {4:48}.

Улуғбек илмий академияси мусулмон Шарқи маданияти ва фани тарихида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Унинг раҳбарлигида шаклланган риёзиёт ва фалакиёт мактаби фан тарихида алоҳида нуфузга эга бўлди.

Улуғбек бошчилигида расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 собита (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилди.

Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координаталари белгилаб чиқилди.

Расадхона олимлари томонидан учинчи даражали алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. {6:119}.

Расадхонада Улуғбекнинг бевосита раҳбарлигида ўтказилган ишлар унинг математика, геометрия ва фалакиётшунослик соҳасида чуқур билимлар соҳиби эканлигидан гувоҳлик берар ҳамда бир қанча амалий вазифалар ечими учун катта аҳамият касб этарди.

Улуғбекнинг шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) номли китоби ўрта асрлар астрономия фанининг ютуғи эди.

«Зижи жадиди Кўрагоний» асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 қўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати белгилаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг бош муқаддима қисми астрономиянинг назарий масалалари, Шарқ халқларидаги йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиёти, сайёралар назарияси ҳамда астрономия ва астрология масалаларига бағишлангандир.

«Зижи жадиди Кўрагонийнинг иккинчи қисми астрономия ва тригонометриянинг амалий масалаларига мансубдир. Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида юксак даражада аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, фалак албурж текислигининг хатти истивога оғмалиги Улуғбек жадвалида 23 даража, 30 дақиқа, 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража, 30 дақиқа, ва 49 сонияни ташкил этади. Бу икки рақам ўртасидаги тавофут ҳаммаси бўлиб, минус 32 сонияга тенг, холос. Шунингдек, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб-китобларга солиштиргудек бўлсак у бор-йўғи 1 дақиқа-ю 2 сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир. {5:444}.

Кези келганда Европада биринчи академия 1662 йили Англияда ташкил топганини, у «Лондон қироллик жамияти» деб аталганини эслаш лозим. Бу илмий жамият Кембриж университети талабаларининг илмий тўгараклари асосида вужудга келган. Унинг ташаббускори Роберт Войль ҳисобланади. Бу академияга ўз вақтида Р.Гук, Х.Рен ва И.Ньютонлар раҳбарлик қилишган.

Россияда эса биринчи академияга 1724 йили Пётр I асос солган. У 1747 йилги низомга кўра «Император Фанлар ва Санъат академияси» деб аталган. 1803 йилдан бошлаб «Император Фанлар Академияси» деб аталадиган бўлди.

Улуғбек ва унинг академияси Ғарбий Европада қанчалик машҳур бўлганлиги чех астрономи Ян Гевелийнинг машҳур «Прдомус астрономия» (Астрономия даракчиси) номли китобидаги иккита суратда ўз ифодасини топган. Биринчи суратда Улуғбек мунажжимлар ва олимлар худоси Ураниянинг ёнгинасида, ўнг томондан жой олган. У Европанинг энг машҳур астрономлари қаторидан жой олган. Шунингдек унинг 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталганлигидан ҳам билиш мумкин.

Европадаги академиядан икки аср олдин ташкил қилинган «Самарқанд академияси» 1004 йили Хоразмнинг қадимий пойтахти Урганчда ташкил этилган ўзига хос академия «Донишмандлар уйи» (Маъмун академияси) дан кейинги илм фанга муносиб ҳисса қўшган иккинчи «Дор ул-илм» эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмонов А.Улуғбек академияси. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993. – 26 б

2 . Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 156 б

3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат.- Тошкент: Шарқ, 2006.– 527 б

4. Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби.- Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-95 б

5. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб- Тошкент: Шарқ, 2010 . – 511 б

6. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати.- Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. -157 б

7. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент:Ўқитувчи, 1996.-310 б

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Умаров С.Я
СамДУ ўқитувчиси

1991 йилда СССРнинг парчаланиши халқаро муносабатлар тизимида икки қутбли дунёга барҳам берди. Икки қутбга бўлиниб қолган дунё мамлакатлари янги халқаро муносабатлар тизимига – кўп қутбли дунё халқаро алоқалар тизимига кирди. Икки қутб орасидаги «тусиқлар»нинг бартараф этилиши натижасида қирқ йилдан зиёд вақт давомида икки қарама – қарши блоклар қўл остида бўлиб келган Ғарбий ва Шарқий Европа давлатлари ўзаро савдо ва маданий алоқаларни йўлга қўйди. Нафақат Европада, балким, «совуқ уруш» даврида «учинчи дунё мамлакатлари» деб қараб келинган Осиё ва Америка минтақасидаги давлатлар ўртасида ҳам интеграцион жараёнлар бошланиб кетди.

Евросиё минтақасида жойлашган давлатлар ўртасида ҳам ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳамкорлик муносабатлари юзага келди. Натижада Европа ва Осиёнинг давлатлари ўртасида интеграция амалга ошириб, Евросиё минтақаси давлатлари глобаллашув жараёнларига тортилди. Дунёда глобаллашув жараёнлари юзага келишида иштирок этаётган давлатлар сирасида АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, шунингдек, «Жанубнинг катта еттилиги» ҳисобланадиган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Мексика, Жанубий Корея ва Таиланд ажралиб туради[268]. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси мазкур давлатлар билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни жадаллик билан олиб бормоқда.

«Кўп қутбли дунё»нинг қарор топиши натижасида интеграция жараёнларига кириб борган Ўзбекистон Европа минтақаси, жумладан, Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо мамлакатлар билан мустаҳкам, ўзаро тенг манфаатларга асосланган ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди, уни изчил ривожлантириб бориш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзак йўналишларидан бирини этиб белгиланди. Ўзбекистоннинг мазкур минтақа мамлакатлари орасида айниқса Германия Федератив Республикаси билан муносабатлари нисбатан кенгқамровлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг концептуал асослари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Биринчи Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда янги - озод ва обод Ватан қуриш борасидаги қарашларида, стратегик дастурларида ишлаб чиқилган ва фундаментал асарларида атрофлича асослаб берилган. Бу қарашлар,

[268] Ҳасанов А. Геосиёсат // Озарбайжончадан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси. – Тошкент, 2016. – Б. 410-411.

айтиш мумкинки, халқимизнинг асрий қадриятларини хозирги замон халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган жараёнлар ва мустақил Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари билан уйғунлаштириш асносида шаклланган.

Давлат мустақиллиги ва суверенитетининг, унинг ҳудудий яхлитлигининг дахлсизлиги, миллий манфаатларнинг устуворлиги, прагматизм ғояларига асосланган фаол ва изчил ташқи сиёсат юритиш, умуминсоний кадриятларга таяниш, халкаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлаш, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик, манфаатлар муштараклиги, давлатлараро муносабатларда мафкурадан ҳолилик, ички ишларга аралашмаслик каби тамойиллар мамлакатимизнинг шу кунгача олиб борган ташқи сиёсати ва дипломатиясининг асосий концептуал илдизини ташкил этиб келган. Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида мана шу тамойиллар негизида шаклланган ташқи сиёсат ва дипломатия Ўзбекистон халкаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида қад ростлашини ва мамлакатимизнинг дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади, шунингдек, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини хам мустаҳкамлади.

Ҳозирги даврга келиб эса, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида янги босқичга кўтарилмокда: истиқлолнинг учинчи ўн йиллиги бошланди. Янги босқичда янги марраларни эгаллаш вазифаси мамлакатимизда ва халқаро майдонда юз бераётган туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, давлатимиз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини янада такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

Натижада, давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишлари, халқаро майдондаги максад ва вазифалари, миллий манфаатлари ва уларни илгари суриш механизмларини белгилаб берувчи ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган қарашларнинг яхлит тизимини ўзида мужассам қилган янги ҳужжат - «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси»[269] тайёрланди.

Давлатимизнинг ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, ўрта ва узоқ истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизими хисобланган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепцияси»да ташқи сиёсатнинг асосий устувор

[269] Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2012. - № 9/1. – Б. 6-19.

йўналишларидан бири Европа давлатлари билан, энг аввало Германия билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўзбекистон учун Европанинг етакчи давлатлари, аввалambор, Германия, Франсия ва Буюк Британия, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади»[270].

Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, Германиянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизга тобора кўпроқ сармоя олиб кирмоқда. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Германия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳам муттасил равишда ўсиб бормоқда.

1991 йилнинг 31 декабрь куни Германия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини расман тан олди, 1992 йилнинг 6 мартига келиб эса, икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йилда айнан Германияда, Бонн шаҳрида очилганлиги ҳам бунинг ўзига хос исботидир. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йиллардаги Германияга, Германия Президенти Р.Герцогнинг 1995 йилда, Канцлер Г.Шрёдернинг 2002 йил ҳамда 2004 йилдаги Ўзбекистонга қилган олий даражадаги ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши қатъиятлик билан ривожлантирилмоқда. Икки давлат – Германия ва Ўзбекистон учун ҳам ташқи алоқаларни йўлга қўйиб, жаҳон аренасида ўз ўрни ва позециясига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама алоқалар ва ҳамкорлик томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги асносида қарор топди. Ўзбекистоннинг Германия билан алоқаларининг янги босқичга кўтарилишида Республикамизнинг биринчи Президенти И.Каримовнинг 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи муҳим қадам бўлди[271]. И. Каримов ГФР Федерал канцлери Гельмуг Кол билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият билан суҳбатлашди. Ташриф якунида имзоланган «Сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида»

[270] Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. № 179 (6614). –Б. 2.

[271] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германия Федератив Республикасига сафари давом этмоқда. // Халқ сўзи. 30 апрель, 1993 йил. № 83. – Б. 1.

шартнома[272], техникавий ҳамкорлик доирасида мутахассисларни юбориш, экспертизалар ва илмий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда маслаҳатлар, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида «Илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида»[273] ҳамда икки мамлакат маданий алоқалари асоси бўлган «Маданий ҳамкорлик тўғрисида»[274] битимлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди[275]. Айни пайтда бу сафар натижасида республикамиз учун Европа сари катта йўл очилди. Шу тариқа икки мамлакат ўртасида молиявий ва инвестиция борасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топди.

Ўзбекистон делегацияси Германия саноатини ўрганишга катта эътибор берди. «Дойче банк», «Мерседес-Бенц» ва «Сименс» компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Жумладан, Хоразмда «Мерседес-Бенц» компанияси иштирокида юк машиналари йиғадиган завод қуриш ҳақида аҳдлашилди. Сафар натижаларига кўра ўзбек-немис ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди. Тошкентда икки томонлама савдо-иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг элчихонаси очилди. «Тошкент-Франкфурт» ҳаво йўлида самолётлар қатнай бошлади. «Дойче банк»нинг бўлими фаолиятинин бошлади[276].

Маълумки, сиёсий ҳамкорлик ҳар икки томон миллий манфаатларининг уйғунлиги шароитида юзага келади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги сиёсий муносабатлар томонларнинг жаҳон ва минтақавий ҳамда ички сиёсий жараёнлар тизимидаги ўзаро манфаатларига асосланган, деб ҳисоблаш мумкин.

1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикалари ҳукуматлари ўртасида молиявий ва техник ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқиш учун ҳукуматлараро маслаҳатлашувлар ўтказила бошланди. 1994 йил май-июн ойларида бўлиб ўтган ҳукуматлараро маслаҳатлашувларда Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлигининг вакиллари Б.Швайгер ва П.Репник бошчилигида герман делегацияси иштирок этди. Музокаралар

---

[272] Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида "Сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида" шартнома. 1993 йил 28 апрель, Бонн // lex.uz –Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[273] Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида "Илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида"ги битим. 1993 йил 28 апрель, Бонн // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[274] Соглашение между правительством Республики Узбекистан и правительством Федеративной Республики Германия о культурном сотрудничестве. Бонн, 28 апреля 1993 года // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[275] Узбекистан-Германия: плодотворное сотруничество. // Деловой партнер. Май, 1997 г. № 22. - С.3.

[276] Жалилов А., Туленова Г. Геосиёсат асослари. (Укув кулланма). Тошкент 2007. - Б. 99.

якунида 1993, 1994 ва 1995 йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасида молиявий ва техник ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро келишув имзоланди[277].

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиши дастурларини мувофиқлаштириш ҳамда жадал амалга ошириш, ўзбекистонлик ва германиялик шериклар ўртасида ўзаро фойдали ишонч ҳамда манфаатдорлик муҳитини шакллантириш, Германия сармоясини, бошқарув тажрибасини ва технологияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ГФР билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича идоралараро комиссия ҳамда унинг ҳузурида доимий ишловчи котибият[278] ва 1995 йил май ойида Ўзбекистон – Германия доимий ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур комиссия ва гуруҳ мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, инвестицияларни кафолатлаш ва суғурталаш, лойиҳаларни молиялаш, хусусийлаштиришга кўмаклашиш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиб келаётир. 1993 йили Тошкентда Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг ваколатхонаси очилди. Жамият фаолияти туфайли бозор иқтисодиётига оид семинар ва ўқув курслари ўтказиш йўли билан мутахассислар тайёрлаш, иқтисодий қонунчилик, хусусийлаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар йўловчи транспортига доир қонун ва низомлар ишлаб чиқиш, «оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» тадбирлари бўйича маслаҳатлар бериш дастури амалга оширила бошлади.

1995 йил июлда навбатдаги ҳукуматлараро маслаҳатлашув бўлиб, унда 1995-1996 йилларда молиявий ва техник шериклик масалалари кўриб чиқилди. Учрашувда шунингдек, имтиёзли кредитлар ва грантлар масаласи ҳам муҳокама қилинди. Музокаралар 1995 йил 6 ноябрда Бонн шаҳрида давом эттирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида молиявий ва техник ҳамкорлик тўғрисида протокол имзоланди[279].

1996 йил 28 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон ва Германия ўртасида 1997 йилда молиявий ва техник ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув имзоланди[280]. Шу аснода икки томонлама манфаатли алоқаларнинг ҳуқуқий асослари қарор топди.

---

[277] Узбекистан-Германия: плодотворное сотрудничество. // Деловой партнер. Май, 1997 г. № 22.- С.3.

[278] Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича идоралараро комиссия тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // 1993 йил 20 август, 424-сон // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[279] Узбекистан-Германия: плодотворное сотрудничество. // Деловой партнер. Май, 1997 г. № 22. - С.3.

[280] Узбекистан-Германия: плодотворное сотрудничество. // Деловой партнер. Май, 1997 г. № 22. - С.3.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Германия Федератив Республикаси билан савдо ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 24 апрельдаги қарори[281] XXI аср бошида ҳам мамлакатларимиз орасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг давом этишини таъминлаб берди.

Шу билан бирга Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида 1996 йил 21 июндаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда унинг асосида 2004 йил 22 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори[282] муносабатларнинг янги босқичда барқарор давом этишига замин бўлди.

Ўзбекистон ва Германиянинг халқаро ҳамда минтақавий кўламдаги ўзаро манфаатлари Ўзбекистон нуқтаи назаридан қўйидагиларда намоён бўлади.

Жумладан, биринчидан, иқтисодиёти юқори даражада ривожланган Германия улкан инвестицион, илмий-техник, инновацион ресурс салоҳиятига эга ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, юқори сифатли хом ашё товарлари учун ўзига хос истиқболли бозор вазифасини ўтовчи Ғарбий Европа минтақасида ишончли бизнес-шерикчилик алоқалари учун энг муносиб ҳамкордир.

Иккинчидан, Германиянинг худди Ўзбекистон сингари, геосиёсий жиҳатдан евроминтақада марказий ўринни эгаллаши, ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар босими ҳанузгача барҳам топмаган шарқий ва ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида, шу жумладан, ЕИ-Россия муносабатларида ўзига хос воситачилик вазифасини бажариши Ўзбекистоннинг мазкур минтақада ҳамда Россия билан бўладиган муносабатларида мустақил ва қатъий позициясини илгари суриш имконини беради.

Учинчидан, маълумки дунё ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий муносабатларини тартибга солувчи кўплаб халқаро ташкилотлар Европа мамлакатларида жойлашган. Албатта, «G-8» аъзоси сифатида Германиянинг мазкур ташкилотлардаги таъсири кучи

[281] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Германия Федератив Республикаси билан савдо ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори // 2001 йил 24 апрель, 181-сон // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[282] Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // 2004 йил 22 март, 134-сон // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

сезиларли даражада юқори бўлиб, халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти ва ундаги жараёнларда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон учун бу ижобий аҳамиятга моликдир.

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МУЗЕЙШУНОСЛИК МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Хошимов Ш.Ж.,
СамДУ, катта ўқитувчиси,
Хошимова С. Х.
Пастдарғом Автомобил ва йўллар
касб-ҳунар коллежи ММИБДЎ

Ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучаяётган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган даврдир. Бугунги кунда маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви илм – фан, маданият ва санъат, маънавий мероснинг тикланиши ва ривожланишига, музейшуносликнинг тараққий этиб боришига ижобий тарзда таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан ахборотлашган жамият шароитида турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб бориши жараёни кучайиб, баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи чуқур тахлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гурухларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш, ёшлар тарбиясида янги педагогик инновацияларни таълим тизимида кенг қўллаб ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Инновация инглиз тилида янгилик киритиш деган маънони билдиради. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувларни ўзида ифодалайди. Таълим тизимидаги инновациялар ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келади ҳамда таълим тизимини замонавийлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Инновация таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатувчи жараёндир. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижани ўзида ифодаловчи жараёндир. Педагогик инновациялар таълим тизимида муаммолар пайдо бўлган пайтда вужудга келади, янги масалаларни ҳал қилади ҳамда педагогик жараённинг узлуксиз янгиланиб боришига олиб келади.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Бу бежиз эмас албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация, бу – келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. [1.2.]

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация ҳисобланмайди. Инновация амалдаги назария доирасида амалга оширилиб, инновацияда ёндашув услублари янгиланиб аввалги тизим такомиллаштирилади.

Инновацион фаолиятга тайёргарлик кўришдан мақсад – ўқитувчининг янгиликка интилувчанлиги, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакаси такомиллаштирилади. Ўқитувчи инновация фаолиятига тайёр бўлиб, дарсга энг сўнгги янгиликларни олиб кириб, таълим жараёнини қизиқарли ва билим олувчининг талаб ва эхтиёжига мос равишда ташкил этса, таълим жараёнидаги сифат ва самарадорликни кафолатлайди.

Инновацион фаолиятдаги энг муҳим масалалардан бири – бу ўқитувчининг шахсидир. Ўқитувчи – новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, ўз фаолиятини креатив асосда олиб бориши, педагогик инновациялардан самарали фойдаланиб, педагогик янгиликларга қизиқиш билан қараши лозим.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланиб, такомиллашиб боради. Инновацион фаолиятнинг тузилиши – ижодий ёндашув, ижодий

фаоллик, янгиликни юритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш ва муомала маданиятидан иборат бўлиб, педагогик инновацион фаолият натижасида янгиликлар, инновациялар таълим жараёнига киритилади. Таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш босқичма-босқич амалга оширилади. Таълим тизимидаги инновациялар замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллар, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, таълим соҳасида инновацияларни татбиқ қилишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон стандартларига жавоб берадиган таълим тизимини шакллантириш ва сифатини оширишдан иборатдир. Таълим соҳасига янги педагогик инновацияларнинг жорий қилиниши натижасида республика таълим тизимига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситалари татбиқ этиб келинмоқда. Таълимда асосий эътибор ҳар томонлама баркамол, етук шахсни тарбиялашга қаратилмоқда. Таълим олувчининг ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбияси масалалари таълим соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад бўлса, янги инновацион педагогик технологияларнинг таълим соҳасига жорий қилиниши бу мақсадга эришишнинг йўлларини кўрсатиб берувчи воситадир. Янги замонавий педагогик технологияларда таълим олувчилар дарсда фаол иштирок этадилар. Ўқитувчи таълим олувчиларни дарс жараёнида йўналтириб туради. Дарс турли ўйинлар, савол-жавоблар, тақдимотлар асосида қизиқарли қилиб тақдим этилади. Янги педагогик технологиялардан кўзланган асосий мақсад таълим олувчи ўқувчи ва талабаларнинг қизиқишини кучайтириш, фандаги мавзулар уларнинг хотирасида узоқ вақт давомида сақланиб қолишига эришишдир. Шунинг учун ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлардан, масалан тарих фанидан дарс ўтиш жараёнида дарсни амалиёт билан боғлиқ қилиб ташкил қилиш, мавзуга тааллуқли бўлган меъморий обидаларга, архивларга, музейларга экскурсиялар ташкил этиш ва дарсни ўша жойда кўргазмали қуроллар ва воситалар ёрдамида олиб бориш дарснинг сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Музейшунослик ёрдамчи тарихий фанлар – нумизматика, археографика, геральдика каби фанлар билан боғлиқ бўлиб, музейлар миллий ғоя ва миллий маънавиятнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Музейлар Ўзбекистон фуқаролари тарихий хотирасининг тикланиши, миллий ўзлигини англаб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларинnнг уйғонишига ёрдам берадиган муҳим воситадир. Шу йўл билан музейлар фуқароларнинг миллий ғоя ва маънавият тарбиясида иштирок этади. Ўзбекистонда музейларни ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, бу борада 1998 йил 12

январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинган эди. Шунинг учун Ўзбекистонда янги музейлар ташкил этилмоқда, эскилари таъмирланиб, экспонатлари бойитилмоқда. Чет эллардаги музей ашёларини Ўзбекистонга қайтариб олиб келиш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда адолатли, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилиш жараёнида музейлар фуқароларни илмий, ахлоқий, эстетик, маданий ва маънавий тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

ДАЛВАРЗИНТЕПА – ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ АНТИК ДАВР МАДАНИЯТИНИНГ ЎЧОҒИ.

(2017 йилги тадқиқотлар асосида)

Жахонов Т.,
Ўз.ФА Санъатшунослик институти

Далварзинтепа ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида жойлашган бўлиб, милоддан аввалги II асрдан дастлаб кичик қишлоқ сифатида вужудга келиб, кейинчалик Кушонлар империяси даврида равнақ топди. Шаҳар икки қисмдан: арк – ҳукмдор қалъаси ва шаҳристон қисмидан иборат. Умумий майдони 47 гектарни ташкил қилади.

2017 йилда ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг экспедицияси Далварзинтепа ёдгорлигининг шаҳристон қисмида археологик қазишма ишларни амалга оширди.

Далварзинтепанинг шарқий қисмида жойлашган ДТ-37 (шартли номланган) тепалигида қазишма ишлари 2016 йилнинг баҳорида машҳур япон археологи Като Кюдзо ҳамда Баҳодир Турғунов томонидан бошланган бўлиб, жами 5 та хона очиб ўрганилган. Археологик қазишмалар олиб борилган мажмуалардан амфора шаклидаги икки қулоқли кўза, ваза, қора лойдан ясалиб, безак берилган шокоса, пиёла ва қадаҳ, ликопчалар ҳамда энг асосийси, Кушонлар даврига тегишли ҳукмдор Вима Кадфиз тасвири туширилган муҳр–тамға ва тангалар топилган эди. (Турғунов, Ўлмасов, 2017; Kawasaki, 2017.)

Ташқи тарафдан қараганда, ДТ–37 тепалиги Далварзинтепа шаҳристонининг шарқий қисмида алоҳида ажралиб турганлигини кўриш мумкин. Шу сабабдан археологлар қазиш учун ушбу тепаликни танлашган бўлса керак.

2017 йилда экспедиция ДТ-37 нинг ҳали ўрганилмаган қисмида тадқиқот ишларни олиб борди. Қазишма ишларида катта зал (6-хона) ва хўжалик хонаси (7-хона) очиб ўрганилди. Хона қурилишига назар ташлайдиган бўлсак, икки қурилиш даврини бошдан кечирган. Тепалик устидан энг пастки пол қатламигача 2,3м ни ташкил қилади. Бу энг қуйи қатламдан кўплаб қора сопол буюм синиқлари топилди. Маълумки, қора тусдаги сопол буюмлари асосан милоднинг дастлабки асрларида кенг тарқалган.

6 – хона (6,90×5,35м) катта зал кўринишида бўлиб, хона деворлари учта катта ва иккита кичкина токчалар билан безатилган. Бу токчалар хонани ёритиш учун чироқлар қуйиладиган жой сифатида фойдаланилган дейиш мумкин. Хонанинг чап ён тарафида эса супа бўлиб, супанинг чети пол қисмига юзаси 37×37см ва қалинлиги 5-6 см ўлчамдаги еттита ғишт бир қатор қилиб терилган. Бу ҳам хонага ўзига хос безак вазифасини ўтаган. 6-хона (зал) нинг кейинги 7-хонага ўтадиган коридор қисми деворларида оҳак ёки бошқа турдаги ашё билан оқланган. Коридор қисмида ҳам битта токчанинг ўрни аниқланди.

Эни 2,6 м ўлчамли коридор бўйлаб 7-хонага кираверишда эса сопол қувур топилди. Диаметри 12 см бўлган сопол қувур ёрдамида уйга сув олиб кирилган бўлиши мумкин. Қувур атрофи майда тошлар билан ўралган. 7– хона зал (6-хона)дан кўра бироз кичик бўлиб, ўлчами 3,20×2,60 м ва эҳтимол ундан хўжалик мақсадларда фойдаланилган. Чунки, хона ичидан иккита йирик сопол хум синиқлари топилиши бу ерда турли маҳсулотлар сақланганлигидан далолат бермоқда. Хумлар хонанинг деворга яқин қисмида жойлаштирилган. Далварзинтепадан топилган йирик хумларнинг аксарияти хона деворига яқин жойдан топилган.

ДТ – 37 даги кутилмаган топилмалардан бири сифатида эса 5 ҳамда 6 - хоналардаги ўра ва ер ости камераларининг очилиши бўлди. 5 - хонадаги ўра 2016 йилги қазишмалар давомида Вима Кадфиз тасвири туширилган муҳр топилган хонага ёндош хонадан аниқланган эди (Kato, Turgunov, 2017) Ўра жойлашган хонанинг атрофи хом ғишт билан тикланган девор билан ўраб олинган бўлиб, дастлабки фаразларга кўра зиндон деб тахмин қилинган эди. 2017 йилги экпедицияда ҳам ушбу ўрани чуқурроқ қазиб тубига етишга ҳаракат қилинди. Ўрадан зиндон сифатида фойдаланилганлиги тўғрисидаги тахмин ҳозирча ўз исботини топмади. Ўра ичидан кам сонли сопол синиқлари ҳамда отни тасвирловчи ҳайкалча топилди. Бунга ўхшаш ҳайкалчалар Бақтрия ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан аввал ҳам топилган. Ҳайкалчанинг бош ва тўрттала оёғи синган (эҳтимол, атай синдирилган), кўкрак қисмида ҳали пиширилмаган вақтида қўйилган «Х» белгиси ҳамда паст қисмида тешик мавжуд.

2017 йилга экспедиция давомида 6 - хонанинг энг пастги пол қисмига етганимизда, хонанинг супага туташ ерида яна бир ўра – ер ости камераси топилди. Унинг диаметри 1,25 м, хона полидан бошлаб чуқурлиги 3,65 м, ердан бошлаб чуқурлиги эса 5,95 м ни ташкил қилади. Ушбу ер ости камерасидан қора тусдаги, ангобли сопол буюм бўлаклари, кўплаб ҳайвон ва қуш суяклари, мис тангалар (биттаси бутун ҳолатда, қолганлари майда бўлаклар,) ҳамда квадрат шаклдаги ғишт синиқлари топилди. Ўранинг тубида етар жойида токчасимон ўйиқлар мавжуд. Шунга ўхшаш ер ости камералари аввал ҳам топилган. Масалан, Далварзинтепа марказидаги буддавийлик ибодатхонаси (ДТ-25) нинг полидан пастда, - 3,50 м чуқурликдаги иншоот - ер ости камераси топилган. Бундай иншоот ДТ-25 дан жануби - ғарбда жойлашган ДТ-18 объектидаги қазишмалар чоғида хам аниқланган эди. Унда ҳам ДТ-25 даги каби зинапоя асосда 6,5 м чуқурликда ўйилган кичик ер ости камерасига олиб тушган. Тадқиқотчи Д.В.Русанов ДТ-25 ҳамда ДТ-18 дан топилган ер ости камералари ўзаро ўхшашлигини ва ёдгорликдан топилган тангалар асосида иккала иншоотни ҳам милодий III асрга тегишли эканлигини таъкидлайди. (Русанов, 1996).

ДТ – 37 да аниқланган ер ости камерасининг хронологик даврини ундан топилган Вима Кадфиз тангаси асосида ёдгорликни милодий I - II асрга тегишли дейиш мумкин ва бу ер ости камераси аввал топилганларидан қадимийроқ. Буни у ердан топилган қора тусдаги сопол буюмлар исботлаб турибди. Ер ости камераларининг асосий функцияси нима эканлиги аниқ айтиш мушкул. Аммо ДТ – 37 нинг 6 - хонасидан топилган ер ости камераси маҳсулот сақланадиган жой сифатида фойдаланганлигини тахмин қилиш мумкин.

ДТ – 37да 2016 - 2017 йилги қазишма ишларида жами 7 та хона очилиб, ундан топилган энг муҳим топилмалари 2016 йилда топилган Кушонлар империяси ҳукмдори Вима Кадфиз тасвири туширилган муҳр ҳамда шу муҳр босилган тангалар бўлиб, бу топилмалар катта илмий тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу муҳр кимга тегишли эканлиги ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Агарда муҳр хукмдорлик мухри бўлса, шаҳарнинг нега бу қисмида сақланган? Агар муҳр бирорта мансабдорга тегишли бўлса нега ҳукмдор тасвири туширилган? Фикримизча, муҳр айнан хукмдорга тегишли бўлмай, масъул лавозимдаги бирор бир амалдорга тегишли бўлиб, у ҳукмдорга яқин кишилардан ҳисобланган. Мазкур объектдан ҳозирча, муҳрдан ташқари ҳукмдор яшаганлиги тўғрисида далолат берувчи бошқа топилма учрамади. Бу муҳрга яхшилаб разм солинса, муҳр аслида танга сифатида ясалиб сўнгра тутқич ўрнатилганини кўриш мумкин. Балки, бу муҳр пул муомаласига масъул бўлган амалдорга

тегишли бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки муҳр топилган жойдан кўплаб тангалар ҳам топилган эди.

Бунгача ҳам Кушонлар давлатига тегишли муҳр Ҳиндистоннинг Ганг водийсидаги Каусамби ёдгорлигидан топилган. Ганг водийсидан топилган бу муҳр Далварзинтепадан топилган мухрдан буткул фарқ қилгани ҳолда, шакли худди ҳайкалнинг қўл қисмига ўхшаш бўлак сифатида ишланган ва унда тўрт қаторда битилган ёзув: «1) Маҳаражася ражати, 2) Ражася девапутрася; 3) Канишкася праё, 4) га «, яъни «Ражати ҳукмдори, худонинг ўғли Канишка бундан фойдаланади[283]« дейилган. Машхур тадқиқотчилар, Г. Шарма ва Ж. Негиларнинг фикрига кўра, бу ашё давлат мухри сифатида расмий хужжатларга босилган бўлиши мумкин (Sharma, Negi 1975.)

ДТ – 37 да ҳозиргача қилинган тадқиқотлар кўра, фикримизча, Далварзинтепа шаҳристонининг ичкари қисмида жойлашган, хавфсизлик нуқтаи назардан қулай (шахар дарвозасидан узоқда) бу объект бошқарувда муҳим ўрин тутган шахс ёки амалдорнинг қароргоҳи бўлган. Ёдгорлик даврини топилган тангалар (Сотер Мегас милодий I аср, Вима Кадфиз милодий I аср II-ярми) ҳамда қора тусдаги сопол буюмлар асосида милодий I - II асрлар дейиш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Далварзинтепанинг бизга маълум бўлмаган жиҳатлари ҳали кўп бўлиб, буни тадқиқ этиш учун янада кенгроқ, комплекс тадқиқотлар зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Русанов.Д. ДТ-25 меъморчилиги. // Далварзинтепа шаҳристони (қадимшунослик тадқиқотлари якунлари) 1989-1993. – Токио: Сока Университети, 1996, 204 – 211 б.

2. Kawasaki.K. The work of Kyuzo Kato. // Eurasia studies Vol.56. Tokio, august 2017, 20 – 24 p.

3. Турғунов.Б, Ўлмасов.А. Далварзинтепа: тадқиқот ва топилмалар // «Мозийдан садо» журнали 2.(74).2017, 25-27 б.

4. Turgunov.B, Kato.K. New discovery from an ancient city of Dalvarzintepa // Silk Road studies. Tokio, №10, February 2017, 31-39 p.

5. Пугаченкова.Г.А, Ртveладзе.Э.В и др. Далварзина кушанский город на юге Узбекистана. – Тошкент: Фан,1978.

6. Sharma G, Negi.J, The saka-kushans in the Central Ganga Valley // Proceedings of the international conference of history, Archeology and culture of Central Asia in the Kushan period. (Dushanbe, september 27 – oktober 6, 1968.) – M. 1975. 15-42 p.

[283] Санскрит тилидан инглизчага - Малика Наранг таржимаси.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МАДАНИЙ МЕРОС ВА МУЗЕЙ

Қосимова Ш.А.
К.Беҳзод номли МРДИ ўқитувчиси

Ўтган аср охири ва ҳозирги кунларимиз жаҳон маданиятининг ривожланишидаги туб бурилиш даври ҳисобланади. Янги рақамли технологиялар асосида турли-туман ахборот ёзиб олиш ва узатиш усулларининг конвергенцияси жараёнлари буни исботлайди, бунда маданият индустрияси (матбуот, кино, телевидение, компьютер) ва коммуникациялар (телефон, уяли телефон, телевизор, электр тармоқлар) ўзаро бирлашиб кетганлиги яққол кўзга ташланади. Инсонлар турмушига янги технологияларнинг фаол жорий қилиниши ҳам маданиятнинг глобаллашувига, ҳам диверсификациясига жадаллик бахш этди, улар инсон ва инсоният равнақининг асосий ўлчамларини белгилаб берадиган бўлди[284].

Жамиятдаги ҳозирги вазият ривожланиш омили сифатида маданиятга жиддий эътибор бериш зарурлигини тақозо этади. Бу ғоя тадқиқотчиларнинг фикри ва кўриб чиқилаётган соҳа экспертларининг қатъий позицияси бўлмасдан, балки мамлакатдаги умумий вазиятни ва унинг ривожланиш йўлларини холисона илмий таҳлил қилишга асосланилган амалий ижтимоий императивдир. Маданиятни ривожланишнинг кенгроқ стратегиясига киритувчи қабул қилинган халқаро даражадаги ҳужжатлар, БМТ ва ЮНЕСКОнинг дастурлари ҳам бундан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан музейдаги маданий меросни сақлаш, талқин қилиш ва тақдим этиш муаммоларига эътиборнинг қаратилиши ўта долзарб ва асосли ҳисобланади. Ўтган аср мобайнида ва ҳозир ҳам маданий меросни асраш Ўзбекистонда маданият соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги кўп сонли тарих, археология, шаҳарсозлик ва меъморлик, санъат ёдгорликлари Ўзбекистон маданий меросининг бой қатламини шакллантирди, улар мамлакатимизда музейларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Маданий меросни сақлаш муаммосига анъанавий равишда асосан ўтмиш ёдгорликларини устувор равишда музейлаштириш ёки музейда асраш жиҳатидан муносабатда бўлинган. Аммо маданий мерос соҳасига

[284] Каулен М.Е. Музей на рубеже веков: пространство взаимодействия культур. – М., 2001.

одатда айрим элементлар кириб қолади, ўтмиш воқелигидаги далиллар, воқеалар ёки ҳолатлар бутун маданий мажмуи четда қолиб кетади. Ҳатто ўз тарихий-маданий муҳитидан узиб олинган меъморчилик ёдгорлиги ҳам адекват ўрганилиши ва қабул қилиниши мумкин эмас.

Жамиятда ва маданиятда юз бераётган глобал ўзгаришлар муносабати билан маданий меросни талқин қилиш ҳам ўзгармоқда, у янада кенгроқ мазмун касб этмоқда. Маданий мероснинг таркибий қисми бўлмиш жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик усуллари ҳам ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган шубҳасиз ҳиссаси эканлиги ҳақидаги фикр янада кўпроқ эътироф этилмоқда, тан олинмоқда. Ҳам маҳаллий, ҳам ялпи даражада музейнинг экологик билимлардан фойдаланиши ва уларни бошқариши музейчилик ишининг муҳим йўналиши, урбанизация ва техноген омиллар келтириб чиқарадиган экологик хавф-хатарларга қарши туриш усулларидан бири бўлиши керак.

Шу жиҳатдан Россия маданий ва табиий мерос илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган маданий мерос концепциясининг асосий қоидаларини мулоҳаза қилиб кўриш ва фаол жорий қилиш музей фаолияти учун самарали бўлиши мумкин. Маданий мерос ҳақидаги ҳозирги тушунчалар, қарашлар уни нафақат айрим ёдгорликларнинг мажмуи, балки инсон ва табиат ўзаро ҳамжиҳатлиги тарихий тажрибасининг инъикоси сифатида қарашга имкон беради. Бу тарихни қайта мушоҳада қилишга янгича ёндашувлар, Россия халқлари маданияти ёдгорликларини аниқлаш бўйича янги қоидалар билан боғлиқдир, эндиликда мерос доирасига тарихий технологиялар, табиатдан фойдаланишнинг анъанавий шакллари, ландшафтлар ва ҳ.к. киради.

Глобаллашув даврида маданий рангбарангликни асраб қолиш ғояси биринчи ўринга чиқмоқда. Жамиятнинг, мамлакатлар ва умуман жаҳоннинг маданий кўпқатлиги ҳар бир халқ томонидан ўз тарихи ва маданиятини мутлақ қадрият, ўз турмуш тарзини ажралмас ҳуқуқ сифатида ҳиссиётларга берилган тарзда ҳозирги тушуниши билан боғлиқ объектив тенденциядир. Буни кўп жиҳатдан маданий бирхиллаштириш, биринчи навбатда маданиятни бир қадриятлар тизимини умумий нормалар тарзида илгари сурувчи ғарблаштириш жараёнларига қарши қонуний акс-садо, муносабат сифатида изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги музейлар маданий мероснинг янги қатламларини оча бориб, бағрикенгликка, маданиятларнинг рангбаранглигини ҳурмат қилишга ва бундан фахрланишга урғу бериши керак. Маданий ранг-баранглигини қўллаб-қувватлаш – маданиятнинг глобаллашувига қарши турувчи, этномаданий тусдаги низоларнинг олдини олишга хизмат қилувчи воситадир. Шу сабабли маданий меросни сақлашнинг институционал шакли сифатида анъанавий музейларнинг фаолиятини

жиддий қайта йўналтириш ёки моддий ёдгорликларнинг рангбаранглигини, балки маънавий маданият кўринишларини сақлашга, талқин қилишга ва намойиш қилишга имкон берувчи бу шаклларни жиддий ўзгартириш зарур. Экологик музейларнинг, очиқ осмон остидаги музейларнинг, анъаналар музейларининг, фольклор музейларининг кенг эътироф этилаётганлиги ва пайдо бўлаётганлиги, маданий мерос марказлари сингари музей типидаги махсус муассасаларнинг тузилаётганлиги бежиз эмас. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, номоддий маданият шаклларининг ўрганиш ва сақлашнинг долзарб аҳамият касб этаётганлиги асрлар алмашинувида «ҳаракат музейлари» ва «муҳит музейлари»нинг пайдо бўлишига олиб келди. «Тирик» музейлар деб аталувчи бундай масканларнинг инновацион мазмун-моҳияти уларни янада ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор бериш зарурлигини тақозо этади. Масалан, кўп жойларда меросни маълум муҳитда долзарблаштиришнинг умумий методларини ишлаб чиқишга ҳаракатлар бўлмоқда: қайд қилиш, қайта яратиш, моделлаштириш ва барпо этиш.

Айнан ҳозирги шароитларда маданият ёдгорликларининг алоҳида аҳамият касб этаётганлиги ҳақида кўплаб далиллар мавжуд, бунда улар ўтмишнинг маданий қадриятлари, осору атиқалари вазифаларини бажармоқда, бугунги кундаги ижтимоий-маданий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Шундай қилиб, музейлар ўз вазифаси ва мазмун-моҳияти чегараларини кенгайтира бориб, улар нафақат анъанавий меросни асраш ва уни авлодларга етказиш вазифасини бажармоқда, балки ҳозирги кундаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг таркибий иштирокчисига айланмоқда. Тарихий жойларни қайта тиклаш нафақат ёдгорликларни таъмирлашни, қўрғон музейлар, музей-қўриқхоналар ва ноёб тарихий ҳудудларни барпо этишни, балки уларнинг жонли ривожланишини, тарих маҳсули бўлган хўжалик юритиш шаклларини, маҳаллий анъаналар ва мактабларни, ҳунармандчилик ва савдони қайта тиклашни кўзда тутади. Бу қоидани амалга ошириш маданий ва иқтисодий сиёсатнининг бир хил йўналганлигини тақозо этади ва мероснинг долзарблаштирилиши кейинги ижтимоий ривожланиш учун гаров бўлиб хизмат қилади.

Музейлардаги модернизациялаш жараёни суръатларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак, бунда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий-маданий муҳитнинг ўзгарганлиги, бу, жумладан, музей соҳасида маданий фаолиятнинг янги субъектлари (хусусий галереялар, дам олиш марказлари, нодавлат таълим тузилмалари) пайдо бўлганлигида намоён бўлади;

- кўпгина музейлар томонидан янги технологияларнинг, биринчи навбатда ижтимоий ҳамжиҳатликнинг ўзлаштириб олинмаганлиги, бу ресурслар тақчиллигини келтириб чиқаради, музейларнинг бугунги ўзгаришларга мос ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг рақобатбардошлигини камайтиради;
- янги ахборот технологиялари жадал, аммо нотекис жорий қилинмоқда, уни ўзлаштириш умуман олганда бошланғич босқичда турибди. Фақат йирик музейларгина ўзларининг тўлақонли Интернет сайтларига эгадир[285].

Бугунги кунда интернетда ҳаётда реал мавжуд бўлган барча музейлар ҳақидаги у ёки бу даражадаги маълумотлар, ахборотлар мавжуд. Музейларнинг тармоқ технологияларидан фойдаланиш жараёнига қўшилишининг долзарблигига қарамасдан, бизнинг фикримизча, модернизациялашнинг ижтимоий жиҳатлари, яъни бошқаришнинг янги усулларини ўзлаштириш, ҳам ички музей ишларини, ҳам ташқи ишларни – аввало шериклик муносабатларини, музей аудитория, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш глобаллашув даврида ўта муҳим аҳамият касб этади. Шак-шубҳасиз, бу йўналишдаги режаларни амалга оширишда ахборот технологиялари муҳим ўрин тутади. Музейлар аста-секин музей коллекциялари доираси билан чекланган моделдан воз кечишмоқда. Шаҳарнинг, минтақанинг, ҳудуднинг барча маданий меросини акс эттиришга ва доимий кўргазмалар ва маҳаллий ўзига хосликни ёритиб берувчи муваққат кўргазмалар тизими орқали жамият тажрибасини кейинги авлодга ўтказиш томон музейларнинг юз буриши аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишга уларнинг жалб этилганлигини оширишга имкон беради. Компьютер технологиялари ва музейлар яратадиган мультимедиа маҳсулоти бу муаммоларга кўпчилик кишиларнинг эътиборини жалб қилишга имконият яратади, бу билан ҳақиқий ва имкондаги музей томошабинлари аудиториясини кенгайтиради.

Маданий мерос объектлари ҳамиша туризм соҳасини ривожлантиришнинг манбаи бўлган. Бугунги кунда тарихий-маданий ҳудудларни, тарихий шаҳарлар ва қўрғонларни, музей-қўриқхоналарни, миллий боғларни, тарихий боғларни ўз ичига олувчи маданий мерос объектлари туристик ва сайёҳлик йўналишларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, кўп жиҳатдан туризм саноатининг равнақ топишига ёрдам беради. 1990 йилларнинг охирларида туристик фаолликнинг яна ўсиши музейларнинг ривожланишига ҳам янги туртки берди. Музейлар ва туристик ташкилотларнинг алоқалари янада амалий

[285] Никишин Н.А. Музей в глобальных сетях электронных коммуникаций. – М., 1999.

тус ола бошлади. Бу маданий мерос нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ривожланишда ҳам муҳим роль ўйнаши мукинлигини кўрсатади, шу боисдан маданий-тарихий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш ижтимоий-маданий ривожланиш дастурларининг таркибий қисми бўлиши керак.

Музейлар томонидан моддий ва номоддий маданий меросни асраш ва оммалаштириш учун, шунингдек ўзаро маданий айирбошлашлар ва музейлараро алоқалар учун мультимедиа технологияларидан янадан фаол фойдаланилмоқда. Ахборот йўллари орқали рангбаранг маданий маҳсулот турларидан ва мультимедиа хизматларидан баҳраманд бўлиш ҳам мутахассислар, ҳам фойдаланувчилар учун жаҳон маданиятидан унинг тўла рангбаранглигида фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб музейларига виртуал режимда уйдан ёки офисдан чиқмасдан, навбатларда турмасдан ташриф буюриш мумкин. Бунинг устига уч ўлчамли тасвирлар ва интерфаол интерфейслар экспериментал санъат музейлар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Умуман бу технологиялар маданиятлараро мулоқотлар учун катта салоҳҳиятга эгадир, виртуал олам ҳақиқий оламнинг ўрнига ўтолмайди, атиги уни тўлдиради холос. Маданий меросни асраш, ўрганиш ва оммалаштириш маскани сифатидаги музейларнинг ўзига хослиги ҳеч қачон йўқотилмаслиги керак. Виртуалликнинг ҳукмронликни эгаллаши инсон борлиғининг ҳиссий тўлақонлигини таъминлай олмайди. Музей ашёсининг кўпқиррали хусусиятлари ва вазифалари маданиятнинг моддий модаллигини ташкил қилади[286].

Бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши ва виртуал музейларнинг пайдо бўлиши музей мўъжизасининг ўзи ҳақида мушоҳада юритишга ундайдиган ҳолатни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Виртуал музей электрон асрнинг аниқ фактидир, у билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Ахборот жамиятини шакллантиришда иштирок эта туриб, музейлар қатор мураккаб ва кўп қиррали муаммоларга дуч келдилар ва яна, эҳтимол, дуч келадилар. Улардан энг муҳимларидан бири – ахборот жамиятида маданий рангбарангликни сақлаб қолиш муаммосидир, чунки глобаллашув кўпчилик томонидан миллий анъаналар, маҳаллий урф-одатлар, эътиқодлар, қадриятлар учун таҳдид сифатида қабул қилинмоқда. Шу маънода айнан музей маданий ўзига хосликни тасдиқлаш учун имконият берувчи ва шарт-шароит яратувчи кам сонли ижтимоий институтлардан, муассасалардан бири ҳисобланади.

Шуниси аниққи, маданий мерос ва музей муаммолари ҳали етарлича ўрганилмаган ва янги асрдаги музей сиёсатида ва музей

[286] Дриккер А. С. Виртуальный художественный музей в информационном пространстве. – М., 1999.

амалиётида мос равишда фойдаланиш учун ҳали чуқур илмий таҳлил ва тадқиқ олиб бориш тақозо этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каулен М.Е. Музей на рубеже веков: пространство взаимодействия культур. – М., 2001.
2. Каулен М.Е. Музеефикация объектов наследия: от предмета до традиции. М., 2001.
3. Никишин Н.А. Музей в глобальных сетях электронных коммуникаций. – М., 1999.
4. Дриккер А. С. Виртуальный художественный музей в информационном пространстве. – М., 1999.

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚОРА УЙ БЕЗАКЛАРИ (Қоралапоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган экспонатлар мисолида)

Байбосинова С.С
Қорақалпоғистон Республикаси
тарихи ва маданияти давлати музейи

Қорақалпоқ халқи санъати ва маданиятида Хонлик давирлари, Хоразим давлати, Дешти Қипчоқ салтани давирлари, Ўрто Осиё, Шарқий Европа ва яқин шарқ давлатлари таъсири сезилади. Қорақалпоқ халқ тарихи ва этнографиясини ўрганишда олимлар уларнинг халқ сифатида ривожланиши ватани бўлган ҳудудни аниқлаш бўйича илмий изланиш ишларини олиб боради. Натийжада бугунги кун қорақалпоқ халқининг ватани Оролнинг жанубий ҳисми атрофи эканлиги аниқланган. Профессор С.П.Толстовнинг айтишича қорақалпоқлар кўчманчи ва ярим кўчманчи халқ бўлишига қарамасдан ўзларининг этник маданий бойлигини асирлар давомида бойитиб борган. Бўларни мисол тариқасида халқ амалий безак санъатида кўришимиз мумкин. Қорақалпоқ халқининг қора уйи бошқа Шарқ давлатлари қора уйидан ички ва ташқи кўринишининг бой безатилиши билан ажралиб туради.

Қоралапоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи халқ амалий безак санъати дурдоналари сақланиб келмоқда. Шундай дурдоналарнинг бири қароқалпоқ халқ амалий санътининг туқимачилик тури ҳисобланади. Туқимачиликда қора уйни безаш учун қурлар тўқилган бўлиб, уларни қора уйнинг ички интеръерини безаш учун

фойдаланишган. Ўлар оқбасқур, қизил қур, туркман қур, оқ қурлар деб номланган. Қурларни туқиш технологияси асосан пахта ва жўн иплар бўлган. Улар қорақалпоқ миллий туқиш асбоби «Ормек» да туқилиб, туқиш учун керак бўлган рангдор ипларни шарқ ва урчуқда қўлдан йирилган. Бу асбобда кўпироқ қора уйнинг безаш буюмлари тўқилган.

Улар «Оқ басқур», «Қизил басқур», «Ички жан баў», «кериге», «Эшик қош», «избе-дизбе», «қизил қур», «аққур», «жанбаў», «ийин баў»лардир. Туқилган нақишлар номланиши табиат ва жонзодлар номи билан аташган. Масалан; ғоз буйин, қўчқор мугиз (шох), той туёқ, ғауаша гул, сирға нақиш, тароқ нақш деб номлашган. Ормекни тўқишда чидам ва эстетик кобилия талаб қилинган.

Уни куйдагича туқийди; Ормекни узунасига «ерис», энига «арқаў» деб айтишган. Шу иккаласининг орасига ҳар ҳил рангдаги жун иплар тортилиб, уларни нафис нақишлар билан безатишган. Ормекда асосан оқбасқур, қизил қур, оқ қур, туркман қурлар туқилиб, эни 10-12 см, узунасига 10-15 метр бўлган.

Аслида қурлар икки турга бўлинган, биринчи туринининг нақшлари юзага бўртиб тўқилган. Буларга оқбасқур, белдеу, бел ип (белжип), ёнбоғ (жанбау), игинбоғ (ийинбау), сўв оқар (суўағар), шийонгир, керги ва бошқалар киради. Қурларнинг иккинчи туринининг нақшлари бўртиб чиқмаган яъни шолчага ўхшаб тўқилган. Буларга қизил басқур, қизил қур, оқ қур, туркман қур, изма из (избедизбе) ва бошқа турлари киради. Буларнинг ҳаммаси қора уй яъни ўтовнинг ички интеръерини безаш учун ва уйни қуриш жараёнида бир бирига улаш учун мустахкамлашда фойдаланилади.287

Қора уйнинг биринчи ва асосий ички безакларининг бири оқбасқур ҳисобланади. Оқбасқур-қурларнинг ичидаги энг нафиси ва ҳажми жиҳатидан катта ҳисобланиб, унинг эни 40-45см, узунлиги бўлса 12-13метр бўлган. Оқбасқур ўтов «шанарағи»нинг пастки қисмида жойлашган. Оқбасқур деб номланишига сабаб, унинг асоси оқ фонда пахта ийпидан туқилган. Устки тарафи бўлса рангли жун иплардан нақишлари котта ва аниқ кўринишда тўқилган. XIX-XX асирларда тўқилган кўпчилик оқбасқурда иккита ранг оқ ва қизил рангдан фойдаланишган. Оқбасқурни геометрик ва зооморфли нақишлар билан безатишган. Қурларда кўплаб «қучқор мугиз», «қорасан мугиз» деб номланган нақишларни учратиш мумкин. Қорақалпоқ халқи ярим кўчманчи халқ бўлгани учун чорвачилик билан шуғилланишган ва қучқар мугизи шаклидан каштачилик ва тўқимачиликда кўплаб фойдаланишган. Оқбасқурнинг нақишлар қизил ва сариқ рангларда бурттирилиб жун ипдан туқиб безатган.

[287] А.Алламуратов Каракалпакская народная вышивка – Н. 1977 ж .

Ички ёнбоғ (ишки жанбау) ўтовнинг кириш қисми ҳисобланган эшикни атирофини безатиб турган. Уларнинг нақшлари ҳам оқбасқурга ухшатиб жун ипдан буртиб туқилган. Лекин нақишлари майда бўлиб, буртиб туқилган. Ички ёнбоғ (ишки жанбау)нинг жияк қисмига жун ипларлардан рангли қилиб (шашақлар) попуклар қилинган. Улар безак вазифасини бажарган. Унинг узунлиги 120 см. эни 90 см.ни ташкил этган.288 Ёнбоғ ҳам ормекта туқилиб, икки четига жияга ухшатиб хардам хаёл (геометрик формада бўлиб аёллар хаёл суриб ўтириб туқишган) геометрик формадаги накиш туширилиб, ички қисмига «Ғоз буйин», «қарға тумшиқ», деб номланган нақишлар жун ипдан буртиб туқилган. (Номлари аталган нақишларни табит жонзодларидан олган). Туқилган нақишлар вертикал ва гаризонтал таризда жойлаштирилиб, композициялари бир бирини такрорламаган ҳолда эстетик дид билан жойлаштирилган.

Тўлалигича шолчага ухшаб ормекда туқиладиган «қизил қур», «оқ қур», «туркман қур» ёки «кўк қур»лар билан ҳам қора уйнинг ички интеръерини безашган. Уларнинг узунлиги эни 10-12 см.тр бўлиб, узунлиги 12-15 метр булган.

«Оқ қур» оқбасқурларнинг пастки қисмига вертикал таризда жойлаштирилган. Бу қурни тўқиш жараёнида асосан уч хил ранглардан фойдаланишган. Уларнинг бири ранг фон вазифасини бажарса, қолган иккита рангдан безакларни тўқишда фойдаланилган. Оқ қур оддий кўринишга эга бўлиб, фони оқ рангда пахтадан ишланган ипдан туқилган. Нақишлари сийрак жойлаштирилиб пахта ипидан тиқир қилиб оддий геометрик нақишлар билан безашган.

«Қизил қур» қора уйда шанаракнинг пастки қисмини безатилишида фойдаланилади. Эни 10-12см. Узунлиги 12-15 метргача бўлган. Жун ипдан ормекда туқилган. Узунасига икки четига жийягка ухшаб жигарранг ва оқ рангда геометрик нақшлар туширилган бўлиб, ўртасига бир-бирини такрорлаган қизил ранг устига жигаррангда «Эгилган шох» ёки «қарға тумшуғи» нақши билан тиқир қилиб туқилган. Қизил қурларнинг фони қизил, нақиши эса жигарранг бўлган.

«Туркман қур» қора уйда шанаракнинг пастки қисмини безатилишида фойдаланилади. Эни 10-12см. Узунлиги 12-15 метргача бўлган. Жун ипдан ормекда туқилган. Бу турдаги қурларнинг фони оқ, нақишлари майда қилиб жигаррангда тиқир услубда туқилган. Қурни «қумирсқа бел», «қарға тумшуғ» ва ҳар ҳил геометрик нақишлар билан безаб туқишган.

«Оқбасқур», «қизил қур», «оқ қур» ва «кўк қурлар»да ишлатилган рангларни гўзаллик шайдолари аёлларимиз табиатдан олишган. Масалан;

кўк ранг-осмон белгиси, қизил ранг-олов белгиси, куёш нури, оқ ранг-хаққонийлик, қурсандчилик, сариқ ранг-ақл фаросат белгиси, қора ранг-ер маъносини, яшил ранг-ёшлик ва бахор маъносини англатган. Қурлар нақишларида қизил ва сариқ ранглардан фойдаланишидан қора уйнинг тепа қисмида қуёш нури шақнаб туриши маъносини билдирган. Шунинг учун ҳам қизил ва сариқ ранглардан кўпроқ фойдаланишган.289

Тўқимачилик ва каштачилик санъатида ипларни рангларга бўяшда табиат иномлари ўсимликлардан фойдаланишган. Масалан; «томар буёғ», «қизил буёғ чўп» деб номланган. «Тунка буёғ»ни аччиқ тош билан аралаштириб қайнатиб сариқ буёғни олишган. «қизил буёғ чўп» қизил рангни берган. Жусан чўпидан кўк рангни, чирчанинг япроғидан яшил рангни, хинадан қизил рангни олишган. Отқулоқ чўпидан сариқ рангни олган. Қолган рангларни эса бир бирига аралаштириб қайнатиб олишган. 290

Қурлар унча оғир бўлмай, асосан ўтовнинг ички интерьерини безаган. Ундан ташқари қурларни ўртача ва оддий табақадаги оилалар ҳам ишлатганлар. Каштачилик ва тўқимачилик санъати бугунги кунга келиб ҳам ривожлантирилиб ёш қизларга ҳунарманд усталар туқиш сирларини ўргатиб келмоқда. Қорақалпоқ миллий либосларига туқилган кашталар, нақишларини этноргф олимлар томонидан археологик қазилмалар натийжасида топилган газламалар қолдиқлари, қалъа ва қурғонларнинг деворларига чизилган нақишлар, кулолчилик буюмларига чизилган нақишлар билан солиштириб ўрганишган. Қора уйнинг ички инреъерини безашда қулланиладиган барча амалий безак санъати наъмуналари ҳам шулар қаторига киради. Аммо қора уйнинг ҳозирги кунга қадар етиб келган безаклари ичидаги яхши ривожлантирилиб туманлардаги ҳунармандлар томонидан тўқилиётган қурлар ҳисобланади. Қурларнинг туқилиш техникаси қадимлигича сақланиб келмоқда.

289 Г.Камалова “Гоззал улкем” “Каракалпакстан” Нукус-1986 й 26 б
290 Г.Камалова “Гоззал улкем” “Каракалпакстан” Нукус-1986 й 26 б

BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA MA’NAVIY MEROSGA MUNOSABATNI SHAKLLANTIRISH

Ahmedova G.K.,
Izboskan tumani 10-maktab o‘qituvchisi

O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida» gi Qonuni hamda Boshlang‘ich talim konsepsiyasida ta'kidlanganidek, o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatuvchi, ijodiy tafakkurni rivojlantiruvchi usullarni qo‘llab, ularga fan asoslaridan chuqur bilim berish hozirgi zamon boshlang‘ich talimining asosiy vazifalaridan hisoblanadi. Mazkur vazifani amalga oshirish uchun esa yangi pedagogik texnologiyalarni talim jarayoniga olib kirish lozim. Yangi pedagogik texnologiyalar boshlang‘ich sinf o‘quvchisining rivojlanishi va kamol topishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Xalqimizning ma’naviy poydevori juda qadimiy va mustahkam hisoblanadi va bunga kelajak sari intilayotgan yoshlar uchun bu boy ma’naviy meros mustahkam tayanchdir. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov 2015 yil 12 yanvarda bo‘lib o‘tgan O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasining birinchi tashkiliy yig‘ilishida yoshlarni tarix saboqlari bilan, tarix haqiqati bilan qurollantirish lozimligi haqida gapirib: «Tarixni unutgan xalq, jamiyat o‘z yo‘lini yo‘qotadi. Bunday xalq va jamiyatning kelajagi yo‘q»[291], - deb alohida ta’kidlab o‘tgan edi.

Bu masalaga 2016 yil 7 dekabr kuni O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag‘ishlangan tadbirda so‘zlagan nutqida yoshlar tarbiyasiga alohida to‘htalib, unda «Bolalarimizni birovlarning qo‘liga berib qo‘ymasdan, ularni o‘zimiz tarbiyalashimiz lozim. Buning uchun yoshlarimiz bilan ko‘proq gaplashish, ularning qalbiga quloq solish, dardini bilish, muammolarini yechish uchun amaliy ko‘mak berishimiz kerak. Bu vazifalarni amalga oshirishda biz asrlar mobaynida shakllangan milliy an’analarimizga, ajdodlarimizning boy tarixiga tayanamiz»[292] va 2016 yil 14 dekabr’ kuni Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisida ham: «Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og‘ishmasdan, qat’iyat bilan davom ettiramiz. Nafaqat davom ettiramiz, balki bu siyosatni eng ustivor vazifamiz sifatida bugun zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko‘taramiz. Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intelektual va ma’naviy salohiyatiga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun

[291] «Ишонч», 2015 йил 13 январь, № 6.1-бет.
[292] Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 23. // «Маърифат», 2016 йил 8 декабр, № 98.4-бет.

davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etadi»[293] – deb, yoshlarga e'tiborni kuchaytirishga qaratilgan da'vatlarini va unga monand ravishda: «Yosh avlod tarbiyasi haqida gapirganda, Abdurauf Fitrat bobomizning mana bu fikrlariga har birimiz, ayniqsa, endi hayotga kirib kelayotgan o'g'il-qizlarimiz amal qilishlarini men juda-juda istardim. Mana, ulug' ajdodlarimiz nima deb yozganlar: «Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo'lishi, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo'lishi yoki zaif bo'lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e'tibordan qolib, o'zgalarga tobe va qul, asir bo'lishi ularning o'z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbyalariga bog'liq»[294] – degan fikrlarini alohida ta'kidlab o'tish lozim.

O'quvchilarda tarixiy tafakkurni rivojlantirish milliy mustaqillik va taraqqiyotning «o'zbek modeli» asosini tashkil etib, insoniyat tarixi va taqdiriga jiddiy ta'sir ko'rsatayotgan global muammolar tobora chuqurlashib borayotgan zamonda uning yanada dolzarbligi yurtboshimiz ta'kidlaganidek: «… shu yurtda yashayotgan har qaysi inson o'zligini anglashi, qadimiy tariximiz va boy madaniyatimiz, ulug' ajdodlarimizning merosini chuqurroq o'zlashtirishi, bugungi tez o'zgarayotgan hayot voqeligiga ongli qarab, mustaqil fikrlashi va diyorimizdagi barcha o'zgarishlarga daxldorlik tuyg'usi bilan yashashi zarur»ligi borasidagi o'ta muhim g'oyalar bilan ham belgilanadi[295].

Tarixiy ong ijtimoiy ongning muhim shakllaridan biri bo'lib, shaxsning o'zini anglash jarayoni natijasi sifatida namoyon bo'ladi. Tarixiy ong tushunchasiga xilma-xil ta'riflar berilgan: tarixiy ong «ilgari sodir bo'lgan tarixiy voqealarni o'zida aks ettirgan turli-tuman manbalar, ashyolar avloddan avlodga meros sifatida o'tib, tariximiz, madaniyatimizning uzluksizligini ta'minlaydi[296]; tarixiy ong ijtimoiy ong shakli bo'lib, jamiyat tomonidan o'zining kelib chiqishi va zamondagi o'rni, o'tmishi, bugungi kuni va kelajagi o'rtasidagi aloqadorlikning anglanishi, ijtimoiy voqelikning obyektiv idrok etilishidir[297]; ilm-fanda tarixiy ong deganda, odatda, ijtimoiy guruhlar, sinflar, xalqlar, millatlarda o'zining kelib chiqishi, o'z tarixidagi muhim voqealar va o'tmishdagi buyuk arboblar haqida, o'z tarixining boshqa kishilik jamoalari va umuman bashariyat hamjamiyati tarixi bilan nisbati haqidagi qarashlar,

[293] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 14. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь, № 247. 2-бет.

[294] Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б. 22.

[295] Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 17.

[296] Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш – давр талаби. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – Б. 7.

[297] Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 83.

an’analar, udumlar, odatlar, konsepsiyalar mujassami tushuniladi»[298]; tarixiy ong – o‘tmishni uning umuman jamiyatga, xususan, turli ijtimoiy-demografik, ijtimoiy-professional, etnoijtimoiy, etnokonfessional guruhlarga, shuningdek, alohida individlarga xos bo‘lgan butun rang-barangligini hisobga olgan holda baholashdir. Tarixiy ong jamiyat, uning ijtimoiy guruhlari va individlarning o‘z o‘tmishi hamda butun insoniyat o‘tmishi haqidagi tasavvurlari yig‘indisidir. Tarixiy ongda o‘tmish, bugun va kelajak uyg‘unlikda in’ikos etadi[299].

Pedagogika fanlari doktori, professor B.Xodjayev o‘zining «Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tarixiy ongning namoyon bo‘lishi va diagnostikasi» nomli maqolasida[300] tarixiy ongni shakllantirishga bog‘liq quyidagi ilmiy xulosalarni bergan.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tarixiy ongni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlariga asoslangan holda, vaqt va makon uyg‘unligida o‘qituvchi tomonidan tarixiy voqealarni bayon etish hamda o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtirish uchun maxsus algoritm belgilab olindi. O‘qituvchi tomonidan tarixiy voqealarni bayon etish algoritmi quyidagi tavsifga ega bo‘ldi:

1) tarixiy voqeani to‘g‘ri va to‘liq nomlash;

2) voqea sodir bo‘lgan davrni alohida ajratib ko‘rsatish;

3) voqea sodir bo‘lgan vaqtni ko‘rsatish;

4) mazkur voqea qayerda sodir bo‘lganligini aytish va tarixiy xaritadan joy nomini ko‘rsatish;

5) tarixiy obyektning xaritada joylashuviga qisqa izoh berish, voqea nima uchun sodir bo‘lganligini tushuntirish;

6) voqeada kimlar ishtirok etganligini ko‘rsatish;

7) voqeaning tarixiy ahamiyati yuzasidan xulosa qilish.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tarixiy ongni shakllantirishga doir pedagogik eksperimentning diagnostik tizimi ishlab chiqilganidan so‘ng tajriba-sinov maktablarining boshlang‘ich sinf hamda «Tarix», «Milliy g‘oya va ma’naviyat asoslari» turkumiga kiruvchi fanlar o‘qituvchilari bilan hamkorlikda amaliy faoliyat yo‘lga qo‘yildi. «Tarix alifbosi» va «Tarix olamiga sayohat» qo‘shimcha kurslari bo‘yicha mashg‘ulotlar tajriba-sinov maktablarida yetakchi mutaxassislar tomonidan olib borildi.

Modernizatsiyalashgan didaktik ta’minot vositasida «O‘qish», «Odobnoma» fanlari hamda «Tarix alifbosi» va «Tarix olamiga sayohat» qo‘shimcha kurslari o‘qitilib tugallanganidan so‘ng, boshlang‘ich sinf

[298] Абдуллаев Р. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани // Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. – Тошкент, 2007. – Б. 6-12.

[299] Раҳмонов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 12.

[300] Pedagogika //2016, 2-son. 16-22-betlar.

o‘quvchilarining bilim va ko‘nikmalarini tashxis etish maqsadida «Erkin yozish», «Eng muhim atamalar», «Bir-biriga o‘rgatish», «Ular qayerda yashashgan?», «Tushunchalar asosida matn tuzish» kabi fasilitatsion ta’lim strategiyalari qo‘llanildi. Nazorat va tajriba sinflari o‘quvchilariga sinovni o‘tkazishdan avval qo‘llaniladigan fasilitatsion ta’lim strategiyalari haqida ma’lumot berilib, ularni bajarish tartiblari ko‘rsatib berildi.

Masalan, o‘quvchilarning mavjud tajribalarini qo‘llab-quvvatlash maqsadida «Erkin yozish» strategiyasidan quyidagi tarzda foydalanildi: 4-sinf o‘quvchilariga besh daqiqa ichida «Mustaqillik yillarida tiklangan tarixiy obidalar» mavzusi bo‘yicha o‘z xayollariga kelgan barcha narsalarni to‘xtamasdan yozish taklif etildi, besh daqiqa tugaganidan so‘ng, ulardan o‘z yozganlarini sheriklariga o‘qib berish so‘raldi, so‘ngra juftliklarga o‘z fikrlarini butun sinf bilan o‘rtoqlashish taklif etildi va guruhiy-aqliy hujum vaziyati yaratildi. Shuningdek, pedagogik eksperiment jarayonida o‘quvchilarning tarixiy tushunchalar ustida ishlashlari uchun «Eng muhim atamalar» strategiyasidan foydalanish yaxshi samara berishi aniqlandi. Mazkur strategiyani faqat 3-4-sinflardagina emas, 1-2-sinflarda ham qo‘llash mumkinligi amaliyotda o‘z tasdig‘ini topdi. Masalan, 2-sinf o‘quvchilari «Qutlug‘ bayramlar» mavzusiga doir «mustaqillik», «Navro‘z», «sayl», «hayit», «an’ana», «marosim» kabi tushunchalarga o‘qituvchining yordamida daftarlariga izoh yozishdi. Ushbu tushunchalar yuzasidan o‘z fikrlarini aytib bo‘lishgach, o‘qituvchining fikrlarini tinglashdi hamda uning izohlarini o‘z yozganlari bilan solishtirdi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tarixiy ongni shakllantirishda matn bilan ishlashga doir guruhiy ish shakllarini qo‘llash yaxshi samara berishi kuzatildi. Ma’lumki, boshqalarga o‘rgatganda o‘quvchi axborotni oson o‘zlashtiradi. Bir-biriga o‘rgatish strategiyasi ana shu asosdan kelib chiqqan bo‘lib, u barcha o‘quvchilarga o‘qituvchining o‘rnida bo‘lish va boshqalarni hikoya matni ustida ishlashga yo‘naltirish imkoniyatini beradi. Axboriy matn bilan ishlaganda ushbu strategiyani qo‘llash yaxshi natija berishi aniqlandi[301].

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ma’naviy merosga munosabatni shakllantirishda quyidagi xulosaga kelish mumkin:

o‘quvchilarning milliy ongi va dunyoqarashini shakllantirish; o‘tmish va hozirgi zamondagi voqea-hodisalarga munosabat bildirishga qodir hamda umuminsoniy qadriyatlar asosida yondashadigan erkin fikrli barkamol insonni tarbiyalashga qaratilishi kerak;

o‘quvchilarning mustaqil ijodiy fikrlashini, tarixiy ong va dunyoqarashini, bilim olishdagi faolligini, mulohaza yuritish tiyrakligini, o‘z bilimini boyitishga ishtiyoq va talabchanligini rivojlantirish, bolalarga tarixiy

[301] Pedagogika //2016, 2-son. 16-22-betlar.

materialni tahlil qilish va umumlashtirish asosida mantiqiy xulosalar chiqarishga ko‘maklashish asosiy e’tiborda bo‘lishi lozim.

МУЗЕЙ ДЎСТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ВА МИЛЛИЙ МУЗЕЙ СИЁСАТИ

Гаипова М
МРДИ ўқитувчиси

Музей аудиторияси билан ишлаш музей менежментининг ажралмас қисми ҳисобланади. Музей дўстлари ассоциацияси музей билан жамиятни боғлайди ва шу билан бирга музейларни оммалаштириш билан шуғулланди. 1975 йилда Брюсселда бўлиб ўтган музей дўстларининг Халқаро XI конгрессида ташкил этилган музей дўстлари ассоциацияси таркибининг Жаҳон федерацияси бўлимида 700 мингдан ортиқ аъзоси бор. Бу федерация 30 йўналишда фаолият юритади. Музей дўстлари ассоциацияси энг аввало, реклама акцияларини ташкил этади ва музей буюмларини реставрация қилиш, экспонатлар сотиб олиш, каталог тузиш ва янги музейлар ташкил этиш учун маблағ йиғиш билан шуғулланади[302].

XVII асрда Музей дўстлари ассоциациясининг тимсоли сифатида «жамият олимлари» шаклланиб, у коллекционерларни, санъат ва тасвирий санъат дурдоналари тўпловчиларни бирлаштирган эди. Кейинчалик уларга ўқитувчилар, шифокорлар, рассомлар, архитекторлар, уй бекалари, талаба ва пенсионерлар қўшила бошлайди. Турли касб ва ижтимоий мавқедаги бундай инсонлар музей ахборотларини тарқатишга ва қизиқарли музей дастурларини ҳаётга тадбиқ этилишига ёрдам бериш мақсадида бирлашганлар.

Музей аудиториясини ўрганиш ва баҳолаш XX асрнинг 80-йилларда Францияда бошланган бўлиб, кейинчалик кенг тарқалди. Бугунги кунда Лувр, Орсе музейида, Ж.Помпиду номидаги Марказий миллий санъат музейида ҳар томонлама тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 1991 йилда Франция музейлар бошқармаси 40 та музейда ташрифчилар қизиқишларини доимий ўрганиш лойиҳасини амалга ошириш учун қарор чиқаради. Бунда музейга келиб-кетувчилар билан савол-жавоб қилинади, анкета ишлари юритилади.

---

[302]Gilhespy I. Measuring the performance of Cultural Organizations : a model // Intern, j. of arts management. — 1999. — Vol. 2, N 1, full. — P. 38—53.

Франция музейлар бошқармасида XX аср музеографик мероси бўйича илмий кенгаш тузилиб, унга Париждаги Замонавий санъат миллий музейининг директори раислик қилди. Кенгаш таркибида ҳозирги Санъат миллий фонди (FNAC), Регионал фонди (FPAC) вакиллари, олимлар, музей бойлигини сақловчилар бўлган. Кенгашнинг фаолият соҳаси санъат асарларини сақлаш ва реставрация қилиш, музей кашфиётларини тарқатиш, музейлар фондини ҳисобга олиш ва инвентаризациясидан иборат эди. Франция Маданият вазирлиги қошида «XX аср санъати» музейларининг биринчи департаменти ташкил этилган. У музей дастурлари тақдимоти юқори даражада ўтишини таъминлаши, муайян тарихий муҳитдаги санъатга бағишланган музейлар фондини ўрганиши ва сақлаши керак эди. Департаментнинг биринчи галдаги вазифалари ва кучи 1988 йилда Парижда асос солинган П.Пикассо музейи ва Ж.Помпиду Марказий замонавий санъат миллий музейини ривожлантиришга қаратилган[303].

Франция маданият вазири Ж.Ланг Франция музейларининг фаолиятида янгича йўналиш ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилади. Музейлар бошқармаси «хип-хоп» услубдаги янги ёшлар маданиятига бағишланган вақтинча экспозицияларнинг маданий лойиҳасини тарқатиши керак эди.

Италия ҳукумати эса маданий меросларни ҳимоя қилишга миллий бюджетнинг 2% ни ажратади. Давлат аппаратининг узлуксиз трансформацияси, бюрократик қонун-қоида ва ёзма буйруқларнинг тез-тез ўзгариши шароитида музейларни молиялаштириш масалаларини ҳал этишда хусусий корхоналарга, фирма ва концернларга суянишга тўғри келади. 1984 йилда ФИАТ концерни Римдаги Грасси саройини фасад қисмини реставрация жараёнини молиялаштирди ва объект музейлаштирилди. Ҳозирда бино Замонавий санъат кўргазма маркази сифатида фаолият юритади. 1989 йили ФИАТ маъмурияти ташаббуси билан Грасси саройига маданий оқартув ишлар бўйича профессионал менежер Паоло Вити директорликка таклиф этилади. Бунгача П.Фити Оливетти концерни дастурида маданий ҳомийлик бўйича раҳбарлик қилган. Бунда санъат асарларини реставрация қилиш, Европа ва АҚШда кўргазмалар ташкил қилиш ва ўтказиш лойиҳаларини амалга оширган, йирик кўргазмалар ташкил этган (Италия санъати бўйича).

XX асрнинг 80-йилларида Германияда музей қурилишда «бум» ва музейларнинг йирик иқтисодий алоқаларининг янги формаларини ривожлантириш ишлари кузатилди. Ҳукумат Кёльн, Франкфурт-на-майн, Штутгарт, Дюссельдорф шаҳарларида янги музейлар қурилиши учун

[303] Cameron D. A viewpoint: the museum as a communications system and implications for museum education // Curator. — 1968. — Vol. 11, N 1. —1. P. 33—40.

жуда катта маблағ ажратади. Янги музей бинолари лойиҳасини дунёга машҳур архитекторлар Р.Мейер, М.Унгерс, Ж.Стирлинг, Х.Ян яратганлар. Социологик тадқиқотлар натижаси олий даражадаги маданий ресурсларнинг мавжудлиги туристлар (сайёҳлар) учун улар жойлашган ернинг аттрактивлигини оширишидан далолат беради. Бу фактор ҳукумат музей лойиҳаларини молиялаштириш масалаларини ҳал қилишида муҳим роль ўйнайди.

1988 йилгача Германия жамоатчилиги музейлардан фойдаланишнинг америкача моделига қарши иш олиб борадилар. Агар немис маданият арбоблари давлат субсидияларини шундай бўлиши керак, деб қабул қилсалар, америкалик касбдошлари эса буни давлат томонидан бўлган кредит ёрдам деб қарайдилар. Германияда маданият соҳасини ривожлантиришга 95% маблағ федерал, давлат, муниципал манбалардан келади. Шу билан бирга музей менежментини ривожлантиришнинг америкача модели Германияда янада мустаҳкам позицияни эгаллаб бормоқда. Аста-секин капитал билан маданият ўртасидаги ўзаро таъсир механизми таркиб топмоқда. Крупп, Люфтганз, Сименс корхоналари музейларини йирик молиявий ҳомийлари ҳисобланади. Улар актив ҳомийликни амалда қўлламоқдалар: маблағ берувчи лойиҳаларни кўриб, текшириб боради. Пассив хомийлик ҳам мавжуд бўлиб, бунда маданият муассасалари ўз ихтиёри билан ажратган маблағдан фойдаланилади.

1980 йилларда Лондон табиий тарих музейининг новаторлик фаолияти туфайли томошабинларни ўрганиш ҳақидаги фан статистикасидан фойдалана бошлаган ва кенг жамоатчилик оммасини ўзига жалб этган. Томошабинлар фаоллигини тадқиқ этиш бозор талабларига мослаштирилган ва жамоат фондидан тежаб фойдаланишни ҳисобга олади. Мамлакатда музейлар маркетинг бўлимларининг штати бутунлай бандлаштирилган. Жамоат маблағи экспозиция ва турли дастурлар учун онгли равишда сарфланаётганини музейлар ҳисоботлари асосида доим исботлаб бериши керак эди. Рентабеллик ҳақида қайғуриш келиб-кетувчиларни ўрганишдаги янги йўналиш ҳисобланди.

Буюк Британиядаги бир нечта йирик музейлар (Виктория ва Альберт музейи, Миллий галлерея, Табиий тарих музейи, Миллий музейлар ва Мерсисайд галереяси, Бирмингем музейи ва Бадиий галерея) мисолида мамлакатда музей ишини ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи, умумий манзараси намоён бўлади: музей аудиторияси ўрганилади, янги экспозициялар яратилади, музей маркетинги системаси ташкил этилади.

АҚШдаги музейлар асосан Европа музейларидан фарқ қилади. Уларда энг хилма-хил коллекциялар томошабин кўриши учун қўйилган. Америка музейларининг аксарияти аудиторияга нисбатан ўзига хос мурожаат сифатида шаклланган. Америка музейлари ривожининг перспективаси мутахассисларга шундай кўринмоқдаки индивидуал инсон

тажрибаси маданий контекст, вақт ва бўшлиқ топиши мумкин. Асосий вазифаси эса мавжуд шакл ғоялари ва имкониятларининг синтезланишини ҳам унинг чуқур потенциалини идрок этишдан иборат. Ҳозир АҚШ «Томошабинларни ўрганиш» деб ном олган билим соҳасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда олдинда бормоқда. Бу ишда баҳолаш музей аудиторияси ҳақида доимий равишда ахборот тўплашни кўзда тутади. Бу эса илмий экспозицияларни режалаштиришга ёрдам беради. 1916 йилда музейшунос Бенжамен Жилмен музейнинг «ривожланишда ортда қолганлиги» ҳақида мақола эълон қилади. 1991 йилда янги милий ташкилот – Томошабинларни ўрганиш ассоциацияси ташкил этилган. Диаксация амалиёти – музей фондларини қисман сотиш ишлари биринчи марта Нью-Йоркдаги Гугенхейм, Балтимор музейларида Чикагодаги бадиий институтда амалга оширилган. Кам аҳамиятли, «музейга тегишли сифатга эга бўлмаган объект» деб аталадиган, ёки муайян музей профилига мос келмаган экспонатларни сотиш ҳақида қарор ҳам қабул қилинган. Бу жараён музейларнинг ўзини-ўзи молиялаштириши унинг ички резервлари ҳисобига амалга оширилди. 1991 йилда Америка музейлар ассоциацияси музейлар учун янги Этика кодекси ишлаб чиқади. Унда ҳозирги жамиятда уларнинг ўсиб бораётган роли ҳисобга олинади. Унга 1925 йилдаги музей ишчиларининг Этика кодекси, 1978 йилдаги Музей этикаси кодекси, 1986 йилдаги ИКОМ томонидан қабул қилинган профессионал Этика кодекси[304] асос қилиб олинган.

Канададаги биринчи музейларга XIX асрнинг 20-йилларида асос солинган. Бунда ўқув муассасаларидаги илмий жамоатчилик ва айрим шахслар ташаббус кўрсатган. Музейлар шакланишининг биринчи босқичи юз йилликнинг охирида тугалланган. Бу вақтда асосий тенденция бадиий галереялар ва маҳаллий музейлар ташкил этишдан иборат эди. 1919 йилда улар сони 150 та, 1949 йилда 400 та бўлган. Оттавадаги Миллий галлерея ва Миллий музей воситасида давлат музейлари тармоғи ташкил топган. 1947 йилда Квебекда Америка музейлар ассоциацияси мажлисида Канада музейлари ассоциациясига асос солинган. Ҳозир ушбу ассоциациянинг 2200 та аъзоси бор. Унинг вазифаси маданий меросларга умуммиллий қизиқиш уйғотишдан, музей ишчиларининг касб маҳоратини оширишдан иборат бўлган. 1950 йилдан 1972 йилгача музейлар сони 1000 тага етган. Байрамлар ва юбилейлар ўтказиш янги музейлар пайдо бўлишини тезлаштирган. Масалан, Ванкувернинг доминионга қўшилишининг 100 йиллигини нишонлаш 1958 йилда 10 та музей яратилишига сабаб бўлган.

[304]Баъзи манбаларда Музей одоб-аҳлоқ кодекси деб ҳам юритилади (таржима жиҳатидан).

Музейларни ривожлантиришнинг маданий сиёсатни демократлаштириш ва децентрализациялашга қаратилган миллий дастури 1972 йили Канада ҳукумати томонидан қабул қилинган бўлиб, унинг амалга оширилишига 9.5 млн доллар маблағ ажратилган. Бу давлатнинг қўшимча ёрдами эди. Музей фаолиятини децентризациялаш концепциясини амалга ошириш учун 23 та миллий кўргазма маркази ташкил этилган. Кўргазмаларни ҳалқаро алмашинув ишлари ҳам ташкиллаштирилган: 1977 йилда мамлакатда 660 та чет эл кўргазмалари бўлиб ўтган. Улар орасида «Эрмитаждаги ноёб асарлар», «Тутанхамоннинг қимматбаҳо буюмлари» кўчма кўргазмалари алоҳида қизиқиш уйғотган. Ўқув программаларини амалга ошириш жадаллашган, ҳар йили музей ишчилари учун 200 курс ташкил этилган бўлиб унда хусусий коллекциялар ҳам ўрганилади.

Канада музейларида томошабин энг кўп келган вақт 2001 йил бўлиб, унга 57 млн одам келиб кетган. Канадада 20 йил миллий дастурни амалга ошириш давомида коллекцияси ниҳоятда кўп, илғор моддий-техника баҳосига эга, малакали мутахассисларга эга бўлган. Ҳозирги музейлар тармоғини яратишда сезиларли тараққиётга эришилган. 2002 йилги маълумотга кўра, Квебек провинциясида 475 та музей муассасаси бўлиб, шундан 95 таси хусусий музейлар, кўргазма марказлари тарихий жойлар ва табиат ҳамда экологик меросни сақлаш билан шуғулланадиган муассасалар эди. Ҳозирда мамлакатда ҳаммаси бўлиб, икки мингдан ортиқ музей бор.

Музей аудиториясини ўрганиш соҳасидаги Канаданинг ҳиссаси бу тадқиқотлар тарихидаги биринчи давр бўлди. 1960-йилларда П.Абби, Д.Камерон методикалари биринчи марта Онтариодаги Қироллик музейида қўлланилди. Унда томошабинларнинг демографик таркиби, ҳулқ-атвор тенденцияси ва мойиллиги ҳисобга олинди. Шундан бери Канадада музей экспозициялари олий критерий (мезон) асосида шакллантирилади. 2010 йил август ойида Оттавада Томошабинларни ўрганиш ассоциациясининг ҳар йили ўтказиладиган биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Унинг доирасида бугунги кунда лекция ва семинарлар ташкил этилмоқда.

МАТЕРИАЛЬНОЕ И НЕМАТЕРИАЛЬНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА

Гайсина Р.Ш.
Педагог НИХД им. К. Бехзада

Сегодня бесценное материальное и художественное достояние Узбекистана, истоки его государственности, духовно-нравственные традиции стали визитной карточкой страны, основой для создания летописи новейшей истории суверенного государства. Особое место в богатейшем историческом наследии страны занимают памятники архитектуры минувших эпох, которые содержат в себе многовековую информацию о времени, эталонах красоты, мировоззрении и нравах людей. Книги, картины, скульптуры, архитектурные сооружения - не просто вещи. Они призваны вызывать у человека высокие чувства, также обладают и практической значимостью - они воздействуют своим содержанием на жизнь отдельного человека и общества в целом. Наука, искусство, общечеловеческие нравственные и моральные нормы – без овладения ими не может быть человека духовного. А отсюда следует, что без этого не может быть материального, технического, интеллектуального прорыва в будущее, не может быть должного человеческого общения в полном смысле этого слова.

В собрании законодательства Республики Узбекистан, в законе «Об охране и использовании объектов культурного наследия» дается определение понятию «объекты культурного наследия».

Объектами культурного наследия считаются – объекты материального и нематериального культурного наследия.

Объектами материального культурного наследия - представляющие собой историческую, научную, художественную или иную культурную ценность ансамбли, достопримечательности и памятники.

Объектами нематериального культурного наследия - представляющие собой историческую, научную, или иную культурную ценность обычаи, народное творчество (искусство слова, танца, музыки, представления), а также связанные с ними и народными художественными промыслами и прикладным искусством знания, навыки, инструменты, артефакты, культурные пространства.[305]

Историки неслучайно утверждают, что памятники древнего зодчества производят наиболее яркое эмоциональное впечатление и надолго сохраняются в сознании человека. И если мысленно обратиться к карте мира, то представление о любой стране часто ассоциируется

[305] Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009г., № 41, ст. 440

именно с ее архитектурными шедеврами прошлого, которые сохранились до наших дней. К примеру, Китай - с Великой стеной, Египет - с загадочными пирамидами, Греция - с Парфеноном. Узбекистан в сознании людей разных стран мира, как правило, ассоциируется с бирюзой куполов, с уходящей в бесконечность синевой чистого неба, площадью Регистан в Самарканде, ансамблем Пои-Калян в Бухаре, древними памятниками Ичан-калы в Хорезме, архитектурными шедеврами Ташкента и другими объектами древнего зодчества.

Под руководством первого президента И.А. Каримова в короткие сроки был выработан уникальный путь развития государства. Определены стратегические вопросы по восстановлению, сохранению, реставрации нашего богатого исторического, научного и культурного наследия. С первых лет независимости Узбекистан, следующий по пути созидания, взял курс на формирование в обществе мировоззренческой культуры, основанной на синтезе национальных и общечеловеческих ценностей. Это историческое решение, принятое в годы независимости нашей страны, стало сутью идеологии независимости и мощнейшим источником энергии в дальнейшем развитии государства и общества. В этой идее воплощены все лучшие идеалы прошлого узбекского народа, органично сплетенные с общепризнанными ценностями его настоящего и задачами на будущее.

Знания наших предков не ушли в небытие, они сохранились в устных семейных преданиях, письменных источниках в обычаях и культуре. Ориентирами идейно-нравственной содержательности идеологии независимости приняты богатейшее историческое наследие нашего народа, гуманистические идеи великих мыслителей эпохи классической античности и средневекового Востока открытия Аль-Хорезми, Аль - Беруни, Ибн Сино, Улугбека, философия Аль - Фараби, принципы государственного обустройства Амира Темура, философско-нравственные воззрения Алишера Навои. Деяния и подвиги великих предков пробуждают историческую память, формируют новое гражданское сознание, становятся источником нравственного воспитания и подражания. В истории Центральной Азии было немало выдающихся деятелей, сочетавших в себе политический ум и моральную доблесть, религиозное мировоззрение и энциклопедическую образованность. Великие наши предки Имам Бухари, Ат - Термизи, Накшбанд, Хаджи Ахмад Яссави, Бабур и многие другие внесли огромный вклад в развитие нашей национальной культуры, стали поистине предметом гордости нашего народа.

К материальным ценностям также относятся и труды искусства, такие как музыка (макомы, рубаи), живопись. Художественная культура Узбекистана развивается на основе всего лучшего, что народ достиг в

течение всей своей богатой и насыщенной истории развития. Национальное прикладное искусство занимает выдающееся место в культурном наследии Узбекистана. В Средневековье национальные искусства развивались в контексте искусства узора и орнамента, которые стали распространяться и впредь. Обширные национальные ремесла и искусства включают в себя: работы по меди, древесине, ювелирное искусство, ковроткание, производство хлопка и шелка (прядение и ткачество) с неповторимыми абровыми узорами. Эта отрасль традиционного искусства зародилась в глубокой древности и уже в пору античности и раннего средневековья приобрело развитый характер. Выработанные на протяжении веков традиции никогда не умирали и дожили до наших дней.

И сегодня традиционное художественное ткачество занимает одно из ведущих мест в современном национальном искусстве Узбекитсана. Узбекские ткани имеют не только историко-бытовое значение, но и большую художественную ценность. Художественная керамика - ко временам глубочайшей древности, восходят ее первые образцы, обнаруженные археологами на территории республики. Это блюда - ляганы, сферические чаши-пиалы и касы, вазы, кувшины, корчаги - хумы разнообразных размеров - от огромных до миниатюрных, удобные для употребления и в то же время изысканные по форме. В течение многих веков и по сей день керамические изделия пользуются спросом . Их отличает высокое мастерство исполнения, красота форм, волшебство орнаментальных решений, гармония смелой фантазии, чувство меры в обращении с цветом. Как центры гончарского искусства издавна известны в Узбекистане Самарканд, Гиждуван, Шахрисябз, Катта-Курган, Риштан, Ханки и Хива в Хорезме, Ташкент. Риштан, Ургут.

Декоративная вышивка, золотое шитьё – вышивка золотой и серебряной нитью –древний вид рукоделия. Исторические данные свидетельствуют о существовании золотого шитья еще в раннем средневековье. За свою историю существования золотое шитье развивалось повсеместно в Нурате, Шахрисабзе, Самарканде, Джизаке, Ташкенте, Пскенте и Фергане. Однако особый размах и развитие оно получило в Бухаре в середине 19 века, где в мастерских при дворце бухарского эмира, золотошвейные мастера расшивали одежды правителя и его придворных. По сей день именно бухарское золотое шитье славится даже за пределами Узбекистана. Декоративное выделывание кожи, создание декоративных шнурков, инкрустированные работы на музыкальных инструментах, живопись и миниатюра на папье-маше и много других предметов обихода. В течение столетий национальные узбекские ремесла и искусства как процветали, так и приходили в упадок,

но передача художественных традиций от поколения к поколению никогда не прекращалась.

К нематериальным ценностям можно отнести традиции и обычаи узбекского народа, которые формировались веками. Узбекский этнос является одним из самых древних этносов. Кроме того это самый многочисленный этнос в Средней Азии. Самобытная культура народов Узбекистана сформировалась на заре цивилизации, уже в IV в до н. э. соблюдение обычаев и традиций всегда было долгом каждого человека, независимо от его происхождения и социального статуса. Среди этих традиций особое место занимает праздник «Навруз»- «новый день» по утверждению историков праздновали его еще 3000 лет назад. Он возвещает радостное пробуждение природы после зимы. Гостеприимство, и добродушие, трудолюбие и любовь к родине - эти человеческие качества тоже можно отнести к нематериальным ценностям народа Узбекистана.

В своей книге «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса», И.А. Каримов говорил:- «Возвращение духовных ценностей мы рассматриваем как органический, естественный процесс роста национального самосознания, возвращения к духовным истокам народа, его корням».[306]

Совокупность законодательно-нормативных актов в области образования, охраны и использования памятников материальной и нематериальной культуры, о музеях, о проведении юбилеев исторических городов и выдающихся личностей прошлого сформировала самобытную систему воспитания исторической памяти как фактора национального возрождения и построения гражданского общества.

Вопросы охраны и реставрации памятников архитектуры и святых мест находились в центре постоянного внимания Первого Президента страны. Более того, по его инициативе за годы независимости из руин возрождены сотни творений зодчих прошлого, которые входят в сокровищницу мировой цивилизации. В том числе мавзолей Иса - Термези в Шерабаде и ансамбль Хакими ат - Термези в Сурхандарьинской области, историко-архитектурная часть заповедника Ичан - кала в Хорезмской области, исторические зоны городов Карши и Шахрисабза, археолого - архитектурные памятники Аяз -кала, Койкрылган - кала и Топрак - кала в Республике Каракалпакстан. Завершены комплексная реставрация архитектурных объектов и реконструкция садово - парковой зоны некрополя Бахауддина Накш-банди, восстановление мавзолея и медресе Абдухалика Гиждувани в

[306] И. А. Каримов «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса», Т.: «Узбекистон», 1997г.- 316 с.

Бухарской области. Проведена масштабная архитектурно - ландшафтная реконструкция мемориального комплекса Имама аль - Бухари, генеральная реставрация мавзолея Амира Темура и некрополя Шахи - Зинда, архитектурное возрождение легендарной мечети Биби - Ханым в Самарканде и другие шедевры архитектуры в разных регионах страны.

Опыт и достижения Узбекистана в области грандиозных по масштабам практических дел по сохранению исторического наследия и исконно национальных ценностей получили достойное признание мировой общественности, способствуя дальнейшему укреплению высокого авторитета нашей Родины. Яркое тому подтверждение - признание Ташкента Международной исламской организацией по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO) столицей мира исламской культуры, включение исторических центров городов Бухара, Самарканд, Хива, Шахрисабз в список всемирного наследия ЮНЕСКО.[307] Культурное пространство Байсуна, а также Навруз, шашмаком, катта ашула, аския и традиции приготовления плова внесены в репрезентативный список шедевров мировой нематериальной культуры.

Под эгидой этой крупнейшей международной организации проводятся традиционный Международный музыкальный фестиваль «Шарк тароналари», празднования юбилеев древних городов и выдающихся исторических личностей, а также организована Международная конференция «Историческое наследие ученых и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение для современной цивилизации». Исторический опыт, преемственность традиций — все это должно стать теми ценностями, на которых воспитываются новые поколения. Не случайно наша культура стала центром притяжения для всего человечества, местами паломничества не только ученых и ценителей искусства, но всех людей Земли, которых интересуют история и исторические ценности. Благодаря усилиям узбекских ученых были заново открыты многие важнейшие страницы нашей истории. С первых дней независимости Узбекистана в общественную жизнь и общественное сознание возвращено уважительное отношение к исконно народным ценностям и традициям, деяниям и трудам великих предков, памятникам материальной и художественной культуры прошлого.

[307] Газета «Народное слово» от 26 февраля 2014г. «Всемирное наследие — исторический центр Бухары».

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ ЭТНОГРАФИК КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Орифжонова Г.Р
К.Беҳзод номидаги МРДИ
таянч докторантура (PhD) докторанти

Ўзбекистон музейлари этнографик коллекцияларга бой музейлар ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бугунги кунгача музейлар этнографик коллекциялари тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Ҳатто бир музей мисолида ҳам этнографик коллекциялар яхлит тарзда тадқиқ қилинмаган. Бунинг асосий сабаби музейлар фондларидаги этнографик коллекцияларининг турли-туманлиги, кўп сонли ҳамда ранг-баранглигидир.

Ўзбекистон музейларида этнографик коллекцияларни йиғиш жараёни 1930-1941 йилларга бориб тақалади. Кўплаб музейларнинг этнографик фондлари айнан шу даврда шакллантирилган. Бу даврда Ўзбекистон ва унга қўшни бўлган республикалар ҳудудида кўплаб экспедициялар уюштирилган ва халқнинг моддий маданияти ҳамда турмуш тарзида оид буюмлар музей фондларига олиб келинган. Самарали ташкил этилган экспедициялар натижасида бой этнографик коллекциялар музейлар хазинасидан ўрин олган.

Этнографик коллекцияларни илмий ўрганилишини икки даврга бўлиш мумкин:

1. Музейларда ўтказилган этнографик экспедициялардан сўнг тўпланган экспонатларга илмий таъриф ёзиш ва уларни илмий ўрганиш даври. Бу жараён музей экспедицияларида бевосита қатнашган ҳамда этнографик коллекцияларни ўзи йиққан ходимлар томонидан ҳамда кейинчалик илмий ўрганиш учун музейга жалб этилган этнографлар томонидан амалга оширилган.

Музей фондарини бойитишга самарали ҳисса қўшган ҳамда уларни илмий ўрганган этнограф олималардан бири Ольга Александровна Сухарева ҳисобланади.

Самарқанд Давлат музейида 1934 йилдан 1946 йилгача фаолият юритган О.А.Сухарева катта тўплов ишлари олиб борди, музей жамғармаларини халқ санъатининг нодир намуналари билан бойитди. Каштачилик ва кийим-кечаклар тўплаш ва илмий ишлов бериш О.А. Сухарева илмий ишининг асосий йўналишидир. Каштачилик асари яратиш вақтини белгилаш учун у ўз методикасини ишлаб чиқди.[308]

Музей экспедицияларида қатнашмаган, аммо илмий ўрганиш жараёнида иштирок этган олимлар ҳақидаги мулоҳазаларни

[308] Хасанова Ш., Қаюмов Р. Музей иши фидоийлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 16.

С.М.Круковскаянинг Ўзбекистон давлат санъат музейи этнографик коллекцияларининг шаклланиш тарихи борасидаги изланишларида учратамиз:

«Агар 1935-1941 йиллар оралиғидаги вақтни коллекцияларни йиғиш даври десак, 1945-1952 йиллар оралиғидаги вақт экспонатларни илмий ёзиш ва илмий инвентаризация қилиш даври бўлди.

Ўзбекистон халқ санъати коллекцияларини илмий ўзлаштириш учун музей этнографларни кенг миқёсда ўзига жалб қилди: М.А.Бикжанова – заргарлик санъати коллекциялари, П.А.Гончарова – зардўзлик намуналари, В.С.Затворницкий – кандакорлик буюмлари, В.Г.Мошкова – гилам, А.С.Морозова – сопол буюмлар, А.К.Писарчик – мато ва каштадўзлик бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордилар[309]«.

2. Тадқиқотчилар томонидан турли вақтларда ўрганилган музей этнографик коллекциялари. Музей ходимлари, санъатшунослар ва тарихчилар ўз илмий тадқиқотларида этнографик коллекцияларнинг маълум бир турини тадқиқ этганлар.

Ўзбекистон музейлари этнографик коллекцияларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Музейлар этнографик коллекциялари тадқиқ этилган илмий мақолалар. Ўзбекистон музейлари этнографик коллекциялари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Айниқса, Л.Левтееванинг илмий мақолаларида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг этнографик коллекциялари чуқур тадқиқ қилингани билан катта аҳамиятга эга. Муаллифнинг «Бухоро зардўзлиги»[310] номли мақоласида Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, А.Икромов номидаги Самарқанд тарих ва маданият музейи, Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей қўриқхонаси экспозицияларидан ўрин олган XIX –XX асрга оид зардўзлик намуналари сақланиши ҳақида тўхталиб ўтилиб, Бухоро зардўзлик санъати, либосларни тайёрлаш жараёни, безаклари, зардўзликнинг аёллар, эркаклар ва болалар кийимида қўлланилиши, бош кийим, устки кийим ҳамда оёқ кийимларни безашда ишлатилиши ёритилган.

Л. Левтееванинг «Дунган либослари ва тақинчоқлари»[311] мақоласи эса Ўзбекистон тарихи давлат музейи этнография бўлими фондида сақланаётган дунган халқ либослари ва тақинчоқларини ўрганишга бағишланган. Мақоладан мазкур коллекциянинг шаклланиш тарихи, уни шакллантиришга ҳисса қўшган этнографлар ҳамда музей ходимлари, коллекцияда сақланаётган буюмларнинг сони 300 дан ортиши ҳамда

[309] Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гулям, 1982. – С. 21.
[310] Левтеева Л. Бухоро зардўзлиги // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 31-33.
[311] Левтеева Л. Дунган либослари ва тақинчоқлари // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 3-4. – Б. 18-20.

дунган халқ маиший ҳаётига оид мазкур коллекция намуналари XIX аср охири –XX аср бошларига оидлиги каби қимматли маълумотлар ўрин олган. Бундан ташқари мақолада дунган халқ эркаклар ва аёллар кийимлари, байрам ва тўй маросим кийимлари, либослардаги нақшлар ва улар англатадиган маънолар, заргарлик намуналари чуқур таҳлил қилинади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг қайси ҳудудларида дунган халқи истиқомат қилиши каби фактлар ҳам тадқиқотчи эътиборидан четда қолмаган.

Л. Левтева ва И. Богословскаянинг «Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан)» [312] номли мақоласида Ўзбекистон ҳудудида истеъмолда бўлган оёқ кийимлар, эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийими, ҳар бир ҳудудга хос бўлган оёқ кийимлар музей коллекцияси намуналари асосида коллекция намунларининг инвентар рақамлари акс эттирилган тарзда тадқиқ қилингани билан аҳамиятлидир.

Л.Левтеева, Р.Ғуломовларнинг ҳаммуалифликдаги «Қурол-аслаҳа санъати»[313] номли мақоласида эса Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган ўтмиш асрларга оид қуроллар ҳамда Хива хонларининг хазинаси тегишли қурол-яроғлар ўрганилган.

Л.Левтеева, Р.Мухтароваларнинг «Кружево» металла (медночеканные изделия в собрании ГМИУ)»[314] номли мақоласи Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган кандакорлик буюмларини ўрганишга бағишланган. Музей хазинасида сақланаётган 300 дан ортиқ намуналар мисолида Ўзбекистон ҳудудида мазкур санъатнинг ривожланиши, усталар ижоди, қўлланилган безаклар таърифи ва тавсифи, кандакорлик ёрдамида безатилган идишлар ва уларнинг шакли, санъат даражасида безатилган ноёб буюмлар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон давлат санъат музейи коллекцияларини ўрганган олимлардан бири А. Ҳакимов ҳисобланади. Муаллифнинг «Ўзбекистон Давлат санъат музейи коллекциясидаги ноёб сўзаналар»[315] номли мақоласида музей коллекциясидан ўрин олган сўзаналар, уларнинг яратилиши даври бўйича баҳсли масалаларга илмий ечим фактлар асосида кўрсатиб ўтилган. Кашталарда қўлланилган безаклар моҳияти ёритилган.

[312]Богославская И., Левтеева Л. Пойабзал тадрижи (Ўзбекистон Давлат тарих музейи пойабзал коллекциясидан) // Санъат. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 10-14.
[313] Левтеева Л. Ғуломов Р. Қурол-аслаҳа санъати // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 2. –Б. 6-8.
[314] Левтеева Л, Мухтарова Р. “Кружево” металла (медночеканные изделия в собрании ГМИУ) // Санъат. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 24-27.
[315] Ҳакимов А. Ўзбекистон Давлат санъат музейи коллекциясидаги ноёб сўзаналар // Санъат. – Тошкент, 2014. – № 2. – Б. 13-17.

А.Ҳакимовнинг «Ўзбекистон давлат санъат музейидаги дубулға»[316], номли мақоласида санъат асари даражасида тайёрланган дубулға, унинг кўриниши ҳамда унинг безаклари тадқиқ этилган. Б. Бобожоновнинг «Ўзбекистон давлат санъат музейидаги дубулға битиклари» [317] номли мақоласида дубулғага ёзилган битиклар маъноси очиб берилган.

Ўзбекистон музейлари этнографик коллекцияларини ўрганган тадқиқотчилардан яна бири О.Удовенко ҳисобланади. Унинг «Ўзбекистон санъат музейи жамғармасидан»[318] номли мақоласидан музей экспозициясидан ўрин олган этнографик буюмлар таҳлили ўрин олган. Муаллиф от анжомлари, ғилофлар, ҳарбий қурол-аслаҳалар, камарлар, ёғоч дарвозлар таҳлилига кенг тўхталган. О.Удовенконинг «Бухоронинг ғаройиб чодири»[319] номли мақоласи Ўзбекистон давлат санъат музейидаги нодир чодирнинг илмий тадқиқига бағишланган. Мақоладан чодир тузилиши, унинг қисмлари, чодирни тиклашда қўлланилган матолар, безак намуналари, унинг ичидаги бўлмалар функцияси, чодирнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни, унинг иссиқ иқлим шароитида бажарадиган вазифалари таҳлил ўрин олган. «Хива ҳарбий камари (Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўпламидан)»[320], номли мақоласида О.Удовенко музей сақланаётган Хива жанговар камарини тадқиқ қилган. Умуман эркаклар кийимда камарнинг тутган ўрни ўрганилган.

Л. Мирсаидованинг Самарқанд Давлат музей қўриқхонаси фондида сақланаётган Ўзбекистон жанубидаги кўчманчи қабилалар маданий меросига бағишланган «Анъаналарнинг хилма-хиллиги» [321] номли мақоласида кўчманчилар гиламлари, кашталари ўрганилган.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб музейлари хазинасида мавжуд этнографик буюмлар ҳақида маълумотлар мужасамлашган мақолалар ҳам талайгина. Улар этнографик коллекцияларни чуқур тадқиқ этмаган бўлса-да бирор-бир музейда сақланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир. Жумладан, Андижон музейлари[322], Самарқанд музейлари[323], Самарқанд

[316] Ҳакимов А. Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги дубулға // Мозийдан садо. – Тошкент, 2014. – № 4. – Б. 12.
[317] Бобожонов Б. Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги дубулға битиклари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2014. – № 4. – Б. 8-9.
[318] Удовенко О . Ўзбекистон санъат музейи жамғармасидан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 37-40.
[319] Удовенко О . Бухоронинг ғаройиб чодири // Санъат. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 15-16.
[320] Удовенко О . Хива ҳарбий камари (Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўпламидан) // Санъат. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б. 31-32.
[321] Мирсаидова Л. Анъаналарнинг хилма-хиллиги // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 4. – Б. 2-5.
[322] Юсупов Д. Андижондаги “Арк ичи” музейлар мажмуаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – № 3. – Б. 6-9.
[323] Остонова Г., Бойтиллаев Р. Ноёб ёдгорликлар хазинаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – № 1-2. – Б. 26-29.

Давлат музей қўриқхонаси жамланмалари бўйича[324], Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи коллекциялари ҳақида[325] , Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейи этнографик коллекциялари акс этган [326], Бухоро музейлари этнографик буюмлари ҳақида[327] маълумот берувчи илмий мақолалар мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, музейлар этнографик коллекциялари тўлиқ ўрганилмаган. Асосан тадқиқотлар этнографик ва санъатшунослик нуқтайи назаридан олиб борилган бўлиб, Ўзбекистон музейлари этнографик коллекциялари ўрганилган илмий адабиётлар сони ниҳоятда кам. Шу сабабдан ҳам этнографик коллекцияларни ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга илмий тадқиқот бўлиб қолмоқда.

XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИЗЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ГЕОГРАФИЯ ФАНИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Кариева Н.
ЎзРФА Тарих институти таянч докторанти

Сўнгги ўрта асрларда Қўқон, Бухоро, Хива хонликларидаги кутубхоналарида сақланган**,** маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган ёки таржима қилиниб, амалда кенг фойдаланилган, табиий фанлар, хусусан, географияга [1:2, 1:115] оид қўлёзма ва тошбосма асарлар тарихий манбалар орасида салмоқли ўринга эга. Улар анъанавий илмий мактаблар маҳсули сифатида асрдан-асрга ўтиб, келгуси авлодларга етиб келган. Ушбу илмий асарлардан нафақат мадрасалардаги таълим жараёнларида, балки балки халқнинг кундалик турмушида – қишлоқ хўжалиги, ирригация (тўғонлар, суғориш иншоотларининг қурилиши, ерларни ўлчаш) соҳаларида ҳам кенг фойдаланилган. Табий фанларга оид илмий асарлар Шарқ қўлёзмалари маркази, Манбалар ҳазинаси, кутубхона ва архив жамғармаларида сақланмоқда. Мазкур тадқиқотлар ватан тарихшунослигида ва хорижий адабиётларда ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган.

---

[324]Абдураҳмонова Г. Самарқанд музейи заллари бўйлаб... // Мозийдан садо. – Тошкент, 2016. – № 2. – Б. 18-19.
[325] Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 1. – Б. 24-27.
[326] Нурабуллаева С. Ўлкамиз тарихи сарчашмаси (Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейининг 75 йиллиги) // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 2-5.
[327] Алмеев Р. Дунё ардоғидаги шаҳар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002 – № 1. – Б. 8-11.

XIX аср – XX аср бошлари. Туркистон географиясига оид материаллар бу давр тадқиқотларида муаллифлар томонидан яратилган адабиётлар, тўпламлар, асарлар ва даврий матбуот материалларида [2] намоён бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган бундай илмий асарлар қаторига таниқли географ олим Семёнов П.П.нинг «История полувековой деятельности Императорского географического общества» асарини киритиш мумкин. Ушбу илмий адабиётда Россия императорлиги география жамиятининг 50 йиллик тарихи ёритилган. Асарда асосан Россия империясининг даслабки географик жамиятларининг фаолиятлари билан бир қаторда Россия географик жамиятининг Туркистон бўлими ҳақида маълумотлар келтирилган. Бироқ, асарнинг даврий чегараси 1845 – 1895 йиллар бўлиб, Ўзбекистон ҳудудудига амалга оширилган илмий экспедицияларнинг натижалари илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинмаган.

XIX-XX аср бошларидаги ўлканинг географиясини ўрганиш бўйича тадқиқотлар орасида географ-олим Северцов Н.А.нинг «Путешествие по Туркестанскому краю» асари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Асарда Северцов Н.А.нинг 1873 йилда Туркистон ҳудудига қилган саёҳати ёритилган бўлиб, унда муаллиф саёҳат жараёни, ўз кузатувлари, таасуротлари ва хотираларини тавсифлаб берган. Асарда XIX асринг оҳирида Туркистон ўлкаси, ҳусусан Қўқон хонлигининг тарихи, географик ҳолати ва аҳолиси ҳақида маълумотлар мавжуд.

Бундай илмий адабиётлар қаторига тупроқшунос олим Миддендорф А.Ф.нинг «Очерки Ферганской долины» [3], машҳур географ Семёнов П.П.нинг «Путешествие в Тянь-Шань»[4:1-3], саёҳатчи Хорошхин А.нинг «Сборник материалов, касающихся Туркестанского края» [5], тадқиқотчилар Гладишев, Муравинларнинг «Поездка в Бухару и обратно, совершенная в 1740-1741 годах» [6], Игнатьев Н.П.нинг «Миссия в Хиву и Бухару»[7:238] каби адабиётларни киритиш мумкин.

Айни даврни ўз ичига олган илмий адабиётлар орасида машҳур олим Наливкин В.нинг «Опыт исследования песков Ферганской области»[8], «Краткая история Кокандского ханства» [9], «Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы асари»[10:245] каби асарлари мазкур муаммони кенг ёритиш учун катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, XIX асрнинг оҳири – XX аср бошларига оид даврий матбуот материалларида ўша давр тадқиқотчиларининг Туркистон географиясини ўрганиш билан боғлиқ мақолалари мазкур масалани ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай материалларга қаторига «Туркестанские ведомости»[11:245], «Отчёты Императорского Географического общества», «Туркистон вилояти

газетаси», «Военный сборник», «Русское обозрение», «Инженерный журнал» кабилар киради.

Маълумки, XIX асрнинг оҳири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасини тадқиқ этиш ва чуқур ўрганиш мақсадида Россия ҳукумати томонидан бир қанча илмий тўпламлар нашр қилинган. Бунга мисол қилиб «Туркестанский сборник», «Известия географического общества», «Сборник материалов по мусульманству», «Записки Русского географического общества по общей географии» каби илмий тўпламларни кўрсатиб ўтиш лозим. Бундай нашрларда географияга оид мақолалар ва материалларнинг сони кўп бўлиб, уларнинг чуқур тадқиқ этилиши мазкур муаммони кенг ёритишда катта ёрдам беради.

«XIX аср – XX аср Ўзбекистон ҳудудида географик тадқиқотлар» мавзусини ёритишда ўша даврга оид статистик тўпламлар[12] ва турли хужжатлар[13] ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди.

Юқорида қайд этилган барча материаллар ҳозирги давргача муайян тизимлаштирилмаган бўлиб, илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Иккинчи давр тадқиқотлари - совет ҳокимияти даври тадқиқотлари ҳисобланади. Ушбу даврга ўтган асрнинг 20 йилдан – 90 йилларга оид XIX асрнинг оҳири – XX аср бошида Туркистондаги география билимларига оид илмий асарлар, адабиётлар, тўпламлар ва мақолалар[14] киради.

Бундай илмий адабиётлар орасида Лунин Б.В.нинг «Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX — начало XX в» номли асари Ўзбекистон ҳудудида географик тадқиқотларни ўрганиш учун муҳим илмий адабиётлардан бири ҳисобланади. Ушбу илмий адабиёт 1965 йилда чоп этилган. Унда Туркистон ҳудудидаги илк илмий жамиятларнинг фаолияти бўйича умумий маълумотлар жамланган бўлиб, уларда географик жамиятларнинг XIX асрнинг оҳири – XX аср бошларидаги умумий фаолияти тавсифланган.

Азатьян А.А.нинг 1969 йилда чоп этилган «История открытия и исследования Советской Азии» номли илмий асари муаммони ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга. Асарда Марказий Осиё, ҳусусан Ўзбекистон ҳудудидаги географик кашфиёт ва тадқиқотларнинг тарихига оид маълумотлар берилган. Асарда келтирилган ушбу маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди бўйича олиб борилган тадқиқотлар алоҳида таҳлил этилмаган. Бундан ташқари, ушбу илмий адабиётнинг совет хокимияти даври мафкурасининг таъсирида нашр этилганини қайд этиш лозим.

Иккинчи даврга оид илмий адабиётлар қаторига «Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию» тўпламлар сериясини ҳам киритиш ҳам мумкин. Тўплам Ўрта Осиё Давлат университети нашриёти

томонидан тузувчи Маслова О.В.нинг таҳрири остида 1955 йилдан – 1971 йилга қадар чоп этилган. Ушбу тўпламда 1715 йилдан бошлаб 1886 йилга қадар Марказий Осиё ҳудудига амалга оширилган рус саёҳатлари ва экспедицияларнинг йўналишлари, уларнинг натижалари ва тарихи бўйича материаллар хронологик тарзда ёритилган. Ушбу маълумотлар ҳам умумий характерга эга бўлиб, Туркистонга оид географик тадқиқотлар алоҳида тизимлаштирилиб ва батафсил очиб берилмаган.

Тадқиқотчи Берг Л.С. томонидан яратилган «Очерки по истории русского географического общества» илмий адабиёт 1946 йилда чоп этилган бўлиб тадқиқотда қўйилган масалани очиб беришда ёрдам беради. Чунки ушбу адабиётда Рус географик жамиятининг фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Юқорида кўрсатилган адабиётлар орасида Лебедев Д.М., ва Есаков В.А.лар муаллифлигида 1971 йилда яратилган «Русские географические открытия и исследования с древних времён до 1917 года» асар ҳам масалани ёритишда асосий адабиётлардан бири бўлиб ҳизмат қилади. Асарда энг қадимги даврдан 1917 йилга қадар Россия географлари томонидан амалга оширилган кашфиётларнинг қисқача тарихи ёритилган. Шу билан бир қаторда Россия тадқиқотчиларининг Марказий Осиё ҳудудидаги дастлабки кашфиётларидан бошлаб 1917 йилгача олиб борилган географик тадқиқотлар тарихи қисман ёритилган.

Совет даври нашр этилган даврий нашриётларда ҳам мазкур масалага оид илмий мақолалар мавжуд. Уларнинг орасида «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали алоҳида ўринга эга.

Бироқ, совет давридаги адабиётларда мафкуравий талабларнинг натижасида географик билимларнинг ривожланиш даражасига ҳолис баҳо берилмади. Бу даврларда география билимларга оид маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тадқиқотлар эътибордан четда қолдирилди ёки умуман ёритилмади.

Учинчи давр тадқиқотларига 1990 йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврга оид илмий тадқиқотлар киради. Ушбу тадқиқотларда 19 асрнинг иккинчи ярми - 20 аср бошларидаги Туркистон географиясини ўрганган олимлар, тадқиқотчилар ҳақида умумий маълумотлар мавжуд. Шунингдек, айни даврда Туркистоннинг сиёсий аҳволи, иқтисодий хаёти, ижтимоий ҳолати, аҳолисининг таркиби ва турмуш-тарзи, маданияти ва бошқа соҳаларга оид илмий тадқиқотлар ҳам яратилган. Бироқ, уларда Туркистондаги географик тадқиқотларнинг 19 асрнинг иккинчи ярми - 20 аср бошларидаги ҳолати ва уларнинг мазмуни алоҳида тадқиқот объекти сифатида белгиланмаган.

Юқорида номлари келтирилган адабиётлар ва тадқиқотлар ўрганилаётган даврда Туркистонда XIX-XX аср бошларида Ўзбекистондаги илмий тадқиқотлар ҳақида батафсил маълумот олиш

имконини бериш билан бирга, алоҳида олинган география фанининг ривожини қисман ёритганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Ушбу тадқиқотларнинг ҳар бири тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари сингари манбалардан кенг фойданилганлиги туфайли ҳам қимматли бўлиб, муаммони ўрганишда ҳозирги кунда ҳам илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, белгиланган хронологик чегарада, мавжуд манбаларнинг чуқур таҳлили асосида XIX-XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий меросининг йўналишларидан бири бўлган география тарихини миллий маданият ва фан тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О семи планетах. 1851, 2 лл. //СВР, 1960, Том V, № 3858);О планетах-покровительницах. 1851, 2 лл. // СВР, 1960, Том V, № 3859; Мухаммад Сиддиктура Хишмат. Собрание гороскопов, основанных на звездных определениях (مجموعهٔ زايجه احكام نجوم). Начало XXв., 115 лл. //СВР, 1960, Том V, № 3860.

2. Северцов Н.А. Путешествия по Туркестанскому краю. 1873; Григорьев.В.В. Россия и Азия. (Сборник по истории, этнографии и географии.СП.1876; Галкин.М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. СП. 1868.; Семёнов П.П. Путешествие в Тянь-Шань в 1856-1857 гг. М.ОГИЗ. 1948.; Веселовский Н.И. Веселовскій Н.И. Василий Васильевич Григорьев по его письмам и трудам. СП.1887.; Отчётъ Императорскаго Русскаго Географическаго Общества.СП.1900; Научные результаты Аральской экспедиціи. Вып 1-72. 1880 ; Наливкин В. Опыт исследования песков Ферганской области: историческая литература. Новый Маргелан: Печатано вътипогр. Ферганскаго областного правления, 1887. - 229 с..; Вестник Императорского Русского географического общества. СП.1860.; Записки Русского географического общества по общей географии. Т XIII. 1886; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СП. 1881; Семёнов П.П. Исторія полувековой деятельности Императорскаго географического общества. СП.1896. Т 1-3; Хорошхин. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. 1876; Гладышев, Муравин. Поездка из Орска в Бухару и обратно, совершённая в 1740-41 годах. СП. 1851.; Игнатьев Н.П. Миссия в Хиву и Бухару 1858 года флигель-адьютанта полковника Игнатьева Н.П. Спб. 1897.

3. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СП. 1881

4. Семёнов П.П. Исторія полувековой деятельности Императорскаго географического общества. СП.1896. Т 1-3

5. Хорошхин. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. 1876

6. Гладышев, Муравин. Поездка из Орска в Бухару и обратно, совершённая в 1740-41 годах. СП. 1851.

7. Игнатьев Н.П. Миссия в Хиву и Бухару 1858 года флигель-адьютанта полковника Игнатьева Н.П. Спб. 1897. Б-278.

8. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань. 1886

9. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886

10. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань. 1886. Б-245.; Опыт статистического очерка кишлака Нанай. Труды Сырдарьинской обл. статистич.комитета в 1887-1888 гг. Ташкент. 1888;

11. Очерки земледелия в Наманганском уезде. Туркестанские ведомости. 1880. №11,13,15,18-21,24,25, 27-29; Вопросы туземного земледелия. Туркестанские ведомости. 1880. № 33-34; Заметки по вопросы о лесном хозяйстве в Фергане. Туркестанские ведомости. 1883. № 16-20; Киргизы Наманганского уезда. Туркестанские ведомости.1881. № 20-21; Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань. 1886; Опыт статистического очерка кишлака Нанай. Труды Сырдарьинской обл. статистич.комитета в 1887-1888 гг. Ташкент. 1888;

12. Труды Сырдарьинской обл. статистич.комитета в 1887-1888 гг. Ташкент. 1888; Сборник материалов для статитстики Самаркандской области; Туркестанский литературный сборник в пользу прокаженных. СПб. 1900.

13. Географик жамиятлар мажлисларининг баённомалари.

14. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Т.1955; 1-4 Ч. 1955-1971; Вебер В.Н. К геологии бассейна р.Чаткал в Туркестане. Л. 1929. 24 с.; Герцен А.И. Былое и думы. М.1949; Федченко А. П. Путешествие в Туркестан, М., Географгиз, 1950., Оренбургские степи в трудах П.И.Рычкова. 1949.; Берг Л.С. Очерки по истории русского географического общества. М-Л. 1946; Семёнов П.П. Путешествие в Тянь-Шань в 1856-1857 гг. М.ОГИЗ. 1948; Ильинский А.П. Известия Государственного географического общества. Т.71. 1939; Акрамов Н.М. Русские исследователи и их вклад в изучении истории, археологии и этнографии народов Памира и Приамирья. Автореферат на защиту.д.и.н. Москва-Душанбе. 1975; Азатьян А.А. и др. История открытия и исследования Советской Азии. М. 1969.; Б.Лунин. История научнқх обществ. М.1975.

САНЪАТНИНГ ШАХС ЭСТЕТИК ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ СИНЕРГЕТИК ЖИҲАТЛАРИ

Турсунқулова Ш.Т
СамДУ мустақил изланувчиси

Санъат ва унинг имкониятлари, ривожланиши, маънавий тарбиявий аҳамияти тўғрисида фикр юритганимизда эстетика, фалсафа ва синергетикада эришилган ютуқлардан фойдаланиш муҳимдир. Хозирги кунда санъат ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб кундалик эҳтиёжларимиздан бирига айланиб, ҳар бир соҳа унга мурожаат қилиши одатий ҳол бўлиб қолди, бу эҳтиёж инсонларнинг ҳаётига нафақат ижобий балки, салбий жиҳатдан ҳам таъсирини кўрсатиб, муммоли вазиятларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, санъатнинг шахс онгининг шаклланишига таъсирини ҳар томонлама ўрганиш долзарб бўлиб бормоқда.

Айтиш мумкинки, Европа олимларининг тиббиёт (А.Хиллом, М.Наумбург), психология (З.Фрейд, Л.С.Выготский), педагогика (Т.А.Соколова, И.И Корпушин, В.И Толстых), эстетика (В.И.Горын, Д.Ю.Кучерюк), синергетика (И.А.Евин, Л.Г.Лобова) фанлари нуқтаи назаридан санъат ва унинг имкониятлари илмий таҳлил этилиб, янги натижаларни илм-фанга тақдим этиши ва ўзбек олимларидан Абдулла Шер, Э.Умаров, Ш.С.Агзамходжаева, М.Нурматова, О.Ғайбуллаев, Д.Қодирова ва бошқаларнинг илмий татқиқот ишлари санъат ва унинг ички имкониятларини янада чуқурроқ ўрганишда ва санъатга оид янги татқиқот ишлари учун назарий манба вазифасини бажаради.

Санъатни инсон субъект сифатида объектив борлиқда яратади. Санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа тузумига, тахминан милоддан аввалги 40-20 минг йилликка бориб тақалади. Инсоният тарихидан маълумки, инсоннинг маънавий-тарбиясида, дунёқарашининг ўсиши, гўзалликни ва ўзликни англашда санъатнинг аҳамияти катта бўлган. Инсон санъатни яратувчи субъект сифатида объектив қонуниятларга буйсуниб, «ижтимоий онг шаклларидан бирини ташкил этади ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган ижод маҳсулидир»[328]. Инсоннинг дастлабки ижод маҳсулоти ўзи яратган тош қуролидир. Бу биринчидан, инсон онги ва тафаккурининг маҳсулоти, иккинчидан, санъат асари, учинчидан инқилобдир.

Санъат нима? Санъатнинг келиб чиқиши? Санъатнинг таърифи тўғрисида олимлар жуда кўп фикрлар билдиришган. Файласуф олим

[328] Манавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғ.Ғулом. НМИУ, 2016.Б.276.

Абдулла Шер санъатнинг келиб чиқиши тўғрисида таҳлил қилганда, санъатнинг келиб чиқиши эмас балки, нимадан пайдо бўлишига эътиборни қаратишимиз кераклигини айтади. Шундан келиб чиқиб, «санъат инсонга берилган илоҳий завқнинг, маънавий оламнинг ўйин орқали намоён бўлиши, ...ўйиннинг ижтимоийлашган шакли»[329]дир, деган фикрни илгари суради.

И.А.Евин фикрича, санъат феноменини тушунтириш олий нерв фаолияти билан боғлиқ бўлган фанларнинг ечиб бўлмайдиган жумбоқли масалаларидан бири саналади. Унинг айтишича «санъат – инсоннинг беқарор, бифуркация ва критик ҳолатида пайдо бўладиган жараён»[330]. Санъатнинг пайдо бўлиши инсоннинг мияси ва унда кечадиган ўз-ўзини ташкил этувчи мураккаб ва ночизиқли холатларга боғликдир деб санъатнинг қатор жанр ва кўринишларини синергетика нуқтаи назаридан таҳлил қилган[331].

Ўзбек олимлари илмий ижодида санъат синергетик нуқтаи назардан кам ўрганилган соҳалардан биридир. Файласуф олим Абдулла Шер «санъатни хил, тур ва жанрларга бўлиб, эстетик тадқиқ этиш одат тусига айланган. Бироқ ана шу «бўлиб ўрганиш», яъни таснифлаштириш, туркумлаштириш бир қарашда осондек кўринсада, аслида эстетикадаги мураккаб ва чалкашликларга тўла муаммо саналади»[332]дея, унинг синергетик хусусиятларига ишора қилади.

О.Ғайбуллаев санъатни инсон фаолиятининг такрорланмас ижодий холати эканлигини таъкидлаб, одам ёзиш чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин, аммо гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезишини, ҳақиқий санъат асарлари барча халқ, элат ва миллатларга таржимонсиз бадиий-эстетик завқ бағишлаш хусусиятига эгалиги тўғрисида айтиб, «санъат тарбиявий, эстетик ва маънавий имконият ва аҳамиятга молик ижтимоий мўжизадир...санъат миллат онги ва шуурида кечаётган жараёнларни ифода этиш билан баробар ўқувчи, томошабин ва тингловчини рағбатлантириш, илҳомлантириш, ижтимоий ҳаёт ва табиат гўзалликларидан завқланиш фазилатларини ҳам тарбиялаш қудратига эга»[333] дея таъкидлаб ўтади.

Айнан О.Ғайбуллаев айтган мўжиза санъатнинг ўзига хос синергетик хусусиятларини кўрсатади. Яъни санъат асарини тушуниш учун, англаш ва эстетик завқ олиш учун уни тил билан тушунтириш, шарҳлаш, таъкидлаш шартмас санъат асари ўзини ўзи намоён қилишга

[329] Абдулла Шер. Эстетика. Т.: ”Ўзбекистон” НМИУ, 2015.Б.248-251.
[330] Евин И.А. Синергетика мозга. Москва-Ижевск: НИЦ “Регулярная и хаотическая динамика”, 2005.С.86.
[331] Евин И.А. Синергетика мозга. Москва-Ижевск: НИЦ “Регулярная и хаотическая динамика”, 2005.С.С.1-108.
[332]Абдулла Шер. Эстетика. Т.: ”Ўзбекистон” НМИУ, 2015.Б.268.
[333] Ғайбуллаев О.М. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. Т.: ”Чашма принт”, 2008.Б.134-135.

қодир. Бу ўз-ўзини ташкиллаштиришдир. Айнан мана шу жараёнлар санъатнинг синергетик хусусиятларини кўрсатади.

Тахминан XX асрнинг ўрталарида И.Р.Пригожин, Г.Хакен ва бошқа олимларнинг физикавий ва кимёвий татқиқотларида янги илмий парадигма шакллана бошлаган. Бу синергетика номини олиб, бу терминни биринчи бўлиб, немис физик назариётчиси Герман Хакен 1960 йилда фанга киритган ва синергетиканинг асосчиси ҳисобланади. Синергетика сўзи юнонча (юнон.synergein-умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи), ўзаро таъсир каби маъноларни билдиради.

Файласуф олим Б.Тўраев синергетика барча фанларда қўлланилиши лозим бўлган умумфалсафий методология эканлигини, синергетик принцип ва қонуниятлар барча фанларда амал қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича «Синергетика – мураккаблик, мураккаб системаларнинг ҳамкорликдаги ўзини-ўзи ривожлантириши ҳақидаги фандир»[334]. Синергетика таълимотида мураккаблик, чизиқлилик ва ночизиқлилик асосий тушунча сифатида қаралади ва бундан ташқари аттрактор, бифуркация, флуктуация, тартиб ва хаос, беқарорлик ва барқарорлик, ўз-ўзини ташкиллаштириш, бир хиллик ва кўп хиллилик, тасодиф каби тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, айнан шу тушунча ва тамойиллар ёрдамида синергетик холатлар тушунтирилади.

Юқорида файласуф олим Абдулла Шернинг санъатнинг мураккаб ходиса эканлиги, унинг кўринишлари ва хиллари, улар ўртасидаги диалектик ўзаро алоқадорликлари ва муаммолари тўғрисидаги фикрини келтириб ўтдик, айнан мана шу холатларни синергетика принцип ва қонуниятлари асосида таҳлил этилиб ўрганилса, бу жараён санъатнинг ривожланиши, шахс эстетик онгининг шаклланиши, бадиий асарларнинг эстетик қиймати ва бошқаларга оид янги назарияларни бериши мумкин деб ўйлаймиз. Жамият доимо тараққиёт жараёнини ўз бошидан кечирганлиги боис, санъат ҳам унга боғлиқ равишда ўзгаришда, ривожланиш ва янги кўринишларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан санъат инсон онги ва тафаккурига чуқур таъсир этувчи омил сифатида маънавий-тарбиявий аҳамиятини янада ошириш мақсадида давлатимизда санъатни ривожлантириш, ижодкорларга кенг имкониятлар яратиб бериш учун катта ислоҳотлар амалга ошириляпти. И.А.Каримов «дунёдаги ҳар қайси ҳалқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси, аввало, унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан,

[334] Тўраев Б.О. ва бошқалар. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Т.: “Наврўз”, 2017.Б.12.

театр санъатида намоён бўлади»[335] деб таъкидлаганлар. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида «театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш»[336] каби мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.

Иккинчидан, санъатнинг маънавий-тарбиявий аҳамиятини янада кўчайтириш йўлида санъат йўлида хизмат қилиб келаётган олимлар ва бадиий зиёлилар, ижодкорлар олдига санъат назариясини, миллий санъатимизни ривожлантириш, унинг маънавий - тарбиявий аҳамиятини ошириш учун ўзларининг назарий билими ва салоҳиятини, ижодкорлик фаолиятини амалий соҳада намоён этиб, ҳақиқий истеъдодларни аниқлаб, уларга тўғри ва аниқ йўналишлар кўрсатиб санъатимизни бой ва бетакрорлигини, театр, музей, рассомчилик, кино, хунармадчилик, фото, дизайн, мусиқа, қўшиқ ва санъатнинг бошқа соҳаларининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиши керак, чунки, ҳар қандай санъат асари, яратилган бадиий асар кутилмаган кашфиёт ва замонавий томошабиннинг эстетик онги тафаккурини «кенгайтирувчи» восита,бундан ташқари санъат «азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади».

Масалан, жадид драмалари ўзбек адабиётида санъатнинг янги кўринишини юзага келтирган. Бу санъат турида асосан маърифатпарварлик ғоялари жаҳолатга қарши қўйилади ва санъат асарлари таъсири билан ҳалқнинг онги ва тафаккурига таъсир этиш орқали, илмли бўлишга, дунёвий билимларни эгаллашни тарғиб этади. Жамиятдаги беқарор вазият, тартибсизликлар драмаларнинг туй мотиви, кўпхотинлилик мотиви, майҳурлик мотиви, фохишабозлик мотивлари орқали очиб ташланади. «Падаркўш»да Домла, Зиёли, «Жувонмарг»да Жўрақул, «Аҳмоқ» комедиясида Муҳаррир, «Тўй»да Мирзо, «Бахтсиз куёв»да Элликбоши, «Адвокатлик осонми?»да Давронбек, «Эски мактаб, янги мактаб»да Комилбой, Домла Имом, «Заҳарли ҳаёт»да Марям ва Махмудхон, «Мазлума хотин»да Муаллим[337] образларини муаллиф томонидан яратилиши жамиятдаги кучли тартибсизликларга, жаҳолатга қарши санъат воситалари, санъат кучи орқали таъсир кўрсатиб, маънавий-эстетик тарбиявий ғояларни кенг ёйиш амалга оширилган.

---

[335] Каримов И.А. Эришган марраларимиз билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш-бугунги кундаги долзарб вазифамиздир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.Б.97.

[336] www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.2017. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони//Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//

[337] 10. Солиев А. Ҳаёт, адабиёт, инсон талқини. Т.: “Тафаккур қаноти”, 2010.Б. Б.9-10.

Бу драмалар жамиятдаги иллатларни очиб ташлаш билан бир вақтда инсонларнинг эстетик онгини шакллантиришга, санъатнинг, бадиий ижоднинг мураккаб ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятларини ҳам кўрсатади. Ҳаётнинг ночизиқли томонларини бадиий ижодий йўл билан очиб беради. «Падаркўш»да майҳурликдан сўнг рус хотини Лиза учун ўз отасини ўлдиришгача бўлган воқеалар муаллиф ижодида бадиий асарнинг ночизиқли характеридан далолат беради. Бир маромда кетаётган ҳаёт ижодкорнинг тасаввурида янгилик яратмайди. Муаллифнинг ночизиқли тафаккури сабаб бадиий асар янада таъсирчан қийматга кўтарилади.

Ундан кейинги даврда А.Фитрат ва Чўлпон драматик асарларида ҳам санъатнинг ночизиқли хусусиятларини кўрамиз, бадиий асарлар мураккаблаша боради, яъни воқеа ходисалар кичик доирада эмас, балки, тарихий, географик, рамзийлик, ҳалқ оғзаки ижоди, замонавийлик жанрларида мураккаблаша боради. Мураккаб, ночизиқли ходисалар, жараёнлар бадиий асарларда талқин қилинган. А.Солиевнинг таҳлилига кўра Фитрат ўз қахрамонларини илм эгаллашга, маърифат улашишга чақирмайди, балки, уларни «ўқимишли» деб тақдим этади. Рахимбахш, Нуриддин, Сарварҳон, Аҳмадхон, Зулайҳо образларини ўқимишли деб яратади. Образлар икки усулда ночизиқли яратилади, яъни юқори поғонада салбий, қўйида ижобий образлар кўрсатиб берилади. Ночизиқли вазиятлар, мураккабликлар бадиий асарнинг эстетик қийматини оширади. Маълумки, «ночизиқли системаларда эса флуктуациялар системанинг тубдан ўзгариб, бутунлай бошқа системага айланишига, системада кескин сифатий ўзгариш рўй беришига олиб келиши мумкин»[338]. Бадиий ижоднинг мана шундай фаолиятини ночизиқли фаолият деб айта оламиз.

Демак, биринчидан, санъат деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борлиқни бадиий ўзлаштириш (ва ўзгартириш)га қаратилган креатив яратувчанлик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган жами нарсалар тушунилади, шу билан бир қаторда санъат бадиий-эстетик ижоднинг ночизиқлилиги, унда тасодифий флуктуацияларнинг пайдо бўлиши, инсон онгининг хаотик ҳолатида юзага келадиган субъектга хос жараёндир. Иккинчидан, санъат шахс онгини шакллантирувчи омил сифатида бадиий-эстетик ижоднинг ўз-ўзини ташкиллаштирувчи хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир, учинчидан, санъат ва бадиий-эстетик асарларнинг яратилишидаги субъектга хос ижод жараёнида ва яратилган санъат асарида айнан синергетик холатларнинг мавжудлиги бадиий асарнинг эстетик қийматини юқори даражага кўтариш хусусиятига эгадир.

[338] Тўраев Б.О. ва бошқалар. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Т.: “Наврўз”. 2017.Б.18.

Хулоса қилиб айтганда, санъатнинг келиб чиқиши, ривожланиши, ижтимоий-тарихий аҳамиятини синергетика тамойиллари асосида ўрганиш, шунингдек санъат асарларининг яратилишидаги мураккаб бадиий-эстетик ижод жараёнининг синергетик хусусиятларини эстетика ва фалсафа манбалари нуқтаи назаридан таҳлил этиш санъатга оид билимларимизни янада бойитади.

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Ҳамроқулова Ш.Ш.,
СамДУ ўқитувчиси

Маълумки, ўз маънавий меросига эга бўлмаган ҳар қандай халқ ёки миллатнинг эртанги равнақини тасаввур этиш қийин. Минг афсуски, 70 йиллик тоталитар тузум нафақат кўҳна тарихимиз, тилимиз, маданиятимизни, ҳатто асрлар қаридаги урф-одатларимизни ҳам зулматларга белади. Ҳаммасидан ёмони азалдан қон-қариндош, қуда-анда, бозори ҳам, мозори ҳам бир бўлган халқларни бир-биридан айириш мақсадида чегаралар тортилди. Натижада ўзбек халқининг маълум қисми ўз уйларида, яъни ўз ота-боболари ерида яшаса-да, қўшни республика ҳудудидаги халқ сифатида расмийлашди.

Қозоғистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатда турли этник гуруҳ вакилларининг ижтимоий, маданий ва маърифий эҳтиёжларини қондириш, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни биз Қозоғистондаги ўзбек маданияти ва санъати мисолида кўришимиз мумкин.

Қозоғистондаги ўзбек матбуоти тарихига тўхталар эканмиз, айрим адабиётларда ҳудуддаги ўзбек матбуоти тарихининг бошланиши 1918 йилларга тўғри келади дейилади. Аммо, тарихий далиллар Жанубий Қозоғистондаги ўзбек матбуоти тарихини бир асрдан ошганлигини, яъни 1870 йиллардан бошланганлигини кўрсатади.

Жанубий Қозоғистон ўзбеклари ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилояти газетаси» нашрлари асосан халқни савод чиқаришга, ҳунар ўрганишга чақириб, табиат мўжизалари, фан ва техника, шунингдек, Қизилўрда, Чимкент, Жамбул ҳамда Олмаота вилоятларидаги ўзбек, қозоқ ва бошқа туркийзабон

халқлар ҳаётига алоқадор мақолаларни бериб борган». Рўзноманинг 1918 йил 9 декабрь куни №41 сони чиқиб ёпилиб қолади. Бир неча йилги танаффусдан сўнг, 1927 йилдан бошлаб Жанубий Қозоғистонда янги нашрлар - рус тилида «Смычко» (айрим маълумотларга кўра, ҳозирги «Южный Казахстан» (яъни «Жанубий Қозоғистон») газетаси дастлаб, 1925 йилдан «Смычко» номида чоп этилган[339], қозоқ тилида «Ленин жолы», ўзбек тилида эса «Деҳқон товуши» газеталари дунёга келади. Шундан сўнг, Жанубий Қозоғистонда рус тилида «Правда Южного Казахстана», қозоқ тилида «Оңтустік Қазақстан» (яъни «Жанубий Қозоғистон») газеталари қаторида 1932 йилнинг май ойидан бошлаб, ўзбек тилида «Пахта зарбдори» газетаси чоп этилган[340]. Жанубий Қозоғистон вилояти Чимкент шаҳар партия ва ижроия кўмиталарининг органи сифатида чиқа бошлаган «Пахта зарбдори» рўзномаси ўз даврининг асосий вазифаларини, мамлакат ва вилоятда рўй бераётган ўзгаришларни, жамоа ва шўро хўжаликлари ҳаётини ёритиб боради. Барчага маълумки, қатоғонлик йилларининг аччиқ қаҳри неча ўн минглаб илм ва маърифат соҳиблари ҳаётининг энг баркамол даврини зулматларга ғарқ этади. Ана шундай эрта хазон бўлган илм-маърифат соҳиблари орасида «Пахта зарбдори» газетасининг асосчиси ва муҳаррири Сайфиддин Муҳиддинов ҳам бор эди. «Пахта зарбдори» газетасининг сўнгги сони 1936 йил 23 март куни чиққач, номаълум сабабларга кўра Бўстонлик туман рўзномасига айлантириб юборилади ва Ғазалкент шаҳрида чоп этила бошлайди. Шу билан шўро даврида Жанубий Қозоғистондаги ўзбек матбуотига сўнгги нуқта қўйилади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида жамиятда туб ўзгаришлар юзага келаётган бир пайт бўлиб, ўша йилларда Сайрам туманида «Чашма» ижодий уюшмаси ташкил этилади. Уюшманинг йиғилишларида адабий асарлар таҳлилидан сўнг, Жанубий Қозоғистонда ўзбек маданият марказларини ташкил этиш, номаълум сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган вилоят драма театри ва ўзбек тилида чиқариладиган газетани қайта тиклаш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар бошланади. Уюшманинг навбатдаги йиғилишларидан бирида 1932-1937 йилларда ўзбек тилида вилоят газетаси фаолият кўрсатганлиги ва айрим сабаблар билан бу нашр ёпилиб қолганлиги, олтмишинчи йилларнинг таниқли фан арбоблари, матбуот фидоийлари ва кекса авлод вакиллари бу газетани қайта чоп этишга ҳаракат қилгани, лекин барча уринишлар бесамар кетганлиги, ҳатто Собиржон Юсуфалиев билан Мираҳмад Мирхолдоровлар Тошкент Давлат университетини битириш олдидан «Қозоғистондаги ўзбек матбуоти» мавзусида диплом иши ёзганлиги

[339] Сәбит Жолдасов. Шежірелі Оңтустік. ҚАЗақпарат. Алматы ., 2002. 153-бет.
[340] Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 121-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 5-варақ

ҳақида сўз боради. Уларнинг ишини давом эттиришга бел боғлаган «Чашма» ижодий уюшмасининг аъзолари вилоят газетасини тиклаш мақсадида, ҳудуддаги этник ўзбеклардан 405 та имзо тўплаб, юқори ташкилотларга хат тайёрлай бошлайдилар.[341]

Шундай қилиб, миллат жонкуярлари ва етакчиларининг ҳаракати натижасида, Жанубий Қозоғистондаги этник ўзбек халқи учун янги бир довон очилади. Жанубий Қозоғистон ўзбеклари кўпдан бери орзу қилиб келган, интилган ва ниҳоят маънавиятга чанқоқ халқнинг ҳовурини босган «маънавият кўзгуси», қарийб 55 йиллик маънавий жудоликдан кейин, 1991 йилнинг 5-апрелида Жанубий Қозоғистонда «Дўстлик байроғи» рўзномаси номи билан чоп этила бошлайди.

Мустақилликдан сўнг «Дўстлик байроғи» газетаси ҳам Қозоғистондаги бошқа газеталар қатори номини ўзгартириб, «Жанубий Қозоғистон» деб аталади. «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига дастлаб, яъни 1991-2003 йилларда Собиржон Юсуфалиев муҳаррирлик қилган бўлса, 1994-1995 йилларда Ҳ.Қўчқоров, 2003-2004 йилларда А.Сармонов, 2004-2006 йилларда Ф.Қоратоев, 2006 йилдан М.Абубакиров муҳаррирлик қилган.[342]

Қозоғистондаги ўзбек театри тарихига тўхталадиган бўлсак, 1934 йилнинг бошларида Чимкент вилоятида биринчи мусиқали драма театр ташкил топган[343]. Бу қачонлардир республикадаги ўзбекларнинг ифтихори бўлган ўзбек мусиқали драма театрининг дебочаси эди. Бир йил ўтгач, қозоқ драма театри тузилган ва икки қардош халқлар театри вилоят меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсата бошлаган. 1937 - 1938 йилги театр мавсумида Ленинградга гастроль уюштирган. Архивдан 1940 йил 23-май санали саккизта актёр тасвирланган, труппа расми топилган[344]. Минг афсуски, уларнинг на исми, на фамилияси кўрсатилган, шу сабабли улар кимлиги бизга номаълум. Маълуми шуки, уларнинг барчаси фронтга жўнаган ва ортга қайтмаган. Иккинчи жаҳон уруши туфайли ўзбек театри фаолияти тўхтаган.

Ўша кезларда ўзбек мусиқали театри нафақат Қозоғистонда, шунингдек, Ўрта Осиёда энг катта театрлардан ҳисобланган. Бунинг исботи театрнинг ижодий мажмуаси 11та саҳна асари: «Аршин мололон», «Нурхон», «Ғунча», «Ҳалима», «Ғолибият», «Гулсара», «Майсара», «Тоҳир ва Зуҳра» ва бошқалардан иборат бўлган. Театр жамоаси 60 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 33 нафари бевосита саҳна асарларини яратишда иштирок этган, қолганлари концерт дастури билан чиқишган.

[341] Иброҳим Туркий. Истиқлол ёғдуси. Чимкент., 2006. 42-бет

[342] Муаллифнинг 2008 йил 3 декабрда «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси услубиятчи муҳаррири Ҳ.Қўчқоров билан бўлган суҳбатидан

[343] Мирхолдоров.М.Чимкент тарихи.Чимкент.1997йил.59-бет

[344] 2011 йил август ойида Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театрига тадқиқотчининг ташрифида олинган видео материаллар асос бўлади.

Театрнинг саҳна асарларида ўзбек, қозоқ, уйғур ва бошқа халқларнинг қўшиқ-куйларидан, рақсларидан ҳам фойдаланилган.

Қозоғистонда ўзбек халқининг миллий театри тарихига назар ташланганда Туркистон туман Қорачиқ қишлоқ ўзбек халқ театри тўғрисида тўхталиб ўтиш керак. Чунки уни Чимкент театрининг давомчиси десак хато бўлмайди.

Қорачиқ қишлоқ ўзбек халқ театрининг, ашула ва рақс ўзбек халқ ансамблининг ташкил топиши билан боғлиқ. 1971-йилда «Шодлик» ансамбли тузилган. 1972-йил 5-мартда клуб майдонида биринчи марта «Тошболта ошиқ» спектакли қўйилади. Кейин бу спектакль Туркистон темирйўлчилар клубида ҳамда Туркистон тумани қишлоқларида қўйилган. Мустақил труппа ўз кучи билан республика миқёсида танилган. 1974-йилда таниқли профессионал режиссёр Жўраш Отахонов труппа раҳбари этиб тайинланган. Унинг хизматлари туфайли 1981-йилда мустақил фаолият юритувчи труппага Қозоғистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг фармони билан «Победа» ўзбек халқ театри мақоми берилган. Ушбу халқ театри 2003-йилгача, яъни Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театри очилгунга қадар, Қозоғистон Республикасидаги ягона ўзбек театри бўлиб қолган. 1981 йилдан ҳозирга қадар ўзбек халқ театри муваффақиятли фаолият юритиб келган. Унда кўплаб спектакль, интермедия ва комедиялар қўйилган. Театр жамоаси Қозоғистоннинг 50 йиллиги, 60 йиллиги ва 70 йиллигига бағишланган Республика халқ ижодий фестивалларида қатнашиб, фестивал лауреати бўлган. Театр жамоаси 1987 йилда Бутуниттифоқ халқаро ижодий фестивалида, 1989 йилда Москвадаги Бутуниттифоқ ёшлар фестивалида лауреат бўлишган. «Победа» ўзбек халқ театри вилоятдаги ўзбеклар истиқомат этувчи барча қишлоқларда ўзининг концерт дастурлари ва спектаклларини намойиш этишган. Театр тўғрисида ЎзССР марказий телевидениесида 1985 йилда кўрсатув олинган ва у эфирда намойиш этилган. 1990 йилда эса театрга бағишланган кўрсатув ҚозССР марказий телевидениесида эфирга узатилган. Бу қишлоқ театри 2000 йилда Туркистон ўзбек халқ театри мақомига эга бўлган.

Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театри фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, Қозоғистондаги 7-миллий театрнинг 2003 йил 22 октябрда тантанали очилиш маросимига Қозоғистон республикаси президенти Нурсултан Назарбоевнинг шахсан ўзи иштирок этган.[345] Сайрвмда фаолият кўрсатаётган Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма

[345] Ушбу маълумотлар 2010 йил август ойида театр директории З.Мўминжонов томонидан берилган ёзма материаллар ва интервью асосида.

театрига 2013 йилдан буён Икромжон Ҳошимжонов раҳбарлик қилиб келмоқда[346].

Қозоғистонда яшовчи ўзбеклар учун бу театр маънавият ўчоғи бўлиб, ҳар йили бу ерда халқаро шоирларнинг танлови – «Назм юлдузлари» барча Марказий Осиё сўз усталари иштирок этадиган «Аския» юмор ва кулгу фестивали бўлиб ўтади[347].

Ҳозирги Қозоғистон Республикаси ҳудудида асрлар давомида истиқомат этиб келаётган ўзбек халқининг дастлабки миллий маданияти маркази 1989 йил 21 ноябрда Жанубий Қозоғистон вилоят филармонияси таркибида Чимкент шаҳарида ўз фаолиятини бошлайди. Чунки, ўзбеклар республиканинг асосан жанубий ҳудудларида жойлашган бўлиб, биргина Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудудида истиқомат этаёган маҳаллий ўзбеклар 600 мингдан ортиқ бўлиб, улар сон жиҳатидан қозоқлардан сўнг, иккинчи ўринда туради. Шу сабабдан ҳам, 1992 йил 26 февралда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек миллий маданият маркази ташкил этилади[348].

Бугунги кунда республиканинг 7 вилоят, 5 шаҳар, 12 туманида ўзбек миллий маданият марказлари ташкил этилган[349]. Булардан ташқари Жанубий Қозоғистон вилоятининг Арис, Кентов, шаҳарларида, Байдибек, Ўрдабоши, Ўтрор, Сариоғоч, Чордара каби туманларида ҳам ўзбек миллий маданият марказлари фаолият кўрсатади.

Ўзбек миллий маданият маркази ва Жанубий Қозоғистон вилояти билим департаментининг биргаликдаги саъй-ҳаракати натижасида ўзбек тили ва адабиёти фани олимпиадасига Таълим вазирлиги томонидан республика мақоми берилган. Бу ютуқ ўзбек мактаблари битирувчиларининг «Алтин белги» нишони соҳибига айланишига замин ҳозирлайди. «Алтин белги» нишони соҳиблари шундай имкониятга эга бўлишадики, улар Қозоғистон республикасининг истаган олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ўзбек миллий маданият маркази ёрдамида Жанубий Қозоғистондаги маҳаллий ўзбек ўқувчилари 2001 йилдан ана шундай имкониятга эга бўлишган.

Жанубий Қозоғистон вилоятида ўзбек тилида 12 номда газеталар-журналлар чоп этилади. Жумладан, «Жанубий Қозоғистон», «Туркистон», «Сайрам садоси», «Сайрам сабоси», «Чимкент оқшоми», «Адабиёт ва санъат», «Жамият ва маърифат», «Исфижоб» газеталари

---

[346]Қозоғистон Республикаси ўзбеклари “Дўслик” ҳамжамияти раислигига номзод Икромжон Ҳошимжонов// Адабиёт ва санъат газетаси. Қозоғистон Республикаси. Сайрам. 2016 йил. 30 ноябрь.1-бет

[347] Тадқиқотчининг 2008 йил ноябрь, декабрь ойларидаги дала тадқиқотларида йиғилган материаллари асос бўлади

[348]Муаллифга 2008 йил 1 декабрда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданият маркази раиси Икром Акром ўғли Ҳошимжонов берган ёзма маълумот асос бўлди.

[349] www.shimkent.kz

ҳамда болалар учун «Болажон», «Мактабдош», «Бойчечак», «Камалак» каби газета-журналлар чоп этилади.

Ўзбек миллий маданият марказининг фаолияти туфайли, ўзбек тилида «Қозоғистон-Чимкент» вилоят телевидениясида «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» кўрсатуви эфирга чиқади. Ҳафта давомида 2 маротаба кўрсатиладиган «Юртимиз жамоли» теледастури, «Ўтрор» телеканали орқали «Умид» кўрсатуви ва янгиликлар мунтазам равишда ўзбек тилида бериб борилади. Шунингдек, «Сайрам оқшоми» телевидениеси кўрсатувларини Жамбул вилояти ва Туркистон шаҳарлари ҳудудидаги маҳаллий ўзбеклар эътиборига ҳавола этилиши ҳамда Юмакс радиосидан ўзбек тилидаги хабар ва янгиликлар билан бирга «Умид» дастури эшиттиришининг олиб борилиши ҳам ўзбек миллий маданият марказининг номи билан боғлиқ [350].

Ўзбек миллий маданият марказининг ташаббуси билан ҳар йили Чимкент шаҳрининг Абай номли истироҳат боғида «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва миллий анъаналари куни» ўтказилади. Ўзбек миллий маданият маркази ҳар йили замонавий ва классик қўшиқларнинг «Офарин», «Қувноқлар ва зукколар» клуби, «Чимкент маликаси», «Оқ йўл битирувчилар», 2006 йилнинг март ойидан бошлаб, аёллар орасида «Лапар» каби кўрик-танловларни ташкил этди. Бундан ташқари, ўзбек КВН лигаси, «Ўзбегим жавоҳирлари» гўзаллик танлови шунингдек, ёшларга хос ҳар хил тадбирларни амалга ошириб келган. 2008 йил апрель ойида Қозоғистон Республика Адлия вазирлиги томонидан янги жамоат ташкилоти - Қозоғистон ўзбек Ёшлар Иттифоқи рўйхатга олинган ва у давлат грантини ютиб олишга муваффақ бўлган

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қарийб бир аср давом этган жаҳолат даврида Жанубий Қозоғистондаги этник ўзбеклар аждодлари меросига, маънавий, маърифий, диний илмларга эга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзларининг она тилларидаги рўзномасига эришмоқ учун ҳаракат қилганлар ва бунга эришганлар. Бугунги кунда эса «Жанубий Қозоғистон» каби рўзномалар ҳудуддаги этник ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, маънавиятини тиклаб қарор топтиришда, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театри ва ўзбек миллий маданият марказларининг фаолиятлари ҳам Қозоғистондаги ўзбек халқининг маънавий, маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

[350] Сардорбек. «Дўстлик»нинг дўстона учрашуви//«Жанубий Қозоғистон» газетаси.2008 йил. 30 июль. 2-бет.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2011 йил август ойида Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театрига тадқиқотчининг ташрифида олинган видео материаллар.
2. www.shimkent.kz
3. Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 121-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 5-варақ
4. Иброҳим Туркий. Истиқлол ёғдуси. Чимкент., 2006.
5. Қозоғистон Республикаси ўзбеклари «Дўслик» ҳамжамияти раислигига номзод Икромжон Ҳошимжонов// Адабиёт ва санъат газетаси. Қозоғистон Республикаси. Сайрам. 2016 йил. 30 ноябрь.1- бет
6. Мирхолдоров.М.Чимкент тарихи.Чимкент.1997.
7. Муаллифга 2008 йил 1 декабрда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданият маркази раиси Икром Акром ўғли Ҳошимжонов берган ёзма маълумот.
8. Муаллифнинг 2008 йил 3 декабрда «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси услубиятчи муҳаррири Ҳ.Қўчқоров билан бўлган суҳбати.
9. Сардорбек. «Дўстлик»нинг дўстона учрашуви // «Жанубий Қозоғистон» газетаси. 2008 йил. 30 июль.
10. Сәбит Жолдасов. Шежірелі Оңтүстік. Қ.А.Зақпарат. Алматы ., 2002.
11. Тадқиқотчининг 2008 йил ноябрь, декабрь ойларидаги дала тадқиқотларида йиғилган материаллари асос бўлади
12. Ушбу маълумотлар 2010 йил август ойида театр директории З.Мўминжонов томонидан берилган ёзма материаллар ва интервью асосида.

МАКТАБ ВА МУЗЕЙ: ЯҚИН ҲАМКОРЛИК НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ БИЛИМЛАР САМАРАСИ

Тангиров О. Э.
Ўзбекистон Давлат санъат
музейи бўлими мудири
Асқарова С.
илмий ходим

Халқнинг маданий бойликлари аждодлар ва авлодлар ўртасидаги асосий моддий восита сифатида уларни ўзаро боғлаб туради. Юртнинг тараққиётида мана шу боғлиқликнинг ўрни муҳим саналади. Чунки ўтмишдан қолган осори-атиқалар, моддий-маънавий маданият ютуқлари келажак авлод учун фахр-ифтихор туйғуларини ошириш, аждодлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида тасаввурларни бойитиш билан бирга халқнинг янги марраларни забт этишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди, тараққиёт учун илҳомлантиради.

Маданият, илм-фан ва санъатнинг энг сара намуналарини бутун дунёда халққа музейлар орқали намойиш этиб берилади. Музейлар барча назарий билимларнинг амалдаги кўринишини ифода этиб берадиган маданий макон бўлиши билан бир қаторда турли таълим даргоҳлари учун амалиёт мактаби сифатида ҳам аҳамиятга эгадир. Айниқса, инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайдиган мактаб даврида назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларга эга бўлиши муҳим саналади. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчиларини музейлар билан ошно қилиш, музей ва мактаб ўртасида чуқур муносабатларни қарор топтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидандир. Мутахассисларнинг фикрича, ўқувчиларни «экспозициядан олган маълумотларини ўз тажрибаси билан узвий боғлашга ўргатиш керак»[351].

Педагогика ва психология мутахасисларининг фикрича, бола кўрган ва билганларини катталарга нисбатан ўзида мустаҳкам сақлаб қолади. Унинг онгида турли назарий билимларни бериш билан бир қаторда, музейларда сақланаётган турли ихтисосликларга эга экспонатларни кўрсатиш билан билимларини бойитиши самарали таълим жараёнини намоён этиб беради. Шунинг учун ҳам XX аср бошларида музей педагогикаси тушунчаси дунё фан оламига кириб келди.

[351]Исмоилова Ж. Музей педагогикаси: тарихи, бугуни ва истиқболи /Ўзбекистон музейлари истиқболи. – Тошкент, Академнашр, 2013, 18-б.

Мактаб ва музей алоҳида тармоқ тарзида инсоният тарихида ривожланиб келган. Аммо шундай соҳалар борки, фойдали ва самарадорлик нуқтаи-назаридан улар ўртасида чуқур муносабатларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, мактаб ва музей ўртасида шундай хусусиятларни кўриш мумкин. Мактаб таълим-тарбия ўчоғи. Музей халқимизнинг ноёб ашё ва коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ва намойиш этувчи маданий макон. Албатта, улар маълум функцияларда ҳамкорлик қилиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам музей педагогикасини кенг ривожлантириш учун дунё тажрибасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, мактаб таълим дастурларига қулай тарзда музей экспозицияни ташкил этиш. Музей педагогикаси илмининг ривожланишига ҳисса қўшган А. Рейхвейн «музейларда педагогик фаолиятни ривожлантириш учун экспозицияларни мактаб ўқув дастурларига мослаб ташкил этиш, ўқувчи ва музей орасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш каби вазифаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган»[352]. Бу борада республикамиз музейларида қилинган амалий ишлар тўғрисида гап кетганда Ўзбекистон тарихи давлат музейида болалар учун очилган «Мужизалар оламида» музейини мисол келтириш мумкин. Шунинг билан бирга мактаб ва музей фаолияти ўртасида яқин муносабатларни ўрнатиш, музей педагогикасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари ўрин олган илмий, амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Мактаб ўқувчисини таълим дастурлари чеклаб қўймайди балки билимларининг тизимли шаклланишига ёрдам беради. Аммо ўқувчининг назарий билимларини, таълим дастурида кўрсатилган мавзуларни мукаммалроқ ўзлаштириши, манбавий асослар билан тушуниши учун асосий кўмакчи вазисини музейлар ўтайди. Бугунги кунда юртимизнинг турли ўлкашунослик музейларида қадим ўтмишидан бугунги кунларимизгача бўлган тарихини ифода этувчи ноёб осори-атиқалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юрти талабалари ўқув дастурларида берилган назарий билимларини музейларда амалий асосда бойитиш имконига эга бўлиб боришмоқда.

Мактаб ўқувчиларини музейга жалб қилиш, мактаб ва музей ўртасида чуқур муносабатларни шакллантириш учун музейлар тарихида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинган. Жумладан, Ўзбекистон Давлат санъат музейи илмий ходимлари 1955 йили мактаб болаларининг ёзги каникулда мароқли дам олиши ва билимларини бойитиши учун кўчма кўргазмалар, машҳур рассомлар билан учрашувлар ташкил этган.

[352]Ўша манба, 18-б.

Ҳатто музей ўқувчиларнинг республикамизнинг бошқа ҳудудларига уюштирадиган экскурцияларидан юртимиз санъати, маданияти тўғрисида билимларга эга бўлиб, ҳатто уларни ёзиб олиб маҳаллий ўлкашунослик ёки санъат музейига тақдим этиш сўралган[353].

Музейга ташриф буюрган ўқувчи мактабда ўқитиладиган Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Она тили, Ватан туйғуси каби ижтимоий-гуманитар фанларда берилган назарий билимларни асословчи амалий кўникмаларга эга бўлиши мумкин. Тарихни, миллий ўтмишимизни, аждодларимизнинг шонли тарихини ўрганишнинг муҳим жиҳатларидан бири бугунги ва эртанги кунимизни фаровон қуришда ибрат кўзгуси эканлигини ёшларга, хусусан, мактаб ўқувчилари онгига чуқурроқ сингдириш зарур. Бунинг учун республикамиз ҳудудидаги муқаддас қадамжолар, очиқ осмон остидаги тарихий меъморчилик намуналари, ўлкашунослик музейлари ва шаҳарларда жойлашган турли ихтисосликларга эга музейларга мактаб ўқувчиларини жалб қилиш самарали ишлардан саналади. Музейлар экспозицияларида намойиш этилган миллий тарихимизни, халқимиз маданиятини ифода этувчи ноёб моддий буюмлар мактаб ўқувчиларини ватанга муҳаббат, инсонийлик, аждодларимиздан қолган миллий меросга эҳтиром руҳида тарбиялашда эътиборга молик вазифани ўтайди. Чунки мактаб инсонни барқарор фикрлар соҳиби бўлиб етишишига амалий ёрдам беради. Шу ўринда Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими Ўзбекистон халқлари тарихи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи) музейига 1962 йил йўлланган бир хатидан парча келтириш мумкин: «Музей мактабларнинг Ўзбекистон тарихи бўйича ўқув дастурига мувофиқ равишда 6, 7, 8 синфлар учун ўқув экскурсиялари тематикасини ишлаб чиққан. Музейга мунтазам равишда экскурсия қилиб келиб туриш ўқувчиларга Ўзбекистон халқлари тарихини яхшироқ ва тўлароқ ўрганиш учун имконият туғдиради, ўқувчиларнинг жонажон ўлка тарихига қизиқишини оширишга, таълим-тарбия процессининг муҳим таркибий қисми бўлган ишга, яъни ўлкашуносликка оид материалларни тўплашга ёрдам беради»[354]. Ушбу музейнинг Ўзбекистон тарихи дарслиги учун музей экспозицияси асосидаги дастури ҳам ишлаб чиқилган[355]. Адабиёт дарсликларида берилган назарий маълумотлар ўқувчи онгида бадиий адабиётимиз тўғрисида тасаввурлар ўйғота олади. Аммо бу тасаввурларни мустаҳкамлаши учун ўқувчиларнинг бевосита музей экспонатларини томоша қилиши, тасаввурларини ўз кўзи билан кўра олиши катта таассурот қолдиради. «Адабиёт ва тарих музейлари мавжуд бўлган шаҳарларда (Тошкент, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Жиззах ва бошқа)

[353]Мактаб болалари ёзги каникул вақтида нималарга эътибор беришлари лозим. –Тошкент, 1955, 6-б.
[354]Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, ўрта мактабларга ёрдам. – Тошкент. 1962.
[355]Қаранг: Ўша жойда.

машғулотлар музейларда ўтказила бошланди. Музейларда ўтказиладиган машғулотлар мактабдаги адабиёт дарсларига қараганда ниҳоятда серкўргазмали бўлади»[356].

География, Астрономия, Табиатшунослик, Кимё, Физика, Математика каби табиий ва аниқ фанлар тўғрисидаги мактабда олган назарий билимларини мустаҳкамловчи манбавий асосларни жойларда ўлкашунослик ва турли ихтисосликларга эга музейларда томоша қилиши, ўрганиши мумкин.

Мактаб ва музей ўртасидаги ҳамкорликда музейда олиб бориладиган мустаҳкамловчи дарсларни бир қатор омиллар билан кўрсатиш мумкин:

- Музейда мактаб таълими ўқув дастурларига мос экспозиция ташкил этиш ва бундай экспозициялар умумий экспозиция залларидан алоҳида бўлишлиги мақсадга мувофиқ бўлади;
- Музейга педагогик салоҳиятга эга ўқитувчи экскурсоводлар (музей педагоги)ни жалб этиш;
- Мактаб таълими учун мўлжалланган экспозициялар турли хусусий ўқув марказлари учун ҳам хизмат кўрсата олиши кабилар.

Ҳамкорликни йўлга қўйган мактаб ва музей ўртасида экспозицияларни мактабнинг ўзида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда асосан, музей экспонатларининг макетларидан фойдаланиш тавсия этилади ва бундай макетлар ўқувчига экспонат ҳақида тасаввур бера олиши зарур. Бундай экспозициялар билан бир қаторда ўқув дастурларига мослаб расмли буклетлар ёки қўлланмалар яратиш ҳам мумкин. Аммо шуни таъкидлаш ўринлики, бунинг учун музей иқтисодий манфаатга ҳам эга бўлиши зарур. Бунда фақат мактаб билан чекланиб қолмасдан, турли ўқув марказларини ва ҳатто абитуриентларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида жойлашган музейларнинг мактаб билан ҳамкорлигини кучайтириш учун музейлараро алоқалар ҳам йўлга қўйилиши керак. Ҳатто мактаб музейлари ҳам музей таълимини йўлга қўйиши мумкин. Чунки республикамизда мактаб музейлари ҳам мавжуддир[357].

Умуман, мактаб ва музей ўртасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва ривожланиши ўқувчиларда мустаҳкам билим ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиб, жамият учун фойдали мутахассисларнинг етишиб чиқишига ёрдам беради.

[356]Усмонов Ж. Адабиёт музейи ва дарс. – Тошкент, 1987, 6-б.
[357]Норқўзиев С. “Мактабимиз тарихи” музейи. – Наманган, 2005.

САМАРҚАНД ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ИСЛОМ МЕЪМОРЧИЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ

Тургунова Ф.Н.,
К.Беҳзод номидаги МРДИ,
Музейшуносик кафедраси
ўқитувчиси

Ўзбекистон санъати ва маданияти тарихида Амир Темур ва темурийлар даври муҳим ўрин тутади. Бу давр фан ва санъат соҳасига қизиқишнинг ўсиши билан Самарқанд тарихида чуқур из қолдирган.

Гўри Амир мақбараси бўйича бугунги кунга қадар бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, узликсиз тарзда йилма-йил таъмирлаш ишлари олиб борилган. Турли изланишлар натижаси ўлароқ, 1895 йилда А.В.Щусев ва П.П.Покрышкинлар томонидан бажарилган аниқ ўлчовлар ва чизмалар мавжуд[358]. 1915 йилда тарихчи олим В.В.Бартольд ўзининг «Темурнинг кўмилиши ҳақида» номли асарида унинг тарихи билан боғлиқ бўлган бир қатор ишларни ёритиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ мақбара тарихи бўйича охирги изланишларни М.Е.Массон ва М.Ф.Мауэрлар олиб боришган[359]. 1929 йилда нашр этилган М.Е.Массоннинг «Гўри Амир мақбараси» номли асарида унинг тарихи ҳақидаги маълумотлар батафсил баён этилган.

Бу мақбара Амир Темур даврида қурилган бўлиб, унда шайх Нуриддин Басир қабри жойлашган. Ундан 120 метрлар чамаси жанубда Руҳобод мақбараси қад кўтарган. Бу мақбара ҳам XIV асрга мансуб. Мақбарада шайх Бурхониддин Сағоржи қабри жойлашган. Унинг васиятига кўра, у Нуриддин Басир «оёғи таги» га кўмилган. Умумий ўқдаги биринчи мақбарадан 550 метрлар узоқликда Бурхониддиннинг «оёғи таги» га Амир Темурнинг руҳонийси Саид Барака кўмилган Гўри Амир мақбараси қурилган. Худди шу мақбарада Саид Бараканинг «оёғи таги» га Амир Темурнинг ўзи қўйилган. Гўри Амир ва Руҳобод мақбаралари оралиғида Муҳаммад Султон мадрасаси жойлашган.

Шу тариқа, Гўри Амир мақбараси бир архитектуравий ўқга асосланган мажмуани якунлаб беради.

Темурийлар даври мақбараларининг композицион ечими архитектурада янгича бир кўринишни намоён этган. Амир Темурнинг Шоҳизиндадаги биринчи қурилишларидан ҳисобланмиш мақбаралар ихчам пештоқга эга бўлиб, бой сопол кошин безаклар билан қопланган. Бу мақбараларни қуришда аналог сифатида асосий ҳажмий унсури пештоқ ҳисобланган. Амир Темур давригача бўлган мақбаралар олинган

[358] Засыпкин.Н. “Реставрация памятников архитектуры”. 1973
[359] Массон.М.Е. Самарқанд осори атиқаларига оид уч воқеа. Ўзбекистон.- Тошкент. 1973

(Хўжа Аҳмад мақбараси, 1360-61 йилларда қурилган мақбара). Ширинбека оқо (1385 йил) ва Туман оқо мақбаралари (1405 йил) да айлана гардишга ўрнатилган ташқи гумбазларнинг ривожланганлигини кўришимиз мумкин, шунга қарамай бу гумбазлар асосий шакл ҳисобланмиш пештоқга бўйсунган. Бу даврда объектларнинг ташқи кўриниши билан бир вақтда интерьерлари ҳам шакллана борган[360].

Бибихоним мақбарасининг умумий композицион ечими Гўри Амир мақбарасига яқин бўлган. Бу ерда гумбазли интерьер ва муқарнас билан безатилган тўртта чуқур тахмонларнинг тўлиқ ривожланганлигини кўрамиз. Мақбарада равоқли сатҳқаносла мавжуд эмас, улар ўрнида ёғоч тўсинлар ишлатилган. Бинонинг асосий композицион ечими: тўғри тўртбурчак, ундан саккизқиррага ўтилган ва унга ўрнатилган айлана гардиш билан силлиқ ҳаво ранг гумбазда намоён бўлади. Шу билан бирга, мақбара тарҳи мурабба шаклда бўлиб, унинг тўрт тарафида ҳам чуқур тахмонлар мавжуд. Мақбара хилхонаси ўзининг тузилишига кўра, Гўри Амир хилхонасига ўхшашдир. Бибихоним мақбарасини Шохи-Зиндада жойлашган мақбаралар билан таққосласак, янги услубдаги композицион ва ҳажмий ечимни кўришимиз мумкин. Яъни бу услубда марказий гумбаз қурилмаси баланд айлана гардиш ёрдамида юқорига қараб ривожланган. Гўри Амир мақбараси нафақат мақбараларнинг ривожланиш йўлини якунлайди, балки бу ажойиб қурилма умуман темурийлар даври архитектурасини якунлаб беради[361].

Қуйида Амир Темур мажмуасининг дастлабки композицион кўриниши бўйича Засыпкин Б.Н. нинг фикрини келтириб ўтамиз. «Мажмуа кейинги даврларда қурилган қўшимча қурилишларни ҳисобга олмаганда учта алоҳида унсурдан иборат: мақбара ва иккита алоҳида ўрнатилган миноралардан иборат[362].

Бинони бурчаклардаги миноралар билан безатиш (усталар тилида бу гулдаста дейилади) қадимий меъморчилик усули ҳисобланади. Уларни тик миноралар шаклига қадар мукаммаллаштириш Темур даври меъморчилигига хос саналади.

Гўри Амир мақбараси композицияси Темурийлар даври қурилишларида усталар томонидан амалга оширилган улкан назарий ва амалий тадқиқотлар натижасидир[363]. Бу ерда бир томондан Амир

[360] Подъяпольский.С., Г.Б.Бессонов, Л.А.Беляев, .М.Постникова.Реставрация памятников архитектуры. Стройиздат. М., 1988

[361] Дудин С. Орнаментика и современное состояние старинных Самаркандских мечетей// Известия арх. ком. Вып. 7. 1903

[362] Юсупова М.А. Некоторые аспекты зодчества эпохи Амира Темура. //Материалы научной конференции Института искусствознания АН РУз. Ташкент, 2017. С. 18-27

[363] Мирзарахимов.М. Проект реставрации Дворового фасада мавзолея Гур Эмир. Эпиграфические иссл. с краткой исторической справкой. Ташкент, 1993, с. 9. С-8230-М-63 фонд, Маданият Вазирлиги кошидаги Маданий объектларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Бош Бошкаримаси Архиви

Темурнинг мислсиз, гўёки амалга ошириб бўлмайдиган интилишлари ва шу билан бирга иккинчи томондан чекланган конструктив имкониятлар ўз ечимини топган. Мазкур имкониятлар бинолар кўринишида шу қадар меъморий уйғунлик касб этганки, улар Амир Темур ҳукмронлиги даврининг биринчи ярмида бунёд этилган Шоҳи-Зиндадаги пештоқли мақбаралардан буткул фарқ қилади.

Гўри Амирда нафақат конструктив – меъморий шакллар ўз якунини топган, балки Амир Темур даврида бунёд этилган улуғвор бинолар билан бир қаторда ишлаб чиқилган безак ишлари ҳам, бадиий ва нақш яратиш усуллари ҳам ўз аксини топган. Бой ташқи ва ички безакларга қарамасдан бу усулларнинг барчаси меъморий шаклларга уйғун равишда қўлланилган бўлиб, бу билан яхлит бир кўриниш вужудга келиб XIV аср охири ва XV аср бошларидаги Самарқанд меъморчилиги услуби намоён бўлган.

Дунёдаги ҳеч бир меъморчиликда мусулмон меъморчилиги сингари бу қадар мукаммал тарздаги безак санъати қўлланилмаган. Шу жумладан, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври меъморчилиги билан ҳам ҳеч бир меъморчилик тенглаша олмайди. Негаки Гўри Амир деворларининг ҳайратланарли ва мислсиз нақшлари, шу билан бирга геометрик шакллар ўзида нақш ва наволар санъатини мужассам этишга жуда мос келган. Барабаннинг цилиндрик, чексиз ва нозик сатҳи сокин тарзда намоён бўлади. Горизонтал чизиқлар, ленталар, ҳошиялар ва фризлар барабанни боғлашади, бир хил нақшлар сокин айланани ҳосил қилади. «Оллоҳу акбар» деган ёзувлар узлуксиз равишда такрорланади. Тепа фриздаги билинар-билинмас рельефли барабандаги силлиқ горизонтал бўлинишлардан фарқ қилган ҳолда гумбазнинг ярим доира шаклидаги эгилган нақшлари жойлашган.

Ҳошияларнинг йирик нақшидан бўлинган безакларга, ҳамда тепадаги муқарнас ёрдамида силлиқ сатҳдан нақшли гумбаз томонга ўтишлар маҳорат билан бажарилган. Гумбазнинг ён томонлари яшил-мовий ва кўк тусли ғиштчалар билан қопланган бўлиб, улар тепа томонга қадар кенгаядиган ва горизонтал чизиқлар бўйлаб такрорланадиган нақшни ҳосил қилади.

Меъморчилик тарихида Улуғбек мадрасаси муҳташам обидалардан бири сифатида муҳим ўрин эгаллаб, у пропорционал равишда соддалаштирилган ҳажмлари юза ва сатҳлари турли-туман кошин ва мармар билан қопланган маҳобатли ёдгорлик сифатида намоён бўлади. Мазкур иншоотда Гўри Амирда бўлгани каби Амир Темур даври меъморчилигининг ва муваффақиятсизликлари ўз аксини топган[364]. Бу

[364] Асанова Г.Ю. Предварителъные работы по декоративнаму убранству интеыера мавзолея Гур-Эмир (XV в). Ташкент. 1995. С.19. С 69 54 А-90 фонд, Маданият Вазирлиги қошидаги Маданий объектларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш Бош Бошкаримаси Архиви

борада катта гумбазсиз қурилган масжид интерьери ўзига хос аҳамиятга эга. Бурчакларда баланд миноралрнинг ўрнатилишини меъморий ютуқ деб бўлмайди. Меъморчилик нуқтаи назаридан бу катта бинони безатишнинг жуда самарали усулларидан бири деб тан олиниши мумкин. Шу каби бир қатор меъморчилик обидаларининг ислом меъморчилигида тутган ўрни беқиёс ҳисобланади.

«ФИРДАВС УЛ-ИҚБОЛ» АСАРИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ

Сапарбаев Б.Х.
Урганч Давлат университети,
Тарих факультети ўқитувчиси

Хоразм бир вақтлари улкан ҳудудни эгаллаган, қадимий давлатчилик анъаналарига эга бўлган, юксак маданият марказларидан бири бўлиб шаклланган илм ўчоқларидан саналади.

Хоразм ўз тарихи давомида кўплаб уруш-талашларни, қирғинларни бошдан кечирди. Араблар, мўғуллар, руслар истилоси даврида парокандаликка юз тутди.

Абулғозий даврига келиб маълум даражада иқтисодий–маданий юксалиш сари қадам ташлади. Ўша даврдан бошлаб тарихнавислик анъанаси юзага келди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврига келиб, бу анъана янги босқичга қадам қўйди. Биз сўз юритмоқчи бўлган «Фирдавс ул-иқбол» асари ҳам ўша хон даври маҳсули ҳисобланади.

Мазкур тарихий солнома, ундаги айрим воқеалар, хусусан Муҳаммад Раҳимхон I шахси ва унинг даври ҳақида кўплаб тадқиқотларда турли фикрлар қайд қилинган.

Огаҳий, Мунис ва уларнинг «Фирдавс ул-иқбол» асари ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган Ғарб шарқшуносларидан бири Ҳерман Вамберидир[365].

Шуни қайд қилиш керакки, Ҳ.Вамбери Хивага ташриф буюрган даврда буюк тарихнавис Огаҳий ҳали ҳаёт эди. Ҳ.Вамбери ўша пайтда Мунис ва унинг жияни Огаҳий билан танишганини, Огаҳийнинг Мирхонднинг тарихий асарларини таржима қилаётганини қайд қилиб ўтади. Ҳолбуки, Мунис 1829-йилда вабо касалидан вафот этган эди.

[365]Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Т.: Институт Истории Народов Средней Азии им. Махпират, 2007., – С.488.

Ҳ.Вамбери Мунисни бошқа бир шахс билан алмаштирган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда Огаҳий номини Европага биринчи бўлиб танитган шахс Ҳ.Вамберидир.

«Фирдавс ул-иқбол» асари хусусида илк бора хабар берган яна бир олим А.Л.Кундир[366]. У Хива хони кутубхонасини мусодара қилишда шахсан қатнашган ва кўплаб қўлёзма, тошбосма китобларни Россияга олиб кетган. Китобларни Санкт-Петербургдаги Осиё музейига топширади. Бу китоблар орасида Мунис ва Огаҳийларнинг «Фирдавс ул-иқбол» асари ҳам бор эди. А.Л.Кун бу китоб ҳақида махсус ахборотнома ёзиб қолдирган ва китобни Хива хонлиги тарихини тадқиқ қилишда асосий манба сифатида таъкидлаган. А.Л.Куннинг китобларни хон кутубхонасидан олиб кетиши талончиликнинг бир кўриниши бўлса-да, китобларнинг қаерда бўлса ҳам сақланиб қолиши фан учун катта ютуқдир.

А.Л.Кун тадқиқотларининг фаол давомчиси В.В.Бартольддир.

В.В.Бартольд Хива тарихнависларининг меҳнатига юксак баҳо берди ва «Фирдавс ул-иқбол» тарихий солномасига қизиқиб, унинг йиғма матнини ҳам тайёрлади. Аммо бу китобни нашр қилдириш унга насиб этмади.

В.В.Бартольднинг таъкидлашича, 1873-йилда А.Л.Кун томонидан олиб кетилган Мунис ва Огаҳийларга оид асарларни кейинчалик унинг меросхўрларидан Осиё музейи сотиб олган. Уларнинг орасида, Хива хонлигининг батафсил тарихи битилган қўлёзмалар ҳам бор бўлиб, воқеалар 1872-йилгача ёзилган. Бу материаллар ҳалигача нашр этилгани йўқ[367].

Умуман, Ўрта Осиё тарихини кенг кўламда тадқиқ этган олим ҳам В.В.Бартольддир. Ҳ.Вамберидан кейин Мунис ва Огаҳийларнинг тарихий асарларини Европага тарғиб қилишда В.В.Бартольднинг хизматлари катта.

В.В.Бартольддан кейин кўпгина рус олимлари бу хайрли ишни давом қилдиришди. П.П.Иванов бу тарихий солномалардан айрим парчаларни таржима қилиб, «Материалы по истории туркмен и Туркмении» китобида эълон қилди[368].

Шунингдек, Н.И.Веселовский, В.И.Вайнберг, Э.Желябужский ва бошқа қатор тадқиқотчилар юқорида номи тилга олинган олимларнинг ишларини давом эттирдилар. Буларнинг орасида «Фирдавс ул-иқбол»

[366] Кун А.Л. Заметки о Хивинском ханстве // Туркестанские ведемости, 1873, №40. – С.158.
[367] Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2. Ч. 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. –М.: 1964. –стр.57.
[368] Материалы по истории туркмен и Туркмении. (Коллектив авторов). Т. 1-2. –М.: Л.: 1938-1939. – С. 700.

асарини биринчи бўлиб йиғма нашрини эълон қилган Ю.Брегельнинг хизматларини эса алоҳида таъкидлаш зарур[369].

Чет эл олимлари ишларини улар ҳаёт пайтидаёқ Қ.Муниров, В.Абдуллаев, С.Долимов, Ғ.Каримов, Ф.Ғанихўжаевлар изчил равишда йўлга қўйишди[370]. Айниқса Қ.Мунировнинг бу борадаги ишлари эътиборга сазовордир[371]. Ватанимиз мустақиллигига эришганимиздан сўнг бу соҳадаги ишлар янги поғонага кўтарилди.

2010 йилда Н.Жумахўжа, С.Р.Рўзимбоев ва А.Аҳмедовлар «Фирдавс ул-иқбол» тарихий солномасини сўзбоши ва сўнгсўзлар билан биринчи маротаба нашр қилдиришди[372]. Ўша йили ушбу асарнинг Ш.Воҳидов, И.Бекчонов ва Н.Полвоновлар томонидан нашрга тайёрланган варианти ҳам босмадан чиқди[373].

Сўнгги йилларда хоразмлик олимлардан М.Сафарбоев, Г.Холлиева, М.Матниёзов, А.Сотлиқов, О.Абдуллаев, А.Ўрозбоев ва бошқаларнинг Мунис ва Огаҳийлар қаламига мансуб асарлар бўйича кўплаб монографиялари ва мақолалари босилиб чиқди[374].

Айниқса, Урганч Давлат университетининг филология тадқиқотлар маркази ташаббуси билан мунтазам чоп этилаётган «Огаҳий олами» мажмуаси бу борада хайрли ишларни амалга оширмоқда. Мазкур тарихий асар бўйича кўплаб битирув-малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари тайёрланмоқда.

---

[369] Bregel Yu. Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi *Firdaws al-Iqbal: History of Khorezm* Text Edition. Leiden: Brill, 1988; English translation, 1999.

[370] Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари.-Т.:"Фан",1960; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1967; Огаҳий. Асарлар, VI жилдлик, I жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975; Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог. Тузувчи: Ф.Ғанихўжаев) – Т.: Қўлёзмалар институти нашри, 1986.

[371] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Т.: 2002. 192 б.

[372] Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. "Фирдавс ул-иқбол". – Т.:"Ўқитувчи", 2010. (Нашрга тайёрловчилар: Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов). 384 б.

[373]"Фирдавс ул-иқбол". – Т.: Янги аср авлоди, 2010 (нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И.Бекчонов, Н.Полвонов). 520 б.

[374] Сафарбоев М. Агахи-поэт и мыслитель. – Урганч, УрГУ, 2007. Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009; Холлиева Г."Огаҳий ижодининг хорижда ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, №9, 2009, "Фирдавс ул-иқбол" дебочаси адабий манба сифатида. // Ўзбек тили ва адабиёти, №1, 2009, "Фирдавс ул-иқбол"нинг хорижда ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, №2, 2008, "Фирдавс ул-иқбол"нинг хорижда нашр қилинган илмий-танқидий матни хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, №4, 2007; Матниёзов М. Хоразм ва хоразмликлар тарих кўзгусида. –Урганч, Университет, 2011; Сотлиқов А. "Огаҳий–машҳур тарихнавис олим". Огаҳий олами. 1-китоб.- Урганч, "Университет"; 2004. –42-44-б; Абдуллаев О. "Огаҳийнинг тарихий қарашлари". Огаҳий олами, 4-китоб. -Урганч, "Хоразм", 2013. –11-13; А.Ўразбоев. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси. Т.: Муҳаррир. 2013.

ПОЛЬ ГОГЕННИНГ ОДДИЙЛИК САНЪАТИ

Абдурахмонова М., Сатторова А.
Ислом Каримов музейи илмий ходимлари

«Сен доимо оддийликда таскин топа оласан» – деб ёзади Гоген. Бу ибора бевосита бутун Европа маданиятига тегишлидир. Қадимги халқларнинг санъати уни ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди.

XIX – асрнинг сўнгида кўпчилик европаликлар «содда» халқларнинг санъати билан қизиқиб қолди. Африка маросимлари ниқоблари, қадимги Миср, Осиё ва Океания маданий мерослари самимийлиги, софлиги ва табиийлиги, бошқача килиб айтганда, ғарб маданиятидан йуқолиб борётган жозибаси билан, одамларни ўзига жалб этарди. Бундан ташқари содда санъатга бевосита болалар чизган расмлар ва халқ орасидан чиққан оддий рассомларнинг расмларини киритишган. «Табиатга таассуб» қилишдан воз кечган, аммо ўз ижод намуналари воситасида шижоат билан шахсий ҳиссиёт ва фикрларини олам билан бўлишмоқчи бўлган рассомлар учун қадимий халқларнинг санъати битмас-туганмас илҳом манбаига айланди. Ва шу ерда «тамаддун ташвишларини» шубҳасиз рад этган Гоген биринчиликни қўлга киритди. У бу борада илғор эди, ва кўп ўтмай унинг ортидан бошқа рассомлар ҳам эргашишди.

Примитив намуналари (кўпинча колониал қурол-аслаҳа суратлари солиб ишланган нақшлар) музейларда ва умумжаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, яқин давр мобайнида олди-сотди предметига айланиб улгурди. XX-асрнинг бошидан рассомлар орасида африка ниқобларини ва примитив санъатнинг бошқа асарларини коллекциялаш кенг тарқалди ва унинг содда жозибаси замонавий санъатнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Турли туман элементларни – импрессионизм, символизм, япон графикаси ва болалар иллюстрациясини ўз ичига қамраб олган Гогеннинг услуби ердаги жаннатга, яъни тамаддуннинг таъсири етиб келмаган ерларда яшовчи одамларни тасвирлашга аъло даражада мос келарди. Бу ўша, рассом бутун умри давомида қатъийлик билан излаган жаннат эди.

Поль Гоген постимпрессионизмнинг тўрт нафар машҳур усталаридан бири эди. Сезан, Ван Гог ва Сера билан бир қаторда у импрессионизм дарсларини ўзлаштириб сўнг уни ичидан ёриб юбориб ўзининг бетакрор бадиий услубини яратди. Гоген рассомчилик фаолиятини бошлаган вақт импрессионизмнинг айни гуллаган даври эди. 1874 ва 1886 йиллар мобайнида Парижда саккиз маротаба импрессионистларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Гогеннинг устозларидан бири Камиль Писарро импрессионизм патриархларидан бири бўлганлиги

боис Гогенни ушбу кўргазмаларидан бештасига қатнашишга имкон берди. Шундай бўлсада, рассом ушбу гуруҳ аъзолари билан яқин муносабатда эмасди. Эътиқодли импрессионистлардан бири Гогенни кўргазмаларга қатнашишига мутлақо қарши эди. У Гогеннинг ишларини (асоссиз бўлмаган тарзда) бор йўғи Писсаронинг ишини такрорлаган дея ҳисоблашарди.

1880–йилларга бориб импрессионизмнинг таназзули бошланди. Импрессионизм тарафдорларидан бўлган кўп рассомлар унинг доирасини тор деб билдилар. Уларнинг айтишларича, импрессионизмнинг аксиомалари асарни интеллектуал ва маънавий моҳиятидан маҳрум қилади.

Символизм импрессионизмга ўзига хос таъсир ўтказди. Унинг вужудга келиши XIX асрнинг охирги ўн йиллигига бориб тақалади. Символизм бир зумда бутун Европа бўйлаб тарқалганига қарамасдан, унинг илдизини Франциядан излаш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, кўп асрлар давомида, тасвирий санъатда янги услуб ривожланиши жиҳатидан символизмдан фарқ қиларди. Олдинги рассомчилик санъати ўзининг символик системасига эга эди. Масалан, қумсоат вақтни ифодаларди, лангар эса – умидни. Энди эса, муайян символлар ғойиб бўлди. Эндиликда, тасвир томошабинда қаттиқ субъектив кечинмани уйғотиши лозим эди.

Янги символизм аниқ шаклланган манифестга эга бўлмаганлиги боис, у бир хил эмасди. Айрим рассомлар мистик ёки диний кайфиятга эга бўлган сюжетларни танласа, бошқалари ранг, линия ва шакл орқали ҳиссиётларини ифодалашга ҳаракат қиларди.

Гогеннинг символистлар қаторида пайдо бўлиши тасодиф эмасди. 1888 –йил Август ойида у ўзининг дўсти Эмиль Шуффенкерга шундай маслаҳат беради: «Табиатни нусхалашга уринманг. Тасвирий санъат – бу абстракция. Натурадан диққатингзни олинг, унга қараб орзу қилинг ва танҳо якуний натижа ҳақида ўйланг. Худо бўлишнинг ягона йўли – бу худди У каби йўл тутмоқликдир, яъни яратмоқдир».

Гоген услубида символизмнинг алоҳида элементлари аста-секинлик билан пайдо бўлди. Масалан, Мартиник оролларига сафаридан сўнг бўёқлар гаммаси ўзгара бошлади. Гоген ишлатган ранглар янада бойроқ, дадилроқ ва дикоративлашди. Гоген томонидан чизилган Мартиник пейзажи, унинг алоҳида деталига нисбатан кўпгина ёркин рангдаги доғлар билан бойитилган.

Декоротив элементларнинг кейинги авжи Гогеннинг Бретаньга қайтиб келиши билан давом этади. Бу ҳаракатнинг манбаи эндиликда мутлақо ўзга йўналиш. Бу рассомни маҳлиё этган япон графикаси. Хусусан, шарқ гравюрасига хос бўлган динамик композицияси Гогенни лол қолдирди. Бу компазиция ранглар ва линиялар декоративлиги, ҳамда

асарнинг қисмини картинанинг қирраси хатлаб ўтгандай моҳиятга эгалиги билан европача перспективага барҳам берди. Ишларидан бирини поёнига етказгач Гоген Шуффенкерга ёзади: «Мен ҳозиргина бир нечта асарни чизиб тугатдим, уйлайманки улар сенга манзур бўлади. Йўқ, бу Дега эмас. Сўнги картинада дарё буйида уришётган икки нафар ўғилбола, перуанлик ёввойининг кўзи билан қарганда, кўпроқ японларга ўхшайди».

Гоген декоративликка бўлган муҳаббатни синтетик манера билан мужассамлантирди. Бу манера Эмиль Бернар билан биргаликда ишлаб чиқарилган эди. Уларнинг иккови кенг линиялар билан чизарди ва оддий шаклларни синовдан ўтқазарди. Эҳтимол, айнан Бернарнинг таъсирида Гоген импрессионизмга хос бўлган кичик штрихли техника ёрдамида шакл ясашни батамом рад этиб, унинг ўрнига соф ранглардаги катта доғларини танлагандир.

Синтетизмнинг бошқа жиҳатидан бири, бир картинада турли туман манбаларидан олинган элементларнинг уйғунлигидир. Бу элементар кўпинча Гоген томонидан натурадан тасвирланиб, янги контекстда икки хил мазмунга эга бўларди. Энг оддий даражада бу муайан позаларнинг кўринишидан келиб чиқарди, мисол «Сариқ Христос».

Кейинроқ, ўзининг Таитиядаги ишларида Гоген янада узоқроқ ҳаракат қилади. Унинг асарларида худолар ва фаришталар билан бирга маҳаллий аёллар гавдаланади. Ва уларнинг бир гуруҳда бундай кўриниши кўп ҳолларда сирлилигича қолади. Бунинг ёрқин мисоли тариқасида «Қаердан биз? Киммиз? Қаерга борамиз?» асари хизмат қила олади. Бу асарларда персонажлар аро ўзаро тушунарсиз боғлиқлик символизмга хос бўлган сирлилик атмосферасини намоён қилади.

Гогеннинг ишларига баланд мақтовлар айнан авторнинг ўзидан бериларди. У ўз асарларини шу қадар қадрлардики, омма томонидан қизиқишнинг йўқлиги уни мутлақо қизиқтирмасди. Арлда, Ван Гогнинг уйида меҳмон бўлган вақтда у Шуффенкерга шундай ёзади: «Ҳар ким ўз иштиёқи пайида бўлиши даркор. Мен, одамлар мени борган сари тушунмасликларини биламан. Аммо, бу қандайдир аҳамият касб этиши мумкинми?» Гоген ижод йўлини импрессионизмга бўлган иштиёқи билан бошлади. Бироқ, импрессионистларнинг вазминлиги уларнинг «европалашганликлари» ва маданиятлаштирилган пленэрлари вақт ўтгани сайин рассомнинг максималистик табиатига мутлақо жавоб бера олмади. У тамаддундан буткул қочиб кетишни истарди. У ер юзидаги жаннатни, унинг биринчи кўринишидаги тўлиқлигини хис қилишни орзу қиларди. Гоген ўз асарларида янги реалликни яратарди. Ва бу реалликда ранглар асосий рольни уйнарди. Ранглар аста-секин янада мустақиллашиб объектдан боғлиқ бўлмаган тарзда ифодаланарди. Гогеннинг «Ердаги жаннати» бир вақтнинг ўзида перспективадан холи,

чукур ва статик ички ҳаракатнинг тўлишида намоён бўлади. Импрессионистлар учун муҳим бўлган нур ва соя ўйинидан воз кечган Гоген аниқ фигураларда ҳамда қисқа ва равшан тизилган композицияларда ўзини топади.

Гоген ишларидаги оддийлик. Гоген «тамаддундан узоқ бўлган» халқларнинг маданиятига ҳавасманд эди. Бу ҳавас уни биринчи галда Бретанга Франция провинциясига яъни денгиз Полинизейга олиб келди.

Оддийликка бўлган қизиқишида Гоген вақтни белгилади – қадимий халқларнинг ритуал санъатига бўлган мода Европада XX - асрнинг охирида, Пикассо ва Матисс каби рассомлар томонидан татбиқ этилгач, кенг тарқала бошлади. «Доимо кўз олдингизда форсларни, камбоджияликларни ва мисрликларни кўриб билинг» дея маслаҳат берарди Гоген. Унинг ишларида қадимий маданият таъсири яққол кўзга ташланади, масалан «Бозор», асари 1892 йилда ишланган. Бунда қизларнинг профили Фива мақбарасидаги Миср барельефини эсга солади. Полотнодаги ибодат қилётган фигураларнинг прототипи «Аве Мария» Яван ибодатхонасининг барельефидан уйнаётган қизларнинг турли тасвири мажмуи ҳисобланади. «Варварлик ривоятлар» (1902йилда) асари эса қадимий асотирлар руҳида тасвирланган.

Автопортретлар. Ҳеч бир рассом автопортрет афзалликларини Гогендек тўлиқ ишлата билмасди. 1889 йилда Библияни синчиклаб ўқиб чиққач у тўрт дона полотно чизади. У ўзини Масиҳ образида тасвирлайди. Рассом бу асарларини шаккоклик деб билмасди, аммо улар мунозарали эканлигини тан оларди. Айниқса, шов-шувга айланган «Масиҳ Гефсимания боғида»-ги асар ҳақида Гоген дўсти Шуффенкерга шундай ёзади: «Бу картина тушунмовчиликка йўлиққан, шу сабаб мен уни кўп вақтга пинҳон сақлашим лозим». Инжил хушхабари мавзуларини тарғиб этувчи автопортретлар Гогеннинг ёлғизлиги ва азобларини акс этади. Унинг яна бошқа автопортретлари ҳам мавжуд. Улар тамомила бошқача услубда чизилган бўлиб, ўзини реклама килишнинг турларига ўхшатиш мумкин. Ушбу автопортретларда Гоген ўзини иш устида тасвирлайди, масалан «Политрали автопортрет» (1893 й). Ёки, бошқа ҳолатда, бир нечта персонажнинг ролида автопортрет бутун портретли галерияга айланади. Қайғули «Автопортрет», 1903 йилда Маркиз оролида рассомнинг вафот этган йили чизилган эди.

Поль Гоген «Автопортрет Шляпада». Асарнинг изоҳи

Ўз ижод йўли давомида Гоген бир нечта автопортретлар яратди. Шу билан бирга, ушбу жанрдаги хар бир иши ўзида зиғирдек оригиналлик ва новаторликни қамраб олганди. «Автопортрет Шляпада» Гаитида бўлган кезларида бошланган бўлиб, якуний штрихлари рассом томонидан Парижда чизилди. Гоген портретда ўзини яримпрофиль кўринишда тасвирлайди. Бунда қошлар кўтарилган, бир томонга қаратилган нигоҳ,

қайсар иродали юз тасвирланган. Бу асарда рассомнинг образидан ташқари, унинг фони санъатни қадрловчи мухлислар эътиборини жалб этади. Ҳеч қийинчиликсиз фонда рассомнинг машҳур «Ўтганлар руҳи мудрамайди» асарини кўриш мумкин. Очиғи, Гоген томонидан яралган ушбу асарда унинг ойнадаги аксини пайқаш мушкул эмас. Оригинал полотнода Техуранинг боши ўнг томонда тасвирланганини гувоҳи буламиз, аммо автопортретда эса, бошини ёстиққа қуйган қизнинг силуэти чап томонда эканини кўрамиз. Рассом ушбу услубни жуда хуш кўрарди. Янги ишларида илгари яратган полотноларини тасвирлашни, шу билан бирга у ҳеч қачон аниқ цитата келтиришга эътибор қаратмасди. Аксар ҳолда рассом олдин яратган полотноларидан фрагмент чизарди бунга ёрқин мисол қилиб «Сариқ Христос» фонида тасвирлаган рассом автопортретини кўрсатиш мумкин. Техник жиҳатдан Гоген ўз услубига таянади – тўғри ва тиниқ линиялар оғушидаги соф рангларнинг эгалиги, ёрқин нақшларнинг колористик элементлари ҳам унинг барча полотносига мансубдир.

Полотнода рассомнинг ўзи томошобинга қандайдир паришон ва ҳатто безовта кўринади. Айни ҳолда Гогеннинг ушбу ҳаёт қисмига ҳавас қилиш амри маҳол эди. Полинизейдан кетиши ва бу ўлкадан хафсаласи пир бўлиши, ҳомиладор Техурадан айрилиши, Яванлик Анна билан муносабатларининг мураккаблашиши, жондан ортиқ кўрган қизининг пневманиядан вафот этиши ва публиканинг доимий критикаси ва уни тушунишмаслиги. Гоген Европада кўп ушланиб қолмади. Бир икки йилдан сўнг у яна Таитига қайтади. Бу континентда оромлик, бахт ва эътироф тополмай сўнгра Маркиз оролларига йўл олади. У яратган расмлардаги бўёқлар шу қадар одатдан ташқарики, улар уйғотган туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин. Қорамти-кўкиш, англаш қийин бўлган қандайдир ранглар жилоси ҳаётнинг сирли тебранишларини акс эттирарди. Поль Гогеннинг энг арзимасдек туюладиган асарлари ҳам рассомнинг ўзига хос, мураккаб, азоб уқубатлар билан тўла шахсияти тўғрисида кўп нарсаларни айта олади. Улар рассомнинг асарлари унчалик дидига ўтиришмайдиган одамларни ҳам бефарқ қолдирмайди, унинг ҳаёти, характерининг ўзига хос томонларига қизиқиш уйғотади.

Бу рассомнинг тақдири кўпчилик ёзувчиларни ҳам қизиқтириб келган ва бугунги кунгача қизиқтириб келмоқда. Сомерсет Моэмнинг машҳур асари «Ой ва сариқ чақа» ва унинг машҳур қаҳрамони Чарльз Стриклендниг образи умумий маънода Поль Гогеннинг ҳаёти билан уйғундир. Тўғри, бу рассомнинг санъатдаги ўрни борасида ҳали ҳануз баҳслар давом этмоқда, кўкларга кўтариб мақташ қанчалик асоссиз бўлса, уни қораловчилар ҳам, унга менсимай муносабатда бўлувчилар ҳам шунчалик асоссиздирлар. Сомерсет Моэм «Ой ва сариқ чақа» асарида Гогеннинг ижодини шундай изоҳлайди: - Бу шуҳрат санъат

тарихидаги энг романтик эпизодлардан биридир. Санъатнинг ўзига хос хусусиятларини билмайдиган одамлар рассомчиликда муқаррар равишда ҳеч нарсанинг фаҳмига боришмайди ва шу боис бундай асарларни миқ этмай томоша қилганлари маъқул, деб фикр юритадиган рассомларга қўшила олмайман. Санъатга ҳунар деб қараш, уни фақат ҳунарманд одамларгина тушунади, дейиш тамомила хатодир. Санъат туйғуларни намойиш этиш шакли, туйғу эса ҳамма тушунадиган тилда ифодаланади.

У яратган асарлар ғаройиб ва сирли эди. Бу асарлар чамаси табиатнинг бошқалардан яширин қаърига кира олган, у ердаги гўзал ва қўрқинчли сирларни илғай олган одамнинг қўллари билан яратилган эди бу мўжизали расмлар. Инсон зоти тушуниши маън этилган нарсаларни англаб етган одамнинг қўллари билан яратилган эди булар. Шу билан бирга булар ибтидоий ва даҳшатли кўринарди. Бугина эмас, ноинсоний туюларди. Булар ниҳоятда гўзал эди. Уларда қандайдир тирик руҳ ва сирлар яширинганини, расмларнинг ҳар бир қисмида ранлар ўзига хос маъно касб этади. Асарларидаги одамлар ер одамларига ўхшайди, шу билан бирга биз кўриб юрган одамлардан тамомила бошқача. Улар худди лойдан ясалгандай, шу билан бирга, уларда илоҳийлик учқунлари ҳам сезилади. Қаршингизда ибтидоий инстинкларидан халос бўла олмаган одамлар намоён бўлади, шу билан бир вақтда ўзингиз тасвирланганингизни кўриб, этингиз жимирлашиб кетади. Фикримча, бирор рассом ҳам бутун вужудини қоплаб олган орзуларини асарларида тўла ифодалай олган эмас. Расм техникасини эгаллаш йўлидаги машаққатли курашдан толиққан Поль Гоген ҳам руҳий нигоҳида гавдаланиб турган нарсаларни ифодалашга бошқалардан кўра кам куч сарфламаган бўлса керак. Лекин Таитидаги муҳит унинг учун қулай шароитни вужудга келтирди. Бу янги оламчада унинг илҳоми самарали бўлиши зарур элементларни топа билди. Гогеннинг охирги расмлари у излаган нарсалар тўғрисида баъзи таассуротларни бера олади. Бу асарлар бизнинг фантазиямизга қандайдир янги ва ғалати озуқа бера олади. Худди бутун олам бўйлаб ўзига макон қидириб юрган унинг руҳи ниҳоят шу жойдан ўзига бошпана топгандай. Сийқаси чиққан сўзлар билан ифодаласак, Поль Гоген бу ерда ўзлигини топди. Бу узоқ оролда унга Англиядагидек қаҳр – ғазаб билан эмас, аксинча, хайрихоҳона муносабатда бўлишган.

Адабиётлар

1. Гоген П. Ноа Ноа: Письма, эссе, статьи/ пер.: Н. Рыкова и др. СПб.: Азбука-классика, 2001.

2. Европейское искусство XIX века. 1789-1871 / Л.С. Алешина, Ю.Д. Колпинский, Е.И. Марченко, В.В. Стародубова. М.: Искусство, 1975

3. Крючкова В.А. Символизм в изобразительном искусстве: Франция и Бельгия, 1870-1900. М.: Изобразительное искусство, 1994.

ЁР-ЁР ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСДА ТУТГАН ЎРНИ

Абдурахмонова Ф.Э.
ЎзДСМИ магистранти

Миллий маданиятимиз, менталитетимизнинг бир қаноти бўлган фольклор анъаналарини ўрганиш ва ривожлантириш миллатнинг маънавияти мувозанатини сақлаб қолишнинг асосий тамойилларидан биридир. «Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим» [1.Б.3], дейди, Шавкат Мирзиёев. Президентимиз таъкидлаганларидек, миллий маданият – бу юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қиёфасида намоён бўлади. Зеро, биз қадимдан ўз миллий маданиятига, катта маънавий меросига эга бўлган халқмиз.

Халқимиз ўз маънавиятининг негизини ташкил этувчи ана шундай миллий қадриятлар, эзгуликка йўғрилган урф-одат ва маросимлар ҳамда хилма-хил жанрлардан иборат фольклор анъаналарини ҳамиша асраб авайлаб, тараққий эттириб келади. Мустақилликдан сўнг маънавий ҳаётимизда туб бурилишлар юз бергани рост, аммо бугунги глобаллашув жараёнлари ва жадал ривожланиб бораётган технологиялар даврида, халқнинг ўзлигини, миллийлигини, маданиятини асраб қолиш учун, ҳар бир зиёли инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим ва шарт.

Юртимизда маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинди ва дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонун ва дастурлар ўзбек халқининг энг ноёб қадриятларини асраш билан биргаликда, маданий меросини тарғиб қилиб, келажак авлодларга етказишга кўмаклашади.

Ўзбекистонда ҳам НММ рўйхати тузилиб, унга бир қатор номоддий ва маданий объектлар киритилган. Жумладан, никоҳ тўйи, юз очди маросими, мавсум маросимлари ва ҳоказолар. Бизга маълумки,

Номоддий маданий мерос шартли равишда катта бешта гуруҳга бўлинади:

- ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари;
- ижро санъати;
- маросим, удум ва байрамлар;
- табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва кўникмалар;
- ҳунармандчилик санъати.

Бундан кўринадики, номоддий маданий мероснинг барча қатламларида халқ оғзаки ижоди намуналари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Улар орасида, ўзбек халқ қўшиқларининг уммони жуда катта меросни жамлаган, биз эса мазкур мақолада, «Ёр-ёр» қўшиқларининг жанрий хусусиятларини, уларнинг замонавий никоҳ тўйларида кенг тарғиб қилиш масаласини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. «Ёр-ёр» қўшиқлари билан боғлиқ жараён никоҳ тўйи маросимининг асосий узвларидан бири бўлиб, оилавий-маиший маросим қўшиқлари сирасига киради. Мазкур қўшиқлардаги образлар, яширин рамзлар ва тилсимли сўзлар, ўзбек қизининг ибо ҳаёсини ўз оламида яширади.

«Ёр-ёр» маросим қўшиқларининг илдизлари жуда қадим-қадимларга бориб тақалишини, олимларимиз ўрганган бир неча тадқиқотлар орқали билиб олишимиз мумкин. Масалан, халқ қўшиқларининг энг содда ҳам, мураккаб жанрларини ўрганган олим, Исҳоқ Ражабов «Ёр-ёр» қўшиқларини ўзининг содда интонацияси, ритмик хусусиятлари жиҳатидан мусиқа маданиятининг дастлабки даврларига мансубдир»,[8.Б.17] дея эътироф этади. Аввало, «Ёр-ёр» қўшиқларидаги «Ёр» сўзи қандай маъноларни англатишини кўриб ўтамиз. Бунинг учун ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда турли даврларда яратилган мумтоз асарларга мурожаат қиламиз. Биринчидан, «Ёр» сўзининг маънолари кенг бўлиб, «Ёр – дўст, дилга яқин киши, ҳамдам, дўст, муҳиб; ёрдамчи *(...ниҳоят массагетларга зафар ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди.* М.Осим. Аждодларимиз қиссаси. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин*. Ҳамза.) Иккинчидан, «Ёр», севгили, маъшуқ, маъшуқа (*Ёр мунча зор этдинг мени.* Қўшиқдан.)[9.Б.45.] «Ёр-ёр»га эса қуйидагича таъриф берилади: «Ёр-ёр – келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти «ёр-ёр» ибораси билан тугайдиган қўшиқ номи. Масалан, «*Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб,*

ёр-ёр айтиб ўтишди». А.Қаххор. Қўшчинор чироқлари»[9.Б.46.].

«Ёр-ёр» қўшиқлари ҳам худди аллалардек, янги бир ҳаёт муқаддимаси бошланаётган пайтда ижро этилади. «Алла» сўзи диний эътиқодларга кўра, оллоҳни эслаш, унга ишонч ва паноҳ тилаш важидан айтилганидек, «Ёр-ёр»ларнинг ҳам маъно жиҳатидан шу хусусиятини кўришимиз мумкин. Халқимиз орасида узоқ сафарга отланган кишига

нисбатан «оллоҳ сенга ёр бўлсин» ёки «ёр бўлғай», каби сўзларни учратамиз. Бу орқали гуёки ўша инсонга оқ йўл тилаш, турли бало қазодан оллоҳ ўзи асраб, сенга «ҳамроҳ» бўлсин, деган маънолар англашилади. Шу сабаб, айнан икки ёш янги ҳаёт остонасида турганида, уларни синовли, машаққатли ҳаёт йўлларида «оллоҳ қўлласин», «яратган ҳамроҳ бўлсин», «ширин турмуш кечирсин» деган маъноларда қўлланган деб, айтишимиз мумкин. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари каби «Ёр-ёр» қўшиқлари ҳам оғзакилик, бадиҳагўйлик, жамоавийлик, анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлилик каби асосий хусусиятларга эга. «Ёр-ёр» қўшиқларининг вариантлари даврдан-даврга, ижродан-ижрога ўтиши ва ўзгаришларга учраши натижасида содир бўлади. Бу қўшиқларнинг вариантлари шунчалик кўпки, варантларига кўра ҳам ёр-ёрларни тасниф этиш мумкин:

- Халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари акс этган (эртак, достон ва ҳоказоларнинг қаҳрамонлари қиёфаси) ёр-ёрлар;
- Янга, она, опа ва қизнинг тилидан куйланган ёр-ёрлар;
- Куёвга атаб куйланган ёр-ёрлар;
- Оллоҳга, пайғамбарларга илтижо сифатида куйланган ёр-ёрлар.

Ёр-ёр қўшиқлари таснифини яна давом эттирсак: ижро ўрнига кўра, аёл ёки эркаклар айтишига кўра, маросимнинг тўй ёки азалигига кўра, ижро этилиши усулига кўра таснифлаш мумкин.

Ўзбек халқ қўшиқларида, никоҳ маросими Ёр-ёрларидан ташқари, Ёр-ёр радифи қўшиб, айтиладиган бошқа қўшиқлар ҳам яратилган. Улар, лапар, ўлан, ва айтимлар бўлиб, айтишув қўшиқларига Ёр-ёр радифи табиий тарзда қўшилиши шарт бўлган. Бундан кўринадики, «Ёр-ёр» қўшиқларининг оммабоплиги, унинг лирик қўшиқларга айланишига сабаб бўлган.

Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бормикин, бағри бутун, ёр-ёр.
Бу дунёда топилса, бағри бутун, ёр-ёр,
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин, ёр-ёр [4.Б.155].

Агар қўшиқдан шартли равишда «Ёр-ёр» нақорати олиб ташланса, у ажойиб шеър намунасига айланади. Бироқ, барча «Ёр-ёр» қўшиқлари лирик номаросим қўшиқларга ёки барча ўн бир бўғинли вазндаги лирик қўшиқлар ёр-ёрларга айланиши мумкин, деб, қараш хато бўлар эди. Бу жараён аввало қўшиқларнинг мазмунига боғлиқ. Шундай мазмундаги «Ёр-ёр»лар борки, уларни фақат тўй пайтидагина ижро этиш мумкин. Маъно ва ҳиссиёт кечинмаси тўй билан боғланмайдиган лирик қўшиқлар ҳеч қачон «Ёр-ёр» бўла олмайди. Аммо шундай «Ёр-ёр»лар борки, улар мазмун жиҳатдан ҳам фақат ёр-ёр маросим қўшиқлари сирасига киради:

Дарёларнинг ул юзидан, гуллар тердим, ёр-ёр.
Ўз қизимни сўйганига, эрга бердим, ёр-ёр.

Дарёларнинг бўйларига, экдим райҳон, ёр-ёр.
Сўйганига теккан қизда, йўқдир армон, ёр-ёр [4.Б.167].

Деярли барча туркий халқлардаги Ёр-ёр қўшиқларининг матнлари жуда ҳам бир-бирига ўхшаш, баъзида, бир қўшиқ матни турли ҳудудларда турлича ўзгаришларга учраган. Ёр-ёрларнинг фақат сўз матнлари эмас балки, қўшиқ куйлари ҳам анчагина бир-биридан фарқ қилади.

Фольклоршунос олимларимиз, Ёр-ёр қўшиқларининг ижро шакли, усули ва оҳангига кўра, икки хил йўлда айтилишини эътироф этади. Ўз ҳаётини халқ қўшиқларини ўрганишга бағишлаган Музайяна Алавия, «Ёр-ёр» қўшиқлари ҳақида ўз фикрларини баён этган. У ҳудудлараро фарқли жиҳатларини ажратмаган бўлсада, қуйидаги мулоҳазалари биз учун қимматлидир: «...биринчи йўлда, Ёр-ёр қўшиқлари шўҳ – қиска ҳамда чўзиб, ижро этилишини, иккинчи усул, халқ тилида «Наманган йўли»[3.Б.192.] деб, айтилишини қайд этганлар.

Мусиқашунос Насиба Турғунова, Қўқон туманидаги аёлларнинг яллачилик санъатини ўрганар экан, тўй маросимларида бугунги кунда ҳам куйланиб келинаётган ёр-ёр қўшиқларининг водий аёллар ижрочилигида ҳам фарқлар мавжудлигини айтиб ўтган. У «Қўқон тўй маросимида ижро этиб келинаётган «Ёр-ёр»нинг куй-оҳанглари Наманган «Ёр-ёр»ига қараганда бироз жадалроқ ижро этилади»[8.Б.54], дейди. Устозларимиз талабаларга ўргатаётган «Ёр-ёр» қўшиқлари, Тошкент ва Фарғона йўлида куйланганда, мусиқийлик ва маъюсликка монанд оҳанг кучлилиги билан фарқланса, Самарқанд ва Бухоро йўлида матн нисбатан тез айтилади, ҳар бир мисра охири, ёр-ёр, ёрон-ай нақорати ишлатилади:

Олма барги нопармон, ёр-ёр, ёрони,
Истаб сани топарман, ёр-ёр, ёрони,
Истаб сани топганда, ёр-ёр, ёрони,
Ўнг юзингдан ўпарман, ёр-ёр, ёрони.[7.Б.102.]

Мазкур тўртлик аслида тўй маросим қўшиғи бўлсада, лирик қўшиқлар сифатида кўплаб жамоалар репертурида учрайди.

Келиннинг тўй маросимларида йиғлаши билан боғлиқ одатлар кўплаб ёр-ёрларда қайд этилади. «Қозоғистонлик мусиқашунос Б.Кокумбаева «Ёр-ёр»нинг келиб чиқиш илдизини шундай изоҳлайди: «Ҳар бир инсон энг аввало оила аъзоси ҳисобланган. Унинг кетиши эса барча яқин қариндошлар учун йўқотиш бўлган. Қариндошлар икки сабаб – қиз болани турмушга чиқиши ёки инсон ўлими туфайли ўз аъзоларидан айрилишлари мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам жамият ўз яқинларидан буткул айрилган ва шу боис ҳам оилавий маросим йиғи-қўшиқлари алоҳида социал аҳамият билан шартланган эди»[8.Б.22.]. «Ёр-ёр» қўшиқларини кузатар эканмиз, уларда мунгли оҳангнинг устуворлигини,

маросим тўй бўлса-да, ёр-ёр куйланганда яқинларнинг ҳам маюслашуви, қадимда унинг йиғи айтимлари қаторида бўлган, деган хулосани беради. Алишер Навоийнинг асарларида келтирилган қуйидаги жумлалар ҳам юқоридаги фикрларимизни исботлайди:

Навоий,чу сарманзилинг Чингадур,
Сурудинг доғи сур аро чингадур.
Аёлғунг неча ёр-ёр ўлғуси,
Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси.[2.Б.452.

Бу ерда Навоий урғу берган *«Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси»* сатри орқали биз, юқорида кўриб ўтган йиғи мотивининг бу ерда ҳам мавжудлигини кўрамиз. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, ёр-ёр қўшиқлари Хоразм ҳудудида, бошқа ҳудудлардагидек куйланмайди. Аксинча, у худди шомон айтимлари сингари йиғи оҳангида «айтим»лардек айтилади. Бу эса қадимда ёр-ёрларнинг тўй маросимининг йиғи айтимлари таркибида бўлганини яна бир бор исботлайди.

Қадимдан момоларимиз, қиз узатиш маросимларида бўлажак келинларни табиий ҳолда йиғлашга мажбур қилишган экан. Бунга ўзбекнинг ўта иболи, андишали хусусиятлари ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Лачаккинанг кир бўлмай, ювгин болам, ёр-ёр,
Эшигингнинг туйнугин, очгин болам, ёр-ёр,
Номаҳрамни кўрганда, қочгин болам, ёр-ёр,
Дастурхонга майизлар, сочгин болам, ёр-ёр.[4.Б.154]

Бу мисралар келиннинг онаси тилидан баён этилган бўлиб, унда онаизорнинг ўз дилбандига панд-насиҳат бериши орқали уни янги хонадонда яхши таасурот уйғотиши учун ҳаракат қилиши уқдирилмоқда. Бу каби маслаҳат ёр-ёрлари қизга нафақат оналари томонидан, балки момолари, янгалари, опалари, дугоналар, ва ҳатто оталари тилидан ҳам берилганини кўришимиз мумкин. Никоҳ тўйларимизда айтиладиган ёр-ёр қўшиқларида келинчакнинг ўз уйида, дугоналари ўртасида ўтказган қизлик йиллари билан видолашуви, дугоналарининг куёвдан ўпкаланишлари, келин-куёвнинг ҳусн ва фазилатлари ҳикоя қилинади. Тўй айёмида янги ҳаёт остонасида турган ёшларга яхши тилаклар изҳор этилади:

Бориб кўрган жойлари,
Боғлар бўлсин, ёр-ёр,
Синглим тушган жойларда,
Тўйлар бўлсин, ёр-ёр. [6.Б.151.]*икки*

«Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз. Ўн йилга режалаштирганимизда дарахт экамиз. Агар бутун умрга режалаштирсак,

кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз».[5.Б.182] Дарҳақиқат, тарбия миллатнинг миллат бўлишида энг асосий восита ҳисобланади. Албатта, қўшиқ чуқур инсоний туйғулар, дўстлик, жанговар ватанпарварлик руҳи билан суғорилган ажойиб бадиий ёдгорликдир. Халқ қўшиқларининг тили, тасвирлари ёркин ва ранг-барангдир. Иборалар ихчам ва соддалиги билан тасвирнинг халқчиллигини орттиради. Шунинг учун ҳам у минг йиллик давр синовидан ўтиб, ҳозир ҳам эстетик таъсир кучини йўқотган эмас.

Халқимизнинг миллий қадриятлари мужассам бўлган никоҳ тўйи маросими қўшиқларининг, урф-одатларимизнинг моҳиятини ёшларга ўргатишда, уларнинг қалбида меҳр ва мурувват чечакларини ундириб-ўстиришда фольклор этнографик жамоалари дастурларида кенг ва тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш, замонавий тўйларимизда ёр-ёрлар билан ҳаёт бошламоқчи бўлган ёшларнинг тўйларини «андоза» сифатида тарғиб этишимиз яхши самара беради.

Мазкур мақола мавзусига доир кичик тадқиқот ишини амалга оширдик. «Ўзбек халқ никоҳ тўйларидаги урф-одатлар, маросимлар ва бу жараёнда куйланувчи маросим қўшиқларига муносабатингиз» мавзусида сўровнома ўтказдик. Тадқиқот натижаларига кўра, респондентлар, ўзбекона урф-одат, маросимлар ва анъаналаримизни яхши билишларини, улар аждодлар эътиқодига содиқлигини, оилада миллий менталитетимизга хос таълим-тарбия олганларини эътироф этишимиз мумкин.

Респондентлардан 47% и ўз никоҳ тўйларини ўзбекона урф-одатларга йўғрилган бўлишини, 33% и миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда ўтишини, 6% и ота-онасининг ҳоҳиш истаклар билан иш кўриши аниқланди. Маросимлардаги халқ қўшиқлари деярли барча иштирокчиларга бирдек хуш ёқишини, ҳамда улар миллий қўшиқларимизга ўзгача ҳурмат билан қарашига гувоҳ бўлдик. Бугунги замонавий никоҳ тўйи саҳнасига, чимилдиқ остида дойра жўрлигида, оддий ёр-ёр қўшиқлари садосида чиқиб келишни истармидингиз? – деган саволга, 74% респондентлар «ҳа, истардим» деб, жавоб беришган. Тўйларимиздаги келин-куёвни «ёр-ёр» қўшиқларисиз тасаввур эта олмасликларини маълум қилиб, 87% респондент «Ёр-ёр» қўшиқларисиз ўзбекона келин-куёвни ҳақиқий келин-куёв деб, қабул қила олмасликларини, «келин салом»ларнинг аҳамиятини ҳам, юқори баҳолаб, 86% респондент келиннинг келинлик зийнати ҳам шунда деб, жавоб беришган. Респондентларимизнинг ёши 20 ёшдан, 37 ёшгача бўлиб, никоҳ тўйлари аллақачон бўлиб ўтган иштирокчилар ҳам қатнашди.

Бугун бутун дунёда глобаллашув жараёни жадал кетаётган бир пайтда, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни асраш, уни шу гўзаллиги билан келажак авлодга бус-бутун етказишимиз кераклигини

ёшларимиз теран англаётгани, қувонарли ҳол. Аждодларимиз қадрлаб келган ҳар бир урф-одат ва анъаналаримиз бежиз шу пайтгача ардоқланмаган. Биз ҳам уларни кўз қорачиғидек асраб, сайқаллантириб, авлодларга етказишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Тошкент, 2017 йил 25 декабрь маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган нутқи. www.lex.uz.

2. А. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ҳамса. Садди Искандарий. Тошкент, 2000. 20 томлик. – Б. 452.

3. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент, «Фан», 1974. – Б.192.

4. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. – Тошкент, «Ғ. Ғулом нашриёти», 1967. – Б.154-155-167.

5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент, 2010. Б.182.

6. Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. // Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойқулова. Тошкент, «Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2016. – Б.130-151.

7. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Тошкент, «Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2000. – Б. 102.

8. Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган, 2016. – Б.17-22-54.

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Б.45-46.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШДА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Азизқулов А.,
Раҳматиллаева С.
СамДУ

Ҳозирги мураккаб глобаллашув жараёнида ёшлар тарбиясида миллий маънавий қадриятлар билан бирга умумбашарий қадриятларни ҳам сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро умумбашарий қадриятлар инсоният маънавий тараққиётида хизмат қиладиган муайян миллий қадриятлар ҳосиласидир. Бугунги кунда умумбашарий қадрият сифатида синергетика назарияси бир қанча ғояларни илгари сурмоқди

XX асрнинг сўнгги чорагида постноклассик фанларнинг ҳосиласи сифатида вужудга келган синергетика назарияси кўплаб фанлар парадигмаларида ҳам муҳим рол уйнамоқда. Дастлаб табиий фанлар тизимида вужудга келган синергетика концепцияси ҳозирги кунда ижтимоий гуманитар фанларда ҳам умумметодологик аҳамият касб этмоқда.

Маълумки синергетика назариясининг муҳим категорияларидан бири бу ўз-ўзини ташкиллаштириш тушунчасидир. Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимлар - жисмлар, моддалар ва жараёнлар борлиқнинг барча кўринишларига хосдир. Айниқса, табиатнинг юксак мавжудоди бўлган инсон фаолиятида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни муҳим ўрин эгаллайди.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусияти инсонларда мураккаб руҳий маънавий хислатлар билан боғлиқлиги Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросида кенг ёритиб берилган. Табиатдаги бошқа жисм ва ва жонзотларга нисбатан инсонда ўз-ўзини ташкиллаштириш, назорат қилиш ва бошқариш юксакроқ даражада бўлишини мутафаккир алломаларимиз илмий жиҳатдан асослаб бера олганлар.

Мутафаккир алломаларимизнинг илмий меросида инсоннинг руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш механизми профессор Бахтиёр Тураев ва унинг шогирдлари томонидан кенгроқ ўрганилган[375]. Жумладан Б.Рахмоновнинг илмий тадқиқотларида Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросида инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг фалсафий илдизлари батафсил ёритиб берилган[376].

[375] Б.О.Тураев, М,Х,Эргашева, Б.У.Рахмонов, З.О.Муминова, Ж.Очилов. Синергетика:моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши Т.2017 й.
[376] Рахмонов Б. Инсоннинг руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг фалсафий илдизлари (синергетик таҳлил). Самарқанд 2014 й.

Инсоннинг маънавий камолотида ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг аҳамияти Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларида ҳам баён этилган. Ҳусайн Воиз Кошифий (1442/46-1505) ислом динининг йирик назариётчиларидан бири бўлиши билан бир қаторда фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, тарих, астраномия, нотиқлик санъати, тиббиёт каби соҳаларга оид 200дан ортиқ асар ёзган етук алломадир[377]. Ҳусайн Воиз Кошифий темурийлар ҳукмронлиги даврида барқарор ижтимоий муҳит ва эркин ижодий фаолият учун яратилган шарт-шароитда яшаб ижод этди. Ҳирот шаҳридаги илмий ва ижодий муҳит, айниқса, Алишер Навоийдек алломанинг Кошифий ижодий фаолиятини шаклланиши ва юксалишида да таъсири катта бўлган. Алишер Навоий Ҳусайн Воиз Кошифийни ўз ҳимоясига олар экан, унга яқиндан ҳомийлик қилган ҳамда унинг истеъдодини юқори баҳолар экан, «Мажолис ун нафоис» тазкирасида унга алоҳида ўрин ажратган. Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам Алишер Навоийга бағишлаб «Мавоҳиби олия» («Олий туҳфалар») асарини ёзган.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг барча асарлари қатори «Футувватномаи Султоний ёхуд Жавонмардлик тариқати» ва «Ахлоқи муҳсиний» асарларининг бош мавзуси шахс маънавий юксалиш масаласидир. Хусусан, алломанинг «Ахлоқи муҳсиний» асарида инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг ахлоқий жиҳатлари чуқур таҳлил этилади. «Ахлоқи муҳсиний» асарининг асосий ғояси инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришида яхши хулқни тарғиб этишдан иборатдир. Асар муқаддимасида бу хусусида Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди: « Ҳакимлар чиройли хулқ шундай бир йўлки, бу йўлдан юрмай туриб, иззат ва шариф манзилига етиб бўлмайди ва бу йўлга қадам қўймай туриб вужуд рахтини хайвонот биёбонидан инсоният дорил мулкига етказиб бўлмайди, дейдилар....Одамларнинг қай бирларида чиройли хулқ ва ёқимли хислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо кўринадилар»[378].

Кошифий инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён этилиб, ҳаё, покизалик, олийҳимматлик, собитқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлари тарғиб этилади. Шунингдек, Кошифий инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш фаолиятида чиройли хулқ ва мулойимлик фазилатларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар инсон маънавий камолотида муҳим ўрин тутушини асослаб беради. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалилик

[377] Р.Ж.Маҳмудов. Ҳусайн Воиз Кошифий/Маънавият юлдузлари. Т. 2001й.241-245 бетлар
[378] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2011й. - 129 бет

каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этади. Шижоат, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Кошифий инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида фаросатлиликка, сир сақлашлик, ҳуқуққа риоя қилишлик, доимо яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишликка ва ёмон ишлардан йироқ бўлишга чақиради.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсонни ўз-ўзини ташкиллаштиришида барча ахлоқий фазилатларин баён этар экан ҳаё хусусида шундай дейди: «Ҳаёнинг маъноси ёмон иш қилишдан уялишдир. Одамзотга ҳаё шариф хислат ва мақбул сийратдир». Аллома ҳаё хусусидаги мулоҳазаларини баён этар экан, унинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: «Агар шарму ҳаё орадан кўтарилса ва одам ҳеч кишидан уялмаса, оламнинг тартиби издан чиқади, одамлар орасида яхши расму одатлар битади, кишилар ҳаётига путур етади. Улар бир-бирлари билан диёнат сақламайдилар, оқибат кучлилар заифларни йўқ қилади. Аммо ҳаё шундай кучли бир сифатки, у одамларнинг фақат ўзлари ҳоҳлаган ишларни қилишга йўл қўймайди»[379]. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу фикрлари XX асрда Ғарбий Европадаги шарму ҳаё кўтарилганлиги туфайли ахлоқсизлик авжига чиққанлиниги башорат қилгандек. Аллома ҳар бир киши ҳаёга риоя қилиши лозимлигини уқтириб шундай дейди: «Демак, катта-ю кичик-ка ҳаёдан катта фойди бор, яхши одатларнинг меваси ҳаё суви ва офтобидан парвариш топмаса, доим хом тураверади»[380]. Кошифий ҳаёни бир неча турлари борлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади ҳамда қизиқарли ва ибратли ривоят ва ҳикоялар орқали инсонни ўз-ўзини ташкиллаштиришида шарм ҳаёли бўлишга чақиради.

Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида бир ишга аҳд қилиш, жидду-жаҳд ва собитқадамлик хислатларии хусусида тўхталиб ўтар экан шундай дейди: «Аҳд қилишнинг маъноси кўнгил ҳоҳлаган иш устида маҳкам туришдир. Аҳд қилиш мурод ва мақсадлар карвонининг бошловчиси, ҳар қандай иш ва мушкулотларнинг ҳал қилувчисидир»[381]. Кошифий бу ерда инсоннинг ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишда қатъиятликка урғу беради. «Ҳақиқий аҳд шундайки, бир киши бирорта ишни амалга ошириш учун бел боғласа ва бир муҳим ишни битиришга киришса, тўсиқ ва қаршиликларни енгиб, ўз мақсадига эришишда сустликка йўл қўймайди»[382]. Қатъиятлик инсон иродаси ва матаонатига даражасига хос бўлиб, бу жиҳатларнинг қай тарзда намоён бўлиши аввало кишининг ўзигагина боғлиқлигини таъкидлаб ўтади. Аҳд қилишдан ташқари жидду жаҳд каби фазилат хусусида тўхталиб ўтар

[379] Ўша асар -145 бет
[380] Ўша ерда
[381] Ўша асар -154бет
[382] Ўша ерда

экан Кошифий шундай дейди: «Жиднинг маъноси мақсадларга етиш учун кўнгилда янги ният қилишдир. Жаҳднинг маъноси эса шу ниятга етиш учун қаттиқ ҳаракат қилишдир... Бу сифат ҳимматга асосланади. Одамнинг ҳиммати қанчалик улуғ бўлса, мақсадга етиш жидду жаҳди шунчалик кўп бўлади. Ҳимммаати баланд киши жидду жаҳд қилишда машаққатлардан қўрқмайди»[383].

Бир ишга аҳд этиш ва жидду жаҳд инсонни собитқадамлик каби фазилатига боғлиқ бўлиб Ҳусайн Воиз Кошифий уни қуйидагича баён этади: «Собитқадамлик, яъни азми қатъийликдан мурод кўзлаган иш сари дадил қадам қўйиш, бу иш охирига етмагунча ундан воз кечмаслик, бу ишга ҳалал берган тўсиқларни енгишда доимо маҳкам туришдир. Ҳақиқатда собитқадамлик бахтиёрлик ва баракат дарахтининг самараси, хуррамлик фойдасининг натижасидир. Собит узра қадам қўйган киши ундан кўп ҳосил ва манфаатлар олади...Собитқадам одам ҳеч бир беҳуда сўз ва дағдағадан чўчиб ўз йўли ва ниятидан қайтмайди, васвасадан қўрқиб ўз одати ва расимдан кечмайди. Кишига собит ҳамдам бўлмаса, нажот йўли очилмайди...Азми қатъий кишининг яна бир яхши фазилати шуки, у қайси ишга киришса, албатта, уни охирига етказади»[384].

Мутафаккир алломанинг «Ахлоқи муҳсиний» асарида инсон руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришга оид барча ахлоқий фазилатлар юқорида таъкидлаганимиздек батафсил ёритиб берилган. Бундан ташқари алломанинг «Футувватномаи Султоний ёхуд Жавонмардлик тарикати» асарида ҳам инсон руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришга оид мулоҳазалар баён этилган. Мазкур асарда тасаввуф вакилларининг ўз-ўзини ташкиллаштиришга доир ахлоқий фазилатларнинг фалсафий таҳлили ишлаб чиқилган. Жамият ижтимоий ҳаётида фаолият юритадиган тасаввуф вакилининг ўзи эгаллаган ҳар қандай касб, ҳунарларининг ахлоқ одоб қоидалари, уларнинг қайси жиҳатларига эътибор беришлари лозимлиги ва қандай ишларни қилмасликлари, яъни улардан узоқроқ бўлишлари батафсил баён этилган. «Футувватномаи султоний ёхуд Жавонмардлнк тарикати» деб номланган асар Хусайн Воиз Кошифийнинг жувонмардлик илми, тартиб қоидалари, одоби ва тақиқлари баён этилиши билан бирга тасавввуф таълимотининг назарий ва амалий жиҳатлари баён этилган нодир манбадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, умумбашарий қадрият сифатида синергетика назарияси илгари сураётган инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси Марказий Осиё халқлари учун миллий маънавий қадрият сифатида эътироф этиб келинган. Иккинчидан Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан инсон руҳий

[383] Ўша асар -56 бет
[384]Ўша асар -159 бет.

маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришга оид кўплаб таълимотлар яратилган. Учинчидан Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларида баён этилган инсон руҳий маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришга оид қарашлар ҳозирги ахборотлашган жамиятда ёшлар маънавий тарбиясида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

«ҚЎЛПИСАР ОТА» ЗИЁРАТГОҲИ МАДАНИЯТЛАР АЛМАШИНУВИ МАРКАЗИ СИФАТИДА

Ақчаев Ф.Ш.
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси,
Пардабоев Ф.
Тарих факультети талабаси

Маълумки, зиёратгоҳлар халқлар маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, зиёратгоҳлар ва уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашлар қандай маънони англатишидан қатъий назар бу жойлар муайян ҳудуднинг экологик манзарасини сақлаб қолиш, одамларни бир ғоя атрофида бирлаштириш, минг йилликлар оша урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишга хизмат қилади. Ана шундай зиёратгоҳларидан бири Жиззах вилоятида жойлашган «Қулписар ота» зиёратгоҳидир.Мазкур зиёратгоҳ икки қардош халқлар яъни ўзбек ва қозоқ халқларининг муқаддас қадамжоларидан бири ҳисобланиб, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан бошқа зиёратгоҳлардан ажралиб туради.Ҳозирги кунда ушбу қадамжога зиёратга келувчилар орасида икки миллат вакилларини учратиш мумкин. Бу ерга зиёратга келувчилар асосан аждодлар руҳини хотирлаш,баҳор фаслида чорвадорлар учун йилнинг яхши келиши ва йил давомида оила аъзоларининг соғ-саломат бўлиши учун қурбонлик қилишиб,яратгандан мадад истаб келадилар.

«Қулписар ота» зиёратгоҳи Жиззах тумани (ҳозирда Ш.Рашидов тумани) нинг Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ ҳудудида хонақоҳ, масжид, археологик ёдгорликлар ўрни, қалъалар қолдиқлари ва кўҳна қабристон мавжуд[385].

Зиёратгоҳдаги қабр 12-13 метрни ташкил этиб, маҳаллий аҳоли «Қулписар» атамасини «қулфлаб кўмилган бош» деган маънони англатишини таъкидлайди. Маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ривоятларга кўра, Авлиёнинг танаси Фориш туманининг Можурум

[385] Оға Бургутли.Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Т.:2008, 37-бет.

қишлоғида дафн қилинган бўлиб уни маҳаллий аҳоли Ҳазрати Зайнулобиддин номи билан боғлаб зиёрат қилишади.Шунингдек, халқ орасидаги ривоятларда Қулписар ота бошининг ушбу ҳудудда дафн қилиниши тарихи қуйидагича таърифланади. «Ўша қадим замонларда бутга, оловга сиғинганларнинг исми номаълум подшоси ғаразли мақсадда ўз аскарларига авлиёнинг бошини олиб келишни буюради. Аскарлар отанинг бошини танасидан жудо қилиб олиб кетаётиб, ҳозирги «Қулписар ота» зиёратгоҳининг ўрнига келган пайтларида, худди шу ерда кечаси тунаб қолмоқчи бўлишибди.

Бу ерда биргина уй бўлиб, уйда кекса кампир ўзининг олти-етти нафар фарзанди билан яшар экан. Қари кампир Аллоҳнинг борлигига иймон келтирган, ниҳоятда эътиқодли аёл бўлган экан. Саҳар пайти ибодат қилиш учун таҳоратга чиққан тақводор кампир ухлаб ётган аскарлар ўртасида найза учига қадаб қўйилган қандайдир бошга осмондан нур ёғилиб турганлигини ва бошнинг калима қайтариб турганини кўриб қолибди.

Кампир тезда ўғилларини уйғотиб, «Бу аскарлар ёвуз одамлар экан, улар карамотли авлиё одамнинг бошини олиб кетишаётганга ўхшайди, уни олиб қолмасак бўлмайди!», -дебди. Шунда Оллоҳнинг розилиги билан кампирнинг ўғилларидан бири шаҳид бўлиб, бошини беришга рози бўлибди. Кампир ўғлининг бошини олиб бориб авайлаб ҳалиги бошга алмаштирибдида, сандиққа солиб қулфлаб қўйибди. Аскарлар кетганидан сўнг кампир ўғлининг танасига авлиёнинг бошини яқинлаштирганида мўъжиза юз бериб, бош танага бирикиб қолади ва шу ернинг ўзига дафн этилади»[386].

Фориш тумани Можурум қишлоғидаги Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳи ҳақида ҳам «Қулписар ота» зиёратгоҳи каби ривоят мавжуд. Халқ орасида тарқалган ривоятларга кўра, ҳазрати Зайнулобиддинни душманлари ўлдиради ва у кишининг таналари Можурум қабристонида қолади, бошлари эса Чустга олиб кетилади.

Аммо, Наманган вилояти Поп тумани Чоркесар қишлоғидаги зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли мусулмон оламида биринчи бўлиб Зайнулобиддин лақабини олган ҳазрати Али ибн Ҳусайн ибн Али Муртазо билан боғлашади[387].

Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган «Хазинат ул-асфиё» китобида келтирилишича, мусулмон оламида икки зот Зайнулобиддин деган лақаб олган. Бу лақабни биринчи бўлиб ҳазрати Али ибн Ҳусайн ибн Али Муртазо олганлар. Ул зотнинг кунялари

[386] “Қулписар ота” тарихи ҳақида маълумот. Кадастр иши. 2008 йил 5-бет.

[387] ЭралиевБ.ва бошқалар. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. (Андижон ва Наманган вилоятлари) Т., 2014, 2-китоб, 309-310 бетлар.

Абулҳасан, лақаблари Зайнулобиддин бўлиб, 36 ёки 38 ҳижрий йилда Мадинада туғилганлар. Иккинчи бир Зайнулобиддин деган лақабни олган зот исмлари –Аловуддин, лақаблари Зайнулобиддин (тахминан 895 йилда туғилган), Ҳазрати Алининг 25-авлодлари ҳисобланадилар. Ҳазрати Зайнулобиддин айни йигитлик чоғларида Ногур йўлида отаси Саййид Абдулқодир Соний кўз ўнгида йўлтўсарлар қўлида (тахминан 915 йилда) шаҳид бўлганлар[388]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳи ва Қулписар ота зиёратгоҳлари битта шахсга тегишлидир деган тахминий хулосага келиш мумкин.

«Қулписар ота» зиёратгоҳи ўлкамиздаги тарихчи ва археологлар томонидан ўз йўналишлари нуқтаи-назаридан ўрганилган. Жумладан, 1956 йилда ЎзР ФА Тарих ва археология институтининг Я.Ғ.Ғуломов бошлиқ Мохандарё экцпедицияси Жиззах воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганиш жараёнида Жиззах шаҳридан 30 км шимол томонда яъни зиёратгоҳ ҳудудида жойлашган қадимда кўчманчилар дашти билан чегарада қурилган IX-X асрларга оид Қулписар рабоди ва илк қурилиш даври милодий I-II асрларга оид Дунётепа қалъасини очиб ўрганган[389].

Шунингдек, ушбу объектни ўрганиш мобайнида Дунётепадан 100-120 м шарқ томонда жойлашган «Қулписар ота» зиёратгоҳининг асосий сиғиниш ва қурбонлик учун жонлиқ сўйиладиган, ўлчами 180 са х 150 см ва баландлиги 120 см бўлган бир нечта тош бўлакларидан тикланган ва усти тош плита билан ёпилган, қон излари сақланиб қолган тош иншооти ҳам ўрганилган. Я.Ғ.Ғуломовнинг фикрича, «Қулписар ота» ёдгорлиги муқаддас ҳисобланиб, бу ерга келган шифо ёки мадад талаблар дольмен ва узун сағанага сиғинишган. Қурбонлик учун олиб келинган жонлиқлар шу ерда сўйилган. Бу ерга келганлар иншоотнинг юқорисидаги туйнукдан ўтишган. Бундай дольменлар дафн иншооти сифатида бронза давридан то ислом дини оммалашгунча кенг ёйилган»[390].

Бизнинг фикримизча, Мовароуннаҳрда ислом дини ва маданияти тарқалиб, ҳудуд халифаликка қўшиб олингач, Жиззах воҳасидаги Саъд ибн Ваққос, Новқаота, Хўжаи Сероб каби исломгача бўлган зиёратгоҳ (ибодатхона)лар кейинчалик ҳудуддаги ислом динига эътиқод қилувчиларнинг ибодат марказларига айлантирилган.

Таниқли уструшонашунос олим М.Ҳ. Пардаевнинг таъкидлашича, «Қулписар ота» зиёратгоҳи мил.авв. II-I асрлардан бошлаб асосан чорвадор дашт аҳолиси сиғинадиган улкан тош санами мавжуд бўлган мажусийлар маркази сифатида фаолият кўрсатган ва кейинчалик Қанғ

[388] Рустамжон Раҳматуллозода. Аждодлар меросига эҳтиром. Т., 2006, 4-7 бетлар.
[389] Гулямов Я.Г.Кладбище Кулпи-Сар//. ИМКУ, Т., 1961 Вып 2. Стр. 92-93
[390] Там же. Стр. 94-96

давлати билан Суғд чегараларида жойлашган Кабудон рустоқининг марказий ибодатхонасига айлантирилган[391].

Кабудон тарихи ва унинг «локализацияси» фанда ҳануз ечимини кутаётган илмий муаммодир. Хитой йилномаларида Кабудон (ўрта Цао) Иштихондан шарқда, Самарқанддан шимолда жойлашганлиги ёзиб қолдирилган. Айни пайтда Кабудонни баъзи мутахассислар (Ҳ. Ахунбабаев, Б.Ғайибовлар) ҳозирги Жомбой, Булунғур туманлари ҳудудида жойлашган деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолатда унинг жойлашган ўрни Самарқандга нисбатан шарқ ёки шимоли шарқда бўлади, Қанғ билан чегарадошлиги йўққа чиқади, чунки ўртада Нурота тоғлари мавжуд. Кабудоннинг ўзаги «кабуд» бўлганлигини, Қанғ билан уни чегара зонасида Самарқандга нисбатан шимолда жойлашганлигини, боғ-роғларининг кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак бу ҳокимлиик ҳудудини ўрта Нуротанинг шимолий этакларидаги машҳур ва тарихий Боғдон қишлоғи ва унинг атрофида бўлган, деб эътироф этиш лозим. Боғдон ва унинг атрофидаги маданий воҳада сақланиб қолган ўнлаб шаҳар ва қишлоқларнинг 65-70 фоизини даврий санаси илк ўрта асрлар (V-VIII) билан даврланади[392].

Демак, Кабудон рустоқининг исломгача бўлган марказий ибодатхонаси ҳокимлик марказидан алоҳида ҳудудда яъни,ҳозирги «Қулписар ота» зиёратгоҳи ўрнида бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Тадқиқотчи олим Қ.Ҳакимовнинг фикрича, қадимий қишлоқ номининг асл шакли Худийсар бўлган. Унинг илмий этимологияси ҳозирча аниқланмаган бўлса ҳам, аммо қишлоқнинг географик ўрни, яъни тоғ ва чўлни туташган чегарасида жойлашганини ҳисобга олиб, қишлоқ номи «чекка ҳудуддаги қалъа» маъносини беради деб таҳлил қилишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номи келтирилган «Қулписар ота» каби юртимиздаги зиёратгоҳлар тарихини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва кенг ҳалқ оммасига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса жамият миллий маънавияти янада сайқал топишига ҳамда ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

[391] М.Ҳ.Пардаев, Б.С.Ғойипов. Суғд конфедерацияси шаклланиши, тараққиёти ва таназзули (китобга тақриз). Т.: Абу-Матбуот-Консалт, 2015, 275-б.
[392] М.Ҳ.Пардаев, Б.С.Ғойипов. Суғд конфедерацияси шаклланиши, тараққиёти ва таназзули (китобга тақриз). Т.: Абу-Матбуот-Консалт, 2015, 275-б.

ДОРУС-САОДАТ МЕЪМОРИЙ МАЖМУАСИ

Астанов С. М.,
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи
давлат музейи кичик илмий ходим

Шаҳрисабзнинг жанубий-шарқий қисмида XIV-XV асрларда йирик мақбара мажмуи бунёд этилган. Ҳазрати Имом номи билан аталувчи мазкур меъморий ёдгорлик мажмуи Дорус-Саодат деб юритилади.

«Дорус-Саодат» – «давлатмандлар саройи» ва «Пайғамбар авлодлари (сайидлар) уйи»[393] маъноларини англатади. Амир Темурнинг сарой тарихчиси Шарофиддин Али Йаздийнинг ёзишича, Кеш – Шаҳрисабз шаҳри Пайғамбар ҳадисларини тўплаган ва шарҳлаган кўп муҳаддисларнинг ватанига айланган. Буларнинг орасида элда Ҳазарати Имом сифати билан машҳур бўлган Абу Муҳаммад Абдааъ ибн Наср ал-Кеший (865 йилда вафот этган) Кешнинг жанубий-шарқий сарҳадида дафн этилган ва бу ерда шу номдаги улуғвор меъморий мажмуа қад ростлаган[394]. Шунингдек, муаллиф «Зафарнома» асарида 1394 йилдаги воқеаларни баён этиб, Соҳибқирон Амир Темур бино олдидан ўнг ва сўл ёнларида амирзода Жаҳонгир ва бошқа амалдорлар ҳамда бузрукворларга сағана ва мақбаралар қуришни буюради, деб ёзади. Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир 20 ёшида (1376 йил) вафот этиб, жасади Шаҳрисабзга олиб келинган. Бир неча йиллардан сўнг Хоразм усталари Темурнинг фармонига мувофиқ амирзода шарафига «Жуда салобатли бино – дахма қурдилар». Мазкур бино Дорус-Саодатнинг бунёд этилишига замин бўлди. XIV аср охири – XV бошида Жаҳонгир мақбараси Дорус-Саодатнинг шимол томонидаги кириш пештоқига уланди. Бинонинг остида Амир Темурнинг ўзига мўлжалланган сағана жойлашган эди. Аммо, у Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасига дафн қилинган. Дорус-Саодатдаги ер ости дахмаси битмаса ҳам, бино ўз вазифасини ўтайверган.

Мажмуа хонақо, иккита мақбара ва бир неча хизмат хоналари – ҳужралардан иборат. Ҳазрати Имом мақбарасининг асос қисми тўртбурчак, усти эса конуссимон гумбаздан ташкил топган. Махаллий ва четдан келтирилган меъморларнинг изланишлари натижасида Дорус-Саодатнинг меъморий бинолари турли шаклаларда қурилган. Клавихонинг маълумотига кўра, Дорус-Саодат ҳовлили композицияда қурилган эди. Бу улуғвор бино XVI асрнинг II ярмида вайрон бўлган. Ер устидаги қисмидан бизгача Жаҳонгир мақбараси сақланиб қолган. Унинг гулдор кошинлар билан қопланган уч фасади шарқий томонида эса

[393] Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т., “Шарқ”, 1996. Б. 19.
[394] Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т., “Шарқ”, 1996. Б. 19-20.

муқарнас гумбазли, токчали қилиб қурилган қўшни бино сақланиб қолган. Мақбара ичи тўртбурчак (5,3х6,3) шаклида бўлиб, тўрт томон ўқида равоқли токчалар ўйиб ишланган[395]. Хоналарни қуришда бурчакли шаклдан гумбаз шаклига ўтиш моҳирлик билан амалга оширилган. Гумбазни қоплама усулда ясалган косачалардан иборат ғиштин муқарнас кўтариб туради. Конуссимон ички гумбаз тепасидан ўн олти қиррали асосга ташқи қулохи гумбаз ўрнатилган. Мақбарадаги тахмон равоқлари ва гумбаз кейинчалик ганчли безаклар билан қопланган.

Мақбарада ер ости сағанаси Ўрта Осиё меъморчилиги намуналаридан биридир. Кичкина тўртбурчак хона бошдан-оёқ силлиқ оқ оҳактош тахта билан қопланган. Ясси гумбаз тепаси хушбичим саккиз қирра шаклида ишланган. Равоқларнинг қирралари бўйлаб ҳамда деворлардаги бодом шакллар ичида оятлар битилган. Сағананинг жанубий тоқисига ғарб томондан «Г» шаклида жойлаштирилган бинолар орқали тушилади.

XIX аср ўрталарида мақбара ёнида нақшинкор синчли, катта айвонли ва хужралари бўлган гумбазли гузар масжиди қурилган. Ўша даврда ер ости сағанасига тасодифан дуч келинган. Уни очиш, тозалаш, тадқиқ этиш ва таъмирлаш ишлари XX асрда амалга оширилган.

Ҳазрати Имомдан шарқ томонда, 40 метр масофада Амир Темурнинг тош тобути топилган. Унинг ўлчамлари 2.5х1,4х0,73 метр бўлиб, у мусулмон шарқидаги энг улуғвор ҳилхонада ўрнашганлиги археология ишлари натижасида аниқланган. Дорус-Саодат ҳовлисидаги сангихорадан тайёрланган сўнгги ўрта асрларга оид ёзуви сифатсиз ва кўримсиз бир нечта марқад тошлар жойлашган. Ҳазрати Имом мақбараси томонга ва ҳовлига чиқиладиган эшикка яқин жойда деворлар ёнида бир нечта оқ мармардан ясалган ва ёзувли қабр тошлар қўйилган.

XV асрга мансуб қабр тошлар Ҳазрати Имом мажмуида катта миқдорда бўлган. Бироқ кейинги асрларда уларнинг кўп қисми бу ердан бошқа ерларга ташиб кетилган, айримларидан эса қайтадан фойданилган. Мармар тошларнинг сержило нақшларга бойлиги ва сифатли ёзувларга эгалиги ўша даврда ўзга шахсларнинг уни ташиб кетиб, буюртма олиб қайтадан китобалар тушириш йўли билан сотиб фойдаланилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Амир Темур ҳилхонаси атрофида, ҳилхона ва мақбара орасидаги майдонда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида мазкур ерда қабристон бўлганлиги аниқланган[396]. Ҳозирга вақтда Дорус-Саодатда, Ҳазрати Имом билан бир жойда масжид мавжуд, у мақбарага шимолдан туташ туради.

[395] Шаҳрисабз-2700: Минг йиллар мероси. Т., “Шарқ”, 2002. Б. 116.
[396] Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., “Шарқ”, 1998. Б. 106.

Шаҳрисабзда Темур амирлик мартабасида бўлган пайтидаёқ мазкур меъморий ёдгорлик мажмуида ўз ота-боболари ва қариндошларини дафн қилди. Шаҳрисабз барлос зодагонлари қатлами ўрнашган шаҳар бўлиб, у Амир Темурнинг асосий таянчи бўлган. Юқорида қайд этилган меъморий ёдгорлик мажмуидан чиққан қабртошлар орасида барлос уруғига мансуб кишиларнинг қабртошлари шундан далолат беради.

Шаҳрисабзнинг меъморий ёдгорлик мажмуалари бу ерда сўфий, шайх Сайид Амир Кулол, Амир Тарағай қабри борлиги учун ҳам ҳамма вақт Амир Темур томонидан зиёрат қилинган. Чунки, Темурийларда шайхлар, дарвешлар, умуман, табаррук зотларни зиёрат қилиш расм-русуми кенг тарқалган эди.

Бугунги кунда Барлос амалдорларининг катта ҳилхонасидан учта иморат сақланиб қолган. Булар Дорус-Саодатдан жануби-ғарбда жойлашган икки мақбара ва улар рўпарасидаги девор билан ўралган Жоме масжидидир. Жоме масжиди ҳозир ҳам ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шу кунларда Дорус-Саодат комплекси қайта таъмирланиб жаҳон аҳли олдида Темурийлар даври меъморчилигининг тарихий гувоҳи сифатида қад кўтариб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., «Шарқ», 1998.
2. Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т., «Шарқ», 1996.
3. Шаҳрисабз-2700: Минг йиллар мероси. Т., «Шарқ», 2002.
4. Дресвянская Г.Я., Лунина С.Д., Султанов Х.С., Усманова З.И. Шахрисябз. Т., «Университет», 1993.
5. Усманова З.И., Столярова Н.П. К стратиграфии средневекового Шахрисябза // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987.
6. Шарофуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997.

САНЪАТ АСАРЛАРИ НОҚОНУНИЙ САВДОСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА «ЮНЕСКО» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ ЎРНИ

Балтабаева М.М.
К Беҳзод номидаги МРДИ магистранти

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, «ЮНЕСКО»нинг энг етакчи вазифаси, маданий бойликларни ноқонуний савдосини олдини олишдир.[397]

«ЮНЕСКО» халқаро ташкилоти томонидан, Маданий бойликларнинг ноқонуний савдоси олдини олиш мақсадида 1954 йил Нидерландиянинг Гаага шаҳрида «Қуролли можаролар шароитида маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинган.[398] Ушбу конвенция иккинчи жаҳон уруши вақтидаги маданий бойликларни ёппасига йўқ қилиниши оқибатида юзага келган, дунё тан олган биринчи бутунжаҳон миқёсидаги шартнома бўлиб, ўта мураккаб шароит, қуролли можаролар вақтида маданий бойликларни ҳимоя қилишга қаратилгандир. Бу шартнома кўчар ва кўчмас маданий меросларни, жумладан: архитектура, санъат ва тарихий обидалар, археологик обидалар, санъат асарлари, адабий, тарихий ва археологияга оид қўлёзмалар, китоблар ва тарихий буюмлар ҳамда келиб чиқиши ва кимнинг мулкилигидан қатьий назар, барча турдаги илмий коллекцияларни ўз ичига олади.

Конвенция қатнашчилари, яъни турли қарашларга эга, 115 дан ортиқ давлатлар, содир бўлиши мумкин бўлган, қуролли можаролар вақтида, маданий меросни сақлаб қолиш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш чораларини кўради. Тинчлик вақтида, сақлаш чораларини кўриш учун заҳира тайёрлаш, ёниб ва титилиб кетишдан сақлаш учун қатьий чоралар кўришни режалаштириш, кўчар маданий бойликларни тез кўчиришга тайёрлаш, бу мулкларни жойида етарли даражада ҳимоялаш чораларини кўриш, маданий бойликларни қўриқлашга жавобгар бўлган ваколатли органларни тайёрлаш, ўз мамлакат ҳудудидаги ва ўзга қатнашчи давлат ҳудудидаги маданий бойликларни ҳурмат қилиш. Кенг жамоатчилик ва мақсадли гуруҳлар орасида, яъни маданий меросни бўйича мутахассислар, ҳарбийлар ва ҳуқуқ тартибот органлари орасида Конвенцияни кенг ёйилишини

[397] ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (тўплам). Тошкент. 2004. Б. 3.
[398] ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (тўплам). «Қуролли можаролар шароитида маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Конвенция. (1954 йил 14 май, Гага шаҳри). Тошкент. 2004. Б.126.

таъминлаш ишлари кўзда тутилган.[399]

Ушбу қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда барча музей директорлари, сақловчилари ва бошқа профессионал ходимлари мажбуриятининг муҳим жиҳати, маданий мерос ёдгорликларини ўғирланиши, яширин қазиб олиниши ва ноқонуний четга чиқариб юборилишдан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Вазиятни бошқариш учун хавфсизликни таъминлаш бўйича режа тузиш биринчи муҳим қадам ҳисобланади. У табиий хавфсизлик (ўхшаш кўргазма витриналари ёки ўзгача ҳимоя, қўриқловчи сигналицазия ва ҳ.к.), ўқитилган қўриқчи ходимлар, кўргазма экспонатларининг тўлиқ рўйхати ва уларнинг жойлашиш топонимикаси, фавқулодда вазиятлар вақтида, шунингдек, авария ҳолатларида эвакуация учун ҳаракат қилинганда биринчи ўринда ҳимоя қилиниши зарур бўлган энг қимматбаҳо экспонатлар рўйхатини қамраб олиши керак. Музей ходимларининг хавфсизлик соҳаси бўйича, фавқулодда вазиятлар ҳосил қилиб ўтказиладиган машқларини қўшган ҳолда ўқишини ташкил этиш зарур, барча ходимлар полиция ва бошқа ёрдамчи хизматларга тегишли алоқа рақамларига эга бўлишлари керак.

Хавфсизлик бўйича режа тузганда музей мундарижасини билиш зарур. Шу мақсадда коллекциядаги барча буюмлар инвентаризациядан ўтказилиши керак. Рўйхатларда, буюмлар давлат ҳокимияти органлари томонидан ички бозорда сотишга мўлжаллаб ёки экспорт қилиш учун мусодара қилинган ҳолларда, уларни аниқлашда буюмлар бўйича идентификациясини исботлаш учун етарли маълумот жамланган бўлиши керак. [400]

Баъзи музейлар жуда мукаммал рўйхатга эга бўлсалар ҳам, улар объектни идентификациялаш учун энг қимматли маълумотни ўзларига киритмасликлари мумкин. Рўйхатга олиш белгисини осонлик билан йўқотиш мумкин. Бундан ташқари баъзи буюмларни, масалан, тангалар, медаллар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар ёки муҳрларни табиий тамғаламоқ баъзан қийинчилик туғдиради ёки иложи бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳар бир буюм идентификациянинг камида 8та асосий белгиси ва битта фотографияга эга бўлиши шарт (расм ёки бошқа тасвир). Бу зарур элементлар музейлар бўйича халқаро экспертлар, полициялар, божхоналар, суғурталар ва маълумотлар базаси томонидан келишилган ва «Экспонат паспорти»га киритилган.

«Экспонат паспорти», шунингдек, агар инвентарь рўйхати мавжуд бўлмаса, уни яратишга имконият туғдиради. Уни ўқитилган кўнгиллиларнинг ҳаракати билан картотека карточкалари ва қалам

[399] ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (тўплам). «Қуролли можаролар шароитида маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Конвенция.(1954 йил 14 май, Гага шаҳри). 17-модда Фарқли белги тўғрисида. Тошкент. 2004. Б 133.

[400] www.icomos.org Международный совет по охране памятников и исторических мест (ICOMOS).

ёрдамида жуда тез тузиш мумкин. Шунингдек, маълумотларни тезда киритиш учун компьютер дастурлари мавжуд.

Бу маълумотлар йиғилган заҳоти, улар хавфсиз жойда, балки сейфда ёки ертўладаги сақлаш жойида сақланиши керак. Уларнинг нусхаларига эга бўлиш ва улар музейдан ташқарида, агар имконияти бўлса, бошқа давлатда сақланиши муҳим.[401]

Топилмаган қадимги ёдгорликлар давлатга тегишли эканлиги қонун билан белгилаб қўйилиши таклиф этилади. Бу уларни бошқа давлатлардан қайтариб олиб келинишини енгиллаштиради, чунки, барча давлатлар мулк ҳуқуқини тан олади, аммо барчаси ҳам экспорт ҳақидаги қонунларни қўлламайди. Бундай қонунларсиз, чет эл судида, қачонки талаб қилаётган давлат ўғирланган буюмнинг далилини кўрсата олмаса (расм ёки рўйхат), ўғирлик фактини исботлаш қийин. Топилмаган қадимги ёдгорликларга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақидаги қонун кучга киритилиши муҳим ва аҳоли давлатга тегишли бойликларни ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак, акс ҳолда чет эл суди мулк ҳақидаги қонунни бошқаларга қарши қўллашни рад этиши мумкин.

Хавфсизликни таъминлаш бўйича режани тайёрлаш ва самарали амалга ошириш учун музей ходимлари, полиция ходимлари ва фуқаро мудофааси зобитларини, агар улар давлатда мавжуд бўлса, негаки улар билан ҳамкорлик жуда зарур, ўқишини ташкил этиш муҳим. Комплекс ўқув семинарларини ҳудудий ва маҳаллий даражаларда ЮНЕСКО ёки ИКОМ ҳамкорлигида ўтказиш мумкин. Бундай семинарларни катта миқдордаги профессионаллар учун, музей ва полиция ходимлари халокатли дамларда жуда зарур бўлган яқин алоқаларни ривожлантира олишлари учун мунтазам ўтказиб туриш керак. Божхона хизматлари давлатлардан олиб чиқиб кетилаётган буюмларни аниқлашда асосий роль ўйнаши мумкин. Божхона хизмати ходимларини, улар давлатлардан қандай энг қимматбаҳо ва жуда нозик экспонатлар ноқонуний олиб чиқиб кетилиши мумкинлигини билишлари учун, албатта ўқув машқларига таклиф этиш зарур.

Халқаро жиноий полиция ташкилоти (ИНТЕРПОЛ)нинг хабарига кўра, маданий бойликларнинг ноқонуний айланиши, улкан яширин бизнеслардан бири бўлиб ўзининг ҳажмига кўра, ноқонуний тарздаги қурол ва наркотик савдоси билан ёнма-ён туради. Статистик манбаларга кўра, унинг даромад ҳажми бир йилда 6 миллиардга етади. Аммо бу фаолиятнинг ноқонуний амалга оширилиши туфайли, бу рақамни аниқ айтиш қийин. Археологик обидаларни талон тарож қилиниши, диний характердаги буюмларни ва санъат асарларининг ноқонуний айланиши,

[401] Линдел Протт. “Управление музеем: ПРАКТИЧЕСКОЕ РУКОВОДСТВО”. ИКОМ. Франция. 2004. Незаконная торговля. - С. 199.

жаҳон бозорида ҳаддан ташқари ўсиб бораётганлиги, маданий бойликларни талон тарож қилиш ҳаракати билан боғлиқ жиноятлар, жумладан, террористик фаолиятларни молиялаштириш воситасига айланганлиги халқаро ҳамжамиятни қайғуга солмоқда.

Бу борада музей ходимлари миллий меросни сақловчилар сифатида муҳим роль ўйнайдилар. Улар маҳаллий аҳоли ҳамда божхона, полиция ва маъмурий хизмат ходимлари, мерос буюмлар аҳамиятини тан олишлари, уларни идентификация қила олишлари ва ноқонуний савдо билан курашда иштирок этишлари учун ўқув машғулотлар ўтказишлари ва маълумотлар тақдим этишлари мумкин. Ҳар бир музей адекват ва тегишли равишда сақланадиган ҳисобот ҳужжатлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича режага эга бўлиши ва маданий бойликларга нисбатан жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда ҳамда ўғирланган экспонатларни қайтаришда музейга ёрдам берадиган бошқа хизматлар билан яқин ишчан алоқада бўлиши даркор. Бу вазифаларни мунтазам равишда бажариш зарур, доимий ўқув ва маълумот машғулотлари эса ҳар бир музей йиллик фаолиятининг ажралмас қисмига айланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (тўплам). Тошкент 2004. Б. 3.

2. Линдел Протт. «Управление музеем: ПРАКТИЧЕСКОЕ РУКОВОДСТВО». ИКОМ. Франция. 2004. Незаконная торговля. С. 199.

3. www.icomos.org Международный совет по охране памятников и исторических мест (ICOMOS).

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ КАНДАКОРЛИК БУЮМЛАРИ ЖАМЛАНМАСИГА ДОИР

Бекенова А. А., Набиева О. О.
Ўзбекистон Давлат санъат музейи
илмий ходимлари

Ўзбекистон Давлат санъат музейи миллий санъатимизнинг энг нодир дурдоналарини сақлаб намойиш қилиб келаётган Марказий Осиёнинг энг йирик музейларидан биридир. Музейнинг бўлимлари орасида машҳур коллекциялардан бири бу ўзбек халқ амалий санъатига оид тўпламлардир.

Мазкур бўлим шаклланиши 1924 йилдан кейин бошланган бўлиб бугунги кунда экспонатлар сони бўйича музей захирасининг деярли учдан бир қисмини эгаллайди. 1924 йилда худудий чегараланиш бўлгани, музей олдига миллий санъат бўлими очиш вазифасини қўйди. Маҳаллий санъатнинг бундай ўзига хос тараққиёти музейнинг санъат намуналарини тўплаш фаолиятига таъсир қилди. 1930-йилларда музей бу ишга Тошкентдаги йирик мутахасислар-археологлар (В.Шишкин), меъморлар (С.Полупанов), этнографлар (М. Андреев, П. Гончарова, В. Затворницкая, А. Писарчик, Н. Русинова, Б. Сергеев) ва бошқаларни жалб қилгач, музейнинг маҳаллий санъат намуналарини тўплаш фаолияти билан анча самарали ишлар олиб борилди.[402]

Ўзбекистон халқ амалий санъатининг турлари бўйича 20 дан ортик коллекцияларни жамлаган бу бўлим миллий аньанавий амалий санъатни намойиш қилиб келмоқда. Ўзбекистон Давлат санъат музейида XVIII-XIX аср охири XX аср бошига оид ўзбек мис кандакорлигининг асосий хунармандчилик марказларини намоён этувчи бой тўплами сақланмоқда. Бадиий металл коллекцияси (кандакорлик буюмлари) 689 нафар экспонатни ўзида жамлаган. Улар орасидан уй рўзғор буюмларининг санъат даражасидаги наъмуналари ўрин олган.

Кандакорлик деганда металдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон худудида жойлашган шаҳарларида металдан ясалган бадиий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Кандакорлик техникасининг ўзига хос маҳаллий хусусияти биринчидан, зарбанинг чуқур ёки юзалигида, иккинчидан нақшлар сирти ва заминнинг безагига қўлланиладиган усуллардан иборатлигидир. Буни турли ҳудудлардаги металл буюмларининг барча белгиларини ўзаро

[402] Круковская С.М. "Ўзбек миллий санъатининг хазинаси". – Тошкент, 1960. стр, 4-Б.

солиштириб аниқлаш мумкин. Бу буюмларининг нафосатлигига, гўзаллигига, умумийлигига эга бўлган мактаблар вужудга келган.

Ўзбекистон анъанавий кандакорлигининг асосий марказлари XVIII-XX аср бошлари ўзбек хонликлари даврида шаклланган. Мазкур даврда яратилган буюмлар ўзининг уйғун мувозанати, безаклари ва шаклларининг маънодорлиги билан ажралиб туради. Мисдан ясалган кандакорлик буюмлари шаҳар ҳунармандликнинг катта бир йирик бир йўналиши ҳисобланган. Бу вақтда Бухоро, Хива, Қўқон, Самарканд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент кандакорлик буюмлари ишлаб чиқаришнинг асосий марказлари бўлган.[403] Мазкур кандакорлар томонидан яратилган буюмлар Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламининг асосини ташкил этади.

Бухоро кандакорлик идишлари ушбу коллекциянинг катта қисмини эгаллайди. Бу буюмлар ўзининг содда ҳамда сиполиги билан фарқ қилган. Чекма ҳамда катак билан техник усулларни ишлашда жуда кенг қўлланилган. Мис буюмларининг замини кесма услуб билан безатилиб, сирти қалай билан қопланган ҳоллардагина заминга чекма гуллар ўйилган. Ана шундай буюмлардан бири Ўзбек рассомлар уюшмаси томонидан 1957 йил 13 декабрда №29 сонли далолатнома билан музейга доимий сақлаш учун қабул қилинган патнис ҳисобланади. (КП 14489, ИНВ 449) Бухоро усталари феруза қадамали буюмларни кам, бўлсада, аммо пухта ишлашган. Ана шундай буюмлардан бежирим офтоба Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади (КП8765, Инв № 164). Бухоро кандакорлик мактаби намоёндалари Шоди Мухаммад Баротбой, Уста Шариф, Салохиддин, Хаким Бухорий кабилардир.

Жамланма таркибидаги Тошкент кандакорлик санъати шаклларининг катталиги нақшларининг соддалиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тошкент кандакорлик мактаби XX аср ўрталарида бирмунча ривожланди. Тошкент кандакорлигида кўпинча заминга ишлов берилмай шундайлигича қолдирилади. Энсиз хошияларда геометрик нақшдан ёрдамчи сифатида фойдаланиб, у сержилолиги ва ранг баранглиги билан фарқ қилмайди. Энсиз йўлларда оддий тўғри чизиқлар, кирмак, мехроб, занжира, капалак, қубба ва шу сингари нақшлар чизилади. Энли йўлларда эса асосан ўсимликсимон «Ислими» нақш (илон изи) ишлатилади. Челак, чойидиш, қумғон каби йирик шаклдаги хўжалик буюмлари шу даврга хосдир. Уста Мўмин Абдуқори, Юсуфжон ва қизи Зебинисо, Жамила Саидова каби усталар Тошкент кандакорлик вакилларидандир.

[403] Хакимов А. Файзиева В. Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазинасидан. - Тошкент, 2014.100-б.

Коллекцияда Хива кандакорлик буюмларидан 38 нафар идишлар киритилган. Хивалик усталар медальён билан безашни мис идишларнинг кафт баъзан бўйнининг юқори қисмида қўллаганлар. Хоразм кандакорлари нақш заминини қизил ёки қора лок билан бўяйдилар. Кандакор усталар ўсимликсимон нақшларни жуда қўп қўллайдилар. Уларда айланма ислими нақш оммавий ҳисобланади. Улар ислими, мураккаб ислими, мадоҳили, мураккаб айланма ислими ва бошқа нақшлар билан безайдилар. Музей жамғармасида 1952 йил 29 декабрда Усто Худой Шукур томонидан №34 сонли далолатнома билан музейга доимий сақлаш учун қабул килинган дастшуй ҳам сақланади. Хоразм кандакорлик мактабидан Худой Шукур, Мухаммадпано, Худойберган Матчонов, Матёқуб Жонибеков каби усталар машҳур.

Қарши кандакорлик буюмларига ҳар хил рангдор шишалар қадаб, нақшларни рангли локлар билан қоплашган. Карши қандакорлари мис буюмларни ўзлари ясаб ўзлари безашган. Улар бунда қолипли усулдан фойдаланганлар. Коплама мис парчалари, феруза ранг ойналардан, кўз қўйиб нақш заминларини рангли локлар билан бўяшган. Карши кандакорлик буюмларини безаган ўсимликсимон нақшлар Бухоро нақшларига қараганда оддийроқдир.[404] Садий Шарафи Асад, уста Абдуқодир Низомиддин, уста Ўрин, Салохиддин, Икромиддин, Худойберди Жўраев ва бошқалар Қарши кандакорлик мактаб намоёндаларидандир.

Шаҳрисабз кандакорлари колипи усулини кўп қўллаганлар. Улар самовар қопқоғи, ўзи очиладиган туфдон, чойнак ва бошқаларни ажойиб қилиб безаганлар. Шахрисабз кандакорлари нақш заминини кўк, қизил, қора ва бошқа ранг сурғучларни қўллайдилар. Шахрисабз дастшуйлари нақш солинмаган бўлсада, лекин коплама безаклари билан безатилган. Паллачаларнинг лабларига кўзача қўйиб безатилган. Жалол Собиров, Уста Олим, Шарафий Асадкабилар Шахрисабз кандакорлик мактаби вакилларидандир.

Шахрисабз ва Қарши туфдонлари ва дастшуйлари саёз чизма нақш билан копланган, феруза қадамалари ҳам бор. Усталар кўпинча юқори қисми унча катта бўлмаган ёпиштирма маъдан туморларқатори билан безаганлар. Музей тўрламида шундай дастшуйларнинг наъмуналари мавжуд.

Фарғона усталари катта ҳажмдаги уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари – сув ташиш учун мўлжалланган идиш (КН 20620. ИНВ №580), катта тоғора, ҳам ясашган. Мазкур махсулотларни ҳам чизма гуллар билан безатишган, аммо нақшлар нисбатан йирикроқ ишланиб, эркин тўлдирилган бўшлиқ сақлаб қолинган. Тўпламда ана шундай буюмлардан

[404] Т.Абдуллаев. XIX-XX асрларда ўзбек кандакорлиги.Т,1974, стр65б.

ғалладаон тақдим этилган. Дон сақлашга мўлжалланган мазкур буюм Марғилон усталари томонидан яратилган. Отаулла Мухам Мадражаб, Мулла Холиқ, Уста Мусаввир Кошғарий мазкур мактаб намоёндаларидан ҳисобланади.

Музей томонидан тўпланган бой материаллар халқ амалий безак санъатининг хар бир тури билан таништириш имконини бермоқда. Бу эса томошабинга асрлар давомида шаклланиб келган чуқур бадиий анъаналар тўғрисидагина эмас, балки бугунги кун усталарининг новаторлик ижодий изланишлари ҳақида ҳам тасаввур беради.

МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРДАГИ РАМЗИЙ БЕЗАКЛАР ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Бегижонов Ж.,
К Беҳзод номидаги МРДИ магистранти

Табиат манзараси гўзаллиги, ранг-баранглиги билан қадимдан инсонни ўзига махлиё этиб келган. Дарҳақиқад, табиатни дарахт, гиёҳларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиат уларни хилма-хил, содда ва мураккаб қилиб яратган. Ҳар бир дарахт турига қараб ўз кўринишига эга, шохларнинг бир-бирига нисбатан тартиб билан туриши, барглари, ниҳолларнинг икки томопида тартиб билан жойланиши, гул япроқларнинг бир қаторда ёки қаватма-қават уч-тўрт қаторда эканлиги, худди ҳар бир япроқни битталаб териб кўйгандэк, назаримда. Улар муҳитни ям-яшил рангга буркайди. Дарахт, кўкат, гиёҳ, ўт-ўланларнинг кўриниши, ранги фасллар ўзгариши билаи ўзгариб бораверади. Баҳорда уйғонади, куртаклайди, гуллайди, ёзда этилади, пишади, кузда қарийди, сарғаяди, қизаради, тўкилади, қишда уйқуга кетади.

Обида ички ва ташқи бэзагида турли-туман, ранг-баранг кўринишдаги ўсимликсимон нақшларнинг кенг қўлланилиши, хонада баҳор, ёз, куз фаслларини эслатиб турувчи муҳитни сақлаб қолиш имкониии бэрган. Шунинг учун наққошлар, ганчкорлар табиатдан андоза олишган. Ўсимликсимон нақшлар, гуллар, ғиёҳлар, мевалар тасвири кўп ҳолларда абстрактлаштирилган кўринишда хона дэворида, шарафаларида, токчаларида, устун танасида, эшиклар юзасида ишланган.

Самарқандда ўрта асрларда қурилган Ширинбика оға, Туман оға, Бибихоним, Қозизода Румий мақбаралари интеръэрида манзара тасвири ишланган. Тадқиқотчи С.С. Давндов бу далил бўйича Г.А. Пугачэнкова ва Л.И. Ремпелларнинг мақбара дэворидаги маязара тасвири жаннат

рамзини ифодалаган.[405] дэган фикрларини инкор этади ва бу манзаралар макбара дэворла-рида ўрнатилиши лозим бўлган дарча (дэраза) рамзини ифодалаган ҳамда ўрта асрларга хос мақбара худди жаннатмакон боғ марказида ўрнатилган сарой ғоясини англатган, яъни, «Аллоҳ. унинг жойини жаннат боғига айлантирсин», дэган иборага асосланган дэб таъкидлайди.[406] Бизпингча, мазкур олимлар фикри бир-бирига зид эмас Г.А.Пугачэнкова ва Л.И.Ремиэлларнинг фикрича, мақбара ичи жаннат-макон боғ рамзини ифодаласа, С.С.Давмдов бўйича эса марҳум ётган мақбара жаннатмакон боғ ўртасида жойлашган саройни ва унинг дарчаларидан жаннат боғи маизаралари кўриниб туради дэган маънони анғлатган. Иккала таҳлилда ҳдм манзара тасвири жаннат боғи билан боғлиқ рамзий ифодани англатган.

Самарқандда Бибихоним, Туман оға макбаралари иптеръерида йил бўйи кўм-кўк бўлиб турган ва теракка ўхшаб бўй чўзған игна баргли сарв дарахти сурати ишлангап. Сарв (кипарис) дарахти кўп халқлар тафаккурида ўлган одам руҳининг доимий келиб турадиғап жойи ҳисобланған. Доимо кўм-кўк либосға бурканган сарв дарахти доимий ҳаёт аллегориясининг ўзиға хос кўршшшини англатган.[407]

Кўпинча нақшларнинг кўриниш ҳолати, буюмлариинг шакли унинг рамзий ифодасини белгилайди. Жумладан, меъморчиликда устуяшшғ кўзага ўхшаш қисми, кўзаги деб юритилади. Кўзада сув сақланган. Сувға халқнинг эътиқоди баланд бўлган. Сув-ҳаёт. Шунинг учун ҳам устунинг кўзаги қисми ҳосилдорлик рамзи ҳисоблашан. Гулнинг ташқи чэгараси иморат қисмлари, ҳовуз, фавворалар тарҳида ҳам қўлланилган. Жумладан, тарҳи 12 баргга монанд ҳовузнинг қадимдан писта гули рамзини - ҳосилдорлик рамзини ифодалаган (сув унга куч бағишлаган) [408]

Шу ўринда антиқа бир далилга тўхталиб ўтамиз. Милоддан аввалги 2-1 асрларга оид Кўҳна Нуҳсой (Нисо) саройининг квадрат тузилишдаги залининг ичидаги тўрт устуннинг ҳар бири тўрт баргли гулга ўхшаш қаварикли қирқимга, яъни, тарҳга эга. Қизиғи шундаки, иморатнинг энг нозик қисмида ҳам устунни гул нақшига монанд қилиб ишланиши унинг нақадар зарурлигидан, унда сермазмун рамзий ифода бўлганлигйдан далолат бэради. Одатда иморатда салиб тузилишдаги тарҳ оламнинг тўрт томониии англаца, устундаги қавариксимон тарҳ унипг ўсимликлар дунёси билан боғлиқлигини англатади. Ўсимликсимои дунё табиат билан

[405]**Пугаченкова Г.А., Рempель Л.И.** Очерки искусства Средней Азии. -М.: Искусство, 1982-год 147- стр
[406]**Давыдов** С.С. Декорация средневекового интерьера Средней Азии и его реставрация //САУ, 1981, №9. 27-стр
[406]**Давыдов** С.С. Этюд по иконографии самаркандских пейзажей XIV-XVвв. // Изобразительное и прикладное искусство. Культура Среднего Востока.-Ташкент: Фан, 1990-йил 122 бет

[408]**Исмаилова Э.М.** Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVIIвв: Семантика и Символика. -Ташкент: SAN'AT,2006-йил 35-бет

боғлиқ. Шунинг учун мазкур устунларнинг тўртта ярим доирасимон қаваригдан ташкил топиши тўрт фасл рамзини ифодалаган бўлса керак дэган хулосага келамиз. Нилуфар гули, биринчи навбатда, қуёш рамзи бўлган, чунки қадимдан бу гулнинг ҳолати осмонда қуёшнинг йўналишига қараб ўзгариб туриши аниқланган. Атиргул Шарқда қадимда шодлик рамзини ифодалаган. Оқ атиргулнинг очилмаган гулғунчаси Шарқда ҳали ошиқлик дардига ғирифтор бўлмаган юракни билдирган. Арабларда мусулмон анъаналарига кўра атиргул-эркак рамзини ифодалаган. Оқ атиргул Муҳаммаднинг само-га парвози ва қайтиб эрга тушишида пешонасида ҳосил бўлган терга нисбат бэрилади. Шунинг учун оқ атиргул турунжи мусулмончиликда Аллоҳнинг этти исмини ифодаловчи бэлги ҳисобланади.[409] Уч танобли баргнинг юракка ўхшатиб ишлатилиши зардуштийликда абадийлик маънавиятини билдиргаи ва шундай рамзий ифода билан ўрта аср орнаментикаси дунёсига кириб келган. Ўсимлик шохчаларининг дарахт рамзи ўрнини босиши манихей дини символикасида кўзга кўринган жойни эгаллаган. Марказий Осиё меъморчилиги дэворий суратларида, халқ амалий санъати буюмларида дарахт шохчалари, гуллар тасвири кўп учрайди. Жумладан, Ховалинг гил қутилари дэворларида дарахт шохчаларини кўрамиз. Дарахт шохчаси ҳаёт дарахти маъносини, дунё томири ва шон-шуҳрати новдаси рамзини ифодалаган. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг дарахт шохчалари нақши саодат дарахти маъносини англатган.

Талхатан бобо мақбара-масжиди интерерининг саккизбурчак қисмида ғиштлар арчасимон дарахт шохларига ўхшатиб терилган. Мазкур нақш кўпроқ ХИ-ХВ асрларга оид мақбараларда сақланган. Олимларнинг айтишларига қараганда, шохлари пастга ёйилган дарахт нақши-нариги дунёни, шохлари юқорига қараганлари эса тирилиш рамзини ифодалаган экан.[410] Гулдонлардаги бутоқ, шохча, гулдаста тасвирлари эса осмоний «ҳаёт шажараси»нинг рамзи ҳисобланган. Лола-табиатнинг уйғониш рамзини ифодалаган. Бухоро турар жой хоналари дэворларида, гулдонларда бутоқ тасвири кенг қўлланилган. Халқ амалий-бадиий санъати ва меъморчилигида гул, ҳамда ўсим-ликсимон нақшлар билап бир қаторда, мевалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, I асрга оид бир идишда аёл зулфи ва қулоқлари ўрнида барг ва новдалари билан бир бошдан узум нақши бўртма қилиб туширилган. Шунингдек, VI-VII асрларга оид Мунчоқтепадан топилган хона дэворларида одам боши билан бир бош узум тасвири кўзга таш-ланади. Узум тасвири Варахша

[409]Сурина М.О. Цвет и символ в искусстве, дизайне и архитектуре.-М.-Ростов-на-Дону. Издательский центр «Март», 2006-год 90-92 стр

[410]Умерова Ф.Ф. Орнамент и райская топография в исламских мавзолеях^ вопросу об исламских прототипах в исламской архитектуре) Архитектурное наследство. -М., 1999, №43. 215 бет

саройи (V-VII асрлар) дэворидаги ганч панноларда ҳам учрайди. Анор эса I-V асрларга оид гўр қутилари дэворларида, I-III асрларга оид анор ушлаб турган ҳосилдорлик худоси Анаҳита ҳайкалчасида мавжуд. Анор билан лола тасвири қадимий Панжакент дэворий суратларида, аноргул ва анор нақши XIX-XX аср уй-жой меъморчилигида кўп ишланган. Анор тасвири ўрта асрларга оид кулолчилик буюмларида ҳам кўп учрайди. Анор ичидаги дона-чалари (меваси)-ҳосилдорлик, анор билан лола тасвирлари табиатпинг уйғонигаи, баҳор рамзини билдирган.

Меъморий обида безагида ўсимликсимон нақшларнинг қўлланилиши, халқларнинг табиатга, табиат фаслларига бўлган ишончини, эҳтиромини, уларнинг борлиқлари табиат билан чамбарчас боғлан-ганлигини намойиш этган. Турли-туман, ранг-баранг гуллар, барглар, ниҳоллар, дарахт новдачалари баҳор келганлигидан, табиатнинг уйғонганидан, янгиланганидан анор, узум, олма каби мевалар табиат инъомидан, пишиқчиликдан, ҳосилдорликдан дарак бэрган. Меъморий обидаларда ўсимликсимон нақшларнинг безак сифатида қўлланилиши табиатнинг уйғонишига, ҳаётга, ҳосилдорликка, мўл-кўлчиликка бўл-ган орзу-ҳавас рамзини ифодалаган. Умуман олганда, олма-муҳаббат, анор, узум - эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик рамзи ҳисобланган. Ўсимликсимон нақшлар ҳам хона интерери ва обида экстерерида безак вазифасини бажарган, шунингдек, улар мўл-кўлчилик, ҳосилдорлик. доимий ҳаёт, ёруғлик, абадийлик, дунё томири, шон-шухрати, ҳаёт дарахти, эр ости, эр усти дунёси, баҳор, уйғониш, жаннат боғи каби рамзий ифодалар билан йўғрилган. Уларни огоҳлантирувчи, ишонч, билдирувчи, чорловчи каби фалсафий мушохадаларга умумлаштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. -М.: Искусство, 1982-год 147- стр.
2. Давыдов С.С. Декорация средневекового интерьера Средней Азии и его реставрация //САУ, 1981, №9. 27-стр.
3. Давыдов С.С. Этюд по иконографии самаркандских пейзажей XIV-XVвв. // Изобразительное и прикладное искусство. Культура Среднего Востока.-Ташкент: Фан, 1990-йил 122 бет
4. Исмаилова Э.М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVIIвв: Семантика и Символика. -Ташкент: SAN'AT,2006-йил 35-бет.
5. Сурина М.О. Цвет и символ в искусстве, дизайне и архитектуре.-М.-Ростов-на-Дону. Издательский центр «Март», 2006-год 90-92 стр

6. Умерова Ф.Ф. Орнамент и райская топография в исламских мавзолеях^ вопросу об исламских прототипах в исламской архитектуре) Архитектурное наследство. -М., 1999, №43. 215 бет.
7. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний ёхуд жавон-мардлик тарш<ати.-Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994-йил 46-бет.
8. Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома // Комил инсон ҳақида тўрт рисола.-Тошкент: Маънавият, 1997-йил 57-бет
9. Абдуллаев А. Солярный знак из Тамошотепа и его аналогии // МАИТ, - Душанбе: Дониш, 1977-год 38-стр
10. Гаджиев Г.А. Доисламские верования и обряды пародов Нагорного Дагестана. -М.: Наука, 1991-год 85-стр

МУЗЕЙ АРХИТЕКТУРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Жабборова Л.Т.,
К Беҳзод номидаги МРДИ илмий ходими,
Жабборова М.Т.,
К.Беҳзод номидаги МРДИ талабаси

Охирги йилларда жаҳон музейлари архитектурасида улкан ўзгаришлар юз берди. Мисол тариқасида биргина Германиянинг ўзида охирги 15 йил ичида 400 дан ортиқ музей бинолари қурилди[411]. Аксарият йирик музейлар бинолари машҳур меъморлар томонидан қурилган бўлиб, улар ўзининг бетакрор меъморчилик қиёфаси билан омма эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Эндиликда музейнинг вазифаси фақатгина экспонатларни сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш ва улар ҳақида ташриф буюрувчиларга билим беришгина эмас, балки томошабинга биносининг ташқи кўриниши орқали сезги-эмоционал ҳолатига таъсир этиб, уни тарихий муҳитга олиб кириш вазифаси қўйилмоқда[412].

Музей биноси архитектураси қурилиши жараёни музей концепцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, бинонинг ташқи кўриниши рамзий маънода музейнинг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти ҳамда унда сақланаётган қимматбаҳо буюмларнинг қадр қиммати ҳақида тушунча уйғотади.

[411] Шипунова. Е. Современные тенденции в музейной архитектуре. – М., 2009. Ст-1.
[412] Исмоилова. Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. Тошкент:Турон Замин Зиё, 2016. Б-11.

Музей меъморчилиги ривожланиш босқичлари ибодатхона ва саройлар қурилиши билан боғлиқ бўлиб, ундаги коллекциялар аввало манфаатдорлик ва безак нуқтаи назаридан қаралган даврларга бориб тақалади. Музей иморатларининг биринчи шакли 19 асрда ибодатхона меъморчилиги анъаналарига мос равишда классик услуб билан ҳамоҳанг тарзда бунёд этилган. Қатор устунли ҳашаматли пештоқлар, маҳобатли зиналар билан безатилган кириш зали, баланд шифт, оғир деталли безаклар ва табиий ёруғлик таъсирида инсон ўзини шу ерда сақланаётган илоҳий буюмларнинг бир қисмидек ҳис қилади.

Музей архитектурасига бўлган муносабат XX асрга келиб бутунлай ўзгарди. Эндиликда архитекторлар олдига фақатгина шу музей жойлашган шаҳар, музей экспонатлари учунгина хос бўлган музей иншоотларини қуришдек муҳим вазифа гавдаланди. 1968-йилда коммуникатцион ёндашувнинг юзага келиши билан музейшунослар музей аудиториясини ўрганишга эътиборларини қаратдилар.

Музейлар ҳозирда фақатгина анъанавий иш фаолияти билан чекланибгина қолмасдан музей биносининг меъморий ечими, унинг ички ва ташқи қисмида жойлаштирилган экспонат ва экспозицияларнинг қийматини ҳам кўра олмоқда.

Бугун йирик музейлар маданият улашувчи бир восита ҳамда атракцион вазифасини ўтамоқда. Музейга ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш мақсадида турли хил маркетинг стратегиялари ишлаб чиқарилмоқда. Музейлар томонидан уюштирилган турли хил кўргазмаларга чипта сотиб олиш учун томошобинлар соатлаб навбат кутишади, чипталар эса ойлаб сотувда бўлади. Энди шуниси аён бўлдики, музейга ташриф буюрувчиларни нафақат бино ичида сақланаётган буюмлар балки музей архитектураси хам ўзига жалб қилоқда.

Шунингдек, музей учун бино қуриш меъморий лойиҳа тузишни талаб этади. Жаҳон амалиётида музей биносининг лойиҳасини яратишда қатнашиш учун таклиф олиш меъморнинг, дизайнернинг моҳирлигини тан олиш деб қабул қилинади. Меъмордан ташқари лойиҳани ишлаб чиқишда музейшунослар хам албатта қатнашиши керак, уларнинг вазифаси музей биносининг консепциясини яратиш, музей предметларини сақлашга, экспозиция қилишга, кутубхона, маъруза хоналарига бўлган музей мутахассислари талабларини тушунтириш, тўпламлар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Бинони танлашда музей муассасаларига бўлган яқиндаги биноларнинг музейга нисбатан жойлашуви, умумий ўтиш жойларининг борлиги каби бир қатор хавфсизлик талаблари инобатга олинади. Иккинчидан меъморий лойиҳада хоналар тахминан белгиланган бўлиши керак. Бу музей биносида ҳаракат тизими йўналишини аниқлаш имконини беради. Масалан, экскурсия жараёнида, экспонатлар ва бошқа

олинган буюмларни етказиш, ахлатни олиб чиқиш, музей техникаси ва жиҳозларига хизмат кўрсатувчи ходимлар фаолияти ва фавқулодда ҳолатлар содир бўлгандаги ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Замонавий тенденциялардан яна бири музей корпоратцияларидаги ўқитиш тизими бўлиб қолмоқда. Худди шундай глоболизатцион музей корпоратцияси сифатида Гуггенхайм Соломон музей корпоратциясини айтиб ўтиш жоиздир. Ушбу музей қурилиши орқали замонавий архитектура тарихини ўрганиш мумкин.

Корпоратция атамаси америка тушунчасида турли кўринишдаги ишлаб чиқариш ва ташкил қилишни ўзида бирлаштирувчи битта бренд остида бирлашган ва биргина стратегик тартиб орқали бошқариладиган система тушунилади. Музей корпоратцияси ўзида нашрий, кўргазмавий, маданий-маърифий фаолият билан биргаликда меҳмонхона, туризм бизнеси ҳамда ресторан комплекслари ва дизайн соҳасидаги ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Нью Йоркдаги замонавий санъат музейи МОМА худди ана шу йўлдан кетаётган музейлардан ҳисобланади. Музей қурилиши лойиҳаси ўз ичига кафе ва магазин каби ташриф буюрувчиларни жалб қилувчи хизмат турларини ҳам ўзида мужассам этган. Бу ҳодиса эса музей қурилиши соҳасида ташриф буюрувчилар ва харидорлар сонини оширган янги бир тенденция бўлди. Бугунги кунга келиб МОМА музейи ташқи қисми билан бирга ички қисмида ҳам кўплаб аҳолига хизмат кўрсаатиш шахобчаларига эга. Музейдаги барча плакатлар, брелоклар, откриткалар, мебелдан тортиб идишлар ва кийимларгача музейнинг ўз логотипи билан безалган. Сотувга қўйилган барча барча буюмлар ва буюртмалар Филип Старк, Карим Рашид каби номдор дизайнерларнинг ижодий ишлари ҳисобланади.

МОМА музейининг иш фаолияти музей ёки музей корпоратцияси бўладими худди бошқа омадли компаниялар сингари ўз бренди ва логотипига эга. Музей логотипи музейнинг юзи ҳисобланиб, унинг архитектураси сингари ташриф буюрувчилар эътиборини тортувчи муҳим воситадир. Кўп ҳолларда музей биносининг ўзи ҳам логотипга жойлаштирилади, зеро ноёб архитектура намунаси ҳам эътиборни жалб этувчи асосой унсур бўлиб хизмат қилади.

Замонавий музейлар фаолияти бугунги кунда ўз аксини музейлар қурилишида топти. Музейни лойиҳалаштириш архитектор учун жуда ҳам омадли иш бўлиб, унинг маҳоратини жамият томонидан тан олинишига ва унинг номини мангуликка мухрланишига кўмак берувчи восита ҳисобланади. Музей бугунга келиб нафақат жамоатчилик биноси балки муаллифлик лойиҳаси бўлишга улгурди. Ёрқин меъморий ечим туризм оқимини жалб қилибгина қолмасдан музей фаолияти реализатциясини қийинлаштириши мумкин. Масалан бундай ноодатий биноларда

экспозитцияларини жойлаштириш қийинчилик туғдиради. Замонавий музей биноси лойиҳаси ташқи ҳамда ички томонлама такрорланмас янгиликка бой бўлиши ҳамда барча талабларга жавоб бўлиши даркор.

Музей архитектураси тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, у аввало жамиятни ўз тарихи ва маданиятига нисбатан бўлган муносабатини акс эттирувчи кўзгудир. Шу нуқтаи назардан музейлар биринчи навбатда асосий функциясини унутмаган ҳолда музей биноларини архитектураси ва лойиҳаси конун коидаларига риоя этиб, биноларни ташқи кўринишига хам алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Glebelhausen M. The architecture is the museum // New museum theory and practice: an introduction/ed.by J.Marstine.Oxford:Blackwell Publishing Ltd., 2006. S.l.P. 41-42.

2. Исмоилова. Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. Тошкент:Турон Замин Зиё, 2016. Б-11.

3. Шипунова. Е. Современные тенденции в музейной архитектуре. – М., 2009.

4. Чугунова А.В. Музейная архитектура в контексте современной культуры. Вопросы музеологии. 1/2010. Ст.3

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЕВРОПАЛИКЛАР НИГОҲИДА

Иброхимова А.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи,
лектор-экскурсовод

Инсоният тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирган мўътабар зотларнинг асарлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Буюк муҳаддис, ислом оламида машҳур Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шоший, Абу Али ибн Сино, Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий ва бошқа кўплаб машҳур юртдошларимизнинг муборак номлари тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган. Умуминсоний маданият ва билимларни юксалишида бу алломаларнинг хизматлари беқиёсдир. Муқаддас китобларимизда келтирилган ҳикматларни изчил ўрганиш ва ижтимоий, маънавий

ҳаётимизга татбиқ этиш, халқимиз онгига чуқур сингдириш – долзарб вазифа[413]. Илму маърифат, маънавий қадриятларимиз, тарихий, маданий меросимиз, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида тўла маълумот беришимиз ҳозирги давримиз учун жуда муҳимдир. Бу борада буюк бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини пухта ўрганиш ва ёшлар тарбиясига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Ўтмишда асоссиз унутилган кўплаб алломаларимиз қатори Имом ал-Бухорий ҳам ўз элига қайтарилди. Унга бўлган муносабат охирги йилларда тубдан ўзгарди. Асарлари ўрганилиб, кенг жамоатчиликка тақдим қилинаётир.

Имом ал-Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва бир тизимга солиш билан шуғулланганлар, шунингдек уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато ёки заиф)га ажратганлар. Бу ишни ҳадис ровийларининг кечирган ҳаётлари , яшаш жойлари, таваллуд ва вафот этган саналари , бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борганлар. Аллома олти юз мингга яқин ҳадис тўплаб, шундан юз минг «саҳиҳ» ва икки юз минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисни ёддан билганлар[414].

Имом ал-Бухорийнинг қаламларига мансуб асарлар сони йигирмадан ортиқдир. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Алломанинг шоҳ асари «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ», (Ишончли тўплам) деб номланган 4 жилддан иборат ҳадислар тўплами Ислом оламида бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Мазкур асарнинг қимматли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларни киритаверганлар. Имом ал–Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларини табақаларга бўлиб, уларнинг ишончли (саҳиҳ)ларини танлаб, алоҳида китоб яратдилар. Бу қимматбахо асар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Бухорои шарифда ўн олти йил давомида ёзиб тугатилган бўлиб, саккиз мингга яқин сахих хадисларни ўзида жамлаган. Имом ал-Бухорий ҳазратлари «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ёзиб тугатганларидан сўнг айтган эканларки: «Бу китобни мен олти юз минглар чамасидаги ҳадислар орасидан саралаб олиб, ўн олти йил мобайнида ёзиб битириб, ўзим билан Аллоҳ таолонинг ўртасида ҳужжат қилдим»[415].

Имом ал–Бухорийнинг ушбу йирик асарлари ёзилганига қарийб 1000 йилдан ошган бўлганига қарамай, ўша даврдан то ҳозирги

[413] [413] Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда , юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
[414] Шайх Муҳаммад Солиқ М.Ю. Ҳадис ва Ҳаёт./ Муқаддима. – Т.: Шарқ, 2008. Б.159
[415] Имом Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ.

вақтгача ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турадиган асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келиниши барчага маълум. Бугунга қадар «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр қилиниб, бир неча хорижий (инглиз, француз, немис, фрос, турк ва бошқа) тилларга хам таржима қилинган.

Имом ал Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асарини европаликлар анча илгари эшитган, билган бўлсаларда, бу нодир асарни инглиз, француз, немис тилларига таржима қилиш ва илмий тадқиқ этиш ишлари XIX аср ўрталаридан бошлаб жонланди. К.Брокельмен, У.Пирсон, Ф.Сезгин каби европалик олимлар бу асарнинг арабча матни асосида хадислар хақида дастлабки илмий мақолаларни эълон қилдилар. Брокелъман каталогидаги маълумотларга кўра, Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» таржимасининг илк нашрлари:

1262/1846 йили Бомбей нашри, тошбосма литография.

1270/1854 йили Деҳли нашри, тошбосма.

1280/1864 йили Қоҳира нашри. Булоқ матбааси.

Ф.Сезгин берган маълумотларга кўра асарнинг мўътабар нашрлари:

Қоҳирада Булоқда Усмонийлар султони Абдул Ҳамид Соний фармони билан нашр этилган арабча матни 1311-1313/1894-1896 йиллар;

Х.Зеҳний 1315/1898 йилда амалга оширилган Стамбул нашри.

Немис олими Лудольф Крел 1284-1325/1868-1907 йилларда асарнинг уч жилдини арабча матни ва немисча изоҳлари билан нашр этди. Крел вафотидан сўнг унинг лейденлик шогирди Йойнбол Ҳумоҳболд мазкур асарнинг 4- жилдини нашр эттирди. Крелнинг мана шу таржимаси унинг докторлик илмий тадқиқоти эди. Унинг 1850 йилда эълон қилинган «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» мақоласида ёзишича, Лейцпигда Ал-Бухорий асарининг жуда яхши сақланган қўлёзмаси бўлган. Крел аниқлашича француз олими Луи Жюль Дольфю мазкур қўлёзма нусхасидан 1300 бетини ўз қўли билан арабий ёзувдан кўчирган. Афсуски у 1846 йилда вафот этган. Олимнинг шогирдлари икки йилдан сўнг бу меросни Париждан Германияга Крелга юборишади. Ёш олим Крел Германия хукуматининг ёрдами билан салкам йигирма йил давомида мехнат қилиб, 1862-1866 йилларда асарнинг араб ва немис тилидаги уч жилдини нашр этишга муваффақ бўлади. Крелнинг вафотидан сўнг унинг ишини голланд исломшунос олими Йуйнбол давом эттирди ва мазкур нашрнинг тўртинчи жилдини 1852 йили Бомбейда, 1853 йили Дехлида босмадан чиқарди.

Бу орада француз олимларидан Октав Уда мазкур асар устида иш бошлади ва Парижда 1320-1334/1903-1916 йилларда қарийб 3000 саҳифадан иборат французча таржимасини нашр эттирди[416].

Дунёнинг турли жойларида Имом ал Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асарининг минглаб қўлёзмалари тарқалган. Таниқли исломшунос Мухаммад Хамидуллох : «Сахих ал Бухорий» нинг энг чиройли ва тўлиқ нусхасини 1978 йилда Анқарадаги ислом университетининг профессори Мухаммад Хатиб ўғлининг шахсий кутубхонасида кўрганман», деб ёзади. Унинг маълумотига кўра «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» нинг тўлиқ бўлмаган бошқа бир нусхаси манчестерлик олим А.Мингананинг шахсий коллекциясида сақланади. А.Мингана ушбу қўлёзмадан фойдаланиб, «An Important Manuscript of the Traditions of Bukhari» (Имом Бухорий ҳадисларининг муҳим қўлёзмаси) номли асар ёзди.

Бундан ташқари бугунги кунда юртимизда ҳам унинг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланиб келинмоқда. Жумладан, ЎзФА Шарқшунослик институтида ва Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида, қолаверса Тошкент ислом университетининг манбалар хазинасида ҳам бир неча қўлёзма нусхалари сақланади.

Ушбу асарнинг кўплаб нусхалари дунёнинг турли шаҳарларига тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адиб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Асарнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Мана қарийб ўн икки асрки Имом ал-Бухорийнинг номи жахон ахли томонидан дунёнинг энг буюк алломаларидан бири сифатида тилга олинади. Дунёнинг қайси бурчагига бормайлик, бизга Имом ал-Бухорийнинг ватандоши, авлодлари – бухорийлар деб катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишади, ҳавас қилишади. Алломанинг машхур асарини эса ер юзининг жуда кўп таниқли олимлари ўрганиб келмоқдалар. Имом ал-Бухорий барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз. Айни вақтда жахонга донғи кетган шундай зотга муносиб ворислар бўлиш учун дунёнинг турли бурчакларидаги унинг асарлари хақидаги илмий ва ижодий ишлардан воқиф бўлмоғимиз керак.

Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг бой илмий меросини пухта ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида республикамизда Имом Бухорий Халқаро маркази фаолият

[416] Эшонжонов Б. IX – аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида имом ал -Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асаридаги фиқҳий масалалар.Тар.фан.ном.дисс... – Т.:ТДШИ, 2000 й. Б.144

юритиб келмоқда. Имом ал-Бухорий ҳазратларининг илмий-ижодий фаолиятлари билан бир қаторда ул зотнинг ҳаётлари, ахлоқ-одоблари, юксак инсоний фазилатларида биз учун ибрат, намуна бордир.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА МУЗЕЙ ҲАМКОРЛИГИ

Исмаилова Д.У,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети талабаси

Маънавий қадриятларни шакллантиришда мактаб адабий таълимининг имкониятлари катта бўлганлиги учун ҳам истиқлолга эришилган кундан бошлаб асосий эътибор унинг самара берадиган усулларини ишга солишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устивор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этади» – деб, ёшларга эътиборни кучайтиришга қаратилган даъватларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий меросини мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ўқувчи ёшларга сингдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ишни амалга ошириш кўпроқ адабиётнинг зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам «Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади соғлом, эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўла оладиган комил инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборатдир»,– деб алоҳида таъкидланади

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради.

Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам аҳлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очиб берганини янабир бор кўрсатади.

Адабиётимиз намояндаларининг ижоди, уларнинг маънавиятимиз хазинасига қўшаётган ҳиссаси борасида кенг ва атрофлича маълумотларни биз адабиёт дарсларида ёшлар онгига сингдирамиз. Шундай мақсадга эришиш йўлида дарсларни адабиёт музейлари билан ҳамкорликда ташкил этиш анча самаралидир.

Дарҳақиқат, музейлар дастлабки таълим соҳасида мактаблар-нинг муҳим ҳамкасблари саналади. Улар ўз коллекцияларини ўқув жараёнига киритиш учун таълим материаллари ва ижодий учрашувлар тақдим этадилар. Педагоглар махсус дастурлар ва материалларини ўқув режаси талаблари асосида шакллантириш мақсадида музей маъмурияти билан ҳамкорликда ишлар олиб борадилар.

Шунуқтаи назардан олиб қараганда ўқувчиларнинг музейларга ташрифи аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Жумладан, музейга ташрифни мактаб машғулотлардан чарчаган пайтда эмас, балки музейдаги манбаларни идрок этишга тайёр бўлган пайтда уюштириш ҳамда тинглаш учун оғир бўлган одатий экскурсиялардан воз кечиш керак. Болаларнинг мавзулар бўйича мустақил ижодлари билан музейга ташрифларининг якунланиши эса самарали натижа беради. Бундай ёндашув музей ва мактабларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли муносабатда бўлишни талаб этади.

Музейларнинг экскурсия методикасидаги дидактик ўйинлар ва машқлардан ташқари ўқувчилар билан психологик хусусиятларига кўпроқ жавоб бера оладиган шакллар сифатида суҳбат, диалоглар кенг қўлланилади. Боланинг ўз-ўзини англаши билан бадиий ижоднинг фалсафий масалаларига, дунёқараши ва оламни идрок этишига, замонавий бадиий маданият муаммоларига қизиқиши билан изоҳланади. Мактаб ўқувчилари адабиётнинг масалалари билан боғлиқ бўлган материалларни кўпроқ онгли ва қизиққан ҳолда идрок этадилар. Бундай мавзуларни машғулотлар таркибига киритиш ижобий самара беради.

Мактаб ва музейлар алоқадорлиги шароитида уларнинг таълим-тарбиядаги ўзига хос ҳусусиятини билиш ҳам катта аҳамият касб этади. Унинг ички тузилишида қуйидагилар ўз ифодасини топиши муҳим:

Биринчидан, музейларда мактаб билан алоқадорликни ташкил этиш. Бу фаолият музейларга уюштириладиган экскурсиялар, музей экспозициялари атрофида ёки музей аудиториясида ташкил этиладиган машғулотлардир. Бу машғулотлар мактаб томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича ташкил этилади. Зеро, мактабда ўқитиладиган фанлар, айниқса, адабиётга доир ўқув фанлари музей материалларига таянади. Агар илгари бу қўшимча материал сифатида ўрганилган бўлса, ҳозирги даврда музей экспозицияларининг ўзига ҳос жиҳатлари ва имкониятлари ҳам намоён бўладики, бу эса ўз навбатида ўқувчилар фақат олган билимларини чуқурлаштириш билангина эмас, балки ўқувчиларнинг тафаккури қобилияти, эмоционал маданияти, мақсадга йўналганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Иккинчидан, бу фаолият ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, музей ходимлари томонидан мактабларда ташкил этиладиган маърузалар, қўшимча дарслар, тўгараклар ва бошқа машғулотларни ўз таркибига олади. Музейларнинг таълим-тарбияга йўналтирилган жараёнининг таркибий қисми сифатида қараш ҳозирги даврда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги талаблар таълим жараёнида ўзгаришлар қилишни тақазо этади. Бу эса, ўз навбатида, мактабларнинг ўқув-тарбиявий дастурлари музей педагогикаси билан қай даражада мослигини ўрганишни тақазо этади.

Демак, умумтаълим мактаблари билан музейлар алоқадорлиги, биринчидан, ўқувчиларни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбияласа, иккинчидан таълим самарадорлигини оширади. Чунки, музей экспозициялари билан фанлараро алоқадорлик ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, кўриш хотирасини, ижодий тасаввурини, эстетик дидини ўстиради. Маълумки, воқеликни билиш уни ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш борлиқн идрок этиш манбаи ҳисобланади.

Музейларда ўқувчилар ўқиганда учрашадиган, лекин ҳеч қачон кўрмаган нарсалари билан танишадилар. Бунда, албатта, музейлар экспозициялари билан ишлаш жараёнида унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш муҳим:

- Адабиёт музейлардаги машғулотлар маълум таълим-тарбия мақсадида амалга ошириши зарур;
- Танланган материаллар ўқувчиларга тушунарли ва билиш фаолиятини ривожлантиришга мос келиши муҳим;
- Машғулот учун танланган экспозициялар ўтилаётганадабиёт фанига доир мавзулар билан боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ;

- Музейларда машғулотлар учун танланган манбалар бадиий юксак бўлиши керак;

- Музейлар билан алоқа мунтазам, изчил бўлиши лозим.

Маълумки, ҳар бир фан асосини ўрганишда у ёки бу ижтимоий даврнинг муҳим воқеалари билан боғлаб ўрганилганда адабиёт ва санъат намоёндаларининг ўз замонасида тутган ўрни, киритган янгилиги унинг ижтимоий ҳаёт билан бир қаторда ривожланиб, тараққий этганлиги ҳақида ҳам маълумот берилади.

Мактабларда олиб бориладиган дарслар билан танишиб чиқиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир фаннинг мазмуни ва йўналиши бўйича музейларда машғулотлар ўтказилиши таълим соҳасида юқори даражада самарадорликка эришилади. Масалан адабиёт дарслари адабиёт музейида, тарих дарслари тарих музейида, табиатга оид дарслар (ботаника, зоология) табиат музейида, санъат билан боғлиқ дарслар санъат музейларида ва ҳоказо. Мактаб ва музей фаолиятида ўзаро алоқадорликни ташкил этишнинг ўзига хос талаблари бўлиб, булар йўналишива тамойиллари билан педагогикадаги анъанавий методикага қараганда иновацион характерга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 304-бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

4. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, 2006.

5. Исмоилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2015.

6. Таълим тараққиёти.-Т.: 1999. 1-махсус сон, 166-бет.

ЎЗБЕК КАШТАЛАРИДАГИ НАҚШ ВА РАНГЛАРНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Магдиева М.Э
Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

Бадиий каштачилик узоқ тарихга эга. Археологик топилмалар ва ёзма манбалар, XIV-XV асларга оид миниатюралар каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигидан далолат беради. Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъати билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борган.

Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. XIX асрдан қолган энг яхши кашталар 1850-1870 йилларда тикилган. XIX асрнинг биринчи ярмида тикилган кашталар ҳақида жуда кам маълумотлар бор.

Кашта – безак санъати тури. Ўзбек хонадонининг асосий безакларидан бири – каштадир. Айниқса, тўй, маросим пайтларида улар ўзбек хонадонида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир оилада кашта тикиш одат бўлиб, қизлар ёшлигидан ўргатилиб борилган. Улар оналаридан чала қолдирилган кашталарни тикиб давом эттирганлар ва ўзлари ҳам янги кашталар тикканлар.

Сўзана – форсча «сўзани» деб ҳам юритилади, игна билан тикилган деган маънони беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадиий буюм, хонани безаш учун деворга илиб қўйилади. У сатин, бахмал, шойи, бўз ва адрас матоларига кашта тикиб тайёрланади. Ўзбекистон ўзининг кашта чеварлари билан машҳур ва халқ санъатининг кўп асрлик анъаналарини ардоқлаб келмоқда. Шунингдек, бу анъаналарини сақлабгина қолмай, ижодий бойитиб, амалий санъатнинг янги миллий турларини ҳам яратмоқда. Кашталар уйлар ва кийим-кечакларни безаш учун қўлланилган.

Кашталардаги нақшлар. Бизгача етиб келган каштачилик намуналари синчиклаб ўрганиб чиқилса, шундай хулосага келиш мумкин: кашта нақшлари қадим-қадим замонлардан, эрамиздан олдинги даврлардан такомиллашиб, уйғунлашиб, бойитиб келинган ва шу билан

бирга асосий йўналиш ва нақшнинг турли хиллари сақланган. Кашта нақшларида кишиларнинг табиат ҳодисалари, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари акс эттирилган. Ўзбек каштасининг нақшлар образида яшнаб, гуллаб турган боғ тимсолларини кўрамиз. Айрим нусхаларида ҳайвонлар шакли ва буюмлар (офтоба, чойнак, кўзача) шундай тасвирланадики, уларнинг умумий кўринишларидан асли шаклини ажратиб бўлмайди, улар ўсимликсимон қиёфага кириб, каштанинг умумий услуби билан боғланиб, узвийлашиб кетган. Табиатдаги гуллар, бойчечак ва лолақизғалдоқлар чаман бўлиб очилиши ҳар қандай инсон қалбига, руҳиятига қанчалик завқ бахш этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Балки ана шундай гўзаллик, боғлар, гуллар каштага кўчиши табиий бир ҳолдир. Ҳар бир сўзана алоҳида санъат асаридир. Албатта, бу каштадўзнинг ўз олдига қўйган ягона мақсади ижодий фантазиясининг кўп қирралиги билан одамлар қалбига қувонч, шодлик бахш этишидир. Ўзбек халқи азал-азалдан деҳқончиликни, ерни жуда қадрлаган. Шу сабабли ҳар бир қишлоқ аҳолиси дарахт, гул, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлайди ва ардоқлайди. Бундай табиатга бўлган меҳр албатта ўзбек кашталарида ўз аксини топган. Гуллаб турган бутоқ ва дарахтлар каштачилик намуналарининг энг оммавий сюжети бўлган. Каштанинг нашқ ва безаклари монументаллиги, сербезаклиги билан ажралиб туради. Кашта нақшларидаги барглар бир неча шаклда: тухумсимон, атиргул япроқлари сингари қиррали, арчасимон, сербарг ва бош барглар шаклида бўлади. Арчасимон баргларининг ҳошияланган бир томони қиррали бўлиб чиқади, яъни кўндаланг кўринаётгандек бўлади. Нақшлар ичида анор тасвири, айниқса, катта ўринни эгаллайди. Анор жуда содда шаклда думалоқ, гул косачаси, доначалари, пўстидан нур сочилаётгандай товланиб кўринади. Анорнинг шундай тасвирланиши хитой нақшларида ҳам учрайди. Кашта нақшларини бадиий воситалари, унинг декоратив талқини, ранглари, буюмнинг тикиш услуби бир-бирига узвий боғлиқдир.

Кашталардаги ранглар. Каштачиликда ранг асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Кашталарнинг ранги унинг фонидан, яъни асосидан келиб чиқиб, ранг колорити тикланади, оқ бўз ҳеч қачон сутдек оппоқ бўлмайди. Унинг бироз кулранг сарғиш туси узвий колоритни ҳосил қилишга бир қадар мосдир. Агар фон рангли бўлса, у ҳолда шу рангга мос кашта иплари танлаб олинади. Баъзан фон ипаклар билан бирга орнаментнинг ранг-баранг очилиб туришига хизмат қилади.

XIX асрда кашталарда ипакнинг етти хилидан тортиб, ўн тўрт хилигача, баъзан ундан ҳам ортиқ ишлатилганлигини кўрамиз. Бундай ранг-баранглик сўзанани жозибали бўлишига олиб келади. Асосан, оқ фонга қизил ранглар солиб тикиш одатда жозибадорликни оширади. Гуллар ва доира безаклари қизил ипаклар билан, япроқлари эса яшил, баъзан ҳаво ранг ва зангори ипаклар билан тикилади. Банд шохчалар, япроқларнинг марказлари жигарранг, оч жигарранг, ва тўқ кўк ипак билан тикилади. Бундай ранг-баранглик табиатдаги ўсимликларнинг рангига айнан мос келади. Қизил ва яшил ранглар эса уларни яшнатиб туради. Қизил ранг, тўқ сариқ, оч қизил, тўқ жигар ранг, пушти каби турли ёқимли рангларга таққослаб тикиб чиқади. Булар ёнига совуқ ранглардан тўқ қизил ва оч қизил ранглар тикилади. Кашталарда қўлланиладиган яшил ранглар ҳам турли-туман бўлади. Уларда сарғиш яшил ва кўкиш феруза (денгиз суви ранги) турлари билан бирга тўқ ҳаво ранг ва яшил рангларнинг ҳар хили қўлланилади. Яшил рангдан гоҳ зарҳал, гоҳ ҳаво ранглар товланиб, ажойиб жозиба ҳосил қилади. Сўзана тикканда унинг нақши сидирға матога, безаклари эса ёқимли қизғиш ва ёқимсиз тўқ қизил рангларнинг тартибли равишда қайтарилиши асосида тикилади. Одатга кўра гуллар ва доира безакларининг четига ҳошия тикилмайди. Бу эса безакларнинг табиий гулга ўхшашига олиб келади. Гулнинг барглари қора ёки бошқа рангли чизиқлар билан чегараланади. Кашталардаги ранг-баранглик, қизил ва яшил, сариқ ва бинафша, тўқ сариқ ва ҳаворанг, қизил ва ҳаво ранг, яшил ва тўқ сариқ, қора ва оқ ранглар уйғунлиги асосида берилади. Айнан шу рангларни эрамиздан олдинги VII аср ёдгорлиги Варахшадаги нақшларда ҳам учратиш мумкин.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ранг бериш тубдан ўзгарди. Ипаклар аналик билан бўялгандан сўнг уларнинг нафислиги, жозибаси пасаяди, дағал ва ёқимсиз бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ипак ипларини табиий бўёқлар билан бўяш ипаклардаги жозибадорликни янада орттирди. Уларнинг ялтироқлиги каштадаги гуллар ва баргларнинг янада жонли қиёфа касб этиши инсон руҳиятидаги табиатга, атроф-

муҳитга, бадиий безак санъатига бўлган меҳрни янада кучайтирди. Чунки табиий бўёқларга бўялган ипак иплари қуёш нури, табиат инжиқликлари, ташқи муҳит таъсирларига анча чидамли ва мустаҳкамдир.

Инсон руҳиятига таъсири. Инсон руҳияти ва унинг руҳий оламида нашқ ва рангларнинг мутаносиблиги инсон олий нерв системасига ижобий таъсир этади ва ором бахш туйғу, ҳаётга муҳаббат, меҳнатни қадрлаш, Ватанни севиш, сабр-қаноат, атрофдаги одамларга меҳр-оқибатли бўлиш, қадриятларни ардоқлаш, уни асраб-авайлаш каби ҳиссиётларни шакллантиради. Кашталардаги ҳар бир рамзий нақшнинг ўз маъноси бор. Гулларнинг чаман бўлиб очилиб туриши бахт-саодатли, қувонч ва шодликларга тўла ҳаёт орзуси; қуёш – ёруғлик, иссиқлик, мўл ҳосил; ой – бахт ва висол, осойишта бахтли ҳаёт, оила; юлдузлар – мовий ва мусаффо осмон; фалак – орзу, умид, бахт-иқбол, туннинг майин шабадаси эртанинг бахтли куни орзуси; офтоба – мўл-кўлчилик, тўп бахтиёрлик; кўза, сув – деҳқоннинг умиди, ҳосилнинг мўл бўлиши оилада файз-барака, сероблик, серфарзандлик; қушлар тасвирида ҳам эзгу ниятлар акс эттирилган. Кашта тикадиган аёллар кашта гулларига ёмон кўздан сақловчи туморчалар қўшиб тикишган ва кўнгилларида мендан кейин ҳам фарзандларим кашта тиксин, тўй кетидан тўй келсин, бошимиз хурсандчиликдан чиқмасин деган эзгу ниятлар бўлган.

Ҳар бир кашта тикувчининг мақсади қадимий каштачилик меросимизни яна қайта тиклаш, юксалтириш ва келажак авладларга етказиш бўлмоғи лозим. Зеро, биздан авлодларга каштачиликнинг ўзимиз яратган гўзал, бетакрор, нафис асарлари мерос бўлиб қолсин.

Каштадўзлик санъатидан баҳраманд бўлишни истовчилар сўзаналарни кўрганларида баҳорий илиқликни, яхши кайфиятни ҳис қилишларини айтдилар. Демак кашталар инсон руҳиятига ижобий таъсир этишини ҳисобга олиб, корхона ва ташкилотларда кашта намуналаридан қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.С.Булатов. Халқ амалий безак санъати. Тошкент. «Меҳнат» нашриёти, 1991.

2. Облобердиева З. «Бухоро каштачилик санъати». Бухоро. «Бухоро» нашриёти, 2002.

3. О.А.Сухарева. Сузани. Москва. Восточная литература, 2006.

4. А.Хакимов. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и иновации. Ташкент. 2013.

5. З. Нишонова, Ф. Хайдаров. Психологик маслаҳат. Тошкент. 2009.

6. Ўзбек халқ амалий безак санъати.

7. Изобразительное и прикладное искусство. Ташкент. Издательство «Фан», 1990.

8. Ўзбекистон тарихи ёдгорликлар хазинаси. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1971.

ЎРХУН-ЭНАСОЙ ЁЗУВЛАРИ ВА УЛАРДА ОДОБ-АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Матбобоева З.,
Избоскан тумани 10 мактаб ўқитувчиси
Хошимова Б.
АнДУ талабаси

Истиқлол халқимиз ва мамлакатимиз тарихидаги энг буюк неъмат. Миллий қадриятлар ривожига, дину иймон эркинлигига кенг йўл очилди. Бугун аён бўлдики, Ватан, халқ, дину иймон буларнинг барчаси фақат миллат хур бўлса, давлат тўла-тўкис мустақилликга эришса, қадр топади, ривожланади.

Ўзбек халқининг илдизлари бенихоят қадим бенихоят бақувват ва бенихоят қудратлидир. Хозирги Ўзбекистон худудида яшаган ахоли ўзлари истиқомат қилган вохалар номи билан Суғдиёнада суғдийлар, қадимги Хоразмда – хоразмийлар, қадимги Бақтрияда - бохтарлар, қадимги Чочда-чочликлар, атрофдаги даштларда саклар деб аталган. Неча – неча халқлар ва элатларнинг муборак номлари қолгану, ўзлари йўқ. Аслида, улар мутлақо изсиз йўқолиб кетмаган.ўзбек халқига сингишиб, шу ном остида бирлашган ва қудратли давлатларга бош бўлган. Биз буюк тарихга меросхўрмиз. Меросхўрлик маъсулиятини тўла хис этсаккина, буюк халқ бўлиб улғаямиз.

Хозирги вақтда ўзбек халқи бозор иқтисодиётига асосланган адолатли хуқуқий, демократик ахамиятни кўриш мафкурасиз ғояларсиз бўлмайди. Мафкура эса маънавиятга асосланади. «Миллий – истиқлол мафкураси деган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов – халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига тилига, дилига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, мехр-оқибат, инсоф сабр –тоқат,адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим» яъни истиқлол мафкураси бой манавиятимизга асосланиб, уни ривожлантиришга хизмат қилиш лозим.

Мафкуранинг асосий мақсади жамиятни маънавий жихатдан юксалтириш, унга мос келадиган баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларга ахлоқий фазилатларни сингдиришдир. Мафкуранинг турли тизимлари

ичида ахлоқ алоҳида ўринни эгаллайди. Жамиятимизда ахлоқий мафкурани қарор топишида куйидагилар мухим роль ўйнайди.

1 Марказий Осиё халқларининг ахлоқий қадриятлари, миллий анъаналари, урф-одатлари, удумларидан хозирги жамият маънавиятини ривожлантириш ва инсонни тарбиялашда фойдаланиш.

2 Шўролар даврида ахлоқ ва ахлоқий тарбия сохасидаги билимларни танқидий ўрганиб, хозирги тарбия ишларида қўллаш.

3 Мусулмон мамлакатлари ва иқтисодий жихатдан ривожланган давлатларнинг маданий ва маънавий сохасида эришган ютуқларидан ижодий ўрганиб, улар тажрибасидан фойдаланиш[3].

Марказий Осиёда яшаган халқлар қўшни мамлакатлар билан хусусан Хитой, Хиндистон кабилар билан қадимдан савдо ва маданий алоқада бўлганлар. Ўрта асрларда Англия, Франция, Испания ва бошқа Европа мамлакатлари билан алоқа ўрнатганлар. Бу мамлакатлар билан олиб борилган иқтисодий ва маданий алоқалар, туркий кабиларнинг маданиятини ўсишига, илм-фаннинг равнақ топишига, умуминсоний ва миллий қадриятларни янада бойишига туртки бўлди.

Турон замин халқлари бой ахлоқий меросга эга эканлиги азалдан маълум.Ахлоқ ҳақидаги таълимотлар илк бор баъзи Европа олимлари даъво қилганларидек, қадимги Юнонистонда эмас, балки Марказий Осиё, Миср, Хитой, Эрон ва Хиндистонда пайдо бўлганлиги ишончли манбалардан маълум.

Ахлоқий фикрлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, қадимги туркий битикларда, халқ оғзаки ижодида, турли панднома васиятнома ва насихатларда хамда мутафаккирларнинг рисолаларида ўз аксини топган. «Авесто» китобида айтилишича, дунёда иккита карама-карши куч яхшилик ва ёмонлик хукмронлик қилади. Яхшилик ёруғлик худоси Ахура Мазда, ёмонликни эса зулмат худоси Ахриман ўзида акс эттиради. Улар ўртасида кураш абадий давом этади. Бу китобда олға сурилган яна бир қимматли ғоя дунёдаги хамма нарсалар, инсон хам ўзида икки қарама-қарши кучни мужассамлаштиради. Инсонда тана билан рух ўзаро кураш олиб боради. Инсон ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ, одоб ва хатти харакатларининг ўзаро курашувидан иборат. «Авесто»да ўзи туғилган ерига нисбатан мухаббат, мустақилликни сақлаб қолиш учун кураш, ватанпарварлик, жасурлик, донолик,хайвонларга зиён захмат этказмаслик, софдиллик, адолат, ростгўйлик, хақиқат ва бахт –саодатга эришиш учун кураш каби ахлоқ ва хулқ одоб қоидалари хақида гап кетади [1-3].

Қадимги туркий битиклар хам авлод –авлодларимизга турмуш тарзи урф-одати, хулқ одобини ўрганишда мухим манба бўлиб хизмат қилади. 10 синф Адабиёти дастурида энг қадимги ёдгорликлар, Ўрхун – Энасой обидаларини ўрганишга соатлар ажратилган. Ўрхун битигига кирган

Туножук битиги, Кул Тегин битиги, Билга Хокон битиги, Энасой битигига кирган Элетмиш Билга Хокон ёдномаси, Ирк битиги ва бошкаларда халқнинг мустақиллик учун кураши, давлатни бошқариш, кучли давлат тузиш тўғрисидаги саъй- харакатлари, ватанни химоя қилиш, қахрамонлик, шу халқнинг ўз она тупроғига мухаббати ва садоқати, кишилар ўртасидаги дўстлик, мехнатсеварлик, турли маросимлари, урф – одати тасвирланади.

Элтариш Хоконнинг ўғли кичик Кул Тегин қабрига ўрнатилган битиктошда (732) туркий қабилаларнинг бошига тушган кулфатлар, қўшни қабилаларнинг босқинчилиги, уларга қарши олиб борган қахрамон она кураши. Кул Тегиннинг ушбу қабилаларни бирлаштириш учун саъй-харакатлари баён қилинади. Кул Тегин тарқоқ қабилаларни бирлашишига душманнинг хийлаю найрангига учмасликка, ахил бўлишга даъват қилади. Битиктошда Кул Тегиннинг қуйидаги гаплари келтирилади: «Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим , бахтим, бор учун мен сизларга Хокон бўлдим. Хокон бўлиб йўқ, кашшоқ халқни яхшилаб оёққа тургаздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим...» [1-3]

Умуман, тош битиклардаги ахлоқий фикрлар, ибратомуз сўзлар хозирги авлодни юксак ватанпарварлик рухида тарбиялашда, улар онгига ўз туғилган жойига мухаббат уйғотишда, қадимий урф одатлар ва ахлоқий қадриятларни синглиришда мухум ахамиятга эгадир[1].

Ўтмишда Мавороуннахрда ва Хуросонда битилган дарслик қўлланмаларда умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан миллий ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларига кенг ўрин берилган. «Кайковус»нинг «Қобуснома», Ибн Синонинг «Ахлоқ фани», «Тадбири манзил», Навоийнинг «Махбубул-қулуб» Жомийнинг «Бахористон», Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» ва бошқа рисолалари шулар жумласига киради. Буларда сабр – тоқат, донолик, халоллик, хаё, адолат, иффат, мехр-шавқат, мулойимлик, ростгўйлик, камтарлик, ота-онани хурмат қилиш, фаросат, уят – андиша, виждон, ватанни севиш, дўстлик, мехнатсеварлик, илм ва касб хунарни эгаллаш ва хулқ – одоб қоидалари ёритилган. Буларнинг барчаси ёш авлодни тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аликулов Х. Миллий мафкура ва ахлоқ // Мулоқот. №7-8. 1994.
2. Рахмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. Тошкент. 2006.
3. Юсупов Э. Саодат калити // Тафаккур. №1. 1994.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ: ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛИ МАСАЛАЛАРИ

Рахимов Ф.А.,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи дастурчиси

Ҳозирги кунда баркамол авлод тарбияси, ёшларни фан ва маданият билан яқиндан танишувида, илм-фан ва маданият ривожида, шунингдек халқ таълим-тарбияси ва маърифий-маънавий юксалишида музейларнинг ўрни табора ўсиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёв таъкидлаганларидек, «дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишга раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир[417].

Мустақиллик туфайли республикамизда музейларга бўлган эътибор янада кучайди. Натижада, 2005 йилга келиб музейлар сони ортиб 140 тани ташкил этди. Шулардан тарих музейлари 75 та, Ўлкашунослик музейлари 23 та, Бадиий Санъат Кошоналари 10 та, мемориал муассаса 20 та, адабиёт музейлари 8 та, табиат музейлари 4 тадан иборат. Айни пайтда буларда 1 миллион 600 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд[418].

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам жуда қадим даврлардан буён халқ руҳияти, турмуш шароитларини ўзида акс эттирувчи амалий санъат асарларини яратиб келган. Табиийки, моддий маданият маҳсули бўлган халқ амалий санъат асарлари ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтиб, авлодларнинг бебаҳо маданий бойлигига айланиб бораверади.

Жамиятни маънавий-ахлоқий камолга етказишга кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг катта аҳамият касб этишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими Вазирлигининг 2002 йил июн ойида қабул қилинган Республика Олий ва ўрта- махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва ёшлари ўртасида маънавий маърифий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қўшимча буйруқлари[419] ва шу асосда вилоят ҳокимлигининг қарор, тадбир-режалари ва кўрсатмалари музейлар ва ўқув юртлари

[417] *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 27.
[418] library.ziyonet.uz/ru/book/download/36217
[419] Бекмуродов М.Б. *Музейшунослик.* Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 71.

ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамда маданий маърифий ишларни ҳамкорликда олиб боришга кенг имкониятлар яратиб берди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда бир қатор янги музейларнинг ташкил этилиши ушбу соҳага ҳукумат даражасида берилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Жумладан, 1992 йил май ойида Наманганда улуғ ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи очилди. 1992 йил сентябрда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида миллий мумтоз мусиқа ва куйларнинг машҳур ижрочиси, Хоразм ҳофизлар мактабининг асосчиси Хожихон Болтабоев номидаги ўзига хос ноёб мақомчилар музейи ташкил этилди. Урганчда шу ойда эса қадимги Хоразм Амалий санъати ва тарихи музейи очилди. Бу музей экспозицияларини уч мингга яқин турли экспонатлар тарихий ҳужжатлар, қадимги хоразмликлар фойдаланган уй-жой анжомлари, тикувчилик ва гилам маҳсулотлари, идиш - товоқлар, меҳнат қуроллари ташкил этади[420].

1992 йил ноябр ойида Бухорода Ўзбекистонда биринчи марта темирчилик музейи очилди. 1992 йил декабрда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида очилган халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг Уй-музейи биринчи меҳмонларни қабул қилди. 1993 йил 3 сентябрда Тошкентда ўзбек аёллари ичидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима академик Хадича Сулаймонова музейи очилди. 1993 йил 1 сентябрда Тошкент Давлат техника университети қошида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Политехника музейи очилди. 10 сентябрда Тошкентда ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи, 21 сентябрда эса Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги Жабой Балимановнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берувчи музей фаолият бошлади. Шу йил ноябр ойида Тошкентда очилган Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи ўз мухлисларини кутиб олди[421].

1994 йил май ойида Тошкент шаҳрида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти музейи, октябрда Ўзбекистон халқ рассоми Уста Муҳиддин Раҳимов ва унинг ўғли Акбар Раҳимовларнинг кўргазмали музейи очилди.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда очилган Темурийлар тарихи Давлат музейи Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий ва маънавий ишлар борасида йирик тарихий ва маданий ёдгорлик, илмий тафаккур маркази бўлиб қолди[422]. Музей экспонатлари жуда катта

---

[420] Ўктамжонова М. «*Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништириш» БМИ*. Гулистон, 2014. –Б. 9.

[421] Ўктамжонова М. «*Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништириш» БМИ*. Гулистон, 2014. –Б. 10.

[422] Караманова Г.К. Музейшунослик (маъруза матнлари). Нукус, 2007. –Б.20.

тарихий қимматга эга бўлиб, Темурийлар даври руҳини беради. Музейга қўйилган тилла буюмлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбоши ва оддий жангчиларнинг кийим - бошлари, мусиқа асбоблари, ўша даврга хос жиҳозлар, Амир Темур, Бобур қўлёзмалари, Улуғбекнинг астраномик қурилмалари ва бошқа маданий бойликлар шулар жумласидандир.

1996 йилнинг 1 сентябрида Тошкентда яна бир Осиёда ноёб ва ягона бўлган Олимпия шон-шуҳрат музейи очилди[423]. Бу музей ўзбекистонлик спортчиларнинг турли жаҳон мусобақаларида қўлга киритган муваффақиятларини, медалларини фақат намойиш этадиган жойгина бўлиб қолмай, балки мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази ҳам бўлиб қолди.

Тошкентда 1996 йил майида Ўзбекистон гидрометеорология хизмати музейи ишга тушди. Шу йилнинг 30 ноябрида Тошкентда очилган қимматбаҳо қоғозлар бозори тарихи музейига ташриф буюрган томошабинлар биринчи марта турли даврларга саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлдилар.

1997 йил октябр ойида Бухорода машҳур бухоролик зарб қилувчи уста Салим Ҳамидов музейи очилди.

Маълумки, тарих музейлари халқ хотирасининг ифодаси ҳисобланади. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилинди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо қилган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам ҳиёбон барпо этилди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган ва 2002 йил 1 августда - қатағон қурбонларини ёд этиш кунида очилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурувчилар, меъморлар ва тарихчи олимларнинг улкан меҳнати маҳсули бўлди. Халқимизнинг миллий қадр-қиммати тикланишига, ўзлигини қайтадан намоён этишга истиқлол йўл очди ва биз она Ватанимиз ва халқимиз тарихи билан фахрланиш, ўтган аждодларимизнинг қутлуғ хотирасини эъзозлашдек юксак инсоний-маънавий имкониятларга эга бўлдик. Мажмуа қай тарзда дунёга келганлиги ва музей айнан шу жойга мўлжалланганлиги тўғрисида академик Наим Каримовнинг келтирган манбаларидан қуйидагилар аён бўлади: Бугун кўркам зиёратгоҳ барпо этилган жойлар XX асрнинг қарийб 80-йилларига қадар Тошкентнинг энг пастқам, хилват гўшаси бўлган. Бу ердаги бирдан-бир иншоот «Алвасти кўприк» деб номланган. Худди шу ернинг 20-йиллар адоғидан бошлаб мустабид давлатга қатағон

[423] Караманова Г.К. Музейшунослик (маъруза матнлари). Нукус, 2007. –Б.20.

ўрнида хизмат қилгани ҳам тасодифий эмас. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра, 20-40-йиллар орасида бу ерда учта қатлгоҳ бўлган. Уларнинг бири - телевизион миноранинг Ишчилар шаҳарчаси томон тушган «оёғи» атрофида, иккинчиси зиёратгоҳнинг юқори тарафида, ниҳоят, учинчиси «Абразив» заводининг ўрнида бўлган. Шу тарзда Юнусобод қарийб ярим аср мобайнида халқимиз тарихидаги энг даҳшатли воқеаларнинг тилсиз гувоҳига айланган[424].

Музейда истиқлол йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борилган катта ва муҳим ишлар алоҳида экспозицияларда акс этган. Бу экспозицияларнинг жойлашиши ва уларни кўз қорачиғидай сақлашда қандай технологиялардан фойдаланилаётгани жуда муҳимдир. Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган ёдгорлик мажмуи ва музейи айнан шу жойда - кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида бежиз барпо этилгани йўқ. 130 йил давом этган мустамлакачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Бугунги кунда республиканинг катта ва кичик шаҳарларида, туманларида халқнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намойиш қилувчи 510 дан зиёд музейлар ишлаб турибди[425]. Жамиятни маънавий-ахлоқий камолга етказишда, кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни маърифатли қилишда музейларнинг роли катта аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бой табиий-иқтисодий, тарихий-маънавий, ақл-заковат салоҳияти, энг муҳими сабр-бардошли, диёнатли, ватанпарвар ва миллатпарвар, меҳнаткаш ва бағри кенг, диёнатли халқи бўлган мустақил Ўзбекистон бугун ривожланган давлатлар орасида муносиб ўрин эгалламоқда. Бу ҳайратомуз ютуқларга энг аввало халқнинг азалий орзу-умидлари, мақсад-интилишларини том маънода ифодаловчи ва ҳар томонлама ҳимоя қилувчи, аждодларимиз қолдирган бой тарихий тажриба ва маънавий меросга таянган мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тамойиллари мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Музейлар халқнинг ўтмиш тарихини образли тарзда гавдалантириш ва тарихий хотирасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. «...Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз

[424] http://toshkent.uz/uz/article/462/

[425] Ўктамжонова М. «*Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништириш» БМИ*. Гулистон, 2014. –Б. 10.

бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»[426].

Бинобарин, музейлар ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўринга эга. Кишилар учун энг аввало маърифий-маданий, илмий ва дам олиш маскани бўлган музейларни ўтмиш ва ҳозирги ҳаётимизнинг ойнаси дейиш мумкин. Кейинги йилларда барча соҳаларга замонавий технологиялар жадал суратларда кириб келмоқда. Бу эса ушбу соҳаларнинг замон билан ҳамнафас тараққий этишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, музейлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш музейлар тараққиётида катта рол ўйнамоқда. Фан-техника тараққиёти илғор ютуқларининг бошқа барча соҳалари қатори музей ишига ҳам кириб келиши табиий ҳол бўлибгина қолмасдан, ҳаётий зарурат ҳамдир.

Хусусан, 90-йилларда ҳозирги тушунчамиздаги компютерлар яратилиши билан музей соҳасида маълумот тизимини шакллантириш, ахборотни тўлақонли етказиш имкониятлари кенгайди. Айниқса, музей мутахассислари компютерни эгаллаши ва ягона тармоқнинг вужудга келиши музей фондларини ҳужжатлаштиришда кўпгина қулайликларни яратди. Жумладан, экспонатларнинг тасвири рақамли фотокамера орқали бевосита компютерга киритилмоқда. Уларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар эса илова қилиниб, зарурият туғилганида мутахассислар томонидан қўшимчалар ва тузатишлар киритилади. Бу музей ишида доимий ҳаракатда бўлган каталог ва картотеканинг сифати кескин яхшиланишини таъминлади.

Интернет тармоғининг кириб келиши мазкур жараённи халқаро миқёсда фаоллаштириб юборди. Ҳозир ундаги «Музейлар», «Маданият» бўлимларига кириб дунёнинг хоҳлаган музейи бўйлаб «сайр» қилиш, музейлар ҳақида умумий маълумотлардан ташқари, фонд экспонатлари, янгиликлар, махсус тадбирлар ва илмий анжуманлар ҳақида, соҳа мутахассис-ходимлар манзили, уларнинг интернетдаги электорон почталари ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. АҚШдаги АМИКО консорсиуми тарқатган маълумотга қараганда, Интернет тармоғида икки ярим миллиондан ортиқ музей экспонатларининг суратлари акс эттирилган картотека тизими мавжуд[427].

Ўзбекистон музейлари ҳам интернетда ўзларининг сайтларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ходимларини шахсий компютер техникаси билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилган. Музейда Интернет тармоғига уланиш, сайт яратиш

[426] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.Т.6. – Б.117.

[427] http://fikr.uz/blog/MRDI/11061.html

ва маълумотлар базасини барпо этиш устида салмоқли ишлар амалга оширилган. Илк қадам сифатида, музей фондидаги қўлёзмалар тўпламини электорон СКМ дастурига киритиш ишлари бошлаб юборилди. Республикамиз музейларида бу соҳадаги ишлар аста-секин олиб борилмоқда.

Маълумки, музейнинг асосий вазифаси йиғиш, сақлаш ва намойиш этишдан иборат. Бугунги кунда музейлар замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ўзларига тегишли экспонатларнинг сақланишини таъминлашлари мумкин. Чунки, аниқ ҳисобга олиш музей бойликларини бут сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, бошқа маданий муассасалар қаторида музейларимизнинг ҳам электрон нашрлари билан дунё маълумотлар оқимига қўйилишларини табиий ҳол ва замон талаби деб қабул қилмоғимиз лозим. Зеро маълумот тарқатиш билан музей ўзини жамиятда реклама қилиши, томошабинларни кўпайтириши ва ҳорижий ҳамкасблар билан тез ва қулай алоқа ўрнатиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, шу билан бирга ҳозирги кунда тарихчи, санъатшунос, музейшунос тадқиқотчилар ва ижтимоий соҳанинг бошқа вакиллари музей бойликларини тўлақонли илмий ўрганиш бугунги кун ушбу соҳа тадқиқотчилари олдидаги долзарб масалалардан саналади.

Зеро, асрлар мобайнида инсоният цивилизациясининг нодир дурдонасига айланган моддий-маънавий меросимизни бекаму-куст халқимиз орасида тарғиб қилиш келажак авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК БИНОЛАРИНИНГ ЎРНИ

Махмуджонов М.М
К.Бехзод номидаги МРДИ магистранти

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармонида юртимизда ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланти-ришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида қабул қилинган эди.

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига Мустақилликка эришилгандан сўнг ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво Йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳам ҳиссаси каттадирю. Ҳозирга кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфида 12 та аэропорт мавжуд бўлиб, улардан олтитаси - Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Навоий ва Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга.

Тошкент аэропорти 2001 йилда қайта таъмирдан чиқарилган бўлиб, унда соатига 1000 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. ҳар йили Тошкент аэропорти хизматларидан 2 миллион киши фойдаланади. Тошкентдан дунёнинг аксарият йирик шаҳарларига, жумладан, Амстердам, Анталия, Анқара, Ар-Риёд, Афина, Ашхабод, Баку, Бангкок, Бахрайн, Белград, Бирмингем, Бишкек, Бодрум, Бухоро, Ганоэ, Дакка, Дэҳли, Доха, Душанбэ, Экатеринбург, Эреван, Жидда, Зарафшон, Иркудск, Исломобод, Истамбул, Карачи, Киэв, Краснодар, Красноярск, Куала-Лумпур, Лондон, Минск, Москва, Навоий, Наманган, Нижнекаменск, Нижний Новгород, Новосибирск, Нукус, Нъю-Йорк, Олма-Ота, Омск, Осака, Париж, Пекин, Перм, Сайгон, Самара, Самарқанд, Санкт-Петербург, Сеул, Симферопол, Рига, Рим, Ростов, Тбилиси, Тел-Авив, Термиз, Техрон, Токио, Тюмен, Урганч, Урумчи, Уфа, Фарғона, Франкфурт, Хабаровск, Чэлябинск, Чўлпон-ота, Шаржа, Қарағанда, Қарши, Қозон шаҳарларига самолётларда етиб бориш мумкин. Тошкент аэропортида йўловчилар қулайлиги учун кенг ва қулай мебеллар билан жиҳозланган кутиш майдонлари, куни бўйи ишловчи паспорт, божхона, чегара назорати хизматлари, маълумотхона, юкларни конвеерда ташиш хизматлари, халқаро телефон, чипталарни сотиб олиш ва бандлаш кассалари, дутй-фреэ дўконлари, ресторанлар, барлар,

тамаддихоналар, валюта айирбошлаш пунктлари, ўта нуфузли меҳмонларга хизмат кўрсатиш ВИП майдони, қулайлиги оширилган ЦИП майдони кабилар ташкил этилган.

Тошкент аэропортида «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Бритиш Медитерреониэн Айруэйс», «Азиана Айрлайнз, ИНК», «Авиализинг», «Арон Айр», «Люфтганза», «Турк ҳаво Йўллари», «Тбилавиамшэни», «Уралскиэ Авиалинии», «Стримлайн», «Эйр Казахстан», «Авиалинии Украину», «Тожикистон», «Армянские авиалинии», «Бэлавиа», «Пулково», «Пермские авиалинии», «Кавминводавиа», «Татарстан», Компания -ЦС (Авиатион) Лимитед, «Аэрофлот - Российскиэ авиалинии», «Аэрофлот - Дон», «Сибир», «Красноярскиэ авиалинии», «Самара», «Трансаэро», «Домодедовские авиалинии», «Русаэро», «Имейр», «Тапо-Авиа» каби авиакомпанияларга хизмат кўрсатилади.

Франция, Исроил, Скандинавия мамлакатлари, Англия, Жанубий Корея ўзларининг юк самолётлари учоқ транзит аэропорт сифатида Тошкент аэропортидан фойдаланишади. Тошкент аэропортида дунёда ишлаб чиқарилаётган барча самолёт турларини қабул қилиш мумкин.

Самарқанд аэропорти соатига 400 йўловчига хизмат кўрсата олади. Самарқанддан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Симферопол, қозон шаҳарларига, шунингдек, Япония ва Европа мамлакатларига этиб бориш мумкин. Аэропортда ВИП - ва ЦИП - майдонлари, кутиш майдонлари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, авиакассалар, почта хизмати хонаси, халқаро ва шаҳарларо телефон хизмати, барлар, ресторан, валюта айирбошлаш шоҳобчаси бор, янги «Дутй-фреэ» дўкони очилиши устида иш олиб борилмоқда. 2004 йилда Самарқанд аэропорти МДҲ мамлакатларидаги йилига 100 мингтагача йўловчига хизмат кўрсатувчи аэропортлари орасидаги «Йилнинг энг яхши аэропорти» конкурсида қолиб бўлган.

Янги Бухоро аэропорти 1997 йилда ишга туширилиб, халқаро мақомга 1999 йилда эришган, соатига 150 йўловчига хизмат кўрсатади. Унда кенг кутиш майдони, буфетлар, дўконлар, медпункт, юкларни сақлаш хонаси, миллий анъаналарда безатилган ВИП ва ЦИП-майдонлари мавжуд. Бухоро аэропортидан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига, шунинг МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатларга учиш мумкин.

Янги Урганч аэропорти соатига 300 йўловчига хизмат кўрсатади. Унда кутиш майдони, тиббиёт пункти, барлар, кафе, валюта айирбошлаш шоҳобчаси, сувенирлар дўкони мавжуд, аэропортдан Тошкент, Москва шаҳарларига ва дунёнинг бошқа мамлакатларига учиб бориш мумкин.

Ўзбекистон туризмининг ривожланишига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик темирйўл компанияси ҳам ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Бу ташкилот 1994 йилнинг 7 ноябрида ташкил

этилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 4000 километрга яқин узунликдаги темир йўлларга эга. Ташкилот томонидан Тошкент-Самарқанд орасида шинам тезюрар поезд қатнашининг ташкил этилиши туристлар учун катта қулайликлар яратиб берди. Ташкилот томонидан Самарқанддан Сурхондарё вилоятига ўтувчи темир йўл тизими такомиллаштирилмоқдаки, бу ҳам Ўзбекистон туризмининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир. Шунингдек, мустақил Ўзбекистон асосий тармоқи бўлиб ҳисобланган халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси асосида Тошкентдан Фарғона водийси орқали ҳўшни мамлакатларга чиқиб кетувчи темир йўлнинг қурилиши ҳам Ўзбекистонга келувчи халқаро туристлик оқимини орттириши мумкин.

Тошкентдан Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Москва, Тошкент-Қўнғирот, Тошкент-Шовот, Тошкент-Саратов, Тошкент-Термиз, Тошкент-УФА, Тошкент-Ҳарков, Тошкент-Андижон, Тошкент-Бухоро, Тошкент-Китоб йўналишларида қатновчи поэздлар жўнатилади ва қабул қилинади, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида Андижон - Бухоро, Қўнғирот - Бейнов, Душанбе-Астрахан, Кўлоб -Астрахан, Ленинобод-Саратов, Душанбе - Конибодом, Конибодом-Қўрғонтепа поездлари ҳам ҳаракатланади.

Айни пайтда юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига республикамизни жадал тарраққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий - Нукус, 233 километрлик Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган тезкор автомобил йўлининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беғиёс эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақамизда мавжуд бўлган бой минерал - хом-ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириб учун кенг имкониятлар яратди ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат ҳилади.

Кейинги йилларда республикамизда туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 2-июндаги «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони бу ишни юксак даражага кўтариш муаммоларини ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлди. Фармон ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклаш, бунга хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш, шунингдэк, замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий

мақсадини қаратди. Бунинг учун эса қуйидаги ўта муҳим ва долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим. Масалан, «Буюк Ипак йўли» даги шаҳарлар - Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида туристлар учун божхона расм-русумларини халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек, транзит туристлар учун махсус божхона зоналари жорий қилиш кузда тутилди. Ушбу шаҳарларда янги ташкил этиладиган туристлик ташкилотлар ва корхоналар барпо этилган пайтдан бошлаб, дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилиш имконияти туғилди. Шу мақсадда мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили (даромад) солиғининг 50% ини, иккинчи йили 75 % ини, учинчи йилдан бошлаб 100 % ини тўлашлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб кетадиган фойдадан 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонхоналарини ва меҳмонхона инфратузилмаси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шарти билан кредитлар берилиши ҳамда «Ўзбектуризм» МК Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестистия банки - «Ўзсаёҳатинвестбанк» ни ташкил этишларининг белгилиб қўйилиши соҳа ривожи учун олиб борилаётган давлат сиёсатининг нечоғли тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Шунингдек, халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этиш учун жавобгарлик «Ўзбектуризм» МК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларининг, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликларининг, чэгара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси 1995-йил 3-июнда «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда Президэнт фармонини тўлдириб, яна қуйидаги муҳим масалалар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди: тегишли ташкилотлар билан биргаликда туристларни авиа ва темир йўл транспорти орқали ташишда имтиёзлар бэриш тартибини ишлаб чиқиш, махсус божхона ҳудудларини ташкил этиш, уларни замонавий назорат техникаси билан жиҳозлаш вазифаси

юклатилди. Қарорда туризм тизимидаги хусусийлаштирилаётган объэктлардан тушган маблағлар «Ўзбектуризм» МК бўлинмаларини қайта қуриш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида «Ўзсаёҳатинвестбанк»ка ўтказиш белгилаб қўйилди.

Валюта операцияларида имтиёзлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч-Хива йўналишларида йўлларни ободонлаштириш, сервис хизматларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, шаҳардан ташқарида жойлашган туристлик объэктлар учун коммуникастия тармоқлари тўлови бўйича имтиёзлар бериш, туристлик иншоотлар қурилиши бўйича тендерлар ўтказиш, туристлар бўладиган жойларда амалий ва тасвирий санъат, халқ ижодкорлиги буюмлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш-сотишда шаҳобчалар ташкил этиш, хорижда туристлик ваколатхоналар очиш ҳам мазкур қарорда бэлгилаб қўйилган вазифалар эди.

Ҳозирги кунда туризм инфратузилмаси жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу соҳада ривожланган давлатларда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунда шаҳарнинг кўркига кўрк қўшувчи жамоатчилик бинолари бинолар аэропорт ва темир йўл вокзаллари ўрни беқиёсдир ва уларнинг замонавий кўринишда бунёд этилиши ҳам муҳимдир. Шу сабабли туризмни ривожлантиришда илғор мамлакатлар модэлидан фойдаланиш ва улар эришган ютуқларни республикамиз туризмига татбиқ этиш йўлларини ўрганиш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси. -Т.: Ўзбекистон. 2003 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни. -Т;. 1999 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. -Т.: Адолат, 2000 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармон

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўли»ини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора – тадбирлар тўғрисидаги» ПФ-1162 сонли фармони. //Халқ сўзи, 1995.3-июн.

6. Ўзбекистон Республикаси Президэнтининг «Ўзбектуризм» МКсининг ташкил топиши» тўғрисидаги ПФ-447 сонли фармони. 27 июля 1992 йил. //Халқ сўзи.1992. 27 июл.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодэкси» ва унда туризм соҳасига оид имтиёзлар тўғрисидаги қарори. Халқ сўзи // 1997-йил 24-апрел

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги 346 сонли қарори. - Халқ сўзи 9-август 1998 й

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини листензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 й 12 ноябр

10. «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш хақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 й.

11. Х.Кадиров. «Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини такомиллаш-тириш масалалари». БМИ, Бухоро. 2014.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ОНГИДА ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ ОНГ, ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўролова М. М.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Ёшлар билан билан ишлаш
маърифий-услубий бўлими методисти

XXI аср - информатцион технологиялар асри деб ном олган бугунги замонда — огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик фазилатлари бурч ва давр талабига айланмоқда. Яъни огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик бурчи ва масъулиятини ўқувчи-ёшлар онги ва қалбида уйғотиш, шунингдек, суҳбат - мулоқотлар давомида огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрликни уйғотувчи бирламчи тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш лозимдир.

Инсониятнинг бутун ўтмиши хотиралардан, келажак авлодлар йўлини ёритувчи, адолатли йўлларга бошловчи сабоқлардан иборат. Улар йиллар ўтгани сари мазмун-моҳиятига кўра эзгулик ва тараққиётга, тинчлик-тотувликка хизмат қилувчи муҳим хулосаларга айланади.

Миллатнинг келажаги, жамиятнинг тараққиётга юз буриши, маънавий-ахлоқий даражаси, халқ турмуш тарзининг фаровонлашуви, орзу-умидларнинг рўёбга чиқиши мана шу сабоқ ва хулосаларни англаш ва уларга оғишмай амал қилишга боғлиқ. Хотира фақат инсонларга хос бўлиб, жамият ҳар бир аъзосининг ўтмишдан, воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, ўз аждодларининг юксак инсоний фазилатлари, эзгу амаллари, келажак наслларга қолдирган маънавий-маърифий меросидан баҳрамандлиги оқибатда миллий хотира ва қадриятга, жамиятнинг маънавий пойдеворига айланади.

Хотиранинг уйғоқлиги деганда, энг аввало, шу пойдеворни, унинг нечоғли мустаҳкамлигини тушунмоқ керак. Тарих ўтмиш ҳақида маълумот тўпловчи ва сақловчи хусусиятларга эга бўлган ва уни англаш жараёни бўлиб, аждодлар, инсон ва инсониятнинг тарихий тажрибаси ҳақида мушоҳада юритишни акс эттирувчи ижтимоий хотирадир. Замонавий ижтимоий фанлар соҳасида тарихий хотира тушунчаси ва тамойилига талаб кучайиб бормоқда. Тарихий хотира масаласига нафақат тарихчилар, музейшунослар балки социологлар, маданиятшунослар, ёзувчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам катта эътибор қаратмоқдалар ва унга мурожаат қилмоқдалар.

Ўзбекистоннинг Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бугун Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» қарорини қабул қилиниши ҳам айни муддаодир. Бугун ёшларимиз Интернет тармоқлари орқали кўп маълумотлардан хабардор бўлмоқда. Интернет тармоғини қандайдир темир девор билан тўсиб, таъқиқлаш – бу мутлақо ақлга сиғмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳал қилишга етарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Шунинг учун барчамиз, биринчи навбатда, ота-оналар, вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак» деб, алоҳида таъкидлайдилар.

Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг камолини кўришни, уни бир соҳанинг етук мутахассиси бўлишни, у тўғрисида фахрланарли гаплар эшитишни хоҳлайди. Бу мақсадга етишишда эса энг асосий вазифа сифатида уни моддий таъминлаш вазифасини биринчи ўринга қўйишади. Лекин шунинг баробарида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, улардаги соғлом эътиқодни шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш бу йўналишдаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Демак,

ўз фарзандлари билан дўстона муносабатда бўлиш, мунтазам мулоқотда бўлиш, унга ҳар томонлама намуна бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир педагог ўқувчисига ҳам отаси, ҳам онаси, ҳам унинг дўстидек муносабатда бўла олиши яъни, «Олтин оралиқни топа билиши» муҳимдир.

Тарихий хотира нафақат ўтмиш ҳақидаги тушунчалардир, балки инсоннинг ўз-ўзини англаши жараёнидаги асосий омилдир. Хотира инсон учун хос бўлган юксак хусусиятлардан бири бўлиб, ўз ўтмишига (аждодлар ўтмишига) мушоҳадавий ёндашиш ва хулосалар чиқариш орқали ўзликни англаш ва аниқлашнинг асосий омилидир. Хотирасидан маҳрум бўлган инсон ўзини ва ўзлигини англаш имкониятидан ҳам маҳрум бўлади. Хотира абстракт билишдан фарқланган ҳолда, бу билим инсон томонидан кечирилган ва ҳис қилинган билим бўлиб, у инсоннинг ҳаётий тажрибаси ҳисобланади.[428]

Тарихий хотира - жамиятнинг тарихий тажрибасини сақлаш ва мушоҳада қилиш бўлиб, у умумий хотира сифатида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда тарих ва тарихий хотира тушунчалари бирдек қабул қилинади ва тушунилади, аслида эса бундай эмас ва аксинча, айрим ҳолларда олимлар томонидан бу тушунчалар бир-биридан алоҳида ўрганилади. Тарихни ўрганиш ўтмишни акс эттириш хусусиятига кўра бирмунча аниқ йўналтирилган ҳолда тадқиқ этиладиган бўлса, ўтмиш ҳақида оғзаки ахборотларнинг бугунги кунларгача етиб келиши афсоналар ва ривоятлар мазмунида келиши мумкин.[429]

Тарих энг аввало, жамиятнинг ўзлигини англаш ва идентификациялаш омилидир. Тарихий хотирани шакллантиришда ўқувчи –ёшларимизни давлат тарих музейларига жалб этиш самарали ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида энг қадимги даврдан, энг янги даврга оид бўлган экспонатлар мавжуд бўлиб кўплаб ўқувчи-ёшларимизда тарихий онг, тарихий хотирани шакллантиришда муҳим омил бўла олади. .

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам музейшунослик, туризм ривожи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Музейлар халқимизнинг тарихи, маданияти ва қадриятларини ўзида мужассам этга олган маданий-маънавий тарбия масканига айланмоқда. Ўзбекистон тарихи давлат музейида таркибида 2011йилдан бошлаб, фаолият олиб бораётган «Мўъжизалар олами» бўлими Республикамиз миқиёсида боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талаба ёшлар, ота-оналар, хорижий меҳмонлар эътиборини

[428] Репина Л.П. История исторического знания: пособие для вузов. 2-е изд., М.: Дрофа, 2006. 10-11 - бб.
[429] Тарихий хотирага берилган таърифлардан бири айнан ўтмиш ҳақидаги маълумотларнинг афсоналар ва ривоятлар кўринишида авлоддан-авлодга ўтиб бориши, деб кўрсатилади. Тарихий хотира масаласи билан XX асрда француз тадқиқотчилари Морис Хальбвакс ва Пьер Норалар шуғулланганлар.

жалб этган ҳолда кўҳна тарихимиз ҳақида кўплаб маъмулотларни баён этмоқда. Ҳар қандай жамият барқарорлигининг, айниқса маънавий юксаклигининг энг муҳим омиллари қаторида мустаҳкам кўринишдаги тарихий онг тушунчаси ҳам турар экан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, « юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.» [430]

Инсоният тарихи бу ҳар биримизга боғлиқ бўлган, ўзлигимизни кўрсатадиган, бизнинг олис шажаримизни, наслу насабимизни, инсоний қадру қимматимизни белгилайдиган, муқаддас ва мўътабар воқелик. «Тарих айни тафаккур маҳсулига айланган тақдирдагина бизни маънавий жиҳатдан бойитиши, руҳиятимизга қудрат бахш этиши мумкин бўлади.[431]

Инсониятнинг минг йиллардаги тарихи ва тарихий тараққиёти жараёнларига ҳамда маданияти ва маънавий, илмий ҳазинасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизга, халқимизнинг минглаб фарзандларининг юрт мустақиллиги, тараққиёти, тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги фаолияти ва улар қолдирган меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида тарихий хотира ва тарихий онг сифатида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олишининг таъминланиши замонавий тарих фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

«Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир.»[432]

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, -»Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган».[433]

Ҳаракатлар Стратегиясида таълим ва фан соҳасининг ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотчилар ёш авлодни ватанпарварликка, уларда миллий ғурур уйғотишга хизмат қилиши, аждодларимизнинг ишларини давом эттиришга ундаши керак. Дунё давлатлари тинчлиги ва равнақига таҳдид солиб турган шовинизм, миллатчилик, ақидапарастликни олдини олишда тадқиқотлар умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида ёзилиши, тарихий

[430] Юксак маънавият - енгилмас куч. 9-б.
[431] Тарих фалсафасининг назарий асослари. 25-б.
[432] Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 16-б.
[433] Юксак маънавият - енгилмас куч. 3-б.

тадқиқотлар том маънода мукаммал билим ва маънавий комиллигини етакламоғи зарур.

Зеро, илм-маърифат ўзликнинг англашнинг муҳим шарти бўлиб, ўзлигини англаган, ор-номусли, ғурурли, бирсўз билан айтганда, тарихий онг, тарихий хотиранинг бир-бирига, дунёқарашга таъсир этадиган жиҳати, миллий бирлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик туйғусини мужассамлаштиради. Миллий бирлик, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, аҳиллик маълум миллий ғояга, мафкурага таяниб, англанган муштарак мақсадлар сари боришдир. Шундай экан, мафкуравий таҳдидларга қарши юксак маънавиятли, маданиятли, маърифатли инсонлар давлатимиз ҳавфсизлигини, мустақиллигини таъминловчи куч сифатида Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

САМОВИЙ ТУЛПОРЛАР СОҒИНЧИ

УсмановаУ.М.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
кичик илмий ходим

Ўрта Осиё худуди асрлар бўйи асл зотли тулпорлар етиштириш тажрибаси билан машҳурдир. Отлар дунёнинг маданий жиҳатдан анча ривожланган Месопотамия ва Яқин Шарқ давлатларига асосан Ўрта Осиёдан тарқалган. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, от инсоният томонидан ўргатилган ва хонакилаштирилган дастлабки ҳайвонлардан бири бўлиб, Ўрта Осиё худуди, жумладан Ўзбекистон ва Туркманистон отларни хонакилаштиришнинг асосий ўчоғи деган фаразни илгари сурадилар. Бу ерда ёввойи отларнинг ингичка оёқли турлари қўлга ўргатилган.

Қадимги замонларда Римдан Хитойгача бўлган мамлакатларда Ўрта Осиёнинг «саман отлари» тенги йўқ ҳисобланган. Бу отлар ҳозирги ахалтекин, қорабайир, лақай номли отларнинг аждодлари эди. Қорабайир, ахалтекин ва ёвмид отлари ҳақли равишда жаҳон йилқичилигининг гавҳари ҳисобланади. Хусусан, ўзбек қорабайирлари на тоғ, на даштни писанд қилган. Очлик ҳам, сувсизлик ҳам уларга пеш эмас. Аждодларимиз отларни ҳам ўз характерларига қараб тарбиялашган. Қорабайир арғумоқлар дадил, чаққон, чидамли, мағрур, жасур, учқур, зийрак, садоқатли бўлиб, эгасининг хақиқий дўсти, оиланинг тенг аъзоси сифатида қадрланган.

Бизнинг самовий тулпорларимизга кимларнинг ишқи тушмаган, дейсиз. Эрон подшолари, юнон-македон аслзодалари, Хитой императори ...

Милоддан аввалги 140-187-йилларда Хитой давлатида Хан сулоласининг вакили император У-ди хукмронлик қилган. Унинг асл исми Люче бўлиб, тахтни У-ди яъни, «жанговар хукмдор» номи билан бошқарган. У-ди ниҳоятда қаттиққўл, қобилиятли, шуҳратпараст ва жанговар шахс бўлган. У атрофдаги қабилаларни ўзига итоат эттириб, уларнинг ерлари ҳисобидан Хитой ҳудудини кенгайтирмоқчи бўлган. Аммо ўша даврдаги Хун ҳоқонлиги ушбу мақсадни амалга оширишда тўсиқ бўлаётган эди. Қолаверса, У-динининг ўзи ҳам хунларни тор-мор келтириб, уларнинг назорати остидаги ерларни ва бойликларни тортиб олишни жуда истар эди. Бироқ хунларга қарши олиб борган урушлари натижа бермагач, У-ди масалага бошқача ёндашган. У илгари хунлардан азият чекаётган халқларни бирлаштириб, ҳарбий иттифоқ тузишни мақсад қилди. Шундай халқлардан бири Хитой манбаларида «Да-юечжи» деб номланган юэчжилар бўлиб, милоддан аввалги 172-161 йиллари хунлар юэчжиларнинг ҳукмдорини ўлдирган ва бу халқ ҳозирги Ўзбекистон ва Афғонистон ҳудудига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Юэчжилар милоддан аввалги 130 йиллари Марказий Осиёда йирик империя, яъни Кушонлар империясига асос солган. Хан ҳукмдори У-ди айнан шу халқни хунларга қарши курашда ягона иттифоқчи бўлади, деган умидда гарчи узоқда бўлса-да ўз элчиси Чжан Цянни милоддан аввалги 139 йилда Даванга юборган.

Чжан Цян Хитойдан Кушонлар империясига етиб келиш учун 10 йил вақт сарфлаб, қаттиқ қийинчиликлар билан Фарғонага етиб келади. Милоддан аввалги 125 йилда Даванга келган Хитой элчиси Чжан Цян бу ерда қишлоқ ва шаҳарлари обод, суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, кучли ҳарбий кучларга эга давлатни кўради. Чжан Цян Даваннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор. Даваннинг барча жойларда узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бузилмай сақланади». Шунингдек, элчи бу давлат аҳолиси жуда хушмуомала, меҳмондўст, кўнгли очиқ инсонлар эканлиги ҳақида маълумот беради. Хитой манбалари қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди.[434] Хитойликларни айниқса ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва узум ҳайратга солган. Манбаларда яна шундай маълумот бор: «Хитой элчиси

[434] Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи 1. Тошкент 2014йил. 180-181 бет

уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди (Хитой императори) унумдор ерга беда ва узум экди». Даванликларнинг боғларида узумдан ташқари анор, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлган. Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пайдо бўлишини Даван билан боғлайдилар.

Чжан Цян кушонларга ўз императори У-динингтаклифини баён этади, аммо кушонлар У-динингхарбий иттифоқ бўлиш таклифини рад этишади, чунки кушонлар «ҳозир яшаб турган ҳудудини табиий жиҳатдан қулай ва яйловлари кўплиги билан» яхши кўриб қолган эдилар.[435]

Чжан Цян ўз вазифасини амалга оширолмагач, Марказий Осиё халқлари ҳақида, қадимги Фарғона давлати ва бу ердаги хитойларга маълум бўлмаган самовий отлар ҳақида маълумот йиғиб, беда уруғи, анор, узум каби мева ва турли ўсимликлардан олиб Хитойга қайтади. Чжан Цян императорУ-дига сафари ҳақида мукаммал хисобот топшириб, Даванда Хитой учун зотли тезчопар отлар борлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Хитой манбалари қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида маълумотлар беради. Даван давлати антик даврда машҳур зотдор отлари билан шуҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. Бу маълумот У-ди учун муҳим эди. **Хитой отлари Фарғона отларига тенг келмас,** уларнинг жуссаси кичик, оёқлари калта, тез чопа олмас эди. Хитойдан ғарбда жойлашган Усуан давлатидаги отлар гарчи Хитойдаги отларга нисбатан бақувват бўлса-да, аммо Фарғона отларига тенг келмасди. Элчи Чжан Цян эсдалигида Фарғона (Дайюан) отлари ҳақида қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган: «Айтишларига қараганда, бу отлар Тангри отларининг авлоди экан. Фарғона давлатида баланд тоғ бор экан, унда тутиб бўлмайдиган от бўлган экан. Зотдор бир отни шу тоғ этагига бойлаб қўйиб, ундан насл олишган экан. Югурганда баданидан қонсимон тер чиқиб турган ва шу боис уни «Тангри отининг боласи» деб аташган экан.

Чжан Цян берган маълумотларга кўра, Хитой императорлари Даванга икки марта юриш қиладилар. Биринчи юриш милоддан аввалги 104 йилда уюштирилиб, хитойликлар Даваннинг маркази Эршига етиб кела олмай, Лобнорда қаттиқ қаршиликка учрайдилар. Ўзганда катта талофат кўрган Хитой қўшинлари Даванга қанғлилардан ёрдам келаётганини эшитгач, император қўшинлари даванликлардан 3000 мингта «самовий тулпор»ни олиб Хитойга қайтишга мажбур бўладилар.

Хитой манбаларида Фарғона отлари ҳақида афсоналар ҳам тўқилган: Хан сулоласи тарихида ёзилишича, Мингди даврида (милодий

[435] Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. Наманган. 2001 йил

58-75) фарғоналиклар «қонсимон терловчи от» деб номланадиган от совға қилган экан. Фарғона отларида узунлиги бир неча сантиметр келадиган юмшоқ шохи бор, одам тилини тушунар, овоз, ўйин ва ноғора товушларини фарқлай олар экан. Суй давридаги (589–619) «Шюй тужи» номли асарда ёзилишича, унинг Фарғона отлари секин юрадиган ва тез чопадиган зотларга ажратилар экан. Аксарият оқ рангли отларнинг қулоғи оқ, ола-була рангли отларнинг қулоғи эса кўпинча қизил, сариқ ва қизил рангли отларнинг қулоқлари эса қора бўлар экан. Бу отларни қулоғининг рангидан фарқлашар экан. Улар бошқа отларга ўхшамас экан.

Фарғонанинг «қон терли отлари» деб аталган бу отларнинг бўйи баланд, танаси бақувват, лекин ихчам тузилган, бўйни оққуш сингари қайрилган, қирғийбурун бошли бўлган. Ўрта Осиёнинг бу жанговар отлари фақатгина ўз эгасини тан олар, туёқлари ва тишларини ишга солган ҳолда эгаси қатори жанг қилар эди. Манбаларда бундай отлар яradор суворийни ўлдирмоқчи бўлган ёки унинг қурол-яроғларини олмоқчи бўлган душманларни даф қилгани ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб мисоллар келтирилган. Бу ҳол жангда нафақат инсон, балки у билан ёнма-ён жанг қилаётган садоқатли йўлдош – отларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлганлигидан далолат беради.

Халқимиз орасида ҳозир ҳам отни «йигитнинг қаноти», «Етти хазинанинг бири», «Тилсиз одам», «Уй ҳайвонларининг подшоси» деб номлаш кенг тарқалган. XI асрда яшаган аллома Умар Хайём бир хақиқатни топиб айтган эди: «Бугун хеч бир гуруҳ буни (отларни) уларнинг фазилат ва камчиликларини турклардан яҳшироқ билмайди, чунки улар кечаю-кундуз от билан шуғулланадилар ва жаҳон уларнинг қўлидадир». Аждодларимиз отга минибдики, ғанимлари томонидан бир хақиқат эсланади: «Туркийларни енгиш учун уларни аввал отдан туширмоқ керак!». Шундай, туркийлар отдан тушгач, кўрдик: бошларига не кунлар тушди... «Таланди самовий тулпорлар уюри, таланди зарлари, зебу забари ...»[436]

Илмий техник тарққиётнинг ҳозирги даврида ҳам от ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мустақиллик йилларида халқимизнинг отга доир азалий миллий қадриятлари қайта тикланди. Шундай қадриятларимиздан от билан боғлиқ спорт турлари: улоқ, кўпкари, от пойгалари ҳам қайта тикланмоқда. Умуман, ўтмишда ҳар бир халқ отни эъзозлаган, муқаддас билган. Айниқса, туркий халқлар отни яхши кўриб, уни азиз тутишган, шунинг учун отчилик уларда тез ривожланган. Туркийлар йилқичиликни ривожлантирди, унинг наслини яхшилади ва сара зотли отларни етиштирди.

[436] Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: 1996

Даваннинг машҳур «самовий отлари» тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Хусусан, Ўш шаҳридан 8 км узоқликдаги Айримчатовнинг қоя адирларида 30 та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат шаҳри яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Даван ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак санъат соҳиблари бўлганликларидан ҳам далолат беради.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Холбутаева М.Қ., Хасанова М.А.
Темурийлар тарихи давлат музейи
кичик илмий ходимлари

Мустақил Ўзбекистон жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафидан ўрин эгаллаб, барқарор ривожланиши учун мустақиллик дунёқарашига эга бўлган, миллий ифтихор туйғуси билан йўғрилган, эркин фикрловчи, айни вақтда фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган шахсни тарбиялаб вояга етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Тарихий хотирани шакллантириш, уни ривожлантириш, шу билан бирга ҳозирги авлод руҳида миллий ғурур туйғуларини пайдо қилиш ишида барча маданий-маърифий муассасалар қаторида музейлар ҳам ўзига яраша ҳиссасини қўшмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» ва «Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзликни англаш мумкин эмас»[437] деган фикрлари жуда қимматлидир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврига кирган мустақил республикамиз олдида музей ишларини янада ривожлантириш, маънавиятимизни юксалтириш каби долзарб муаммолар турибди. Бу вазифани муносиб тарзда бажариш учун дастлаб музейларнинг терма, йиғув ишларини ҳозирги замон даражасида ташкил этиш керак. Бу қидирув шаклидаги дала тадқиқотларини, аҳолидан қимматбаҳо бўлган тарихий буюмларни аниқ мақсад асосида белгилашни, жойнинг ёки

[437] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келаджак йўқ. –Т., “Шарқ”, 1998. 35-бет.

муайян ҳудудларнинг сайёҳлик йўналишларини, кўз ўнгимизда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, музей аҳамиятига молик ашёларни йиғиш учун истиқболлироқ жойларда музейларнинг доимий амал қилувчи қидирувларини ташкил этишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликлар, хусусан, амалий санъатга оид бебаҳо ёдгорликларни асраш ва халқ амалий санъати, ҳунармандчилигини ривожлантириш ишида ўзига хос инқилобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. «Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш – маънавий дастуримизнинг жуда муҳим қисмидир. Ушбу миллий бойлик аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим», - деб уқтирган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов[438].

Жамиятни маънавий, ахлоқий камолга етказишга кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг катта аҳамият касб этишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими Вазирлигининг 2002 йил июнь ойида қабул қилинган Республика Олий ва ўрта- махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва ёшлари ўртасида маънавий маърифий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қўшимча буйруқлари ва шу асосда вилоят ҳокимлигининг қарор, тадбир-режалари ва кўрсатмалари музейлар ва ўқув юртлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамда маданий маърифий ишларни ҳамкорликда олиб боришга кенг имкониятлар яратиб берди.

Музейлар тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан бўлиб, ўзининг экспозицион ва кўргазмалари воситасида ташвиқот ва тарбиявий ишларни амалга оширади.

Мустақиллик йилларида Республикамизнинг турли шаҳарларида, жумладан, пойтахт Тошкентда 1996 йил «Темурийлар тарихи давлат музейи», 2002 йилда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳамда Термизда «Археология музейи» ташкил топди. «Ўзбекистон тарихи Давлат музейи», «Ўзбекистон Давлат Санъат музейи» ва вилоятлардаги қатор музейлар қайта таъмирланди. Ҳозирги кунда республикамизда 1200

[438] Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. - Т., “Ўзбекистон”, 2007. 128-бет.

дан ортиқ турли йўналишдаги катта-кичик музейлар фаолият кўрсатмоқда.

«Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги ПФ-1319-сонли Фармони музейшуносликнинг равнақига кенг йўл очиб берди. Фармонда кўзланган мақсадлардан бири, республикамиздаги барча музейларни ягона бир тизимга бирлаштириш, яъни уларни маънавий бошқарувчи марказий раҳбар орган яратишдан иборат эди. Ўша Фармонга биноан янги ташкил топган «Ўзбекмузей» жамғармаси фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ўзининг асосий йўналишларини белгилаб, амалга жорий этиш лозим бўлган вазифаларни аниқлади:

- республикамиз музейлари ўз йўналишларига қараб халқимиз бой маданий меросини, унинг тараққиёт босқичларидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, замон талаблари асосида истиқлол руҳидаги экспозициялар яратилиши зарурлиги ;

- асрлар давомида яратилиб, четга чиқиб кетган меросимизни Ватанимизга қайтариш;

- музейларни маънавият ўчоғига айлантириб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига давлатимиз тарихига, қадимда асос солинган аждодларимиз меросига нисбатан ғурур ва фахр туйғусини сингдириш;

- музейларимиздаги бой экспонатларни, ютуқларимизни жаҳон жамоатчилигига танитиш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириш, вилоятлараро кўргазмалар ташкил этишга кўмаклашиш;

- халқаро туризмни ривожлантириб, Ўзбекистон музейларига чет эллик сайёҳларни жалб қилиб, уларга юксак маданий хизмат кўрсатиш;

- музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини тузиш ишларида замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш ҳамда ноёб экспонатлар акс этган открыткалар, буклетлар, йўл кўрсаткичлари, альбомлар, каталоглар чоп этиш;

- кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий қараш мақсадида олий ўқув юртларига музейшунос олимларни жалб этиб, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, ўқув машғулотларини амалий машғулотлар билан узвий боғлаб олиб бориш, республикадаги етакчи музейларда музей ходимларининг малакасини ошириш.

Шу кунларда музейшунос олимларимиз республикамиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ниятида музейларни ривожлантиришнинг махсус илмий тамойилларини ишлаб чиқдилар. Мутахассислар фикрича, бу борада Ўзбекистон тарихи давлат музейи янги экспозициясининг илмий тамойиллари барча музейлар учун намуна бўла олади. Ҳозир тамойил ва тематик-экспозицион режалар кўпайтирилиб, республикамиздаги барча музейларга тарқатилди.

Кейинги йиллар давомида музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан 2002 йилдан буён илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейларни миллий истиқлол ғоясига асосланиб жиҳозланишнинг аҳволини ўрганиш ва бу борада уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги 2002 йил 11 июндаги 07-105-282-сонли қарори республикамиздаги барча музейларнинг фаолиятини ўрганишга қаратилди. Мазкур ҳужжатга биноан «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан бир гуруҳ етакчи мутахассис олимларни, музейшуносларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузилди.

Мустақиллик йилларида республика Амалий санъат музейи фаолиятида ҳам катта ўзгаришларга эришилди. Қисқа вақт ичида музей грант ҳисобига олинган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Япония ҳукумати тарафидан 2002 йили тақдим қилинган бу жиҳозлар музей видео-электрон техник воситалари билан кузатув ва қўриқлаш имконини берди. Шунингдек, АКШ, Италия, Германия каби давлатларда музейнинг кўчма кўргазмаларини ташкил этишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида музей илмий ходимлари музейнинг нодир экспонатлари тизимидан уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги рангли альбомни нашрдан чиқарадилар. Ҳозирги вақтда музей захирасида сақланаётган жами ашёларнинг жамлама каталогини тузиш ниҳоясига етказилди.

Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Айниқса бу борада музейларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки музейлар ўтмишдан келган тарихий маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб амалдаги қонун-қоидаги мувофиқ равишда сақланади ва намойиш қилинади.

Музейлар дастлаб бадиий асарлар мажмуига кейин эса моддий ва маънавий маърифий ёдгорликларни йиғувчи ва сақловчи муассасага айланган. Ўзининг улкан тарихий обидалари билан нафақат Европа ва Осиёда, балки бутун дунёга машҳур бўлган Италия давлатида ҳам XV асрга келиб, мавжуд ёдгорликларни мунтазам равишда тўплаш ишлари авжига чиққан.

XIX асрга келиб, энг катта музейлар АҚШ, Англия, Швеция, Япония, Ҳиндистон ва Россияда барпо этилди. Шулар қаторида 1852 йили Эрмитаж, 1873 йили Москвадаги Тарих музейи, 1892 йили Третьяков галереясининг ташкил этилгани сўзимиз далилидир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, халқининг бебаҳо тарихи ва маданиятининг ажралмас бир қисмини ташкил этадиган, маънавий тараққиёт учун катта аҳамиятга эга бўлган ёзма манбалар, санъат асарларини илмий тадқиқ этиш, юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш борасида юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу ноёб тарихий-маданий ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг бебаҳо дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик хазиналар ҳисобланади.

Шунингдек, Ватанимиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб қимматбаҳо материаллар хорижий давлатларнинг музейларида сақланмоқда. Ушбу маданий мерос ёдгорликларини аниқлаш ва ўрганиш, мамлакатимиз музейларига олиб келиш юзасидан кейинги йилларда кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Халқимиз, айниқса ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини чуқур тадқиқ этиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2017 йил 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3074-сон қарори[439] ҳамда 2017 йил 5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 700-сон қарори[440] қабул қилинди.

Қарорга кўра миллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш, тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, фаолият йўналиши бўйича хорижий давлатлардаги музей ва фондлар,

[439] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон қарори.

[440] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 5 сентябрдаги 700-сон қарори.

архивлар, илмий-маданий муассасалар билан ўзаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш, турли анжуманлар, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш, чет мамлакатларда сақланаётган маданий бойликларни юртимизга қайтариш юзасидан музокаралар олиб бориш ва зарур чора-тадбирлар кўриш, бу борада халқаро миқёсдаги илғор тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва самарали бажарилишини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро шартномалар ва умумэътироф этилган нормаларни миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш, хориждаги мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, глобал интернет тармоғида кенг ёритиш, улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш, тўпланган материалларни мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида илмий муомалага киритиш вазифалари белгилаб берилди.

Қарорга мувофиқ марказ фаолияти натижасида хорижда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларнинг асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирлари Ўзбекистон Республикасига олиб келинганида (қайтарилганида), зарур илмий-тадқиқот ишлари бажарилганидан сўнг, улар Комиссиянинг хулосасига асосан, тегишли давлат музейлари тасарруфига бепул ўтказиб берилиши, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларнинг маълумотлар базаси – реестрини яратиш, уларнинг кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш, турли анжуман, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш учун имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро молиявий институтлар ва хорижий донорлар билан тизимли ишлар олиб бориш белгилаб қўйилди.

Музейларда тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш лозим. Кандакорлик, каштачилик, заргарлик санъат тарихи, унинг тараққиёт босқичлари мавзуида кўп ишлар қилинган. Китоблар ёзилган. Аммо, шу билан бирга халқ кандакорлик ва каштачилик санъатини илмий фалсафий, этногенетик ва қиёсий жиҳатдан ўрганиш, унинг китобот борасида қилинажак ишлар кўп. Кандакорлик ва кашта нақшлари халқнинг фалсафий дунёқараши, урф-одатлари тарихи, этногенетикасини ўрганишда муҳим моддий манба ҳисобланади. Кандакорлик ва каштачилик санъатини қардош халқлар санъати билан қиёсий тадқиқ этиш ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.

Музейларимизда сақланаётган амалий санъат асарлари илмий тадқиқотлар учун бебаҳо моддий манба эканлиги билан ҳам алоҳида

илмий қиммат касб этади. Музейлараро қўшма кўргазмалар кўламини ҳар галгидан ҳам кенгайтириш зарур. Негаки, Бухоро, Хива, Сурхондарёдаги музей захираларида шундай асарлар борки, улар нафақат мамлакатмиздаги марказий музейларда, балки, дунёнинг ҳеч бир музейида учрамайди. Музейлараро қўшма кўргазмаларнинг афзаллик томонларидан бири, аввало, минглаб музей ихлосмандларига қулай имконият яратилишидир. Қолаверса, музей ходимлари ўзаро тажриба алмашадилар ва илмий услубий ёрдам оладилар. Шунингдек, Туман, вилоят ва қишлоқ музейларининг фаолиятини юксалтириш, уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш давр талабидир.

ТАРИХИЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРДА КЛАССИК РЕАЛИЗМИНИНГЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшова С. Б.,
К. Беҳзод номидаги МРДИ магистранти

Рангтасвирдаги изланишлар ижод эркинлиги турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига Мустақилликдан сўнг эришдик. «Санъатни баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий ўй ва кечинмалари белгилай бошлади. Мустақиллик йиллари рассомлик санъатининг мавзуси кенгайди. Энг аввало, миллий тарих билан боғлиқ воқеалар кўпчилик рассомларни ўзига жалб этди.»[441]

1990-йилларда ўзбек рангтасвирида миллий тарихий тематикага мурожаат етакчи йўналишлардан бирига айланди. Тарихий мавзунинг актуаллашуви биринчи навбатда сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга эди. Миллий суверенитетга эришган янги мамлакатнинг давлатчилик тарихи, бой маданий меросини тарғиб қилиш рангтасвир ижодкорлари олдидаги етакчи вазифалардан бири сифатида белгиланди. Юқоридаги жараён табиий характерга эга бўлиб, тарихий воқеликни қайта англаш рангтасвир ижодкорлари учун муҳим эди. Мазкур тенденция минтақавий характерга эга эканини ҳисобга олиш зарур. Мутахассислар ҳақли равишда белгилаб ўтганидек, 90-йиллар рангтасвиридаги муҳим янгиликлардан бири «тарихий-ватанпарварлик мавзуи билан боғлиқ бўлиб, тарихий картина ва тарихий портрет йўналишларининг

[441]Абдуллаев Н. ЎзбекистонМиллий портрет санъати. – Тошкент, 2011. – Б. 13.

ривожланиши учун янги импульс берди. Ҳар бир республикада тарихий арбоблар, шоир ва файласуфларнинг портретлари галереяси юзага келди».[442]

Тарихий мавзуга мурожаат қилишда реалистик ёндашув асосий ўрин эгаллади. Тарихий мавзуда яратилган деярли барча асарларда классик реализмининг маълум даражадаги таъсирини кўриш мумкин.

А.Икромжонов томонидан яратилган тарихий портретлар туркумида ҳам Европа реализмига хос ҳаққонийлик устувор аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ижодий етукликка эришган рассомнинг тарихий портретларида реализм тушунчасига кенг муносабат мавжуд. Классик реализм анъаналарининг ёрқин ифодасини «Мирзо Улуғбек» портретида кўрамиз. Мусаввир изланишларига, айниқса, XVI-XVII голланд рангтасвири кучли таъсир кўрсатгани сезилади.

Европа реализми билан уйғунлик темурий ҳукмдор сиймосининг чуқур психологик тасвирида яққол акс этади. Қаҳрамон нигоҳларига алоҳида урғу берган А.Икромжонов Мирзо Улуғбек қиёфасида Амир Темурнинг рамзий сиймосини уйғунлаштиради. Голланд рангтасвирининг таъсири портретнинг колористик ечимида ҳам кўринади. Мисол учун «Амир Темур» (2002) портретида буюк саркарданинг ҳашаматли либоси, қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган қурол-яроғини акс эттиришда образнинг ҳаққоний, психологик кечинмалари ҳам ҳисобга олинган.

Классик анъаналар тарихий мавзудаги ривожининг муҳим йўналишларидан бири батал жанри билан узвий боғлиқ. Мустақиллик йилларига қадар ўзбек рангтасвирида жиддий аҳамият касб этмаган ушбу жанр анъаналарига мурожаат Алишер Аликулов ижодида салмоқли ўринга эга.

«Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси» (1996) йирик монументал асари композицион мураккаблиги билан ажралади. Образларнинг ўта зич жойлашуви макондан максимал даражада унумли фойдаланишни талаб этади. Алишер Аликулов учун бу борада поляк рассоми Ян Матейко ижоди ўзига хос намуна сифатида хизмат қилади. Матейконинг батал картиналарида кузатилганидек, Алишер Аликулов ҳам асосий эътиборни воқеаларнинг кўлами ва динамикасини тасвирлашга қаратади. Алишер Аликулов ижодий изланишларининг кенг кўламини белгиловчи хусусиятлардан бири шундаки, уларда антик давр анъаналарига ҳам мурожаат мавжуд. «Қадимий Бақтриядаги спорт ўйинлари» (1996) маҳобатли асарида рассом антик анъаналарнинг ўзига хос талқинини яратади. Антик санъат Марказий Осиё қадимий

[442]Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – Б. 127.

маданиятида салмоқли ўринга эга эканини ҳисобга олган рассом Шарқ ва Ғарб анъаналарининг ўзига хос синтезини амалга оширади. Деворий суратнинг биринчи планида бақтриялик спортчиларнинг сиймолари акс этиб, улар барчаси шарқона либосда намоён бўлади. Рассом изланишлари ўзбек рангтасвирида батал жанрини ривожлантириш имконини бергани билан аҳамиятлидир. «Қадимий бақтирияда спорт ўйинлари» 1996й асари Олимпия шон-шуҳрати музейида, «Дунё халқлари эртаклари» 1997й Ёш томошабинлар театрида,»Ўзбекистонниг буюк сиймолари»1998й Тошкент шаҳар Капитал қурилиш бош бошқармаси, «Халқ қўзғалонлари ва жадидчилик ҳаракатлари» ва «Амир Темур Жаҳон тарихида» асарлари Ўзбекистон тарихи музейларига янада мазмун бағишламоқда. Шунингдек, Озарбайжон, Туркия, Миср, Македония,АҚШ ва бошқа шу каби давлатларда бўлган кўргазмаларда асарлари намойиш этилган.

Классик реализми ҳамда ренессанс фрескаси Б.Жалолов ижодий изланишларида ҳам салмоқли ўринга эга. Буни «Абадият гумбази остида» (1995) маҳобатли асарида кўриш мумкин. Асар марказида от минган Амир Темур сиймоси гавдаланади. Б.Жалолов мустақиллик йилларида шаклланган схематик ёндашувдан четлашиб, буюк саркардани ўзига хос қиёфада, янги образли-стилистик ечимлардан фойдаланган ҳолда акс эттиради. Деворий суратда Ўзбекистон тарихининг турли даврларидаги қаҳрамонлар образи ҳам жой олган. Рассом кўплаб қаҳрамонлар образидан фойдаланган бўлишига қарамай, умумий композициясида уларнинг барчаси ўзаро уйғунлик ҳосил қилади. Классик анъаналар тарихий мавзудаги ривожининг муҳим йўналишларидан бири батал жанри билан узвий боғлиқ. 1970-80 йилларда Ренессанс анъаналарининг чуқур таъсирини бошдан кечирган Ж.Умарбеков бу борада тўплаган тажрибаларидан мустақиллик даврида ҳам кенг фойдаланади. Рассом ижодида Темурийлар тарихига бағишланган алоҳида асарлар цикли мавжуд бўлиб, улар орасида, айниқса, «Етти иқлим султони» (1995) тарихий композициясининг монументал хусусиятлари эътиборни жалб этади. Ренессанс фрескаларига хос равишда Ж.Умарбеков картинани горизонтал марказлашган композиция асосида яратади.

Картина марказида Амир Темур сиймоси гавдаланиб, унинг атрофида ўзаро уйғунликда бошқа образлар акс эттирилади. Ж.Умарбековнинг танқидий нигоҳи маҳобатли асарларга хос бўлган улуғвор манзарани акс эттириш имконини беради. Рассом кўп қиёфали, маҳобатли композиция яратишга интилади. У Амир Темурнинг реалистик қиёфасини очиб беришни мақсад қилмаган. Рассом буюк саркарда атрофида Шарқ ва Ғарб тарихига оид турли қаҳрамонлар сиймосини акс эттиради. Бу орқали рассом «Етти иқлим султони» ғоясини тасдиқлаган ҳолда Амир Темур Ўзбекистон тарихидаги энг

ёрқин сиймо эканини намойиш эта олади. Ж.Умарбеков Германия(1980,1986,1991), Япония, Қувайт, Туркия, АҚШ каби мамлакатлардаги кўргазмаларда асарлари билан иштирок этган. Албатта бу ўзбек халқининг фахри ва ифтихори ҳисобланади.

Бироқ айрим бугунги ижодкорлар асарларида классик реализмга хос тасвир техникасини мукаммал ўзлаштириш борасида муаммолар мавжуд. Мураккаб тасвирларга бой йирик жанг саҳналарининг реалистик кўринишини яратишда мазкур камчилик яққол акс этади. Машҳур батал усталари каби кенг кўламли воқеаларни тасвирлашга интилишса-да, уларга кўп ҳолларда табиийлик, шакллар гармонияси ҳамда яхлитлик етишмайди.

Юқоридаги камчиликлар тарихий мавзуда ижод қилаётган бир қатор ёш рассомлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Уларда классик анъаналарга юзаки муносабат мавжуд бўлиб, тарихий мавзудаги асарларнинг бадиий жиҳатдан саёзлашуви, схематик ёндашувларнинг кўпайишига туртки беради.

Мустақиллик даврида классик анъаналар ривожини таҳлил қилар эканмиз, мазкур жараёнда тарихий мавзудаги асарлар ҳам салмоқли ўрин эгаллашини таъкидлаш лозим. Тарихий мавзу ривожи сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга бўлса-да, классик анъаналарга мурожаат ҳар бир рассомда эркин кечди. Ижодий изланишлар айни пайтда «классика» тушунчасининг кенгайишига ҳам туртки берди. Портрет жанрида бу реализм, романтизм анъаналарига мурожаат қилиш билан белгиланса, маҳобатли рангтасвирда батал жанри анъаналари ривожида кузатилади. Мавжуд муаммолар эса изланишларни давом эттиришни, классик анъаналарни янада чуқур англашни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон Миллий портрет санъати. –Тошкент: 2011.
2. Веймарн Б. Искусство Средней Азии. М. – Л., «Искусство», 1940.
3. Веймарн Б., Черкасова Н. Искусство советского Узбекистана. Очерки.Живопись. Графика. Скульптура. М., «Искусство», 1960.
4. Махмудов Т. XX аср санъатида реализм. – Санъат, 1999/1-сон.
5. Хакимов А.А 1920-1980 йиллар Ўзбекистон санъати. – Санъат 1999йил/4сон.
6. Хакимов А.А. Искусство нового Узбекистана. – Санъат, 1999 йил/2сон.

Мундарижа

Исмаилова Ж. Музейларнинг илмий-тадқиқот йўналишларидаги фаолияти 3
Зияева Д. Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар 10
Шодмонова С. Туркистон матбуотида турли фан соҳаларига оид масалалар талқини (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) 17
Эргашева Ю. Политические гонения и идеологический прессинг на творческую интеллигенцию Узбекистана в послевоенные десятилетия 25
Матбобоев Б., Хошимов Х. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг илк босқичлари 33
Левтеева Л. Документы И.А. Райковой в собрании государственного музея истории Узбекистана 40
Мусакаева А. Монета Агафокла 52
Нуриддинова Т., Файзиева В. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда қадимий шаҳар харобаларининг ўрни (Афросиёб ва Оқшахонқалъа мисолида) 56
Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигининг тарихий илдизлари 60
Курязова Д. Музейларнинг таълим соҳасидаги долзарб масалалари 65
Сеттаматов М. Хоразм вилояти Боғот туманидаги қалажиқ қалъадан сайёҳлик мақсадида фойдаланиш истиқболлари 71
Jumaniyozova M., Ruzimatova G. Boshlang‘ich ta’limda buyuk ajdodlar haqidagi asarlarni o‘rganish (Z.M.Bobur misolida) 76
Левтеева Л., Саидхонова С. Сохраняя культурное наследие 83
Тўхтиев И., Зиямухамедова С., Газизова А. Творить искусство. из собраний фонда художественных произведений государственного музея истории Узбекистана АН РУз 90
Рахимов К.А., Ноқобилов Т.Х. Сополли маданияти кўчма оташгоҳларини ўрганилиши ва улар билан боғлиқ муаммолар 103
Левтеева Л.Г., Каюмова Д. Яркие краски керамики. (керамические изделия в собрании ГМИУ) 107
Холмуротов Б.Р., Бурҳанова М.К. Шомонлик эътиқодини тадқиқ этиш методологиясига доир айрим мулоҳазалар 115
Қурбонова Д.А. Туркия музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид ашёлар ва уларни ўрганиш масалалари 118
Каримова Д. Жанубий Ўзбекистон бронза даври жамоаларининг дафн маросимлари 123
Сабиров М.М. Европа ва Шарқ тасвирий санъатида «олтин кесим» тушунчаси 127
Минасянц В.С. Сарматское зеркало из собрания государственного музея истории Узбекистана АН РУз 131
Файзиева В.С. Государственный музей искусств Узбекистана: история создания и формирования коллекции. 136
Толипова Н.Н. Жиззах шаҳридаги Ҳ.Олимжон ва Зульфия музейи ривожи ва тараққиётида инновацион технологияларнинг аҳамияти 140
Расулова Ф.М. Некоторые представления об Александре Македонском бытовавшие у народов Центральной Азии 148
Исамутдинова М.Понятие духовного наследия и влияния его на историческую память народа 152

Арипджанов О.Ю. A brief history of the worked bone, ivory, antler and horn objects from bactria in kushan period (1st century bc – 4th century ad) 155
Миносянц В.С., Қаюмова Д.А. Оссуарии из кубатау, хранящиеся в государственном музее истории Узбекистана АН Р Уз (из раскопок Я.Г.Гулямова и Т.М.Миргиязова в сентябре 1936 г.) 159
Мирзаев А.Т. Қўқон уездида пахтачиликнинг ривожланиши масалаларини архив ҳужжатларида ёритилиши (колониал давр мисолида) 166
Исмаилов А.Ф. «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишда тарихий онг, тарихий билим, тарихий хотира ва тарихий дунёқараш уйғунлигини таъминлаш 171
Муҳамедова М.С. ИКОМ ва ИКОФОМ бош конференциясининг жаҳон музейшунослиги ривожида тутган ўрни 177
Аҳмедов Ж.З. Protection and study of historical-cultural monuments of fergana valley 186
Камбарова Д.Маданий меросни ўрганишда диний қадриятларнинг аҳамияти 189
Кудратова И. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи тўпламларига доир 192
Аметов Т.А. , Турсунбоев С.О., Қаипова М.Д. Қорақалпоғистон энг янги тарихи масалаларининг хорижий олимлар томонидан замонавий талқинда акс этиши 196
Иномов О.У. Антик ва илк ўрта асрларда Тошкент воҳасида жойлашган маданиятларнинг ўзаро алоқалари 202
Ходжаев Б.Р. Бухоро тимларининг тадқиқоти, таъмирлаш ва консервация муаммолари 208
Аббосов Б.Б. Яҳудийларнинг Ўрта Осиёдаги этноинтеграциясига доир 214
Нуриддинов А.А. Кўҳна Косон тарихи 218
Ҳақназаров Х.Д., Сулаймонова Г. «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи»нинг ёшлар кундалик муаммоларини олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти 223
Юсупова Э. Ф. Пути и методы активизации молодёжных организаций в реализации Государственной молодёжной политики 228
Раззоқова Г., Абраева Ю. Хоразм қўшиқчилик санъати хусусида 234
Мирзаев Ғ. Туризмни ривожлантиришда музейларнинг ўрни (Туркманистон музейлари мисолида) 240
Ақчаев Ф., Сулаймонов И. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини илмий тадқиқ этиш- ижтимоий зарурият сифатида 243
Абдурашидова Н.А. Миллий брендларни халқаро бозорларга олиб чиқиш стратегиялари 248
Баракаева Г.Л. Баркамол авлод тарбиясида халқ урф – одат ва анъаналарнинг ўрни . 254
Шарипов Ф.Н., Бердиев Ж.П. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд Академияси тарихидан 260
Умаров С.Я. Ўзбекистон ва Германия ўртасида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳуқуқий асосларининг яратилиши 264
Ҳошимов Ш.Ж., Ҳошимова С.Х. Замонавий инновацион педагогик технологиялар ва музейшунослик мафкуравий иммунитетни шакллантириш омили 271
Жахонов Т.Далварзинтепа – Ўзбекистон жанубидаги антик давр маданиятининг ўчоғи. 274
Қосимова Ш.А. Глобаллашув даврида маданий мерос ва музей 278
Байбосинова С.С. Қорақалпоқ қора уй безаклари (Қоралапоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган экспонатлар мисолида) 283
Аҳмедова Г.К. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ma’naviy merosga munosabatni shakllantirish 287
Гаипова М. Музей дўстлари ассоциацияси ва миллий музей сиёсати 291
Гайсина Р.Ш.Материальное и нематериальное наследие узбекистана 296

Орифжонова Г.Р. Ўзбекистон музейлари этнографик коллекцияларини ўрганиш тарихи 301
Кариева Н. XIX аср – XX аср бошларида Россия изланувчиларининг Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган география фанига оид тадқиқотлар 305
Турсунқулова Ш.Т. Санъатнинг шахс эстетик онгини шакллантирувчи синергетик жиҳатлари 311
Ҳамроқулова Ш.Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг маданий ҳаётидан лавҳалар 316
Тангиров О.Э., Асқарова С. Мактаб ва музей: яқин ҳамкорлик назарий ҳамда амалий билимлар самараси 323
Тургунова Ф.Н. Самарқанд ёдгорликларининг ислом меъморчилигида тутган ўрни 327
Сапарбаев Б.Х. «Фирдавс ул-иқбол» асарининг тарихшуносликда ўрганилиши 330
Абдурахмонова М., Сатторова А. Поль Гогеннинг оддийлик санъати 333
Абдурахмонова Ф.Э. Ёр-ёр қўшиқларининг жанрий хусусиятлари ва унинг номоддий маданий меросда тутган ўрни 339
Азизқулов А., Рахматуллаева С. Ёшлар тарбиясига умумбашарий қадриятларни сингдиришда маънавий мероснинг аҳамияти 346
Ақчаев Ф.Ш., Пардабоев Ф. «Қўлписар ота» зиёратгоҳи маданиятлар алмашинуви маркази сифатида 350
Астанов С.М. Дорус-саодат меъморий мажмуаси 354
Балтабаева М.М. Санъат асарлари ноқонуний савдосини олдини олишда «ЮНЕСКО» халқаро ташкилотининг ўрни 357
Бекенова А.А., Набиева О.О. Ўзбекистон давлат санъат музейидаги кандакорлик буюмлари жамланмасига доир 361
Бегижонов Ж. Меъморий обидалардаги рамзий безаклар таҳлилига доир 364
Жаббарова Л.Т., Жаббарова М.Т. Музей архитектурасида замонавий тенденциялар 368
Иброхимова А. Имом ал-Бухорий Европаликлар нигоҳида 371
Исмаилова Д.У. Адабиёт дарсларида маънавий қадриятларни шакллантиришда таълим ва музей ҳамкорлиги 375
Магдиева М.Э. Ўзбек кашталаридаги нақш ва рангларнинг инсон руҳиятига таъсири 379
Матбобоева З., Ҳошимова Б. Ўрхун-Энасой ёзувлари ва уларда одоб-ахлоқ масалаларига доир 383
Рахимов Ф.А. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда музейлар фаолияти: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболи масалалари 386
Маҳмуджонов М.М. Ўзбекистонда туризм инфратузилмасида жамоатчилик биноларининг ўрни 392
Уралова М. Мафкуравий иммунитетни ўқувчи-ёшлар онгида шакллантиришда тарихий онг, тарихий хотиранинг аҳамияти 397
Усманова У. Самовий тулпорлар соғинчи 401
Холбўтаева М.Қ., Хасанова М.А. Ўзбекистонда музейшуносликнинг ривожи ва тараққиёти 405
Эшова С.Б. Тарихий мавзудаги асарларда классик реализмининг ўзига хос хусусиятлари 411